

АМИНБОЙ ВАПОЕВ

**ХОТИРАМДА
ЖОНЛАНГАН
ЎТМИШ**

МАЖБУРИЙ НУСХА

**«ISTIQLOL»
Тошкент — 2013**

66.3(59) - Итти сиёсат

УЎК: 323(092)Вапоев

КВК: 63.3(5Ў) - ҶБ. марси

B12

Тақризчилар:

Темур Абдуллаев — Урганч Давлат университети тарих факультети декани, тарих фанлари номзоди;

Ўткир Абдуллаев — Урганч Давлат университети тарих кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди;

Юлдуз Рахмонова — Урганч Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди.

63.3(5Ў)

Вапоев, Аминбой.


B12

Хотирамда жонланган ўтмиш: / А.Вапоев, — Тошкент: Istiqlol, 2013. — 312 б.

Ҳар бир раҳбарнинг ўз иш услуби, бошқариш санъати бўлади. Инсонлар тақдири, табиат инжиқликлари, ҳалоллик, ҳақиқатни ҳимоя қилиш, ёмон ниятли кишиларнинг уринишларини фош этиш, доимо яхшилик қилиш — булар ана шу китоб муаллифининг бошидан кечирган воқеалардир. Хотиралар оддий тилда, бадиий бўёқларсиз, қизиқарли баён этилган. Улар сизда ҳам илиқ таассурот қолдиради, деб ўйлаймиз.

УЎК: 323(092)Вапоев

КВК: 63.3(5Ў)



1041757
2

МУҚАДДИМА

Вақтнинг нақадар тез ўтишини ва ундан катта бойлик йўқ эканлигини фақат кексаларгина яхши англайдилар. Мен ҳам мана 80 ёшнинг остонасида туриб, шу боисдан ўтган умр йўлимга назар солдим. Бундай қараганда менинг умрим фақат Гурлан туманида ўтгандек. Чунки, туман миқёсидаги турли катта-кичик вазифаларда ишлаб, истиқлол боис туман ҳокими вазифасида фаолият юритдим.

Аммо менинг болалигим собиқ шўролар иттифоқининг ғоятда оғир урушдан олдинги ва уруш даврига, ўспиринлик ва ёшлик пайтим, ўқув юртларида таҳсил олишим ғалабадан кейинги тикланиш даврига, турли идоралардаги меҳнат фаолиятим эса то нафақага чиққунча (1997 йил) ва ундан сўнгги ишлар эса то 2007 йилгача давом этди.

Бу йиллар мобайнида давр менинг тақдиримда ўзига хос акс этди. Жўшқин меҳнат, турли ҳаёт синовлари, қувончли ва қайғули воқеалар, туман, вилоят ва республика раҳбарлари, турли идора бошлиқлари билан кечган учрашув ва суҳбатлар, собиқ иттифоқ миқёсидаги турли йиғилиш ва қурултойларда бўлишим жараёнидаги олган таассуротларим, улардан чиқарган хулосаларим, истиқлол боис ўзим туғилган туманга ҳоким қилиб тайинланишим, қилинган ишлар, хориж сафари, мусулмончилиكنинг фарзи — исломнинг бешинчи шартини бажаришнинг насиб қилганлиги, хуллас, бугунги шукроналик, менинг ўтган даврга бир нигоҳ ташлашимга сабаб бўлди.

Натижада мен босиб ўтган ҳаёт йўлимга яна бир қайтишга, ўтмишни хотирамда жонлантиришга уриндим. Натижада қўлингиздаги ушбу китоб юзага келди.

Гарчи китоб бир инсоннинг умри йўли баёни бўлсада, унда ўзим гувоҳи бўлган, кузатган даврни ёритишга уриндим. Ўйлайманки, китобда битилган воқеалар, айниқса урушдан олдинги, урушнинг машаққатли қийинчиликлари ва кейинги тикланиш даври бугунги ёшлар учун худди эртадек туюлади. Мен ана шу қийин-

чиликлар даври ортда қолганига, худди эртак мисол ёзиб, сизга тортиқ этаётган эсталикларимга шукур қиламан. Бу эса бугунги тинч, барқарор, ҳамма нарса муҳайё, шароитлар етарли қилиб яратиб берилган истиқлол даврининг қадрига етишимизга сабабчи бўлади, дея ўйлайман.

Хуллас, китобга қандай баҳо бериш сиз азиз ўқувчиларнинг хоҳишингиз. Мен эса бугунги шукроналикдан келиб чиқиб, сизларга «Хотирамда жонланган ўтмиш»ни ҳикоя қилиб беришни жоиз деб билдим.

БОЛАЛИК ТААССУРОТЛАРИМ

Мен 1936 йилнинг июнь ойида қадимий Хоразмнинг «кадхудолар эли» дея доврўқ қозонган Гурлан туманининг Сахтиён қишлоғида туғилганман. Тарихий маълумотларга кўра, Сахтиён 92 ўзбек уруғларидан бири бўлиб, қишлоғимиз жўшқин Амударё ҳамда Қилич Ниёзбой арнаси — канали оралиғида, Эшимжирон, Боғолон, Чўболончи ҳамда Гурлан тумани маркази билан ёндош жойлашган. Овулимизни Оқсоқоллар дея номлашган.

Отам Худойберганов Вапо (1900-1975) 1930 йилдан то нафақага чиққунча умр бўйи жамоа хўжалигида бригадир бўлиб ишлади. Онам Холмуротова Хонимжон (1910-1994) ҳам жамоа хўжалигида оддий деҳқон-колхозчи бўлиб ишлаган эди.

Умри қишлоқда меҳнат қилиш билан ўтган ота-онам олти қиз ва бир ўғил фарзанд кўрган бўлиб, мендан катта опамнинг исми Амина (1929-2009) бўлиб, унинг Тўлғоной, Шукурилла, Мунаввар, Курбийёз, Салима, Солий (раҳматлик), Самандар, Санобар, Сапарбой, Зайнаб, Дармон исмли фарзандлари, кўплаб неварачевара, эваралари бор. Сингилларимнинг исми Ўрозбика (1939 йилда туғилган, 2 ёшида вафот этган), Гулжоний (1941 йил туғилган, 2 ёшида вафот этган), Омонжон (1943 йил туғилган, 26 ёшида вафот этди. Ушбу сингилдан Қадамбой исмли ўғли ёдгор бўлиб қолган бўлиб, ҳозирда 3 та қизи ва 1 ўғли, кўплаб неваралари бор), Сапаргул (1945 йил туғилган, 2 ёшида вафот қилган), Шукуржон (1948 йилда туғилган бўлиб, ҳозирда Фарҳод, Эргаш, Жавлонбек, Турсуной исмли фарзандлари, анча неваралари бор).

Отам жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлаганидан, ҳар кун кечкурун колхоз бошқаруви идорасига мажлисга борар, қилинган ишлар, эртанги кун режаси йиғилишда кўриб чиқилар, шу билан бирга давлат ва жамиятда бўлаётган воқеалар ҳам гапириларди. Отамнинг ўзи сингари бригада бошлиғи бўлиб ишловчи Қорабой ҳамда Нурмат ака деган дўстлари бўлиб, улар кечкурун

мажлисдан қайтишда ҳар уч кунда бизнинг уйга келиб чой ичиб, овқатланиб кетишарди.

Мен ёш бола бўлсамда дастурхон ёнида ўтириб, баъзида кўрпага ўраниб, уларнинг дўстлигига, бир-бирининг сўзларини маъқуллаб, баҳслашиб сўзлашиш оҳангларига ҳавасим келарди. Ана шундай суҳбатларнинг бирида «уруш бошланди» деган кўрқинчли сўзларни айтиб, ўзларининг ҳам урушга боришлари мумкинлиги тўғрисида гаплашганларини, «Гитлер, фашист» каби мен ўшанда тушунмаган атамаларни ишлатишганини ҳамон эслайман.

«Уруш бошланибди», «Гитлер бостириб келаяпти», «фашистлар ёмон», «эркакларни урушга олиб кетишаркан экан» сингари сўзларни эртасига бошқа қўшнилардан ҳам эшита бошладим.

Овулимиздан, қишлоғимиздан ҳам эркакларни фронтга олиб кета бошлашди. Отамнинг Римбой деган укаси бўлиб кўп қор ёққан, совуқ пайти кунда урушга кузатиб қўйганимиз ҳам эсимда. Ўшанда Урганч – Гурлан йўлига кечаси момом, акам, катта қиз опам биргаликда йўл бўйидаги уста Яхшим деган бобонинг уйига бордик. Ўша уй ёнига от-араваларда фронтга кетаётган йигитлар қўшиқ айтиб, Гурлан туман марказидан кела бошлашди.

Йўл ёқасидаги ўша уй ёнида кузатишга чиққан одамлар, бизнинг яқинларимиз тинмай йиғлашарди. Ўшанда Римбой акам ҳамма билан қучоқлашиб хайрлашаркан, менга навбат келганда ердан даст кўтариб бағрига босди. Кейин бўлса аравадаги йигитлар ёнига қўшилиб фронтга жўнагани ҳозиргидай эсимда турибди.

Римбой акам фронтга кетгандан кейин уни соғиниб, қолаверса урушда бўлгани учун ҳаётидан хавфсираб, ҳар куни момом, акам, онам, Кўчқор деган акамнинг оғаси (1892 йилда туғилган) уйдаги овқатланиш маҳали йиғлайдиган бўлишди. Кўчқор бобом аравакаш бўлиб, унинг отини фронтга жўнатамиз дея мудофаа бўлимига олиб кетишди. Бу ҳолат унга жудаям таъсир қилди шекилли, Кўчқор бобом ўша куни ҳар кунгидан ҳам қаттиқ овозда йиғлаб олди. Шунда акам оғасига:

— Сиз укангизни урушга жўнатгандаям бу даражада йиғламаган эдингиз, нега энди от туфайли бундай даҳшатга тушдингиз? — дея ҳайратланиб танбех берганида.

— Укам Римбой, албатта урушдан келади, лекин от қайтиб келмайди, — дея яна қаттиқ йиғлаганлари эслайман.

Отамнинг бригадасида ерларга ишлов бериш учун 12 та ҳўкиз, 2 та от, икки арава бор эди. Ҳўкиз ва отларга ўт, ем-хашак йўқлиги

сабабли баҳор келиши билан бригада колхозчилари партав-экилмаган ерлардан ажриқ сингари табиий ўтларни кавлаб ҳўкиз, отларга озуқа беришарди. 1942 йил баҳорида колхозчилар шу иш билан машғул бўлишди.

Бизларнинг ҳовлимиз боғининг орқасида тутзор бўлиб, колхозчилар у ерда ишлашар, мендан икки ёш катта Ўрозбой исмли жўрам билан колхозчиларнинг ёнига бориб юардик. Улар иш билан овора бўлсаларда, урушдаги вазият тўғрисида ўз билганларича гаплашишарди.

Шундай кунларнинг бирида отамнинг бригадасида табелчи-ҳисобчи бўлиб ишловчи Собир Маткаримов ҳамда асли Сахтиён қишлоғидан, аммо туман марказида яшовчи Ражаб Қўчқоров деган йигитлар нима сабабдандир ёқалашиб муштлаша бошлашди. Мен бундан ваҳимага тушиб отамни чақириб келдим. Отам дарҳол етиб келдида, уларни ажратиб, ҳар иккаласига бир мушт урди.

Мени ҳайратга солгани шу бўлдики, улар ҳамон жаҳддан тушмас, «агар фронтга бориб, миллиқ беришса сени биринчи бўлиб отаман» дея бир-бирига ҳамон важоҳат билан сўзлашарди.

Кўп ўтмай уларни ҳам армияга олишди. Иккаласиям урушга жўнаб кетишди. Отам ўшанда уларни қайғуриб, «ахмоқ ёшлар-ей, бир-бирини отиб қўйишмаса эди. Иккаласиям соғ-омон келишсинда» дея гапирганлари ҳамон эсимда. Шукри, отамнинг тилаклари амалга ошди. Собир ака бир йилдан сўнг урушдан ярадор бўлиб қайтди. Ражаб ака ҳам уруш тугагач Гурланга қайтиб келди. Улар вақт ўтиб бола-чақали, невара-эварали бўлиб, иккаласиям 86 ёшида вафот этишди.

Ўша уруш вақтлариям олдингидек колхоз бошқарув идорасида ҳар куни мажлис бўлар, отам Қорабой, Нурмат акалар билан олдингидек йиғилишдан келиб бизларнинг уйда овқатланиб, чой ичиб ўтиришар, энди уларнинг гап-сўз мавзусиям уруш ҳақида бўларди. «Фашистларнинг келиши ёмон дейишаяпти, урушда Гитлер кам-кам ичкарилаб келаётган экан, бу боришда биз-бригадирларниям урушга жўнатишса керак, Бизку жангга бораверамиз. Болаларимиз ёшда», дея қайғуришиб ўтиришарди.

Орадан бир неча кун ўтиб, отамга ҳам мудофаа бўлимидан чақирув қоғози келди. Эртасига отам туман марказига-мудофаа бўлимига кетди. У ерда отамга уч кун ичида тайёргарлик кўриши кераклиги, ички оқ кийим зарурлиги ва бир ойга етгулик тариқдан тайёрланган нон тахт қилиши айтилибди.

Натижада отам тайёргарлик кўриб, бир қўйимизни туман марказига олиб бориб сотди ва пулига оқ товар-бўз олиб келди. Энди ундан кийим тикиш керак эди. Шу боис опам билан кечқурун Қорабой аканинг аёли Шукуржон опада тикув машинаси борлиги сабаб, уларнинг уйларига бордик. Бизлар борсак, Қорабой аканинг қизи Холпошша шолидан гурунч қилиш учун кели деган ускунада шоли янчаётган экан. Опам Холпошшага ёрдам бериб келида шоли янчди. Шукуржон опа эса тикув машинасида отамга бўздан кийим тикиб берди. Ана шу ишлар сабаб, биз уйга жуда кеч қайтдик.

Уйга келсак акам, дўстлари Қорабой ва Нурмат акалар жуда хурсанд бўлиб ўтиришган экан. Сабаби туман партия қўмитасининг биринчи котиби Ашуров «Вапо Худойберганов тажрибали бригадир. Унинг бригадасида 40 гектар ерга пахта экилади. Фронтга пахта ҳам керак. Ваподек тажрибали деҳқон бригадир урушга кетса, иш оқсаб қолади-ку» дея мудофаа бўлими бошлиғи В.И. Чукуновга айтиб, отамни фронтдан олиб қолган экан.

Қорабой, Нурмат акалар «Вапонинг урушдан қолиши-ку яхши бўлди, унинг бу ерда қилаётган ишлари ҳам фронтга катта ёрдам. Аммо ким билан, қандай қилиб пахта экиб парваришлайди, ҳосилни йиғиштириб олади. Кўпчиликни урушга олишяпти. Армиядан қолган, кексароқларниям ишчи батальонга олишаркан» дея ҳадиксираб ўтиришарди. Чунки, Қорабой, Нурмат акаларнинг ёши отамдан катта эди.

Бир куни учала бригадир мажлисдан қайтишиб, бизларнинг уйда доимгидек овқатланишиб ўтиришар экан, «танк солиғи» ва бошқа шу каби солиқлар чиққани тўғрисида ташвишланиб гапириб қолишди. Шунингдек, халқ ўзи ейишга нонни зўрға уддалаб тургани, жўхори пишишигаям анча вақт борлиги, пахтани суғоришга сув кам бўлаётгани, бунинг устига ҳар бригадада учтагина сувни юқорига чиқариб берадиган чиғир борлиги, аравалар ҳам бузилиб, уларни таъмирлашга уста улгураолмаётгани ҳақида, колхоз раиси Ҳаби Курбоновнинг ҳам бунга илож тополмаётганлиги ҳақида ташвишланиб сўзлашишарди.

1942 йилнинг ана шундай қийин кунлари, баҳор фасли бўлса керак. Отам жўралари билан келиб уйимиздаги иккита қўй, битта қўздан бирисини сўйишди. Мен йиғламсираб улардан нега қўйни сўяётганидан норози бўлиб сўрадим. Чунки, мен қўй-қўзиларга ҳар куни ўт ўриб солардим, ем берардим, қўзи доимо менинг изимда

юргани-юрган, худди дўстимдек бўлиб қолган эди. Кейин сезишимча, қўйни суннат тўйим учун сўйишаркан эканлар.

Мен ўшанда кўчада Ўрозбой деган жўрам билан ўйнаб юриш учун кўча томонга чиқдим. Қарасам, Алат аравачи ўтиб бораётган экан. Шунда аравача минмоқчи бўлиб югуриб қўлим билан аравача гилдирагини тутгандим, ўнг қўлимнинг кўрсаткич бармоғи гилдиракча қаттиқ шикастланди. Шунда ойим, Амина опам қўлимнинг қонини тўхтатиш учун чой босиб, катта қизил рўмол билан ўраб ташлашди. Мен шу тариқа бир ойлар чамасида қўлимни бўйнимга осиб юрдим. Афсуски, врачга бормай шу тарзда юраверганимдан кўрсаткич бармоғим қийшиқ ва чандиқ бўлиб қолди.

Шу воқеа сабаб суннат қиладиган сартарош Суюн бобо ноилож уйига қайтиб кетди. Фақат уч ойдан сўнггина келиб мусулмончиликнинг бу фарзини бажарди.

Ўша уруш йиллари одамларнинг тинчлигини яна бир ҳолат — ҳар хил ўғриларнинг қўпайгани бузарди. Учала бригадир дўстларнинг гурунгида овулда кимнингдир моли, қўйи, ёки уйидаги нони, жўхорисини ўғирлаб кетишгани тўғрисида ташвишланиб гапириб қолишарди. Шунингдек, мажлисда фронтдаги аҳвол тўғрисида ҳам гап бўлгани, қайсидир шаҳарларнинг фашистлар қўлига ўтгани, шу боис яна урушга одамларни жўнатишмоқчи эканлиги ҳақида ҳам сўзлашардилар.

Шундай кунларнинг бирида, ойим иккита ҳўрозимизни сўйиб палов пиширди. Бунга сабаб урушга жўнаётган овулимиздаги 15 кишини чақириб меҳмон қилишди. Ўшанда жўрам Ўрозбой билан палов еб, уларга ҳавас билан қараб, «катта бўлсак биз ҳам аскар бўламиз», деб қўярдик.

Ана шундай фронтда уруш бораётган, бу ёқда урушга одамларни олишаркан, аммо қишлоқда ўғри учраб турган пайтда, кечаси қоровул юрадиган аҳвол юзага келди. Қоровулнинг вазифаси кўчани айланиб назорат қилиш ва ҳар бир уйнинг эшигини қоқиб, «сергак бўлинг» дея огоҳликка чорлаш, гафлат уйқусидан уйғотиш эди.

Ана шундай таҳликали 1943 йилнинг ўрик пишар вақтида отамнинг бригадасида ишловчи кўплаб йигитларни армияга олиб кетишди. Булар Ҳалима момонинг ўғли Ўрозбой, Салима момонинг ўғли Сапар ака, Эшнӣёз аканинг ўғли Ўрозбой ака, Гулжон момонинг ўғли Римбой ака, Фариди момонинг ўғли Қодир ака, Холмурот Каримнинг ўғли Ўрозбой ака, Тожимурот аканинг ўғиллари Юлдош ва Шериммат акалар, Иноят маҳсумнинг ўғли

Файзулла ака, Отажон бобонинг ўғли Аамат ака, Хўжаёз бобонинг ўғли Қўзи ака, Саодат момонинг ўғли Султон ака, Уста Ўрозмат бобонинг ўғли Абдукарим ака, Маткарим қассобнинг ўғли Собир ака, Олламбергана аканинг ўғли Римбой, Абдулла махсумнинг ўғли Юлдош акалар сингари 17 киши фронтга олинди.

Отамнинг бригадасида ишловчи бу йигитлар арава ҳайдашар, олти ҳўкиз билан ер суришар, қиш келиб совуқ тушмасдан ёп, ариқ-солмаларни тозалашар эди. Энди улар армияга кетгач бу ишларнинг бари отам, кекса ва ёш болалар, хотин-қизлар зиммасида қолди. Армия ёшидан катта эркаклар ҳам Россия, Қозоғистонга ишчи батальонига олинганди.

Афсуски, урушга кетган ана шу 17 йигитдан овулимизга фақат Юлдош ва Шериммат Тажимуратовлар, Римбой Оллоберганов, Собир Маткаримов, Сапар Ортиқовларгина қайтиб келишди. Қолган йигитлар оиласига урушдан қора хат келди. Бу қора хатлар ўша вақтда «известия» дея номланар, уни олган оилада мусибат келарди... Нақадар оғир, ташвишли кунлар эди ўша уруш даври... Хотин-қизлар совуқ эрта тушса, музлаб қолган ариқнинг ичини лом ва бошқа темир билан уриб музни синдиришарди. Ариқ, солманинг тиқилиб қолган лойларини тозалашарди. Баҳор келганда эса чиғирларни ишга тайёрлаш учун усталар етишмас, чиғир учун керамикадан бўлган сув кўзалари йўқ, биттаям мих тополмай арава ва ер суриш оочларини таъмирлаш кечикиб кетган пайтлар бўларди. Ана шундай вақтларда отам буларни айтиб ташвишланар, ҳамма оғир ташвишни енгишга уринарди.

Бунинг устига совуқларда ариқ, солмаларни тозалаш пайти одамларда иссиқ кийим, айниқса оёқ кийим йўқ эди... Урушнинг даҳшати фронт ортидаям шу тариқа акс этиб турган йиллар эди, ўинанда.

...1943 йилнинг кузи кириб келган, ҳовлимизда бобом экиб қолдирган катта боғ бўлиб, ҳамма мевалар пишган вақт эди. Мироблар овулида яшовчи, мендан 3-4 ёш катта Ортиқ Йўлдошев деган бола уйга келиб онамга:

— Мени мактаб директори Эгам Гадовев юборди. Вапо бригадининг боласи Амин бу йил мактабда ўқишни бошлаши керак. Уни бошлаб кел, деб айтди. Шу билан бирга у, «директор мева ҳам олиб келсин мактабга» дея Гадоевнинг сўзини онамга уқтирган бўлди.

Онам менинг мактабга борадиган бўлганимдан хурсанд бўлиб, тезлик билан қизил рўмолдан халта тикиб берди. Халтани боғимиздаги

шафтоли, олма, узумни солиб тўлдирди. Мен Ортиқ билан халтани навбатма-навбат кўтариб ҳориганимизча мактабга кўтариб бордик.

Мактабга кираверишда директор Эгам ака Гадовев ва бир нечта ўқитувчилар туришган экан. Бизларнинг халта орқалаб кириб келишимизни кўриб тўхтатди ва сўради:

— Халтадаги нима?

Мен онам «Гадовевга берасан» дея мевалар бериб юборганини айтдим.

— Нима, сен ётиб ўқишга келдингми, шунчалик кўп мева орқалаб келибсан? — дея кулди директор. Унинг бу гапига бошқа ўқитувчилар ҳам хохолаб кулишди.

Бир оз сукутдан сўнг директор Гадовев:

— Яхши ўғлим, мактабда ўқиб савод чиқарадиган, таълим оладиган вақтинг келди. — Мана бу, — директор шундай дея 5-6 та ўқитувчидан бирини кўрсатди, — Гулмонов Шермат аканг, ўқитувчинг бўлади, — дея таништирди.

Шу тарзда Шермат ака қўлимдан тутиб синфга бошлади. Синфда ўша куни тўртга ўғил бола бор экан. Кейин билсам булар — Зариб Ҳасанов, Норим Суюнов, Юлдаш Машарипов, Аамтжон Ашуров деган синфдошларим экан. Ана шу тариқа бошқа ўғил ва қиз болалар ҳам келиб, синфда 14 ўқувчи бўлди. Мен Норим Суюнов деган синфдошим билан бирга олдинги партада ўтирдим.

Эртасига 5-синфда ўқийдиган Амина опам мени ўзи билан мактабга олиб келди. Онам менга читдан папка тикиб, ичига бир дона зоғора нон солиб ҳам берворганди.

Ана шундай қилиб қишлоқдаги Охунбобоев номидаги етти йиллик мактабда ўқий бошладим. Мактабда ўқув қуроллари, китоб, дафтар, ручкалар деярлик йўқ эди. Мен Амина опамнинг эски 2-3 синфдаги китобларини папкамга солиб борардим. Бир куни ўқитувчимиз Шермат ака «сен 2-синфсан, бу китоб 3-синфнинг китоби, сенга кераги йўқ» дея олиб қўйган, ўшанда хафа бўлганимдан йиғлаб юборганман. Кейинчалик 3-синфга ўтганимда Шермат ака китобни қайтариб берганди.

Куз, қишнинг совуқ кунларида кўплаб ўқувчилар оёқ кийим йўқлигидан мактабга иссиқ кунлар келгунча боролмасдилар. Бир куни отам Гурлан марказига бориб беш метр қўлда тўқилган товар-без олиб келди. Шу оқ безни отам айвоннинг томи, бурчақлардаги қора қуримига аралаштириб, рангини ўзгартирди. Натижада шу безни кўшни Шукуржон опага илтимос қилиб, пахта солинган сирма пупайка — гуппи тикириб берди.

Ана шу гуппини мактабга кийиб борганимда директор Гадоев Эгам ака, ўқитувчимиз Шермат Гулмоновлар менинг кийимимни ечиб олиб «қандай қилиб оқ бўз қора ранг бўлди. Бу бола қаердан ҳам биларди. Вапо акадан сўраш керак» дея ҳайрон қолишган, гуппимни кесиб ташлаймиз дея ҳазиллашганда, ростдан ҳам кийимимдан ажраб қоладиган бўлдим, дея йиғлаб юборганман.

Уруш бўлгани сабаб халқ оғир ҳаёт кечирар, қишлоқда дўкон йўқ, мато сотилмайди. Шунингдек бозорда ғалла ҳам сотиш мумкин эмас. Ана шу давр билан боғлиқ бир воқеа ҳануз ёдимда.

Отам билан бозор куни ўзларимиз экиб олган жўхоридан 3 қопни эшак аравага юклаб, туман марказидаги қариндошимиз Йўлдош Қаландаровнинг уйига бордик. Бу пайтда Ўрозмат Заргаровлар кўчасида яширин бозор бўлар, ўша ерга озгина читга 200 грамм жўхорини ўраб иккаламиз борганмиз. Отам менинг қўлимга читни бериб, ўзи негадир четроққа ўтди. Шу пайт сталинча шапка кийган киши келиб «ғалла борми?» дея менинг қўлимдаги жўхорини тортиб олди. Шу вақт отам ҳам келиб қолди.

— Ҳа, бригадир жўра, қўлга тушдингми энди? — дея дағдаға қила бошлади бояги шапка кийган киши. Отам унга аҳволни тушунтирган эди, у вазиятни тушунмади. Шу тарзда бизлар жўхори турган уйга келиб, эшак арвани ҳайдаганча қандайдир омборга бордик. Уч қопни омборга қўйган билан ҳам шапкали кишининг авзойи ўзгармади:

— Кетиб қолма, ҳозир терговчи келади! — деб буюрди.

Мен терговчининг ким эканлигини билмасамда, шапкали кишининг важоҳатли сўзидан қўрқиб, отамнинг қўлидан маҳкам ушлаб олдим. Аммо отам унинг гапидан чўчимай, менга «эшак аравани ҳайда!» дедида кетишни маъқул кўрди. Уйда ойим отамнинг хафа бўлганини кўрсада, бироқ сўради: «Ёғ, гўшт олдингизми?». Яъни биз ўзимиз етиштирган ғаллани сотиб уйга ёғ, гўшт олишга борандик.

Ўшандан кейин отамни беш маротаба туман милициясига чақириб овора қилишди. Терговлардан зада бўлган отам ҳар куни хафа бўлиб келарди.

Ана шу «жўхори» воқеаси сабаб отам, туман милицияси бошлиғи Муллажон Авезжонов билан қалин оғайни бўлиб қолди. Чунки отам унга жўхорини ўз томорқасида етиштирганини, катта оила рўзгоридан ортганини сотиб, бошқа маҳсулотлар олмоқчи бўлганини тушунтирганди.

Шундан сўнг милиция бошлиғининг Куронбой деган фойтунчиси келиб отамдан от ўти, мева олиб кетадиган бўлди. Вақт ўтиши билан эса Авежоновнинг Радик, Эдик, Малик ва Роза деган фарзандлари ёз ойларида бизларнинг уйга келиб мева-чева еб, мен билан сувга тушиб ўйнаб кетишарди.

Ўша йилнинг баҳоридаги пахта экиш вақтида туман марказидан Матчон Сафоев деган агроном келиб, отамнинг бригадасига экилган пахтазорни ўлчади. Кейин эса «пахтани экиб бўлмасдан қўшни Салима момонинг томорқасига жўхори эктириб бергансан» дея далолатнома тузиб кетди. Далолатнома бўйича райқўм котиби, рус кишиси Сувтарихин келиб «Вапо бригадир пахта экишни бўлмасдан, жўхори эктирган» дея милицияга ишини ўтказган. Отам ноилож ўша ерга кетди. Бу пайтда биз уйда эдик. Воқеа ҳақида отамнинг дўсти бригадир Нурмат ака хабар берди. Ойим бечора йиғлаб Қўчқор бобом билан шу куни кечқурун туман марказига, Авежонов олдига кетишди.

Авежонов отамнинг аҳволини тушунганидан қамокдан чиқариб юборади. Бироқ «кампирнинг жўхорисини бузиб, ўрнига пахта экасан» дея буйруқ беради. Отам эртасига пешин пайти келиб, нима қиларини билмасди. Чунки жўхорини бузай деса кампирнинг ўғли армияда, уйда егулик нарсга йўқ. Бузмай деса «пахта экмай, жўхори эккан, сиёсатга қарши халқ душмани» дея қамалади. Ноилож отам жўхорининг бир четига 10 қатор от билан ўзи ерни суриб пахта экди. Салима момо эса тинмай йиғларди. Отам ўша йили ўз оиласидан орттириб қўшни Салима момога ёрдам берди.

Ҳа, пахта сиёсати уруш даврида шундай оғир бўлиб, томорқагача пахта экиш мажбурий эди.

1943 йилнинг кузи ғоятда совуқ келди. Ўша совуқ кунларнинг бирида Римбой акам оёғига ўқ тегиб, қўлтиқтаёқга суянганча ярадор бўлиб фронтдан уйга келди. Шу кун уйимизда катта шодиёнага айланди. Отам қувонганидан қўйлардан биттасини сўйиб, садақа қилиб берди. Қишлоқ аҳли Римбой акам билан кучоқлашиб кўришар, ҳамма қувончдан йиғлаган эди. Менга энг таъсир қилгани — қизил юлдузча тақилган фуражкасини кийиб, аскар бўламан дея юрганим ва бир нечта блокнот-дафтарча олиб келиб бергани.

Мактабга ана шу дафтарлардан бир донга каттаси ва битта кичигини олиб бордим. Синфдаги ҳамма болалар мени ураб бири қўйиб, бири дафтарни томоша қилишар, мен эса бундан фахрланардим. Шунда синфдаги овозларни эшитиб директоримиз келиб қолди ва кичик дафтарчани мендан олиб қўйди.

— Сенга пилла қоғоз топиб бераман, — дея эртасига ўшандай қоғоздан ясалган бир дона дафтар берди.

Эртаси куни директор Гадоев бошчилигидаги ҳамма ўқитувчилар уйимизга келиб, Римбой акам билан кўришдилар ва алламаҳалгача урушдаги вазият тўғрисида суҳбатлашиб ўтирди.

Ҳа, уруш халққа катта қийинчиликлар, ташвишлар келтирганди. Ана шундай оғир вақтда, 1944 йил ёзида бўлса керак, ҳар хил солиқлар пайдо бўла бошлади. Турли лавозимдаги кишилар қишлоқма-қишлоқ юриб, уйда нима бўлса шуни «фронт» га дея олиб кетадиган бўлишди. Бир куни отамнинг табелчиси бўлиб ишлаган Собир ака урушдан ярадор-цўлоқ бўлиб келганича молия соҳасига ишга кирган экан. У бир гуруҳ кишилар билан келиб, уйимизда чой ичиб ўтиришди. Улар овулдаги ҳар бир хонадондан бир кишини чақиртириб «урушга солиқ», «танк солиғи» чиқди, шуларни мажбурий берасизлар» дея ўтиргани, айримлар «бизлар зўрға кун кўраяпмиз-у» деганларни эса ҳақорат қилгани ҳануз ёдимда.

«Солиқ»чилар бева-бечора, камбағал-фақирнинг аҳволига қарамай, ҳукумат сиёсати дея дағдаға қилганича, ўз билганларича иш тутишарди. Овулимизда Парда момо деган кампир бўлиб, унинг иккита етим қизи, бир невараси бўлиб, зўрға кун кечиришарди. Улар «танк солиғи» учун пули йўқлигини айтишганида, бечора кампирнинг соғин сигирини Иноят деган кишига етаклатиб, олиб кетишаётган экан. Шу пайт отам келиб қолади.

— Собир сен қандай одламсан-а, шу етимлар фақат сигирининг сутини ичиб, ортганини унга-бунга алмашиб кун кўриб юришибди-ку? Ўғли Қодир урушда бўлса, — дея аҳволни тушунтириб, инсофга чақирганича сигирни олиб қолади.

Аммо шунда ҳам бечоралар аҳволига ачинмаган Собир «солиқчи» кампирнинг уйидаги иккита кийгиздан бирисини кўтариб чиқади.

— Фронтга ҳар бир оила мажбурий бирон нарса бериши керак, — дея дағдаға қилади у.

Шу тариқа кимдандир товуқ, кимдандир зоғора, яна бировдан шоли, хуллас Қўчқор бобомнинг аравасига мажбурий юклаттириб тўплаган «солиқ»ларини олиб кетарди.

Бошқа бир куни Уста Эшнӣз бобонинг уйидан сув челаги, сув қумғониниям олиб кетаётган эди. Ўшанда отам бунга чидолмай:

— Собир сенга нима бўлди, ахир бу челак, қумғон кимга керак? — деб олиб қолмоқчи бўлганида:

— Фронтга челақ ҳам, қумғон ҳам керак. Бу ҳақда ҳукуматнинг қарори бор! — дея солиқчи Собир ака нарсаларни олганича кетгани хотирамда қолган.

Улар ҳатто товук, қўй, мол, жўхориларни ҳам «солиқ» деб ташиб кетаверишарди.

Ўша пайтлари эсимда қолгани, милиция, аскарлар ва бояги каби «солиқчилар» тез-тез қишлоқларда юриб фронтдан қочган, ёки армия ёшидаги йигитларни урушга олиб кетиш учун изғиб юришарди. Биз болалар ўйнаб юриб уларни кўриб қолсак, овулдагиларга хабар берардик, шунда қўшнилари уларнинг келаётганларини эшитиб қўқиб юришарди.

1944 йилда шундай ваҳимали, одамлар ташвишда юрган пайтда Украинанинг Польша билан чегарадош ҳудудларидаги поляк миллатига мансуб кишиларни Хоразмга кўчириб келтиришади. Ана шундай поляклардан бир қанчасини овулимизга ҳам олиб келишди. Уларни ҳар бир бригадага беркитишди. Полякларнинг 15 таси бир ойча бизларнинг хонадонда яшашганини эслайман. Афсуски, улар орасидан баъзи эркаклари кечалари овулимиздагиларнинг товук, қўйларини ўғирлаб ейдиган бўлишди. Бу воқеаларни эшитиб, туман марказидан милиция келиб, учта поляк эркакнинг қўлини боғлаб олиб кетишганини кўрганман.

Овулимиздаги поляк эркакларига отам бригадир бўлганидан иш буюрар, уларнинг вазифаси эски уй, кесакларини, молларнинг ўғитларини далага чиқазиб тўкишдан иборат эди. Афсуски, улар белқурак билан ишлашнинг уддасидан чиқолмас, ҳар куни белдасталарни синдириб қўйишар, отам эса бундан норози бўлиб юрарди. Кўп ўтмай полякларни милиция вакили келиб, қўшни Боғолон қишлоғига кўчириб кетишди.

Урушдан ярадор бўлиб келган Римбой акам оёғи сал яхши бўлиб, бекор юрмай дея колхозда тракторчиларнинг ҳисобчиси бўлиб ишлай бошлади. Бир куни уйимизга Баталов деган татар киши келди, у билан уруш, фронтдаги аҳвол тўғрисида кўп вақт гаплашиб ўтиришди. Эртасига эса Римбой акамга мудофаа бўлимидан чақирув қоғози келди. Уч кун ўтиб эса у яна фронтга жўнатилди. Биз — момом, отам ва мен эшак аравада туман мудофаа бўлимига борганимизда, бир қанча йигитлар қатори Римбой акамизни ҳам «ГАЗ» юк машинасига миндириб олиб кетишаётган экан. Уларни кузатишга чиққан кампир, бола чақа, аёллар ҳамма-ҳаммаси йиғлашиб уларни кузатиб қолдик.

Уйга келгач, момом иккинчи маротаба Римбой акамнинг урушга кетганидан хафа бўлиб қаттиқ йиғлар, дадам овунтирсада ҳеч тинчлантира олмасди.

— Опа, уруш тезда тугайди, Римбой дарров қайтади, — далда берарди отам.

Момом бўлса бунга овунолмас, фақат «хароб бўлгур Гитлер, урушқоқ фашистлар ёмон, ахир, ўғлим қачон келади энди» дея душманга ўлим тилаб қарғарди.

Отамнинг айтишига қараганда, 1937 йилда корейслар ҳам Гурланга кўчиб келишган, улар меҳнаткаш бўлишган экан. Улар икки жойда уйлар қуришиб, М. Горький номидаги колхозда яшай бошлашган. Кўчиб келган корейсларнинг Узоқ Шарқдаги колхозига раис бўган Тон Чан Сон деган киши, яна бу ердаги колхозга раис бўлади. Тон бобо от миниб юрар, отам билан яқин дўст эди.

Бир куни биз болалар ариқ ёқасида тўпланишиб, сувга тушиб юрсак, раис Тон бобо келиб Римбой деган 35-40 ёшлардаги йигитни отдан тушганича тутиб олиб ура бошлади. Мен уйга йиғлаб келиб Римбой акани Тон раис уриб кетди, дея йиғлаб гапириб бердим.

— Тон раис яхши одам, асли айб Римбойда, — дея гапирганди отам, — у ўзининг онаси Энажон момони уриб, уйдан қувиб юборган. Онаси бориб раисга арз қилган. Қайтанга яхши бўлибди. Онасини урган одамни худо уради. Ана шунинг ўзи Римбойни худонинг ургани. Раис бобога раҳмат, сен бунга йиғлама ўғлим, — деди-да онамининг губида пишаётган сариқ ёғидан олиб зоғора нонга суртиб берди.

— Кўчада Ўрозбой жўрам билан ўйнаб юрибмиз, унга берворинг, — дедим отамга. Чунки, уларнинг уйида нони жуда кам бўлар, ҳамма вақт мен мактабга олиб борган нонимнинг бир бўлагини Ўрозбой жўрамга берар эдим. Онам шунда менга яна бир зоғорага сариёғ суртиб берган, мен уни олиб яна чўмилгани ариқ бўйига кетгандим.

1944 йили Тон бобо янгидан ташкил этилган «Гулистон» колхозига раис қилиб тайинланди. Ўша куни колхоздаги мажлисдан қайтишда учала бригадир дўстнинг бу ҳақда гапирганларини эслаيمان.

Эртаси куни Цой деган ферма мудир келиб отамнинг икки хўкиз ва бир аравасини олиб кетди. Кўчқор бобом кекса отини аравага қўшиб, хўкизларни аравага боғлаб «Гулистон» колхозига олиб бориб келди. Кўчқор бобомнинг айтишича, бошқа бригадалар

ҳам от, арава, ҳукиз олиб «Гулистон»га боришибди. Шу тарзда Тон Чан Сон раислигида 1944 йилда «Гулистон» колхозида 9 бригада иш бошлайди.

Ўша йили М. Горький номидаги бизларнинг колхозда ҳам раис янгидан тайинланди. Файзулла Абдурахмонов деган, asli шайхлардан бўлган киши раис бўлиб келди. Файзулла ака жуда очикфеъл, болаларни яхши кўрадиган киши эди.


Мен отамнинг ёнига Файзулла ака келганида олдида пешвоз чиқардим, доимо кумгон билан қўлига сув қуйиб хизмат қилардим. Ўша вақтда учта бригадир дўстнинг, раиснинг бизнинг уйга келиб овқатланиб, чой ичиб кетишига сабаб, ўша вақтларда ҳамманинг уйидаям нон, егулик нарсалар бўлмасди. Отам тadbиркор деҳқон бўлганидан, қолаверса 5-6 қорамол, 10-15 қўй, 50-60 товуқ сақланганимиздан сут-қатиқ, тухум кўп бўларди. Мен, онам, Амина опам ва отам эрталаб кун чиқмасдан турганимиздан мол-қўйларга ўт ўриб келиб уларни парваришлардик. Шу билан бирга арава-арава ўт-хашакни қишга ғамлаб қўярдик.

Бундан ташқари бобомиздан қолган катта боғ бўлиб, унда 200 тупдан қўп узум ва яна қўплаб бошқа мева-чевали дарахтлар бўлиб, ана шулар эвазига ҳамиша дастурхонимизда нон, озиқ-овқатга етгулик маҳсулотлар бўларди. Айниқса уруш ва урушдан кейинги тикланиш даврида қишлоқдан уйимизга бугдой, жўхори сўраб келувчилар бўлиб, отам уларга «йўқ» демасдан 3-5 кг бўлсада бериб юборишарди.

Бир куни эрталаб ем-хашак олиб келганча молларга, қўйларга солиб энди нонушта қилиш учун дастурхон атрофига тўпланганимизда қўшнимиз уста Эшим кириб келди. У келиши билан «Вапо ака гўшт камайиб кетибди, бу қандай замон бўлди, ҳаммаёқ қимматчилик», дея замондан нолиниб қолди. Шунда отам унга «сен ўтган йиллар ичида қанча молни боқиб қассобга сотдингиз» дея савол берди.

— Молга қаердан ўт-хашак топаман, — дея яна норози бўла бошлади Эшим ака.

— Сен Эшим ишёқмас, дангасасан, бўлмаса мендан ёшсан, хотининг ҳам менинг кампиримдан ёш, — дея танбеҳ бера бошлади отам, — икки ўғлинг бўлиб, улар менинг қизим ва ўғлимдан катта. Ёз кунлариям эрталабки соат саккиз яримларгача ухлайсизлар. Бизлар ҳаммамиз ҳозиргача икки арана хашак олиб келдик. Уйда олти бош қорамол, ўнта қўй, 50-60 товуғимиз бор. Ана шуларни бола-чақа оиламиз билан баҳамжиҳат боқаяпмиз.



Агар истасанг сенга бир бош бузоқ бераман. боқиб катта қил, семиртириб қассобга сўйдир, эллик фоиз пули ўзингга, қолганини менга берсанг бўлар — деб насиҳат қилган бўлди.

— Йўқ, бўлмайди Вапо ака, мол боқиш оғир, бўлмайди бу таклифингиз, — дея нолина кетди Эшим ака.

Отам кўшинининг бу қайсарлиги, ишёқмаслигидан жаҳли чиқди:

— Уста Эшим, — деди қаттиқ овоз билан, — агарда мен ҳукмдор бўлсам сенга гўшт сотдирмас эдим. Чунки ҳамма сендай ишёқмас бўлса, қишлоқда ер-сув бўла туриб серкўёш заминда мол боқиб, гўшт етиштирмаса ким бу ишни қилади. Гўшт, тухум, сут фабрикаларда ишлаб чиқарилмайди. Бу ишни сен ва менга ўхшаш қишлоқда яшаётганлар — ўзимиз таъминлашимиз керак.

Биз отамизнинг бу гаплари, Эшим акага айтаётган танбеҳ ва насиҳатларини эшитиб жим ўтирардик. Отам гапини давом этдирарди:

— Эшим нима учун бунча ишдан чўчийсан-а? Ахир болаларингизга ўзингиз ўрнак бўлишингиз керакмас-ми? Болаларингиз катта бўла туриб кўчада ўйнаб юради. Мана бу Амин, — дея менга ишора қилди, — сизнинг ўғилларингиздан кичик бўлсада, иккита сигир, ўн қўйни ҳар куни кўлда боқиб келади.

Афсуски, Эшим ака бу танбеҳлар, насиҳатларни тўғри тушунмай «замон қимматчилик бўлди-да» дея нолиганча уйига жўнаб кетди.

1944-45 йилларга келиб колхозда бугдой, шоли ҳам экилди. Бугдойни колхозга олишгач, тўкилган бошоқларни териш учун кексалар, хотин-қизлар ва мен ҳам тенгқурларим билан далага борганмиз. Ўша вақтда колхоз раиси ва шўро бувалар отда келганича бизларни даладан қувиб юборишар, бошоқ тердиришмасди.

Албатта аҳоли бошоқни териб олса, ҳар не егулик бўлар, аммо колхознинг нарсасига тегмаслик керак, деган сиёсат боис раис, шўролар шундай қилишарди.

Бу орада 1945 йил кириб келди. Отам колхоз идорасидан уруш тўғрисида яхши гап-сўзлар айтиб келадиган бўлди. Шундай кунларнинг бирида Римбой акамдан хат келди. Мақтубдаги «Биз Польша ерларини фашистлардан озод қилдик. Энди Берлин томон бораётирмиз» деган мазмундаги қувончли хабарини Амина опам ўқиб берганда, ҳаммамиз севинганмиз. Қувончдан эса оиламиз, овулимиз тўғрисидаги янгиликларни Амина опамга айтиб жавоб хати ёздирардик.

Баҳор фаслининг сўнгги оyi. Онам, Амина опам ва мен отамни ҳар кунги мажлисдан келишини кутиб, овқатни бирга еярдик. Ўша

куни бригадир дўсти Нормат ака, қўшни кампир-чоллар билан бирга кириб келди.

— Уруш тамом бўлди, Гитлер ўлди. Биз ғалаба қозондик, — отам уйга кириши билан шундай дея севинчли хабарни эълон қилди. Мен онам олдига шошдим, шунда у мени кучоқлаб бағрига босганича севинчдан йиғлаб юборганди. Уйимизга тўпланган барча севинч кўз ёшларини артар, бир-бирини бағрига босиб табрикларди.

— Энди фронтдаги ўғилларимиз қачон келишади? — дея айримлари отамдан қайтиш пайтини сўрашса, айримлари тинмай йиғлар, чунки уларнинг уйларига қора хат келганди...

— Худо ҳоҳласа, энди ҳаммаси яхши бўлади. Урушдагилар қайтиб келишади. Қорахатлар ҳам ёлғон бўлиб чиқади, — дея отам уларга тасалли берган бўлар, шу билан бирга қилинадиган ишлардан ҳам гап очарди ва пахта экишни тезлик билан якунлашимиз керак, дея қўшиб қўяр.

— Бизга ҳеч ким четдан келиб ёрдам бермайди. Ҳаммасини ўзимиз қилишимиз керак, дерди.

Улар эса ўз шахсий муаммоларини сўрашарди:

— Бригада бобо, қачон жўхори экамиз ахир? Бизларга қачон ерни ҳайдаш учун ҳўкиз берасиз?

— Олдин пахта экишни якунлайлик, ҳўкизлар ҳам озиб кетишди. Отларгаям ўт-ем йўқ. Шунинг учун ажриқларни кавлаб ҳўкизларга беришимиз керак. Шундагина деҳқончилик қилоламыз.

Шу тахлит 9 майнинг эртасигаёқ бригадагилар яна қўлларига бел, кетмон олиб далага чиқишди.

Мен эса мактабга бордим. Мактабдаям ҳамма хурсанд. Уруш тамом бўлгани билан ҳамма бир-бирини табриклар эди. Ўқитувчилар ҳамма ўқувчиларни каттароқ йўлакга тўплаб, ғалаба хабарини етказишди:

— Уруш тамом бўлди болалар! Гитлер ўлди, фашистлар таслим бўлишди. Берлин эгалланди. Бу ғалабада сизларнинг оталарингизнинг, қишлоқдошларингизнинг ҳам ҳиссаси бор! Биз жангчи элдошларимиз билан фахрланамиз. Энди тинчлик замони келиб, сизлардан фақат ўқишга эътибор беришларингизни сўраймиз, — деди директоримиз Эгам Гадов.

Мажлисдан кейин директор мени чақириб уйингга бориб 3-4 кило мош олиб кел, — дея топшириқ берди. Сапарбой Холов деган синфдошимни эса уйидан зоғора нон олиб келишга жўнатди.

Ўша кунни Мадраҳим бобо мош, сабзи, қовоқ солиб мастава-гурланчасига айтганда «мошова» пиширди. Ўқитувчиларга катта

товоқда овқат тортилди. Ўқувчиларга эса сопол косада мошова беришди. Ҳар синфга учтадан косада мошова тортилди. Синфдошлар навбати билан косада машавани маза қилиб ичганмиз.

Овқатланиб бўлингач, ўқитувчилар қўшиқ айтишиб рақсга тушишди. Татар миллатига мансуб, рус тили ўқитувчимиз Шамсуддинов айтган русча, татарча ашулаларини бутун мактаб завқ билан эшитиб, томоша қилганимиз эсимдан чиқмайди. Шунингдек, Карим Ортиқов, Қурёз Матниёзов, Ойимжон Тажиева, Шермат Гулмонов деган ўқитувчиларимизнинг ҳам шеър ўқиб, қўшиқлар айтишгани болаларга хурсандчилик улашганди.

1945 йил охиридан урушга кетган овулдошлар йигитларимиз қайтиб кела бошлашди. Ўша йилнинг декабри ғоят совуқ келди. Шундай кунларнинг бирида Римбой акам уйга кириб келди. Уйга келган қўни-қўшни, оила аъзоларимиз Римбой акамни кучиб севинчдан йиғлашар, айрим овулдаги фронтга ўғлини, эрини узатганлар «уларни кўрмадингизми, қачон келишаркан?» дея сўраб суриштиришарди. Мен эса қувончлиси бу гал ҳам Римбой акам немисларнинг сифатли ён дафтарча — блокнотини олиб келгани эди.

Хуллас, уруш тугаганидан сўнг фронтга кетган 17 та овулдошимиздан, фақатгина 5 жангчигина қайтиб келишди. Бу урушнинг бизларнинг кичик овулимизга кўрсатган мудҳиш фожиаси эди.

ОҚСОҚОЛЛАР АВЛОДИ

Шу ўринда отамининг оғаси Қўчқор бобом, унинг менга айтиб берган шажарамиз билан боғлиқ сўзлари ҳақидаям гапириб ўтишни жоиз деб биламан. У отамдан 8 ёш катта бўлиб, умри аравакашлик қилиш билан ўтган. Ўз отини фронтга жўнатишганидан сўнг бошқа ёш отни аравага ўргатиб, яна арвакашлик қилди. Унинг фарзанди йўқ бўлиб, ҳамиша мени ўз аравасига миндириб «сен менинг ўғлимсан» деб юрар, ҳаттоки ухлаганидаям мен билан ухлар, эртақлар айтиб берарди. Унинг хотираси жуда кучли бўлиб, ўтган кўплаб ҳодисаларни ёддан билар, ҳаётга ўзининг қарашини бор эди. Айниқса шўро давлатидан доимо норози бўлиб юрарди. Бунга сабаб, отамерос 20 таноаб ери, 2 от-араваси, 2 жуфт ҳўкизини, 2 та чиқир, битта туяси ва мойжувозини колхозлаштириш даврида шўролар тортиб олишганди. Менга ана шулар ҳақида сўзлаб, «ҳали кўрасан, замон вақт ўтиб яхши томонга ўзгаради. Ана шунда мол-мулкимизни қайтиб оламиз» дея хўрсиниб қўярди.

Отам эса коллективлаштириш бошланган 1930 йилдан колхозга кирган, бригадирлик қилар, жамоа билан аҳил ишлаб келар, оғанилар колхоз борасидаги қарашлари бошқача бўлгани учун бир-бирининг фикрига қўшила олмасдилар.

Бунга кичик бир мисол. Баҳор кунн Қўчқор бобом терак, тол ходаларини чопиб, аравага юклаганича олиб келди. Бир оздан сўнг унинг изидан Шарипа, Марям мома деган қўшниларимиз келишиб, «Қўчқор ака бизларнинг тол, теракларни чопиб олиб кетди» дея арз қилишди. Шунда отам Қўчқор бобомни чақириб, «ака, бу нима қилганингиз» дея қаттиқ оҳангда сўради.

— Тол, теракларни мен экканман. Улар ўсиб турган ерлар эса отамники эди, — дея жавоб қилди.

— Ака, — дея янада қаттиқ гапирди отам, — нимага тушунмайсиз-? Ахир энди хусусий ерлар йўқ. Колхоз ери бор. Давлат мулкдорлардан ерни тортиб олиб, колхоз тузганини биласиз-ку! Энди бу ерлар ҳамманики — колхозники. Шунинг учун толу теракларни сизга нима зарур дея тушунтирган бўлиб, қўшни кампирларга чопилган тол, теракларни бериб юборди.

Эътиборлиси, шундаям Қўчқор акам норози бўлиб, «нега менинг отамнинг ерига булар иморат қуради, менинг эккан терак, толларим уларники бўлиши керак» деб кампирларга, отамга жавоб қилганди.

Қўчқор бобомнинг яна бир феълига оид ҳодиса. 1943 йилда бўлса керак Қўчқор бобом аравасида бригаданинг терилган пахталарини заводга ҳар кун топшириб келарди. Шундай кунларнинг бирида заводдан қайтиб келганида, отамга айтган гапи эсимда қолган.

— Гитлер Москвага яқинлашибди, Сталин тамом бўлибди, деб эшитдим. Энди ука Қутумнинг уйида бизнинг мойжувоз ишлаб турибди. Шу жувозда юриб турган туя, бизларнинг туянинг боласи. Шунн олиб келаман, — дея яна отамерос мулкини қайтаришни истаб қолганди.

Шунда отам насиҳат қилиб:

— Сенга нима бўлди? От ва ҳўкизларни бермай Шоббозга кетиб қолганингда милиция ушлаб ўн кун қамаб қўйгани эсингдан чиқдими? Бу ишни қилмаям, бу ҳақда иккинчи гапирмаям, — деди.

Аммо отамнинг бу танбеҳлари, момоннинг ҳам насиҳатлари унга кор қилмас, «барибир бир кун келиб ер, молу-мулкимни қайтариб оламан», дея қўллари қалтираб, ўз хонасига кириб кетганди.

Ана шундай ўзгача феъл-атворли Қўчқор бобом менга отаси, яъни бобом Олламберган оқсоқол тўғрисида ўз билганларини айтиб

берарди. Шукрки, мен ҳам Олламберган бобомни яхши эслайман. Айниқса у кишининг чехраси, мени эшакка миндириб юришлари, шунингдек у кишининг дафн қилиниш маросимларини ҳозиргдай жудаям яхши хотирлайман. Шуларни хотирласам, ўзимга-ўзим савол бераман: Наҳотки уч яшар бола бу воқеаларни эслай олади? Балки менинг ёшим каттароқ, 1934-35 йилларда туғилган бўлишим мумкиндир, дея хулоса қилиб юраман.

Мен туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномамни 1951 йил — 7-синфни тугатиб, техникумга ўқишга кириш вақтимда ўзим ЗАГС (ФХДЁ)га бориб, дўстим Қозоқ Қорабоев билан олганман.

Гувоҳнома олишимиз ҳам қизиқ бўлиб, бу воқеа бугунги авлodge бошқача туюлиши мумкин. Аммо бу ҳаётда бўлган ҳаётий ҳақиқат. Ўшанда Қозоқ Қорабоев билан ФХДЁга уч маротаба бориб ишимизни битказолмай қайтиб келганмиз. ФХДЁ мудир Мунаввар опанинг гувоҳнома бермаётганини бир неча овулдошларимиз, дўстларимизга айтсак, улар «бермайди-да, унга бир нарса беришингиз керак. Шунда гувоҳнома қўлингизга тегаети» дея йўл-йўриқ кўрсатишганди.

Шундан кейин Қозоқ дўстимиз билан ҳар биримиз 0,5 литрлик шишада сариёғ олиб бордик. Шиша кичкина халтача билан ўралганди.

ФХДЁга бориб стол устига икки шиша ёғни қўйганимизда, овулдошлар айтгандай Мунаввар опа дарров гувоҳномани ёза бошлади. Шунда опа мендан қачон туғилганимни сўради. Римбой акам «сен 1936 йил ўрик пишганда туғилгансан» деган гапини эслаб шуни айтдим. Шу тариқа гувоҳномамга «1936 йил июнь» деган сўзлар муҳрланди. Аммо комсомолга аъзо бўлганимда 1935 йил туғилган дея қайд қилишганди. Хуллас, мен шундай шароитда 1936 йил туғилганлигим тўғрисидаги гувоҳномани қўлга киритдим. Ҳозир бобомни 1939 йил дафн этиш маросимларини ва бошқа уруш билан бўлган воқеаларни, гап-сўзларни эслаб, балки гувоҳнома бир-икки ёш кичик ёзилмадимикан, деб қўяман.

Энди бояги Қўчқор бобомнинг ҳикояларига қайтадиган бўлсам, у Муслмонкул, Сатторкул деган боболаримизни эслаб, улар замонасининг етук, саводли инсонлари бўлишган, деб хотирлар, улар билан боғлиқ воқеаларни айтиб берарди.

Олламберган оқсоқол бобомиз Гурландаги кунгурали, ўзига хос меъморий услубдаги уйларни бунёд этган обрўли уста бўлган экан. Қўчқор бобомнинг айтишича, Хива хонлигида Ферузхон даврида Султон Увайс бобо мақбарасини қайта таъмирлаш, зиёрат қилиш учун хон оға бир неча маротаба Боголон орқали Сахтиён, Эшимжирон, ундан Амударё бўйлаб дарёнинг нариги тарафига ўтган.

Шундай сафарларнинг бирида Олламберган бобомиз оқ от миниб, оқ яктак кийиб юрган пайтида хон ҳазратлари келаётганини кўриб отдан тушиб қўлини кўксига қўйиб салом беради. Хон бирга келаётган Гурлан бегига «бу ким бўлди, шу йигитни чақиринг бир гаплашайлик» дея буйруқ беради. Бекнинг чақируви билан Олламберган бобомиз хон оға ёнига борганида яна эгилиб салом беради. Хон шунда отдан тушиб қўлини Олламберганга узатиб саломлашганича:

— Исминг ким? Отангни ким дейдилар? — дея сўрайди.

— Отамнинг исмини Мусулмонқул дейишади, мен эса Олламберган, хон ҳазратлари, — деган экан бобом таъзим бажо қилганича.

— Жуда яхши. Отанг сенга яхши исм қўйган экан. Энди ўзингнинг, халқнинг аҳволидан, деҳқончиликда нелар бўлаётганидан сўзла! — буюради хон ҳазратлари.

— Сизнинг шарофатингиз туфайли хон оға, — дея жавоб бера бошлайди бобом, — халқимиз меҳнати орқасидан тўқ, тинч, осойишта кун кечирмоқда. Бу йил, айниқса яхши бўлди. Амударёда, Гурлан, тўрт тўқсон ёнда сув кўп бўлганлигидан далалар галла, шоли, мева, сабзавот, полизда ҳосил мўл бўлди. Миробларимиз сувни таъминлади. Бегимиз одилона халққа ёрдам бераётир. Бутун халқ сизни дуо қилиб соғ-саломатлик тилаб осойишта яшашаётир.

Бу гаплардан қувонган, вазиятни билган хон хурсанд бўлиб Олламберган бобомизга раҳматлар айтган экан.

Бундан қувонган бобомиз бир истагини хонга изҳор қилибди:

— Бизлар Хўжамбердибобо қабристони ёнига мачит қуришни бошлаб юбордик. Агар вақтингиз бўлса бир кўриб, ўз маслаҳатингизни берсангиз, халқ сиздан хурсанд бўлар эди.

— Олламберган эндиги сафар Султон Увайс бобо зиёратига ўтганимда, албатта сизларнинг қурилишни ҳам иншоллоҳ кўриб ўтаман, — дея йўлида давом этган экан.

Ниҳоят орадан бир йил ўтиб келаси йил баҳорида «хон ҳазрат келаётган эмиш» деган овоза тарқалибди. Гурлан беги ҳам навкарини юбориб, Олламберган бобомизга хоннинг сафари тўғрисида огоҳлантириб қўйибди. Бу орада Хўжамбердибобо мачитининг қурилишиям битай деб қолган экан. Отам хоннинг келишига атаб нон, патир ёпдирибди, қўй сўйдирибди. Гурлан беги билан хон ҳазратларини Боғолон қишлоғи ёнидан ўтган Қилич Ниёзбой арнаси бўйига чодир тиклаб кутиб олишибди. Чодирда ўтирганича улар учовлон нон туз тотиб, халқнинг аҳволи, бораётган деҳқончилик жараёни ҳақида сўзлашибдилар.

Шундан сўнг хон қурилиши тугай деб қолган мачитни кўриб, ўзининг ҳам айрим таклифларини айтибди. Шу билан бирга Гурлан бегига тайинлабдики, «Олламберганга ўхшаган ташаббускор, айтган сўзининг устидан чиқувчи йигитларни элга оқсоқол қилиш керак», дея тавсия берибди.

Шу тарзда хон ҳазратлари Султон Увайс бобо зиёратига йўл олибди. Гурлан беги эса Сахтиён, Эшимжирон, Хизирэли, Хандакёп бўйи, Нукус қишлоқларининг катхудо кишиларини тўплаб, Олламберган Гурланнинг юқори қисмига оқсоқол бўлди, дея эълон қилибди.

Ўша пайтларда хонлик девонида гурланлик Салимохун ва унинг ўғли Бобоохун қозикалон вазифасида ишлар, уларнинг оиласи билан Олламберган бобомлар оиласи ўртасида дўстлик ришталари давом этиб келаётган эди. Ана шу ҳолат ҳам Олламберган бобомни оқсоқол қилиб тайинланишига сабаб бўлади.

Айнан шу туфайлиям гурланликлар номидан Хивага арзга борадиган бўлганида, Олламберганни хон амалдорлари дарров қабул қилишар экан. Ана шу воқеалардан сўнг хон агар Гурлан, Манғитга ташриф буюрадиган, Султон Увайс бобо зиёратига борадиган бўлса, Олламберганни кўриб ўтамиз, деб тўхтаб ўтишадиган бўлган экан.

Кўчқор бобомнинг айтишича, хон олдига бориб арз муаммоларини ечиб келади, деб Гурлан эли қандайдир муаммо бўлса, Олламберган оқсоқолга бориб учрашар эканлар. Олламберган бобомиз бадавлат бўлмаса ҳам деҳқончилик, чорвачилик қилиб, ўз кучи билан ердан мўл ҳосил олиш эвазига яхши ҳаёт кечиришган. Кейинчалик мен ўспиринлик, ёшлик йилларимда ва турли вазифаларда ишлаганимда кекса, ўтмишни биладиган инсонлар билан учрашганимда, Олламберган оқсоқолнинг неварасиман дея ўзимни таништирганимда, «бобонг жуда яхши инсон эди» дея айтганларида бундан гурурланиб, фахр ҳиссини туярдим.

Орадан вақт ўтиб, давр алмашди. 1992 йили 56 ёшимда мустақиллик шарофатидан туманнинг биринчи ҳокими қилиб сайланганимдан сўнг, икки кун ўтди. Мен шунда оқ фотиҳа олай дея Эшимжирон қишлоғида яшовчи эшонлар сулоласидан бўлган 92 яшар Исмоилжон бобонинг олдига бордим. Ўшанда Исмоилжон ота:

— Худойим сенга мададкор бўлсин! Йўлинг очиқ, ишларинг ривож топаверсин! Сенинг бобонг Олламберган оқсоқол ҳам ажойиб раҳбар — эл оғаси, тўғри сўзли, ақлу доно, адолатли инсон эди.

Мен сенинг бобонгдек адолатпарвар ҳоким бўлишингни истайман, — дея дуо қилгандилар.

Қўчқор бобом, Исмоилжон эшон бобонинг айтишларига қараганда, Олламберган оқсоқол ўз даврида элда обрўли, Гурлан беклигида эътиборли инсонлардан ҳисобланган экан. Ўша вақтларда хонликда қазувга барча эркакларни жалб этган ҳолда, ишлатиладиган солиқ тизими ҳам бўлиб, куз фаслида совуқ тушмасдан олдин оқсоқол бошчилигида Қилич Ниёзбой арнаси, туман, қишлоқдан ўтадиган ариқлар қазиб чиқилган. Олламберган оқсоқол ана шу ишларга аҳолини жалб қилиш, қазил ишларининг боришини назорат қилиш билан шуғулланган.

Гурлан туманида тўрт тўқсон ёп-каналлар тизими билан ерларни суғоришган. Амударёдан махсус сув олиш соғаси орқали ариқларга сув келтирилган. Тўрт тўқсон деб аталишининг сабаби тўрт ариқ-каналга бўлиниб, туманда суғориш ишлари олиб борилган.

1. Нукус ёп. (Ариқ) Сахтиён, Олға, Бирлашган қишлоқларини сув билан таъминлаган ва ҳозир ҳам шу йўналишда сув келмоқда. Шунингдек, Гурлан туман марказининг қибла томонидан оққан. 1984 йилда Нукус ёп бетон билан қопланди.

2. Хизирэли ёп. Туман марказидаги Кўрпачаовул, Хизирэли қишлоғи ҳамда Олға қишлоғидаги Пулчи овули аҳлининг ерини сув билан таъминлаган. Ҳозир ҳам сув оқими шу йўналишда давом этмоқда.

3. Хандак ёп. Асосан Гурлан туман маркази, Беклар, Калла овул маҳаллаларининг ерлари шу ариқдан сув ичган ва ҳозирдаям ана шу йўналишда сув келади.

4. Вазир, Янги ёп (Қорақўз ёп). Бу тизим Вазир, Бадават, Шехлар, Дўсимбий қишлоқларини, Марбўғат, Оққум овуллариининг ерларини бевосита Амударё орқали келадиган сув билан таъминлайди ва таъминланмоқда.

Ушбу муҳим суғориш тизимлари Гурланнинг ҳаёт манбаи бўлган ва бўлаёпти дея айтсак менимча ўринли бўлади.

...Олламберган оқсоқол бобом 21 хонадан иборат катта ҳовли солган бўлиб, янги иморат қурганда буғдой, шолидан мўл ҳосил олган. Очарчилик сиёсатининг ёмон томонга ўзгараётганини сезиб, ҳосилнинг бир қисмини лойга аралаштириб, деворга сувоқ қилган экан. Отам ана шу сувоқни тушириб, бизларга берар, биз буғдой, шолини лойдан ажратиб ойимга тозалаб узатардик. Оиламиздан ортган буғдой, шолини ҳам ўша 1946 йилнинг қиши ва баҳорида қўшнилarga тарқатдик.

1946 йилнинг бугдой ҳосили мўл бўлиб, бугдойдан бўшаган ерларга жўхори экилди. Жўхорининг зарурлиги ундан зоғора нон ёпиларди.

Ўша йили оиламиздагилар Римбой акамни уйлантириш ташвишига, тараддудига тушишди. Уйдаги 5 қоп жўхорини Қўчқор бобомнинг аравасига солиб, мени ҳам аравага миндирганича иккаламиз «Синдухинец» деган жамоа хўжалигига бордик. Бу жамоа хўжалигида Узоқ Шарқдан келган корейслар кўпчиликни ташкил этар, раис Сергей Ким эди. Отам у кишини яхши танир, сабаби М. Горький номидаги жамоа хўжалигида корейслар яшаганларида Сергей Ким колхозда бош ҳисобчи ёрдамчиси бўлиб ишлаган экан. Улар ўша вақтда танишиб дўстлашган эканлар. Раис бува бизларни яхши кутиб олди. Уйда бизни меҳмон қилиб сув палов пишириб берди.

Кетишимизда эса жўхори эвазига шоли бериб юборди. Ана шу шоли ҳисобига оиламиздагилар Римбой акамнинг тўйини ўтказишди. Ҳалима деган қиз Римбой акамнинг умр йўлдоши бўлди. Ўша йилнинг охирида Амина опамнинг ҳам тўйи бўлди. Уни Эшимжирон қишлоғилик Карим Йўлдошев деган йигитга турмушга беришди. Карим акам ота-онасининг ёлғиз ўғли бўлиб, ақлу идрокли, тартиб интизомни яхши кўрадиган инсон эди. Кўп йиллар жамоа хўжалигида бригадир, ферма мудир бўлиб ишлади. Вақт ўтиб улар Амина опам билан 5 ўғил, 6 қизни вояга етказиб, ҳаммасини жамиятга керакли соҳалар мутахассиси — олий маълумотли инсонлар қилиб тарбиялашди.

Тўлғоной, Шуқурилла, Мунаввар, Қурбиёз, Салима, Санобар, Солий, Самандар, Зайнаб, Дармонжон, Сапарбойлар — Каримбой акам ва Амина опамдан қолган зурриётлар бўлиб, уларнинг ҳам ўзлари бугунги кунда невара-чеварали инсонлардир. Каримбой акам 1997 йилда 67 ёшида, Амина опам 2010 йили 82 ёшида вафот қилди.

Энди Қўчқор бобом тўғрисидаги воқеага келсак. Кунларнинг бирида у отамга «Аминни менга берасан» деб қолди. Шунда отам «ўзи шундоғам Амин ҳар кун сен билан, доимо ёнингда бўлса» дея жавоб берди. «Йўқ, уни менга қонуний ўғил қилиб берасан» деди Қўчқор бобом. Отам эса «ўзи Амин менинг ҳам бир ўғлим, бошқалари қиз фарзанд. Мен сизни уйлантириш ниятидаман. Худо хоҳласа сизнинг ҳам ўз ўғил-қизларингиз туғилади» деб яхши ният қилди. Бобом эса «мен 55 ёшдан ўтдим» деб бу фикрга қарши бўлди. «Сиз ҳали тетиксиз, уйланишингиз керак, Розия момомдек яхши аёл

йўқ. Аммо у кексайиб қолди», дея яна Қўчқор бобомни уйлантириш тараддуди борлигини айтаверди. Шу суҳбат баҳона Қўчқор бобом уйланадиган бўлди.

1945 йилнинг охирларида отам Нормул исмли аёлни икки қизи — (Анормул ва Тожиул) билан Қўчқор бобомга олиб берди. Улар бизнинг хонадонда вояга етиб, турмушга чиқиб мустақил ҳаётга қадам қўйдилар, бола-чақали бўлиб кетишди.

Нормул момом ва Қўчқор бобомдан эса Курол, Абдулла, (Тўлибой ва Назиралар ёш пайтлари вафот этиб кетишди) деган фарзандлар туғилди. Улар ҳам жамиятта керакли соҳа мутахассислари бўлиб вояга етишди.

ТИКЛАНИШ ДАВРИДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Гарчи урушда ғалаба қозонилган бўлсада, урушдан кейинги йиллар ҳам ғоятда оғир бўлиб, ҳамон халқ, жамият ҳаётида тикланиш даври қийинчилик билан кеча бошлади.

1946 йил жамоа хўжалигимиз раиси Файзулла Абдурахмонов эҳтиётсизлик қилиб ўзини-ўзи отиб қўйди. Натижада вафот этган раис ўрнига Эшиммат Машарипов деган кекса кишини раис қилиб тайинлашди. Ҳамқишлоқларим раисни Эшиммат туячи деган лақаб билан аташарди. Шундай кунларнинг бирида отам ҳар кунги жамоа хўжалиги мажлисидан қайтиб хўрсиниб қолди. Бунга сабаб мажлисда туман фирқа саркотиби Жуманиёз Ёқубов Чоржўй-Қўнғирот темир йўли қурилиши бошланганини айтиб, отамнинг бригадасидан 12 кишининг қурилишга юборилишини буюрган экан.

— Айни пахта ва бошқа экинларга қараш учун ҳам одам керак. Энди қурилишга кимни юборсак экан? — ўйга толди отам ва менга қарата:

— Темирйўл қурилгани яхши. Бу ахир техника тараққиёти. Шу боис айтилган одамларни юбориш керак. Қани Аминбой ўғлим, қўлингга қоғоз ва қалам олда, мен айтиб турган кишиларнинг исми-фамилиясини ёз, — деди.

— Шомурот, онаси Холжон, Зариб, унинг хотини Бика, Каримбой, Юлдаш, Жумат, Нормул, Шарипа, Карима, Абдулла. .

Шу тариқа бригададаги эркак ва аёлларнинг исмини ёзиб отамга бердим.

Отам қоғозни қўлига олди-ю, яна оғир хўрсиниб «ух» тортди:

— Энди аравани, қўшни ким ҳайдайди, пахтага ким қарайди?!

Ҳа, давр ғоят оғир, ҳар бир топширилган ишни бажариш талаб қилинар, шу билан бирга асосий экин — пахтага эътиборни ҳам сусайтирмаслик керак эди.

Ана шу тариқа кўплаб элдошларимиз сингари бизнинг бригада аъзолариям темир йўл қурилишида қатнашиш, Питнакдаги ўзларига беркитилган ерларда ишлаш учун аравада жўнаб кетишди. Ўша вақтларда инсонлар ҳар бир айтилган буйруқ, топшириқ, гап-сўзга қулоқ солишар, айтилган ишни бажаришарди. Бу эҳтимол инсонлардаги яхши фазилатлардан саналар. Яна кимдир мардлик, ватанпарварлик туйғуси дея баҳолар. Хуллас, берилган топшириқ айтилган вақтида бажарилар эди.

Аммо халқнинг яшаш шароити, турмуш тарзи оғир эди. Эрталаб онам 3–4 кг жўхори ёрмаси, ловия, ошқовоқ солиб қозонда «ёрма» деган овқат тайёрларди. Қиш пайтларида ҳар кун ана шу ош ёрмани отамнинг бригадасидаги ишловчилар, шунингдек бошқа кекса кўшнилари, ҳаммаси бўлиб жами 20–22 киши истеъмол қилишарди. Улар бу вақтни «ош вақти» дея аташарди. Яъни «ош вақтида кел», «ош вақтида бер», «ош вақти эди» дея вақтга баҳо беришар, қайсидир воқеани, гап-сўзларни шу билан боғлашарди. Ўша «ош вақтида» ана шу шахслар бир-бири билан иноқ, аҳил, каттага ҳурмат, кичикка ғамхўрлик руҳида гаплашишар, асло гап-сўз талашимасдилар.

Ош пишгандан кейин онам айрон, баъзида қатиқ билан ошни аралаштириб биринчи товоқни мулла Хўжаёз бобога берар, кейин эса ёшига қараб бошқаларга ҳам товоққа ош солиб тортарди. Эътиборлиси, бир товоқдан 4–5 киши ош еяр, чунки битта қошиқ бўлиб, ҳар бир товоқдошлар уч марта қошиқ билан овқатни истеъмол қилиб, қошиқни ёнидаги кишига берарди. Хотин-қизлар, ёш болалар ҳам товоқдан навбатма-навбат бир қошиқдан ичишар эди. Бу эҳтимол ўша қийин даврда товоқ, қошиқларнинг камлиги билан боғлиқдир.

Чунки, ўша даврда чинни, сопол идиш йўқлиги учун, чой ҳам лойдан ясалган косада ичилар, у ҳам уйимизда тўрттагина эди. Уйимиздаги товоқлар ҳам тол дарахтидан ясалган тўртта «карсан» (товоқ дегани) ва тўртта ўрик дарахтидан қилинган қошиқдан иборат эди...

Ҳа, урушдан кейинги даврда одамларнинг турмуш тарзи, ҳаёт кечириши оғир бўлиб, аммо бир-бирига меҳр-оқибат устун эди. Одамлар уруш тугатганига, бундай қийинчиликлар ўтиб кетишига ишонишар, ҳамжиҳатликда иноқ бўлиб шукрона қилиб яшашарди.

Ўшандай кунларнинг бири. Куз фаслидаги бозор, яъни якшанба кунини эди. Онам девордаги сувоқдан олган шоли, чигиндан гурунч

қилиб, палов пишираётганди. Кечқурунлари овулдаги эри йўқ, ночор кун кўрувчи Қутли момо, Биби момо, Ҳалима момо деган аёллар жамоа хўжалиги идорасига бориб, раисдан 3-4 кг чигинли шоли сўраб олиб қайтишаётганди. Улар ҳар ҳафтада бир кун шу тарзда палов, шавла пишириш учун раисдан ёрдамга чигинли шоли олиб қайтишар, кели деган асбобда шолини туйиб гурунч қилишарди.

Ўша учала аёл идорага боришаётиб бизларникига кириб ўтишди. Палов пишаётганини кўриб, онам таклифига кўра овқат еб кетадиган бўлишди. Ўша куни онам биз болаларга озгина қолдириб бояги кампирларни палов билан сийлади. Улар кетишгач билсам, отам ва онам паловдан ейишмаган, ўзларига қолмаган экан. Шу куни улар сигирни соғиб, сутни ичиб қоринларини тўйдирган бўлишган, аммо «кампирларни палов билан сийлаганимиз яхши бўлди-да» дея гаплашиб ўтирганлари ҳануз ёдимда...

1948 йил баҳори эрта келди. Отамнинг томорқага эккан буғдойи жуда яхши ҳосил берди, уйга анчагина буғдой олдиқ. Ўша йили М. Горький номидаги жамоа хўжалигимиз раиси Эшиммат Машарипов ўрнига, ўзимизнинг қишлоқдаги МТС(машина трактор саройи) да механик бўлиб ишловчи Бобожон Арнамуродов деган киши раис қилиб тайинланди. Буғдой ҳосили яхши бўлганидан отам янги раисга аравага юклаб 5 қоп буғдой бериб юборди.

Ўша йилнинг ёзида отам иморат солиш учун тайёргарликни бошлаб юборди. Иморат ўрнига эски уйимиз олдидаги чертак (навес) танланди. Ўша ерга иморат барпо эта бошладик. Маълумки, Хоразм меъморчилигидаги азалий анъана-уйлар — лойни пишириб пахса барпо қилинган. Биз ҳам шунга кўра пахсадан иморат қурилишини бошладик. Биринчи пахса қўйиладиган куни отам иш бошланиши хайрли бўлсин деб эчкимизни сўйиб, шу эчкининг гўштидан раис ва унинг дўстларига, ҳашар-кўмакка келганларга зиёфат берди. Хуллас, иморат қуришнинг илк куни ана шундай зиёфат билан бошланди,

Этиборлиси, онам тандирда иссиқ буғдой нони ёпиб, мен уни келган кўмакчиларга олиб бориб бериб турдим. Янги буғдойдан ёпилган бўрсилдоқ нон ширин бўлиб, ҳар бир нонни кўмакчи ўзи севиб еяр, хуллас ўша пахса қўйилган кунлари онам 2-3 маротаба нон ёпарди.

Шу тариқа иморат қуришимиз тезлик билан барпо этилди. Бунга сабаб кўмакка жуда кўп одам келар, ҳар бир хонадонга бориб «ҳашарга, кўмакка» деб айтиш шарт эмас, одамларнинг ўзлари

келишаверарди. Жамоа ҳўжалиги раиси Бобожон ака ҳар галги пахсада ўзи иштирок қилар, бизникига велосипедда келарди. Кетишида эса велосипед орқасига 2-3 нонни боғлаб идорадаги раҳбарларга олиб кетарди,

Бугдойимиз отамнинг яхши парвариш қилганидан яхши ҳосил бергани учун раис отамга 1949 йил яна бир дала бугдой экиб қарайсиз, деб кузда топшириқ берди. Отамнинг деҳқончиликдан яхши хабардорлиги, бугдойга эътибор билан қараши сабаб бизларнинг хонадонимиз ҳар йили бугдой экадиган бўлди.

1949 йил охирида Бобожон Арнамурадов раисликдан бўшаб, унинг ўрнига туман сув ҳўжалигида ишловчи Ражаб Ёқубов раис бўлиб тайинланди. Бир куни янги раис уйга келиб, «сизда етарли кигиз бор экан, менда эса йўқ. Кигизларингизнинг иккитасини менга вақтинча бериб туринг», дея олиб кетди. Афсуски, вақтинчалик деб олиб кетилган кигиз уйимизга қайтариб берилмади. Онам кўп йиллар «раис кийгизни қайтариб бермади», деб гапирганида отам «қўй, энди гапирма» деб қўярди.

1949 йил 6-синфда ўқиб юрган пайтимизда мактаб директори Қодир Юсупов 6-синфдан 8 нафар ўқувчини, 7-синфдан 10 ўқувчини бир синфга тўплади. Бунга сабаб туман ёшлар ташкилотидан вакил келган экан. Ёшлар ташкилоти ходими Римбой Мадаминов деган киши бўлиб, ҳарбий кийимидан яқиндагина армиядан келгани билиниб турарди. У мактабимиз директорига сўз берди. Директоримиз уруш пайтида ва фронт ортида, жамоа ва давлат ҳўжаликларида, қурилишларда, умуман барча соҳада ёшларнинг фидокорона ишлаётганлари, Олег Кошевой деган йигитнинг фронтдаги қаҳрамонлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Римбой Мадаминов ҳам ёшлар ватан таянчи эканлиги, мактаблардан аълочи, хулқи намунали ўқувчиларни ташкилот аъзолигига олиш зарурлиги, бу борада туман ташкилоти ушбу мактабдаям бошланғич ташкилотини очишга қарор қилганини таъкидлади. Шу билан бирга у ўз сўзида «беш кундан кейин туман ташкилотига бориб ёшларга оид дастур бўйича суҳбат бўлишини» айтиб, синф доскасига дастурга оид тўртта бўлимни ёзди. Биз ўқувчилар уни дафтарга кўчириб ёдлашга киришдик.

Орадан беш кун ўтгач, Римбой Мадаминов яна келиб, «ким саволларга яхши жавоб берса, ўшани ташкилот ҳайъатига олиб кетамиз» дея мажлис ўтказди. Саволлар асосан ўша давр руҳида: шўро давлати, унинг «доҳийлари», шу билан бирга Пушкин,

Максим Горький каби рус адиблари ҳаётига тааллуқли эди. Римбой Мадаминовнинг саволларига 6-синфдан Зариб Ҳасанов, Норим Суёнов, Шомуротова Ҳалима, Отомуротова Саодат ва мен, 7-синфдан эса 4 ўқувчи яхши жавоб бериб, туман ёшлар ташкилотига борадиган бўлдик.

Шу кун и кечкурун ўқитувчиларимиздан Шермат Гулмонов мактабимиздаги ўнта ўқувчини туман ташкилотига олиб борди. Йиғилишда туман ёшлар саркотиби Матюсуф Раҳимов, 2-котиб Хан Бен Нам, кадрлар бўлими мудири бўлиб ишловчи ҳамқишлоғимиз Ражаб Қўчқоров қатнашаётган экан. Мен йиғилишга кириб салом бердим. Бироқ негадир ҳеч ким саломимга алик олмади. Шунда Матюсуф Раҳимов таржимаи ҳолимни айтишни сўради. Мактабда ўргатилгани боис мен дарров жавоб бера бошладим:

— Мен Вапоев Амин 1935 йили Максим Горький номидаги колхознинг 6- бригадасида колхозчи оиласида туғилганман...

Шу пайт менинг сўзимни бўлган ҳамқишлоғимиз Ражаб ака:

— Нимага ёлғон гапираяпсан? Сенинг отанг Вапо ака бригада бошлиғи-ку? — деб қолди.

Мен бир зум нима деяримни билмай қолдим. Шунда Матюсуф Раҳимов:

— Бригадир ҳам колхозчи ҳисобланади. Қани ўғлим давом этавер, дея менга далда берганича Қўчқоровга эса танбеҳ бериб ўтди.

...Шу тахлит 1949 йилнинг октябрь ойида 10 та ўқувчи ёшлар ташкилоти аъзолигига қабул қилиндик. Бизлар ҳали ўспирин бўлганимиздан ўша давр руҳига хос — бундан фахрланиб, шодликдан тўлқинланиб кетгандик. Ана шундай ҳис-туйғулар билан қишлоққа кечкурун пиёда қайтдик. Аммо бизлар тўғри уйларимизга эмас, мактабга кирдик. Борсак, қоровул Мадраҳим ака биз ўқувчиларни ота-оналаримиз келиб суриштиришгани ҳақида гапириб қолди. Чунки бизлар уйдагиларга хабар бермай мактабдан туман марказига йўл олгандик. Хайрият мактабда яшаб ишлайдиган асли хивалик Маткарим Машарипов деган ўқитувчи бизларнинг нима мақсадда кетганимизни ота-оналаримизга тушунтириб, тинчлантирган экан. Вақт алламаҳал бўлиб, уйқу ҳам келмасди.

Эртасига биз ухламасдан яна мактабга бориб ўқишни давом эттирдик. Синф доскаларига исмларимизни ёзиб, биз ёшлар ташкилотига аъзо бўлдик, дея ёзиб қўйдик.

Орадан икки кун ўтиб Римбой Мадаминов мактабга яна келди ва директор Қодир Юсупов, илмий бўлим мудири Юлдош

Оллаберганов, ўқитувчимиз Шермат Гулмонов иштирокида ёшлар ташкилотининг мажлисини ўтказди. Бундан мақсад ташкилотнинг мактабда бошлангич ташкилотини тузиш, унга котиб сайлаш эди. Директоримиз Қодир Юсупов аълочи ўқувчи дея мени котибликка тавсия қилди. Бошқалар ҳам буни қўллаб-қувватлагач, мен бу вазифага тайинландим.

...Ўша даврда колхозда раислар кўп ишлашмас, тез-тез алмаштирилиб туриларди. 1950 йили Ражаб Ёқубов раисликдан бўшаб М. Горький номидаги колхоз Ордонежекидзе номидаги колхозга қўшилиб, йириклаштириб юборилди. Раис қилиб эса Абдурахим Раҳимов тайинланди. Орадан уч кун ўтиб, Абдирахим Раҳимов уйимизга тумандан уч киши билан келишди. Отам товуқ сўйиб, онам палов, шўрва пишириб зиёфат берди. Ўша пайтлари бизнинг уйимизга тумандан келган вакиллар чой ичиш учун доимо келиб туришарди. Отам ва онам меҳмонлар келишса ҳеч хафа бўлишмас, уйда таом тайёрлашга масаллиқ бўлмай қолса, қўшнилاردан сўраш учун мени юборишарди.

Ёз кунларининг бирида от фойтунда йирик гавдали киши ҳовлимизга кириб келди. Отамни суриштириб, менга кўрпача олиб чиқишни тобишарди. Мен кийгиз кўрпача олиб гужум тагидаги супага жой тўшаб, дарров чойга ўт ёқиб юбордим. Ўша басавлат киши мендан қудуқдан сув олиб келишни илтимос қилди. Қумғонга сув тўлғизиб, ёшулдининг олдига борсам, кўйлагини ечганича майкачан бўлиб олди ва бошига сув солишимни буюрди.

Мен у кишининг бошига, оёқларига сув қўйдим. Басавлат ёшулли менинг бу ишимдан хурсанд бўлиб, «катта, бахтли, тахтли йигит бўлгайсан» дея дуо қилди. Ўша пайт отам келиб, у киши билан қуюқ сўрашди. Онамга эса овқат тайёрлашни буюрди. Басавлат киши иссиқда чарчаган шекилли гужум тагида бир зум мизғиб олди. Отамнинг айтишича бу киши туман қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи Раҳмон Қутлимуродов экан. Кейинчалик у киши бир нечта туманларда ижрокўм раиси, вилоят ижрокўмининг раиси бўлиб ишлади ва нафақага чиқиб 93 ёшида вафот этди... Орадан вақт ўтиб у кишининг ўғли Ҳусайн Раҳмонов республикамизга таниқли журналист бўлиб етишди, бир қанча китоблар муаллифи бўлди.

Боя ҳам таъкидлаб ўтганимдек 1950 йил ҳосили яхши бўлди. Турлан тумани раҳбари қилиб Девоновдан сўнг — 1949 йилдан Хударган Раҳимов тайинланган эди. Ўша вақтларда колхозларда умумий йиғилишлар кўп бўлар, унда мен ҳам иштирок этиб, бўлаётган иш жараёнлари билан таниш эдим.

1949 йил ёз фаслида 5- бригада ҳисобчиси бўлиб ишлаб юрган Оллам Давлатов армия сафига чақирилди. Шу даврда саводли одамлар санокли бўлганидан, бригадир Матюсуф ака мени шу ҳисобчилик вазифасига лойиқ кўрган экан. Бригадирга колхоз бош ҳисобчиси Собир Матўрозов мени тавсия қилибди. Бу ҳақда уйга бригадир Матюсуф ака келгач билдим. Мен ҳайрон бўлиб отамнинг келишини кутдим. Отам келгач «раис сўраётган бўлса, энди ўғлим катта йигит бўлиб қолибди-да» дея хурсанд бўлди ва менинг идорага боришимни маъқуллади. Онам эса «ўғлимиз мактабни битирмаган-ку» дея хавотирланди. Отам эса онамга ва менга далла берди.

Шу тахлит кечкурун 6-бригада ҳисобчиси бўлиб ишлаётган дўстим Қозоқ Қорабоев билан унинг эшагига мингашганимча идорага келдик. Раис йўқ экан. Армиядан келгани боис ҳарбий кийимдаги бош ҳисобчи Собир Матўрозов бригада ҳисобчиларидан маълумот қабул қилиб ўтирган экан. Собир аканинг ёнида ўтириб, айниқса, ҳисоблагични қоқиб ҳисоб-китоб ёзишига ҳавас қилиб ўтирдим.

У ўз ишини қилиб бўлгач, муддаога ўтди ва раис ҳам менинг номзодимни маъқул топганини, бригада ҳисобчиси бўлиб ишлаб тажриба орттиришни маслаҳат берди.

— 7-синф нима бўлади, менинг ўқишни давом эттирмоқчиман, — дедим.

— 1 сентябрдан ўқишингга бораверасан, ҳозир май ойи бўлса, уч ой ўқишгача ишла, — дея йўл-йўриқ кўрсатди. Ниҳоят розилигимни олгач, колхозчиларнинг исм-шарифлари ёзилган дафтарни берди, ҳамда қисқача қилиб қандай қилиб одамларнинг ҳар кунлик ишини ҳисобга олишни тушунтирди.

Тўғриси бу ишлар менга таниш эди. Чунки отам ўз бригадасининг ҳисобларини менга кўчириб бер, ҳисоблаб бер, дея кўп ишларни ўргатган эди. Ана шу тахлит ёз фаслида 5-бригада ҳисобчиси бўлиб ишлай бошладим ва 1 сентябрда 7-синфга ўқишга бордим.

1950 йил пахта жуда эрта очилди ва ҳосил мўл бўлди. Гурлан тумани пахта тайёрлаш режасини 6 октябрь кuni республикада биринчи бўлиб бажарди. Ўша вақтлари қишлоқда батарея билан ишловчи радиолар мавжуд эди. Режа бажарилгани ҳақидаги хабарни ўқиган суҳандон, зафар ҳақидаги ҳисоботга саркотиб Хударган Раҳимов, ижроқўм раиси Кўчқор Ҳайитимметов қўл қўйган, дея эълон қилгани эсимда.

Эртасига 7-октябрда туман марказидаги эски дорихона ва шифохона олдида ўша давр руҳига хос кўп кишилиқ митинг бўлди.

Бизнинг мактабдан 6-7 синф ўқувчилари ўша жойга саф тортиб пиёда бордик. Йиғилишда колхозимиз раиси Абдурахим Раҳимов ҳам бор экан. Ижроқўм раиси Қўчқор Ҳайитиметов сўзни саркотиб Хударган Раҳимовга берди. У киши жуда қувонч билан режанинг бажарилгани тўғрисида фахрланиб гапирган, нотиқнинг қатъиятли, сўзлаш оҳанги менда кучли таассурот уйғотганди. Шунда менда Хударган акага ҳавас уйғониб, қачон мен ҳам ана шу Раҳимовга ўхшаган етук нотиқ, қатъиятли раҳбар бўлар эканман, дея ўйлаганим эсимда.

...Орадан йиллар ўтди. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Мактабни тугатиб, Урганч ва Тошкент шаҳарларида ўрта махсус ва олий таълим олиб, меҳнат фаолиятимда тажриба орттириб, 1965 йилда ўша нотиқ Хударган Раҳимовга шогирд бўлиш, у киши билан 10 йил бирга ишлаш насиб қилди. Мен ҳаётимда Хударган аканинг ҳаётий тажрибаларини, инсоний муомила маданиятини, етук раҳбарга хос йўл-йўриқларни ўргандим. Буларнинг бари менга катта ҳаётий сабоқ бўлди...

1950-51 ўқув йилида Зариб Ҳасанов, Юлдош Машарипов, Гулим Бозорбоев, Бекиммат Оқмонов, Сапарбой Холов, Норим Суюнов, Саодат Отамуротова, иккала исм-фамилиядош Ҳалима Шомуротова, Ўғилжон Мадаминаова (у менинг 53 йиллик умр йўлдошим бўлди) Ёқут Бекчонов, Қўчқор Сапарбоев деган синфдошларим билан 7-синфни тамомлаб, ўша даврга хос умумий ўрта маълумот олиб мактаб таҳсилини тамомладик.

Мактаб директори Юлдош Оллаберганов, Қаландар Шамсиев, Қурёз Матёкубов, Осий Рамазанова, Фарида Ахмедова, Шермат Гулмонов, Жуманийёз Бекчанов, Ойимжон опа Тажиева сингари ўқитувчилар бизга яхши таълим берган мураббийлар эди. Ўша кунлари ҳамма битирувчилар олдида ким қайси касбни танлаши, қаерга ўқишга бориши бўйича масала кўндаланг турарди.

Шахсан мен қайси ўқув юртига бориш бўйича отамнинг маслаҳатига амал қилдим.

— Ўқишни қаерда давом қилдирмоқчисан?—сўради отам.

— Тарих фани ўқитувчиси бўлсам дегандим, — дея отамга қаралдим.

— Тарих ўқитувчиси бўлиш яхши. Бунинг учун Гурлан марказидаги 10 йиллик ягона мактаб бор. Ўша ерда 3 йил ўқишинг керак. Қолаверса кейин армия масаласи ҳам бор.

Отамнинг бу гап-сўзлари мени яна ўйлантириб қўйди.

Куни билан бу масалада яна ўйга толиб юрдим. Ниҳоят кечқурунги овқат маҳали отам, қиз опам, Римбой акамлар бирга ўтирар эканмиз, отам:

— Амин, сенга бир маслаҳат бор, ўйлайманки унга амал қилсанг сенга яхши бўлади, — деди.

Мен отамнинг бу маслаҳати, айнан ўқиш масаласида эканини сезсамда, нима деяркан, деган ўйда отамга қарадим.

— Дунёда бир касб бор, — отам шундай деб гапида давом қилди менга қараб, — қайси давр бўлмасин, у Хива хоними ёки Ленин ва Сталинми, бу касбга ҳаммада зарурат бўлади. У касбсиз, ўша соҳасиз ҳаёт бўлмайди. У ҳам бўлса сув хўжалиги мутахассиси-миробчиликдир. Эшитишимча, Урганчда сув хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган техникум очилибди. Кўплаб ёшлар бориб таҳсил олаётган экан.

— Тўғри, мен ҳам бу техникум ҳақида эпитгандим, — гапига қўшилиб отамни қўллаб қувватлади Римбой акам, — агар Аминни юборсангиз уни ўзим олиб бориб келаман.

Ана шу тариқа оиламиздагиларнинг даъвати, маслаҳати билан Урганч гидромелиорация техникумига ўқишга кириш учун ҳужжатлар тайёрлай бошладим.

Энг аввало турар-жойдан маълумотнома олиш керак бўлиб, буни колхоз раиси берарди. Маълумотнома олиш учун раисга учрашмоқ мақсадида идорага бордим. Ҳисобчи бўлиб ишлаганимдан раис мени яхши танирди. Астагина хонасининг эшигини тақиллатиб, ичкарига кирдим. Қарасам бошқа кишилар ҳам бор экан.

— Киравер Вапо бригадирнинг боласи, — дея ноқулай аҳволда қолиб, хижолат бўлаётганимни сезгач, таклиф қилди раис. Саломлашганимиздан кейин нима мақсадда келганимни сўради.

— Ўқишга бормоқчи эдим. Шунга маълумотнома берсангиз дея келгандим, — илтимос оҳангида сўрадим раисга қараб.

— Йўқ, бермайман! — қаттиқроқ оҳангда овозини баландлатди раис баралла, — сенинг шу саводинг ҳам етарли. Сен бош ҳисобчи бўласан. Собир Матўрозовни туман ёшлар ташкилотига ишга олишмоқчи, ўрнига сени қўяман. Қолаверса, озгина бўлсада ишлаб тажриба ортирдинг.

Раиснинг бу гапи мени саросимага солди. Аммо отамнинг даъвати, ўзимнинг ҳам ўқишга бориш истагим кучлилиги боис:

— Йўқ, раис бува, мен Урганчдаги сув хўжалиги бўйича техникумга бормоқчиман, — дедим қатъий қилиб.

— Йўқ! — ўжарлик қилди раис ҳам, — сув-пув керакмайди, ўзим сени Хивадаги ҳисобчилар тайёрлаш бўйича ўқишга юбораман. Аммо кейинги йил. Бу йил колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлайсан! — буйруқ бергандай сўзлади раис кескин оҳангда.

Шу тахлит ноилож ўрнимдан турдимда ташқарига чиқиб, эшагимни минганча хафа бўлиб уйга қайтдим. Воқеани оиладагиларга йиғламосираб айтиб бердим.

— Мен раиснинг маълумотнома бермаслигини биламан. У ўжар одам, бермайман дедими, бермайди. Унинг маълумотномаси керакмас. ўзим сента ҳужжат тўғирлаб бераман, — дея овутди Римбой акам.

— Раҳмат, — дея олдим, зўрға мен кўз ёшларимни артиб.

Римбой акамнинг армияда бирга бўлган Қуронбой деган дўсти туман ижроқўмида ишлар экан. Ана шу киши ёрдамида Римбой акам менга ҳужжат тўғирлаб берди. Ниҳоят керакли ҳужжатларнинг барини олиб Римбой акам билан 1951 йилнинг августида Урганчдаги гидромелиорция техникумига бордик. Ҳужжатларни топширган кунимизнинг эртасига имтиҳон бўлиши сабаб, мен техникумда қолишга мажбур бўлдим.

Ўша вақтда техникум Урганч шаҳрининг Дошқинжон бобо зиёратгоҳи ёнидаги икки қаватли бинода жойлашган эди. Техникум ҳовлисида 5-6 туп тўронғи ўсиб, унинг тагига каравотлар қўйилган эди. Абитурентлар ўша жойда ухлашар экан.

Биринчи кун Қаландар Сапоев деган йигит билан танишдим. У ўзининг Янгиариқ туманидан эканлигини айтди. Қаландар иккаламиз «комендант» деб ёзиб қўйилган эшикдан исмларимизни ёздириб, кўрпа-тўшак олиб ёнма-ён каравотларда дам олдик.

Кечқурун техникум ёнидаги истироҳат боғига бориб томоша қилиб келган бўлдик. Каравотда ётганча бошқа болаларнинг қаерданлигини суриштирдик. Кўпчилик болалар Қорақалпоғистоннинг Шаббоз, Тўрткўл туманларидан, бизга қўшни Манғитдан экан.

Эртасига Қаландар иккаламиз биргалашиб имтиҳонга кирдик. имтиҳон рус тилида ёзма иш бўлиб, уни Елена Иванова деган рус аёли олди. Эртасига ўша аёл имтиҳон натижасини айтиб, Қаландар иккаламиз «хорошо» баҳо олганимизни эълон қилди.

Иккинчи имтиҳон алгебра ва математика фанидан бўлиб, иккаламиз ҳам «аъло» баҳога топширдик. Ана шу тариқа имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, мен Урганчдаги гидромелиорация техникумининг талабаси бўлдим.

ТАЛАБАЛИК ЙИЛЛАРИМ: ҚИЙИНЧИЛИК ВА ҚУВОНЧЛАР

1951 йилнинг 1 сентябри. Бу менинг ҳаётимда талабаликдек қувончли ва масъулиятли, шу билан бирга машаққатли янги даврнинг бошланиши эди. Янгиариқлик Қаландар Сапоев билан шу тариқа қалин дўстга айланиб бир гуруҳда, бир партада ўтириб дарсларда маъруза тинглардик. Техникум ҳовлисида бор йўғи уч кун яшадик. Ётоқхона соҳиби Эгам ака келиб, бизларни шахсий уйларига ижарага жойлаштирди.

Мен, манғитлик Абдулла, Ўринбой, Мадат деган гуруҳдошларим, Қозоқ Қорабоев, Юлдаш Отажонов каби олдинги жўраларим биргаликда шаҳарнинг Калинин кўчасидаги 5-уйда яшашни бошладик. Қаландар оғайним эса опаси билан Янгиариқ туманига боравериш йўлидаги кўчада ижарада турарди.

Шу тариқа талабаликнинг фақат ўқишдан ташқари бегона шаҳарда яшашдек машаққатли даври ҳам бошланди. Техникумга бизнинг қишлоқдан Қозоқ Қорабоев, Юлдаш Отажонов, Куронбой Саидмуротовлар ҳам ўқишга киришганди. Орадан вақт ўтиб Қозоқ Қорабоев ва Юлдаш Отажоновлар армия ёшига етиб ҳарбийга кетишга мажбур бўлишди. Куронбой эса уйининг шароити бўлмаганлигидан 2-курсдан ўқишни ташлаб кетди. Кейин тракторчилар тайёрлаш курсини тугатиб, кўп йиллар колхозда «Т-4» тракторини ҳайдаб юрди. Куронбой дўстимиз жуда содда, меҳнатқаш, ҳалол инсон бўлиб, уч ўғил, икки қизни тарбиялаб 70 ёшида вафот этди.

Қозоқ Қорабоев эса 1953 йилда армия сафига кетиб, ҳозирги Санкт-Петербург шаҳрида 3,5 йил ҳарбий хизмат қилиб қайтди. Қайтиб келгач техникумда ўқишни давом қилдирмади. Колхозда ҳисобчи, бригадир бўлиб ишлаб Гулжоной исмли қизга уйланиб, бир ўғил (Бекиммат), иккита қизни тарбиялаб вояга етказди. Фарзандларидан икки нафарини олий маълумотли қилди. Бекиммат инженер-механик касбини эгаллаб, тумандаги кўплаб идораларда раҳбарлик вазифаларида ишлади. Тақдир экан дўстимизнинг аёли Гулжоной 72 ёшида вафот қилди. Қозоқ Қорабоев ҳозирда 80 ёшдан ўтиб, қарилик гаштини суриб юрибди.

Болаликдан дўстим бўлгани боис Сахтиён қишлоғининг Обод маҳалласига борсам, Қозоқбой дўстимни йўқлаб тураман. Чунки, болалик, ўспиринлик, ёшлик давримизда ҳатто техникумда

Ўқиганимизда иккаламиз доимо бирга юрар, ижара хонамизда эса бир темир каравотда ухлар эдик. Чунки, яшаш шароитимиз шундай эди. Шунингдек, ижара хонамизни иситиш тизими мутлақо йўқ бўлиб, ҳагто печ ҳам мавжуд эмасди. Фақатгина овқат пиширадиган мослама бор эди. Унда кечга қараб овқат пиширар, ана шу ҳисобга хона ҳам иссиқ бўларди.

Ижарада қиладиган юмушларни тақсимлаб олгандик. . Яъни, Абдулла бозордан харажат қилиб келар, мен овқатни пиширар, Қозоқбой эса идишларни ювар, Юлдаш уй ичини супуриб артар, кўрпача, кўрпа тўшакларни тартибга соларди.

Ҳар ҳафта охирида эса уйга бориб керакли бўлган ун, гурунч, нон, ловия, ошқовоқ каби озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек сариеғниям олиб келардик.

Техникумдаги ўқишдан чиқиб, пешин пайти шу ҳудуддаги ошхонада овқатланардик, 16 тийинга бир ликобча карам шўрва, 2 тийинга бир бўлак нон берарди.

1951 йил 1 сентябрда техникумга ўқишга ҳаммамиз оёқяланг борган бўлсак, ой охирига бориб ҳаво совуқ бўла бошлади. Энди бу аҳволда юриш қийин эди. Шундай кунларнинг бирида уйга келганимда отам учта товуқ, иккита шиша сариеғни сотиб янги бўздан тикилган, таги резинкадан бўлган сариқ рангли туфли олиб берди. Ўқишга кийиб борганимда ҳамма болаларнинг ҳаваси келган, улардаям туфли олиш истаги пайдо бўлганди. Шу сабаб Қаландар Сапоев Урганч шаҳар бозорига бориб кийилган бир бўз туфлини олиб келди. У олган оёқ кийимини тиш порошогига бўяб, оқ рангли туфлига айлантириб кийиб юрарди.

Яъни, уруш тугаган бўлишига қарамай, 1950 йилларда ҳам халқнинг аҳволи яхши эмас, бозорда нархлар қиммат, дўконлардан эса керакли нарсани топиб бўлмасди. Шу билан бирга одамларда кун кўришдан ортиқча пул йўқ эди.

Биздек техникум талабаларига 14 сўмлик нафақа бериларди. Биринчи бор нафақани пахтага жўнатиш куни беришди. Ўша куни техникум рўпарасидаги универмагда аскарларнинг иссиқ кийими сотилаётган экан. Қозоқ Қорабоев билан навбатга қўшилдик. Кун пешиндан ўтгачгина навбат етиб 23 сўмга «бушлаг» дея аталадиган ярим пальтони харид қилдик.

Эртасига севинчимиз ичимизга сигмай ўқишга кийиб бордик. Болаларнинг ҳаваси келиб, улар ҳам пальтони галма-гал кийиб кўришди. Энг қизиғи, биз ўқишга боришда учраган катта ёшдаги

аёллар иккаламиздан «қачон армиядан келдингизлар, менинг боламни (укамни, эримни) кўрмадингизми», дея исм-шарифларини айтар, биз эса «билмаймиз» дея уялганимиздан йўлимиздан давом этардик.

1951 йилнинг 20 сентябри. Шу куни техникум талабаларини Урганч туманининг Беговот қишлоғига пахта теришга олиб кетишди. Мен дўстим Қаландар Сапоев билан Хударган бобо деган кишига қарашли ҳовлининг сомон тўшалган молхонасига кўрпа-тўшакларимизни жойлаштирдик. Бизнинг пахта мавсумидаги то 25 декабргача чўзилган ҳашаримиз ана шу бинода ўтди.

Қаландар Сапоев гуруҳимиздаги илғор теримчилардан эди. Бошқа йигитлар ҳам унга ҳавас қилиб рақобатлашар, хуллас пахта мавсумининг ўзига хос гашти-ю, машаққатлари ҳам бўларди.

Дўстим Қаландар Сапоев ўқиш давридаям аълочи талабалардан эди. Шу боис техникумни аъло баҳоларга битказиб, имтиёзли равишда Тошкентдаги қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга кирдим.

Юлдаш Отажонов деган жўрам эса армиядан келиб, Нукус шаҳридаги ирригация ва механизация техникумида ўқиди. Гидромелиорция механиги мутахассислигини олиб Гурлан туман ПМК идорасида механик бўлиб, умрининг охиригача ишлади ва 62 ёшида вафот этди.

Умуман ўша даврларда одамларнинг турмуш тарзи оғир бўлиб, кундалик турмуш учун зарур пул топиш муаммоси кўндаланг турарди. Шу боисдан ўқишга бориш, ўқишга кирган тақдирдаям давом қилдириш кўплаб оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун ҳам тўсиқ бўлиб қолганди.

Ана шундай шароитда бизнинг 7-синфни тугатган ўқитувчилардан Юлдаш Машарипов, Зариб Ҳасанов ва мен ўқишга кириб, олий маълумотли бўлганмиз, холос.

Юлдаш Машарипов география фани ўқитувчиси, Зариб Ҳасанов бўлса муҳандис-механик бўлиб қишлоқ хўжалик ташкилотларида, Тупроққаъладаги давлат хўжалигида директор бўлиб ишлади.

Юқорида таъкидлаганимдек, олис Тошкент эмас, Гурлан туманидан Урганч шаҳрига бориб келиш, у ерда яшаш учун пул зарур эди. Шу боис дўстим Қозоқ Қорабоев, унинг дойиси (тоғаси) Яхшимурот бобо билан тирикчилик учун озгина пул ишлашни бошладик. Яъни, Гурлан бозоридан гурунч олиб бориб Урганч шаҳрида сотиб, шаҳардан уйга қайтишда эса оқ ёғ, қанд олиб келишни Яхшимурот бободан ўргандик.

Чунки Гурлан билан Урганч бозори оралиғида нарх-навода 50 тийиндан 1 сўмгача фарқ бўлар, агар 100кг гуруч олиб бориб сотсак, 40-50 сўмча фойда кўрардик. Албатта йўл машинасида бунча юкни олиб бориш машаққатлари бўлиб турар, аммо ўқиш, ҳаёт кечириш-кундалик харажатлар, ижара ҳақи учун пул зарурлигидан қийинчиликларга чидардик. Шу боисдан ҳам техникумда бизлар, бошқа талабалар кўз ўнгида яхши кийинган ёшлар ҳисобланардик.

Урганч шаҳридаги халқ тилида «олтин дўкон» дея аталадиган ҳудудда ҳар кун эрталаб оқ қанд, оқ ёғ сотилар, навбатда туриб 5 кг ёғ, 5 кг оқ қанд олардик.

Шанба куни уйга қайтишда эса ҳамқишлоқларим мени пойлаб юришарди. Чунки мен уларга олиб келган ёғ, қандни берардим. Ҳар бир хонадон 250 грам оқ ёғ, 200 грам қандни бўлашиб олар, менга эса машина йўл пули деб 20 тийин беришарди.

Хуллас, ана шу тариқа иқтисодий аҳволимни яхшилаб, ота-онамга қийинчилик туғдирмасдан техниумда ўқишни давом қилдирдим. Бир куни Урганчдан қайтишда уйимиз учун тахта сотиб олишга ҳам тўғри келган.

Адашмасам декабрь ойининг изғирин совуқ куни эди. Шанба куни Гурлан туманига қайтиш учун йўлдан ўтадиган машиналарга чиқиб уйга қайтардик. Кўпинча кўмир ёки қурилиш материаллари юклаган машиналарга бир амаллаб жойлашиб, 40 чақиримлик йўлни алламаҳалда босиб ўтардик.

Урганчга боришда эса чигит юклаб шаҳардаги комбинатга бораётган машиналарга миниб олардик. Хуллас, бундай бориш-келишлар тўрт йил давом этди. Айниқса қиш пайтида йўл лойлигидан машина юролмас, юрса ҳам зўрга 8-10 соатлаб имиллаб 40 чақиримни босиб ўтарди.

Ана шундай машаққатли қишнинг совуқ кунлари эди. Менимча 1952 йилнинг охириги кунлари. Уйга қайтиш учун Гурлан — Урганч йўлига машина пойлаб чиқдим. Аксига олиб қайтадиган одамлар ҳам кўпчилик. Агар бир машина тўхтаса ҳамма югурар эди. Ёш бўлганлигимдан катталарга йўл бериб, машинага минишим қийин бўлди. Бу орада кеч ҳам бўлиб қолаётганди. Шундай пайтда тахта юклаган машина келиб қолди. Ҳайдовчи қўл кўтарганимни кўриб тўхтагач, Гурланга олиб кетишни илтимос қилдим. У тахтанинг устида ётиб кетсанггина олиб кетаман, деди. Ноиложликдан бунга рози бўлдим.

Тахта юкланган машинанинг араваси панжарасиз бўлиб, бундай аҳволда ётишнинг ўзи азоб эди. Қолаверса йўллар ҳам ёмон, ўнқир-

чўнқир бўлиб, машина кўпинча силкиниб кетар, мен эса худди осмонга сапчиётган тўпдай бўлиб қолардим. Хуллас, минг азобда тонготар пайтида машинадан тушдим. Ҳайдовчи сўраган пулни бераётсам, чўнтагимдаги пулларни кўрган ҳайдовчи ёнидаги киши:

— Пулинг кўп экан-ку? — деб таажжубланди.

Кейинчалик билсам мактаб директори Ҳабибулло Жумамуротов деган киши экан. У киши яна менга бир таклиф айтди:

— Пулингга тахта олмайсанми? Менга машина ҳақиға пул керак, келишсак сотардим.

Мен таклифга рози бўлдим. У тахтанинг ҳар бир донасига уч сўмдан баҳо айтиб, йиғирмата тахтага 60 сўм пул олди. Ҳайдовчи инсофли инсон эканми, «Ҳабибулло сен яна 4 тахта бер, у сен айтган пулни берди-ку!» деди. Ҳабибулло акаям бунга кўниб, ҳайдовчининг айтганини қилди. Шу тарзда тахталарнинг каттасидан сайлаб йўл четидаги ариқ ёқасига тулшириб қўйдим. Кейин шу атрофдаги отамнинг дўсти Абдулла аканинг уйига бориб, унинг аравасини олиб келдим. Кўёш энди чиқаётган маҳали эса эшак аравада уйга 24 тахта билан кириб келдим.

Эртасига 24 тахтани кўёш иссиғида қуриштиш учун деворга тиклаб қўйдик. Бунга кўзи тушган ҳамқишлоқларимиз тахтани қаердан олганимиз билан қизиқишарди. Мен уларни Урганчдан олиб келдим, дея ғурурланиб кўярдим. Чунки, ўша вақтларда қишлоқда уйлар полсиз эди. Албатта, мен ота-онамга тахтани мактаб директоридан сотиб олганимни айтгандим. Бироқ мени таажжубга солгани, негадир отам ва онам кимдан олганимни айтмаслигимни таъкидлашди.

Оран бир ҳафта ўтди. Бу сафар ўқишдан уйга келсам қишлоқ милицияси нозири Матниёзов деган капитан келиб, тахтани қаердан олганлигимни суриштириб кетганлигини айтишди.

Айниқса онам «сенга тахта ол деб ким айтди, нимага керак эди, бу?!» дея хавотирланиб сўради.

— Нима, мен ўғирлаб олганманми? Ўзимнинг пулимга сотиб олган бўлсам! — дедим-у, ичимда онамнинг хавотирланишини кўриб мендаям ғулғула пайдо бўлди.

— Мактаб директоридан олдим дея айта кўрма, уни терговга қатнатиб овора қилади. Қаердан олганингни ҳеч кимга гап келмайдиган қилиб ўйлаб айт, сўраса! — уқтирди онам.

Отам эса милиция нозири келганида оти учун ем-ҳашак олиб кетганлиги, энди хавотирланиш ўринсизлигини айтиб, бизларни тинчлантирди.

Ана шу тарзда уйимизнинг бир хонасини тахтадан пол қилиб, чой яшиқдан потолок қилганимиз эсимда. Шундан кейин отам икки қути бўёқ олиб келгач, хонамизни чиройли рангда жилолантирдик. Деворни эса қум билан суваб, оҳақ билан оқ рангли қилдик. Шу билан бирга 1х1,5 ўлчамда дераза ҳам қурдик. Ўз вақтида голланд печи дея аталадиган хонани иситиш печкасиниям ўрнатдик. Бундай уй таъмири қишлоқда биринчи бизларникида бўлгани боис қўшнилар келиб кўриб кетишар, мақташар, бундан эса бизнинг севинчимиз ичимизга сиғмасди.

Ўша йилнинг куз фаслида Тошҳовуз шахри бозорида сотиш учун боғимиздаги узумдан олиб бордик. Отам, мен ва аравакаш Карим ака билан эрталабданоқ йўлга чиқиб, кечгача бозорда сотиб бўлдик ва тунаб қолиш учун она тарафдан қариндош Маҳмуд дойи (тоға) мизникига бордик. Уларнинг манзили Тошҳовуз шахрининг ёғ заводи ёнидаги эски уй экан. Менинг Тошҳовуз шахрига биринчи боришим эди.

Эртасига меҳмондорчилик учун раҳмат айтиб Тошҳовуз бозоридаги дўконларни айландик. Отам уйга мебель олиб қайтишни мўлжаллагани учун мебель дўкони олдидаги навбатга қўшилдик. Отам навбатда турар экан бир туркман киши билан гаплашиб қолди. Унинг айтишича, у уч кундан бери шкаф олиш учун навбатга келиб-кетар экан. Бу гап бизнинг истагимизни гўё сўндиргандек бўлди.

Шунда отам тасодифан дўкон ёнига келган бир аёл билан гаплашиб қолди. У ўзининг олдин бир шкафни шу ердан олгани, энди зарурат боис сотмоқчи эканлигини айтди. Мебель олиш орзусидаги бизларга аёлнинг бу таклифи маъқул кўринди. Ва шу тарзда ўша аёлнинг уйига бориб, айтилган мебельни сотиб олдик ва аравага юклаб уйга қайтдик.

Шкафни ўша таъмирлаган хонага киритиб қўйдик. Онам, хонадонимиздаги барча катта-ю-кичик бундан қувонар, севинчимиз ичимизга сиғмасди. Чунки, давр қийинчиликлари боис қишлоқдошларимиз уйида мебель жиҳозлари умуман йўқ эди. Айниқса шкафга жойланган кўзгу кўпчиликни қизиқтирар, уйга келган қўшни-ю, ҳамқишлоқ, қариндошлар шкафнинг кўзгусига қараб кетишарди.

Техникумнинг биринчи босқичини тамомлагач, дарслар рус тилида олиб бориладиган бўлди. Бу биз каби қишлоқ болаларига қийинчилик туғдирарди. Шундай бўлсада Қаландар Сапоев билан гуруҳда иккимиз аъло ва яхши баҳоларга ўқирдик.

Гуруҳимизда 25-30 ёшдаги, ҳатто урушда қатнашиб келган йигитлар ҳам бўлиб (улардан бири 1922 йилда туғилган гурланлик Ражаб Юсупов деган ногирон киши эди) уларнинг дарсни ўзлаштиришлари бироз қийин эди. Улар шу боис биз каби эндигина мактаб партасидан техникумга ўқишга келганлардан ёрдам сўраб юришарди.

Техникумда бўлган талабаларнинг ўзлаштиришларига оид ўтказилган мажлис эсимда. Ўшанда рус ва ўзбек тилларидан ёзма иш олишганда Қаландар ва мен иккаламиз уч ҳамда тўртга хато қилган эканмиз. Биздан ёши катта, урушга бориб келганлар орасида эса 82 сўзда 125 хато ёзган талабалар ҳам бор экан.

Хуллас, техникумдаги ўқиш машғулоти ана шу тарзда давом қиларди. 1952 йил. Ўша йили Урганч шаҳрига биринчи поезд келди. Бизнинг техникум талабаларини худди армиядаги аскарлардаги бир хил кийим тикириб, саф тортган ҳолда темир йўл шоҳбекатиغا олиб боришди.

Хоразмга биринчи бор поезд келиши шарафига тантанали митинг ташкил қилинганди. Теварак атроф одамлар билан тўла эди. Шу вақт поезднинг келаётган чинқириғи эшитилди. Вагонлар қизил рангда бўлиб бекатга яқинлашиб келиши билан ҳамма чапак чалиб «у-рра», «урр-а» дея қичқирарди.

Митингни вилоят раҳбари Мадраҳим Раҳмонов очиб, ўз сўзида техника тараққиётининг воҳага келиши, темир йўлнинг барпо этилиши тўғрисида сўзлай бошлади. Шу пайт Мадраҳим аканинг овози эшитилимай қолди. Атрофдагилар микрофон бузилди, дейишди. Мен ўша куни илк маротаба микрофон деган нарсани кўришим эди.

Бироздан сўнг яна вилоят раҳбарининг овози эшитила бошланди. У ўз сўзида темир йўл вилоятимизга бахт-саодат олиб келади, деган сўзларни таъкидлаб ўтди. Хуллас, тантанали митинг ғоят кўтаринки руҳда бўлиб, биз ёшлар бундай тadbирда қатнашганимиздан хурсанд ҳолда ижарадаги уйимизга қайтдик.

Эртасига техникумимиздаги тарих фани ўқитувчиси Ражаббой Раҳмонов ҳам темир йўлнинг келтирилиши, у билан боғлиқ қилинган ишларга тўхталиб, бизларга кўплаб маълумотлар берди. У ўз сўзида вилоят раҳбари Мадраҳим Раҳмоновни «менинг оғам (акам) бўлади» дея таъкидлади.

Шу ўринда Оллоҳга беҳисоб шукурлар қилиб айтаманки, орадан йиллар ўтиб, истиқлол туфайли темир йўл шоҳбекатини замонавий

қилиб қайта таъмирлашди. Ҳамда 2012 йилнинг октябрь ойида шоҳбекатнинг очилиш маросимини ўтказганларида мени ҳам шу гадбирга таклиф этишди. Ана шу тadbирда қатнашиб, 60 йил олдинги ҳолат ёдимга тушди. Бу давр ичида мамлакатимиздаги барча соҳаларда бўлгани каби темир йўл тизимидаям катта ўзгаришлар қилинганди. Айниқса истиқлол даврининг ўзида қилинган ишларни неча юз йилларга тенг зафарли қадамлар деса бўлади.

1952 йил. Темир йўл. Техникумнинг кейинги 1953-54 йиллардаги босқичларида Қаландар Сапоев билан айнан шу масканга кўплаб келардик. Чунки дўстимнинг опаси Гулжоной темир йўл орқали келган ёғочларнинг сочилиб ётган қобикларни тўплаб, олиб кетиш учун бизларни чақирарди. Дўстим иккаламиз ўша қобикларни ўтин сифатида бозорда сотиб келардик. Дўстим опаси билан Янгиариқ йўлидаги бир хоналик уйида яшар, мен кўпинча уларникига бориб, бирга дарс тайёрлар, вақт кеч бўлса уларникида ухлаб ҳам қолардим. Орадан йиллар ўтиб ана шундай қийинчиликлар билан яшаб ўқиган, дўстим Ўзбекистон республикаси Сув хўжалиги вазири даражасига етди.

1952 йилнинг пахта мавсумида техникумимиз талабалари Янгиариқ туманига борадиган бўлишди. «ЗИС» машинасининг усти очиқ юкхонасида бизларни туман фирқа кўмитаси олдида олиб боришди. Бир пайт атрофга қарасам фирқа биносидан чиқаётган гурланлик Ўрозбой Исаевни кўриб қолдим. У киши 1948-49 йилларда Гурлан туман фирқа кўмитасининг бўлим бошлиғи бўлиб ишлаганида отамнинг бригадасига вакил бўлиб келарди. Шу боис уйимизда чой ичиб, овқатланиб кетар, мени яхши танирди.

Бу вақтда у Янгиариқ туман фирқа кўмитасининг 2-котиби бўлиб ишларди. Гарчи машинадаги талабалар орасида ўтирсамда, мени таниб «Амин нега машинадан тушмаяпсан» дея сўради. Мен дарҳол машинадан тушиб, Ўрозбой аканинг олдида бориб саломлашдим. Ўқишларимни, соғлиғимни сўраган Ўрозбой Исаев, «отанга салом айт» дея бизларнинг ўқитувчиларга кўрсатма берди. Яъни техникум талабалари Киров номидаги жамоа хўжалигига пахта теришга боришимизни таъкидлади.

Мен ўша вақтда Ўрозбой академикдан миннатдор бўлиб у кишига ҳавас қилганман. Кейин уйга келганимда отамга бу ҳақда гапирсам, Ўрозбой аканинг Тошкентдаги олий фирқа мактабида ўқиб келган қағъиятли, муомилали ва маданиятли инсон, етук раҳбар эканлиги тўғрисида гапириб берганди.

Кейинчалик Ўрозбой Исаев Шовот туманига фирқа қўмитаси саркотиби бўлиб ишга ўтди. Давлат режаларини бажариб Шовотнинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшди. Катта обрў орттирди. Шунингдек Гурлан туманидаги сув қурилиши идорасига раҳбар бўлди. Киров номидаги жамоа ҳўжалигига раислик қилди. Ўрозбой Исаев менга «шогирд» дея муомила қилар, бир-биримизни эъозлаб юрардик.

У кишининг Баҳром, Илҳом ва Раҳмонберган исми учта ўз соҳаларининг мутахассислари бўлган ўғиллари ва 5 нафар олий маълумотли қизлари бор эди. Отахон 82 ёшида вафот этган бўлсада, ундан ёрқин хотира қолди. Раҳматли рафиқаси Саодат опа ҳам жуда меҳрибон аёл эди.

Ўрозбой отанинг кичик ўғли Раҳмонберган худди отаси каби билимдон, қатъиятли инсон бўлиб камол топди. Ҳар сафар Раҳмонберганни кўрсам, худди Ўрозбой ака билан мазмунли суҳбат қургандек бўламан. Балки шу боисдан ҳам инсонлар яхши фарзандлар тарбияласа ота номи боқий қолади, дейишаркан...

...Техникумдан пахтага жалб этилган Янгиариқ туманидан ноябрь ойида уйга келдим. Ўша вақтларда колхозчилар кечқурун бир уйга тўпланишиб кўсак чувишарди. Чунки кундузи ҳамма очилмай қолган кўсакларни териб бир жойга тўплашарди. Бу ишнинг ҳам ўзига яраша машаққати, ҳамда гашти бўларди. Негаки чироқ ёруғида ҳамманинг қўли кўсак чувиш билан банд бўлсада, эртақлар айтилар, қўшиқлар куйланарди. Хуллас, бу бригададаги инсонларни баҳамжиҳатликда меҳнат қилишига сабаб бўларди. Эрталаб эса ҳар ким кўсак чувишдан ҳосил бўлган пахтасини ўлчаб топширарди.

Саҳтиён қишлоғининг бизлар яшайдиган овулимизда тўртта ўғил бола (Амин, Қодир, Ўрозбой ва Римбой) дўст бўлиб, бизларга тенгдош қизлар ҳам тўрт нафар (Жумагул, Эркиной, Робия ва Ўғилжон) эди. Болалик пайтимиздан ана шу саккизовлон бирга вояга етиб, доимо турли хил ўйинлар (айниқса тўп ўйини) билан машғул бўлардик.

Боя таъкидлаб ўтган кечқурунги кўсак чувишга ана шу ўғил-қиз тенгдошларим ҳам қатнашарди. Одатда кўсак чувиш Нурмат бобо деганнинг уйида бўлар эди. Гарчи 17-18 ёшли бўлсақда болаликдан бирга ўсганимиздан бирга тўпланиб қолганимизда болаликдагидек ҳазил-шумлик қилиб турардик. Кўсак чувиш пайтида эса очилмаган, қаттиқ кўсакдан икки-учтасини қиз-у, ўғил болаларнинг кўйлаги ичига бўйин томонидан солиб ҳазиллашардик. Қаттиқ, совуқ кўсак танага тегиши билан ҳаммамиз ҳам қичқириб

юборар, кўсак солган (у хоҳ мен, ёки бошқаси) мазза қилиб кулардик. Баъзида эса қизларнинг ўзи биз — ўғилларнинг кўйлагимиз ичига кўсак солиб юборишарди.

Нурмат бобонинг уйидаги кўсак чувишга борган куним ҳам қизларнинг кўйлаги ичига кўсак ташлаб ҳазиллашган бўлдик. Қизлар эса жўраларим билан мени қичқирганларича қувиб солишди.

Мен шундай «ўйин» — шумлик қилган кунимиз уйга кечроқ келиб ётиб ухладим. Эрталаб мен уйқудан турмасдан олдин отамнинг дўсти Нурмат бобо келибди. Уларнинг суҳбатидан мен ичкари хонада — айвонда ётсамда уйғониб кетдим. Жимгина ўрнимдан турмай эшитиб ётавердим.

— Вапо жўра, — дея отамга сўзларди Нурмат бобо, — менда ўғил йўқ, сенинг эса худога шукур ўғлинг бор. Дўстим сенинг ўғлинг кеча бизнинг уйга Урганчдан келиб борганди. Ўшанда қизларга тегишиб кўп ҳазиллашди. Ҳамма қизлар тилидан «Амин, Амин» деган исм тушмади. Шунинг учун ўғлинг катта йигит бўлибди, уйлантириш вақти бўлди шекилли. Ўзинг биласан, уйлантириш отонанинг вазифаси.

Нурмат бобонинг бу гапларидан онам хавотирланди:

— Товба, ўғлим бирон ёмон иш қилмадими қўшни? — безовталаниб сўради.

— Йўқ, мен ёмонлик қилди демоқчимасман, ҳамма қизлар унга ҳавасми ёки бошқача назарда «Амин, Амин» дея исмини тилдан қўйишмади, — деди қўшнимиз Нурмат бобо.

— Ахир, улар ҳали ёш бўлса, ўйнаб ҳазиллашишгандир. Агар Амин бирон нохуш иш қилган бўлса, ҳозир чақириб адабини бераман! — деди онам.

— Йўқ, бу ҳазилларнинг ҳеч ёмон жойи йўқ! — дея суҳбатга яқун ясамоқчи бўлди Нурмат бобо.

Отам эса, «Тўй бўлса, тўйда ўзинг бош бўласан, унда» деб долонга чиқиб кетишди.

Мен бўлса бу гапларни эшитиб уялганимдан ётган жойимдан қимирламай қолгандим. Шу пайт онамнинг қичқиргани, мени нонушта қилиш учун у ўтирган дастурхон ёнига боришга ундади, юз-кўзимни ювиб келгач ҳамон уялганча ёнига ўтирдим.

— Нурмат бобо келганди... — дея онам ҳам гапни энди бошлаганиди, «эшитдим ҳамма гапларингизни», дедим. Онамдан уялганимдан юзига тик қарай олмас, шу боис ўзимнинг қилган ишимни тан олишим керак эди.

— Мен ҳеч бир ёмон иш қилмадим. Фақат бошқа жўраларим каби ҳазиллашиб қизларнинг кўйлаги ичига қўсак солдим, — дедим ерга қараганча.

— Нурмат бобо шу ҳазилларингни гап қилиб юрганига кўра, ё қизи Марямга бир иш қилдингми? — сўради онам.

— Йўқ! Мен фақат Эркиной ва Жумагулларга ҳазиллашдим, — дея кеча бўлган воқеани айтдим.

Ана шу воқеадан сўнг мен Урганчга — техникумга ўқишга кетдим. Эндиги шанба уйга келганимда отам, қиз опам мени уйлантириш тараддудига тушдилар. Табиийки, мен ҳали талаба бўлганим учун «йўқ» дея туриб олдим.

Ўша вақтларда биз тўртта жўра ва овулдаги тўрт нафар қиз болаликдан бирга вояга етганимиздан бир-биримизга ғамхўрлик қилиб юрардик. Аммо орадан йиллар ўтиб Ўрозбой деган дўстимизгина ўзи кўнгил қўйган Робия билан турмуш қуришди.

Келаси шанбада ўқишдан келганимда уйдагилар уйланишим масаласини қатъий қўйишиб, «кимда кўнглинг бор? Кимникига совчиликка борайлик?» дея сўрашди.

Мен болаликдан бирга ўсган Эркинойнинг исмини айтдим. Орадан бир ҳафта вақт ўтди. Бу сафар уйдагилар мен айтган қиз масаласида шундай дейишди:

— Эркиной 7-синфда ўқиб, бу йил мактабни битиради. Яхши қизлиги, оиласидагиларнинг ҳам яхши инсонлар эканлиги маълум. Аммо у қизни дўстинг Қозоқбой, Абдуллаларнинг оналари Шукуржон, Бика опалар сўрашиб, совчиликка боришган экан. Шунда Эркинойнинг онаси Дуржон «мен қизимни қишлоққа турмушга бермайман, бир умр далада ишлашини ҳоҳламайман, шаҳардан келган совчиларга бераман», деганмиш. Сен менинг ёлғиз ўғлимсан. Менга сигир соғиб, далада ишлайдиган, қишлоқда яшаганимиздан шу шароитга кўнадиган келин керак, — дея эшитганларини айтди онам.

Онамнинг бу гапларидан сўнг ўқиш боис яна Урганчга кетдим. Эркиной билан учрашиб, бу борада гаплашолмадим. Орадан йиллар, Эркиной бошқа йигитга турмушга чиқди. Аммо бахтли бўлолмади. Бунинг устига оғир касалликка чалинди. Бир куни онаси Дуржон опа ёнимга келиб, Эркинойнинг сил касалликлари шифохонасида ётганини, мендан керакли дорини топиб беришимни илтимос қилганини айтди. Мен Урганч шаҳридан ниҳоятда танқис бўлган

ўша дорини топиб келтирдим ва Эркинойни кўргани шифохонага бордим. Эркиной мени кўриб, йиглаб юборди:

— Буни балки тақдир, пешонага ёзилгани деяр, лекин ўзгага турмушга чиқиб, бахтли бўлолмадим. Балки бирга турмуш курганимизда бундай бўлмасмиди? Мен ҳам, сиз ҳам қаттиқ туриб ота-оналаримизга тушунтиролмадик. Барига онам сабабчи бўлди, дея ўйлайман. Шунинг учун мендан рози бўлинг..., — дея йиғлади.

Мен Эркинойни овутиб «қайғурма, яхши бўлиб кетасан» дедим.

Афсус... Эркиной ҳаётдан кўз юмди. Икки қиз, бир ўғли ундан ёдгор бўлиб қолди. Йўлдош деган турмуш ўртоғиям ҳаётдан эрта кўз юмиб кетди... Хуллас, бекорга буни ҳаёт дейдилар, дейишмас экан-да...

...Шанба куни. Урганчдан келганимда Амина опам ҳам уйга келиб ўтирган экан.

— Онам билан маслаҳатлашиб сенга қиз, онамга келин танладик, — деди у астагина.

— Ким экан? — қизиқиб сўрадим мен ҳам.

— Синфдошинг Ўғилжон, — дедилар онам.

Мен Ўғилжон билан бир синфда ўқиганимдан уни одобли, тартиб интизомли яхши қиз, деб билардим. Шу билан бирга у Амина опамнинг турмуш ўртоғи Каримбой поччамизга яқин қариндош эди. Ана шу қариндошчилигимиз сабабляям Ўғилжон билан мактабда бир-биримизга яқинроқ, ҳурмат оҳангида гаплашардик.

Шу тарзда Ўғилжонни яхши билганим, уйдагиларнинг уни маъқул топгани боис бунга рози бўлдим. Ана шу тариқа 1952 йилнинг кузида оила қурдик. Ўғилжон билан бахтли ҳаёт кечира бошладик.

Техникумдаги ўқиш давом этар, энди кўпроқ мутахассислигимизга оид геодезия, назарий механика, гидровлика, гидрометрия, мелиорация, механизация сингари фанлар рус тилида ўқитлар, ўқитувчиларимиз ҳам Москва, Тошкент, Қозон шаҳарларидаги олий ўқув юртларини битказиб келган домлалардан эди. В. И. Дубков, Р. М. Сайфуллин, Ким Донхоларнинг ўтадиган дарслари назария жиҳатдан ғоят қизиқарли, тушунарли бўларди. Айниқса Тошкентдаги қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари инситутини битириб келган Мадраҳим Вапоевнинг дарслариям талабаларда қизиқиш уйғотарди. У мени ҳамма вақт «адаш» дея атар, дарсдан кейин ҳам биз яқин дўстлардай суҳбатлашар эдик.

Кейинчалик Мадрахим Вапоев вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган даврда у билан бирга ишлаш насиб қилди. Орадан вақт ўтиб, изланувчан, ташаббускорлиги боис республика мелиорация ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари даражасига етди. Афсуски, Қорақалпоғистон республикасида хизмат вазифасини бажариб юрганида вертолёт авария бўлиб ҳалок бўлди. Мен устозим ва касбдошимнинг дафн маросимида иштирок қилдим... Мадрахим Вапоевдек етук раҳбар вафотидан сўнг у ишлаган, биз ўқиган Урганчдаги гидромелиорация техникумига унинг номи берилди.

Техникумда ўқиб юрган кезларимизда ёшлар ташкилоти кўплаб тadbирлар ўтказар, Мен гуруҳимиздаги 24 нафар талаба-ёшлар кўлаб сайлангандан, ташкилотнинг бошланғич котиби бўлгандим. Қаландар Сапоев эса гуруҳ сардори эди.

Шу боисдан биз Қаландар билан вилоят, шаҳар миқёсида ўтадиган тadbирларда иштирок этардик. Қиш фаслида шаҳар ёшлар ташкилотининг ҳисобот йиғилиши бўлди. Унда ташкилий масала ҳам кўрилди. Мадамин Ражабов Қўшқўпир туманига фирқа кўмитасининг 2-котиби бўлиб сайланди, у Урганч шаҳар ёшлар ташкилотининг саркотиби вазифасидан озод қилинди. Сардор Жабберганов шаҳар ёшлар ташкилотига раҳбар қилиб сайланди.

Кейинчалик Сардор Жабберганов билан танишиб техникумдаги тadbирлар сабаб яқин ака-ука бўлдик. Орадан вақт ўтиб у киши Урганч шаҳар фирқа кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. Бу вазифада ишлаганида ҳам биз телефонлашиб турар, вилоят миқёсидаги йиғинларда учрашиб маслаҳатлашардик. Ҳаётий мисоллар билан, яхши ниятларда кўрсатмалар берар, Гурлан туманига ҳам кўп маротаба келганди. Ҳатто нафақага чиққанидан сўнг ҳам ўзининг маслаҳатлари билан йўл-йўриқ кўрсатиб турган яхши инсон, етук раҳбар эди.

Айниқса Гурлан туман ижрокўмининг раиси, колхоз раиси бўлиб ишлаган даврларимда кўп маротаба энг тўғри йўл-йўриқ кўрсатган, шон-шуҳрат илинжида, дабдабабозликка, сохталикка йўл қўйган раҳбарларни мисоллар келтириб огоҳликка чақирар, халқ билан яқин бўлиб, эл ишончини қозонишни маслаҳат берарди. «Унвон, мансаб, шон-шуҳрат илинжида юрган юқори мансабдорларга ишонч йўқ, улар турланиб тусланаверишади, уларга ишонсанг, эргашсанг ўзингга оғир бўлади», деярди. Мен кейинчалик Сардор аканинг айтганлари ҳаётда ўз исботини топганлигини кўриб, узоқни

кўрувчан, илмли инсон бўлган, тўғри йўл-йўриқ кўрсатган эканлар, деган хулосага келдим. Сардор Жабберганов 85 ёшида вафот этди.

...Техникумнинг 3-4 босқичларида ҳам Урганч шаҳридаги Калинин номидаги кўчанинг 5- уйида ижарада яшадим. Уй эгаси Ражаб Аҳмедов деган киши бўлиб, вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасида хўжалик мудир бўлиб ишларди. Рафиқасининг исми Ўғилжон бўлиб 1932 йилда туғилган Бикажон деган қизи Хоразм Давлат педагогика институтининг тарих факультетида ўқирди. Бикажонни 1952 йили Абдулла исмли йигитга турмушга узатишди. Улар 1953 йили қиз фарзанд кўришди.

Уй эгаларининг Хоразмчасига айтганда катта баланд айвони бўлиб, учта хона эшиги айвонга қараб турар, уларда ижарага одам қўйишарди. Вилоят алоқа бўлимида ишловчи Женя исмли татар аёл бир ўзи айрим хонада, Нина опа деган рус аёл бўлса бошқа хонада яшашар, учинчи хонада эса биз талабалар турардик.

Тўрт йиллик ижарада яшаш давомида опа-укалардек иноқ бўлиб, рус тилида суҳбатлашар, шу боисдан техникумда ўтиладиган рус тилидаги фанларни яхши ўзлаштирардик. Рус тилидаги бундай мулоқотлар кейинчалик Тошкентга ўқишга борганимда, айниқса асқотди.

Уй эгаси Ўғилжон опа билан ҳам худди онамиздек ҳурмат қилар, у ая бизларга насиҳатлар қилиб, тўғри йўл-йўриқлар ўргатарди. Шу боисдан мен ўқишни тамомлаганимдан кейин ҳам Урганч шаҳрига бориб қолсам, ўша хонадонга бориб ижарадошларим билан суҳбатлар қуриб қайтардим.

1953 йил. Қиш совуқ бўлди. Пахта кечроқ экилганидан, ёз иссиқ бўлганидан ҳосил яхши бўлмади. Талабалар 25 сентябрда ҳашарга жалб қилинди. Техникумимиз талабаларини Шовот туманига олиб боришди. Кураклар деган овулдаги эски бир молхонада сомон ташлаб, ўртасига кесак печи қуриб шу тарзда 50 кун яшадик. Шовот Гурлан туманига яқин бўлганидан уйга тез-тез бориб келар, айниқса эшакни миниб, кечқурун уйга кетиб юрган пайтларим ҳам бўлган.

Уйга тез-тез қатнашимнинг сабаби рафиқам Ўғилжон ҳомиладор, туғиш вақти яқинлашиб қолганди. 1953 йил 19 ноябрь куни уйга эшакда кечқурун соат 11 ларда кириб бордим. Борсам онам «кел болам, сен отанг билан нариги хонада ўтириб турларинг», дея тайинлади. Бир оз ўтиб соат 12 ларда «болам, ўғилли бўлдинг, худога шукур» дея севинч билан сўзлади онам.

У даврларда туғруқхона, врач чақириш каби бугунгидек замонавий шароитлар йўқ, қўшни кампирлар энагалик қилишиб,

уйда болани дунёга келтиришарди. Ўша кунни ғоят қувонган отам ҳам набиралик бўлганидан «бир ўғлим бор эди, энди иккита бўлди» дея севиңчи ичига сиғмасди.

Ўғлимизга Саъдулла дея исм қўйдик...

1953 йилнинг 3 март кунини. Ўша даврда «доҳий» деб ном олган, кўпгина одамларнинг ёстиғини қуритган И. В. Сталин оламдан ўтди. Унинг вафот этгани ҳақидаги хабарни техникумда пайтимизда радиодан эшитдик. Бу хабарни эшитган айримларда қайғуриш ҳисси, энди нима бўларкин, деган ҳадик ҳам бор эди. Шу кунини йўлга чиқиб кўмир юкланган машинада уйга қайтдим. Машинадагилар ҳам олий раҳбар ўлганлиги тўғрисида гапиришар эди.

Уйга келсам, раҳбарнинг вафоти сабаб раис бригадирларга топшириқ берган экан. Унга кўра, бригадада ишловчилардан уч кишини олиб туман марказида бўладиган, ўша даврга хос митингга бориши керак экан. Мен отам билан учинчи киши бўлиб митингга борадиган бўлдим. Пахта тозалаш заводи дарвозаси олдида кўплаб одамлар тўпланишган, минбарда 15-20 дан кўп киши бор эди. Бизлар борган пайтда туман ижроқўми раиси Пошшажон опа Маҳмудовага сўз берилди. У киши «доҳий» билан бир неча бор учрашгани ҳақида йиғлаб гапирди. Митингдагилар ҳам йиғлашар, шу каби дўстим Ўрозбой билан бизлар ҳам кўз ёши тўкдик.

Минбарга чиққан кишиларнинг кўплари Сталиннинг урушда немис-фашистларга берган зарбаси, ғалаба айнан боис содир бўлгани ва бошқа хизматлари тўғрисида сўзлашар, кўз ёши тўкишарди. Митингга қишлоқлардан от-аравада келган келганлар гилдиракка бошини уриб йиғлаб турганига ҳам кўзим тушди.

Ҳа, шўро даври мафкураси неча минглаб инсонларни қатағон қилган раҳбарни «доҳий»га айлантирганди. Шу боисдан ҳам тарихчи ва сиёсатчилар ўша йилларни «шахсга сиғиниш «даври», дея номлашди...

Кечқурун уйга келсам 83 яшар момом «нима бўлди?» дея мендан сўради. «Сталин ўлибди» дея яна йиғламсирадим. «Шунга нимага кўз ёши тўкасан? Дунё шундай болам, ҳеч ким ҳеч қачон умрбод қолмайди, Сталин ўлган бўлса, ўрнига бошқа пошшо бўлади-да. Сен хафа бўлма. Ёшсизлар, ҳали неча пошшоларни кўрасизлар», дея насиҳат қилган бўлди. Мен мотамсира оҳангда «У яхши эди» дея олдим холос.

— Болам сен ҳали ёшсанда! Нимаси яхши эди Сталиннинг?! Ахир 1930 йилларда, ҳали сен туғилмасдан олдин одамлар ейишга

нон, буғдой, жўхори тополмай хўр бўлди. Очликдан неча одамлар ўлиб кетишди. Мол ейдиган кунжарани еб шишиб ўлган қўшилларимиз бўлган. Эндиги пошшога инсоф бергай худойим, — дея секин оҳангда қўрқа-писа сўзлади момом. Шу билан бирга айтган гапидан хавотирланган бўлиб:

— Сизлар ёшсизлар, ҳеч кимга ҳеч нарса деб гапирманглар! Замон ёмон, — деди атрофга қараб секингина.

Ҳар ҳафта Гурландан Урганчга қатнаб ўқишни давом эттира-вердим. Бир сафар яна кўмир юкланган машинада Гурланга келишга мажбур бўлдим. Машинада оқ костюм кийган бир киши бор эди. Одатда юк машиналар ичи вайрон бўлиши боис, мен уйга қайтиш ва келишда эски пальтоимни ўтирган жойимга тўшаб олардим. Ҳалиги киши оқ костюмига кўмир доғи тегишидан қўрқиб менинг эски пальтоим устида ўтирмоқчилиги ҳақида илтимос қилди. Мен рози бўлдим.

Гурланга келгунча у киши билан суҳбатлашиб қайтдик. У киши Гурлан туман фирқа кўмитасининг бўлими бошлиғи Каримбой Жуманиёзов экан. Каримбой ака қарда ўқилим, отам ҳақида сўраб-суришгирди.

— Техникумни тугатиб мен билан учраш, вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Г.К. Митянов танишим бўлади, — дея ишга киришимга ёрдам беришини айтди.

Орадан анча ўтиб техникумни тугатгач, у кишининг ёрдами билан туман сув хўжалигига ишга кирдим. Каримбой Жуманиёзов кейинчалик вилоят фирқа кўмитасида, Ўзбекистон фирқа Марказий Кўмитасида ўз фаолиятини давом эттирди. Каримбой ака самимий инсон бўлганидан кўп йиллар иш юзасидан маслаҳатлашиб, ака-укалардай дўстона алоқа ўрнатиб юрдик.

...Техникумнинг 3-босқичида ишлаб чиқариш бўйича амалиёт бошланди. 1954 йилнинг баҳорида бир гуруҳ талабалар Бухоро вилоятига амалиётга кетадиган бўлдик. Сафарга кетиш олдидан тайёргарлик кўрдим. Римбой акамнинг фронтдан олиб келган, кардон қоғоздан ясалган чемоданига керакли нарсаларимни жойладим. Кейин Урганч — Гурлан йўлига бориб машинага чиқишда мени Римбой, Қодир ва Ўрозбойлар билан Эркиной ҳамда Жумагуллар кузатиб қўйишди. Улар орасида турмуш қурган ва фарзандли инсон фақат мен эдим.

Мен машинага миниб борарканман улар анча вақтгача қўл силкишиб қараб қолишди. Шунда негадир кўзларимдан чиққан ёшни тўхтатолмадим...

...Мен минган машина чигит юклаб Урганчга бораётганди. Ҳамроҳларим бир эркак ва аёл эди.

— Узоқ сафарга чиқдингми болам? Кузатишга чиққанлар дўстларинг эканлигинг билиниб турибди. Албатта уйдан, дўстларингдан узоққа кетиш, айрилиқ ёмон болам, — деди ҳалиги киши.

Мен кўзимда ёшимни тўхтатишга уриниб, ўқишдан Бухорога амалиёт учун юборишаётганини айтдим. Кейин кексароқ кўринган кишининг юзидаги ғамгинлик билан бирга, кўзларидаги тийранликни кўриб, ўзимни тутиб олдим.

Урганчга етгунча у киши билан суҳбатлашиб бордик. У ўзининг яқиндагина Хоразмга қайтиб келгани, 2-Жаҳон уруши пайтида немислар томонидан асир олиниб, фашистларнинг Италиядаги қамоқхоналарида сақланган, у ерда кўрган азобу-уқубатларини айтиб берди...

Ишлаб чиқариш амалиётига Гурландан Зариб Саидмуротов, Тўрткўл туманидан Эшчон Ваисов, Ашур Раҳимов каби 21 нафар техникум талабаси Урганч темир йўл бекатидан йўл олдик. Ўша вақтда йўловчи ташийдиган вагонлар йўлга қўйилмаганди. Шу сабаб товар ташийдиган қизил рангли вагонларга миниб Туркменистоннинг Чоржўй (ҳозирги Лебоб) шаҳрида вагондан тушдик. Бу шаҳардан Бухорога бошқа поездда жўнаш лозим эди. Аммо шоҳбекатда Бухорога поезд яна икки кундан кейин йўлга чиқишини айтишди.

Шу тариқа икки кун бекатда тунаб учинчи кундагина Бухорога жўнадик. Вагонларда ичишга сув ва бошқа шароитлар йўқ бўлиб, қийналиб Когон шаҳри бекатида тушдик. Йўлда иссиқ овқат емаганимиздан бекат ошхонасида ҳар қайсимиз икки ликобчадан қарам шўрва ичиб қоринни тўйғаздик. Шундан сўнггина у ердан бир юк машинасида 21 нафар амалиётчи талабалар Бухоро вилоят сув хўжалигига етиб бордик.

Бизларни бир рус киши кутиб олиб, қурилиши битмаган поли йўқ бинода тунаш учун жой ҳозирлаган экан. Шу масканда тунашга мажбур бўлдик. Эртасига ҳалиги рус киши исм-фамилияларимизни ёзиб олиб, бизларни амалиёт учун туман сув хўжалиги идораларига тақсимлади. Зариб, Эшчон, Ашур тўртталамиз Вобкент туманига борадиган бўлдик. Тумандан келган киши бизларни от-аравада сув хўжалиги идорасига олиб кетди.

Бизларни Зубаиров деган идора бошлиғи кутиб олгач, машина гаражидан ётоқ учун эски, матолари — йиртилиб кетган «раскла-

душка» — йиғма каравот билан таъминлади. Кечгача уларни таъмирлаб ётишга зўрга мослаб олдик.

Маълумки, Вобкентда машҳур бир минора бўлиб унинг ёнида бозор ва чойхона бор эди. Биз амалиётчилар учун ўша чойхона овқатланиш жойи эди. Амалиётда асосан кичик ариқларга Алиев деган тадқиқотчи ихтиро қилган, «бетон блок»ларга сув чиқариш мосламаси қуриш билан 20 кун шуғулландик. Шунингдек, 6 чақирим ариқни қазиб ишларини 5-кунда тугатиб, бизга масъул мироб Тоҳиров, унинг 9-синфда ўқийдиган ўғли Ҳамиджонлар билан дўст бўлиб қолдик.

Амалиётнинг 20 кунлик якунига қараб, мироб Тоҳиров билан Вобкент туман марказига бориб, сув хўжалиги идораси бошлиғи Зубайировга учрашдик. Бошлиқ ишларнинг якунланганидан хурсанд бўлди ва мени 25 сўм пул мукофоти билан тақдирлади. Бу менинг эгаллаётган мутахассислигим бўйича биринчи маошим эди. Шу боис мукофот пулига амалиётчилар, сув хўжалиги идорасидагилар билан туман истироҳат боғида зиёфат ташкил қилдик. Зубайиров бизларга ўз касбимизнинг моҳир устаси бўлиб етишишимиз учун омад тилади.

Вобкент, Бухорода бўлганимда, у ердаги ҳаёт тарзи билан мен ўз воҳамиз аҳлининг турмушини таққослаб кўрдим. Айниқса қишлоқдаги уйлар ҳеч қандай қулайликларга эга эмас, ҳаттоки жамоа хўжалиги раисининг уйи узун бир хонадан, икки томонида тўрттадан эшиги бор ҳолатда эди. Ёзда ана шу эшикларни очиб қўйишар экан. Раиснинг ўғлидан қишда қандай яшашларини суриштирдим. Унинг айтишича қишда эшиклар зич қилиб ёпилар, иситиш учун сандал ўрнатишар экан. Бизнинг Гурлан томонларда эса ночорроқ яшовчиларнинг уйидаям айвон, даҳлиз, катта ва кичиклар учун алоҳида хоналар, шунингдек меҳмон кутиш хонаси ҳам бўларди.

Амалиётнинг 20-кунидан сўнг талабалардан Зубайиров сув хўжалигига доир «невилеровка» деган фандан имтиҳон олди. Имтиҳондан мен «яхши» баҳога ўтдим. Шунга кўра Зубайиров мендан Роҳкент деган қишлоққа бориб «невилерда» 6 чақирим қазиладиган янги каналнинг сув йўналишини ўлчаб келишим лозимлигини айтди.

Эртасига мироб Тоҳиров билан от-аравада 2-3 соат йўл юриб Роҳкент қишлоғига етиб бордик. Жамоа хўжалиги идораси кўримсиз, икки хонали бино экан.

Ёши элликлардан ошган, узун бўйли, сочига оқ оралаган мўйловли киши раис Юлдашев бизларни кутиб олди. У менинг

қаерлик талаба эканлигимни суриштирди. Мен Хоразмнинг Гурлан туманидан эканлигимни айтдим. Афсуски, у Хоразмни билишини, аммо Гурлан номини эшитмаганлигини айтди.

Раис бува мени аравада уйига олиб борди. Уйида кекса онаси бўлиб, она-бола тожикчалаб гаплашишди. Кампир мени «бачча туркийми?» дея ўғлидан сўради. «Ҳа, туркий» дея мени таништирди раис.

Раис буванинг уйида бухорочасига меҳмонларни кутиш ва овқатланишига разм солиб ўтирдим. Дастлаб «чакки» деб айроннинг куйилтирганини олиб келишди. Сўнгра бизда «қатлама» дейдиган хамирдан қилинган таомни келтиришди. Шундан сўнггина чой берилди.

Амалиёт-иш жараёнида раис бува жамоа хўжалигининг боғига олиб борди. Боғда Тешаев деган Тошкентдаги олий фирқа мактабида ўқийдиган асли шу қишлоқлик киши ҳам бор экан. Тешаев менинг қаерлик эканлигимни сўради. Унга гурланлик эканлигимни айтишим биланоқ, у Хан Бен Нам деган гурланлик корейс билан ўқиётганлигини айтди. Мен уни танишимни билдирдим. Чунки, Хан Бен Намнинг туман ёшлар ташкилотининг иккинчи котиби бўлиб ишлашини билардим.

Шу тариқа Тешаев билан ўқиш, иш жараёни тўғрисида суҳбатлашиб ўтирдик. Боғбон эса бизларнинг ҳар биримизга бир косадан «товуқ шўрва» таомини тортди. Лекин шўрвада товуқ гўшти йўқ эди. Раис, Тешаев учаламиз шўрва ичганича 2-3 соат гурунглашиб ўтиравердик. Шундан боғбон «иккинчи овқат товуқ гўшти» дея яна таом олиб келди. Яъни шўрвани алоҳида таом сифатида, гўштини орадан вақт ўтиб, алоҳида таом сифатида тортишар экан. Бунинг устига ҳар сафар «меҳмон, олинг! Олиб ўтиринг!» дея бошқача мулозимат қилиб ўтиришарди.

Ана шу тариқа Бухорода 47 кун амалиётда бўлдик. Вобкент минораси атрофидаги чойхона бизларнинг талабалар билан ҳар кун пешинда гавжум бўларди. Овқат, чойни олиб тайёрлаш учун олдиндан Зариб Саидмуротовни юборардик. У ҳар кун пиёз солинган нонни олиб қўярди. Бир неча кундан сўнг Эшчон Зарибга «пиёз солинмаган нондан олиб қўйинг» дея айтди. Бизлар ҳам пиёзсиз нон ейиш истагини билдирдик. Аммо Зариб дўстимиз яна пиёз солинган нонни сотиб оларди. Кейин билсак, Эшчоннинг аниқлашича, нон сотувчилар ичида фақат бир қиз пиёз солинган нон сотаркан. Биз бу ҳақда «сен сочи қирқ ўрим Малоҳат деган қиздан пиёзли нон

олар экансан. Уни севиб қолдингми? Балки совчи бўлиб борармиз?» дея ҳазиллашдик унга.

Зариб дўстимиз буни тан олди. Малоҳат эса туман сув хўжалигида ишловчи Раҳимжон деганнинг сингlisi экан. Биз 47 кундан бери идорада юриб у билан таниш бўлиб қолгандик. Биз Раҳимжонга уйга совчи бўлиб боришимизни айтдик. У рози бўлди. Эртасига бозордан икки кило қанд, икки кило холва, олтита нон олиб совчиликка Раҳимжонларникига бордик. Бизларни мезбонлар яхши кутиб олишиб, чакки таомини келтиришди.

Мен келишдан мақсадимиз совчилик эканлиги тўғрисида гап бошладим. Ашур дўстимиз давом қилдирди. у хотини ва онасининг ёнига бориб маслаҳатлашиб келишга чиқди. Кейин ичкарига кириб «Зариб Вобкентда қолса тўйга розилиги, ўзларининг асли тожиклиги, урф-одатлари бошқача эканлиги, Малоҳатни узоқ Хоразмга бериб юборолмаслиги» тўғрисида тушунтириш берди.

Шартни эшитиб, Ашур, Эшчон учаламиз сув хўжалиги идораси ётоқхонасига қайтиб келдик. Зариб бизларни интизор бўлиб кутиб ўтирган экан. Келишимиз билан «нима бўлди, рози бўлишдими?» дея қизикди. Биз «сени Вобкентга ташлаб кетадиган бўлдик, жўра» дедик. «Мен нега Вобкентда қоларканман?!» дея Зариб воқеани эшитиб таажжубланди. Биз Малоҳат ва Раҳимжоннинг отаси йўқлиги, онаси юқоридаги шартни қўйганлигини айтиб, тушунтирган бўлдик.

Эртасига Зариб дўстимиз Малоҳат билан кўз ёши тўкканича хайрлашиб қайтиб келди. 47 кунлик амалиётдан қайтиш олдидан Зубайилов хонасига чақиртириб, ҳужжатларимизни расмийлаштирди. Шу билан бирга ҳар биримизга 350 сўмдан пул берди. Бу шу даврда катта пул эди. Негаки, бизлар 30 кун каналлар учун «бетон-блок» қуйган меҳнатларимиз эвазига шунча маблағ ажратишган экан.

Шу тариқа амалиётни катта хурсандчилик билан якунлаб, сув хўжалигидагилар билан хайрлашганча Бухорога кетдик. Бухорода 2-кун вилоят сув хўжалиги идорасида қолиб кетдик. Чунки поезд Чоржўйга икки кундан кетаркан. Шу боис шаҳарнинг Арк, қишки Сарой, Лаби ҳовуз, масжид-мадрасаларини зиёрат қилдик. Бозордан ўзларимизга кийим, уйдагиларга совға-саломлар олдик.

Ниҳоят Бухородан Чоржўйга поездда келсак, бу ердаям икки кун қолиб кетдик. Чунки Чоржўй — Қўнғирот поезди икки кундан кейин кетаркан. Ана шу тариқа амалиётни якунлаб, уйга кириб келдик.

1954 йилнинг ёзи жуда иссиқ келди. Шу йили колхозчиларга меҳнат ҳақи учун жамоа ҳўжаликлар томонидан буғдой бериладиган бўлди. Биз дўстим Қозоқ Қорабоев билан эшак аравада колхоз омборига бориб, биринчи маротаба ҳар биримиз 5-6 қоп буғдойни уйимизга олиб келдик. Ўшанда қўшниларимиз, ҳамқишлоқларимиз меҳнат ҳақиға буғдой берилганидан қувонишганди. Отамнинг айтишича эса бригадасидагилар шу сабаб янада ғайрат билан меҳнат қиладиган бўлишган.

Куз фаслида яна техникум талабалари пахтага жалб қилиндик. Бизларни бу сафар ҳозирги Янгибозор туманининг Боғолон қишлоғидаги Куйбишев номидаги жамоа ҳўжалигига сафарбар қилишди. Бизларнинг қишлоқ билан Боғолон ёндош, қўшни бўлиб ўртада Қилич Ниёзбой арнаси мавжуд эди. Мен талабаларнинг озиқ-овқатини ташкил қилиш, терган пахта ҳисоб-китобини юритиш билан машғул бўлдим.

Бизларнинг гуруҳ раҳбари Сайфуллин деган маданиятли, камтар, саводли, ҳоразмчасига айтганда «одамгарчиликли» инсон эди. Талабалар ҳам уни ҳурмат қилишарди.

Мен уйимиз яқинлиги, оилалигим боис уйимизда ётиб, эрталабдан талабалар орасига борардим. Айрим пайтлари эса Сайфуллин на гуруҳдаги дўстларимни уйга — зиёфатга таклиф ҳам қилардим. Бу пайтда ўғлим Саъдулла ҳам улғая бошлаган, уни кўтариб юриш, кулгусини кўриш нақадар мароқли, қувончли эди.

1953 — 54 йиллар, қишлоқ ҳўжалигида бироз юксалиш бўлиб, олинган ҳосил, меҳнат ҳақи эвазига берилган буғдой ҳисобига одамларнинг турмуши ҳам яхшилана бошлади.

Хударган Раҳимов, хивалик Девонов деган туман раҳбарларидан сўнг, 1953 йилда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган Абдулла Жуманиёзов Гурлан туман фирқа қўмитасига биринчи котиб бўлиб ишга келди. Бизларнинг Орджонекидзе номидаги жамоа ҳўжалигига ўша вақтда Абдураҳим Раҳимов раислик қиларди. У кишини «Хоразм ҳақиқати» газетасида танқид қилишгани боис, раисимиз вазифасидан бўшатишди. Касби ҳисобчи бўлган Мадамин Авазов раис қилиб тайинланди. Уни ҳамқишлоқларимиз Аваз кучанчининг ўғли дея аташарди.

Мадамин Авазов раис бўлганидан сўнг, қишлоқда кескин ўзгаришлар бўла бошлади. У ёғоч усталарини бошқа қишлоқлардан чақиртириб, от арва ясатишни йўлга қўйди. Қорамон, терак дарахтларидан 9 та бригадага биттадан от арава ясатиб бердирди.

Чунки ўша вақтда деҳқончиликда арава энг зарур транспорт вазифасини бажарарди. Усталар бизнинг уйда арава ясашгани боис отамнинг бригадасига иккита арава беришди.

Шу билан бирга Туркменистоннинг Кўҳна Урганч шаҳридан колхоз учун 30 та от сотиб олиб келинди. Янги ер учун омовлар ясалди. Бу эса колхозчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширди. Шу сабабларга кўра Мадамин Авазов раислик пайтида жамоа хўжалиги тумандаги илғор хўжаликка айланди.

Колхозчиларга буғдой ҳар йилнинг охирида бериладиган бўлди. Ўша вақтларда иш ҳақи бирлиги «меҳнат куни» деб аталар, ҳар бир меҳнат кунига дастлабки йилларда 250-300 гр, кейин 1,5-2 кг буғдой берила бошланди.

Ҳар бир колхозчи йил бўйи 250 меҳнат куни ишлаши шарт бўлиб, агар бу шартни бажармаса у жазо оларди. «Меҳнат куни» бажарилган иш миқдорига қараб берилар, масалан 30 кг пахта терса бир «меҳнат куни» ҳисобланар эди. Бригадирнинг бир иш куни 1,5 «меҳнат куни»га тенг, ҳисобчисининг бир «меҳнат куни» бир «меҳнат куни» ҳисобланарди. Менинг ўзим ҳам 1950 — 1951 йиллари ҳисобчилик қилиб, «меҳнат куни» ишлаганим эсимда.

Ўша йиллари МТС (машина трактор станциялари) ни ривожлантириш бўйича анча ишлар бошланди. Чунки ўша даврда колхозларда трактор ва бошқа механизмлар йўқ эди. Бу эса қишлоқ хўжалигида кўп муаммоларни юзага келтирар, ер ҳайдаш, экиш, унга ишлов бериш шу сабабляям кечикиб кетарди. МТС давлат идораси ҳисобланиб, улар ихтиёрида эски ГТЗ, СТЗ маркали ҳайдов тракторлари мавжуд эди.

Жамоа хўжаликларига МТС орқали хизмат қилиб берилар, ана шунинг эвазига колхозда етиштирилган пахта, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар «натура оплата» дея давлат ҳисобига ўтказиларди.

Яъни, МТС асосий қишлоқ хўжалик идораси ҳисобланар, агроном, инженер, тафтишчи, ҳисобчи, ер тузувчи, механиклар ушбу идоранинг мутахассислари ҳисобланарди. МТС директори эса туманда нуфузли шахс ҳисобланарди. Ўша вақтда Гурлан туманида МТСлар иккита эди. Биринчи МТС гуман марказида, иккинчи МТС ҳозирги Бирланган қишлоғи устахонасида эди.

Гурландаги МТС директори Г. И. Бернев деган немис миллатига мансуб киши, иккинчи МТС да директор эса хивалик Карим Отажонов эди.

Туман фирқа қўмитасида биринчи ва иккинчи котиби бўлар, улардан ташқари ҳар бир МТС ҳудуди бўйича битта туман фирқа

котиби иш юритарди. Гурлан МТС бўйича Матюсуф Раҳимов, иккинчи МТС бўйича Абдусалом Ғафуров фирқа котиби бўлиб ишлашарди.

Шу даврда яна бир муҳим иш қилинди. У ҳам бўлса ирригация-мелиорация ишларини бажариш учун МЭС (машина экскаватор станцияси) номли қурилиш ташкилоти ташкил этилди. МЭС ташкилотига И. А. Перпилев деган рус киши раҳбарлик қиларди.

Бу тадбирларнинг бари давлат раҳбари нафотидан кейин қишлоқ хўжалиги бўйича қилинган ишлардан ҳисобланарди. Аммо бари бир аҳоли камбағал, қашшоқ, турар жойлар масаласи оғир аҳволда эди. Лекин юқорида айтиб ўтган тадбирлар халқда келажакка бироз ишонч уйғотди. Чунки инсон қўл кучи эвазига қилинадиган машаққатли меҳнатдан техника ёрдамида фойдаланиш осонроқ ҳам эди.

1955 йилдан бошлаб МТСларга ўз даври учун янги трактор бўлган ДТ-51, ДТ-54, ДТ-24 маркали ҳайдов, чопиқ тракторлари келтирила бошланди. Шу билан бирга пахтани машинада териш тракторлари келармиш, деган ўша давр одамлари учун ҳайратланарли гап-сўзлар айтила бошланганди.

1955 йили техникумни битирув йилимиз ҳисобланарди. Март ойида ўша вақтда «диплом ҳимояси» амалиёти дея аталадиган жараён бошланди. Жуманиёз Матсапоев, Карим Жуманиёзов, Ҳусинбой Жуматов, Ражаб Юсупов каби битирувчи талабалар Гурлан туман «РАЙ УОС деб аталувчи сув хўжалиги идорасига амалиётга чиқдик. Ўша вақтда Ўрозмат Қўчқоров деган салобатли, мўйловли киши идора бошлиғи бўлиб, туманнинг кўзга кўринган нуфузли раҳбарларидан ҳисобланарди.

Биз амалиётчи-талабалар у кишининг хонасига таклиф этилдик. Ўрозмат Қўчқоров бизларнинг номимизни рўйхат бўйича ўқий бошлади. Навбат менга келганида «Сен Вапо аканинг ўғлимисан?» деб сўради. Мен «ҳа» дея тасдиқ қилганимда отамни, Оллаберган оқсоқол бобомни яхши билишини, айтиб, сен ҳам аجدодларингдек элга нафинг тегадиган, улардек замоннинг олдинги, илғор фарзанди бўлишининг керак, дея насиҳат қилди. Табиийки, ҳамманинг олдида айтилган мақтовлар менда ғурур уйғотиши билан бирга, елкамга масъулият ҳиссини ҳам юкларди.

Ўрозмат Қўчқоров бизлар билан танишиб чиққач, ҳар бир амалиётчини тегишли ҳудудларга тақсимлади.

— Сен Аминбой идорамизнинг ПТО бўлими — лойиҳалаш-техник бўлимида амалиётни ўтайсан, шахсан ўзим синаб кўраман,

қани аждодларингга ўхшармикансан? — деди Қўчқоров қатъий қилиб.

Бошқа амалиётчилар белгиланган ҳудудлар гидротехниклари билан қишлоқларга жўнаб кетишди.

Мен эса идорада амалиётни ўтай бошладим. Бир хона ажратишиб алоҳида стол, стул ҳам беришди. Шу билан бирга Ў. Қўчқоров менга махсус штат ва ойлик маош бериш бўйича буйруқ ҳам чиқарибди. Ана шу тариқа мен амалиётни уч ой ўтаб, тажриба ҳам ўргандим, шу билан бирга маош ҳам олдим. Айниқса биринчи маош олишим анча қувончли кечди. Маошимни ота-онам, турмуш ўртоғимга мақтаниб, отамга эҳтиром билан пулни берганим ҳануз эсимда. Уйдагилар ишлай бошлаганимдан хурсанд бўлишган, ҳаттоки эртасига отам бир кўй сўйиб, элга садақа қилиб ҳам берганди.

Эътиборлиси, садақага келган катта-ю-кичиклар мендан неча сўм маош олдинг, энди ҳамма вақт шундай маош оласанми, дея савол беришарди. Чунки ўша даврда колхозда ишловчиларга нақд пулда маош тўланмасди. Фақат мактаб ўқитувчиларигина нақд пулда маош олишар, шу боис ҳам ўқитувчилар қишлоқнинг обрў-эътиборли инсонлари саналарди. Менинг амалиётни ўтаб, нақд пулда маош олишим оиламиз ҳаётида ўзгариш ясади.

Бу пайтга келиб Россия, Украина республикаларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олиб қайтган битирувчилар туман сув хўжалиги идорасига ишга кела бошлашганди.

Хусусан Украинанинг Житомир вилоятидан Агиева Аня, Блохина Нина, Левук Зина сингари қизлар, Москвадан И. П. Маслов, С. М. Иванов деган йигитлар сув хўжалиги идораси ёнида яшаб, шу ерда ишлашарди.

Мен ана шу мутахассислар билан бир хонада ўтириб, ишлай бошлагандим. Улар ўзбекчани билишмас, шу билан бирга идорада ҳамма ҳужжатлар рус тилида юритилар, рус тилида сўзлашилди. Шу боис ўша йигит-қизлар ўзбекчани билишмас, тилимизни ўрганиш тўғрисида ўйламасдилар ҳам.

Идора бошлиғи Ўрозмат Қўчқоров мен, И. П. Маслов ва иккита қизга тумандаги Нукус ва Тўқсон канал (ёп)ларининг қирғоғи (Гурланчасига айтганда «рашини») қайтариш учун «нивелировка» қилиш, ўлчашни топширди. Биз тўртталамиз топширилган ишни бажаришга киришдик.

Аммо И. П. Маслов Москва Давлат университетини тамомлаб келган бўлсада, «нивелер» асбоби билан ўлчашни мутлақо билмас

экан. Менга эса Бухородаги амалиёт даврида канал (ёп)ни ўлчаганим қўл келди. Мен Зина билан «нивелер» да «рейка», «лента» тутиб ўлчардик, Аня билан Маслов ҳам биздан ўрганган ҳолда кўрсатмаларимиз бўйича ишни бажаришарди.

Икки кундан кейин сув ҳўжалиги идораси бош инженери Якоб Кузмич Ким биз қилаётган ишларни кўриш учун Тўқсонёп канали бўйига келди. Шунда бизларнинг ишлашимизни кузатаркан, «биз ишчи гуруҳ раҳбари қилиб инженер Масловни тайинлаганмиз. Лекин бу ерда Вапоев гуруҳ раҳбари вазифасини бажараётган экан» дея вазиятни билиб кетди. Шунда Масловнинг университетнинг ирригация ва электроника факультетини битирган бўлсада, «нивелер» билан ишлаб кўрмаганини эшитиб, эртасигаёқ буйруқни «гуруҳ раҳбари А. Вапоев қилиб тайинлансин», дея ўзгартирди.

Мендек ҳали техникумни тугаллаш арафасидаги битирувчига бу ҳолат мағрурлик бахш этди. Шу билан бирга яратганга шукур қиларканман, топширилаётган ишга янада жиддийроқ, янада масъулият билан киришдим.

Ана шу тариқа 10 кун ичида биз белгиланган 14 км канални ўлчаб ҳужжатларни «миллиметровка» қоғозига расмийлаштирдик. Шу асосда эса лойиҳалаш учун асос тайёр бўлди.

Зина Левчук иккаламиз чизган ишларимиз бош инженер Якоб Кузмич Ким, сув ҳўжалиги идораси қошидаги лойиҳалаш гуруҳи раҳбари Бобожон ака Собировларга ғоят маъқул бўлди. Шу билан бирга, ҳафтада бир маротаба бўладиган ишлаб чиқариш мажлисида Вапоев билан Левчуқларнинг иши сифатли ва аниқ ишланган дея баҳоланиши менга янада қувонч бағишлади.

Ана шу тарзда туман сув ҳўжалиги идорасидаги 70 кунлик амалиёт ҳам бир олам қувонч, ишга ғайрат билан ёндошиш асосида ўтиб кетди. Ушбу идорада ишлайдиган кўглаб инсонлар билан танишиб, ака-ука тутиндим. Энг асосийси эса менда танлаган касбимга лойиқ иш қилоларканман, деган ишонч пайдо бўлди.

Сув ҳўжалиги идорасида ишлаётган Зина Левчук, Аня Агиевалар Гурлан туманилик йигитларга турмушга чиқишди. Кейинчалик эса турмуш ўртоқлари билан Россияга кетишди. И. П. Маслов ҳамда С. М. Ивановлар ҳам икки йил ишлаб Москвага кетдилар.

1955 йил 70 кунлик амалиётдан кейин техникумга бориб, диплом иши учун мавзулар танлаш бошланди. Амалиётни яхши ўтаганимдан ўзимни худди инженер-гидротехниклардай ҳис қилиб, диплом иши ёзишга киришдим.

Техникумнинг илмий бўлим мудирин Сайфуллин мени яхши билгани учун ўзининг хонасига чақириб, «Хударган Мукашев деган «Упрадик» идорасининг бош инженери бор. Сен ўша кишининг раҳбарлигида диплом иши қиласан», дея тайинлади. Мукашев бизларга 3-босқичда ўқиётганимизда гидрометрия (сув ўлчаш) фанидан дарс берган, шу боис у кишини яхши танирдим. У жуда талабчан, иқтидорли инженер эди. Кейинчалик у инсон билан бирга ишлаш насиб қилди. Мукашев «Упрадик» идорасининг бошлиғи пайтида мен Гурлан туман ижроқўмининг раиси бўлиб ишладим. Устоз-шогирд сифатида иккаламиз қадрдонларча суҳбат қуриб, сув хўжалиғи тизими, ҳаётда бўлаётган жараёнлар тўғрисида соатлаб гурунглашардик. Афсуски, Хударган Мукашев 65 ёшида ҳаётдан кўз юмди...

Диплом ишим мавзуси «Сув тақсимлаш тизимининг лойиҳаси» бўйича эди. Гурлан туманидаги Манғит каналининг «Мойли» худудидаги сув тақсимлагичнинг лойиҳаси мавзуга асос қилиб олинганди. Иш жараёнида тўплаган техник маълумотларимни Хударган Мукашев олдига олиб бориб, маслаҳатини олиб, шу асосида диплом ишимни тайёрлай бошладим.

Мукашев талабчан, шу билан бирга раҳмдил инсон бўлгани боис 35 кун ичида диплом ишим тайёр бўлди. Техникумнинг давлат имтиҳони комиссияси раиси Жума Оташев Мукашев иштирокида диплом ишимни жуда яхши баҳолашди. Шу тариқа ўша олийжаноб инсонларнинг маслаҳати, берган таълими, ўргатган тажрибалари асосида техникум таҳсилини тугаллаш насиб қилди.

1955 йилнинг 5 августида битирувчиларни сув хўжалиғи идораларига тақсимлаш тадбири ўтказилди. Мен Гурлан туман фирқа қўмитасидаги Каримбой Жуманиёзовни таниганим, у кишининг ёрдамида Хоразм вилояти таркибидаги «Облуос» идорасига йўлланма билан ишга юборилдим.

Гуруҳимиздаги Жуманиёз Матсапоев, Карим Жуманиёзов, Зариб Саидмуротов, Абдулла Давлатов ва бошқа гидротехник мутахассислигини эгаллаган йигитлар Қашқадарё, Қорақалпоғистон, Туркменистоннинг Тошхўвўз вилоятига ишга юборилди.

Техникум илмий бўлим мудирин Сайфуллин билан бирга 25 нафар битирувчи вилоят сув хўжалиғи идораси бошлиғи Н.Г. Митянов олдига бордик. У кишининг хонасига кириб, ўтиришимиз билан муддаога ўтилди. «Ким Вапоев?» дея дастлаб мени сўради. Мен ўзимни таништиргач, «Сизни Гурлан туман фирқа қўмитаси туман сув

хўжалиги тизими учун ишга талаб қилаяпти. Розимисиз?» дея сўради. Албатта, оилали эканлигим, амалиёт даврида касбимга ихлосим янада ошганидан бунга розилик билдирдим. Бошқалар эса менга таажжубланиб қарашди. Чунки, гурланлик гуруҳдошларим Кўшкўпир, Манғит туманларига ишга юборилди.

Митяновнинг хонасидан чиқишимиз билан Ражаб ака деган киши: «Аминбой сени райқўмдагилар қаердан билишади?» дея ҳайратланиб сўради. Шунда Сайфуллин: «Аминбойга ўхшаган яхши мутахассислар ҳаммага керак», деб жавоб берди.

Хуллас, ана шу тарзда техникумдаги тўрт йиллик қийинчилик ва қувончларга тўла даврга якун ясаб, ҳаёт синовларида тобланиш, меҳнат жараёнида ўзимни кўрсатиш мақсадида танлаган соҳамга йўл олдим.

МУТАХАССИСЛИГИМ БЎЙИЧА ИЛК МУВАФФАҚИЯТЛАР

Гурлан туман сув хўжалиги идорасига ишга келишим арафасида, ташкилот раҳбари Ўрозмат Кўчқоров Эшимжирон қишлоғидаги Молотов номидаги жамоа хўжалигига раис бўлиб тайинланган экан. Илгари бош муҳандис бўлиб ишлаб келган Якуб Кузмич Ким эса идора бошлиғи этиб тайинланибди. Табиийки, амалиёт давридан мен уларга таниш эдим. Шу боис вилоят сув хўжалиги идорасининг йўлланмаси бўйича ишга келган тўрт нафар битирувчи у кишининг хонасига кирдик.

— Мен Аминбойни амалиётда даврида тажриба орттирган қобилиятли гидротехник сифатида яхши биламан. Сизларни эса биринчи кўришим. Сизлар, — дея учала ҳамроҳларимга қарата айтди бошлиқ, — бир ҳафта уйлариңгизда бўлиб иш олдидан ҳордиқ чиқариңглар. Мен вилоят ташкилотимиз орқали сизлар учун иш ўрни топаман. Шунда ўзим сизларни чақиртираман.

Шундан сўнг, Я. К. Ким кадрлар бўлими мудирини чақиртириб менга буйруқ чиқартиришни тайинлади:

— Амин Вапоевни эртанги санадан бошлаб Вазир қишлоғининг «Охунбобоев», «Большевик» жамоа хўжаликлари бўйича участка гидротехниги қилиб ишга расмийлаштириңг.

Шу билан бирга Якуб Кузмич менга ишим борасида топшириқ берди:

— Аминбой, эртадан бошлаб Оқ-ёп каналини «нивелеровка» қилишга киришасан. Ўйлайманки, бу ишни уддалайсан, — дея менинг кўнглимни кўтариб ҳам қўйди.

Ана шу тарзда мен Вазир қишлоғидаги юқоридаги иккала жамоа хўжалигига гидротехник бўлиб ишга тушдим. Ўша вақтлари сув учун жамоа хўжалиги пул ўтказарди. Бизнинг ҳудудда Қодир Тўраев тажрибали гидрометр (сув ўлчагич) бўлиб ишлар, у киши сувнинг 15-кунлик миқдорини ва суммаси ёзилган ҳисобни менга берди. Ушбу ҳужжатни эса жамоа хўжалик раиси тасдиқлаши керак эди.

Мен хўжаликнинг бошқарув идорасига бир эски велосипедни миниб соат ўн бир яримларга бордим. Идора олдидаги курсида бир тўла гавдали киши пичоғи билан тирноқларини олиб ўтирган экан. Мен салом бериб унинг ёнига бориб ўтирдим. У тирноғини олиб бўлгандан кейингина мен билан саломлашди.

— Ҳа, йигит кимни излаб юрибсан? — дея сўради у киши.

Мен раис бувани излаб юрганимни айтдим.

— Унда нима ишинг бор? — яна саволга тутди ўша киши.

Мен эса хўжаликка гидротехник бўлиб ишга кирганлигим, сувнинг ҳужжатларини тасдиқлатиб олишим зарурлигини айтдим.

— Ҳа, шундайми? — дея савол берди-ю, 10-15 дақиқача индамай ўтираверди. Мен «ўзи савол берадию, мен жавоб берсам нега энди жим бўлиб қолди экан», дея таажжубланиб, айни пайтда бироз ташвишланиб ҳам ўтирдим.

Бироз ўтиб у киши:

— Қаердансан, ўзинг? — дея яна савол берди.

Мен Сахтиён қишлоғидаги Орджонекидзе овулидан эканлигимни айтдим.

— Кимнинг ўғлисан? — яна суриштира бошлади у киши.

— Вапо бригадирнинг, — дея дадамнинг исми айтгандим, «шундай демайсанми?» дея кулиб қўйди.

Аммо бу сафар ҳам бироз вақт сўзламай ўтираверди. Кейин бирдан:

— Сен шу Охунбобоев номидаги колхоздан Нориммат деган йигитни танийсанми? — дея яна қутилмаган саволни берди.

— Ҳа, уни танийман. Унинг отаси раис деб эшитганман, — дея жавоб бердим.

— Яхши, яхши экан. Энди юр мен биламан. Сенга Норимматнинг уйини кўрсатаман, — деди ҳалиги киши.

— Аввал раис бувани кўриб кейин Норимматнинг уйига борсам яхши бўларди, — дея ўз ишимни битказиб олишим лозимлигини айтдим.

— Шу томонда раиснинг уйи бор. У уйида бўлса керак, юравер! — дея кетишга ундади-ю, шу ерда турган бир семиз оқ отга минди.

Мен эса велосипедимга миндим. Шунда менинг хаёлимга «балки, бу киши раисдир», деган фикр келди. Бироқ ўзидан сўраш нокулай эди. Шу тарзда икки кўча ўтиб, ҳалиги кишига эргашганимча бир уй олдида тўхтадик.

Ҳамроҳим отдан тушиши билан Нориммат отни олиб тол дарахтига боғлади-ю, мени кўриб,

— Ҳа, Амин ничиксан? Яхши келдингми? — дея хурсанд бўлганича мен билан қучоқлашиб қуришди.

Ҳамроҳим эса:

— Нориммат, бу йигитга раис керак экан. Раис бувани чой ичгандан кейин кўрсатасан, Иши бор экан, — дея уйга кириб кетди. Бизлар эса Нориммат билан боғ томондаги чертак тагига бориб ўтирдик.

Чой ичиб, овқат еб Нориммат билан гурунглашдик. Нориммат дўстим билан техникумдаги ўқиш пайтида танишгандик. У иккинчи босқичдан сўнг армияга кетганди. Ҳарбий хизматдан қайтган ва энди ўқишни давом этдирмоқчи экан. Шу боис техникумдаги ҳолат, ўқитувчилар тўғрисида суриштириб ўтирди. Суҳбат жараёнида мен ўша киши Матвапо раис эканлигини англадим.

Соат учларда ҳалиги киши чиқиб:

— Ҳа, Аминбой сен менинг дўстим ва адашим Вапо аканинг ўғли экансан. Мен сизларникида кўп бўлганман. Пахта заводида агроном бўлганимда отанг ёнига кўп борардим. Мана ўқишни битириб келибсан. Жўранг Нориммат ҳам яқинда армиядан келди. Энди ўқишни давом эттириши керак, — дея бизлар билан гурунглашиб ўтирди.

Ана шу тариқа Вазир қишлоғидаги иш фаолиятим давомида дўстларимни топдим, дўстлар орттирдим. Гидротехник бўлиб иш бошлаб Вазир қишлоқ кенгаши раиси Янгибой Жуматов, «Большевик» жамоа хўжалиги раиси Бекатов Абдулла, шу хўжалик мироби Юсуфбой Салоев, бош ҳисобчиси Собир Ўрозметовлар билан ҳам танишиб олдим.

Шу билан бирга бизлардан бир йил олдин техникумни тугатган, Вазир қишлоғининг Оққум, Сталин, Синдухинец, Каганович

номидаги жамоа хўжаликлари гидротехниги Ўрозмат ака Жумамуротов билан ака-ука бўлиб қолдим. Унинг тажрибаларини ўргандим. Агарки кечқурунга қолиб кетадиган бўлсам, Ўрозмат аканинг уйида ётиб қолардим.

Ушбу хонадон аҳли меҳмондўст, меҳнаткаш, бағри кенг инсонлар эди. Жумамурот бобонинг лақаби «Етим» бўлиб, Ўтамурот деган почтачи ўғли ва Ўрозмат дея боя айтган гидротехник ҳамкасбим ҳамда бир нечта қизлари бор эди. Ўрозмат аканинг Ўғилжон, Ўтамурот аканинг эса Сапаргул исмли турмуш ўртоқлари, фарзандлари аҳил иноқ бўлиб яшашар, бир-бирига қаттиқ товуш билан гапиришмас, ҳурмат оҳанги мавжуд эди.

Ўртамурот аканинг ёлғиз ўғли Раҳимберган ақл-идрокли бўлиб вояга етди. Таълим соҳасида ишлаб Эшимжирон қишлоғидаги коллежда директорлик қилди. Ўрозмат аканинг ҳам ўғил-қизлари яхши инсонлар бўлиб камол топишди. Ўтамурот ака ва унинг аёли Қизларгул опа бу дунёдан ўтиб кетишди. Ўрозмат ака туманда сув хўжалиги идораси бошлиғи бўлиб бир неча йиллар ишлади. Нафақага чиқиб ҳозирда 80 ёшидан ўтиб фарзанду невара, чеваралар ардоғида яшамоқда.

...1955 йил. Ҳар галгидек куз келиб пахта терими бошланди. Ҳамма пахтага жалб этилди. Мен ишлаётган туман сув хўжалиги идорасидагилар ҳам Вазир қишлоғидаги Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигига пахта теримига чиқишди. Айни пахта қизғин давом этаётган сентябрь ойида сув хўжалиги идорасидаги ёшлар ташкилотининг умумий ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Йиғилишда мени бошланғич ташкилот етакчиси қилиб сайлашди. Туман ёшлар қўмитасининг биринчи котиби Ҳаким Аминов ёшлар олдида турган муҳим вазифаларга, хусусан пахтага сафарбарлик тўғрисида тўхталиб ўтди.

Шу тариқа идорамиздан 45 киши пахта теримига борар, мен уйдан велосипедда қатнар эдим. Вазир қишлоғидаги терим жойига бориш тахминан 20 чақирим, қайтиш яна шунча масофа. Лекин ёшлик шижоати боисми чарчашни билмасдим. Шунингдек, бошқаларга ўрнак бўлай, дея 45-50 кг пахта ҳам терардим.

Октябрь ойининг бошларида идорамиз бошлиғи Якуб Кузмич Ким бешта гидротехникка, «эртага пахтага келманглар, райқўмда мажлис бўлади», деб айтди. Улар орасида мен ҳам бор эдим.

Эртасига 5 нафар гидротехник — илгари жамоа хўжалиги раиси, қишлоқ кенгаши раиси бўлиб ишлаган, мендан ёши анча катта

Ражаб Ёқубов, Эшчон Дўсниёзов, Абдурахим Раҳимов, Собир Абдиевлар биргаликда туман бошқарув идорасига келдик. Мажлислар залининг минбарида туман раҳбари Абдулла Жуманиёзов, райиждоқум раиси Римбой Ҳақимов, сув хўжалиги идораси бошлиғи Якуб Кузмич Кимлар ўтиришарди. Йиғилишда тумандаги жамоа хўжалиги ва қишлоқ кенгаши раислари, сув хўжалиги мироблари қатнашаётганди. Кун тартибида эндиги йилга сув равон оқиши учун каналлар — ариқларни тозалаш масаласи кўрилди.

Туман раҳбари Абдулла Жуманиёзов ўз сўзида каналларда олиб бориладиган қазув ишларига эркакларни жалб қилиш, совуқ тушмасдан тозалаш ишларини олиб бориш, ишни якунлаш тўғрисида гапириб, бу борада миробларга катта масъулият юкланишини айтиб ўтди.

Шундан кейин у қўлига қоғоз олиб, қайси канални қайси мироб қаздиришга масъул эканлиги тўғрисида сўзлади. Тўқсон каналини Ражаб Якубов, Ҳизирэлиёлга Эшчон Дўсниёзов, Дўсимариқ каналига Абдурахим Раҳимов, Вазир-Қорақўз каналига янги гидротехник сифатида менинг номимни айтиб, Амин Вапоев, деди. Мен ўрнимдан турдим. «Бу йигит ёш-ку, қазувни-канални қазишни биладими?», — дея луқма ташлади. Шунда Ким Якуб Кузмач «жуда яхши билади», деди бунга жавобан.

«Йуғ-е» деб яна туман раҳбари ишончсизлик билдирди. Шунда сув хўжалиги идорасининг собиқ бошлиғи, ўша вақтда жамоа хўжалигига раислик қилаётган Ўразмат Қўчқоров,

— Абдулла ака, бу йигит жуда саводли, ҳамма ишни урдайдиган йигит. Сиз бу йигитга ишонаверинг, — деб мени қўллаганидан сўнг, туман раҳбари:

— Ҳамма сени яхши, деб баҳо бераётир. Майли, сенинг ишингни кўрамиз энди, — деди.

Шу тарихида катталар ишончига кўра, мен Вазир-Қорақўз каналларини қазиш учун масъул бўлдим. Ўша пайтда кечалари «Қандай қилиб 100-150 одамга иш буюраман, Канални қачон тамом қиламиз? Мен шунинг урдасидан чиқишим керак», дея масъулиятни ҳис қилганимдан турли ҳаёл борардим. Шунингдек, «Мен шу соҳада ўқиганман, касбим мироб экан, қаттиқ туриб канални тўғри техник услублар асосида тозалатишим керак, албатта» деган мақсадни кўнглимдан ўтказар эдим.

Октябрь ойи бошида «Большевик» жамоа хўжалиги мироби Юсупбой ака, Охунбабасв номидаги жамоа хўжалиги мироби Римбой

(кейинчалик у «сода» деган лақаб билан машхур бўлди), Сталин номидаги жамоа хўжалигининг мироби Цой Петялар билан ишни бошлаб юбордик.

Мен ҳар кун эрталаб қазувчилардан олдин канал бўйида бўлишим, ҳар бир қазувчига иш топширишим, қазув битгандан кейин, қабул қилиб рухсат бериш, менга юклатилган вазифа эди. Чунки, жамоа хўжалиги мироблари каналнинг қазилиши сифатига жавоб бермайди, фақат сув хўжалиги идораси техниги жавобгар, деб туман раҳбари топшириқ берганди.

Мен уйдан қуёш чиқмасдан олдин ўз эшагимни миниб, отамнинг шуба пальтосини кийганимча, Вазир — қора кўз каналига етиб борардим. Вазир қишлоғи, қазилаётган канал уйимиздан 15-20 км узоқликда эди. Уйда ҳар куни турмуш ўртоғим соат 5:00 да менга нонушта тайёрлар, 2 та зогора ёки 2 та чўрак, 3 та тухумни эса қайнатиб сумкага солиб берар, у менинг кундузги тушлик овқатим эди.

Канал қиргоғининг, Гурланчасига айтганда «раши»нинг бир четига 1 та тўнкани қўйиб, чойни учта мироб ва мен тўртталамиз биргалашиб тушлик қилардик. Улар ҳам мен каби уйдан нон ва айрим вақтларда бошқа егулик олиб келар, ўт атрофида ўтириб, овқатланиб бўлгач, яна кечқурунғача ишда бўлар эдик.

Кечқурун агар ким ўзига беркитилган вазифани бажарса, ишини кўриб қабул қилар эдик ва шундан сўнггина у кишига рухсат бериларди. Агар тақсимланган ишни бажармаса кун ботгунча ишлар эди. Хуллас, эрталаб энг биринчи бўлиб қазувга мен келиб ва кечқурун энг охирида кетардим.

Ана шундай тарзда, 7-ноябрга Вазир — қоракўз канали тозалаб бўлинди. Туманда қилинган бу борадаги энг яхши иш деб, ташкилотимиз бошлиғи менга раҳматнома эълон қилди ва бу тўғридаги буйруқ идорадаги эълонлар тахтасига илиб қўйилди. Бундай ташаккурнома менинг ишга бўлган меҳримни янада ошириб юборди.

Кунлар, ойлар шу тарзда ўтиб, март ойида каналларга сув очиш учун туман фирқа қўмитасида йиғилиш бўлди. Йиғилишда сув хўжалиги ташкилоти раҳбари Ким Якуб Кузмичнинг ахбороти тингланди.

Шундан сўнг, туман раҳбари Нукус каналининг сув очишга тайёр эмаслигини қаттиқ танқид қилди. У ишга масъул Абдурахим Раҳимовни ўрнидан турғизиб «сен раис бўлгансан, шўро бўлгансан, ёшинг 50 дан ўтиб кетган, қилган ишинг бўлса, ёш боланинг

ишидан баттар», деб ўзигагина танбеҳ бериб қолмай, «нима учун бундай вазифасига масъулиятсиз одамни участка гидротехниги қилиб қўйибсан», — деб Я.К. Кузмичга танбеҳ берди.

— Мана ёш йигит Вазир-қорақўз каналини жуда сифатли тайёрлаган, мен бу болага «сенинг кўлингдан келармикан», деб дастлаб ишонмаган эдим. Энди шундай ёш йигитларга эътибор қаратиш керакка ўхшайди, — деб туманимиз раҳбари мени мақтади.

Бундай катта йигинда, ҳамма менга қарагандай туюлиб, мен ўз-ўзимдан ҳижолат тортиб, уялиб кетдим. Чунки, Абдурахим ака Рахимов бизнинг жамоа хўжалигимизда раис бўлган. Шу даврда ўқишга кетиш учун менга рухсат, маълумотнома бермаган. Мана энди у билан ишлаётирман. Туман раҳбари яна шуни таъкидладики:

— Гурлан ҳудудига Вапоевдек ишга масъулиятли бир йигитни топиб қўйинг. Энди ишдан бўшатиш, вазифасига нолойиқ кишиларни мироб қилишни тўхтатиш керак, ўқиган, ташкилотчи йигитларни ишга олинглар, — деди.

Менинг шарафимга айтилган бу гаплардан руҳланиб, янада ғайрат билан ишимда давом эттиравердим. 1956 йил оиламиз учун яхши йил бўлди. Ўғилжоннинг кўзи ёриб, қизимиз Гулора 19 мартда дунёга келди. Энди «худога шукур, икки фарзандли бўлдим» дея Ўғилжон, отам, онам, мен жуда хурсанд эдик.

Шу йили Вазир ҳудудидан мени Гурлан ҳудудига гидротехник қилиб тайинлашди. Менга беркитилган ҳудудга Сахтиён, Олға, Бирлашган, Хизир-эли, Эшимжирон қишлоқлариям қарашли бўлиб, 9 киши ишлар, бу кишиларга мен иш буюриб, раҳбарлик қилардим. Улар орасида жамоа хўжалиги раиси, қишлоқ кенгаши раиси бўлиб ишлаган А. Раҳимов, Р. Ёкубов, Э. Дўсниязов, С. Абдиев, Хайтматов сингари 60 ёшлар чамасидаги, ҳаётда жуда кўп нарсаларни кўрган инсонлар бор эди. Мен ана шу инсонлар билан ишлаб, улардан кўп нарсаларни, умуман ҳаёт сабоқларини ўргандим десам тўғри бўлади.

Тўқсон канали, Хизир эли, Нукус, Ёқубчи, Дўсим ариқ, Олға-ёп каналлари орқали юқоридаги қишлоқларга сув етказиб бериларди. Бизлар 9 киши эрталаб туман сув хўжалиги идорасига, ташкилотимиз хизматчиларидан 1 соат олдин келиб, ким нима иш билан шуғулланиши ва сувнинг миқдори тўғрисида гаплашиб ўтирардик. Файзулла Матёкубов деган ахамиз «гидрометр»- сув ўлчовчи эди, у кишига қайси каналга, қанча сув берилишини аниқлаб айтардик. Шундай қилиб, кун бўйи каналлар ёқасида, қишлоқларда раислар, бригада бошлиқлари билан учрашиб, ишлар эдик.

1956 йил ташкилотимиздан менга ҳудудимизда миниб юриш учун 1 та от берилди. Шунингдек, идорага қарашли от Ражаб ака Ёқубовда ҳам бор эди. Чунки у киши мендан олдин ҳудудий гидротехник бўлиб ишга ўтганди. Бизлар эрталаб отни миниб Нукус канали охиригача борар, мироблар бўлса, эшакларида юрар, айланиб сув ҳолатини билиб келиш иш тарзимизга кирарди. Эшимжирон қишлоғидаги жамоа хўжалигида Бобожон Аҳмедов мироб вазифасида ишлар эди. У кишиям илгари раис бўлиб ишлаган, жуда тажрибали яхши инсон эди. Мен у киши билан Эшимжирондаги коллекторларни, у ердаги канални қозиш ишларида ҳамжиҳатликда ишлаб юрдик. Ўрни келганида шуни айтишим керакки, кўп йиллардан бери, Гурлан тумани сув хўжалиги ташкилотининг раҳбари бўлиб ишлаб келган, ҳозирги Қорамози-Қиличбой ирригация тизими идораси бошлиғи, тажрибали сувчи, меҳнаткаш, шу соҳанинг етук мутахассиси Қурол Бобожанов, Бобожон Аҳмедовнинг фарзанди бўлади. Балки, «От ўрнини той босар» дегани шу бўлса керак.

Шу тарзда, ойлар, йиллар ўтиб, тумандаги бир қанча раҳбарлар билан, сугориш тизими билан яқиндан танишдим.

1956 йил охири, 1957 йил бошида Олғаёп канали кенгайтириб қазилди ва Шанғи қишлоғигача олиб борилди. Ўша вақтда сув хўжалиги идораси ишчи-хизматчилари кучи билан ҳозирги Олғаёп каналининг бошланиши, гурланчасига айтганда «соғаси»даги «сооружения» қурилди. Биз ҳаммамиз ана шу қурилишда иштирок қилиб, қарийиб 1 ойда ишни якунига етказдик.

1957 йил бошида мени туман фирқа қўмитасига чақиришди. Сабаби, у ерда Урганч — Гурлан йўли қурилиши масаласи муҳокама қилинаётган экан. Туман фирқасининг мажлислар залида давлат ва жамоа хўжаликлари раислари, идора, ташкилот раҳбарлари бор эди. Мажлисни туман раҳбари Абдулла ака Жуманиёзов очиб, қилиниши керак бўлган ишларга тўхталди ва туман ер тузувчи инженери Қурамбай ака Одамбаевга сўз берди. У киши туман харитасини юқорига осиб, Урганч — Гурлан йўли қаердан ўтиши, унинг узунлиги, кенлиги тўғрисида тушунтириш берди. Шунингдек, қайси жамоа хўжалиги қаерда, қанча йўл қуриши тўғрисида маълумот берди.

Жамоа хўжалиги раисларига 2 кун муҳлат бериб, тайёргарлик ишларини бошлаш топширилди. Ушбу йўл қурилиши Гурлан туманининг чегарасидан, Қилич Ниёзбой арнасининг кунчиқаридан

бошланиб, Манғит тумани (Қорақалпоғистоннинг ҳозирги Амударё тумани, ўша вақтда Хоразм вилоятига қарашли бўлиб, Манғит дея номланарди)нинг бошланиши — Момоқўпиргача давом қиларди. Шу тарзда жамоа хўжаликлари, идора, ташкилотларга ҳудудлар тақсимланди. Йўл қурилиши фақат қўл кучи билан амалга ошириладиган бўлиб, бунга ҳаммани жалб қилиш топширилди. Жамоа хўжалиklarининг бириктирилган аъзолари, йўл қурилиши бўладиган ҳудудларга кўчиб, иш бошида яшаш топширилди. Йўл қурилиши жами, 7 ҳудудга бўлинди. Ҳар ҳудудга 1 та инженер-техник беркитилди.

Туман раҳбари Абдулла Жуманиёзов, «Вапоев ким» деб сўрагани, «мен» деб ўрнимдан турдим. «Ҳа, бу йигитни биламан», деди у ва менга ҳозирги Қилич Ниёзбой арна кўпригидан, то ИПХ даги чорраҳагача бўлган ҳудудга техник раҳбарлик этиш, йўлни тўғри чиқариш, қурилиш ишларини назорат қилишни топширди.

Ана шу тариқа ишлар тақсим қилингандан икки кун ўтиб, жамоа хўжаликлар йўл қурилишига кела бошлашди. Менга беркитилган ҳудудга 3 та жамоа хўжалиги — Вазир қишлоғидаги Сталин, Эшимжирон қишлоғидаги Молотов, Сахтиён қишлоғидаги Ленин номидаги хўжалик аъзолари келиб, иш бошлашди. Йўлни тўғри ўлчаш, уни белгилаш учун менга 5 та колхозчи йигитлар берилди. Мен икки кунда йўл ўтадиган линияни аниқлаб, тўғри қилиб, қоziқ ва ходалар қоziб чиқдим. Шунда Ленин номидаги жамоа хўжалигининг 5- бригадасида бошлиқ бўлиб ишловчи Исмоил ака Ўразалиев жуда уддабурон, онгли одам эди. Йўл қурилишига келиб:

— Амин сен қандай қилиб шунча ерни тўғри қилиб ўлчаб олдинг, беҳудага зогора орқалаб Урганчга 4 йил ўқишга қатнамаган экансан, товба, — дея қилган ишимдан ҳайратлангани. Шу билан бирга, «яхши ўқибсан, сенга раҳмат», дея менинг кўнглимни кўтарган, бу эса мени хурсанд қилгани.

Мана ҳозир, мана шу йўл қурилганига 55-60 йил ўтган бўлсада, шу йўлдан ўтсам, ўзимдан-ўзим хурсанд бўлиб кетаман. Чунки, 2 ой давомида шу йўлни қуриш учун қанча меҳнатлар қилгандик. Ҳа, ўз меҳнатинг синган, пешона теринг билан яратилган йўл, иморат, боғ ва бошқа иншоотлар олдида ўтсанг, бу ишларда ҳиссанг борлигини ўйласанг, жуда мағрурланиб кетасан, киши. Албатта бу ҳислат ҳаммага хос инсоний феъл-атвордан, деб ўйлайман.

Ана шу йўл қурилиши вақтида отам уйга жамоа хўжалигимиз раиси Мадамин Авазов, МТС директори Солий Каримов, туман

марказий шифохонаси бош врач И.Л. Ким, иқтидорли жарроҳ Искандар Гулмановларни меҳмонга таклиф қилди. Меҳмонлар овқатланиб бўлишгач, отам даврадаги И.Л. Ким ва Искандар Гулмоновларга, «укалар, менинг набирам Саъдулла уйда кўпдан буён касал, бир кўриб бермайсизларми?» дея илтимос қилди.

Саъдулла бу вақтда иссиғи жудаям баланд бўлиб, тана ҳарорати катта эди. И.П. Ким ўғлимни кўздан кечириб, онам билан Саъдуллани ўзларининг «тез ёрдам» машинасида марказий шифохонага олиб кетишди. Мен юклатилган иш кўплигидан, фақат кечкурунгина шифохонага боролдим. 5 кишилик палатада онам билан Саъдулла ётарди, аҳволи ниҳоятда оғир эди. Ўғлим нафас олишга қийналар, оёқлари шишиб кетган, оғриқдан тинмай йиғларди.

Ўғилжон шифохонага келолмас, чунки эмизикли 2 ойлик Гулора бор эди. Хуллас, Искандар ака ўғлимнинг шифо топишига ёрдам берди. Уч маротаба ўпкасидан сув олди. Бир ҳафтадан кейин, шукрки, Саъдулла яхши бўла бошлади. Шифохонада жами 41 кун бўлиб, тузалиб, уйга қайтиб келди. Ўғлимнинг ҳаётини аввало Худо, қолаверса Иннокентий Лукич Ким, Искандар Гулмоновлар сақлаб қолдилар. Ушбу шифокорлар ўз касбларининг Гурлан туманида энг етук мутахассислари бўлиб, ўғлим сингари кўплаб инсонларнинг ҳаётларини сақлаб қолишганини биламан, эшитганман. Шу боис, мен ҳамма вақт раҳбар бўлган пайтларим, ана шу инсонларнинг қадр - қимматини ўз жойига қўйишга ҳаракат қилдим. Мана шуни айгадиларки, бир яхши кун хайрли ишларга сабабчи бўлади, деб. Отам шифокорларни чойга таклиф қилиб, ўғлимнинг соғлигини тиклашга сабабчи бўлди, десам бўлади.

Йўл қурилиши ойлиги деб айтилган мавсум якуни бўйича туман раҳбариятида яна мажлисга бордим. Ўтказилган йўл қурилишида фаол қатнашган кишиларнинг меҳнатларини тақдирлаш ўтказилди.

Жамоа хўжалиги, қишлоқ кенгаши раислари ва гидротехниклар қаторида, менинг ҳам исмим эълон қилинди. Шунда туман раҳбари Абдулла Жуманиёзов, энг тўғри яхши йўл қурилишида фаол иштирок қилган техник деб, менга мукофотга 1 та кўйлак берди. 1957 йил сентябрь ойида сув хўжалиги идорасининг бошланғич фирқа ташкилоти мажлисида Жабберган Янгибоев мени фирқага номзод қилиб қабул қилиш тўғрисидаги аризамни кўриб чиқди. Шундай қилиб ҳамма ҳужжатлар расмийлаштириб, 10 кундан кейин туман раҳбариятига бордим. Мажлисни туман раҳбари Абдулла ака Жуманиёзов бошқарар эди. Менинг биографиямни туман фирқа

кенгашининг бўлим бошлиғи Хан Бен Нам ўқиб берди, кейин менга фирқа ҳайъати аъзолари ҳар хил саволлар бера бошлашди. Ким фирқа аъзоси бўлади, «доҳий» қачон туғилган ва шу кабилар, кейин ижроқўм раиси Ўскинов Сапарбой, «яқинда марказқўм бир қарор қабул қилди, бу қандай қарор эди» деб савол берди. Мен тўғриси билмасдим, шу боис «билмайман», деб жавоб бердим.

Яна Ўскинов «сиз қайси газетага обунасиз» деб сўради. «Қизил Ўзбекистон» деб жавоб қайтардим. «Мен сўраган қарор «Қизил Ўзбекистон»да чиқди. Ука, газета ўқимайсиз шекилли» деб луқма ташлади. Кейин Абдулла ака Жуманиёзов, «сен ишда яхши ишлайсан, лекин газета ўқимас экансан-да. Энди шу газеталарни ўқиб кейинги ҳайъатга келасан» деди. Шунда кўзойнак тақиб салобатли бўлиб ўтирган туман сув хўжалиги идорасининг собиқ бошлиғи, ўша вақтда Молотов номидаги жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаётган Ўразмат Қўчқоров:

— Абдулла ака, ана шу Аминбойдек йигитларни фирқага қабул қилсак, сафимиз бойийди ва қуввати ошади, Аминбой жуда яхши йигит, яхши мутахассис, уни бугун қабул қилиш керак, — деб гапини тугатди. Шунда туман раҳбари, Абдулла Жуманиёзов:

— Мен ҳам бу йигитни таниб қолдим, тўғри, яхши чаққон йигит, отасидан кўп нарсани ўрганган, Вапо аканинг яна бошқа ўғли борми? — деб сўради.

Ўразмат ака, «йўқ фақат битта ўғли шу» деди.

Шу бўлдики, туман раҳбари, Ўразмат Қўчқоровнинг гапигами ёки мени танигани учунми билмадим, олдинги фикрини ўзгартириб, «ўртоқ Ўскинов, Вапоев Аминни фирқа аъзоси номзодлигига қабул қилсак сиз нима дейсиз», деб ижроқўм раисига қаради. Ўскинов ҳам «Ҳа бўлади», деб жавоб берди.

Ана шу тариқа ўша давр таомили, касбий фаолиятимдаги муваффақиятлар туман раҳбарларининг эътиборини торганидан, ўзлари мени фирқа сафларига қабул қилишган.

Мен учун ҳам, оиламиз учун ҳам 1957 йил яхши йил бўлди. Оилавий аҳволимиз бироз яхшиланди, деҳқончиликлар ва боғ яхши ҳосил берди.

1957 йил охирида Амударё қирғоқларини сув тошқинидан ҳимоя қилиш бўйича махсус тadbирлар белгиланиб, ҳимоя дамбаларни мустаҳкамлаш, шу ишларни олиб бориш учун ҳар бир туманда Амударё дамбаларини қуриш ва мустаҳкамлаш учун махсус бошқарма ташкил қилиш қарори қабул қилинди. Ана шу Амударё қирғоқлари

ҳимояси бошқармаси бошлиғи вазифасига мени тавсия қилишиб, бу тўғрида вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи буйруқ чиқарди.

1958 йил бошидан дамбага бошлиқ бўлиб ишга тушдим. Менга I та от ва I та «самосвол» машина берилди. Дарё қирғоқлари икки ҳудудга беркитилган бўлиб, Янгибозор тумани чегарасидан, Саритов ўрмонигача Хўжа ака Матёқубов бошлиқ эди. Саритов ўрмонидан то Манғит тумани чегарасигача («Ших Жамол»гача) Хўжаниёз ака Эшчанов ҳудуди бошлиғи эди. Ҳар иккала бошлиқ итоатида беш кишидан ишчи бор эди. Бизлар ҳаммаси бўлиб 14 киши дарё дамбаси хизматида ишларни бошладик.

Шу ишчилар ичида Урганчдаги гидротехникумни тамомлаган Каримбой Тангирберганов ҳам бор эди. У жуда яхши инсон бўлиб, ҳамма ўлчов гидротехник ишларни бошқарарди. У кўп йиллар шу соҳада ишлаб нафақага чиқди. Яхши фарзандлар тарбиялаб вояга етказди.

Мен Амударё дамбаси бўйича хизматни бошлаб, Янгибозор тумани «Маданият» жамоа хўжалиги чегарасидан отда Манғит туманни чегарасигача борар эдим. Мен билан иккала ҳудуд бошлиқлари отда учаламиз домбанинг қайси қисмида нима иш қилиш кераклигини аниқлаб, шунга керакли техникани М. Э. С (машина-экскаватор станциясидан) сўраб олар эдик. Ўша вақтида М.Э.С. директори қилиб, Ким Якуб Кузмич тайинланган эди. Туман сув хўжалиги идораси бошлиғи бўлиб, инженер Юлдош Исмоилов ишлай бошлаганди.

Шу каби 1957 йил ўрталарида сув хўжалиги идорасига Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти битказган Мадраҳим Матқурбанов, Юлдаш Исмоилов, Қўлдош Имомуддинов, Жуманиёз Машарипов, Наримон Тажаддинов, Шермат Авезовлар ишга келишганди. Шунингдек, ўша вақтда Манғит канали махсус ташкилот бўлиб, унга Ражаб Беректин раҳбар эди.

Бундан ташқари махсус лойиҳалаш гуруҳи ҳам бор бўлиб у, янги суғориш тизими деб аталарди. У ташкилотда бизлар билан ўқиган уруш иштирокчиси Бобожон Собиров ишлар эди. У инсон жуда ишчан, талабчан, ёшларга устоз сифатида ғамхўрлик қиларди. Кейинчалик Бобожон Собиров билан бирга ижроқўмда ишлаш менга насиб этди. У кишиям яхши фарзандлар тарбиялаб, вояга етказди.

1958 йилда вилоят сув хўжалиги бошлиғи Жума Оташев Гурлан туманидаги ёш инженерларни ишларга жойлаштириш бўйича Қўлдош

Имомуддиновни Қўшқўпир туманига, Жуманиёз Машариповни Шовот туманига, Мадрахим Матқурбановни Янгибозар туманига, Наримон Тажаддиновни Боғот туманига сув ҳўжалиги идораси бошлиғи ва инженерлари қилиб ишга тақсимлади. Гурлан туманида сув ҳўжалиги идораси бошлиғи бўлиб Юлдаш Исмоилов, шу йили ўқишни битказиб келган Бозарбой Кенгесбоев бўлса инженери бўлиб ишлай бошлади. Қарабсизки, сув ҳўжалиги тизимлари истиқболли, ёш мутахассислар билан тўлдирилди.

АМУДАРЁ ТОШҚИНИ: СУВ ОФАТИГА ҚАРШИ КУРАШ

1958 йил Амударёда сувнинг кўп бўлиши таҳлиллари келар ва шунга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. 10-15 экскаватор, кўплаган бульдозер ва скрейперлар, самосваллар дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари учун жалб қилинди.

Ёш бўлсамда ана шу катта ҳажмдаги ишларни бошқариш ва уни техник жиҳатдан назорат қилиб, механизмларнинг ишлаш лойиҳалари билан таъминлаш, уларнинг қилган ишларини иш ҳақи, иш ҳажми тўғрисида ҳужжатлар бериш менинг зиммамга юклатилган эди.

Апрель ойида вилоят сув ҳўжалиги ташкилоти раҳбари Жума Оташев Қўшқўпир, Шовот, Хива, Гурлан туманлари сув ҳўжалиги идоралари ва ижроқўмком раисларини Гурланга — дарё ёқасига чақириб, туманимиз ҳудудини ҳар бир туманга беркитиб берди. Чунки, Амударёда сув тошиш хавфи бор эди.

Уч кундан кейин районлардан механизмлар кела бошлади. Бизларнинг вазифамиз ана шу механизмларга иш кўрсатиш ва унинг ҳисоб-китобини қилиш эди.

Ҳудуд бошлиқлари Хўжаниёз ака Эшчанов, Хўжа ака Матёқубовлар жуда тажрибали, дарё ёқаси ишини яхши тушунадиган кишилар эди. Улар менга жуда ҳурмат билан қарар, мен ҳам уларни устоз сифатида ҳурмат қилардим.

Ишлар авж олиб кетди. Ана шундай кунларнинг бирида вилоят ижроқўмининг раиси Жуманиёз Ёқубов, вилоят сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Жума Оташев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, подполковник Ҳакниёзовлар Гурлан туманига келишди. Улар мен қилинаётган ишларни кўздан кечириб, бир қанча янги топшириқлар беришди.

1958 йил 30 апрель куни Амударё бирданига 1 метр, 1 май куни 2 метру 65 смга кўтарилиб кетди. Айрим катта дамба ичидаги,

дарё ёқасида айрим шахсларнинг экилган рухсатсиз деҳқончиликларини сув босди. 2 май куни 4 та тумандан одамлар, техникалар ҳашарга келиб, ўзларига тақсимланган ҳудудларга ишга жалб этилди.

Гурлан туман ижроия қўмитаси раиси Жуманазар Отажанов, барча қишлоқ кенгаши, жамоа хўжалик раислари ва тегишли ташкилот раҳбарларини чақиртириб, Матўроз бобо фермасидаги ҳовуз бўйида штабда ишлай бошлади.

Штабда 4 та каравот пастеллари билан стол-стуллар қўйилиб безатилди ва телефон алоқаси ўрнатилди.

Штабда ижроқўм раиси Отажанов, туман ИИБ бошлиғи Худайберганов, сув хўжалиги идораси бошлиғи Исмоилов ва мен учун каравот қўйилиб, биз шу ерда ухлаб, шу ерда чой ичиб ишлай бошладик.

Штабга ҳар дақиқа, ҳар соатда турли ҳудудлардан, ҳар хил саволлар билан одамлар келар, айниқса Хива, Шовот, Қўшқўпирдан келган қишлоқ кенгаши раислари, «нима қиламиз, сув йиқаяпти, ёки тешиб чиқаётир, қандай бошлаш керак, кўрсатиб беринг» деб ваҳимага берилган ҳолатда мурожаат қилишарди. Бу ишлар менинг ва ҳудуд бошлиқлари зиммасида эди.

Эътиборлиси шундаки, ҳеч ким масъулиятни бўйнига олиб «бу ишни бундоқ қил», деб айтмасди. Дамба мутахассислари билади, у нима деса шуни бажарамиз, деб бўлмағур гаплар билан оварагарчилик қилишар эди. Энди бир ҳудуддан айланиб келсам, яна худди «тез ёрдам» врачидек чақирув келарди. 3 кунда жуда чарчаб қолдим, сув эса ҳар куни 5-10 см тошар эди. Бир куни ижроқўм раиси Отажанов «Аминбой сен уч кундан буён ухламадинг. Уйингга бориб 5 соат ухлаб кел» деб мени ўз машинасида уйимга жўнатди.

Лекин 2 соатдан кейин бир жойдан дамба йиқаётир деб яна мени ўз машинасида уйдан олдириб, «ука ҳеч ким ўз бўйнига масъулиятни олмайди, нима қиласан, сен шу ишга масъулсан» деб айтди.

Дарё 20 майга бориб жуда кўтарилиб кетди. Вилоятда бор бўлган ҳамма самосвал, бульдозер-скрейпер, экскаваторлар Гурланга келтирилди. Сабаби Гурлан ҳудудида ер паст, дарё суви шу вақтда Гурлан маркази ерига нисбатан 3,5 метр баланд эди. Агар сув йиқиб кетса, бутун юрт хароб бўлиши кўриниб турар эди.

21 май куни вилоят раҳбари Мадраҳим Раҳманов, вилоят ижроқўми раиси Жуманиёз Ёкубов, вилоят сув хўжалиги бошлиғи Жума Оташев, вилоят ИИБ бошлиғи Ҳақназаров, Гурлан тумани

раҳбари Абдулла Жуманиёзовлар келишиб, штабда туман ижроқўми, жамоа хўжалик, идора ва ташкилот раҳбарлари билан мажлис ўтказишди. Оташев сув офатига қарши нима қилиш кераклиги тўғрисида маълумот берди. Ҳар бир раҳбардан қанча техника, ипчи кучи борлигини аниқлаб, яна қўшимча топириқлар берилди.

Шунда Мадраҳим Раҳманов, «қани ўғлим, сувни сақлаш учун яна нима қилиш керак, сен шу ерда инженерсан, билишинг лозим, бизлар келамиз-кетамиз, сен шу ишларни қилишинг керак», деб мендан сўради.

Мен Мадраҳим акага дарё суви баланд, кечаси қаттиқ шамол бўлаётир, сув тўлқини қирғоқларни ювиб кетмоқда. Шунинг учун материал керак, дея ўз фикримни айтдим. «Қанақа материал», деб сўради вилоятимиз раҳбари.

«Чат, сим, чиган қоқиш учун ёғоч керак» дея керак нарсаларни айтдим. «Мана тўқай борку, фақат сим топиб берса бўлади-ку», деди Раҳмонов. Мен «ўрмон хўжалиги раҳбарлари ўрмонни чопишга рухсат бермаётир» дедим. Шунда Мадраҳим Раҳманов:

— Ўртоқ Ёқубов, агар юртни сув босса, сизнинг ўрмон нимага керак, — деди ижроқўм раисига вилоят раҳбари жаҳли чиқиб.

Жуманёз ака Ёқубов эса бундан бироз довдираб:

— Мен ўрмон хўжалиги раҳбарига айтаман, ўрмондан керакли нарсаларни олишади, — деди.

Шу куни ҳаммага ўрмондан шоха, чат, ёғоч чопиб, дамбага келтириш кераклиги эълон қилинди. Натижада, ҳамма бу ишга қаттиқ киришиб, бир ҳафта ичида 150 гектар ўрмон чопиб тугатилди. Ундан ташқари, вилоят алоқа идорасидан 10 машина сим, вилоят матлубот савдо жамиятидан 25 минг қоп олиб келинди. Иш қизиб кетди, ҳамма кеча-кундуз дамба бошида, кечаси ёруғ бўлиши учун халтани соляркага босиб, шам қилиб ёқишарди. Ана шу материалларнинг ҳаммасини мен имзо қўйиб қабул қилдим.

Бир куни штабда кечқурунги овқатлик учун ҳеч нарса қолмаган экан. Ўтиборлиси, овқатнинг харажатларини ҳам мен ташкил қилар эдим. Матўроз бобо деган киши, шу асосида овқат тайёрлаб берар эди.

Ижроқўм раиси Отажанов кеч соат 10:00 да «Аминбой, мен чой ичмадим» деди. Лекин штабда на нон бор, на бошқа егулик бор эди. Мен ноилож бир дамбада ишлаётган ишчидан нон олдириб Отажановга чой дамлаб бердим.

Ўшанда Отажанов «ижроқўмдаги бир ходимга телефон қилиб, «Большевик» хўжалигининг раиси Абдулла Бекатовни менинг ёнимга, штабга топиб юбор», деди.

Қарийб кеч соат 12:00 да раис Абдулла Бекатов келди.

Абдулла ака жуда босиқ, оғир табиатли, кўп гапирмайдиган, жуда секин сўзлайдиган яхши инсон эди. У келиб «ёшулли чақирган экансиз, келдим», деди. Лампа ёруғида бир-бировни зўрға кўриш мумкин эди.

— Ҳа, мен сенинг кўзингга ошиқман, сенинг чиройли юзингни кўргим келди, сени жуда соғиндим, сенинг башарангни кўргим келди, деб ҳар хил гапларни айтди ижроқўм заҳрини раисга сочиб.

Абдулла ака ҳеч нарса демай ўтирар эди. Кейин Отажанов бирданига четга, дарё томон тез юриб кетди. Кейин Абдулла ака билан иккимиз қолдик. «Товба, бу нима гап, гапи бўлса очик айтавермайдими, бу ёшуллига ҳайронман», деди раис ҳам ҳайрон бўлиб. Кейин эса:

— Аминбой сен биларсан, бунинг нега ундай деганини? — деб менга мурожат қилди.

Абдулла ака билан мен жуда яхши таниш эдим. Чунки мен «Большевик» хўжалигида 1955 йилда гидротехник бўлганда танишиб қолганмиз. Абдулла ака яна «ёшуллига нима бўлди?» деб сўради, мен ўзимча ўйладим: «кечаги овқат йўқлиги учун бўлса керак» деб. Чунки раислар, шўролар ҳар турли егулик, мева-чева олиб келиб кетар эдилар.

— Абдулла ака кеча бизлар чой ичиш учун нон тополмадик, балким шунинг учун ёшулlining кайфияти йўқдир, балким, — дедим.

— Ҳа, ҳа, жуда тўғри ука, — деди-да Абдулла ака ўрнидан турди.

— Аминбой бизларники нотўғри ахир. Ёшулли шу ерда бизларни, элу-юртни сув балосидан сақлаш учун ётса, бизлар уйимизда ўтириб улардан хабар олмасак, — дедию, «Аминбой, сўнгроқ Қозоқ пойтунчи келади олдиларингга» деди.

Айтгани бўлди. Қозоқ пойтунчи кеч соат 4:00 да харажат, егулик олиб келди. Дарё тошқини мутахассисларнинг айтишича, сўнги 50 йилда бундай офат бўлмаган экан.

Олдинлари май-июнь ойларида ҳар куни сув кўпаяди деб маълумот берилар эди. Июль-август ойларида у маълумотни ҳам беришмади. Балким катталар ўзлари билар, шунинг учун ҳам ҳар кун вилоят сув хўжалиги бошлиғи Жума Оташев, вилоят ижрўқўми раиси Ёқубов келиб, вазият билан танишар, жуда қаттиқ туриб, ишчи кучлари, механизмларни олдираар эди. Дарёнинг сув тошқини

муносабати билан у ерда қилинаётган ишларни ҳисоблаш учун туман фирқа кенгаши, ижроқўм ходимлари биз билан бирга бўлар эдилар.

Яқинлардагина Манғит тумани фирқа қўмитасининг Ўқотиблигидан Гурлан туманига ишга келган Хан Бен Нам дамбадаги штабда масъул ходимлардан ҳисобот оларди. Ана шундай қилиб мен туманнинг кўпчилиқ раҳбарлари билан яхши танишиб олдим. Мени ҳам ҳамма раҳбарлар танийдиган бўлишди. Чунки ҳар бир техника, ишчи кучлари қаерда, қандай иш бажариши фақат мен орқали битар, умуман ишларга топшириқ берувчи мен эдим. Шундай қилиб дарё ёқасидаги штаб 100 кун кеча-кундуз ишлади. Жуманазар Отажанов ва мен доимо шу штабда яшадик ва ишладик.

Ана шу тариқа офатга қарши курашлар натижасида, яратганнинг марҳамати билан 8 август куни дарё бирданига 60 см қайтиб кетди. Барча офатга қарши курашувчи дамба бўйиларидагилар байрам кайфиятда эди. Чунки, сув офати чекинди, дарё қайтиб кетди.

10 август куни ҳамма туманлардан келган ишчиларга рухсат берилди. Механизмлар, тракторчилар, экскаваторчилар, самосвалчиларнинг ҳаммаси ишлаган ишларига ҳужжат олиш учун менга мурожаат қилишарди. Мен ва Каримбой Тангирберганов, Матёқуб ака, Хўжаёз ака кеча- кундуз ўлчов қоғоз ёзиш билан банд бўлдик.

Август ойида биз ҳамма харажатларни ҳисоблаб улгирмадик. Сентябрь ойида ҳамма харажатлар аниқланиб, катта папка қилиб вилоят сув ҳўжалиги ташкилотига бордим. Ўша даврда ПТО бошлиғи менинг техникумдаги домлам Мадрахим Вапоев ҳужжатларни кўриб, «бу ҳужжатларни Жума Оташев тасдиқлаши керак», деди. Мен Жума Оташев ҳузурига кирдим. У мени ўз ўғлидек кўриб деди:

— Болам, ҳаммамизнинг бахтимиз бор экан, дарёни тошишдан, элни сув офатидан сақладик, сен жуда яхши хизмат қилдинг, худо хоҳласа бундан кейин ҳам ишларинг яхши бўлади, — деб менга бир пиёла чой қуйиб берди.

Мен у кишидан жуда миннатдор бўлдим. Чунки, Жума Оташев Хоразм ирригацияси отаси дея тарихда қолган инсон. Ўз даврида вилоятнинг энг обрўли инсони эди. Мен техникум таҳсилини тугатишдаги диплом ҳимоя қилганимда, у киши давлат комиссияси раиси эдилар. Менинг дипломимда Жума Оташевнинг имзоси бор. Мен Хоразмнинг ана шундай фахри бўлган инсон билан таниш бўлганимдан, у киши билан ишлаш насиб этганидан фахрланаман.

Шундан кейин мен қўлимдаги сумкадан ҳужжатларни олиб Жума ака Оташевга узатдим. У киши ҳужжатларни чамаси 30 дақиқача, менга бир гап демасдан кўздан кечирди. Кейин, менга қараб:

— Аминбой ўғлим, ҳаммаси тўғри. Лекин бу ҳужжатларингизга агар Москвадан бир рус ревизор келса, тўппа-тўғри иккимизни прокурорга бериб, суд қилдиради. Нима учун десанг, ким ишонади сенга бутун янги ҳалтани саяркага босиб, маъшал (ёруғлик учун) ёқдим десанг. Ҳеч ким ишонмайди. Сен билан мени ўғрига чиқариб суд қилишади, тўғри кечалари машғал қилиб ҳалталарни одамлар ёқишди, уни мен ҳам, вилоят раҳбарлариям кўрдилар. Бироқ, сени ва мени текшириш учун одамлар келса, улар бу нарсаларни кўрмаган бўлиб, ўзларини четга олишади. Балким биргалашиб сени, мени ўғрига чиқаришади, болам. Шунинг учун ҳеч қачон ва ҳеч вақт катта одамлар биладику, улар ёрдам беришади, деб ўйлама. Масала шундаки, яхши ишлаб, яхши хизмат қилган кишиларнинг бегуноҳ бўла туриб, жавобгар бўлиб кетганликларини биламан. Лекин, партия ҳукумат раҳбарлари ўзлари пул, материал ҳақидаги ҳужжатларга ҳеч қачон қўл қўймайдилар. Гўёки, ҳамма вақт ўзларини тоза, покиза деб бошқаларни ўғрига чиқариш одат тусига кирган, — дея давр иллатларини очиб ташлаган ҳолда, менга оталарча насиҳат қилдилар.

Жума Оташев шуларни айтиб, ўксиниб қўяркан, менга йўл-йўриқ кўрсатдилар:

— Шунинг учун сен бу ҳужжатларни қайта тузиб чиқасан. Ана шу ҳужжатларга қишлоқ кенгаши, жамоа хўжалиги раислари, маҳаллий кенгаш депутатлари имзо қўйишсин.

Бу насиҳат, кўрсатмаларни эшитиб, сумкани кўтарганча, «яхши» деб Оташев кабинетидан чиқиб кетдим. Яна Мадраҳим Вапоев ёнига бордим. Мен Жума ака Оташев билан кўришганимни, ҳужжатларни янгидан ёзиш керак деб айтганини таъкидладим. «Ўзи кўрган нарсаларга ишонмаётгандай», деб Оташевдан сал норози бўлгандай бўлдим.

— Эй, Аминбой, сен ёшсан. Жума Оташев неча маротаба бунга ўхшаш воқеаларни бошидан кечирган. Шунинг учун унинг айтганларига қулоқ солиб, ҳужжатларни жуда мустаҳкам қилиб тайёрла ука. Бу сенинг ишинг кичик иш эмас. Харажатлар 3 млн сўмдан ошиқ бўлса, бу масалаларни Москва ҳал қилади, билиб қўй. Бир куни шу 3 млн сўм харажатни билиб қолишса, албатта текшириш бўлади. Шунда агар ҳужжатлар Жума ака айтгандек бўлмаса, биз овора бўламиз. Бу ҳужжат тузган сен ва уни текширдим, деб қўл қўйган ПТО бошлиғи, ва биринчи галда мен биргаликда жавоб берамиз, — деб Мадраҳим акаям худди Жума ака сингари менга кўп маслаҳатлар берди.

Қайси ҳужжатларни қандай қилиб тузиш, кимларга имзо қилдириш, ҳаммасини бирма- бир шу куни бўйи кечгача мен билан шуғулланиб, менга тўғри йўл-йўриқларни кўрсатди.

Шу тариқа Гурланга ўзимга беркитилган юк машина кабинасида уйга қайтдим. «Қанча азоблар билан бу ишларни бажардик, 100 кун уйимизга бормадик, дам олмадик. Қандай қийинчиликлар билан 100-150 техникага иш буюриб, уни ҳисобга олиб, ўлчаб, улар билан қанча баҳс қилиб давлатнинг пули зиёд кетмасин деганча ҳалол ишлаб, шу ҳужжатларни ойлаб ўтириб тузсак, бунга сўнг ҳеч ким ишонмас экан» дея келаётиб оғир ўйга чўмдим. «Нима учун шунақа?» деб ўзимга ўзим савол бериб, руҳан азоб чекиб ўтиравердим. Ҳайдовчи корейс миллатига мансуб Коля менинг безовталанганим, афтидан ичимдаги хаёлларни ўзим билмаган ҳолда гапириб юборганимни сезиб:

— Нима бўлди, ўзинга ўзинг гапирасан, менга бир нима дедингми, дея қаради.

— Коля, — дедим, — сен машинани қаерга деса шу жойга ҳайдайсан. Сеники яхши машина ҳайдайсан, кечқурун бемалол болачақанг билан бирга маза қилиб ухлайсан. Сен ўзинг кўрдинг 5 ойдан бери сув офати бўлганидан тинчлик йўқ. Дарё тошқинидан қутулдик. Лекин шунга оид ҳамма ҳужжатларни янгидан ёзишимиз керак экан. Бу ҳужжатларга агар Москвадан бир рус ревизор келса мутлақо ишонмас эмиш. Шундай ташвиш билан уйга қайтиб келяпман, ахир.

Кечқурун отам, онам, Ўғилжон доимгидек бирга овқатдан кейин ўзаро гаплашиб ўтирар эдик. Шунда отам «нега бугун кайфиятинг йўқроқ, нима бўлди?» деди. Мен отамниям ташвишимга шерик қилгим келмай, қолаверса уйдагиларни безовта қилмай, деган ўйда, «ҳеч гап йўқ» дедим. Отам, «йўқ болам, менга нима бўлса айт. Ана шунда ишларинг юришиб кетади», деди. Мен отамнинг бу гаплари далда бўлиб, Жума Оташев ҳузурида бўлган гап-сўзларни айтиб бердим. Отам, «болам Жума Оташев улкан одам, у кўп нарсани билади, шунинг айтганини қил» дея маслаҳат берди.

Эртаси куни ижроқўм раиси Отажанов ҳузурига бордим. Оташевнинг ҳужжатларни қабул қилмагани, ҳужжатларни янгидан ёзиш ва қишлоқ кенгаши, жамоа хўжалиги раисларига, депутатларга имзо қўйдиришим кераклигини тушунтирдим. Ижроқўм раиси Отажанов ҳам, «Оташев жуда тажрибали, кўп воқеа-ҳодисаларни

кўрган, вазиятни биладиган раҳбар эканлигини айтиб, шу кишининг айтганини қилиш керак» деб таъкидлади.

Мен шунда, «қандай қилиб, дамба қурилишида иштирок этган 4 та туманнинг қишлоқ кенгаши, жамоа хўжалик раисларини топаман, яна депутатлар ҳам бор», деб хавотирланаётганимни айтдим.

— Бу жуда огир иш-ку, — деб Отажановга арз қилгандай бўлдим. У жиддий бўлиб «Аминбой дарё тошқинини сақладик, қўл қўйдириш нима бўпти», деб менга тасалли берди. Шу билан бирга, Отажанов айтдики, эртага ҳамма раис, депутатларни ижрокўмга чақириб бераман. Сен ҳужжатларни тайёрла. Ҳаммаси бир кунда имзо чекадилар.

Шундай қилиб 3 кун ичида Гурлан тумани бўйича ҳамма раис, депутатларга имзо қўйдириб, ҳужжатлар қайтадан тайёрланди.

— Энди, Қўшқўпир, Шовот, Хива туманлари ижрокўм раислари билан гаплашиб бераман. Сен борасан-у, кейин ишингни битириб келасан, — деди Отажонов ёрдамини аямай.

Айтилгандек бўлди. 15-кун ичида Хива, Шовот, Қўшқўпир туманларига бориб, ижрокўм раислари билан тошқин пайтида танишганимдан, ишимни тезроқ битиришга уриндим. Улар ҳам мени билар, мен ҳам сув тошқинида улар билан учрашиб ишлаганим сабаб, барчаси ёрдам беришди. Хуллас 1 ой деганда, барча ҳужжатларни расмийлаштириб, бу ҳақдаги тегишли ташкилотларнинг қарорини чиқариб олдим. Олдинига Мадраҳим Вапоевга ҳужжатларни кўрсатиб, имзо чектирдим. Кейин вилоят сув хўжалиги идорасининг бошлиғи Жума Оташев олдиға бордим:

— Кел ўғлим, — деб Жума ака мени жуда яхши кутиб олди. Қарийиб 2 соат ҳужжатларни ўзининг ёрдамчиси Мадраҳим Вапоев билан танишиб ва текшириб чиқди-да:

— Аминбой, энди бу ҳужжатларни бухгалтерияга топшираверасан ўғлим. Жуда тўғри, яхши ҳужжатлар расмийлаштирилибди. Сен ҳамма вақт қаерда ишласангда, ҳужжатларнинг тўғри бўлишига эътибор бериб ишла, — деб насиҳат қилди.

Ана шу воқеа, Мадраҳим Вапоев, Жума Оташевларнинг насиҳатлари, кейинчалик менга бутун иш фаолиятимда асосий мезон бўлди. Ҳар бир иш қилинса, унинг аниқ ҳужжатлари бўлиши учун ҳаракат қилдим. Ишни ҳужжатлар асосида олиб бориш асосий тамойилимга айланди. Бундай иш юритиш тарзи эса мени жуда кўп воқеалардан, хавф-хатарлардан сақлади десам тўғри бўлади.

ФИРҚАДАГИ ЗИДДИЯТЛИ ҲОЛАТЛАР: ШАХСЛАР, ТАҚДИРЛАР

1958 йил охирида Янгибозар туманидан Рўзмат Жуманиёзов (Янгибозар тумани билан Гурлан тумани бирлашгандан кейин) туман фирқа қўмитаси биринчи котиби бўлиб ишга келди. Икки тумanning бирлашганидан кейин, Янгибозар туманининг қўплаб раҳбарлари Гурланга ишга ўтказилди. Туман халқ таълими бўлими мудири Мадраҳим Кўчқоров, ёшлар ташкилотининг биринчи котиби Эрка Юсупов, 1-котиб ёрдамчиси Машариф Тўлиев, ижроқўм раиси ўринбосари Сапарбой Мадаминов, Янгибозар тумани раҳбарининг ҳайдовчиси, қоровули ҳам Гурланга ишга келди.

Шу йили вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб юрган гурланлик Иброҳим Холметов, туман қишлоқ хўжалик бошқармасига бошлиқ бўлиб тайинланди. Шунингдек, 1957 йил охирида Қўшқўпир МТС (машина трактор станцияси)да директор бўлиб ишлаётган гурланлик Солий Каримов Гурлан МТС га раҳбар бўлиб ишга ўтди. Ана шундай қилиб асли гурланлик Иброҳим Холметов ва Солий Каримовлар тумандаги етакчи ташкилотларга раҳбарликка тайинланишди.

Ана шундан қизгин иш жараёни кетаётган кунларда, 2-сентябрь куни менинг оиламда яна бир бахтли воқеа бўлди. Биз Ўғилжон билан яна қиз фарзандга ота-она бўлдик. Унинг исмини Гулбаҳор деб қўйдик. Шу тариқа оиламизда 2 та қиз ва 1 та ўғил вояга ета бошлади. Худога беҳисоб шукурлар айтиб ҳаммамиз хурсанд бўлдик.

Шу ўринда иккита ҳолатни айтишим керакки, сув хўжалиги идорасига ишга келишимдан бошлаб турли ҳужжатларни тўлдириш, ёзиш, чизиш каби ишлар зиммамга тушганди. Ўшанда ҳужжатларни ёзиш, айниқса русча, техник тилда расмийлаштириш ёшлар учун осон эмас эди. Бундан ташқари, 100 кунлик сув тошқини пайтида, 100-200 техника, 1000-1500 одам иштирок қилган ишлар ҳажми ва унинг техник нормалари бўйича ҳужжатлар тузиш жуда-жуда оғир эди. Менинг ана шундай шу оғир, вақтни олувчи ишларни уддалашимда, Жумагул опа Маҳмудова ёрдам берардилар. Жумагул опа Гурландан етишиб чиққан собиқ иттифоқ халқ депутати, туман, вилоят ижроқўмининг раиси, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари бўлган Пошина опа Махмудованинг келини, укаси Гулмоннинг аёли эди. У жуда саводли, рус тилида яхши ёзадиган техник маълумотли аёл эди. Жумагул опа ҳозир 90 ёшларда бўлиб,

Тошкентда ўғиллари Баҳодир, Улуғбеклар билан бирга, неварачеваралар ардоғида яшамоқда. Мен қачонки Тошкентга борганимда, у кишини устоз сифатида зиёрат қилиб тураман.

1958 йил бошларида туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб юрган А.И. Ким, туман фирқа қўмитасининг иккинчи котиби қилиб сайланди. Чунки шу йили Марказқўм, иккинчи котиблар аграномлардан тайинланиши кераклиги тўғрисида қарор чиқарган эди. А.И. Ким мутахассислигига кўра, аграном эди.

Туман раҳбари Рўзмат Жуманиёзов Манғит, Хива, Янгибозор туманларида I-котиб бўлиб ишлаган тажрибали киши эди. Шундай кунларнинг бирида, мени сув хўжалиги идорасидаги бошланғич фирқа ташкилоти котиби билан, фирқа аъзолигига ўтишим учун туман раҳбариятига бордик.

Ўша вақтда туман фирқасининг ташкилий бўлими мудирин Хан Бен Нам деган корейс миллатига мансуб киши эди. У Манғит туманида II –котиб бўлиб, Рўзмат Жуманиёзов билан бирга ишлаган экан. Менинг шахсий маълумотномамни Хан Бен Намнинг ўзи ўқиб, ҳайъат аъзоларига таништирди. Хан Бен Нам мени ёшлар ташкилотига аъзолик вақтимдан билар, сув хўжалиги ташкилотидаги фаолиятим ва Амударё ёқасидаги тошқинда қилган меҳнатларимдан яхши хабардор эди. Шу боисми, менга унча савол беришмай, фирқа аъзолиги сафига қабул қилишди.

Орадан бир ой ўтиб, 1959 йил бошида мени туман фирқа қўмитасига ишга таклиф қилишди. Хан Бен Нам, И.А. Ким ва биринчи котиб Рўзмат Жуманиёзовлар турли саволлар бериб, суҳбатдан ўтказишди. Эртасига эса вилоят фирқа қўмитасига суҳбатлашиш учун юборишди. Мен вилоят фирқа қўмитасининг ташкилий бўлим мудирин А. Б. Новинский ва Сардор Жаббергановлар билан суҳбатда бўлиб, Гурланга келдим.

Эртасига туман раҳбари Рўзмат Жуманиёзов «ишга қабул қилиндингиз, Хан Бен Нам ташкилий бўлим мудирини сифатида сизга топшириқлар беради», деди.

Ана шу тариқа Ўрозбой Юлдошев, Ўрозбой Бекчанов, Собир Матўразов, Абдусалом Ғофуров билан бирга, бир бўлимда ишлай бошладик.

Тўғриси менга туман фирқа қўмитасига келиб ишлаш жуда ёқмади. Чунки, сув хўжалиги идорасида ишлаётганимда, дарё қирғоқларида от, машина миниб, одамлар орасида, расмийчиликдан узоқ бўлган ҳаёт тарзида ишлардим. Бундан ташқари, дарё ёқасида

ҳар хил деҳқончиликлар қилар эдик. Шунингдек, ўша даврда газ, кўмир йўқ бўлиб, фақат одамлар ўтин билан уйларини иситишарди. Ахир дарё бўйида ўрмон — тўқай бор бўлиб, шуларни ҳисоблаб, раҳбариятдаги расмиятчиликка тўла иш менга бўлмайди, деб ҳисоблаб, ишга бормасаммикан дея иккиланиб юрдим. Қолаверса, фирқа қўмитасида ойлик маоши сув ҳўжалиги идорасиникидан икки баробар кам экан.

Туман фирқа қўмитасида бир ҳафта ишлагандан кейин, ҳали дарё бўйи ҳужжатлари, актларини сув ҳўжалиги ташкилотига топширмаган эдим. Шу боис олдинги ишимга қайтсаммикан, деган ўйда эдим.

— Ота, мен райкомга ишга бормайман, — дедим шу боисдан.

Отам: «Нима, сен эсингни еб қўйдингми? Аввал ўйлашинг керак эди!» деб норози бўлди. Чунки, отам бутун умр бўйи 30 йил бригада бошлиғи бўлиб ишлаб, у кишига туман фирқа қўмитасидагиларлан ҳам катта киши йўқ эди-да.

— Сен яхшилаб ўйла, юртни шулар бошқармоқда. Нима учун партияга ўтдинг, энди нима деса, шуни қилишинг керак болам. Бундай қилма, ишлайвер. Ҳали бу саводинг сенга етмайди. Ўқишинг керак, балким ўқишга юборар, — дея далда берди.

Шу тарзда отамнинг қўллаб-қувватлаши билан туман раҳбариятида ишлай бошладим. Боғолон, Чўболончи қишлоқларидаги жамоа ҳўжаликлари фирқа ташкилотларига беркитилдим.

Чўболончи қишлоғида Салим ака жамоа ҳўжалиги раиси, фирқа котиби Янгибой Собиров, Боғолонда Матқурбон Бобажанов раис, фирқа котиби ва бош ҳисобчи Собир Холметов эди.

Менга биринчи топшириқ фирқа аъзолигига номзодларни танлаш бўлди. Фирқага ёши қанча бўлиши, касби ким бўлиши, маълумоти, оилавий аҳволи қандай бўлиши кераклиги тўғрисида мезонлар бор экан. Қизиги, нима учун фирқага одам керакми ёки унинг ўлчовларга тўғри келишими? Жуда қийин вазифа экан. Бирини топсак саводи ёмон, яна бирини касби тўғри келмайди, яна бириси оиласи бўлмайди, жинси тўғри келмайди. Хуллас, меъёрларга тўғри келадиган аъзо топиш жуда оғир экан. Айримлари, айниқса хотин-қизлар эрларининг рухсати бўлмаганча аъзо бўлишга рози эмас. Шундай қилиб бир неча бор, ҳар иккала қишлоқда номзод топсакда, туман фирқасидагилар бизнинг топган одамларни олишга рухсат беришмади. Бир ой беҳуда кетди.

Яхшиси шу бўлдики, менга ўз пулимга туман матлубот жамиятидан «ИЖ-56» маркали мотоцикл олишга рухсат берилди. Шу мотоциклда қишлоқларга, ишга борардим. Менинг учун қийин томони шу бўлардики, фирқа қўмитасининг ҳайъат мажлиси тез-тез бўлиб турарди Ҳайъат йиғинларида қандай масала кўрилишидан қатъий назар ҳамма ходимлари қатнашиши шарт эди.

Фирқа қўмитасида ишлаш мен учун жуда оғирдай туюларди. Негаки, сув хўжалиги идорасида ишлаган давримда ўзимни озод, эркин сезардим, ишимдан ўзим завқ олар эдим-да. 1956 йили бир қизиқ воқеа бўлган. Яккшанба куни эди. Гурлан ҳудудида гидротехник бўлиб ишлаб юрган вақтимда, каналларни экскаватор билан тозалаш бошланди. Нукус каналини қазиш учун В. И. Перпилов деган рус экскаваторчи Нукус каналнинг «соға»сидан иш бошлади. Экскаватор Кўчанчилар овулига келган вақтда мен экскаватор ишини кўриш учун канал бўйида турган эдим. Ўша ердан Аваз дойим (менинг онамга қариндош) икки кучанни орқасига ташлаб бозорга бораётган экан. Мен «Аваз дойи» деб олдига чиқиб салом бердим. Дойим саломга алик олиб, «жиян бу нима?» деб экскаваторни кўрсатди. Мен «бу канал қазийдиган экскаватор» делим. Ҳа, ҳа, деб бироз турди-да, «бу нарсани ким ясаб чиқарган?» деб менга савол берди.

Мен бироз ўйланиб, рус олими деб жавоб бердим.

— Ҳа, ҳа Хива хони хон бўлиб фақат олти минора қуриб ўтираверибди-да. Умр бўйи халқ қишин-ёзин қазув қазиб хароб бўлди-ку, бундан бир икки бўлса бўларкан-ку?! Эҳ, қандай замон келди. Сен бунинг ишини ҳисобини олиб, санаб гурибсанми? — дея ҳайратланганди дойим.

Мен: «Йўқ иш бошланмасдан олдин нивелерда ўлчаб, ишдан кейин ўлчаймиз», дея жавоб бердим.

— Сен шу «нивелер» деган нарсани ишлатоласанми? — дея сўраган Аваз дойим яна ҳайратланиб. «Ҳа» деб жавоб бердим.

— Жияним касбингдан барака топ. Жуда яхши ўқишда ўқибсан, — деб менга оқ фотиҳа бердилар.

Ана шунга ўхшаш сўзлар оддийгина воқеалар ҳам, менинг ўз ишимга, касбимга ихлосимни оширар эди. Ўз касбимни севар эдим.

Туман фирқа ҳайъатида кўплаб масалалар кўриб чиқиларди. Айрим масалалар бўйича фирқа аъзоси шахс бир масалада гуноҳкор топилса, фирқа сафидан ўчирилиб, гувоҳномасини олиб қўйишарди. Туман фирқа қўмитаси биноси олдида милиция туриб, уни турмага

олиб кетар эди. Биз билан бирга ишлаб юрган, ўзим билган, яхши таниган одамларни ҳайъат мажлисида гуноҳқор қилинса, айтилган гаплар инсонга жуда таъсир қиларкан. Эсимда, Султон ака Ортиқов Карл Маркс жамоа ҳўжалигида раис, илгари туман судяси раиси бўлиб ишлаган обрўли, зийрак, билимдон, жуда гапга уста, яхши инсон эди.

Бир куни туман фирқа ҳайъатида Султон ака Ортиқов масаласи муҳокама қилинди.

Султон аканинг айби, у ўзининг турмуш ўртоғи оғир касалликдан вафот қилганидан кейин, бошқа аёлга уйланган. Аёл ўзи рози бўлиб Султон акага турмушга чиққанди. Лекин кимлардир шу масала бўйича ариза ёзганмиш. Султон акадан туман раҳбари, «Сиз нима учун бундоқ қилдингиз?» дея сўради. Шунда Султон ака «Қани мен қандай қонунни бузибман? Нима жиноят қилибман? Сиз биринчи котибсиз, айтинг?» деди. Туман раҳбари эса, «Ҳеч жиноят қилмадингиз, йўқ, сиз коммунистга ярашмайдиган иш қилдингиз!», деди қаттиқ оҳангда. «Бу нима экан, сиз айтинг?», сўради Султон ака.

Туман раҳбари, «Йўқ, сени партиядан ўчириш керак. Шу масала бўйича қўл кўтаринг» деб овозга қўйди. Ўшанда бир нечта кишигина қўл кўтарди.

Шунда туман раҳбари ҳаммага бир-бир қараб, «Нимага қўл кўтармайсизлар!» деб қаттиқ гапирганди. Шунда инспекция бошлиғи Иброҳим Ҳолметов «Биз нимага қўл кўтаришимиз керак?» деб сўз сўради. Туман раҳбари унга қараб, «Сенда нима гап бор?» деди жаҳли чиқиб. Иброҳим ака «биз ҳайъат аъзоси сифатида бир овозга эгамиз. Мен ўз фикримни айтишим керак. Султон ака Ортиқов ҳеч бир жиноят қилмади. Партиядан ўчириш учун ҳеч сабаб йўқ. Султон ака партия аъзоси бўлиб қолиши керак» деб жойига ўтирди.

Шундан кейин сўзни туман молия бўлими мудири, уруш иштирокчиси Оқмон Давлетов олди. У «Султонни партиядан ўчириш ва ишдан бўшаш учун ҳеч асос йўқ, мен қаршиман» деб жойига ўтирди. Ҳайъат йиғилишида ўтирганлар «тўғри- тўғри» деб Султон Ортиқовни фирқа сафидан ўчиришга қарши чиқдилар. Аммо, туман раҳбари, «қани овоз беринглар» деб ҳамон йиғилиш иштирокчиларини қистар эди. Ниҳоят биринчи котиб, «Султонни партиядан ўчирмасак бўлмайди, юқори шуни сўраяпти», деди-да, Султон акага «билетни беринг» деди туман раҳбари.

Султон ака: «Йўқ бермайман, ўзим Москвага бориб Хрушчевнинг қабулига кириб, ҳал қиламан», деб ҳеч қандай рухсатсиз

мажлис залидан чиқиб кетди. Султон ака раис вазифасидан озод қилинди. Кейин бошқа ишларда автомобил йўллари қурилиши идораси бошлиғи, маҳсулотларни қабул қилиш ташкилотида ишлади. Унинг Зариббой, Шарифбой, Шухрат исмли ўғиллари, қизлари бор. Шарифбой Ортиқов отаси ишлаган Дўсимбий қишлоғидаги жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлади. Ҳозир ҳам давлат хизматида.

Мен бу воқеани ёзиш билан ҳаётда шундай ноҳақликлар, бировларнинг нотўғри хулосалари, фикрлари туфайли инсонлар ҳижолат тортиб юриш ҳоллари ўша шўро замонларида тез-тез бўлиб турганини таъкидлашдир. Айни фирқа мажлисларида айрим инсонларга нотўғри муносабатда, шахсий ғараз, келишмовчилик деган нарсалар бўлиши менга салбий таъсир қилар эди. Лекин демократия, адолат, шахсни улуғлаш, унинг обрўйига путир етказмаслик, деган гаплар бўлсада айрим ҳолларда бу баландпарвоз гаплар, ҳаётда тўғри ўрнини топмаслик ҳоллари борлиги билиниб турар эди...

Мен шу ўринда яна бир воқеани таъкидлаб ўтишим керак, деб ҳисоблайман. Туман фирқа ташкилоти конференцияси бўлаётган эди. Конференция очилди. Конференцияда вилоят фирқа қўмитаси биринчи котиби Ф. Шамсиддинов иштирок қилаётган эди.

Сўз вилоят раҳбари Шамсиддиновга берилди. У киши қисқа қилиб «Кеча вилоят фирқа ҳайъати Ўразмат Кўчқоровни фирқа сафидан ўчирди. Ўразмат Кўчқаров борми?» деб сўради. Залдан Ўразмат ака «борман» деб ўрнидан турди. Шунда вилоят раҳбари: «Чиқ бу ердан, сенга ўрин йўқ» деди, бирданига. «Ҳа, чиқ деяпман», деб яна қичқирди Шамсиддинов жаҳл билан. Ўразмат ака ҳеч нарса демади ва залдан чиқиб кетди.

Кейин Ўразмат аканинг жамоа хўжалигини ҳар хил текширишлар ўтказиб, у кишини судга беришди ва жазо белгиланди. У Тошкент вилоятининг Зангиотадаги қамоқхонасида жазони ўташ даврида, мен, Юлдаш Исмоилов билан у кишидан ҳол-аҳвол сўраб келдик. «Ўғилларим, сизлар ҳар қандай хавфдан хабардор бўлиб ишланглар», деб насиҳат қилганди ўшанда Ўрозмат ака. Негадир, бошқа нарса демади.

Шу йили фирқа ташкилоти ҳайъатида яна Юсуп Каримов масаласи кўрилди. У «Правда» жамоа хўжалиги раиси эди. Илгари «Маданият» хўжалигининг раиси бўлиб ишлаганди. Юсуп Каримов акага ҳайъат қўйган айб «Нима учун Ташҳовуздан 150 кг автолни

нақд пулга олиб келдинг, сен нақд пулга олиш ҳуқуқига эга эмассан», деб айтишди.

Шунда туман фирқасининг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби Карим Юсупов:

— Ўртоқ Жуманиёзов мен шу хўжаликда сиз юборган вакил эдим, экиш даврида туманда автол бўлмади. Раис Каримов пахтани вақтида экиш учун ҳақиқатда мажбур бўлиб нақд пулга Ташҳовуздан 150 кг автол олдирганини мен ўз кўзим билан кўрдим. Раисда гуноҳ йўқ, — деб қайта-қайта гапирди. Лекин биринчи котиб Жуманиёзов, «Сен гувоҳ бўлма, раисни ҳимоя қилиб райкомни бир тамонга ташламоқчимисан, йўқ биз бунга йўл қўймаймиз, сен ҳақингда ҳам тез ўйлаб хулоса чиқарамиз», деганди.

Ўразмат ака ўз жазосини ўтаб, йўл қурилишида кўп йиллар меҳнат қилди. Шунингдек, анча йиллар қурилишда раҳбарлик қилди. Бир куни мен туман фирқасининг мафкура котиби бўлиб ишлаётганимда, Ўразмат бобога дуч келдим. У бошлиқ йўлчилар «Чўболончи» йўлини кўтараётган экан. Бориб у киши билан ҳол аҳвол сўрашиб ўтирдик. Бу инсон ҳеч қачон, ҳеч кимдан норози бўлиб гапирмас, ҳамма вақт яхшилик, ҳалоллик, эл-юртга хизмат қилиш тўғрисида сўзлар, яхши насиҳатлар берар эди. Биз у киши билан йўл бошлаш жойида тургандик. Энди 2 км йўлга иссиқ асфальт ёйилган бўлиб, ундан юриш мумкин эмас, деб белги ўрнатилган ва бошқа жойдан юриш белгиси ҳам қўйилганди.

Шунда, бир 25-30 ёшлар чамасидаги мотоцикл минган йигит ҳеч нарсаса эътибор бермасдан, янги ёзилган асфальтни босиб ўтиб кетди.

Шунда мен «бу қандай аҳмоқлик» десам, Ўрозмат ака, шу ердагилардан, «бу кимнинг ўғли?» деб сўради.

— Ҳа, шундайми, ундан хафа бўлманглар, унинг отаси умри бўйи уйига ҳожатхона қурмади, у қасрдан билсин йўл қадрини ва қурилишини, — деб айтди.

Ўразмат аканинг Юлдаш деган ягона ўғли бўлиб, у умр бўйи ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатди. Ҳозир 80 ёшдан ошиб, фарзанду неваралар ардоғида. Ўразмат бобонинг неваралари кўп, жуда яхши йигитлар. Уларнинг катта невараси Комилжон, мен ҳоким вақтимда ёрдамчи бўлиб ишлади.

...Эътиборлиси, туман раҳбари айтган хулоса чиқарилди: раис Юсуп ака Каримов ишдан олинди. Туман фирқа кенгашининг қишлоқ

хўжалиги бўйича котиби Юсупов ҳам ишдан олиниб, Куйбишев номидаги жамоа хўжалигига ишга ўтказилди.

Мана раҳбарларнинг ишдан олиш усуллари. Уларни нима учун айблашайтир, уни муҳокама қилиб, ҳайъат аъзолари чиқиб, гапириб демократик усулда қилиб, қарор чиқариш керакмасми?! Наҳотки гуноҳсиз кишининг ҳам тарафини олмоқчи бўлсанг-у, бунга эришолмасанг; сенгайм чора кўришса, деб мен кўп ўйлаб- ўйлаб ҳайрон қолардим. Айрим ҳолларда баландпарвоз гаплар айтиб турган катта раҳбарларнинг гапи бир хилу, қилаётган ишлари бошқа хил эканлигининг маъносига тўлиқ тушунмас эдим. «Правда» жамоа хўжалиги раиси Юсуп ака Каримов билан, Эшимжиронга ёпиқ хат (Хитой тўғрисида) ишлаш учун мен туман фирқа ташкилотидан, у киши қишлоқ кенгашидан вакил бўлиб бордик. Мажлисга одамлар тўлиқ келмагани учун бизлар фирқа бошлангич котиб хонасида 5 соат ўтиришга тўғри келди. Юсуп ака жуда яхши дилкаш инсон эди. У менинг отам-бобомни яхши билар экан, шунинг учунми у менга «Аминбой сен ёшсан, ҳали кўп ишлайсан. Сенга менинг нима учун ишдан бўшаб юрганим тарихини гапириб берсам», деб қолди. Юсуп ака кўп йиллар давомида «Маданият» жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаган бўлиб, кейин ўзининг туғилган жойи — «Олға» қишлоғидаги «Правда» жамоа хўжалигида раис бўлиб бўшаганди.

— «Маданият» колхозида 15 йил раис бўлдим, бир куни райком котиби, — деб эслади Юсуп ака, — Раис, бир меҳмонлар бор, шунга сиз мезбонлик қилинг деб айтди. Мен «хўп, жуда яхши» деб рози бўлдим. Меҳмонлар Манғит туман фирқа котиби ҳамда бир гуруҳ артистлар бўлиб, жами 15-20 киши эди. Биз меҳмондўстчиликни жуда яхши қилиб, ташкил қилдик. Ҳар хил ўзимизнинг таомларни тайёрлаб, 10 хил овқат бердик. Зиёфат жуда узоқ давом қилди. Ҳар сафар ҳалиги меҳмон райком котиби, «раис, яна нима бор?» деб сўрар эди. Нима бўлса, шуни мен айтардим ва олиб дастурхонга қўяр эдик.

Энди вақт алламаҳал бўлиб, зиёфат охирлаганида «раис, яна нима бор?» деб айтиб, жуда жаҳлимга тегди. 10-20 марта шу гапни такрорлаши ва мазах қилиши менинг жаҳлимни чиқарди. Мен олдига таом тортиб, сийласаму, ўз йигитларим олдида мазах қилиши менга қаттиқ тегди шекилли, мен «ўртоқ секретарь яна бир кўчқор сўйилди, шу кўчқорнинг сиз яхши кўрган жойидан овқат тайёрлаб олиб келамиз», деб мен ҳам ҳазил сифатида айтдим. У дарров «Сен нима дейсан, берган овқатинга таъма қилаётирсанми» деб ҳамманг

ўрнингдан туринглар, деб ҳеч гап сўзни тингламай, зиёфат хонадан хайрлашмасдан чиқиб кетди.

Биз Матёкуб ака Юсупов билан ҳайрон бўлиб қолдик. Шунча меҳмондорчилик қилсакда, яна норози бўлиб кетишса, дедик фақат. Бир йилдан кейин ҳалиги фирқа котиби Янгибозорга ишга келди. У мени Янгибозорга келган куннинг эртасига кабинетига чақириб, «Яна нима пишириб берасан?» деб қовоғини солиб, мен билан юқори оҳангда гаплашди. Мен яна шу гапни айтдим «Борсангиз қўй сўямиз меҳмон. Биламиз, ёшулли» дедим. Уйга бориб ўйланиб фикр қилдим, «энди бу ёшулли билан ишлаш мумкин эмас» деб райкомга соғлигим ёмон, мени колхоз раиси вазифасидан озод қилинг деб ариза ёздим. 10 кундан кейин колхозга бориб сени бўшатдик, кет аризанг бўйича деб дағдага қилди ҳалиги раҳбар. Шундан бир ҳафта кейин Гурлан райкоми мени чақириб «Правда» колхозига раис бўласиз, сиз ўзингиз шу колхозда туғилгансиз деб мени «Правда» колхозига раис қилиб сайлашди. Ишлайвердим, 2 йилдан сўнг ҳалиги Янгибозордаги фирқа котиби (зиёфатимизни еган бизнинг дўстимиз) Гурланга раҳбар бўлиб келди. Ишга келганидан 2 кундан кейин мени хонасига чақириб, «Каримов энди нима қиласиз?» деб киноя қилиб савол берди. Мен «Ёшулли сиз мени нотўғри тушуниб, шундай қилиб юрибсиз» деб тушунтиришга ҳаракат қилдим, бўлмади, тушинмади.

Шундай қилиб, у киши билан 3 ой ишлашдик. Кейин фирқа ҳайъати мени ишдан олганини ука ўзинг биласан, чунки мажлисда сен ҳам иштирок қилдинг. Бечора Каримбой Юсупов мени ҳимоя қиламан, деб икки оғиз сўз айтгани учун райком котиби вазифасидан бўшатилиб, колхозга жўнатилади. «Мана Аминбой ука менинг ишдан бўшаб юришим сабабларини сенга айтдим. Сен ёшсан кўп ишлашинг керак бундай ишлар, бир-бировга, қасд қилиш, ҳаётда бўлар экан», деди.

Орадан икки йил ўтиб, Гурлан туманига Матюсуп Рахимов 1-котиб бўлиб ишга келди. Юсуп ака Каримовни «Маданият» жамоа хўжалигига иккинчи маротаба раис қилиб сайладилар. Юсуп ака Каримов жуда яхши инсон ва яхши раис эди. У киши кўп йиллар ишлади. Бечора оғир касал бўлиб, 61 ёшида вафот қилди.

Мана шу даврдаги учта шахснинг тақдирлари. Бу нима ўзи? Бахтсизликми? Ёки замоннинг хатосими? Ҳаётнинг ноўрин шомоллари-ми? Нима деса, қандай баҳоласа бўлади бундай ҳолатни? Ўзингиз ўқиб, ўйлаб хулоса чиқарасиз деган умиддаман. Мен бу

воқеаларнинг гувоҳи сифатида, эсимда қолган ҳодисаларни қоғозга тушириб, шўро даврининг мафкурабоз раҳбарлари одамларнинг тақдири билан қандай шуғуллаганликларини ёздим, холос.

ЧЎБОЛОНЧИ ҚИШЛОҒИДАГИ ФАОЛИЯТИМ

1959 йил охири 1960 йил бошларида ҳар галгидек бошланғич фирқа ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди. Туман фирқа қўмитасидан ёш йигитларни жамоа хўжаликларининг, раиси ўринбосари, фирқа котиби қилиб ишга ўтказиш бошланди. Ўразбой Юлдашев «Коммунизм» жамоа хўжалигига, мен «Маданият» жамоа хўжалигига фирқа котиблари қилиб сайлашни таклиф қилишди. Натижада туман фирқа қўмитаси ҳайъати бир овоздан бизларни юқоридаги вазифага тайинлашди.

Мени Алексей Иванович Ким деган туман фирқасининг II-котиби Чўболончи қишлоғига олиб бориб тавсия қилди. Жамоа хўжалиги раиси Салим Нурметович, деган ўрта ёшли, асли касби ҳисобчи бўлган, миллати қozoқ киши эди. Жуда ишчан яхши одам эди. Жамоа хўжалигига раис муовин бўлганим учун менга «ГАЗ-51» маркали юк машинаси беркитилди. Ўскинбой деган ҳайдовчи бўлар эди. Хўжаликда ҳар куни кечқурун мажлис бўлар, айниқса раис бобо кечаси кўп вақт идорада бўлиб, керакли бўлган бригадир ва бошқа фаолларни чақириб гаплашар, ҳамда турли топшириқлар берарди. Менга «Сиз Аминбой муовин сифатида ана шу топшириқларнинг бажарилишини назорат қиласиз ва менга ким вазифасини қандай адо этаётганини айтиб берасиз», деб топшириқ берардилар. Мен буни аввалига яхши тушунмадим, кейин билсам у жуда оғир иш экан. Сабаби ким нима иш қилиб юрганини айтиш, бировни ёмонлашга ўхшар эди.

Мен ҳар куни бригадаларнинг даласида бўлар эдим. Фермада, устахонада бўлиб ишларни назорат қилиб, кечқурун бу ҳақда раисга ҳисобот берардим. Кейин мен раҳбар эмас, чақимчига айланаётгандек сездим ўзимни. Шу боис ўзимни, бу тарзда ишлашдан бироз четга олдим. Раис сўраса бир икки гап айтган бўлдим. Жамоа хўжалигига Гурландан менинг дўстим Зариб Дўсниязов аграном бўлиб келди. Бойман ака Холов олдиндан бухгалтер бўлиб ишлар эди. Тажим Матсапев иқтисодчи бўлиб ишларди.

Зариб Дўсниязов билан иккимиз бирга ишлаб, бирга далани айланиб юрар эдик. Зариббой жуда ғайратли, яхши аграном эди.

У пахтачиликни яхши билар, тинмай далани айланиб чиқар, пахта-корлар, бригадирларга маслаҳатлар берарди. Зариббой кейинчалик, мен билан бирга туманда бош аграном, қишлоқ хўжалик бош-қармасининг бошлиғи, давлат хўжалиги директори вазифаларида ҳалол ишлади. Унинг яхши ўғил-қизлари бор. Тоир, Зоир, Бахтиёр исмли ўғиллари отасининг ишини давом қилдириб «Чинобод» ММТПда раҳбар бўлиб ишлаётир. Дўстимиз Зариббой, афсуски, 61 ёшида вафот этди.

«Маданият» жамоа хўжалиги менга таниш ва кўпчилик инсонлар билан биз Охунбобоев номидаги мактабда бирга ўқиганман. Ундан ташқари мен туғилган Сахтиён қишлоғи «Чўболончи» қишлоғи— «Маданият» жамоа хўжалиги билан ёнма-ён жойлашган. Ҳаммасидан ҳам менинг турмуш ўртоғим шу «Маданият» жамоа хўжалигидан эканлигида эди. Ўғилжоннинг отаси Мадамин ота хўжаликда механик бўлиб ишлаган. Онаси Ойимжон опа колхозчи бўлган. Иккаласи ҳам жуда яхши инсонлар эди. Уларнинг Ўғилжондан ташқари яна Пошша, Ўразгул, Шукуржон, Турсунбой исмли фарзандлари бўлиб, уларнинг ҳаммаси уйли-жойли, неvara-чеварали инсонлар.

Ана шулар сабабли Чўболончи қишлоғи, у ердаги одамлар, ҳаёт тарзи менинг учун яхши таниш эди. Қишлоқда жуда яхши деҳқонлар бор бўлиб, бригадирлардан Карим Янгибоев, Абдиқарим Ўразметов, Собир Чўнай, Юлдош Ўразбоев, Мадамин, Мадрахим Матсапаев, Юлдаш Умаров, аграном Собир Саидмуратов, инженер Бўтан Қурбонбоев, ҳисобчи-иқтисодчи, кейинчалик раис бўлиб ишлаган Тажим Матсапаев, фирқа котиби бўлган Янгибой Собиров, мактаб директорлари Собиров Болтабой, Ҳабибулла Матёқубов сингари жуда кўп инсонлар билан ишладим. Ҳисобчи Файзулла Давлетов, механик Мадат Эшматов каби меҳнаткашлар билан ҳамжиҳатликда, қишлоқда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун фаолият юритдик.

Қишлоқда иккита дўкон бўлар эди. Шу дўконларга келган нарсаларни қишлоқ кенгаши раиси Матёқуб Қувватов билан мен назорат қилиб, аҳолига сотишимиз керак эди. Бу топшириқ туман раҳбарлари томонидан бизларга топширилганди. Чунки, ҳамма нарса кам, етишмовчилик мавжуд эди. Ёғ, бугдой, чой сингари кундалик маҳсулотлар, айниқса, жуда огир бўларди. Негаки, ҳамма юқоридаги маҳсулотларни сотиб олмоқчи бўлар, тенг тақсимланмай, кимгадир кўпроқ сотиб юборилса, «бизга бермади, дўкончи йўқ деди», деб арз қилишарди.

Жамоа ҳўжалигининг Чўболончи маҳалласида Бозорбой Бекчанов деган бир яхши инсон сотувчи эди. У «не гап бўлса менга айтинг, у одам билан гаплашаман «деярди. Чунки, дўкончини ёмонотлиқ қилиб, бизга, юқори ташкилотларга мурожаат қилувчилар ҳам кўп эди-да.

Кейинчалик Бозорбой ака қишлоқ кенгаши раиси, бригада бошлиғи бўлиб ишлади.

1960 йил жамоа ҳўжалигида деҳқончилик ёмон бўлмади, пахта, гўшт, сут, тухум ва бошқа топшириқлар бажарилди. 1960 йил мен учун янада қувончли бўлди. Ҳамро деб ном қўйган ўғлимиз дунёга келди. Энди худога шукур, ўғлимиз икки бўлди деб Ўғилжон билан қувонганимиз эсимда. Ота-онам эса «худойим Саъдулла акасига ҳамроҳ бўлсин» деб, Ҳамро исмини қўйишди. Бизлар ҳаммамиз шундай хурсанд эдикки, Ўғилжон уйда болаларни тарбиялар, мен ишлаб юрибман, худога шукур, ойлик маош олиб, имкониятларимиз кенгайди. Эски уйни таъмир қилдик. Айвонни пол қилдик, боғ тарафимизга катта ёзги жой чертак қурдик. Уйда мол, қўй бор, ҳаммаси яхши бўлиб бораётганидан худога шукур қилар эдик.

Жамоа ҳўжаликларда ўша вақтларда ҳар йили йиллик ва ярим йиллик ҳисобот йиғилишлари бўлар эди. 1960 йил йиллик ҳисобот мажлислари тумандаги барча жамоа ҳўжаликларида ўтиб бўлди. Аммо бизнинг «Маданият» ҳўжалигимизда ўтказилмади. Мен туман фирқа ташкилотининг иккинчи котиби Алексей Кимдан бу тўғрида сўрагандим, «Сен ҳеч кимга айтма, мажлисга вилоят раҳбари Шамсиддинов келмоқчи. Сен яхшилаб тайёрлан», деб айтди. Раис бобо Салим Нурметович ҳам бу гапни билар экан, мен бир куни ундан сўрасам, у бир ариза бор эмиш, шунинг учун ҳисобот мажлиси тўхтатилган экан, деди.

Бир неча кундан кейин туман фирқа ташкилоти йўриқчиси А. Б. Цой қишлоқга келиб мажлисга тайёргарлик билан шуғуллана бошлади. Ниҳоят мажлис куни белгиланди. Мажлис жамоа ҳўжалиги биносининг лойдан солинган, узун, иситилмаган долони бўлиб, шунда ўтказиш учун пахта заводдан брезентлар олдириб, ерга тўшалди. Шу тарзда, бир томонни бекитиб, мажлис бўладиган жойни тайёрладик.

Мажлис эрталаб соат 10:00 га чақирилди. Ҳисобот мажлисига, Хоразм вилояти раҳбари Шамсиддинов, Гурлан тумани раҳбари Матюсуп Раҳимов, II-котиби А. И. Ким, ижроқўм раиси И. Ҳўжаев, туман ИИБ бошлиғи Даниэл Раҳмонов, прокурор И. Ёқубовлар

келишди. Мажлисни раис Салим Нурметович очди ва мажлисни олиб боришни менга — бошланғич фирқа котибига топширди. Кун тартиби эълон қилиниб, ҳисобот учун сўз раис бобога берилди. Раис Салим ака қилинган бир йиллик ишлар тўғрисида маърузасини бошлади.

Салим ака гапга уста инсон эди. У ўртоқ Шамсиддинов Сизнинг мажлисга қатнашишингиз жуда бизни хурсанд қилди, дея гап бошлаганди, аммо, негадир туман фирқа котиби Раҳимовга бу гап ёқмади. Мени туртиб, «бу нима демоқчи?» дея хуноб бўлиб ўтирди. Маъруза 10 дақиқа давом қилганидан кейин, Шамсиддинов «Сиз гапни жамоа хўжаликдаги гапларни айтинг. Нима қиласиз газеталардан кўчириб олинган сўзларга вақт кетказиб», дея луқма ташлади. Раис бу гапдан довдираб қолди шекилли, «бухгалтер сен ҳисоботни ўқиб бер!» деди. Шунда Шамсиддинов «Сиз раиссиз, Сиз ҳисобот бераётирсиз, нима учун у ҳисобот ўқир экан», деб яна маърузани тўхтатди. Раиснинг иложи қолмади. «Ўртоқлар ўтган йили барча режалар бажарилди. Фақат мева бажарилмади», деди довдираб. «Нима сизда боғ, узум йўқми?» деб яна раисга Шамсиддинов савол берди. Шунда раис барчанинг олдида ҳовлиққанидан, ҳисобчига, «Бойман, узум қасерга кетди?» деб савол берса бўладими?

Бундай довдирашдан вилоят раҳбари Шамсиддиновнинг баттар жаҳли чиқди: «Нимага, сен узумнинг қасерга кетганлигини билмайсанми, сендан раис бўладими?» деб маърузани тўхтатди.

— Қани партком, кимда қандай саволлар бор, сўранг, — деди менга қарата. Раис Салим ака минбарда қизарганича довдираб турарди. Мен «кимда савол бор?» дея йигилиш иштирокчиларидан сўрасам, 100 га яқин киши қўл кўтарди. Шунда ҳайрон бўлиб Шамсиддиновга қарадим. У «кекса, сақолли кишидан сўранг» деб уста Қурол деган кишини кўрсатди.

Мен ҳам уста Қуролни танир эдим. Шу боис, «Қурол ака, нима гап?», деб ишора қилдим. У «Сиз обком ўртоқ Шамсиддиновмисиз?» деб сўради. «Ҳа, мен вилоят раҳбари Шамсиддинов бўламан, нима гап?» деб уста Қуролнинг саволига, савол билан жавоб берди.

— Ўртоқ обком бува, мен саволни бир неча сўз билан тушунтираман, — деди Қурол ака.

— Хўп, хўп айтинг, — деди бу тушунтиришга қизиқиб, — Шамсиддинов.

— Сиз раисларни чақириб, обкомда чўққачиликни ривожлантириш тўғрисида топшириқ берибсиз. Бизнинг раис бобо сизнинг

топшириқни бажариш учун биздек усталарини чўчқа фермасига ишга олиб бориб, ферманинг теваараги ва шу ердаги кўл атрофига девор қуришни буюрди. Биз 15 киши усталар 20 кундан буён чўчқахонада ишлаётирмиз. Фермада 30-40 бош чўчқа бор экан, улар ем бўлмаганидан бир-бирини еб қўйибди. Энди 15-20 бош чўчқа қолди.

Ўртоқ обком сизни чўчқахонани келиб кўради, деб хабар келган, шундан кейин омбордан раис буйруғи бўйича бугдойни машина билан олиб бориб, чўчқалар олдиға ташладилар. Чўчқа оч эмасми бугдой кўп еб, қорни шишиб яна 10 таси ўлиб қолди. Энди чўчқахонада 10-12 бош чўчқа бор холос. Бу қандай сизнинг топширигингизни бажариш бўлди. Ўртоқ обком бобо! Сиздан илтимос бунга ўхшаш одамларни раис вазифасидан олиб ташланг, — деб гапини тугатди уста Қурол.

Йиғилишдагилардан кўпчиликнинг «тўғри, тўғри» деб қарсак чалгани эшитилди.

Мен раислик қилувчи сифатида, нима дейишимни билмай қолиб, фақат «ўртоқлар, жим-жим» деб айтар эдим, холос. Яна одамлар орасидан «бу раисни бўшатиб беринг. Раис Нурметов керак эмас», деб кўпчилик қичқираверди. Вилоят раҳбари Шамсиддинов, туман раҳбари Раҳимовға қарата, «мажлисға танаффус беринг» деб буйруқ берди. Раҳимов эса менга «мажлисға 1 соат танаффус», деб эълон қил, деди. Мен айтилганидек, «мажлис 1 соатдан кейин давом этади», деб эълон қилдим. Туман, вилоят раҳбарлари, менга «хонангизға олиб боринг» дейишди. Мен хонам томон юрдим. Шамсиддинов, Раҳимов ҳам менинг кичик хонамға кирдилар. Раис Нурметов бизлар билан хонамға кирмади ва уни чақиринмади.

— Ўртоқ Раҳимов, бу қанақа хўжалик? Нима учун райком бу аҳволни олдиндан билмайди, — деб койиди вилоят раҳбари Шамсиддинов туман раҳбарига қарата.

Кейин эса дабдурустлан:

— Қани, янги раис топинг! Одамлар корейс раис бўлсин, деб сўраяпти. Корейс ўртоқлардан одам борми, раис бўладиган, — деди Шамсиддинов.

Туман раҳбари Раҳимов бирпаст ўйлаб туриб, «райкомда инструктор Цой бор», деди.

— У қаерда, — сўради Шамсиддинов.

Туман раҳбари Матюсуф Раҳимов менга қараб, — чақиринг Цойни, чақириб кел, — деб буюрди.

Мен А. Б. Цойни чақириб келдим. У русча салом бериб хонага кирди.

Вилоят раҳбари Шамсиддинов, «Сизнинг ёшингиз нечада? Мутахассислигингиз қандай? Қаерларда ишлагансиз?», деб А.Б. Цойдан сўрай бошлади. Цой А. Б:

— Ўртоқ Шамсиддинов мен кексаман, яқинда 60 ёшга тўламан ва ҳеч қандай қишлоқ хўжалигидан хабарим йўқ, мен ўқитувчиман, — деди бироз ҳовлиқиб.

Шамсиддинов А. Б. Цойнинг гапини тинглаб, ва унга диққат билан назар солганича:

— Тўғри бу киши раис бўлолмайди, бошқа ёш, ғайратли одам топинг, — деди. Раҳимов бир пасдан кейин «бу киши бор — Вапоев, дея мени кўрсатди ва:

— Бу ҳам яқинда колхозга райкомдан келди, — деди.

Шамсиддинов, «касбинг нима ука?» деди менга. Мен «иригаторман ёшулли», дедим.

— Неча ёшдасиз? — дея сўради.

— 24 ёшда, — дедим.

— Йўқ! Бундай колхозга бу йигит ёшлик қилади бўлмайди, — деди Шамсиддинов.

У киши жуда асабийлашганидан, нима қилишини билмасдан, Раҳимовга:

— Сиз мажлисни давом қилдираверинг ўйлаб кўрамиз. Мен кетаман, — деб ўзининг қора «Волга» машинасига миниб жўнаб кетди.

Биз Раҳимов билан уни машинасига кузатиб қўйдик. Одамлар Шамсиддиновнинг кетиб қолганини билмадилар. Биз Раҳимов билан мажлисни давом қилдириш учун залга кирдик. Раис Нурметов ҳам шу ерда бўлиб, у кимлар биландир гаплашиб, жаҳли чиқиб турган экан. Мажлисни туман раҳбари Раҳимовнинг ўзи бошқарди.

— Қани Салим Нурметович, сиз бу кунги гап-сўзлардан хулоса чиқариб, хатоларни тўғирлайсизми? — дея раисдан сўради.

Раис минбарга чиқиб:

— Ўртоқ Раҳимов тўғри хатоларимиз кўп, буни тўғирлаш мумкин, сиздан илтимосим, ишларни тўғирлаб олишим учун оз-моз вақт беринг. Ана кўрасиз ҳаммаси яхши бўлади, — деди.

Аммо йиғилиш иштирокчилари, раиснинг бу ваъдасига ишонқирамай, шовқин қила бошлашди. Туман раҳбари Раҳимов шовқиндан безор бўлди шекилли, жаҳли чиқиб дўқ ура бошлади:

— Сизлар кимнинг гапига кириб бу гапларни қилаётирсизлар. Бизларга айрим шахслар маълум, улар мансаб олиб, ўзича ҳар турли ишларни қилмоқчи. Ўртоқ прокурор Ёкубов, ўртоқ милиция бошлиғи Раҳмонов! Сизлар бу колхоздаги турли хил гаплар билан колхозчиларни чалғитиб юрган шахсларни топиб, тезлик билан қамоққа олиб, тергов бошланглар. Чунки, бу соғлом одамнинг гапи эмас, агар соғлом одам бўлса марҳамат бизнинг эшик очиқ. Келиб бизга айтсин, бизнинг тегишли чорани кўришга кучимиз етади. Энди ҳисобот тўғрисида биз ўйлаб кўрамиз ва Нурметов сўрагандек, унга муддат берамиз. Кейин иш яхши томонга кетса яхши. Агар ҳалиги ёмон одамлар, ҳар хил ишлар билан умумий ишимизга зарар етказса, биз уларни жиноий жавобгарчиликка тортиб, суд қиламиз. Мажлис ёпиқ, — деди.

Шундан кейингина одамлар ўрнидан туриб: «раисимиз йўқ, раисимиз йўқ», дея қичқириб тарқалишиб кетдилар.

Мажлис тугагач, туман раҳбари Матюсуп Раҳимов, ИИБ бошлиғи, прокурор, туман фирқасининг 2-котиби, ижроқўм раиси ва мен бизнинг хонагага кирдик. Раис бобони чақирди. Раҳимов бироз индамасдан ўтиргач, «Кўрдингизларми ўртоқлар сизлар, биз туманда ўтириб, қишлоқларда нима бўлаётганлигини билмаймиз. Оқибатда нима ишлар бўлаётир, бу ҳўжаликда И.А. Ким вакил бўлиб 6 ойдан бери юрибди. Мана натижа: раис ҳўжаликни хароб қилибди. Қишлоқдагилар эса тўпалон қилаётир. Биз вилоят раҳбари Шамсиддинов олдида ким бўлдик», деб гапирди.

Шундан сўнг, Ёкубов, Раҳмоновларга, бу жамоа ҳўжалиги билан шуғулланиш топширилди. Хонадан ҳамма чиқиб кетгач, фақат туман раҳбари Раҳимов ва мен қолдик. «Сен ўзинг ҳамма ишга қара, назоратни кучайтир. Бу раис энди ишламаса керак. Унгача ҳам ёмон бўлади. Лекин дала ишларининг бориши билан ўзинг шуғуллан!» масъулиятни менинг зиммамга юклаганча, машинасига миниб кетди. Бечора Салим ака ўз хонасида нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб, жим ўтирар эди. Мен унинг ёнига кирдим.

— Аминбой, бу ишлар кимнинг раҳбарлигида бўлаётир? Раҳимов нима деб кетди? Мен нима қиламан энди? — деб ночор аҳволда менга иложсиз тикилди.

Мажлисдан кейин раис бобо яна ишга тушиб, фаолиятини давом қилдираверди. У мажлисларда ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч кимдан шубҳа қилмаган ҳолда, ўзини тутар эди. Мажлисдан бир ҳафта ўтгач, прокурор Ёкубов менинг ёнимга келиб, айрим шахслар тўғрисида,

хусусан ферма мудир ҳақида, айрим бригада бошлиқлари тўғрисида суриштирди. Яна уч кундан кейин милиция бошлиғи Даниэл Раҳмонов ҳам келиб, айрим кишилар билан яширин учрашиб кетибди. Хуллас, мажлистан кейин қишлоқда тинчлик бўлмади.

Орадан бир оз ўтиб, туман фирқа ҳайъатининг мажлиси бўлиб, унга жамоа хўжалик раислари таклиф қилинди. Раис Салим Нурметов: «Аминбой сен ўзинг бориб кел, сен ҳам раис ўринбосарисан», деб мени ўзининг машинасида жўнатди. Ўзи юқоридаги мажлистан кейин хавфсираб, «агар сўраса касал деб айт, сўрамаса индама» деди. Фирқа ҳайъатига, идора ва ташкилот раҳбарлари, раислар таклиф қилинганди. Фақатгина мен фирқа бошланғич ташкилот котиби — раис ўринбосари сифатида боргандим. Бошқа ҳамма раислар бор эди. Мендан бошқа раислар, «Нурметов қани?» деб сўрашарди. Мен «у киши оз-моз шамоллаган», дедим.

Ҳайъат мажлисини Раҳимов очиб, гапни йўл қурилиши масаласидан бошлади. Бизнинг жамоа хўжаликга Шовот — Гурлан йўлидан 750 метр қурилиш учун ер ажратилди.

Йиғилишда раис нима учун йўқ, деб шахсан Раҳимов сўрамади. Бизнинг жамоа хўжалигимизга 750 метр ер йўл қурилиши ажратилганини айтиб, «Вопоев ишни яхши ташкил қил», деб буюрди. Қишлоққа келиб раисга, мажлисдаги гапларни айтиб бердим. У эса топширилган ишни эмас, қайта-қайта «мени Раҳимов сўрамадими?» деб сўрар, мен ёлгон гапирмай, «сўрамади» деб айтганда у хафа бўлди. Унинг хафа бўлгани юзида акс этиб турар эди. Кечқурун фаолларни чақириб, жамоа хўжалигида йўл қурилишига одамларни олиб бориш бўйича, раис бобо топшириқ берди. Бироқ у «қурилиш бўйича жавобгар ҳам, иш бошида раҳбарликниям, менинг ўринбосарим Вапоев амалга оширади», деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Йўл қурилишига ҳамма бригадалар, хотин-қизлар, эркалар ҳаммаси бўлиб, 350 киши жалб қилинди. Эртаси, ҳамма ётиб ишлаш учун тўшак, иш қуроллари, ёгулик олиб бориб, йўл қурилишига бориб ишни бошлаб юбордик. Шу куни раис бобо ҳам борди. Иш бошида мен бригадаларга иш тақсимлаб бераётганда туманимиз раҳбари Раҳимов келиб қолди. У «раис қани?» деб сўради. Мен «раис бобо бизлар яшаиш учун белгиланган дала шийпонида эди, чақириб келсинми?» дедим.

— Йўқ! Керак эмас, ўзинг ишларни ташкил қилавер, — деб машинасига миниб кетди. Кейин раис бобо келиб, «Мени Раҳимов сўрамадими?» деб сўради. «Ҳа, сизни сўради, мен бор деб айтдим.

Ёшулли қўшни хўжаликга ўтиб кетди, ғайрат қилиб ишланглар. Раисга салом айтинг, деди» дея ёлғон сўзладим. Раис яна ҳеч нарса демади. Шундай қилиб йўл қурилиши 15 кунда тамом бўлди. Биз ҳам ўзимизга тақсимланган ишни тамом қилдик.

Йўл қурилишида асосан хотин-қизлар қўлларига бел олиб, ғалтак ҳайдаб, замбил кўтариб тупроқ ишларини бажардилар. Халқ бу қурилишда умуман бепул ишлар эди. Фақат, йўл қурилишида икки маротаба кунига иссиқ овқат, фермадан мол сўйиб берилди. Нонни ўзлари уйдан олиб келар эдилар. Шу даврда қишлоқда ишлаб юрган хотин-қизларнинг оёқ кийимлари, айниқса ёмон эди. Умуман яхши кийим кўпчиликда йўқ эди. Бироқ, халқ бари бир бундай маош тўланмайдиган ишларда қатнашар, бошқа чораси йўқ эди. Одамлар асосан таморқа еридан чиққан ғалла ва уйдаги мол, эчки, қўй ва товукларини боқиб, шу ҳисобига тирикчилик қиларди.

Йўл қурилиши якуни бўйича фирқа қўмитасида мажлис бўлиб, унда раис бобо қатнашиб келди. Унга ҳеч ким, ҳеч нарса деб айтмаган. У қайтгач, «бу нима гап Аминбой, мени яна ишлатадими? Йўқми?» деб ҳайрон бўлиб ишга қўли бормас эди.

Бир куни февраль ойида бўлса керак, «туман фирқа ташкилотига раис бобони чақиришибди» деб менга бош ҳисобчи айтди. Раисга, «соат 8:00 да ҳайъат мажлиси бўлар экан», десам, «сен ўзинг бориб келавер» деди. Мен «йўқ, раис бобо ўзингиз борганингиз яхши», дедим.

Раис бобо мажлисга кетди. Менга «кечки мажлисни ўзингиз ўтказинг, мен кеч келсам керак», деди. Шундай бўлди. Мен мажлисни ўтказиб, уйга кетдим. Эрталаб яна қишлоққа келиб, ишлар билан шуғуллана бошладим. Шу куни раисни кўрмадим. Тушлик вақтида ҳам раис бошқарув идорасига келмади. Кечқурун соат 6:00 да туман ижроқўми раиси И. Хўжаев қишлоққа келиб, «раис қани?» деб сўради. Мен кечадан бери раисни кўрмаганлигимни айтдим. Кейин Хўжаев мени машинасига миндириб, раис бобонинг уйига бордик. «Раис бобо уйда йўқ» деди хотини Норжон опа ва Хўжаев билан бироз гаплашди. Бизлар машинадан тушмадик. Ижроқўм раиси менга ҳеч нарса демади. Фақат, «агар раис келса, мен билан сўзлашсин», деб Гурланга кетди. Раис кеч соат 10:00 гача келмади. Шунда туман раҳбари Матюсуп Раҳимов мени телефонга чақириб, «раис қаерда?» деб дўқ қилди. Мен раисни ўтган кун мажлисга кетиш олдиан кўрганимни айтдим. Шунда у, «ижроқўм Хўжаев сенга нима деди?», деб сўради. Менга ҳеч нарса айтмади, деб жавоб бердим. У нималар

деб гапирди. Бироқ мен телефонда кимга нима гап айтганини тушунмадим. Шундан сўнг, туман раҳбари Матюсуп Раҳимов, «ҳозир сен райкомга кел!» деб буюрди ва гўшакни қўйди. Мен кеч соат 11:00 да туман фирқа қўмитасига бордим.

— Туман бошқарув идорасига борсам, раҳбар ёрдамчиси Машариф Тўлиев мени ёшиулли хонасида кутаётганини айтди. Мен салом бериб, туман раҳбарининг хонасига кирдим. Бироқ ҳеч ким менинг саломимни олмади ва эътибор ҳам бермади. Раҳбар хонасида вилоят фирқа ташкилотининг қишлоқ хўжалик бўйича котиби Раҳим Эшчанов, вилоят ИИБ бошлиғи Оқназаров, туман ижроқўми раиси Хўжаевлар ўтиришарди. Мен киргандан, туман раҳбари Матюсуп Раҳимов ижроқўм раиси Хўжаевга, «Аминга сиз насос тўғрисида айтдингизми?» деб сўради. У йўқ, деди.

— Унда нимага колхозга бориб келдингиз, энди раис йўқ бўлса ҳамма нарсa тўхтайдими? Ахир муовин бор-ку, нима учун бунга насос қуришни айтмадингиз? — деб дўқ ура бошлади. Кейин Матюсуп Раҳимов менга қарата, «сен дарё бўйига насос қуришдан хабаринг борми?» деб сўради. Мен табиийки, йўқ деб жавоб бердим.

— Ҳа, раис сенга айтмадими? — деди яна туман раҳбари.

— Йўқ, мен раиснинг мажлисга кетганини биламан, шундан кейин уни кўрмадим, — дедим.

— Нима, Салим Нурметович осмонга учдими, ёки қочиб кетдими, ҳеч ким билмайди, — деб ҳайрон бўлиб ёнидаги кишиларга қаради.

Вилоят фирқа котиби Эшчанов, «қаерга кетарди, бор чиқар, колхоз раиси йўқ бўлиб кетадими?» дея таажжубланди. Кейин туман раҳбари Раҳимов, жаҳдан тушди-ю, «сен Вапоев иккита насосни Алибобо ҳудудига қуришни ташкил қила биласанми?» деб сўради. Мен «ҳаракат қиламан!», деб жавоб бердим. «Бор, насосни кечаси билан қуриб битказ, эрталабдан насос ишлайдиган бўлсин!», деб буйруқ берди.

Қишлоққа келиб 2 та насосни қуришга керакли одамларга топшириқ бердим. Эрталаб соат 10:00 да бизнинг бир насос сув чиқарди. Бу тумандаги барча жамоа хўжаликлар ичида иккинчи насос эди. «Правда» жамоа хўжалигида 1 насосдан сув чиқарди.

Дарё бўйидаги насос ёнига «тезкор штаб», деб ёзилганди. Чертak бўлса брезеиентдан қурилганди. Шу ерда ҳамма раислар тўпланишиб, насос қуриш масаласи муҳокама қилинди.

— Мана раиси йўқ колхоз парткоми биринчилардан бўлиб, насосни қурди. — деб мени туман раҳбари бошқаларга ибрат қилиб кўрсатди.

Эртасига фирқа ҳайъати мажлисига раислар, бошланғич фирқа ташкилоти котиблари таклиф қилинди. Мавзу насос масаласи эди. Ўшанда ҳўжалигимиз раиси мен билан бирга йиғилишга борди.

— Салим Нурметович, қаерда юрибсиз, 2 кундан бери ҳеч ким сизни тополмайди. Ижроқўмга «хотинингиз йўқ, билмайман» дебди. Муовинингиз Вапоев сизни кўрмадим, дейди, бу қанақаси бўлди? Сиз ўзи ишлашни истамаяпсиз. Ана шу боис, бугун сизни ишдан озод қиламиз. Бунга ўзингиз айбдорсиз, — деди мажлис бошиданоқ туман раҳбари жаҳл билан.

Салим ака ҳеч нарса демади. «Сиз бўшсиз, чиқинг!» дея буюрди, туман раҳбари. Мен мажлисда қолиб кетдим. Чиқсам, бечора раис бобо бошқа бир транспорт билан уйга, қишлоққа қайтган экан. Менга ўзининг машинасини ташлаб, шофёрга «Аминбойни олиб борасан», деб тайинлабди.

— Раис сайлаймиз эртага 12:00 га мажлис чақиринг, — деди туман раҳбари. Шунингдек, мажлисга ҳозирлик кўришга масъул қилиб, иккинчи котиб А. Н. Ким белгиланди.

Эртаси мажлисга жуда кўп одамлар тўпланди. Раис бобо «Ким раис бўлади, туман раҳбари сизга нима деди?», дея қизиқиб сўради. Мен билмайман деб жавоб бердим.

Собиқ раис Салим ака: «Агар сени раис қилишса, мен мажлисда иштирок қиламан, бошқа бўлса мен мажлисда иштирок қилмай, уйга кетаман», деди. Шунингдек, Салим ака иккинчи котиб А.Н. Кимдан «Мен мажлисга керакманми?», деб сўради. У бўлса: «ўзингизнинг ихтиёрингиз» деб жавоб берди. Шундай қилиб Салим ака мажлисга қатнашмасдан уйига кетиб қолди. Шунда ҳам «Аминбой машина топиб беринг менга, уйга ташлаб юборсин», деди. Мен «Йўқ, раис бобо, ўзингизнинг машинангизда кетаверинг, ҳали машинани минаверинг», десам, «Йўқ, бундай қилсам бўлмайди», деди.

Шу тариқа мажлисда туман қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлиб, эндигина уч ой ишлаган Исмоил Ибрагимов, жамоа ҳўжалигига раис қилиб сайланди. У асли Туркменистоннинг Илонли туманидан эди. Мажлисдан кейин янги раис мени хонасига чақириб, ҳўжаликни ревизия қилишини айтди. Чунки янги раис туман раҳбарига «ревизия қилиб беринг», деб талаб қилган экан.

Янги раис иш бошлади. Мажлисдан 3-кун ўтиб, ревизор Бекчанов қишлоққа келиб, тафтиш ишларини бошлаб юборди. Эски раис менга қишлоққа келган меҳмонларни овқатлантириш учун товукхонадан товук олдиравер, деб қўйган эди.

Шу тартибда ревизия қилганча ҳам мен қоғоз ёзиб товук олдириб, овқат буюрар эдим. Ревизор Бекчанов келгандан кейин ҳам шу тартиб бўлди. Кунлар ўтди. Бир кун иҳжалик бош ҳисобчиси қишлоқда, ишда кўринмай, йўқ бўлиб қолди. Бир, икки, уч, тўрт кун кутдик, лекин у кишидан дарак бўлмади. У ревизор Бекчановнинг гапига қараганда, айрим папка ҳисоб-китоб ҳужжатларини ҳам олиб кетган. Шундан кейин ревизор бироз ташвишланиб қолди. Кечқурунлари менга «Аминбой сиз кетманг, иккимиз бирга қоламиз», деб қолди. Умуман ревизор жуда ташвишга тушганди. Қизиғи, янги раиснинг ревизор билан умуман иши йўқ эди. Ҳаттоки, «менинг нима ишим бор ревизор билан», деб очиқ айтди. Ревизорга овқат тайёрлаш яна менинг зиммамда эди. У собиқ раис Салим акани чақиртириб, ревизор хонасида 2 соат гаплашдилар. Мен шуни эшитдимки, Салим ака, «Сен топшириқ билан ревизия қилаяпсан, одам бўлсанг мени ревизия бошланишида чақиртириб, бирга ревизия қилишимиз керак эди. Аслида мен сенга бухгалтерияни ўргатганман, устоз бўлганман, керак бўлса сени қишлоқдан топиб ишга ўргатган ҳам, мен эмасми?», деб зарда қилганича, эшикни ёпиб чиқиб кетди. Мен Салим акани овутмоқчи бўлдим, лекин у, «Эй, Аминбой! дунёда қандай ёмон одамлар бор, игнадан туя қилади. Билмадим, бизларга нима бўлади, ука» деб хафа бўлганича мен билан хайрлашди.

Ревизия 2 ой давом қилди. Мендан бошқа одам ревизорнинг ёнига бормайди. Мен ундан «бу ишларнинг охири нима бўлади?» деб сўрасам, «Мен ҳам билмайман ука, менга топшириқ берилди. Мен шу топшириқни бажараётирман» деб жавоб берди. Шунда мен илгариги раҳбарга ачинганимдан, «бечоралар жазо олиб кетаверадиими?» десам, «Ҳа, шундай бўлиши мумкин. Қилинган камомад, ҳўжаликка қилинган зарар, ўзларини бойитиш учун қилинмаган. Режа бажариш, йўқ нарсаларни бор қилиш учун ҳар хил молия қонун тартиблари бузилган», деб тушунтирди. Мен унга савол бердим:

— Гўшт, сут, тухум, сабзавот деб айтаётирсиз, ахир шу гўшт, сут, тухум давлатга сотилган бўлса. Шу маҳсулотларнинг қиймати, пули ҳўжаликка келганми? Йўқми?

— Албатта, ҳўжалик ҳисобига тушган. Бироқ, улар бозордан сотиб олинган. Шу иши ёмон, — деб жавоб берди. Шунда ҳўжалик ҳисобига тушган пулни қайтариб ташласа тўғри бўладими, йўқми? — дея вазиятни билишга уриндим.

— Йўқ! Қонун ҳаммасининг баҳосини айбдорлар зиммасига юклайди. Ахир бир қисми жамоа ҳўжалиги кассасида-ку?! Йўқ, бари бир бу жиноят, — деб тушунтирди ревизор.

Шу тариқа қишлоқда ишлар жуда оғир кечарди. «Янги раис», «бухгалтер йўқ», «ревизия», деган гап-сўзлар ҳамманинг оғзида эди. Турли хил миш-мишлар тарқалган. Шунинг учун деҳқончилик қилиш 1961 йил жуда оғир, қийин бўлди.

Қишлоқнинг Урганч — Гурлан йўли ёқасида «Қосим тақир» деб аталадиган ерни ўзлаштириб май ойининг охирида маккажўхори экдик. Шу даврда макка учун фирқа, ёшлар ташкилоти масъул, бу ишлар учун жавоб беради деган кўрсатма, бор эди. «Қосим тақир»да экилган макка тўлиқ униб чиқмади. Янги ер бўлгани учун ёввойи ўт босиб кетди.

Бир куни вилоят раҳбари Шамсиддинов туманга келди. Йўлда макка экилган даладарда мен 15-20 одамни олиб бориб, маккани ўтдан тозалаётган экдик. У киши туманимиз раҳбари Раҳимов билан машинадан тушди. Макка даласига қараб, мен билан саломлашди. Мендан сўради: «Бу нима?». «Маккажўхори», деб жавоб бердим.

— Қуриблар кетсин, бунақа маккажўхори, — деди-да Шамсуддинов жаҳл билан қичқириб кетди.

— Сиз йигит парткомсиз, — деб Шамсуддинов мени мажлисда кўргани эсига тушди, — сенга партия топшириғи, вилоят раҳбари сифатида менинг топшириғим: «Бир ҳафта ичида маккани ишлов бериб, ҳақиқий маккажўхори қиласиз!» Кимни олиб ишлатишингизни, Раҳимов айтади, — деди Шамсиддинов.

Шунда туман раҳбари:

— Вапоевни олий партия мактабига ўқишга жўнатмоқчи бўлиб, Сизга тавсия қилдик, — деди.

Шамсиддинов бўлса макка даласига қараб:

— Агар макка даласи тузатилмаса, сени ўқишга юбормаймиз, — деди.

Хуллас, маккажўхори иши яхшиланди. Июль ойининг охири эди. Колхоз фирқа ташкилотининг умумий йиғилиши эрталаб соат 10:00 га чақирилди. Жамоа ҳўжалиги деҳқонларининг умумий йиғилиши бўлса, соат 12:00 ўтказиладиган бўлди. Йиғилишда туман

фирқа ташкилотининг иккинчи котиби А. И Ким қатнашиб, менинг ўқишга кетишим муносабати билан ўрнимга «Гулистон» жамоа ҳўжалигида фирқа котиби бўлиб ишлаётган Тажибой Холмуратовни сайлашди. Соат 12:00 даги мажлисга жуда кўп одам келишди. Мажлис масаласи — ревизия якуни. Шу мажлисга собиқ раис Салим акани ҳам таклиф қилишди. Мажлисга туман раҳбари Матюсуп Раҳимов, прокурор Ёкубов, туман ИИБ Раҳмоновлар қатнашишди. Мажлисни туман раҳбари Раҳимов олиб борди. У ҳўжаликдаги тафтиш ишлари тўғрисида сўзни ревизор Бекчановга берди. У неча сўм камомад бўлгани ва бошқа камчиликлар ҳақида сўзлади. Собиқ раис Салим акадан, кассир Холмуратдан «пуллар қаерга кетди?», деб суриштирди. Улар «ҳаммасининг ҳужжатлари бор», деб жавоб беришди, ҳалос.

Мажлис тамом бўлди. Бечора Салим ака ва кассир Холмуратовни милиция олиб кетди. Охири суд бўлиб, раис, кассир, бухгалтер жиноий жавобгарчиликга тортилиб, турли муддатларни ўтаб, қайтиб келдилар. Умуман «Маданият» жамоа ҳўжалигида олдиндан ҳам судланган колхоз раислари бўлиб, шулардан Матёқуб ака, Жобберган ака, Ўразбой ака, Салим ака, Қодир акалар эди. Яъни, 5 та раисни биламан. Фақат Тажим Матсапаев ҳамда Юсуп Каримов судланмай қолишганди. Шу ўринда савол туғилади: «нима учун айрим жамоа ҳўжаликларида 20-30 йиллар давомида битта одам жавобгарликка тортилмайди. Лекин «Маданият» жамоа ҳўжалигининг 7 та раисдан 5 таси турли муддатларга жазога тортилиб кетдилар?»

Мен бошқаларни яхши билмайман. Аммо Салим ака атрофида қилинган ишлар айрим кимсаларнинг ўзлари мансаб олиш учун одамларни нотўғри йўлга бошлаганлигида эди. Мансабпарастлар мажлисларда ҳар турли бузғунчи ишлар қилишганди. Ана шулар оқибатида бегуноҳ, оз-моз қилинган хатоларни кўпайтириб кўрсатиш эъзига Салим ака шундай аҳволга тушди. Ана шу даврдаги раҳбарият сиёсати ҳам бу масалага бефарқ қаради. Салим ака ҳеч нарсани ўғирламади. У жуда меҳнаткаш, яхши инсон эди. Лекин уни бир неча кимсалар бирлашиб, шу аҳволга солганини ўзим биламан. Салим ака жазони ўтаб келгандан кейин, чилангар бўлиб Янгибозар СМУ идорасида кўп йиллар ишлади. У киши билан мен кўп маротаба суҳбатлашдик. Салим ака жуда улуғ инсон эди. Ҳеч кимни, ҳеч нарсани ёмонламасди. «Ҳай, ука тақдирда», деб қувноқ, ўз ҳаётидан шод бўлиб юрар эди. Унинг Баҳодир исмли, жуда тартибли яхши ўғли бор. Касби инженер қурувчи-муҳандис бўлиб, элда-юртда

обрули инсон бўлиб юрибди. Салим ака 75 ёшларида дунёдан ўтди. Уни ҳозир ҳам Чўболончи қишлоғининг кўпчилиги инсонлари яхши инсон сифатида эслашади.

Мен ҳаётим давомида, қайси қишлоқда, қандай ишлар ва яхши воқеалар бўлганини эслаб ўтираман. Чўболончи қишлоғидаги «Маданият» жамоа хўжалигида 7 раисдан, 5 таси жиноий жавобгарликда тортилиб кетганлигини юқорида ёзиб ўтгандим. Шу раислар ўз шахсий бойликларини кўпайтириш учун жамоа хўжалиги мулкни ўғирламадилар. Улар йўқ нарсаларни, режа бажариш учун ҳар турли жиноят, деб ҳисобланган ишларни қилдилар. Улар юқоридан берилган режа, топшириқ ва кўрсатмаларни адо этдилар ва шу ишларнинг қурбонига айланишди. Оиласи, бола чақалари, «отаси судланган», деган ёмон иснодга эга бўлдилар.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Чўболончи қишлоғи билан «Бўзқалъа» қишлоғи қўшни. Ушбу қишлоқда қийинчилик, айрим йиллари сув танқис бўлиб қолади. Чўболончи эса дарё, Қилич Ниёзбой канали ёқасида бўлганлигидан, ҳеч қачон сув танқис бўлмайди. Ер шароити ҳам Бўзқалъадан Чўболончи қишлоғиники яхши. Лекин «Бўзқалъа»да жамоа хўжалиги 1930 йил тузилган бўлса, то шу кунгача 3 киши қишлоқга раҳбар бўлди. Аммо ана шу 83 йил давомида бир киши ёки раис жиноий жавобгарликка тортилмади.

1930 йилдан 1960 йилларгача Матвапо ака Юсупов, 1960 йиллардан 1990 йилларгача Хўжамурот Сапарниязов жамоа хўжалигига раислик қилди. 1990 йилда то ҳозиргача қишлоқга Отаназар Абдираимов бош бўлиб ишлаб келаётир.

Қишлоқ обод, одамлари жуда одобли, кўчалари уйлари покиза, қалби тоза меҳнаткаш, меҳмондўст инсонлар яшайди. Бўзқалъа қишлоғи нима учун шундай деган савол туғилади. Шу қишлоқ ҳар уч тўрт йилдан сув танқислигидан энг кўп азоб тортади. Сабаби, қишлоқ дарёдан, Қилич Ниёзбой каналидан узоқ. Каналларнинг энг охирига жойлашган.

Матвапо Юсупов қарийб 30 йил жамоа хўжалигини бошқариб, жуда кўп инсонларни ўз қишлоғида меҳмон қилганини менга кўп маротаба айтиб берган. У Усмон Юсупов, Нуриддин Муҳиддинов, Шароф Рашидов каби республика раҳбарлари билан ўз қишлоғида бир неча маротаба суҳбат қилган, нон туз берган инсон. Матвапо ака, умрининг охиригача бутун элга, юртга вилоят, республикага мўътабар инсон сифатида яшади. У киши тарихни, айниқса Хива

хонлигининг тарихларини жуда яхши билар эди. Унинг Болтабой исми ўли бор. Ҳозир Болтабой отаси қумда яратган боғнинг фермери. Уни янада ривожлантирмоқда, отасидек унинг хонадониди, даладаги уйида отасини таниган инсонлар ҳар доим меҳмон бўлиб туришади. Матвапо ака ишини давом қилдирган Хўжамурот Сапарниёзов жуда одобли, пастфеъл, саводли инсон эди. У кишининг асли касби бухгалтер бўлиб, кейин раис бўлди. Хўжамурот ака билан мен ижроқўм раиси, назорат қўмитаси раиси, туман фирқа котиби вазифаларда ишлаганимда бирга ишлаганман. Жуда эътиборли, янгиликларга интилувчи, айниқса, бир инсонни ёки ўзининг жамоа хўжалиги аъзосини ёмон деб айтмаган. Жуда яхши инсон эди. Унинг Бахтиёр, Хожибой, Эркин, Махмуд исми фарзандлари бор.

Ҳозирги кунда ҳам Матвапо ака Юсуповни, ҳамда Хўжамурот ака Сапарниёзовни таниган одамлар, улар ҳақида жуда яхши сўзларни айтиб эслашади ҳамда руҳи-покларига дуолар қилишади.

Отаназар Абдирахимов ҳам ана шундай фидойилар элида туғилган. Асли касби инженер бўлиб, туманда раҳбарлик идораларда, Янгибозор СМУда бошлиқ бўлиб ишлаган. Кўп нарсаларга унинг ақли, фаросати етадиган инсон.

Мен Отаназар билан раис бўлгандан кейинги биринчи учрашганимда, у Хўжамурот ака, Матвапо акаларнинг номларини ҳурмат билан тилга олганди. «Мен уларнинг ишини давом қилдира билсам, ўзимни бахтли инсон деб ҳисоблайман», деган сўзи менинг Отаназарга бўлган ҳурматимни янада оширганди. У айтганини қилди. Қишлоқ аҳолисини ҳурмат қилди ва мана шу сабаб, 25 йилга яқин шу қишлоқ аҳли Отаназар Абдирахимовни ҳурмат қилиб, бирга ишлаётир.

Биз 2009 йил муқаддас ҳаж сафарига бориб келган ҳожилар, Маккаи Мукаррама, Мадина Шарифда бирга бўлган ҳожиларнинг уйларига меҳмон бўлиб туришга одатлангандик.

Шундай кунларнинг бирида биз бўзқалъалик Бекназар ҳожи бобонинг меҳмони бўлдик. Биз борсак Бекназар бобонинг боғида ҳамма гайёргарликларни қилиб Отаназар ўтирибди. У биз меҳмонларни самимий кутиб олди.

Мен Отаназарни таниганим учун «ҳа, раис бобо, сиз ҳам зиёфатга аъзо бўлдингизми?» дея ҳазиллашдим. Шунда у «Аминбой ака, ахир қишлоғимизга вилоятнинг ҳамма вилоятларидан 45 ҳожи бобо ва акаларимиз келса-ю, мен уларнинг қўлларини олиб саломлашмасам, мендан қишлоқ раҳбари чиқадими?» деб жавоб берди Отаназар.

Қаранг қандай инсон у, бир- икки соат вақтини аямасдан бизларни хурсанд қилди. Кўрган-кечирганларимиз, ҳаж зиёрати, таниган-билган инсонлар тўғрисида кўп гурунглашиб ўтирдик. Ҳамма ҳожилар Отаназарга раҳмат айтиб тарқалишди.

Энди мен ҳар икки қишлоқ тўғрисида ёзиб, шу асосий инсонларнинг тарбияси, шу тарбия жараёнида ўша қишлоқ, жамоа хўжалиги раҳбарларининг ўрни ва бурчлари ҳақида фикр юритиш керак, деб ҳисоблаб, юқоридаги мулоҳазаларимни яна ўқувчи ҳукмига ҳавола қилдим. Улар бу ҳақида ўзлари хулоса чиқарсалар ажаб эмас. Отаназар Абдиримов ҳозир ҳам эл -юрт хурматида, элига ҳалол хизмат қилмоқда. Мен юқорида, Ўразмат ака Қўчқоров, Султон Ортиқов, Юсуп ака Каримов, Садим ака Нурметовнинг бошларига тушган ташвишларнинг сабаби бор. Яъни, шу даврдаги айрим ноаниқликлар, ғаламис одамларнинг туҳматлари, даврнинг йўқ нарсаларни режа қилиб топшириқлар бериши, ёки шахсий ҳаётдаги ҳақиқий аҳволни тўғри тушунмаганликлари, бу борада бир шахснинг фикри билан иш қилиниши ёки айбланиши, умуман жамоатчилик масаласига, фикрига эътибор қаратилмаслиги, очиқ баҳо берилмаслиги оқибатида, шундай меҳнаткаш кишилар турли жазолар олиб, ишдан бўшатилишининг сабаби бўлса керак. Табиийки, бу масалани ўша вақтида айтиб ва ёзиб бўлмас эди. Энди бу гапларни эслашим, ёзиб ўтишимнинг боиси, ҳозирги авлодлар бунга ўхшаш оқибатларга дуч келмаслиги керак. Буларнинг бари, фақат тарих бўлиб қолсин, ёшларга сабоқ бўлсин, деган умид билан ёзаётirman...

Шундай қилиб, менинг бошланғич фирқа котиби ва раис муовини, деган вазифаларим охирига етди. Мени туман фирқа ташкилотининг ташкилий бўлими мудирини Хан Бен Нам хонасига чақириб, «Сен Тошкентга, Олий фирқа мактабига ўқишга кетасан. Вилоят, туман раҳбарияти бу борада сенга тавсия тайёрлади. Ўқишга кириш учун имтиҳон топширасан. Тезроқ тайёрлан», дея топшириқ берди. Мен тайёргарлик кўриб Тошкентга жўнаб кетдим. Тошкент Олий фирқа мактабини битказаётган гурланлик элдошим Римбой ака Ражапов ёнига боришимни Хан Бен Нам тавсия қилганди. Тошкентга самолётда учиб бордим ва ҳозирги Амир Темур хиёбони ёнидаги бинода Олий фирқа мактабининг ётоқхонаси бўлар эди. Шу ерга кечқурун етиб бордим, бориб «комендат», деган эшик ёзувига мурожаат қилсам, у ерда менинг исм фамилиям бор экан. Менга «34-хонага бординг» дейишди. Борсам бир йигит яшар экан.

У йигит Нукус туманидан Алламжар Мавланов деган, асли касби ўқитувчи бўлиб, олдин икки йиллик ўқитувчилар институтини тугатган экан. Ҳозир эса Нукус туман фирқа ташкилотида ишларкан. Хонага жойлашиб Римбой акани суриштириб, унинг олдига бордим. Римбой ака И.П. Дрижак деган хоразмлик киши билан бир хонада турар экан.

Римбой ака менга йўл-йўриқлар айтиб, кечкурун биргаликда «Шарқ» ресторанига овқатланишга бордик. Иван Петрович ўзбекчани Хоразм лаҳжасида гапирар экан. Римбой ака олий мактабни битириб Гурлан пахта тозалаш заводи директори, Хоразм пахта саноат бошқармаси бошқарувчиси бўлиб ишлади. 90 ёшида дунёдан ўтди. Жуда яхши инсон эди. Унинг ўғил- қизлари, невара- чеваралари бор. У ҳамма вақт менга дўст бўлиб йўл-йўриқ кўрсатган, тажрибаси, ўғитларини аямаган, устоз эди. Шу боис у билан бир-биримизни ҳурмат қилиб яшаб келдик.

Иван Петрович Дрижак эса вилоят фирқа ташкилоти ташкилий бўлим мудири, вилоят фирқасининг II-қотиби бўлиб ишлади. У киши ҳам мен билан жуда яхши муносабатда бўлар эди. У 75 ёшида дунёдан ўтди.

Мен Тошкентдан қайтиб келганимдан кейин отам, онам, Ўғилжонга «мени ўқишга қабул қилишлари мумкин, лекин менинг ўқишга боришни истамай турибман. Чунки уйда 4 та бола бўлса, отам, онам кекса, сен Ўғилжон болалар тарбияси билан бандсан. Ҳеч ким ишламаса, 4 йил қандай қилиб сизлар менсиз яшайсизлар», деб айтдим. Улар учаласи ҳам жим қолишди.

Шунда Отам босиқ овоз билан «Болам сен ундай деб ўйлама. Мен борманку, тирикман-ку! Худо хоҳласа болаларни ҳеч кимга, ҳеч нарсага зор қилмай ўзим уларни тарбия қиламан. Сенинг эндиги вазифанг Тошкентга кетмасдин олдин, хонадонимиз учун харажатларни ғамлаб берсанг бўлгани. Яқинда «Чўболончи»даги Бозорбойнинг дўконида бўлгандим. У ерда бугдой сотиб турган экан. Мана пулни ол, сигир сотгандим, шу пулга 3 тонна бугдой берар. Шунини уйга олиб кел. Кейин уйда 5-6 мол, 10 қўй бор. Ана шу ҳайвонларга қишга етарлик ем-хашак тайёрлаб бериб кет. Бошқасини ўзим иложини топаман болам», деб кўзига ёш олди. Мен ҳеч қачон отам-онамнинг гапига, «йўқ», деб жавоб бермаганман.

— Ота, яхши, сизнинг айтганларингизни қиламан, дедим.

— Ҳа, шундай болам сенинг ҳозирги саводинг етарли эмас, ҳозир райком ўқи, деб айтдим, албатта ўқишинг керак. Сен уйни

қайғурмасдан яхши ўқи, — дея насиҳат берди. Онам, Ўғилжон жим ўтиришарди. Шундай қилиб улар учаласи ҳам менинг ўқишим кераклигини айтиб рози бўлишди.

Отамнинг айтган ишларини 10-кун ичида бажардим. 3,5 тонна бугдой, мол-қўйларга ем-хашак ҳам олиб келиб жойлаштирдим. Уйни ҳам енгил таъмир қилган бўлдим. Ана шу тарзда, ота-онамнинг фотиҳасини олиб, яхши ниятлар билан келажакдаги орзу-умидлар билан, 25 август куни Тошкентга ўқишга кетдим.

ТОШКЕНТДАГИ ТЎРТ ЙИЛЛИК ТАҲСИЛ

Ўша вақтда Тошкент Олий фирқа мактабига, нафақат Ўзбекистондан, балки Ўрта Осий республикаларидан ҳам истиқболли деб билинган ёш, заҳирага олинган кадрлар ўқишга юбориларди. Мен ўқишга кирган гуруҳ, қолаверса, мен яшайдиган ётоқхонадаям шундай инсонлар бор эди. Шулардан бири, Андижондан Тажиохун Абдраҳимов бўлиб, ўрта махсус маълумотли агроном, туман фирқа ташкилотида йўриқчи бўлган. Шунингдек, туркменистонлик Бобомурод Бокулов (туркман) ва тожикистонлик Сайили Мирзошарипов (тожик)лар ҳам мен билан ўқишар, ётоқхонадаям бирга истиқомат қилардик. Сайли ака биздан анча ёши катта бўлиб, 1925 йил туғилганди. Жамоа хўжалигида раислик қилган, туман фирқа ташкилотида ишлаган.

Ана шу тарзда ўзбек, тожик, туркман, уйғур — 4 та миллат ётоқхонада яшайдиган бўлдик. Бизлар 4 тамиз ҳам бир гуруҳдаги тингловчилар эдик. Ўқишнинг дастлабки кунда Хоразмдан 5 тингловчи борлигини билдим. Урганч шаҳридан Бекберган Полванов ва Абдулла Собиров келган. Боғибек Жуманиёзов, Зеварой Султановалар эса Хонқа туманидан эканлар. Боғибек Жуманиёзов мен билан бир гуруҳда ўқий бошлади.

Шундай қилиб, ўқишлар бошланиб кетди. Эрталаб хиебондан 4- автобустга ўтириб, Олий мактабнинг шу йил бунёд этилган биносига ўқишга қатнай бошладик.

Ўқишлар фақат рус тилида олиб борилар, ўқишда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Жанубий Қозоғистон вилоятларидан тингловчилар бор эди. Олий мактабда степендия бериш тартиби, тингловчининг сўнгги ишида ким қанча маош олса, шу сумма миқдорида степендия қилиб берилар экан. Туман фирқа таш-

килотидан борганлар 80 сўм олар, мен жамоа хўжалиги раиси ўринбосари бўлиб 180 сўм олар эдим. Шу боис степендиям ҳам шунча миқдорда эди.

Тошкентдаги ўқиш даврим, менинг ҳаётимда катта ва унутилмас воқеаларга бой бўлди. Илм-у фан, маданият ютуқлари танишиш, шунингдек, турли миллат ва элатлардан келган инсонлар билан яшаш, ўқиш, уларнинг ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлдим.

Ўқишда турли миллатдаги кишилар билан яшашим сабабли, фақат рус тилида гаплашиш одат тусига кирди. 1961 йил октябрь ойининг охирлари эди, кечаси бестоб бўлиб, тез ёрдам чақириб, мени ТошМИга жўнатишди. Мен ТошМИга борган куним, кечаси хонада жой йўқлиги сабабли, даҳлизга кароват қўйиб беришди. Даҳлизда фақат ўзим эмас, бошқа касаллар ҳам бор эди. Врач 3 кун шифокорлик таҳлилини ўтказиб, менга «кўричак» деб ташхис қўйди. Лекин операция қилиш мумкин эмас экан. Чунки вақт ўтиб «кўричак» йиринглаб кетган, уни даволаш керак, холос. 15 кун ТошМИнинг 2-бўлимида даволаниб чиқдим. Шифокорлар менга «агар икки ой ичида оғриқ қайтадан бошланса дарров кел, сени операция қиламиз», дейишди.

Орадан вақт ўтди. Эртага 2 ой тўладиган кун, «мен врачга бораман», дея 30 декабрь куни хонада яшовчиларга айтиб, ухлаб қолдим. Бироқ, кечқурун соат 2:30 да қаттиқ оғриқ бошланди. Дўстим Бекберган Полванов «тез ёрдам» чақириб, мени яна ТошМИга жўнатди. Яна шу илгари даволаниб чиққан бўлимга бордим. Эртасига 31 декабрь, 1 январь мenden ҳеч ким хабар олишмади. Қизиги оғриқ тўхтаб қолди. 31 декабрь кечаси дўстларимиз Бекберган Полванов, Боғибек Жуманиёзов, Раъно Ражаповалар келиб, мени кўриб янги йил билан табриклашди.

Мен 1962 йилни шифохонада касаллар билан кутиб олдим. Янги йилни шифохонада байрам қилиш қандай эканлиги эсимда. Ҳар бир касал ўзи билан овора бўлиб, ҳеч қандай байрам, янги йил айёми кайфияти сезилмайди. 1962 йил 2 январь куни бўлим бошлиғи «профессор И. В. Василенко» деб ёзиб қўйилган хонага кирдим. Мен, «3 кундан буён шу ердан, мени ҳеч ким кўрмади, балким уйга кетарман», дедим. У ҳайрон бўлиб Иванов деган врачни чақирди. Унга менинг 15-кун шу ерда октябрда даволанганимни айтдим. Шунда у жуда ташвишланиб, «қани ўғлим, бу ерга ёт», деб диванни кўрсатди. Мени диванда ётқизиб, ўз қўли билан мени яхшилаб

текшириб, ҳалиги врачга «тез жарроҳлик амалиётини бошланг!» деб топшириқ берди.

Мени II-қаватга чиқариб жарроҳлик амалиётини бошлашди. Тиббиёт институтининг амалиётчи талабаларидан Девятков деган рус йигит, Ким деган корейс мени жарроҳлик қилишаётган пайтда, қараб суҳбат қилишди. Кейин уларга рухсат бериб юборишди. Жарроҳлик амалиёти, тахминан 1,5 соат бўлди. Жарроҳлик амалиёти тамом бўлмади. Менга негадир «наркоз», бермадилар. Ҳаммасини эшитиб, юқоридаги чироқ ёруғини кўриб ётибман. Мен охири, «доктор нимага кўп вақт ўтди. Операция тамом бўлмади», дедим. «дўстим, кўричакни тополмай ётибмиз», деб жавоб берди врач. Шунда мен «профессорни чақиринг, мен ўлиб кетмайин», деб қичқирдим. Шундан сўнггина профессор Васеленкони чақириб келишди. У нималар деб жаҳл билан гапирди ва яна ўзи асбоб олиб, менинг қорнимни кесиб, ўз ишини бошлади. Хуллас, 3 соат жарроҳлик амалиёти давом қилиб, тамом бўлди. Мени оғир касаллар ётадиган хонага олиб боришди.

Ҳар бир соатда Васеленко келиб, менинг кўзимни очиб кўрарди. Чунки, иситмам жуда кўтарилиб кетган эди. Шу тариқа профессор Васеленко келиб, турли муолажалар қилиб турди. Хайрият, шу сабаб 4 кун деганда иситмам пасайди. Тошкентдек шаҳри азимда, бирор бир яқиним бўлмаган ҳолатда, жуда оғир кунлар бошимдан ўтди. Менинг ҳол-аҳволимдан, фақат Бекберган Полванов, Раъно Раҳимова, Зевар Султанова сингари хоразмлик тингловчилар хабар олишарди.

Хонада фақат 4 киши эдик. Улардан иккитаси грек миллатига мансуб, биттаси татар, улар ҳам жуда оғир касаллар эди. 10-кундан кейин улар билан гаплаша бошладим. Греклар Грециядан келиб қолган асирлар экан. Бола чақалари Грецияда, ўзлари эса ватанларига боролмас эканлар. Агар боришса уларни Греция ҳукумати ҳибсга олишар экан. Татар кишининг ҳам жуда тили ёмон бўлиб туюлди. Ҳамма вақт, ҳар сўзида ҳукуматдан норози бўлиб гапирарди, сабаби уруш вақтида асирга тушиб, Германия, Америкага бориб қолган. «Чикаго шаҳрида автобус ҳайдадим» деярди у. «1956 йили шўро давлати элчилари бизларни олиб келди», деб бошидан ўтган кунларни гапирарди. Бироқ бу татар киши, жуда баджаҳл бўлиб, ҳаммани ёмон кўрарди. Шунингдек, оғзига нима гап келса гапираверарди. Бир куни икки йигит келиб уни олиб кетишди. Беш кундан кейин яна шифохонага қайтиб келди.

Ундан Грек ҳамхоналаримиз, «нима бўлди деб» сўради. «Ҳа, ҳар доим мендан хабар олиб туришади. Оғзингни қисиб юр, деб қўйиб юборишди», деди ҳалиги татар йигити. Лекин у ҳеч нарсадан қўрқмасдан гапираверарди. Ҳеч ким ҳеч нарса сўрамасада Американи мақтарди. Греклар бўлса «бизлар сиёсатга қўшилиб, ватангадо бўлиб юрибмиз, сен нима учун сиёсат мактабида ўқийсан?», деб мендан норози эдилар. Мен уларга тушунтирмоқчи бўлиб сўзлар эдим. Лекин улар ҳеч нарсага тушунишни истамас эдилар. 20 кун улар билан бирга ётдик. Кейин уларнинг учаласи ҳам чиқиб кетишди.

Мен жами 62 кун шифохонада бўлдим. Аҳволим жуда ёмон бўлиб, оғир операция жойига шланкалар қўйилиб, шундан доимий қон, йиринг оқар ва қорнимнинг кесилган жойи битмас эди. Тез -тез иситмам кўтарилиб гурарди. Хуллас, касаллигим сабабли, ўқиш ҳам қолиб кетди. Қишки ярим йиллик имтиҳон вақти келди. Гуруҳ раҳбаримиз Анвар Эшонхўжаев келиб, «бир амаллаб имтиҳонга қатнашгин, кейин қарз бўлиб кетсанг оғир бўлади», деб мени имтиҳонга боришга ундади.

Шифохонадан чиқиб имтиҳонларга бора бошладим. Ўшанда, жуда озиб кетган, аҳволим ниҳоятда оғир эди. Бекберган Полванов мени таксида олий мактабга олиб борар, қаватларга чиқиш жуда оғир эди. Аммо имтиҳон учун қолдирилган дарсларни китобдан ўқиб, учта имтиҳондан ўтдим. Ўқитувчилар ҳам, гуруҳимиздагилар ҳам мени кўриб, менга ҳамдардлик қилгандай бўлар эди. Шу нарса мени бир оз тетиклаштирди.

Шундан сўнг ўн кунлик таътил бошланиб, мен уйга самолётда қайтдим. Мени аэропортда техникумда бирга ўқиган дўстларим— Нурилла Алимов, Ўразмат Жумамуратов, катта ўғлим Саъдуллалар кутиб олиб, уйга олиб кетишди. Уйдагилар менинг аҳволимни кўриб нима бўлди, деб қўрқиб кетишди. Чунки, мен шифохонада ётганимни ҳеч кимга айтмаган эдим. Шу куни уйга Ибрагим ака Холметов келди. У бизларга қариндош, ҳамда шу мен яшаб турган жамоа хўжалиги раиси эди. У менинг аҳволимни кўриб, «эртага сени ўзларимизнинг туман шифохонасига олиб бораман, врачга кўрса-таман», деди.

Шу тариқа, эртасига Ибрагим ака билан И.Л. Ким, Искандар Гулмановлар хонасига бордик. Шифокорлар менинг операциямни кўриб, ҳайрон бўлишди. «Нима учун шунча вақтдан буён битмаган», деб ўзлари жарроҳлик қилинган жойимни тозалаб нималардир қилишди. Шундай қилиб, уйда 10 кун яшагандан кейин яхши

аҳволга келдим. Ўғилларим-у, қизларимни, отам-онам турмуш ўртоғим, қариндош уруғларни, дўстларим дийдорини кўрганим учун тезда соғайиб кетдим.

Тошкентга бориб, ўқишни давом қилдира бошладим. II-босқичга ўтдик, ётоқхонада бошқа инсонлар билан яшай бошладик. Қува туманидан, мендан 9 ёш катта Содиқжон Отажонов, нукуслик Алламжар Мавланов, шўрчилик Абдиқодир Абдусаттаров, тожикистонлик Сайнали Мирзашариповлар билан бир хонада яшардик. Ётоқхонадаям, гуруҳда ҳам энг ёши мен бўлиб, ўшанда 24 ёшда эдим.

1962 йилнинг ёзида уйда 40 кун таътилда бўлдим. Шу вақтда молларга ем-хашак тайёрлаб қўйдим. Ўша йили ҳамма жойда нон учун ун камчилиги сезилди. Отам менга ўқишга кетишдан олдин пул бериб, 3,5 тонна буғдой олдиргани жуда яхши бўлган экан. Чунки ун йўқ, буғдойни тегирмонда эшак билан тортириб келардик. Оиламизда буғдой бўлганидан ун танқислигидан қийналишмади. Отам-онам, Ўғилжон боғ ичига ва ташқаридаги ерларга, ҳамма егулик нарсаларни экканди. Шулар ҳисобига оиламиз бошқалар каби унча қийналаётгани йўқ эди. Ана шу сабабдан ҳам оиламиз тўкинроқ яшаганлиги учун, Тошкентда бемалол ўқир эдим.

II-босқич бошидан ўқишлар жадал бошланди. Шу йили Н.С. Хрущев Марказий Комитет раҳбарлигида ўзининг янгича маъмурий бошқарувини йўлга қўймоқчи бўлди. Вилоятларда шаҳарлар фирқа ташкилоти, қишлоқлар фирқа ташкилоти тузилди. Қишлоқ туманлари йириклаштирилиб, туман фирқа қўмиталари (фирқа қўмитаси-қишлоқ хўжалик бошқармаси тузилиб) ташкил этилди. Туманларда қишлоқ хўжалиги бошқарма бошлиқлари, мутахассислардан бўлиши керак, ишлаб чиқаришни мутахассислар бошқаради, деган ёндошув бошланди.

Гурлан тумани қишлоқ хўжалиги бошқармасига, вилоят қишлоқ хўжалигида ишлаб юрган, касби аграром Шерифбой Қурбанов бошлиқ қилиб тайинланди. Туман фирқа котиби вазифасига, илгари Урганч туманида шу вазифада ишлаб келган Рўздат Ғойипов сайланди. Гурланда фирқанинг биринчи котиби бўлиб ишлаётган Матюсуп Раҳимов, туман ижроқўмига раис вазифасига тайинланди. Туманда шу тарзда уч раҳбар пайдо бўлди. Учала шахс ҳам ҳар хил феъл-атвордаги инсонлар эди.

Ўша йили олий мактабда ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Шаҳардан келган ўқувчилар Саноат шаҳарлар группасига, қишлоқ районла-

ридан келган бизлар эса қишлоқ хўжалиги бўлимига, журналистлар бошқа группаларга тақсимланди. Энди ўқиш программалари ҳам ўзгача, биз қишлоқ группалари қишлоқ хўжалиги бўйича ўқитилар эдик.

Ижтимоий фанлардан «Фалсафа», «Сиёсий иқтисод», «КПСС тарихи» ва бошқалари умумий дастур билан маъруза ўқиларди. Ўша вақтда 2-босқич гуруҳларда 116 нафар тингловчи бор эди. Ҳаммамиз бир аудиторияда маъруза тинглар эдик. Ўқиш билан бирга, энди шаҳар ҳаётини бироз ўрганиб, ҳар ҳафтанинг охириги куни театрларга («Ҳамза», «Муқумий», «А. Навоий», «М. Горький») боришни одат қилдик. Якшанба кунлари кинога борар эдик. Ўша йиллари телевизор энди оммалаша бошлаган, уни ҳар кун и кечқурун ётоқхонада ҳайратланиб кўрардик. Телевизор ўша давр учун янгилик бўлиб, 100-150 киши бўлиб томоша қилар эдик.

Олий мактабининг II курс тингловчилари сентябрь ойида биринчи маротаба пахта теришга жалб қилди. Пахта териш Еттисой туманининг «Пахтаорол» давлат хўжалигида бўлди. Кейинчалик ушбу туман Қозоғистон ихтиёрига ўтказилди. Сабаби, Еттисой илгари ҳам Қозоғистон республикасиники бўлган экан. «Пахтаорол» хўжалигида тожиклар, немислар яшар экан. Руслар ҳам раҳбарий лавозимларда бор экан. Бизларга ётоқхона қилиб, хўжалик бўлимининг катта маданият саройини ажратишди. У ерга икки қават каравот қилиб, самон тўшаб тайёрлаган бўлиб, бу масканда тахминан 350 тингловчи жойлашганди. Шу тарзда бу ерда 3-кун ухладик, лекин шунча одам билан ухлаш мумкин эмас эди. Шунинг учун бир немис миллатига мансуб кишининг уйидан ижарага хона олиб, Шодманов, Мавланов, Мирзашарипов деган гуруҳдошлар билан бирга яшай бошладик.

Мен пахта термасдан билан теримчиларнинг терган пахтасини ўлчаш, уларнинг ҳисоб-китобини олиб бориш билан шуғулландим.

Далада тушлик овқат асосан қарам шўрва истеъмол қилар эдик. Овқатларни от араваларда далага етказиб беришар эди. Кечқурунлари ётоқхонамизда овқат қилардик.

Кечқурун бошланғич фирқа ташкилотида ҳар бир гуруҳни фирқа котиби «ким, қанча терди» деб ҳисоб-китоб қилиб борарди. Кам терганларни йиғилишда муҳокама қилишар эди. Айниқса «Парт» деган деворий газета ҳар турли танқидий расмлар билан кам теримчиларни танқид қилиб борарди. Ўша йили пахта терими чўзилиб кетди. Қарийиб 72 кун пахта терилди. Далада пахта тамом, йўқ

бўлсада, бизларга рухсат берилмас эди. Ҳеч ким, ҳеч нарса деб айтолмайди, қўрқишарди.

Пахта тугаб, ўқишлар давом қилиб, II босқич ҳам тугади. Ҳар йили I май байрамида, ҳамда 7 ноябрь байрамида уйга борардим. Самолётда уйга келиб кетишим учун 9 сўм 30 тийин бориш, қайтиш яна шунча сўм. Икки-уч кун уйда, ота-онам, Ўғилжон, фарзандлар даврасида бўлиб, яна Тошкентга қайтардим. Айрим ҳолларда дарснинг аҳволига қараб, байрамсиз кунларида ҳам уйга бориб келардим.

II-босқичда фалсафа ва сиёсий иқтисод фанлари ўқиши тамом бўлди. Марказий Қўмита ўтиб бўлинган фанлардан давлат имтиҳонлари олиш тўғрисида қарор чиқарибди. Шу эвазига III-курс бошида «Фалсафа», «Сиёсий иқтисод» фанлари бўйича имтиҳонлар белгиланди.

Бир ой давлат имтиҳонларига тайёргарлик бошланди. Лекин 15 кун тайёргарликдан кейин 3-босқич тингловчиларини Сирдарё туманидаги «Малик» давлат хўжалигига пахтани яғана қилиш, бегона ўтларни тозалаш учун жўнатишди. Тингловчиларнинг гапига қараганда, ректор В. И. Даленконинг ўзи Марказқўмдан сўраб, биз яхши иш қилиб берамиз, деб айтган эмиш. Ҳамма тингловчилар, ўқитувчилар биргаликда далада, пахтани ёввойи ўтлардан тозалаш билан 12 кун шуғулландик. Шу сабабли ректор Даленкони ҳамма ёмон кўриб қолди. Бахтга қарши, шу йили май ойи охирида олий мактаб бошланғич фирқа ташкилотининг ҳисобот мажлиси ўтказилиши белгиланганди. Йиғилишда 11 кишидан иборат фирқа ташкилоти бошқарув таркиби сайланиши керак эди. Албатта, бу таркибда тайёргарлик бўлиши шарт эди.

Аммо тингловчилар Даленконинг ташаббуси билан пахта даласига чиққанлигимиздан безор бўлиб, ушбу мажлиснинг ёпиқ яширин овоз бериш йўли билан бўлган сайловида Даленкога 320 киши қарши овоз бердик. Натижада ректор Даленкони бошланғич фирқа ташкилот хайъати аъзолигига сайламадик. Шу сабаб, бир ойдан кейин Марказқўм Даленкони ректорлик вазифасидан олиб ташлади. Ректор бўлиб Бобожанов деган киши тайинланди.

Давлат имтиҳони фалсафа фанидан бошланди. Бир кунда 4 та гуруҳда ҳам имтиҳон бўлди. Имтиҳон натижасига кўра, гуруҳдаги 116 кишидан фақат 4 та киши аъло баҳо олибди. Қирғиз М. Хўжаев, туркман А. Бобомуратов, тожик Ш. Гулдирбеков, ўзбеклардан мен.

Марказқўм котиби Волков умумий йиғилишни очиқ деб эълон қилиб, кун тартибда Кремлда бўлиб ўтган йиғин қарори ҳақида

маълумот берди. Волковнинг ўзи кеча Москвадаги Марказий Қўмита йиғилишида иштирок этганлиги, давлат ва ҳукумат раҳбари Н.С. Хрущевнинг ишдан олганини маълум қилди. Волковнинг бу сўзларини эшитиши биланоқ тингловчилар «ура! ура! ура!» деб қичқариб юборишди.

Н. С. Хрущевнинг хатолари, камчиликлари тўғрисида сиёсий бюро котиби М. А. Суслов маъруза қилгани, шундан сўнг, йиғилиш иштирокчилари уни ишдан бўшатишга қарор қилганини таъкидлаб ўтди. Марказқўмнинг бош котиби қилиб, Л.И. Брежнев, Вазирлар Маҳкамаси раиси қилиб, Н.А. Косигин тайинлангани тўғрисида ахборот берилди. Шунда ҳам «ура! ура! ура!» деган овозлар эшитилди.

Эртасига пахта даласида юрсак, жамоа хўжалиги раиси Ҳамроқул Турсунқулов бизларнинг ёнимизга келди. У киши айтдики, «мен ҳозир Тошкентга бориб, янги раҳбарларни табриклаб, телеграмма бериб келаётиман, ўртоқлар», дея бизлар билан гаплашиб ўтирди.

Шундай қилиб 1953 йилда ҳокимиятга келган Н. С. Хрущев 1964 йил октябрда ишдан четлаштирилди. Албатта, бу воқеалар тўғрисида кўп китоблар ёзилган. Кинолар ишланган. Ҳозир ҳам Москва телевидениеси бу борадаги қўллаб тарихий воқеаларни ёритиб келаётир.

Мен ҳозир яқин ўтмишдаги хотирларимни жонлантираётим, фақат шу даврда бўлган воқеаларни эслаб ўтаётиман. Мен у тўғри, бу тўғри деб ёки нотўғри деб даъво қилиш ҳам ниятим йўқ. Чунки сиз китобхонларда, булар тўғрисида етарли маълумотлар бор. Мамлакат ҳаётига таъсир қилган бу воқеалар тўғрисида, телевидение, газета, китоб, кинолар ва сиёсатшуносларнинг хулосалари бор. Бўлиб ўтган бу воқеаларга баҳо беришда, ҳар бир инсоннинг ўз фикри бор, деб ҳисоблайман.

Олий мактабни битириш учун 2 та фандан давлат имтиҳони топшириш белгилаб қўйилди. Энди «Фирқа тарихи», «Халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги иқтисоди», деб номланган фанлардан давлат имтиҳони топшириш, ҳамда диплом ишимизни ҳимоя қилиш керак эди.

Ҳамма битирувчиларни турли вилоятларга диплом олди амалиёти учун жўнатиб юборишди. Қорақалпоғистоннинг Манғит туманидан Раъно Ражапова, қўнғиротлик Холбой Ёқубов, чимбойлик Майдон Ўразов ҳамда мен Хоразм вилоятининг Шовот туманига амалиёт учун юборилдик. Тақсимот йўлланмасига кўра, Шовот туман фирқа ташкилотига ва унинг биринчи котиби Ҳасанбой Матрасулов олдига

кирдик. У бизларни жуда яхши кутиб олди. У ҳам биз ўқиётган Тошкент Олий фирқа мактабини битирган эди. Ундан ташқари Ҳасанбой Матрасулов Марказқўмда ишлаб юрган вақтида, у киши билан таниш бўлиб қолгандим. Ҳ. Матрасулов билан шаҳарни бирга томоша қилиб, театрларга ҳам борар эдик.

Ҳасанбой ака мени яхши танишини ёнимдаги ҳамроҳларимга таъкидлаб ўтди. Биз тингловчиларни Шовот туман марказига яқин Киров номидаги жамоа хўжалигига амалиёт ўташ учун борасизлар деб айтди. Шу билан бирга, ўзининг машинасига миндириб манзилга олиб борди.

Қишлоқда раис Меҳнат Қаҳрамони Каримбой ака Раҳимов, бош ҳисобчи Маҳмуд ака Саидов, фирқа котиби Комилжон Нуржановлар кутиб олишди. Ҳасанбой ака Матрасулов бизларнинг қандай иш учун келганимизни, бизларга етарли яшаш шароити ва ишлаш имкониятлари тўғрисида бирма бир раис бобога топшириқлар берди. Бизларни ташлаб кетаётиб Ҳасанбой ака, «Каримбой ака (раис бобога) сиз бу амалиётчиларга яхши ширут яратиб беринг. Яна сўнг ўзингиз бу кишилардан уялиб юрманг. Ҳали кўрасиз гурланлик Аминбой Гурланга биринчи котиб бўлади. Шунини билиб қўйинг», деб ҳазил қилгандай бўлди.

Бизларга бошқарув идорасининг ўзидан 2 та хона ажратиб беришди. Ҳамма керакли нарсалар жуда яхши қилиб ташкил қилинди, ҳамда ошпаз Қуронбой бобо деган кишини чақириб: «шу меҳмонлар нима деса, шу нарсани тайёрлаб берасиз», деб қаттиқ тайинлади.

Биз 4 та талаба ўзларимиздаги нимани ўрганиш тўғрисида олий мактабдан берилган саволлар, мавзулар бўйича иш бошладик. Менга олий мактабдан «Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш йўллари» деган мавзу берилганди. Мавзу юзасидан жамоа хўжаликда қилинган ишлар бўйича таниша бошладим. Орадан бир неча кун ўтиб, Тошкентдан домламит Анвар Эшонхўжаев келиб, амалиётчиларнинг қилаётган ишлари, қилиниши керак бўлган режалар бўйича тушунтириш бериб кетдилар.

Амалиёт давомида, жамоа хўжалигида мутахассисларнинг, раиснинг иш услублари билан танишдик. Туман раҳбари Ҳасанбой ака ҳар икки уч кундан келиб, бизлар билан чой ичиб, суҳбатлашиб кетар эди. Раис Каримбой ака бизлар билан ҳар доим овқатланар, хўжаликда олиб борилаётган ишларни айтиб берар эди. У вилоятда, туманда жуда катта обрў эътиборли инсон эди. У кишининг ўзи

кам савод, лекин жуда ҳаётни яхши биладиган, дилкаш инсон эдилар. У кишининг қизи Назира опа Гурланда Абдулла Бобо-жоновнинг турмуш ўртоғи. Абдулла билан жуда яхши турмуш кечириб яшамокдалар.

Карим ака кейинчалик мен ўқишни битириб ишлаб юрган вақтларимда, қизининг уйига келиб, туман раҳбарларига зиёфат бериб кетарди. У киши доимо «Мен Аминбойнинг устозиман. Қани, қачон райком бўласан?» дея ҳазиллашар эди. У вафот қилгандан кейин Киров номидаги жамоа хўжалиги Карим Раҳимов номи билан атала бошланди.

Амалиётни тамомлаб Тошкентга бориб, ўқишларни давом қилдира бошладик. Давлат имтиҳонлари ҳам тамом бўлди. Хайрлашув вақти яқинлашди. Бир куни мактабимизда Сирдарё вилоятининг биринчи котиби Носир Маҳмудов, Ўзбекистон Марказқўмининг ташкилий бўлими мудирлари Орлов келиб, биз ўзбекистонлик тингловчиларни ректор Бобожанов хонасига чақира бошлади. Шахсан менга мактабимиз фирқа котиби Х. С. Эргашева «сиз соат 4:00 да ректор кабинетига бўлишингиз керак», деб тайинлади. Мен «нима учун?» деб сўрасам «иш масаласи», деди.

Айтилган вақтда ректор қабул хонасида бўлдим. Борсам бошқа вилоят — Фарғона, Андижонлик битирувчилар ҳам бор экан. Ҳеч ким, ҳеч нарса демайди. Хайрон бўлдим. Мени ректор хонасига киришимни айтишди.

Ичкарига кириб салом бердим. Ректор хонасининг юқорисида Сирдарё вилояти раҳбари Маҳмудов ва ректор И. К. Бобожанов, Марказқўм бўлими бошлиғи Орлов, мактаб фирқа котиби Эргашевалар бор экан. Менга Маҳмудов «сиз хоразмлик сув хўжалиги мутахассиси экансиз, яна Гурландан экансиз. Пошша опа Маҳмудовани биласизми?», деб опани суриштира бошлади.

— Ҳа, биламан у киши РАЙПО раиси бўлиб ишляпти, деб жавоб бердим.

Унинг бола-чақалари ҳақида сўради. Мен билганимни айтдим. Кейин вилоят раҳбари Маҳмудов: «Ўзбекистон Марказқўми 1965 йил Олий мактабини битирувчиларидан бизга ёки янгидан ташкил қилинган Сирдарё вилоятига 35 нафар битирувчиларни ишга жўнатиш тўғрисида қарор чиқарган. Шу муносабат билан сизни Сирдарёга ишга таклиф қилаётимиз», — деди.

Мен бир оз индамай турдим. «Ҳа, нима бўлди, жавоб бермай-сизми? — деб вилоят раҳбари менга қараб турди. Мен яна индамадим,

нима деб айтишга тайёр эмас эдимда. Чунки, мени июль ойида Гурлан туман фирқа ташкилоти конференциясида ҳайъат аъзоси қилиб сайланганим тўғрисида, туманимиз иккинчи котиби номидан табрик телеграмма олгандим. Шу боис, Гурланга ишга бораман деб ишониб юрган эдим. Ҳамма домла, бирга ўқиб юрган дўстларимиз мени табриклаб, энди сенинг ишинг аниқ деб юришганди. Мен ҳам шунга қаттиқ ишониб юрган эдим.

Вилоят раҳбари Маҳмудов, «Ука, партия сизни ўқитди. Сизни ишга ҳам ўзи юборади, шунинг сиз яхши билишингиз керак», деб жиддий қиёфада гапирди. У киши менга 3 та вазифани таклиф қилди. Сирдарё вилоятининг Ильич туманига III-котиб, ёки битта янги давлат хўжалиги тузиб, сизни директор қиламиз, бутун Гурландан, Хоразмдан қўриқ чўлни ўзлаштириш учун одамларни олиб келасиз, деб айтди. Агар шу ишлар тўғри келмаса, вилоят сув хўжалиги бошлиғи ўринбосари бўлиб ишланг, марҳамат. Уй берамиз, транспорт берилади, оилангизни кўчириб келиш учун», деб гапирди.

Бироқ, мен нима деб айтишни билмай индамай ўтирдим. Шунда «Нима гап? Нега индамайсиз?» — деди Орлов, — тўғри сени Гурлан туман фирқаси ҳайъат аъзоси қилиб сайлашгани бизга маълум, бироқ Марказқўм топшириғи бажарилмаса нима бўлади? Бу ҳақда ўйлаб кўринг», деди.

Шундан сўнг, «Менинг уйимда 5 та ёш болаларим, кекса отам, онам борлиги тўғрисида гапирдим. Улар бироз индамай қолишди. Лекин Маҳмудов «Сиз бизга ишлагани борсангиз яхши бўлади. Ота онангизни ҳам олиб келинг, янги уйлардан жой берамиз», деди. Мен яна «отам, онам билан бир гаплашайин», дедим. «Хўп», деди Орлов, — сиз яхши ўқигансиз, сизнинг келажагингиз янги ерларда эмасми, ахир?» деди. Ўйланг деб менга рухсат беришди.

Ўша вақтда Гурлан тумани раҳбари бўлиб Худайберган Раҳимов сайланган эди. У киши мени давлат имтиҳони вақтида Тошкент меҳмонхонасига чақириб, танишиб «яхши ўқиб бор, туманга керак бўласан, суриштирсам Вапо бригадирнинг ўғли экансан, бирга ишлаймиз», деб айтган эди.

Ана шу бўлди, мен албатта Гурланга ишга бораман, деб қаттиқ ишонгандим. Шу боис, телефонда Х. Раҳимовга аҳволимни айтдим. У киши менинг кекса ота-онам, беш фарзандим борлигини тушуниб, «қисинма ука, обком номидан Марказқўмга хат жўна-тамиз», деди телефонда. Уч кун ўтди. Мактабимиз фирқа котиби, мени чақиртириб, эртага Ички ишлар вазири Яҳёев келади, у билан

суҳбатга келинг», деб тайинлади. Эртасига ректор хонасига 8 киши чақирилиб, Х. С. Эргашева бизларни Ички ишлар вазирлигига олиб боришди. Ички ишлар вазири Ҳайдар Яҳёев хонасига фирқа котибимиз Эргашева билан якка-якка кирдик. Мен билан саломлашгач:

— Сизни Қоратовдаги жазони ўташ ташкилотига тарбиявий ишлар бўйича ташкилот раҳбарининг ўринбосари вазифасига ишга тайинлаймиз, милиция зобити унвони, кийими, уй берамиз, оилангизни кўчириб олиб борасиз, сизнинг Гурлан у ерга жуда яқин. Шундай эмасми? — деб менга савол берди.

Мен фақат «ҳа, яқин» деб жавоб бердим. Кейин оилавий аҳволимни тушунтириб,

— Ўртоқ Яҳёев, менинг уйимда отам-онам кекса, 5 та ёш фарзандим бор. Мен ҳеч қасрга кўчиб ўтолмайман, армияда хизмат қилмадим, ҳарбийда ёки милицияда ишлай олмасам керак, — дедим.

Вазир Яҳёев, Эргашевага қаради:

— Ҳа, нима деймиз. Милицияда ишлашни ҳавас қилиб юрган одамлар кўп. Биз ҳаммани ҳам ишга олавермаймиз, лекин сизни партия ташкилоти таклиф қилаётир, ихтиёр сизда. Биз нима қилар эдик, мажбур қилиб ишга ололмаймизку, яна юқори ташкилот билади, — деб гапини тўхтатди. Эргашева ҳам ҳеч нарса демади ва менга «рухсат, бораверинг», деди.

Бизлар борган 8 кишидан 5 таси жуда хурсанд бўлиб, ишга милицияга борамиз, деб қайтишди. Мен ва яна 2 та фарғоналик Юсупов, Каримовлар мен каби жавоб бериб қайтдилар.

Орадан 7 кун ўтди. Мени яна Эргашева чақирди. Мен ва яна 4 киши бор эди. Бу сафар Эргашева бизларни Ўзбекистон Марказқўмига олиб борди. Мен жуда хавотир олиб бордим. Чунки икки марта ишга қаршилик қилиб бормадим. Энди нима бўларкин, деб андиша қилдим. Мени Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчи деб аталувчи вазифасида ишловчи Зайниддинов деган кишининг хонасига олиб киришди. У мени эскидан таниган кишидек, яхши кутиб олди.

— Ўқишни аъло баҳога битирибсиз, жуда яхши. Уйдагилар яхшими. Хабар олиб турибсизми, деб менинг кўнглимни кўтарди. Кейин, сиз Сирдарёга бормаيمان, милицияда ишламайман дебсиз — деди.

— Ҳа, мен бормаيمان демадим, лекин менинг оилавий аҳволим тўғри келмайди, — дея жавоб қилдим. «Ҳа, ҳа» деб бироз индамасдан

ўтирди. Кейин «тўғри, ота-она олдида бўлиш яхши, лекин партия талаб қилса нима қиласиз?» деб, яна индамай ўтирди. Гарчи, Зайниддиновнинг индамаслиги, жуда қисқа дақиқалар бўлсада, менга узоқ вақтдек сезилди.

— Хоразм вилоят фирқа қўмитаси сизни сўраб бизга мурожаат қилди. Сизнинг туманингизда давлат назорати комитети раиси вазифасига тавсия қилишди. Сиз бу таклифга нима дейсиз? — дея менга қаради Зайниддинов.

Мен секинроқ қилиб «ҳа, яхши», дедим.

— Ёки бунга ҳам йўқ дейсизми? — деди менинг секингина жавоб беришимдан таажжубланиб Зайниддинов. Аслида ичимдан жуда хурсанд эдим.

— Агар ишонч билдиришса, мен розиман — дедим.

— Яхши, яхши, — деди Зайниддинов.

Шундан сўнг Зайниддинов фирқа, ҳукуматнинг бу назорат ташкилотига жуда катта эътибор бераётганини таъкидлаб ўтди:

— Чунки, бу жуда нозик, оғир иш. Негаки, бировларни текшириш, хатосини топиш, унга тўғри баҳо бериб, тегишли қарор қабул қилиш — жуда масъулиятли вазифа. Сиз шу нарсага эътибор беринг, ука! — деди.

Мен «хўп», деб айтдим.

Суҳбатимизга Эргашева ҳам қўшиди:

— Аминбой энг яхши тингловчи бўлиб, аъло баҳоларга давлат имтиҳонларини топширди. Ўйлайманки, бу ишда ҳам ўзини кўрсатиб давлатимиз учун астойдил меҳнат қилишига ишонаман — деди.

Биз раҳмат айтиб, Марказқўмдан эндиgina чиққанимизда, бизни Зайниддинов яна чақирди:

— Ҳозиргина менга Хоразм обкомидан телефон қилишди 2 кундан кейин, Тошкентга Матюсуп Раҳимов обкомдан ҳужжатларни олиб келади. Сиз Тошкентда у киши билан учрашишингиз керак. Сизни керакли кишилар ҳузурига олиб бориб, суҳбатдан ўтказишар экан. Сиз Олий мактабдаги жойингизда бўлиб туринг. Биз Эргашевага сизни қаерга, қачон боришингизни айтамиз, — деди.

Биз шу гапни эшитиб чиқиб кетдик. Тошкентда Матюсуп Раҳимовни кутиб етти кун қолиб кетдим. Кейинги куни мени Эргашева чақириб, эртага «Тошкент» меҳмонхонасига Раҳимов келар экан. Шунга сиз бориб учрашасиз», деб топширди. Ҳақиқатдан ҳам, эртасига «Тошкент» меҳмонхонасига бордим. Матюсуп Раҳимовнинг қайси хонада яшагини билиб олдим. Борсам Хоразм вилоят давлат

назорати комитети раиси М. Рахимов ва унинг ўринбосари Абдулла Оллаберганов ҳам бор экан. Улар менинг Олий фирқа мактабини битиришим билан табриклашди.

Матюсуп Раҳимов кимларгадир телефон қилиб, эртага соат 11:00да Марказқўмда бўлишимни аниқлади. Эртаси соат 11:00да Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.М. Мусоханов хонасига М. Раҳимов билан бирга кирдик. Менга Раҳимов «сен қаттиқроқ сўзла, Мусоханов яхши эшитмайди», деб огоҳлантирди. Биз киришимиз билан Мусоханов ўрнидан туриб саломлашди ва мени мактабни битиришим билан табриклади.

— Ука, сенга бир гапни атай. Сени катта масъулиятли вазифага вилоят раҳбарлари таклиф қилаяптди. Сен ҳеч қачон кўлимда ҳуқуқ бор деб, бегуноҳ одамларга азоб берадиган иш қилма, — деди Мусоханов. Сўнгра, Раҳимовга қараб:

— Яхши, мен розиман. Ёш йигит ишга тушаверсин, райком бу масалани узил-кесил ҳал қилади. Ҳа, ҳали обком ҳайъати ҳам тасдиқлаши керак, — деди-да, «сизга муваффақият!», деб қўлини узатди.

Мен тўғриси шунча ташвиш ва қийинчиликлардан кейин ўзимнинг туманимга ишга юбораётганлигидан жуда хурсанд эдим. Матюсуп Раҳимов туманга раҳбар вақтида мени Олий мактабга ўқишга жўнатган инсон. У яна мени ишга тайинлашда ҳам катта ёрдам берди.

У киши жуда яхши инсон эди. Биз кўп йиллар бирга ишладик. У билан яхши, дўстона, ака-укаларча муносабатда бўлдим, ҳолаҳволидан ҳамиша хабар олиб турдим. Матюсуп ака 72 ёшида вафот этди. Ундан Даврон, Алишер исмли ўғиллари ва қизлари ёдгор бўлиб қоли.

Энди Тошкентдаги тўрт йиллик таҳсил тўғрисида тўхталсам. Мен қишлоқ мактабини, техникумни битириб, 5-6 йил ишлаб, Олий мактаб деб аталувчи ўқишга боришим, шу даврда менинг учун катта гап эди. Чунки у мактабга ҳаммани ўқишга олмас, туман, вилоят тавсиялари ва ҳар хил текширишлардан ўтиб бориш керак эди. Ўқишга борган йигит қизлар мендан кўпи катта, 35 ёшгача бўлган кишилар эди. Кўплари жуда катта лавозимларда ишлаган инсонлар, ёки икки йиллик институтларни битирган, тўлиқсиз олий деган маълумотга эга инсонлар эди.

Шундай бўлсада, менинг техникумда русча ўқиганим ва кундалик дарсларга жуда диққат билан қараганим туфайли, мен

ўқишдан жуда кўп илм олдим десам, тўғри бўлади. Мактабда тартиб жуда қаттиқ эди. Ҳеч ким дарс қолдирмас, агар сабабсиз қолдирса ёки ўқишларни ўзлаштирмаса фирқа йиғилишларида, муҳокама қилинарди. Шундай ҳоллар ҳам бўлдики, дарсларни ўзлаштирмаган ёки юриш-туришда нотўғри ҳаракат қилган бир неча тингловчиларни мактабдан чиқариб юборганини яхши биламан. Тингловчиларга дарс бериш учун энг яхши, етук домлаларни мактабга таклиф қилишар экан. Олий мактаб, Москва орқали — Марказий Комитет томонидан молиялантирилар экан. Шунинг учун ўқишлар ва амалиётлар тўлиқ дастур асосида олиб борилад эди.

Мактабнинг яна бир яхши томони 5 та республикадан тингловчилар бўлиб, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон вилоятларидан тингловчилар бор эди. Уларнинг 25-30% рус миллатига мансуб кишилар эди. Хотин-қизлар жуда оз миқдорда эдилар.

Мактабда ҳар 6 ойда ҳар бир вилоят раҳбарлари ўзининг вилоятидан ўқиб юрган тингловчилари билан учрашувга келар эди. Хоразмдан бизнинг гуруҳда 5 нафар тингловчи эдик. Хонқадан Зеварой Султанова, Боғибек Жуманиязов, Абдулла Собиров, Урганч шаҳридан Бекберган Полванов, Гурландан мен (Амин Вапоев) бор эдик. Ана шу ўқиш йилларида Бектош Раҳимов илгари шу мактабда ўқиган, фалсафа кафедрасида ўқитувчилик қилган киши бўлиб, Хоразм вилоятига раҳбар бўлган эди. У киши ҳар 6 ойда бир маротаба келиб, Хоразм вилояти тингловчилари билан суҳбатлашар, шунингдек, ким неча баҳога ўқиб юришини ҳам назорат қилар эди. Яхши ўқимаган ўртоқларга танбеҳ бериб, «сиз яхши ўқинг, сизни Хоразм партия ташкилоти кутаётир» деб бизларни руҳлантириб кетар, ҳамда вилоят фирқаси томонидан моддий ёрдам ҳам берар эди.

Ана шу тарзда тўрт йиллик Тошкентдаги таҳсил ҳам ўз ниҳоясига етди. Олий мактаб бизларни ўқитган домлалар, бирга ўқиган беш республикадан келган дўстлар билан хайрлашиш вақти келди. Улар билан хайрлашиб, 1965 йил 3 августда уйга келдим. Уйдагилар жуда хурсанд бўлиб кутиб олишди. Дўстларим ташриф буюришди. Хуллас, уйимизда катта шодиёна бўлди. Иш жойим аниқ бўлган, аммо энди мени олдинда ҳаётнинг кўпдан-кўп сабоқлари, синовлари кутиб турарди...

РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ: ТОПШИРИҚЛАР, ОДАМЛАР, ТАҚДИРЛАР

1965 йил 4 август куни туман фирқа қўмитаси ташкилий бўлим мудир Собир ака, «Аминбой, сен 5 август куни вилоят раҳбариятига боришинг керак», деб айтди.

Мен 5 август куни эрталаб вилоят фирқа қўмитасига бордим. Борсам шу куни ҳайъат йиғилиши бўлаётган экан. Мени Рустам Худойберганов деган мутахассис кутиб олди ва «ҳайъатга кирасиз, кутинг», деб айтди.

Катта залда йиғилиш бошланди. Шу куни Гурланда «халера» касали чиққан эди. Шу боис, корантин эълон қилиш тўғрисидаги масала ҳам кўрилди. Навбат менга келди. Мени йиғилишга таклиф қилишди. Ҳайъат йиғилишини вилоят раҳбари Бектош Раҳимов олиб борарди. Киришим билан «мана Олий мактаб битирувчиси, уни Гурлан тумани Давлат назорати комитетига раис вазифасига тавсия қиламиз», деди. Шунда негадир Бектош Раҳимов бирданига «Сиз давлат имтиҳонида фалсафадан қандай баҳо олдингиз?» деб сўради. Мен бир оз тўхтаб «аъло» деб жавоб бердим. Шунда Раҳимов, «Давлат имтиҳони раиси ким эди?», деб сўради. Мен Бобоев Жалол дея домламиз исм-шарифини айтдим.

— Қаранг, Бобоев Жалол Мансуровичдек домладан фалсафа фанидан «беш» баҳо олибди, деҳқон боласи Вапоев. Қаранг қандай билим беради Олий мактаб, — деди ва мени шу вазифага тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди. Сўнгра «сиз тасдиқландингиз, ушбу вазифага, боринг! Ҳалол меҳнат қилинг», — деди.

Мен йиғилишдан хурсанд ҳолда чиқиб кетдим.

Кечкурунга яқин уйга келдим, туман раҳбариятидан одам келиб: «Эртага барвақт райкомга борсин», деб тайинлаб кетибди. Унинг ким эканлигини онам билмай ҳам қолибди.

Эртасига туман фирқа қўмитасига бордим. Борсам ҳамма мени Олий мактабни битиришим билан табриклашди. Лекин, ҳеч бири иш тўғрисида гапиришмади. Ташкилий бўлим мудир «соат 10:00 да йиғилиш бўлади, шунда сени ишга тасдиқлашади», деди. Мажлис бошланди. Кун тартиби: Давлат назорати ташкилоти раиси бўлиб ишлаган Пўлат Исмоилов туман фирқа ҳайъати аъзолигидан озод қилинсин, Амин Вапоев ҳайъат аъзоси қилиб сайлансин», деб қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг туман раҳбари мени ўз хонасига чақириб суҳбат қилди. Насиҳатлар берди. У жуда ақлли, саводли, имонли, яхши инсон эди.

Шундай қилиб 7 августдан бошлаб хонамга кириб, ишни бошладик. Пўлат Исмоилов ва вилоят назорат ташкилоти раисининг ўринбосари, менга хонамдаги ҳужжатларни топширди. Шунингдек, Пўлат Исмоилов Олий мактабга ўқишга кетадиган бўлди.

Менга «Исмоилов яшаб турган уйда яшайсиз», дея туман раҳбари Раҳимов таъкидлаганди. Айтилган уйда яна туман МТС (машина трактор станцияси) директори Каримбой Ражаббоев, туман раҳбари Хударган Раҳимов ҳам яшар экан. Эртасига яна фирқа ҳайъати йиғилиши бўлди. Мен ҳам ҳайъат аъзоси сифатида юқорида ўтирдим. Ҳамма мени кўриб табриклашди. Ҳайъат аъзолари Хударган Раҳимов, Хан Бен Нам, Қозоқбой Ўразметов, Шаркия Алиева, Неъмат Жакипов, Шариф Қурбанов, Собир Нурметов ва мен (Вапоев)дан иборат эди. Ўша даврда туман фирқа ҳайъати аъзоси, деган киши жуда нуфузли ҳисобланар, ҳамма ташкилотлар, корхоналарда бўлиб турли тадбирларни ўтказиш учун иштирок қилар эдик. Шунингдек, туман раҳбари ҳар куни ҳар биримизга иш буюрар на ҳисоботини тинглар эди. Менга автокорхонадан битта енгил машина олиб беришди. Унга ҳар куни соат ёзиб, вилоят назорат ташкилотидан автокорхонага пул берар экан.

Шу тарзда, менинг туман давлат назорати ташкилоти раиси сифатида хизмат вазирам бошланди. Вилоят назорат ташкилотига чақириниб, Москвадан берилган топшириқни, яъни савдо, умумий овқатланиш корхоналарида бор бўлган асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва аҳолига савдо, умумий овқатланиш бўйича кўрсатилаётган хизматни текшириш режаси ва нималарни назорат қилиш кераклиги тўғрисидаги кўрсатмаларни беришиб, кенг жамоатчилик асосида текширишни буюрдилар.

Мен тумандаги жамоатчи фаолларни тўплаб, бу ишни бошлаб юбордим. Молия бўлими мудири Худайберганов, банк бўлими бошлиғи Ўразметов, журналист Т. Каримовлардан иборат текшириш гуруҳи тузилди. Текширишда жуда кўп хато ва камчиликлар аниқланди. Нон пишириш, музлаткичлар, бошқа умумий овқатланиш учун келтирилган асбоб-ускуналар йиллар давомида очиқ ҳавода, эгасизларча ётганлиги аниқланиб (уларни расмларга олдик) тегишли далолатномалар тузилди. Теширишларда харидорларнинг ҳаққидан уриб қолиш ҳоллари ҳам учради.

Текшириш натижаси туман назорат ташкилоти йиғилишида муҳокама қилиш учун туман Матлубот жамияти раиси Давлатбоев, савдо бўлими бошлиғи В. И. Шербань (ушбу рус аёли туман ҳарбий комиссари, подполковник Шербаннинг турмуш ўртоғи эди) туман умумий овқатланиш корхонаси директори Мадамин Матёкубовлар таклиф қилинди. Бу менинг иш фаолиятимдаги биринчи йиғилиш эди.

Ушбу масала бўйича, молия бўлими мудирини Ўрозбой Худайберганов ахборот берди. Шундан сўнг матлубот жамияти раиси Давлатбоев, савдо бўлими мудирини Шербань, умумий овқатланиш корхонаси директори Мадамин ака Матёкубовларга: «Нима учун бундай камчиликларга йўл қўйдингиз?», деб саволлар берилди. Лекин, улар бу масаланинг қандай оғир эканлигини сезмасдан бепарволарча жавоб беришди.

Кейин мен сўз олиб, кун тартибидаги масала бўйича жиноий иш очиб, айбдорларни жавобгарликга тортиш масаласини туман фирқа ҳайъатига киритиш тўғрисида таклиф қилдим. Масъул раҳбарлар, шундан кейингина жавобгарликни сезиб, хатоларни тузатиш учун муддат бериш, биринчи маротаба бундай хато-камчиликларга йўл қўйилган деб, илтимос қила бошлашди. Назорат ташкилотининг 9 нафар аъзолари ҳам мендан бу ҳақда илтимос қилишга киришдилар. Мен тўғриси ҳайрон бўлдим. Бу қанақа аъзоларки, қонунни бузган кишиларни кечириб юбориш керак, деб таклиф киритаётирлар деб ўйладим.

Хуллас, 2-3 соатлик муҳокамадан кейин Давлатбоев, Шербань, Матёкубовларни бир ойлик маошлари миқдорида жарима қилишга ва бу масалани фирқа ҳайъатига маълум қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, туман газетасида айбдорлар тўғрисида махсус саҳифа беришга қарор қилинди.

Эртасига газетада айбдорларнинг расмлари босилиб назорат саҳифаси чиқарилди. Шунингдек, маҳаллий радио орқали ҳам эшиттириш тайёрланиб, назорат ташкилотининг фаолияти, қилаётган ишлари тўғрисида маълумот, юқоридаги соҳада қилинган қонунбузарликлар, уларнинг айбдорлари ва кўрилган чоралар ҳақидаги қарор изоҳи берилди.

Назорат йиғилишидан кейин газетада ҳам мақола берилгани, масаланинг жуда жиддий тус олишига сабаб бўлди. Кўпчилик оддий инсонлар «сизга раҳмат», деб мени мақташар, «ҳа, назорат шундай бўлиши керак» деб, вилоят халқ назорати ташкилоти ҳам ишимизни маъқуллагандай бўлди.

Лекин 3 кундан кейин туман фирқасининг II-котиби Хан Бен Нам, ижроқўм раиси К. Ёразметов, прокурори Жакиповлар, «сиз ука жуда қаттиқ кетаётирсиз, қараб иш қилинг, ҳали бу масаланинг тагидан чиқолмай қоларсиз», деб менга очиқ айтишди. Шунингдек, туман раҳбариятининг бўлим бошлиғи: «Фирқа ҳайъатига ёзилган ҳужжатларни қайтариб оласизми?», деб сўради. «Йўқ» деб қатъий жавоб бердим.

Бироқ шу масала бўйича туманда кўп гап-сўзлар бўлди. Туманда шундай назорат ташкилоти бўлиши керак, деб кўпчилик инсонлар қилинган ишларимизни маъқуллашди.

Аммо, ижроқўм, туман фирқасидаги айрим раҳбарлар савдо тизимига чора кўрилишини мутлақо истамас экан. Шу воқеадан бир ой кейин, вилоят раҳбариятида фаоллар йиғилиши бўлиб, унда Гурландаги Давлат назорати ташкилоти савдодаги кўплаб камчиликларни топибди. Назорат ташкилотида 1 киши ишлайди. Лекин туман ижроқўми, фирқа ҳайъати нима учун бу камчиликларни шу пайтгача аниқламаган. Ёки билсаларда, шу пайтгача бирон чора кўришмади деб, туман раҳбарлари шаънига қаттиқ танқидий гаплар айтилди.

Вилоят фаоллари йиғилишидан кейин, менга тумандаги айрим раҳбарлар очиқ айтмасада, тинч юр дегандек бўлдилар. Мен ҳайрон бўлдим. Лекин ҳеч андиша қилмайман, мен тўғри ишлайман, деб хулоса қилдим ва шундай ҳам бўлди. Тумандаги раҳбарлар менга ҳар турли шикоят, айниқса жанжалли ариза-шикоятларни текшириш учун юбора бошлашди. Шунингдек, бизнинг савдо соҳасидаги камчилик ва қонунбузарликларга қарши курашишимиздан сўнг, аҳолидан ҳам жуда кўп шикоятлар кела бошлади. Мен бу шикоятларни текшириш учун жамоатчиликни жалб қила бошладим. Лекин бари бир ҳаммасини текшириш қийин эди. Айниқса, ижроқўм, фирқа ташкилоти юборган аризаларни.

Бир куни туманга вилоят Давлат назорати ташкилоти раиси М. Раҳимов келди. Мен унга туман раҳбариятидан текшириш учун юборган аризаларни кўрсатдим. Вилоят ташкилоти раиси М. Раҳимов, «Бу нима ўзи ташкилотда 1 киши бўлса, қачон бу ишларни бажаради?» деб, туман фирқа кўмитасининг биринчи котиби, ижроқўм раиси билан гаплашди. Натижада, бу шикоят-аризалар мендан қайтариб олинди. Кейин менга ариза беришмади.

Ишлар шу тарзда давом этаверди. Энди ҳайъат аъзоси сифатида жамоа ҳўжаликларига вакил қилиб юбориш кучайиб кетди. Мени

Дўсимбийдаги К.Маркс (кейинчалик «Қорақалпоғистон» деб номланган) хўжаликка вакил қилишди. Ҳар куни қишлоққа бориб, дала ишларини кўриб, фирқа котиби, раис билан бирга далани айланар, бораётган иш жараёни билан танишиб, таҳлил қилиб келар эдим.

1965 йил қишлоқ хўжалиги учун жуда қулай йил бўлди. Пахта ҳосили мўл, шоли ҳам яхши ҳосил берди. Ўша вақтда вилоят раҳбариятида деярлик ҳар 10-кунда битта йиғин бўларди. Вилоят раҳбари Бектош Рахимов, вилоят ижроқўми раиси Мадийр Худайбергановлар мажлисларда бораётган иш жараёни, ютуқ ва камчиликлар тўғрисида маъруза қилишарди. Бундай йиғилишлар туманларда ҳам яна такрорланарди. Жамоа ва давлат хўжаликлари, идора-ташкilotларда шу мажлислардаги масалалар кўрилиб чиқиларди. Назорат ташкилоти раҳбари сифатида эса, юқоридан қуйигача бўлган ҳамма мажлисларда иштирок қилишим шарт эди. Умуман олганда иш вақтларининг ярми мажлисларда ўтарди. Вилоят ва туманда йил яхши якунланди. Қишлоқ хўжалик соҳасида режалар бажарилди. Лекин шундай бўлсада, ҳали халқнинг аҳволи оғир эди. Нон, ёғ, чой каби кундалик маҳсулотлар очиқ савдода йўқ, етишмовчиликлар бўлиб турар эди. Савдо ташкилоти туман фирқа ва ижроқўмининг тақсимламаси асосида, қишлоқларга режа бўйича маҳсулотларни етказиб берарди.

Мен 1965 йил августда ишга келган бўлсам, ўша ойда савдо ташкилотига «нелон» кўйлак келган экан. Ўша кўйлакни фирқа ҳайъати аъзоларига биттадан бериш тўғрисида гап-сўз бўлгани эсимда ва менга ҳам 1 та «нелон» кўйлак беришганди.

Қаранг, ҳали оддий кўйлаклар ҳам етишмас, одамлар туман раҳбарларининг кийиб юрган кийимларига ҳавас билан, балки ҳасад билан қарашарди десам тўғри бўлади. 1965 йил охирида савдо ташкилотига чет элда тикилган 15 дона пальто келибди. Юқоридагича тақсимот асосида, бир қанча раҳбарлар пальтога эга бўлишга ҳаракат қилишганди. Фирқа ҳайъат аъзоси сифатида менга ҳам пальто беришганди.

Мен бу гапларни шунинг учун ёзаётirmanки, бугунги тўкин-сочинлик бирданига келгани йўқ. Савдо дўконлари, бозорлар маҳсулотлар тўла кунлар энди бўлди. Бундай ютуқлар, халқимизнинг сабр-бардошлик билан, ҳалол меҳнат қилиши, қолаверса, истиқлол туфайли содир бўлди. Шундай кунларга етишганимизни бизнинг ёш авлодга эслатиш учун, бу воқеаларни ёзаётirman ёки эслаётirman.

Туманда 1966 йилга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Туман раҳбари фирқа ҳайъатининг ҳар бир аъзосига йўл қурилиши бўйича топшириқлар берди. Мен, Гурлан—«Коммуна»—Гулистон йўли қурилишида вакил бўлдим. Ҳамда ана шу йўлнинг қурилишида иштирок қилиб, раҳбарлик қилдим. 1966 йилга келиб туман миқёсида кўп йўллар қурилди. Шу йили кунлар иссиқ бўлиб дарё суви жуда кўп бўлди. Дарёда хавфли дағиш — тошқин бошланди. Дағиш 3 қисмли домбани тешиб ўтиб, кўп ерларни сув босди. Туман раҳбари Хударган Раҳимов мени машинасига миндириб, «Сен дарёни яхши биласан, шунинг учун бориб кўриб, тегишли тадбир белгилаймиз», деб айтди. Биз борсак аҳвол ниҳоятда оғир, ҳеч қачон сув тушмаган дамбаларга сув тушган. Илгари сув кўрмаган дамбада сув сақлаш жуда оғир бўлади. Чунки унда ҳар турли кемирувчи ҳайвонлар дамбанинг ичида яшашади, дамбада сунъий тешиклар бўлади.

Ана шу тешиклар орқали, албатта сув сиқиб чиқади. Биз борсак шундай аҳвол давом қилаётган экан. Касбим сув соҳасида бўлгани, олдин ҳам бир маротаба сув тошқинига қарши курашда тажрибам борлигини билган Хударган Раҳимов: «Аминбой сен раҳбарликни қўлга олиб сувни тўхтатиш ишларини бошла», деб айтди. Мен сув тешиб оқаётган жойга бориб, тош, тупроқ, чот, қум тўлдирилган халталарни ишчиларга олдириб, ишнинг бошида бўлдим. Маълум вақтдан кейин, мен турган ер — 10-15 метр майдон бирданига мен билан дағиш олиб, сувга чўкиб кетдик. Ана шундай вақтда инсон, «эх, менга шундай ўлим раво кўрдингми, худойим», деб ўйлар экан. Сувнинг оқими кучли бўлиб, мен гоҳ сувга чўкиб, гоҳ сувдан чиқиб оз-моз нафас олиб кетар эдим. Сув эса ҳамон мени оқизиб борар, бир сафар сувдан бошимни чиқариб нафас олаётганда Раҳимовнинг «Аминбойни топинглар!» деб шу ердаги одамларга чақириб турган овози қулоғимга чалинди. Яъни, дарё мени ўз бағрига олиб кетганди. Билмадим, қанча вақт ўтди. Бироздан сўнг, бориб бир қирғоқга, қаттиқ тупроққа урилиб кетдим. Шунда четроққа чиқиб, шу ердаги дарахт томирларга ёпишиб олдим. Кўрган кишилар мен томонга югуриб келишди. Энг аввало, мени биринчи бўлиб синфдошим Зариб Ҳасанов кўриб, сувдан чиқишимга ёрдам берди.

Шу аҳволда Раҳимов мени ўз машинасида Гурлан шифохонасига жўнатди. Шифохонада тегишли муолажалар қилиб, уйда кийимларни алмаштириб, туман фирқа ташкилотига келдим. Иккинчи котиб Хан Бен Нам ва бўлим мудири Собир Мадаминов бор экан. Уларга

аҳволни айтдим, Вазир қишлоғи сув остида қолиши мумкин, дедим. Хан Бен Нам дарров маҳаллий радио ходимларини топиб, радиода сув хавфи тўғрисида хабар бердирди. Ҳаммани дарё ёқасига ёрдамга боришга чақирилди. Ана шу ёрдамга борган туман маркази аҳолиси дарёни сақлаб қолдилар. Ҳар бир метр домбада 10 киши навбатчилик қилиб, иш қилдилар.

Вазир қишлоғининг эски қисмидан ҳеч бир киши сув тошқинида қатнашмади. Чунки, улар сув тошқинидан зарар кўрган уйини бошқа ерларга кўчириш билан овара эди. Эртасига кўплаб таниш-билиш, қариндош-уруғ, дўст-биродарлар бизнинг уйга келиб, «Худо сақлабди, бир ўлимдан қолибсиз» деб, жуда кўп инсонлар кўнгил сўрашди. Отам битта кўй сўйиб, садақа берди. Худога беҳисоб шукурлар бўлсин, шундай қилиб бир ўлимдан Оллоҳнинг ўзи сақлади. Эртасига Сахтиёндан Хайтбой деган ҳамқишлоғимиз шу мен йиқилган ерда сувга тушиб кетиб бечора вафот этди. Уни 2 соат қидириб ўлигини бир қамиш ўсган ердан топишди. Ҳозир дамбада ишловчилар ва шу воқеани билганлар ўша ҳудудни, «Амин Вапоев йиқилган дамба», деб аташади. Ҳаттоки, дамбачилар харитасида «Вапоев участкаси», деб ёзиб қўйишибди.

Шу йили Худога шукур, бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеалардан кейин уйимизда бир қувончли воқеа бўлиб, яна 1 та ўғил кўрдик. Унинг исмини Баҳром деб қўйдик.

1966 йил об-ҳаво яхши келмади. Пахта, бошқа деҳқончиликлар кеч экилди. Иқлим шароити яхши бўлмаганлиги сабабли деҳқончиликлар ривожланмади. Пахтада ҳар хил ҳашоратлар кўп бўлди. Бу борада, вилоятда жуда кўп тадбирлар белгиланди. Айниқса, Янгиобод Гулистон давлат хўжаликларида янги ерлар очиш бошланди. Бир куни Хударган Раҳимов билан «Гулистон» хўжалигига бордик. Яъни, Марказқўмнинг ҳайъат қарорини комиссиялар билан тешириш учун у ерда бўлдик. Шу куни, ёмғир тинмай ёғди. «Гулистон»гача тош йўл йўқ. Мен шу кечаси ўша қишлоқда қолиб кетдим.

Эртасига Хударган Раҳимов «сиз умумий йиғилиш чақириб, жамоа хўжалигини давлат хўжалигига айлантиришни сўраб, қарор чиқартириб келинг», деб айтди. Мен хўжалик раиси Ким Сергей Тимофеевичга бу гапни айтдим. Мажлис чақирилди ва жамоа хўжалигини давлат хўжалигига айлантириш тўғрисида, умумий йиғилиши қарори қабул қилинди. Энди мен Гурланга кетишим керак эди. Ёмғир кўп ёққанидан, йўлда ҳеч нарсаси билан юриб

бўлмасди. Ҳаммаёқ лой. Ёмғир 2 суткадан бери ёғади. Уйлардан ёмғир ўтиб кетган. Одамлар жуда оғир аҳволда. Раисга арз қилиб келадиганлар сони кўпайиб кетди. Чунки, қишлоқда 1 та ҳам уй шифер эмас. Фақат бошқарув идорасигина шифер.

Раис нима қилиши мумкин, ҳеч нарса қўлидан келмайди. Раиснинг айтишича, кўп уйлар йиқирилиши мумкин. Афсуски, айтгандек ҳам бўлди. «Ғулистон» қишлоғидан шу ёмғирда 42 уй йиқилди. Оилалар қўшниларига кўчириб жойлаштирилди. Мен шу куни «ДТ-54» трактори билан Манғит йўлига чиқиб, Гурланга кетдим...

Яқинда бир тўйда ғулистонлик кексалар билан бирга суҳбатлашиб ўтиришга тўғри келди. Шунда бир кекса муйсафид чол менга «сиз мени танийсизми?» деб сўради. Мен кўп қараб туриб «сизни кўрганман, лекин исмингиз эсимда йўқ», деб жавоб бердим. У «Сиз 1966 йилда қишлоқдан Гурланга кетолмай, транспорт юрмайдиган вазиятда сизни ДТ-54 трактори билан Гурлан — Манғит йўлига олиб борган тракторчиман. Қандай замонларни кўрдик Аминбой ака. Худога бу кунларга етказгани учун беҳисоб шукурлар айтишимиз керак» деб, менга қараб қўйди. «Тўғри, сиз энди эсимга тушдингиз, сиз Дарёбой деган йигитсиз», дедим. У «ҳа, ҳа» деди...

1966 йил пахта терими узоқ давом этди. «Пахтанинг бир грамма ҳам қолмаслиги керак», деган шиорлар бор эди. Ҳамма шу асосда пахта йиғим-теримига жалб қилинди. Мен туман бўйича милиция, суд, прокуратура билан пахта нобудгарчилигига қарши кураш комиссиясига бош бўлиб, ҳар куни далаларда бўлар эдим.

1967 йил бошланди. Ота-онам, Ўғилжон ва болалар ҳаммамиз нонушта пайти дастурхон атрофида чой ичиб ўтирардик. Шунда отам:

— Болам, деб гап бошлади. Сен ҳар куни кун бўйи ишдасан, бундоқ уйда чой ичганда болаларинг бирга бўлганга нима етсин. Сен у Гурландаги уйда ўзинг чой ичиб, ўзинг бўлишинг керак, келин бўлса болаларни олиб, у тор жойга боролмайди. Бир томондан бизлар, шунинг учун сен Гурланда жой сол болам. Мана пул! — деб қўлимга рўмолчага тугилган пулни берди ва айтдики, — ана шу пулга ёғоч, тахта-эшик ойнага бўладиган материалларни Шовотдан сотиб олиб кел уйга. Мен Турсунбой уста билан гаплашдим, у келиб эшик, ойна тузатиб беради

Шундай қилиб, 72 дона ёғоч, икки машина ҳар турдаги тахта материалларини «РайПО бозори»дан отамнинг берган пулига сотиб

олиб келдим. Уста Турсунбой 10 эшик, 10 ойна уйга келиб ясаб берди.

Ана шундан сўнг, туман раҳбари Раҳимовга иморат қурмоқчи эканлигимни айтдим.

— Ҳа, жуда яхши. Лекин туман марказига яқин жойдан ер майдони ол. Раис Холметовга айт, — дея жамоа ҳўжалиги раҳбарини эслатди.

Июль ойида иморат қуриш учун отам номидан ариза бердим. Раис Иброҳим ака Холметов «Ҳа, яхши. Истаган ерингдан олаверасан», деди. Иморат қурмоқчи эканлигимни Аваз дойим (онамга қариндош) эшитган экан. У бир куни «жиян жой солмоқчи деб эшитдим», деди.

— Ҳа солмоқчи эдик, — десам, «қаерга?», деб сўради. Мен Матқурбан дойи (бригадир) билан пахта хирмон ёнига. Нукус ёп бўйидаги маҳаллага деб жавоб бердим. У бироз жим турдида, «жиян сен иморатни у ерга солма. У «ваҳм» ер. «Сен иморатни ўзингнинг моманг мулкидаги ерга сол», деди.

Ана шундай қилиб, ҳозир яшаб ўтирган Гурлан шаҳарчаси Ҳамид Олимжон кўчасидаги уйни, лой-пахсадан 1967 йил ҳашар қилиб, барпо этгандик. Ўшанда «Коммуна» жамоа ҳўжалиги раиси бўлиб ишловчи Йўлдош Бойметов, туман фирқа ташкилотида бирга ишлаган «Қорақалпоғистон» жамоа ҳўжалиги раиси Норимон Мавлановлар ҳам иморат тиклашимга ёрдам беришганди. Шунингдек, яна кўплаб дўстларимизнинг ёрдами билан 8 хона, далонли уйни тиклаб олдик. 1968 йилда уйга кўчиб кирдик. Уй шифер қилинмаганди. 1967 йили охири, 1968 йил бошида шундай ёғингарчилик бўлдики, шиферсиз уйларнинг баридан ёмғир ўтиб кетди.

Ён-атрофимизда Собир ака Матўразов, Ниёзмат ака, Нормат ака, Юлдош Қўчқаровлар ҳам иморат тиклашди. Шу тарзда улар билан бир кўчада кўшни бўлиб яшай бошладик. Улар билан ҳар бири туғишган оғайни каби, бир-биримизга қадрдон бўлиб, яшаб ишлаб келдик. Нормат ака эртароқ оламдан ўтди. Унинг Баҳром исмли ўғли бўлиб, бу фарзандлари билан ота уйида яшамоқдалар. Ниёзмат ака кўп йиллар савдо тизимида ишлади. У билан ҳам ака-ука эдик.

Юлдош Қўчқаров мен билан доимо бирга ишлаб, кўп вақт бирга дам олишга борар эдик. У туман ижроқўми раиси бўлган вақтимда, менга ўринбосар бўлиб ишлади. Кейин қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи, сўнгра «Қорақалпоғистон» жамоа ҳўжалигига 23 йил раис

бўлди. У 61 ёшида нафақага чиқиб, 80 ёшида дунёдан ўтди. Унинг Яшнар, Сардор исмли ўғиллари ва қизлари бор. У жуда яхши, қалби тоза инсон эди. Юлдош билан доимо дўст бўлиб яшадик.

Отахон, Азим, Зариб, Султонбой каби дўстларимиз ҳам шу кўчамизда иморат тиклашган. Бизлар 10 та хонадон доимо бирга тўй-маъракаларни бир оиладек ўтказиб келмоқдамиз. Собир Матўразов билан ҳам қўшни эдик. У киши мени ҳамма вақт қўллаб-қувватлаб, ҳар турли ишларга тавсия қилиб, менга кўп ёрдам берган инсон эди. У жуда яхши дилкаш, жуда илмли, зиёли инсон эди. У туман фирқа ташкилотида қарийиб 20 йил ишлади. Туман газетасига 10 йил муҳаррирлик қилди. У ҳамма ҳурмат қиладиган инсон эди. Афсуски, у 63 ёшида дунёдан ўтди. Мақсуд, Улуғбек, Музаффар, Мансур исмли ўғиллари, қизлари бор. Турмуш ўртоғи Сапаргул опа ҳозир ҳам ҳаёт. У мени ўз укасидек кўради. Мен ҳам у инсонни жуда ҳурмат қиламан.

1968 йил кириб келди. Оиламиз яна бир кишига кўпайди. Қизимиз Замира туғилди. Онам, Ўғилжон, болалар тарбияси, уй юмушлари билан доимо банд эди. Оиламиз янада катталашди. Тумандаги идора ташкилотларда турли текширишлар ўтказар эдик. Бу пайтга келиб назорат ташкилотимизга жуда кўп шикоят-аризалар ёзиладиган бўлди. Бир куни хонамда ўтирсам тагар миллатига мансуб бир аёл қўлида 2 кг гўштни қоғозга ўраб олиб келди. Менга гўштни очиб, ундаги 250 граммча келадиган гўштининг бир бўлагини кўрсатиб, «бунни кўринг, калла гўшти аралаштириб, 3 сўм 70 тийиндан менга сотди. Фақат мен эмас, бошқаларга ҳам шундай қилаётир», деб, менга арз қилди. «Сиз назорат ташкилоти раиси бўлиб текширмасангиз, ким текширади. Биз сизга ишонамиз», деб луқма ташлади. Мен жуда хафа бўлиб, нима қилиш керак деб, ҳайрон бўлдим. Маълумки, гўшт сифатини текширадиган ветеринария врачлари ишларди. У кишини чақириб, «мана шу гўштининг сифатини кўриб, қанча гўшт калла-почча эканлигини аниқлаб беринг», деб топшириқ бердим. Шунингдек, ҳалиги аёл билан врачга кўшиб жўнатдим.

Аниқланишча, калла почча 310 грамм бўлиб, унинг баҳоси паст бўлар экан. Шу ҳақида ветеринария врачлари далолатнома ёзиб менга берди. Эртасига якшанба куни эди. Жамоатчи фаоллардан Х. Ўразметов, Баталов ва ветврач Пакларни олиб, мол бозорга бордик ва гўшт тайёрловчи ташкилотларнинг қайси молни неча сўмга сотиб олаётганини аниқладик.

Бозор гамом бўлгандан кейин 3 та молни шу комиссия орқали сўйдириб ўлчаб аниқладик. Ана шунда гўштнинг баҳоси 2 сўм 10 тийиндан тўғри келди. Биз далолатнома тузиб, тайёрлаш идораларининг вакиллари билан ташкилот харажатларини ҳисоблаб, 3 сўмдан гўшт сотилиши керак, деган хулосага келдик. Ана шу тарзда туманда 2 йилгача гўшт баҳоси 3 сўм бўлиб турди. Бу қўшни Шовотдан 1 сўм, Мангитдан 80 тийин арзон эди. Албатта ўтказилган текширишлар айрим раҳбарларга ёқмас эди. Шу боисдан менинг устимдан имзосиз хатлар тез- тез юқорига ташкилотларга туша бошлади.

Имзосиз хатлардан бирида, иморат қурди, деб ёзилганди. Комиссия устига комиссия кела бошлади. Вилоят раҳбарияти ва бошқа юқори ташкилотларга йўлланган хатлар текширилиб кўрилди. Комиссия аниқлашича, «иморат қурилишида 80 метр ер майдони зиёд олибсиз, деб менга туман фирқа ҳайъатида ҳайфсан эълон қилинди. Ўша вақтда фирқа ҳайъати аъзоларидан фақат 1-котиб Раҳимов жазо олмаганди.

Менга ҳайъат йиғилишида ҳайфсан берилгандан кейин раҳбарлардан бириси, «энди сиз юқори лавозимга ўтмайсиз», деб айтди. Чунки, «сен фирқавий жазо олгансан, ҳисоб дафтарчангга ёзиб қўйилди», деди.

Туман фирқа ҳайъати ўз мажлисларидан бирида, Марказқўмга ёзилган 2 та шикоят аризани текшириш бўйича, ҳайъат комиссияси ташкил қилди. Комиссия раиси қилиб мени тайинлашди. Шикоят жамоа ҳўжалигининг обрўли раиси ва савдо ташкилоти раҳбари устидан бўлиб, ариза ёзувчи ҳар иккала раҳбарни ҳам, уй-жой солишда, ҳамда хотин-қизлар масаласида айблаганди. Хотин-қизларнинг аниқ исмлари ҳам ёзилганди.

Мен жамоатчилик асосида текширишни бошладим. Иморат солингани тўғри. Аммо, туман ижроқўмининг ер майдонини ажратиш тўрисидаги қарори йўқ эди. Қурилиш материаллари олингани бўйича эса ҳужжатлари мавжуд. Иморатлар пахсадан, хом ғишдан тикланганди. Шикоятда кўрсатилган раҳбарларнинг фарзандлари кўп, аммо бошқа яшайдиган иморатлари йўқ. Ижроқўмдаги мутасаддилар жой қуриш учун ер майдони берилгани тўғрисида қарор сўрасак, қўрқиб беришмади. Жой қонунсиз, рухсатсиз солинган деб хулосага келишди.

Хотин-қизлар масалалари текширилганида, шикоятда айбланаётган аёллар мутлақо инкор қилишди. Шундай қилиб ҳужжат

расмийлаштирилди. Биз юқори ташкилотга иморатлар қонунсиз қурилган, хотин масалалари ўз тасдиғини топмади, деб аризага жавоб хати тайёрладик.

Юқори ташкилот шу масалада ҳар иккала раҳбарни туман фирқа ҳайъатида муҳокама қилишни таклиф қилдилар.

Ҳайъат йиғилишида мен текшириш якуни ҳақида ахборот бердим. Ҳайъат йиғилиши муҳокама қилиниб, қурилган иморатларни давлат ихтиёрига олиш, раҳбарларга фирқавий чора кўриш белгиланди.

Ана шу тарзда шикоят аризалар якунланди. Албатта, бу текширишдан сўнг, мендан кўп ўртоқлар хафа бўлишди. Менинг ўзимга, «сен ким билан ўйнашаяпсан», деб айтганлар ҳам бўлди. Мен бу аҳволда нима қилар эдим. Давр ана шундай эди. Қонунлар қаттиқ. Назорат ишларини олиб боришда эса янада қаттиққўллик талаб қилинарди. Йиллар ўтди. Вилоят фирқа ташкилотининг II-қилиб Б.Н. Невидский сайланди. У олдин Қорақалпоғистонда II-котиб бўлиб ишлаганди. Невидский асли Урганчда вояга етиб, вилоят фирқа ташкилотида бўлим бошлиғи бўлган хоразмлик рус киши эди. Б.Н. Неведский вилоятга иккинчи котиб бўлиб келган даврда, Гурлан тумани раҳбари бўлиб Файрат Машарипов ишлаётган эди.

Шундай кунларнинг бирида вилоят фирқасига шикоят ариза тушибди. Ҳалиги «2 та раҳбар устидан ёзилган аризани Вапоев текшириб бости-бости қилиб қўйди. Айбдорлар ҳозир ҳам катта лавозимларда ишлаётир. Иккинчи хотинлари бор. Тиклаган иморатларида ўзлари яшаётир», деб ёзилганди шикоятда.

Бир куни Б. Н. Неведский туманга келиб, мени I-котиб хонасига чақиртирди. Бу вақтда мен туман ижрокўми раиси вазифасида ишга ўтгандим. Б. Н. Неведский, «Вапоев сен 5 йил олдин шикоят аризани нотўғри текширгансан. Шунинг учун мана, яна ариза», деб шикоятни Файрат Машариповга берди.

— Бу аризани кўриб чиқинг ва бу раҳбарларни фирқадан ўчиринг. Текшириб ўтириш шарт эмас. Ҳаммаси маълум нарса, — деб айтди Б. Н. Неведский.

Биз Файрат ака билан ҳайронмиз. Улар жуда яхши ишлаб юрган кадрлар деб ўйланиб қолдик.

Бир ҳафтадан кейин Ф. Машарипов мени чақириб, «сиз бу масаланинг бошидан борсиз. Сиз фирқа ҳайъатида ахборот қиласиз, уларни фирқадан ўчирамыз», деди.

Мен ҳайрон бўлдим.

— Ахир, фирқа ҳайъатига аввалги аризани текшириб ахборот берганман. Энди бу ариза бўйича бошқа комиссия маълумот бериши керак, — деб туриб олдим.

Машарипов тушунди шекилли рози бўлди.

— Лекин Каримов билан Давлатбоевга сиз яхшилаб уқтиринг. Жанжал қилишнинг фойдаси йўқ, кўриб турибсиз вилоят фирқасининг иккинчи котиби топшириқ бераётир. Биз нима қиламиз ахир, — деди.

Мен ноилож Каримовга ҳамда Давлатбоевга, «сизларни фирқадан ўчиришлари мумкин», деса улар жуда хафа бўлиб кетишди. Шундан сўнг, фирқа ҳайъати шу тўғрида қарор қабул қилди.

Буни қарангки, 6 йилдан кейин иттифоқнинг бир парча хати туфайли нотўғри қарор қабул қилинди. Бунинг сабабини, шу даврнинг сиёсати ва фирқа ҳукмронлиги, деса бўлади.

Худоба шукурлар бўлсинки ҳар иккаласи ҳам ўз турар-жойларини мустақиллик туфайли қайтариб олишди. Давлатбоевнинг ўғли Комилжон отаси давлатга топширган жойини қайтариб олиб, яшаб турибди. Каримовнинг болалари ҳам отасининг жамоа ҳўжалигига топширган уйини қайтиб олишди.

Хурматли ўқувчи! Мана шу иккала инсон ҳам, Гурлан тумани учун жуда кўп иш қилган. ажойиб раҳбарлар эди. Ўша шўро замонларидаги мафкура, сиёсат сабаб, ким бўлсангиз ҳам ўз сўзингизни айтиб, ҳатто тўғри нарсаларни тўғри деб айтиш имконияти йўқ эди. Чунки, фирқадан ўчириш, жиноий жавобгарликка тортилиш керак, деган сўз эди. Фирқа ҳайъатида кимни фирқа сафидан ўчиришса, уни бошқарув идораси олтидан милиция турмага олиб кетар эди. Каримов ва Давлатбоевлар ҳам милицияга топширилмагани учун ҳеч нарса демасдан индамай кетишга мажбур эди. Улар шундай қилдилар. Кейинчалик Солий Каримов ва Тўрабой Давлатбоев бошқа идораларда кўплаб яхши ишлар қилдилар.

Солий ака 80 ёшида, Тўрабой бўлса ёш 60 ёшга етмасдан дунёдан ўтди. Иккаласининг ҳам ўғил, қизлари бор. Улар элда яхши инсон сифатида ҳурмат қозониб, бахтли турмуш кечиришмоқдалар.

1968 йил охири 1969 йил бошида мен меҳнат таътилига чиқиб, йўлланма билан Сочи шаҳрига дам олишга жўнадим. Сочи шаҳрида туман фирқасининг иккинчи котиби Хан Бен Нам ҳам дам олаётган эди.

Сочида яхши дам олиб Москвага сайҳат қилиш учун самолётда Олдердан пойтахтга учдик.

Москвага бориб меҳмонхонага жойлашиш учун Марказқўм қабулхонасига Хан Бен Нам билан бордик. У ерда бизларни «Виставка» деган меҳмонхонага жойлаштиришди. Хан ака билан борсак, бу оддий меҳмонхона экан. Бу ерда 4 та киши бир хонада яшаркан.

Хан Бен Нам бундан жуда норози бўлиб, «мен иккинчи котиб бўлсам, нимага менга «Москва» меҳмонхонасидан ўрин беришмади», деб кўп хафа бўлди.

Хан аканинг Гурландаги бир қариндошининг қизи москвалик йигитга турмушга чиққан экан. У менга ўша қариндошиникига боришни таклиф қилди. Биз уларнинг уйини зўрға сўраб топиб бордик. Борсак Ханнинг қариндош кампири йўқ, унинг қизи бор экан. Афсуски, қизи зўрға уйини очди. Кейин биз уйга кирдик, лекин у қиз ўз каравотида кўрпага ўраниб, китоб ўқишни давом қилдираверди.

Бизларга на нон олиб келди ва на чой қўйди. Фақат «онам йўқ, ҳозир келади», деди. Биз Хан ака билан деярлик 1 соат кутдик. Шунда Хан акага, «кўрдингизми сизнинг корейс қариндошингизни, агар бизда бўлса ким келса ҳам нон, чой қўярди, бундай ўрнидан турмасдан ётишмайди», деб унинг юзига айтдим. Чунки уй эгаси ўзбекчани билмайди. Хан ака шунда жуда тўғри, ўзбек миллати — жуда яхши миллат деб тан олди. Кейин уй эгасининг эри келди. У яхудий миллатли киши экан. У келгандан кейин хотини ўрнидан туриб, кечаги қолган боршни иситиб, иккаласи истеъмол қила бошлашди. Шунда эри, «ўртоқлар сизларнинг келишларингизни билмадик. Шу боис овқат тайёрламадик», деб айтиб қўйди. Лекин у шу боршдан олиб келса бўларди-ку ахир, йўқ олиб келишмади. Шунда Хан ака жуда хафа бўлиб, яна ўзбек миллатини мақташга ўтди. Мен унга «Туринг кетамиз, сиз менинг қариндошим деб олиб келган одамларнинг хизматини кўрдик», деб гапирдим. Ахир кампир Гурланнинг Вазир қишлоғида 30 йил яшаган экан. Кўп ўтмай кампир ҳам келди. Кампир келгандан кейин чой, нон, колбаса, коняк — ҳамма нарса муҳайё бўлди. Хан ака кампирга «нима учун бу қизингиз бунақа?» деб танбех берди.

Мен яна Хан ака бизнинг ўзбек халқидек меҳмондўст, очиқ кўнгил халқ дунёда йўқ, деб уни яна бироз жиғига тегдим. У ўзининг корейс тилида кампирга ва қизига кўп гаплар айтди. Мен кейин Хан акадан, «нима дедингиз?» десам, «мени шу ўзбек одамнинг олдида шарманда қилдинг» деб гапирдим, деди.

Биз Хан ака билан кейин «Москва» меҳмонхонасига ўрнашдик. Хуллас Москвани тамоша қилиб бир ҳафта қолиб кетдик.

Шу вақтда Ўзбекистонда маҳаллий кенгашларга сайлов бўлаётган эди. Кечқурун телевидение орқали Ўзбекистонда сайлов бўлиб ўтгани, бироқ Қорақалпоғистон республикасида 1 та туман кенгашига, Хоразмда 1 та қишлоқ кенгашига сайлов бўлмаганини айтишди. Сабаби Амударёнинг суви ўз ўзанидан чиқиб, сув босганини маълум қилди. Биз ташвишга тушиб, уйга телефон қилиш учун ҳаракат қилишдик. Аммо телефон қилиш имконияти бўлмади. Алоқа йўқ деб жавоб беришди.

Эртасига уйга самолётда учиб кетдик. Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани, ҳамда Хоразмдан «Чолиш» қишлоғини сув босган экан. Мен эртаси Берунийда яшайдиган аммамнинг болалари ахволдан хабар олиш учун Нукус орқали Берунийга жўнадим. Берунийга борсам сув босган «Ленинизм» жамоа хўжалиги аҳолиси Султон Увайс бобо зиёратгоҳига кўчиб, палаткаларда яшашётган экан. Қариндошларимизнинг уйларини мутлоқа сув босиб, уй-жойлари йиқилиб қолибди.

1969 йил баҳори жуда кеч келди. Тинимсиз ёмғир бўлди. Туман бўйича одамларни ёмғир офатидан қутқариш комиссиялари тузилди. 650 та хўжаликнинг уйлари мутлоқа яроқсиз аҳволга келганлиги маълум бўлди. Уларни қариндош-урувлари уйларига, эски омбор, ферма ва бошқа жойларга яшаш учун ўрнаштирилди. Баҳорнинг кеч келиши, ёмғирнинг кўп бўлиши пахта экишни кечиктириб юборди.

Туман раҳбарияти ҳар бир жамоа хўжалигига фирқа ҳайъати аъзоларини вакил қилиб беркитди. Мени тумanning 20% маҳсулотини берадиган Боголонга вакил бўлдим.

Менга ёрдамчи қилиб автокорхона директори дўстим Солий Қозақов ҳам бириктирилди. Яхшиям, унинг янги ГАЗ-24 автомашинаси бор экан. Мен ундан кўп фойдаланар эдим. Қозақов Солий жуда оққўнгил, софдил, оддий инсон. У билан ҳамма вақт дўст-оғайни бўлиб қолдик. У мендан ҳеч нарсани сир тутмас, мен ҳам уни жуда ҳурмат қилардим ва ҳозир ҳам ҳурмат қиламан. У ҳаж амалини мендан беш йил олдин бажариб келди. Ҳозир ҳожи бобо бўлиб, ўз фарзандлари, нева-чеваралари ва Хатича опа билан қарилик гаштини суриб яшамоқда. У киши билан тез-тез учрашиб, ёшлик даврларини эслаб турамиз...

...Баҳор ўтиб бораётир. Лекин пахта экиш имконияти йўқ. Ерлар нам, изғор ерни ҳайдаш имконияти йўқ. Мени туман раҳбари Раҳимов

чақириб, «сен Аминбой Боғолоннинг ҳамма ерларини кўриб чиқ, балким суришга тайёр ер топилиб қолар. Пахта экиш кечикиб кетаётир», деб айтди. Мен Боғолонга келиб, раис Матқурбон Бобожанов, бош аграном Солий Хайтбоев билан далаларни айланиб чиқдик. Ҳамма ер лой, изғор, экиш мумкин эмас эди.

Ниҳоят Ҳожи Оқмановнинг 15-бригадасида, (Гурлан – Урганч йўли устидаги ҳозирги боғ) бир далани эртага ҳайдаса бўлади, деган хулосага келдик.

Туман раҳбарига бу тўғрида ахборот бердим. У киши дарров ўзи далани кўриш учун келди. Эртага 24 апрель куни ҳайдашни бошланг деб маслаҳат бердилар. Хуллас, туман бўйича бригадирларни, раҳбарларни 26 апрель куни шу далага чақириб, пахта экишни бошладик. Тўғриси ҳали ер жуда нам эди. Нима қилса ҳам пахта экиш бошланди, деб айтиш учун экилганини ҳамма иштирокчи билиб турарди. Лекин ҳеч ким бундай тўғри гапни айтолмас эди. Ҳавонинг бундай ёмон, ҳароратнинг паст келиши натижасида, пахта экиш туманда 10 июнгача давом этди. Яна ёмғир тинмас, ҳаво совуқ. Пахта кўкариши ва ривожланиш паст бўлди. Ёзи билан республикадан, вилоятдан раҳбарлар келиб турар, лекин деҳқончилик ривожига ёмон эди. Пахта июль ойидагина гул кўрсатди. Ёзи билан турли ҳашоратлар пайдо бўлиб, кўкарган пахта кўчатлари ҳам ривожланишга имкон бермади.

Вилоятдан ҳар куни мутахассислар келиб кетар. Лекин ҳеч нарсанинг фойдаси йўқ эди.

Хуллас, машаққатли баҳор, ёз фасли ўтиб, куз келди. Сентябрь ойининг бошларида, ҳар йили пахта карвони бўларди, албатта.

Ўша йил 22 сентябрь келди ҳам пахта териш бошланмади. Негаки, теришга тушиш учун пахта йўқ. Шу йили сентябрь ойида туманда 2% пахта терилди. Вилоят бўйича шу аҳвол. Бироқ, Гурлан тумани шимолий ҳудуд бўлгани учунми, ҳаммадан ҳам аҳвол оғир эди. Вилоят раҳбарияти, вилоят ижроқўми раиси Раҳимбой Эшчановни Гурланга вакил қилиб беркитишди. У киши жуда ишчан, талабчан, ҳамма соҳада жуда пухта билимга эга, покиза раҳбар эди. У ҳам ҳар куни бутун туман далаларини Хударган ака Раҳимов билан айланиб юрар, бизларни кўриб маслаҳатлар берарди.

Ўша йил фақат октябрь ойидагина пахта терими бошланди. Ҳар бир қишлоққа вилоят раҳбарларидан вакиллар беркитилди. Боғолон қишлоғига вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал Абдужамшид ака Тошматов вакил қилиб бириктирилди.

Юқоридаги айтганимдек, тумандан Боғолон қишлоғига вакил мен, (туман халқ назорати ташкилотига раис Амин Вапоев) вилоятдан Генерал Тошматов билан биргалашиб куни бўйи далаларни айланамиз. Бригадаларда теримчи, ёрдамчи, ўқувчилар билан юриб, ишларни назорат қиламиз. Кечқурунлари раис Матқурбон Бобожанов хонасида бригадир ва ҳар бир бригадага бириктирилган вакиллардан ҳисобот оламиз. Раис сўрайди, Тошматов сўрайди ва мен ҳам сўрайман. Лекин далада, хирмонда пахта йўқ. Чунки далада очилган пахта кам.

Шундай кунлар бўлдики, генерал Тошматов вилоятдан 10-15 милиция чақириб, «ҳар бир уйга кирасизлар, одамларни пахта теримига жалб қиласизлар» деб топшириқ берар, одамлар кўчада бемалол юриш имконияти йўқ бўлиб қолди. Туман марказидан мактаблар, ташкилотлар, шифохона ходимлари ҳаммаси теримга жалб қилинди. Кўчаларда чорраҳа-тўсиқлар ўрнатилди. Урганч — Гурлан йўлида ДАН ходимлари туриб, Урганчдан келаётган инсонларни тушуриб, пахта даласида кеч тушганча пахта теришга мажбур қилишарди. Ана шундай тартибда иш олиб бориш давом қилди.

Яқшанба куни эди. Биз генерал Тошматов, раис Матқурбон ака, автокорхона директори Солий Қозоқов биргаликда, 8- бригада пахта хирмонида бригадир Сапарбойдан маълумот олиб, гаплашиб турган эдик. Кун ботиш арафаси, ҳаво салқин. Ноябрь ойи бошлари эди. Ўша вақтда вилоят ижроқўми раиси Раҳим ака Эшчанов, туман раҳбари Хударган ака Раҳимовлар биз турган бригадага келиб қолдилар. Эшчанов раисдан теримнинг аҳволи тўғрисида гаплашиб турган пайтда, хирмон йўлидан бозордан қайтиб, орқасида халта орқалаган 35-40 ёшлар чамасидаги аёл ўтиб кетаётиб салом берди. Саломга аликни фақат Матқурбон ака олиб, «яхшимисан Салима», деди.

Шунда Раҳим ака Эшчанов «тўхта сиз қаердан келаётирсиз?», деб сўради. Аёл киши орқасига қараб, «бозордан», деди. «Бозорга бориш учун кимдан рухсат сўрадингиз?» — деди Эшчанов. «Бизлар бозорга боришга ҳеч кимдан рухсат сўрамаймиз», дея жавоб берди ҳалиги аёл. Раҳим аканинг шунда жаҳли чиқиб, «раис! Сенинг қишлоғингда тартиб-интизом йўқ, сендан сўрамасдан бозорга кетадилар. Бу нима тартиб-интизом бузилиши эмасми?», деб раисга қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади.

Ўшанда, Эшчанов раисга қаттиқ гапираётганини эшитган Салима опа орқасига қайтди.

— Сиз Эшчанов деган ёшуллимисиз, — деб сўради.

— Ҳа, мен Эшчановман, — деди.

— Бизнинг раисга қаттиқ гапирманг. У киши яхши инсон. Сизлар бизларнинг аҳволни билмайсизлар, уйлариңгизда ҳамма нарса бор. Бола-чақалариңгизнинг кийим-кечаклари, ҳамма турдаги егуликлар Сизлар учун тайёр. Биз бечора колхозчилар қандай қилиб кун кечиришимизни Сизлар яхши билмайсизлар. Мен бозорга тамоша қилиш учун бормадим, товуқ, тухум сотиб, ўғлимга ботинка олиб келаётирман. Ўғлим 15-кундан бери уйдан чиқмайди. Чунки, унинг оёқ кийими йўқ. Мана нима учун бозорга бордим, ёшулли! — деб гапини тамом қилди Салима опа.

Раис Матқурбон ака: «Ҳай Салима! Тур уйиңгга бор. Тез-тез кет бу ердан, — дея олди холос. Салима «ҳайф сизларга», дегандек дилидаги гапларни айтиб, уйига жўнаб кетди.

Раҳим ака бироз ноқулай аҳволда қолди шекилли, бироз вақт ҳеч кимга, ҳеч нарса демади.

Бироздан кейин Раҳимбой ака: «Генерал Тошматов! Сиз вилоятдан 4 та терговчи, 4 та ревизор олдириңг, шу колхозни текшириб, райком бюросига Матқурбон Бобожановнинг масаласини киритиңг. Райком секретари Раҳимов! Бу раисни партиядан ўчириб, жавобгарликка тортиш керак!» деб буюрди.

Шу гапдан Матқурбон ака қаттиқ таъсирланди шекилли, у бироз четга — хирмон атрофидаги паст девор устига чиқиб, бир қўлини орқасига тутгунча иккинчи қўлини кўтариб: «Эҳ, ўртоқ Эшчанов! Бу қийинчилик фақат мен сабабли бўлиб тургани йўқ. Бу эл-юртга худодан келган қийинчилик. Мен бу колхозда ишлаб 1 сўм пул ўғирлик қилмадим, бир инсон суд қилиниб, жавобгар бўлмади. Колхознинг ҳеч қандай қарзи йўқ. Колхозда бундан 15 йил бурун бир чертак бор эди. Ҳозир колхоз шаҳарга айланаётир, ўзим бу йилни агар охирласам, ишни қўйиб кетмоқчиман. Сиз терговчи-ревизор чақириб юрманг ўзим кетаман, ҳозир кетсам мен инсофсиз бўламан. Чунки оғир вақтда фронтни ташлаб кетган солдатга ўхшашим мумкин. Яна Сизлар ўзи меҳнат қадрини билмайсизлар, — деб сўзини тамом қилди.

Матқурбон аканиңг бу сўзлари ҳаммамиз учун ғоятда оғир кечган дақиқалар бўлди. Эшчанов ва Раҳимов машиналарига индамасдан мина бошлашди. Мен Матқурбон акага, «Сиз ҳам машина олдига ўтириңг ва чой ичиңг» деб имо-ишора қилдим. Раис тушунди. У ҳам машинага миниб Гурлан трассасига қараб йўл олдилар. Бизлар

ҳам уларнинг орқасидан бордик. Раисни йўлда, қишлоқ бошқаруви идораси ёнида тушириб кетдилар. Бизлар ҳаммамиз идораси ёнидаги меҳмонхонага кирдик. Чунки, шу меҳмонхонада Тошматов, мен, Қозоқов бирга ухлаймиз, чой-нон шу ерда эди.

Генерал Тошматовнинг бўйи 2,10 метр, вазни 150 кг келадиган салобатли инсон эди. Кўп гапирмас, босиқ, жуда кўп воқеалар иштирокчиси бўлган яхши инсон эди.

Генерал ҳамма стол атрофида ўтиришга тайёргарлик кўраётган вақтда, ўрнидан туриб: «Матқурбон ака сизни мен яхши билмас эканман, сизни бир саводсиз деҳқон деб юрар эдим. Сиз ажойиб инсон, йигитларнинг хўрози экансиз, сизга раҳмат» деб, Матқурбон акани кўтариб ўпиб, уни бир неча маротаба айлантириб ерга қўйди.

Матқурбон ака ҳайрон. Нима қилишини билмай, «раҳмат ўртоқ генерал», деб айтолди, холос. Кейин генерал Тошматов, «Аминбой неча кун бўлди бу ерда яшайпмиз?» деб мендан сўради. Мен 25 кун деб жавоб бердим. У дарров битта коньяк топинглар, мен очиқ тушлик қиламан деб белидаги пичоқни олиб пиёз, помидор, саримсоқ, қалампирдан салат тайёрлай бошлади. Раис Матқурбон ака бош ҳисобчиси Собирбойга бир коньяк топиб келишни буюрди.

Собир ака Холматов қаердандир «Оташли» деган Озарбайжонда ишлаб чиқаришган бир шиша коньяк олиб келди. Генерал Тошматов салатни тайёрлаб, коньякни очиб 4 та косага тенг қўйди. Шунда Матқурбон ака «агар мен шунча коньякни ичсам генерал бўлар эдим. Бунинг ярми сизга ва ярмини ўзимга қуяман «деб коньякнинг бир қисмини Тошматовга қўйди.

Тошматов косани қўлига олиб, шундай деди:

— Дунёда шундай одамлар бор, улар маълумотли ҳам эмас, бўйи ҳам баланд эмас. Ёки Матқурбон ака айтганидек, генерал ҳам эмас. Улар бизларнинг орамизда кўзга кўп ташланмай дунёни тутиб турилади. Ер устидаги барча борлиқни ўзининг ақлу фаросати билан яратади. Улар бу ишни қилдим, у ишни қилдим деб айтмайдилар, ёки оддий қилиб айтганда улар мақтанмайдилар. Ана шу кишининг бири Матқурбон ака, — деб қўлидаги косани раис билан уриштирди. Сўнг, «қадахни сизнинг учун кўтараман, соғ бўлинг раис бобо», деди.

Шундай қилиб Тошматов, терговчи ҳам ревизор ҳам чақирмади. Туман раҳбари, вилоят ижроқўми раиси ҳам бу тўғрисида ҳеч нарсга демади.

Шу ўринда Матқурбон ака ҳақида бир икки оғиз сўз. У киши чаласавод, фақат зўрға ўқишни биладиган инсон эди. Лекин жуда

зийрак, ҳамма нарасага ҳозиржавоб, бир эшитган гапни ҳеч қачон ёдидан чиқармасди. У ҳеч қачон ёлғон сўзламасди. Ҳеч қачон мақтанмасди. Жуда ақлли, қалби тоза одам эди. Жамоа хўжалиги иши учун кеча-ю, кундуз тинмай ишларди. Колхозчилар уйларига бориб уларнинг аҳволидан хабар олар, шунинг учундир бутун қишлоқ аҳли Матқурбон акани ҳурмат қилиб, ўз отасидек кўришар эди. У киши 70 ёшида дунёдан ўтди. Ҳозир ҳам одамлар унинг яхши ишларини эслаб юришади. У Боғолондан кўплаб кадрлар тайёрлади. Янги қишлоқнинг кўплаб ёшларини ўқишга боришига ёрдам берди. Шунинг учун Боғолондан жуда кўп инсонлар Тошкентда ишлаб ижод қилаётир.

Боғолондан Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Камол Матёкубов сингари ижодкорлар, шунингдек кўплаб инженерлар, аграномлар, иқтисодчилар етишиб чиқди. М. Бобожонов нафақага чиққанидан кейин Матқурбон аканинг шогирдларидан, Солий Ҳайитбоев Боғолонда раислик қилди.

Солий Ҳайитбоев олдинига қишлоқда бош аграном бўлиб ишлади. Кейин Боғолон, Олға қишлоқларидаги жамоа хўжаликларига раис, Гурлан туман Давлат халқ назорати ташкилоти раиси, Янгибозор туман ижроқўми раиси, Янгибозор тумани ҳокимининг ўринбосари бўлиб фаолият юритди. Солий Ҳайитбоев қаерда ишламасин, ҳалол ва самарали ишлади. У ҳозир нафақада. Гулчеҳра билан ўғил-қизлар, неваралар ардоғида қарилик гаштини суриб яшамоқда. Биз Солий Ҳайитбоев билан тўй-ҳашамларда учрашиб, у киши билан ўтган кунларни эслашиб турамиз. У киши ҳозир ҳам маҳалласига бош бўлиб, элга хизмат қилмоқда.

Боғолон қишлоғида шу каби яна Жумабой Давлетов, Зариб Тажимов, Ваис Оллаберганов, Азамат Собиров, Бобоҳон Зиёдов раис бўлиб ишладилар.

Шунингдек, бу жамоа хўжалигида кўп йиллар бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Собир ака Холметов жуда зўр иқтисодчи эди. У киши жуда билимли инсон бўлиб, элга кўп хизмат қилди. Уни туманда энг яхши ҳисобчи сифатида ҳамма ҳурмат қилар эди. Афсуски, Собир Холметов ёшроқ бу дунёдан ўтди. Ўғил-қизлари номини эъзозлаб яшамоқдалар.

Азамат Собиров жуда пухта, ўз ишининг устаси. У ўзидан олдин қишлоқда раҳбар бўлган кишиларни ҳурматини жойига қўйиб ишлади. Ҳозирда Азамат ҳожи, фермер бўлиб жуда яхши ишлар

қилиб, элнинг ҳурматида юрибди. Бу қишлоқ тўғрисида кўпроқ ёзишим сабаби, 1968-69-70 йиллар мен туман вакили сифатида боғолонлик инсонлар билан бирга ишлаб, уларни танидим ва кўп нарсаларни ўргандим. Шулардан бири Тўли Хайтимов деган жамоа хўжалигида фирқа котиби эди. У киши жуда инсофли, виждонли киши эди. Фаолияти давомида ҳурматга сазовор бўлиб ишлади.

1969 йил туманда оғир йили бўлди. Пахта режаси 68% бажарилди. Шу сабаб жамоа хўжаликлари давлатдан қарздор бўлиб қолишди. Қишлоқ аҳли йил охирида ҳеч қандай даромад олмадилар. Курилиш ишлари тўхтади. Бу халқнинг турмуш шароити, даромадига салбий таъсир кўрсатди. Ҳар йилги тартиб бўйича жамоа хўжаликларида январь охирида йиллик ҳисобот йиғилиши ўтказилар эди. Ўша йилги мажлислар жуда оғир ўтди. Айрим қишлоқларда мажлислардан одамлар норози бўлиб, даромад йўқлигидан мажлисни ташлаб кетиш ҳоллари бўлди.

Боғолон қишлоғидаги мажлисда мен, туман вакили сифатида иштирок қилдим. Раис Матқурбон акани ҳамма ҳурмат қилиши сабабли, мажлислар тинч ўтар эди. Агар бир киши савол берса, раис бобо ҳар турли гаплар билан унинг ўзини гуноҳкор қилиб кўяр эди. У жуда гапга чечан, ўз вақтида ҳар қандай аҳволдан чиқиб кетиш қобилиятига эга эди.

1970 йил баҳор эрта келди. Дарёда сув кўп бўлди. Кун иссиқ бўлди. Хуллас, пахта учун об-ҳаво жуда яхши келди. Баҳорда ёмғир бўлмади. Натижада пахта бир текис кўкарди. Ривож яхши бўлди. Бу йил туманимиз кўп йиллар пахта тайёрлашда қийинчиликларга дучор бўлиб келган бўлса, ўша йили жуда кўп ва эрта пахта хирмони бунёд этилди.

Ўша йили шўро давлати асосчисининг 100 йиллиги муносабати ва йил якуни бўйича жуда кўп кишилар қатори мен ҳам орден билан мукофотландим.

Халқ назорати ташкилотидаги узоқ ва самарали ишлари учун деб Ўзбекистон Олий Кенгаши Фахрий ёрлиғи билан ҳам тақдирландим.

Албатта шу даврда бу катта аҳамиятга эга нарса эди.

1970 йил июль ойида дам олиш учун Болтиқбўйига боришимга тўғри келди. Вилоят халқ назорати ташкилоти мутахассиси Икром Абдуллаев, «сизга Юрмалага билет ва йўлланмани ўзим олиб қўйдим, сиз фақат кетиш вақтида Урганчга келиб, мендан ҳаммасини оласиз», деди. «Хўп» дедим. Шундай бўлди. Самолёт учадиган кун 2 соат

олдин Икром Абдуллаевдан самолёт чиптасини ва курорт йўлланмасини олдим. Самолёт чиптаси Урганч – Нукус – Москва – Таллин деб ёзилганди. Мен шу чипта билан Нукусгача 12 кишилик кичик самолётда учиб бориб, Москванинг самолётига миндим. Ҳамда шу куни Москвада бўлиб, кечқурун Таллинга учдим. Кун ботиш арафаси эди. Мен маълумот берадиган қиздан «аэропортда қандай қилиб Юрмалага бораман», деб сўрадим. У ҳайрон бўлиб сиз Латвияга, Ригага боришингиз керак, бу Эстония деб жавоб берди.

Мен ҳайрон бўлиб энди нима қилишим керак, деб яна сўрадим. У айтдики, кечқурун соат 11:00 да Ригага поезд бўлади, шунга чиқсангиз бўлади. Эрталаб Ригада бўласиз, деб маълумот берди. Мен раҳмат айтиб, аэровокзалдан ташқарига чиқиб, таксилар турган жойга бориб турдим. Шунда бир кексароқ киши рус тилида «сизга такси керакми?», деди. Мен унга «Бугун Таллинни кўрсатинг, кечқурун Риганинг поездида чиқариб юборинг, сиз кечгача мен билан бўлишингиз мумкинми», дедим.

У жуда яхши инсон экан. У асли Сибирдан бўлиб, Таллинга хотини сабабли келиб қолган рус кишиси экан.

Хуллас, кеч соат 9:00 гача мен Таллиннинг ҳамма жойларига, денгиз бўйига, шаҳарнинг эски қисмига бордим. Такси ҳайдовчиси, менга хизмат кўрсатиб, Эстония пойтахти Таллин билан боғлиқ кўп нарсаларни гапириб берди. Кечқурун ресторанга кириб бирга овқатландик. Сўнгра у мени Ригага кузатиб қўйди. Қаранг-ки, бир дўстимнинг эътиборсизлиги сабабли, мен Эстония пойтахти Таллин шаҳрига саёҳат қилиш насиб этди.

Шундай қилиб эрталаб поездда Рига шаҳрига бориб тушдим. Юрмала Рига шаҳридан 15–20 км узоқликда жойлашган бўлиб, «Юрмала» сўзи лотин тилида денгиз бўйи деган маънони англатаркан. Вокзалдан «Юрмала» деб ёзиб қўйилган таксилар кўп эди. Бир таксида Юрмалага бордим, ҳамда йўлланмада кўрсатилган «Янфабрисус» номидаги санаторияга жойлашдим. Санатория Болтиқ денгизи бўйида экан.

Менга 3 киши яшайдиган хонадан жой беришди. Ҳамхонамнинг биттаси 62 ёшдаги миллати яҳудий киши бўлиб, немислар Ригага келганда у Сибирга кетиб, у томонда ишлаган экан. Яна бир ҳамхонам латиш 25–30 ёшлардаги йигит эди. У билан биз бир икки кун унча сўзлашмай юрдик, кейин катта ёшли инсон жуда кўп нарсаларни бошидан ўтказган экан. У немисларни жуда ёмон кўрарди. Лекин шўро давлатини ҳам яхши демасди. Ёш латиш йигит эса

шўро тузумига қарши бўлиб, бу давлат тузуми узоққа бормади, деб мутлоқа норози бўлиб гапирарди. Мен ундай ниятда бўлган кишилар билан суҳбатда бўлмаганман. Шунинг учунми, ҳайрон бўлиб, бу инсонларга қандай муомала қилиш керак деб ўйлаб, охири улар билан очиқ гаплаша бошладим. Мен шўро давридаги Олий фирқа мактабини битирган бўлсам, шу икки антишўровийни тарбиялайман, деган фикрга бордим. Улар билан кўп вақт суҳбатлашиб, шўро даврининг яхши ишлари тўғрисида кўп мисоллар айтсамда, улар менинг гапимни сариқ чақагаям олмасдилар. Уларнинг иккаласи ҳам, «Сизлар осиеликлар илгари ёмон яшаб келгансизлар, салгина ҳаёт яхшиланишини кўриб хурсанд бўлиб юрибсизлар. Бизлар ўзларимиз мустақил даврда, ҳозирги шўро вақтларидагидан жуда яхши яшаганимиз. Аксинча, ҳозир жуда ёмон аҳволдамиз. Шўролар шахсий мулкларимизни тортиб олди. Бир иш қилиш мумкин эмас. Бу тузумнинг нимаси яхши», деб мени сўзлатмасди. Мен ҳам ўз фикримдан қайтмасдан шўро тузумини мақтар ва уларга тушунтирган бўлар эдим. Катта ёшдаги одамнинг гапига қараганда, унинг бобоси Ригадаги Рижский пиво ишлаб чиқарадиган заводнинг эгаси бўлган эмиш. Ёш латишнинг бобоси эса Рига шаҳридаги барча катта меҳмонхоналарнинг эгаси бўлган экан. Улар ана шуларни айтиб, шўро давлатидан норози бўлишар эди. Мен эса уларнинг фикрига ҳеч қўшилмас, улар бўлса мени «большевик» деб ўз-ўзига айтишар эди. Ҳа, мен фирқа аъзосиман ва унга содиқ бўлиб яшаётирман, деб жавоб берар эдим.

Хуллас, санаториядаги 24 куним шу икки инсон билан турли суҳбатлар, баҳслар билан ўтди. Бир куни Юрмалада Россиянинг ҳамма жойидан артистлар, эстрада юлдузлари келиб «Юрмала 1970 йил» деган фестиваль ўтказилди.

Мен ҳам санаторияда эканлигимдан фойдаланиб, ўтказилаётган концертга бордим. Концертга борсам менинг рус тили ўқитувчи Қаландар Шамсиевни учратиб қолдим. У киши билан дам олишнинг сўнги ҳафтасини ўтказдик. Рига шаҳрининг тарихий жойларини томоша қилдик. «Орган» муסיқасини тинглаб, дам олдик. Домла Қаландар ака билан ўтган дам олиш кунлари жуда мароқли бўлди. Ҳордиқ кунларини тугаллаб, Рига шаҳридаги Румбула аэропортидан Ленинград шаҳрига учдим. Ленинградда туманимиздаги «Гулистон» жамоа хўжалиги раиси Ким Сергей Темировичнинг оғайниси Петя ака яшар эди. Мен Петя ака билан Гурланга келганда танишиб, уни уйда меҳмон қилган эдим. Петя аканинг манзилини билардим. Унинг

уйини топиб бордим. У жуда меҳмондӯст, яхши инсон бўлиб, унинг хотини ресторанда директор экан. Уларнинг уйи кенг — 4 хонали бўлиб, Нева дарёси соҳилида жойлашганди. Петя аканинг уйи деразасидан Нева дарёси кўриниб турар эди.

Петя ака мени 3 кун Ленинград шаҳрини томоша қилдириб чиқди. Ўзи доимо бирга юрди. У мени дунёга машҳур Эрмитаж музейига ҳам олиб борди. Шу тариқа куни бўйи Эрмитажни томоша қилдик, у менда жуда яхши таассурот қолдирди. Хуллас, ана шу тарзда Россия, Болтиқбўйи шаҳарларида дам олиб, Гурланга қайтиб келдим-у, янгидан янги ғайрат-у куч билан ишга киришдим.

Ўша даврда жамоа хўжаликларининг чорва моллари, «Қизил жар» массивида, Қорақалпоғистоннинг Орол бўйи ерларида боқилар эди. Молларни шу Қўнғиротнинг, Мўйноқнинг маҳаллий аҳолиси боқишарди. Ҳар бир жамоа хўжалигининг моллари учун беркитилган «Қизил жар» фермалари мудирлари бор эди. Шулар бориб мол боқишни ташкил қилишарди.

1971 йил бошларида туман раҳбари Хударган Раҳимов туман фирқа ҳайъатида, менга, қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари Зиёвуддин Камоловга, ветеринария бош врачлари Пакга, «3 кун тайёргарлик кўринглар. «Қизилжар»га ҳамма жамоа хўжалик раислари бориши керак», деб топшириқ берди. Биз — Камалов, Пак ва мен бирга енгил автомашинада Қўнғиротга қараб йўл олдик. Ҳар бир жамоа хўжалиги бир-биридан жуда узоқда жойлашган экан. Гурлан туманининг жамоа хўжаликлари «Ҳаким ота» ва «Заир» массивларида экан. Мен у ерларга биринчи боришим эди. Молбоқарларнинг деярлик ҳаммаси қозоқ миллатига мансуб одамлар эди. Бизлар ҳамма подачилар яшайдиган ерларни 5-кун ичида кўриб, уларнинг аҳволини суриштириб, уйларида меҳмон ҳам бўлдик. Улар ҳаммаси ер тўлада ёки қамишдан қилинган ноқулай жойларда, ҳеч қандай одам яшаши учун шароит йўқ ҳолатда яшар эканлар. Чорвадорлар билан суҳбатлашиб, уларнинг ҳаёти, турмушини кўриб, мен жуда хафа бўлиб кетдим. Чунки ертўла ҳам ошхона вазифасини бажарар, ҳамда ётоқхона ўрнида ҳам фойдаланиларди. Ертўла хоналарида вояга етган ўғил- қизлари, келинлари, ота-оналари ҳаммаси бир жойда ухлашарди. Биз ҳам ана шу хонада ухладик. Бола-чақаларига бир назар солсанг, улар ҳеч қачон ҳаммомга тушмаган, уйдаги кўрпа-ёстиқлари мутлоқ одам кўргисиз аҳволда. Худди, эски замонда одамлар қандай яшаган бўлса, шундай яшардилар. Ўшанда, «нима учун бу инсонлар XX асрнинг 70-

йилларидаям бундай шароитда яшаяптилар», дея ўйлаб, ўз-ўзимдан хафа бўлганман.

Биз Камалов билан деярлик бир ҳафтада «Қизилжар»дан қайтиб кетдик. Мен келиб, фирқа ҳайъатида уларнинг аҳволини айтиб берсам, раҳбарлар менинг бу гапларимга унча эътибор ҳам беришмади. Мен чорвадорларнинг болалари ўқиши учун мактаб йўқ, улар «болаларимиз саводсиз қолиб кетаётир», деб арз қилишди ҳам дея вазиятни айтиб бердим. Шунда бир раҳбар гапимни бўлиб, «уларнинг болалари ўқиса, молни ким боқади?» деди, натижада бошқалар ҳам сўзларимни тингламай қўйишди.

Уларнинг аҳволига ачиниб қолганимни кўрган раҳбарлар, «ҳали биринчи боришинг, кейин сен ҳам уларнинг ҳаётига ўрганиб кетасан» дейишди. Мен шундаям Қизилжардаги чорвадорлар ҳаётига жуда ачиндим. Кейинчалик бошқа вазифаларда ишлаган давримда, уларга шароит яратиб бериш бўйича қўлимдан келган ишларни қилдим.

Айниқса, Сочи, Рига, Москва, Ленинградда бўлиб, бу шаҳарлардаги инсонлар ҳаёти ва турмуш тарзини кўриб, уларни Қизилжардаги турмуш тарзи билан таққослаб, XX асрнинг 70-йилларида, шўролар халқимиз фаровон турмуш кечираяпти, деган даврда, XIX асрагидек ҳаёт кечираётганлар борлигига ачиндим. Бизни ҳар куни гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлаётган, матбуотда, радио-телевидениеда, «бизнинг қаҳрамон чорвадорларимиз, мард, уста илғор кишиларимиз» деб, гапириб келаётган инсонларнинг ҳаёти мени жуда ларзага солди. Фарзандлари ўқиши учун мактаб, янаш учун оддийгина шароити бўлмаган уйлардаги инсонлар ҳаёти, бу нима омадсизликми, тенгсизликми, эътиборсизликми, масъулиятсизликми, деган саволлар қуршовида қолдим. Ёки дунё шундай нотекиски, у ҳамиша шундай бўлиб келганми, билмадим. Бу масалани яхшиси ўқувчи хулосасига ҳавола қиламан. Билмадим, сиз нима дейсиз?! Ва қандай хулосалар чиқарасиз?!..

Ахир агар санаторияда, умумий овқатланиш корхоналарида дўконларда, гўшт, сут бўлмаса қандай қаттиқ безовта бўлиб, нималар қилмаймиз. Аслида, ҳар бир гўшт, сут истеъмол қилувчи, бу маҳсулотлар қандай етиштирилиб турганини ўйлаб, унинг борлигига шукроналар айтиб, ана шу ишнинг уддасидан чиқиб, бизга маҳсулот етказиб бераётганларга таъзим қилиш барчамизнинг бурчимиз бўлиши керак. Шу инсонларга доим эътибор кўрсатиш, шароит яратиб бериш жуда тўғри бўлади, деб ҳамма вақт ўз кўнглимдан

ўтказиб юраман. Умуман, меҳнат кишиси, қайси жамиятда бўлмасин ўзи яшаб турган ерда, ўз даврида ҳурматда бўлмоғи керак, деб ўйлайман.

Шундай қилиб 1971 йил охирлаб қолди. Бизнинг оиламизда яна бир қизимиз туғилди. Унинг исмини Муҳаббат деб қўйдик. Уйда Ўғилжоннинг ишлари кўпайди. Эски жойни мутлоқа йиқиб ташлаб, ҳаммамиз Гурлан туман марказидаги янги уйга кўчиб ўтдик. Қишлоқдаги уйимиз ҳали жуда яхши эди. Бунинг устига боғимизда ҳамма турдаги мевалар бўлиб, жуда яхши ҳосил берар, бундан ташқари уйимиз атрофида катта-катта 6 та гужум бўлиб, атрофи соя-салқин, унинг ёнида бобомдан қолган суви жуда ширин тош қудуқ ҳам бор эди. Ундан бутун қишлоқ сув ичарди.

Ана шундай жаннатмакон ота-боболаримиздан қолган, мен туғилиб ўсган уйни бир кунда бульдозер билан йиқиб ташладик.

Сабаби, «Вапоевнинг икки уйи бор», деб юқори ташкилотларга турли хил имзосиз аризалар тушаверди. Бир куни шикоятни текшириш учун вилоят фирқа ташкилотидан комиссия келиб, «Аминбой сиз бу уйни йўқ қилмасангиз, ариза давом қилаверади», деб айтишди. Кечқурун уйга хафа бўлиб келганимни онам сезиб, «болам нима бўлди, хафа кўринасан?», деди. Мен ҳамма вақт онамга бор дардим, фикримни айтиб юриб ўрганган эдим. Шу боис, «она менинг устимдан шикоятлар кўпайиб кетди», дея олдим холос. «Нима сабаб болам?», дея хавотирланиб сўради онам. «Шу эски уйимиз масаласи» дедим. Онам дарров отамни, Ўғилжонни чақириб, менинг гапимни айтди. Отам бироз индамай ўтирди. Онам яна «бобо, нимага индамайсиз, бизга бу эски жой нимага керак, агар болага гап келса, ҳеч нарса керак эмас!», деб қаттиқ туриб олди.

Отам оғир ўйга толди ва:

— Мен умр бўйи ишлаб шу иморатни қурдим, боғ қилдим ахир. Бу уйга кимлар келиб туз, нон емаган, қанча меҳнат билан боғ қилдик. Боғ бир икки йилда бўлмайди. Бунинг учун 5-10 йиллар керак. Бу жой кимга тегибди-ки, уйни йиқиб ташласак?! Уйни йиқиш мумкин, лекин шунча мевани йўқ қилиш қандай бўларкин?... Худо ҳам хуш кўрмас, бу боғни йўқ қилишни?— деб аждоглари, ўзи яшаган, меҳнати синган уй аҳволига ачиниб гапирди.

Орага оғир сукунат чўкди. Яна тинч қолди. Кейин онамга қараб:

— Ўғилжон агар шу уйимизнинг Аминбойга зарари тегса, менга бунга ўхшаган 10 та жой бўлса ҳам керак эмас. Болам эртага трактор олиб кел, уйни мутлоқа текислаб ташлаймиз, бу худо ургурлар хат

ёзувчилар тинч бўлсин. Менинг боламни тинч қўйишсин! Боғнинг гуноҳи ўша аризагўйларга. Оллоҳнинг ўзи уларнинг бўйнига гуноҳини юкласин. Биз ноилож бу ишни қилмоқчимиз. Лекин давр келади бу иш нотўғри эканлигини, кейин тушунишади. Аммо, унда кеч бўлади. Боғ йўқ қилинади. Начора болам, боғни ҳам йўқ қилиш керак бўлса, шундай бўлсин, — деди.

Эртасига жамоа ҳўжалик раиси Иброҳим акадан трактор сўрадим. Отам трактор келгандан кейин, тракторчига «ноиложмиз, ука! Уйни йиқиб ташлайвер. Мен уйнинг йиқилишини кўришни истамайман», деб Нурмат жўросининг уйига кетиб қолди.

Шу тарзда уйни, боғни икки кун ичида 3 трактор текислаб ташлашди. Мен ҳам, ота-онам ҳам шу вақтда бўлмадик. Чунки уни кўриш жуда оғир эди.

Уйнинг, боғнинг йўқ қилинганини кўрган, эшитган ҳамма ҳайрон: «Жуда яхши уй, боғ эди. Нима учун уни йиқитиб ташладинглар?!» деб. Қишлоқдаги кўп кишилар, қориндошлар «Нима учун йиқдингиз, бизга берсангиз бўлмасмиди. Ахир яхши иморат эди», деб мен билан учрашса шу гапни айтишарди. Бу сўзларни эшитсам, ўзимдан ўзим жуда хафа бўлиб кетардим.

Бироқ ачинишимни, аҳволимни уларга билдирмасликка ҳаракат қилардим: «Йўқ, нимага керак шу эски жой. Гурланда янги жой борку ахир. Ота-онам, Гурланга кўникмай қишлоққа кетавергани учун йиқиб ташладим», деб ёлғон сўзлар эдим.

Ана шундан кейин туман фирқасининг иккинчи котиби Хан Бен Намга:

— Вилоят фирқа ташкилотдагиларга айтинг. Уйни мутлоқа йиқиб, текислаб ташлатдим. Келиб кўриб кетишсин, — дедим.

Шундан кейин ҳақиқатдан ҳам вилоят ташкилотидан бир киши келиб, кўриб, қишлоқ кенгашидан «Вапоевнинг қишлоқдаги жойи йиқилди», деб маълумотнома олиб кетди.

...Ҳа, ота-боболаринг, ўзинг туғилиб, яшаган, барпо этган уйни, боғни йиқилиши нақадар қайғули эди...

...1972 йил бошида Ўғилжон билан Сочи шаҳрига санаторияга дам олиш учун жўнаб кетдик. Биз Сочи шаҳрининг Хоста районидаги «Волка» санаториясига йўлланма олган эдик. Шу санаторияда хоразмлик шоир Комил Аваз турмуш ўртоғи Раъно опа билан дам олаётган экан. Жуда яхши бўлди. Биз Комилжон билан олдиндан таниш бўлиб, бир туманда ишлаганмиз. У Янгибозор пахта тозалаш заводида директор бўлиб ишлар эди.

Комилжон билан Раънохоннинг санаторияда бўлиши бизларга жуда яхши бўлди. Раънохон билан Ўғилжон бирга сайр қилиб юрар, Комилжон бўлса жуда эътиборли зиёли шоир бўлганидан, ҳеч вақт у киши хафа бўлмас, ёки тушкунликка тушиб ўтирмасди. Ҳар доим яхши сўзлар, янги шеърлар ёзиб, дам олишни жуда сермазмун қизиқарли, фойдали қилиб ўтказди. Шу - шу бўлдики Комилжон Авезов билан ака-укадек бўлиб, жуда меҳрибон бўлиб қолдик. Унинг жуда кўп китоблари напир қилинган. У ҳар гал менга янги китобларини ўзи олиб келиб беради. Мен унинг ижодидан жуда хабардор бўлиб, маънавий озуқа оламан. Ҳозир ҳам Комил Аваз адабиёт, санъат, тарих борасида кўплаб асарлар ёзиб, ижод дарди билан яшамокда.

1972 йил июнь ойи бошида мени вилоят фирқа ташкилотига чақиришиб, биринчи котиб Мадийр ака Худойберганов ҳузурига олиб боришди. Мадийр ака мени яхши танир эди. У мен билан жуда илиқ сўрашди. «Ука сени мен ва вилоят фирқа ташкилотидоғилар яхши биламиз. Сени Гурлан туман фирқа ташкилоти котиби вазифасига тавсия қилмоқчимиз, албатта Марказқўм бизнинг таклифни маъқуллар деган умиддаман. Эртага Тошкентга кетасан. Лекин бу ҳақда ҳеч кимга айтма, биласанку жуда хат ёзувчилар кўп. Улар эшитса дарров нимадир қилишади», — деди.

Кечқурун туманимиз раҳбари Хударган Рахимов мени уйига чақириб, ҳеч кимга кўрсатмасдан ўз қўли билан сафар йўлланмасини ёзиб берди. У ҳам «ҳеч ким билмасин», деб огоҳлантирди. Эрталаб Урганч аэропортидан Тошкентга жўнадим. Менга вилоят фирқа ташкилотиди, «Марказқўмдаги вилоят бўйича йўриқчи Алимовга учранг, у сизнинг боришингизни билади», деб айтишганди. Шундай қилиб Тошкентда самолётдан тушсам, Рустам Алимов мени кутиб турибди. У билан биргаликда Марказқўмга бордик.

Марказий Комитетда Алимов мени 3 та бўлим бошлиғи ва икки Марказий Комитет секретарлари билан суҳбатлаштирди. Икки кун давомида Марказий Комитет биносиди ва меҳмонхонасиди бўлдим.

Ҳаммаси яхши бўлди шекилли, менга «марказқўм брони», деб бир қоғозни беришди. Авиакассада дарров айтган вақтимга билет беришди. Эртага уйга кетиш керак. Тошкент Олий фирқа мактабиди шу вақтда дўстимиз Ўсар Абдуллаев ўқир эди. Мен вақтдан фойдаланиб Ўсар Абдуллаевни кўриш учун Олий мактабга бордим. Ўзимнинг домлаларимдан 3-4 тасини кўриб, улар билан суҳбатлашдим. Кейин Ўсар Абдуллаевни ва унинг сурхондарёлик

бирга ўқийдиган дўсти Забилжон деган йигитни «Тошкент» ресторанига таклиф қилдим. Чой ичиб, овқатланиб суҳбат қурдик. Шунда Ўсар мендан «қаерда бўлдингиз?» деб сўраганда Марказқўм меҳмонхонасида», деб айтиб қўйдим. Ўсар дарров «ҳа, сиз бир вазифага ўтиш учун Марказқўмга келгансиз», деб дарров пайқаб қолди. Лекин мен бари бир очиқ айтмадим. У ўзи сезди, кейин яна билиш учун ҳаракат ҳам қилмади, мен ҳам индамадим.

Бироқ, шуниси қизиқки Алимов менга «эски уйни йиқиб ташлабсиз-ку?!» деди. Мен «ҳа» дедим. «Нимага?» деб сўради. «Уй жуда эски эди», дедим-у, «шу менинг жойим масаласини Марказқўм ҳам билар экан-да» деб ҳайрон бўлдим. Керак бир имзосиз хат нима ишлар қилмайди. Умр бўйи отамнинг, бобомнинг меҳнати эвазига қилинган иморат, боғ, ер билан яксон бўлди-ку?!

...Гурланга келдим. Туман фирқасидаги ўртоқлар менинг уч кун йўқ бўлишимга жуда қизиқиб қолишган шекилли, ҳаммаси «қаерда эдингиз?» деб сўрашди. «Бир дўстим тўй берди, шунга Фарғонага бориб келдим «деб айтдим.

Фақат туман раҳбари Рахимов Тошкентга бориб-келганимни билар, аммо у ҳам «яна ҳеч кимга айтма», деб огоҳлантирганди.

Вилоят ҳалқ назорати ташкилотидаги ўртоқлар ҳам «қаерга бориб келдинг?» деб сўраб жиғимга тегишарди. Фақат назорат ташкилоти раисига бу гапни айтдим. У ҳам «ҳеч кимга айтма, яхши бўлибди», деди. Июль ойининг бошида Гурлан туман фирқа ташкилоти йиғилиши бўлиб, мени фирқа ташкилоти котиби вазифасига тасдиқлашди. Йиғилиш эртасига менга хонамни кўрсатиб, туман раҳбари Хударган Раҳимов, «сен ҳамма вақт машина миниб, ишлаб юрдинг, энди биласан райкомда фақат 2 та машина бор. У ҳам менда ва II- котибда. Шунинг учун сенга бир янги машинани трактор паркида қўйибман. Шу машинани олиб, миниб юравер. Лекин машина райком ҳисобидан эмас, бир жамоа хўжалиги ҳисобидан бўлади», деди.

Хударган аканинг бу гапидан кейин мен ўйлаб кўриб, ўзимизнинг қариндош Иброҳим аканинг жамоа хўжалигига машинани олиб, ҳайдовчи қилиб ўзимизнинг қариндош Жумабой акани олдим ва машинадан фойдалана бошладим.

Туман фирқа ташкилоти котиби сифатида менинг вазифам, мафкура, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, оммавий ахборот масалалари билан шуғулланишим керак эди. Биринчи ишимни туман марказий шифохонасидан бошладим. Касаллар ётган хоналарга бош

врач И.Л. Ким, Искандар ака Гулмановлар билан бирга кириб, касалларнинг аҳволини сўраб чиқдим, қандай даволаётгани билан қизиқиб, нима бўлса ҳам уларга, шифохонага ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Шифохонадаги муаммоларни менга врачлар очиқ айтадиган бўлди. Мен уларни қўлимдан келганча бажаришга ҳаракат қилдим. Бир куни пахтани суғориш бўйича семинар ўтказилди. Шунда тумандаги ҳамма фаоллар — жамоа хўжалиги раислари, бригада бошлиқлари қатнашишмоқда эди. Мажлисдан олдин концерт бўлиши керак эди.

Концертни ташкил қилиш менинг вазифам эди. Мен туман маданият бўлими мудир Озод Жонибековга буюрдим. Бироқ маданият уйида Раззоқ ака ва Амин Ваисовдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Хуллас, шу куни концерт бўлмади. Биз Хударган ака билан машинада туман фирқа ташкилотигача, «Ленинград» жамоа хўжалиги — ҳозирги Янгибозор туманининг Ширинкўнғирот қишлоғидан бирга келдик. У киши «Аминбой сен энди текшириш билан шуғуланмасдан маданият ишларига ам эътибор бер. Бу ҳам сенинг ишинг. Шунинг учун маданият уйи ҳузурида бир ансамбль тузишинг керак. Энди ҳаёт шу нарсаларни талаб қилади. Сен таклиф тайёрла, мен сени қўллаб қувватлайман», деди.

Ана шу воқеа, Хударган аканинг таклифи бўлдики, тумандаги ёш, истеъдод эгалари бор бўлган санъаткорларни маданият уйига тўплай бошладик.

Бир куни шу сабаб, Раззоқ ака Ҳасанов, Амин Ваисов, Матсапо Юсупов, Рауф Оллаберганов, Қахрамон Матчанов, Роза Одамбаева (9-синф ўқувчиси эди) Султонпошша Ўдаева (у 8-синф ўқувчиси эди), Мангитлик Тозагул ва Барно исмли қизлар ва яна иккита татар миллатига мансуб санъатга қизиқувчи қизлардан, жами 11 кишини маданият уйига таклиф қилдик. Улар билан дастлабки учрашув бўлиб, уларга мақсадимизни тушунтирдик ва уларнинг ҳам таклиф-истакларини сўрадик.

Уларнинг талаби билан ойлик маош берилиши, ҳамда мангитлик 2 та қизга ва 2 та татар санъаткор қизга квартира ҳам керак экан.

Мен шу масалани Хударган акага айтдим. У киши бўлса:

— Яқинда 8 квартиралик 1 та уй ишга тушади. Шундан 5 тасини сиз айтган артистларга берамиз. Штат, ойлик масаласи қийин. Лекин, бирор иложини топамиз. Сен қишлоқ кенгашларининг штат жадвалини олдириб қўр. Уларнинг қишлоқ маданият клублари, деган штатларида саводсиз, ҳеч нарсани билмайдиган шўроларнинг

қариндош-уруғлари ишлаб, ойлик олиб ётишибди. Ана шу штатларга жойлаштир, катта ташкилотга 1 та штат нима бўпти. Автобус эса пахта тозалаш заводида бор. ПМК, Сельхозтехника, РайПО ва бошқаларга топшириқ бер. Ана шу ҳомийлар асосида ансамбль тузилиши мумкин, — деб тушунтирди.

Ана шу инсоннинг гапи билан бутун бир ансамбль иштирокчилари ойлик оладиган бўлишди. Ўқувчи Султонпошша ва Розалар ҳам «қишлоқ кенгашлари қошидаги маданият клуб раҳбари», деб маош тайинланди. Санъаткор қизларга 8 квартиралик жойдан уй бердик.

Уларнинг кийим-кечакларини ҳам жамоа хўжаликлари ҳомийлигида ёки концерт қўйиб бергани учун маблағ тўплаб, таъминладик. Ансамблнинг номини «Наврўз» деб атадик. Натижада санъаткорларнинг интилиши, ўз устида ишлаши сабаб, бир ярим йилдан кейин «Наврўз» ансамбли чет элга — Чехославиякияга концерт сафарига бориб келишди.

Ансамблнинг концерт сафарига, бу ишларни йўлга қўйишда меҳнати синган туман маданият бўлими раҳбари Озод Жонибеков бош-қош бўлди. Ана шундай қилиб туманда ансамбль тузилганди. Ҳозир ўша пайтдаги ансамбль қатнашчиси Султонпошша Ўдаева Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, халқимизнинг сеvimли хонандаси даражасига етди. Биз бу билан фахрланиб юрамиз, албатта.

Ана шу ишлар билан бирга, маориф соҳасида ҳам турли тадбирлар ўтказилди. Қизиғи шундаки, у даврда Гурлан туман маданият уйи вилоятнинг ҳамма туманларида ўз концерт дастурлари билан халққа хизмат қиларди. Туманда ўтказилаётган ҳамма тадбир, тўйлар ўзларимизнинг санъаткорлар билан ўтказиларди. Туманда «кўргазмали қуроллар» деган тадбирлар ёки давр даъватини акс этдирувчи шиорлар, ҳар хил турдаги баннерлар қўйиш борасидаям жуда кўп ишлар қилинди. Туманда 17 та жамоа ва давлат хўжалиги бўлиб, ана шу хўжалиklar идораларига катта йўллардан борадиган кириш дарвозалари қуриш бўйича ҳам иш бошлаб юборилди.

Янгибозор машина-трактор паркида Шокир Матниязов бошқарувчи эди. Мен туман фирқа ташкилоти котиби сифатида «Маданият», «Коммуна» жамоа хўжалиklarига борадиган йўл бошларига дарвоза қуришни унга буюрдим. Ҳозир ҳам ана шу «Коммуна» колхози чегарасида қурилган дарвоза турибди.

Лекин шундай давр бўлдики, қайта қуриш деб аталган йиллари бошқа хўжалик раҳбарлари дарвозалар темир материалларидан

қурилгани учунми, шу дарвозаларни раисларининг ўзлари бузиб олдилар. Қайта қуриш даврида ҳар хил баҳоналар билан кўп керакли нарсалар қадрига етмаслик, эгасизлик, эътиборсизлик натижасида кўплаб жамоа хўжаликлар мулки, айрим раҳбар шахслар даврида йўқ бўлиб кетди. Фақат Мустақиллик даврига келиб, Президентимиз «Янгисини қурмасдан туриб, эскисини бузмаслик керак», деб кўрсатма беришлари, бу нотўғри ишларнинг олдини олишига сабабчи бўлди...

Гурлан туман қишлоқ хўжалик техникаси ташкилоти раҳбари асли боғолонлик Каримбой Ражаббоев директор қилиб тайинланди. Шарқия опа Алиева ҳайъат аъзоси Шовот туманига турмушга чиқиб кетди.

Шариф Қурбанов Урганчга ишга тайинланди. Унинг ўрнига аграрном Юлдош Қўчқаров қишлоқ хўжалиги бошқармасига бошлиқ бўлди. Ҳалқ назорати ташкилоти раиси бўлиб, асли боғолонлик Солий Ҳайитбоев ишлай бошлади.

Туман прокурори бўлиб Солий Бекчанов тайинланди. Шунингдек, жамоа хўжалик раислари ҳам ўзгарди.

Шу даврда Ленин номидаги жамоа хўжалигида Ибраҳим Холметов, «Правда» жамоа хўжалигида Солий Каримов, А. Навоий номидаги жамоа хўжалигига Ўразбой Юлдашев, «Коммунизм» жамоа хўжалигига Ким Алексей Иванович, Киров номидаги жамоа хўжалигига Қутим Ўразметов, «Қорақалпоғистон» жамоа хўжалигига Ўразбой Бекчанов, «Гулистон» давлат хўжалигига Ким Сергей Тимофеевич, «Янгиобод» давлат хўжалигига Мамажон Исмоилов, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига Собир Ёқубов, Ҳамза номидаги жамоа хўжалигига Собир Отажанов, «Москва» жамоа хўжалигига Тажибой Оқманов, «Ленинград» жамоа хўжалигига Рустам Юсупов, «Ленинизм» жамоа хўжалигига Жумамурот Сапарниязов, «Маданият» жамоа хўжалигига Сапарбой Ўтамов, «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалигига Тўлибой Матниязов, Куйбишев номидаги жамоа хўжалигига Матқурбан Бобожанов, бўрдоқчилик хўжалигига Эрка Юсупов раҳбарлик қилишарди. Юқоридаги топонимлардан ҳам кўриниб турибдики, ўша даврларда жамоа ва давлат хўжаликлари номлари шўро давлати сиёсати, мафкурасидан келиб чиқиб қўйилган атамалардир. Эътибор берган бўлсангиз, уларнинг аксариятининг Гурлан, Хоразм билан боғлиқ бирор жойи йўқ...

Ана шу тилга олинган шахслар билан бирга ишлашга тўғри келди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос феъл-атворга эга шахслар эди. Лекин

улар ўз қишлоқларини обод қилиш, халқнинг турмуш даражасини яхшилаш учун ҳаракат қиладиган инсонлар эди. Ҳозирги кунда ана шу ҳўжалик раҳбарларидан Ўразбой ака Юлдашев ўз ўғил қизлари, эл ардоғида қарилик гангтини суриб яшамоқда. Мен у киши билан тез-тез учрашиб, ўтган кунларни эслаб турамиз. У ўз қишлоғида 23 йил раис бўлиб, қишлоқнинг ҳамма ер майдонларини қайта қуриб, чорвачилик фермасини барпо қилдириб, сув тармоқларини кенг йўлга қўйган инсон.

1972 йил туманда яхши якунланди. Пахта, шоли режаси ҳам мўл бўлди. 1973 йил ишлари бошланиб кетди. Туман фирқа ҳайъати аъзоси сифатида менга пилла билан шуғулланиш ҳам топширилди. Пиллакорлар ишлари билан танишдик. Тумандаги фаол хотин қизлардан бир неча гуруҳлар тузиб, пиллакорларга ёрдам бериш ишлари ташкил қилинди. Натижада шу йили туман энг кўп — 325 тонна пилла топширди.

Шу йили маҳаллий кенгашларга сайлов йили эди. Бир кунни мени вилоят фирқа ташкилотига чақиринди. Вилоят раҳбари Мадияр ака Худайберганов қабулида бўлдим.

— Мен сизни яхши биламан, сизни Гурлан туман ижроқўми раиси вазифасига тавсия қилмоқчимиз. Ўйлайманки, бу ишни бажариш учун етарли тажрибага эга бўлдингиз, назорат ташкилотида ишлагингиз, фирқа ташкилоти котиби бўлиб ҳам анча тажриба ортирдингиз. Мен ишларингизни кузатиб юрибман. Ўйлайманки, биз хато қилаётганимиз йўқ, — деб менга қаради.

Мен «агар ишонч билдирган экансиз, ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан», — дедим.

— Эртага Тошкентга кетасиз, Марказқўм ҳайъатида сизнинг номзодингизни кўриб чиқишади. Ўйлайманки, Марказқўм бизнинг таклифга рози бўлади. Яна сиз бу ҳақида ҳеч кимга, ҳеч нарса деманг, ҳали сайловгача бир ой бор, шундай эмасми? — деди.

Эртасига туманимиз раҳбари Хударган ака Раҳимов мени ўзининг хонасига чақириб, менга Тошкентга бориш учун сафар ҳужжатини ёзиб берди ва соат 11:00 да аэропортда бўлишимни таъкидлади. Аэропортнинг депутатлар хонасида вилоят фирқа ташкилотининг ташкилий бўлим мудирини Иван Тимофеевич Сорокин мени кутиб олди. Бу хонада яна Шовотдан Раҳимбой Тоҳиров, Хивадан Илҳом Аҳмедовлар бор эди. И.Т. Сорокин учаламизни самолётга ўтиртириб, тўғри Марказқўмга боришимизни тушунтириб берди. Учаламизни ҳам марказқўм биносига кириш олдида Рустам Алимов кутиб олди.

Ҳар биримизни Марказқўм бўлим бошлиқлари ва котиблари ҳузурига киритиб суҳбатдан бошлади.

Менинг суҳбатга киришим, бошқаларникидан оз бўлди. Чунки бир йил олдин мен билан суҳбат қилган бўлимлар, ҳужжатларимга суҳбатсиз имзо чекиб беришибди. Хуллас, ўша кун Марказқўм биносида бўлдик. Кечқурун соат 6:00 да Марказқўм йиғилиши бошланди.

Бир неча кишилар кириб чиқишди. Навбат бизларга келиб, бизлар учаламизни ҳам бирга ҳайъат йиғилишига таклиф қилишди. Ҳайъат йиғилишида Ш. Рашидов, Н. Худайбердиев Н. Матчанов, Ю. Раҳимов, Ломоносов, Орлов ва бошқалар бор эди.

Бўлим бошлиғи менинг шахсий ҳужжатларимни ўқий бошлади. Шунда Ш.Р. Рашидов, Орловга «нима учун бу ёш йигит 7 йил халқ назорати ташкилотида ишлаб қолди. 2-3 йил етмасмиди?», деди. Орлов бўлса «ҳамма вақт туман фирқа ташкилотининг иккинчи котиблигига заҳирада бўлиб келганди», деди. Менга бошқа саволлар берилмади. Ана шундан сўнг Шароф Рашидов, «Ишингда муваффақиятлар тилайман», деди.

Ҳайъат йиғилишидан кейин Марказқўм ходими Астраумов, Шовотлик Раҳимбой Тоҳиров ва менга «Россия» меҳмонхонасидан жой тайинлади, ҳамда эрталабки самолётга чипта олиб берди. Шундай қилиб сайловдан бир ой олдин туман ижроқўми раиси вазифасига Марказқўм тасдиғидан ўтиб келдик.

Эрталаб ишга келсам, туман фирқа ташкилотининг иккинчи котиби Хан Бен Нам «сен қаерда юрибсан I-котиб ҳам билмайди», деб шубҳаланиб сўрай бошлади. «Нукус шаҳрида бирга ўқиган дўстимнинг тўйига бориб келдим» дея ёлғон сўзладим. Шунда Хан ака яна «нима учун I-котиб ҳам билмайди», деб туриб олди. Кейин мен яна ёлғон сўзлаб, «бундан бир ой олдин рухсат сўраб қўйган эдим. У кишининг эсидан чиққан бўлса керак. Агар ишонмасангиз ўзидан сўранг», деб айтганимдан кейин савол беришини қўйди. Сайловдан 10-кун олдин туман ижроқўми раиси бўлиб ишлаб юрган Қозоқ ака Ўразметовни «Янгиобод» давлат хўжалигига директор қилиб тайинлашди. У Тошкентга бориб, Марказқўмда бўлиб қайтди.

Қозоқ ака Янгиобод давлат хўжалигида директор бўлиб иш бошлади. Сайлов бўлди. Туманда «ким ижроқўм раиси бўларкан», деган гап-сўз тарқалди. Мен фақат отамга айтдим, бошқа ҳеч кимга сўзламадим.

Кизиқ бўлди. Шу даврда қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Юлдаш Кўчқаров (у менинг дўстим эди) Тошкентга қандайдир

мажлисга бориб келди. Одамлар Қўчқаров тасдиққа бориб келди, деб айтишни бошлашди. Бир куни ҳатто ижроқўмнинг собиқ раиси Қозоқ ака менга «Қўчқаров ижроқўм бўладими?» деб сўради. Мен «билмайман», деб жавоб бердим. У киши жуда яхши инсон бўлиб, мен билан илиқ муносабатда эди. У айтдики, «ҳаммасини фирқа ҳал қилади. Аслида сени ижроқўм раиси қилиш керак. Мен ҳайронман нима учун шундай бўлади?», деб менга яхши ният билдириб, «қўй хафа бўлма ука», деб қўйди. Сайловдан кейин 3 кун ўтди. Ўша вақтларда сайловдан кейинги сессиялар бўлар эди. Шу сессияларда тумандаги ҳамма ташкилот раҳбарлари тасдиқланар эди.

Сессия бошланди. Сессияда вилоят раҳбари Мадийр Худайберганов, II-котиб И. П. Дрижак, вилоят ижроқўми раиси Раҳимбой Эшчанов иштирок қилишаётганди. Мадийр ака «ижроқўм раиси вазифасига Аминбой Вапоевни таклиф қиламиз», деди.

Ўшанда залда иштирок қилаётган 257 кишининг ҳаммаси чапак чалиб юборганди. Шунда мени бир ваҳима босгандек бўлиб, ўзимни ноқулай сезиб турдим. Кейин мени ҳайъатга таклиф қилишиб, туман раҳбарларининг рўйхатини берди. Мен уларнинг номларини ўқиб овозга қўйиб, бирма бир тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилишни айтдим. Урганчдан келган ёшулликлар тез-тез кетиб қолишди. Туман раҳбари Х. Раҳимов уларни кузатиш учун чиқаётиб, «Аминбой идора раҳбарлари билан ўзинг гаплашавер» деб, улар билан бирга кетди.

Мен ҳаммасига мажлис давом этади, деб эълон қилдим. Менинг кўпдан ўйлаб юрган, масалам бор эди. У ҳам бўлса туманда кенгашлар уйи бошланиб, қурилиш 3 йилдан бери тўхтаб қолган эди. Ана шу бинонинг қурилишини бошлаш ва уни шу йилнинг охирига битказиш кераклиги тўғрисида гапирдим. Ҳамма яхши деб қабул қилди. «Лекин, — дедим, — қурилишда ҳамма иштирок қилади. Ҳашар қиламиз, ҳар куни бир маротаба қурувчиларга иссиқ овқат (палов) пишириб берамиз», деб ҳаммани кенгашлар уйи қуриляётган жойга таклиф қилдим. Шу куни ҳар бир ташкилотга қуриш учун ишларни тақсимлаб бердик. Эртасига 120 киши қурилишда ишлай бошлади.

Сессиядан 2 кун кейин вилоят ижроқўми раиси Раҳимбой ака Эшчанов телефон қилиб, «Аминбой кенгашлар уйи қурилиши нима бўлади?» деб сўради. Мен сессиядан кейин ҳамма ташкилотларга қурилиш ишларини тақсимлаб берганимни ва «кеча 120 киши қурилишда ишлади. Иссиқ овқат ташкил қилдик», деб айтдим.

— Ука ижроқўм раиси бўлиб ишлайдиган киши сифатида иш қилибсан, сенга олдиндан аванс билан раҳмат айтаман, — деди Эшчанов. Шу тариқа қарийиб 3 ойда кенгашлар уйи битказилиб ижроқўм идораси, ҳозирги туман мудофаа бўлими бўлиб турган жойдан, ўзининг уч қаватлик биносига кўчиб ўтди.

Шундай қилиб жуда машаққатли, масъулиятли ишлар бошланди. Пахта, шоли, чорва, сабзавот, полиз, мева, гўшт, сут ва бир қанча давлатга сотиш режалари, ҳаммаси ижроқўм раиси зиммасида эди. Биринчи бор вилоят ижроқўми мажлисига бордим. Мажлислардан кейин мени Раҳимбой ака Эшчанов ўз хонасига чақириб:

— Ука мен ҳам Хонқада ижроқўм раиси бўлиб ишлаганман, биламан бу иш жуда оғир. Сабаби туманда биринчи котиб бош ёшулли, ҳамма қилинган яхши ишлар унинг номига ўтади. Лекин ҳамма ишни ижроқўм раислари қилади. Агарки, нима иш бажарилмай қолса, ижроқўм раиси бажармади, деб айтилади.

Билмадим, балким бу тузумнинг қондасидир, лекин сен ҳамма иш менинг ишим деб, ҳаммасига мен жавобгарман деб, туманнинг эгасиман, деб ишла ука. Ким шундай қилиб ишласа кам бўлмайди. Бутун бўлмаса, эртага сенинг ҳалол ишлаб юрганингни давлат ҳам, халқ ҳам билади, — деб менга насиҳат қилди. Мен шу кишининг айтган сўзларига доимо амал қилиб ишладим ва яшадим.

1973 йил ишлари туманда оғир кечди. Сув танқис бўлди. Амударёга кўплаб насослар ўрнатилди. Зах сувдан фойдаланиш керак бўлиб, заҳкашларга ҳам насослар ўрнатилди. «Гулистон» давлат хўжалигида 15 та насос, «Коммунизм» давлат хўжалигида 20 та насос заҳкашларга ўрнатилиб, шоли ва бошқа деҳқончиликларни суғоришга тўғри келди.

Шу йили уйимизда яна бир қизимиз туғилди. Унинг исмини Мақсуда қўйдик. Худога шукур оиламиз катта оила бўлаётир деб, ҳаммамиз хурсанд эдик. Айниқса отам-онам жуда хурсанд бўлиб, худога беҳисоб шукурлар қилар, чунки якка ёлғиз ўғлидан болалар кўриб, уйи тўлиб, невараларни севиб-суюб ўтиришнинг нақадар давлат эканлигини яхши тушуниб, ҳаётдан мамнун эдилар.

Менинг фаолиятим давлатга маҳсулот сотиш режаларини бажаришни таъминлаш ва айниқса, чорвачиликни ривожлантириш борасида эди. Гўшт, сут, тухум, жун, сабзавотларнинг турлари бўйича режани бажариш, давлатга бошқа тур нарсалар режалари, металлдан тортиб пахта, шоли, ҳаммаси асосан ижроқўмнинг зиммасида эди.



2012 йил 9 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хоразмга таширф буюрди. Юртбошимиз билан бўлган учрашув бир умр ёдимдан чиқмайди.





*Гурлан туманига кўп йиллар раҳбарлик
қилган устозим Хударган Раҳимов.*



*Хоразм вилояти ҳокими бўлиб ишлаган
Маркс Жуманиёзов билан «Пахта байрами»да.*



“Коммуна” кохози раиси далада.



Моҳир терувчилар билан учрашув.



Меҳрибон ота-онам ва опа-сингилларим билан.



Турмуш ўртоғим Ўғилжон билан эсдалик.



Оила аъзоларим — менинг меҳрибонларим.



Қизларим, келинларим, набираларим даврасида.



*Ўғилларим, жиянларим —
менинг маслаҳатгўйларим.*



Кенжа ўғлим Давлатбойнинг оиласи билан.



***Садоқатли маслаҳатгўйим Тамара билан
кексалик гаштини сурмоқдамиз.***



Баҳром ўғлимининг oilаси билан.



Фарзандларимиз — бахт-иқболимиз, сулоламиз давомчилари.

Ана шу маҳсулотларни топшириш билан жамоа ва давлат хўжаликларида асосан бош бухгалтерлар шуғулланарди. Ҳар куни кечқурун соат 8:00 да ижроқўмда маҳсулот сотиш бўйича мажлис бўлар, ким топширмаса қаттиқ танқид қилинар, гапнинг охири «сени ишдан бўшатиш керак», деган гап билан якунланар эди. Гурлан туманида қовун ва шоли (гуруч)нинг яхши бўлиши вилоятга ҳам, Республикага ҳам маълум эди. Шунинг учун ҳар йили Марказқўм ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бирига 2 та вагон яхши қовун қишга сақлаш учун жўнатилад эди.

Туман раҳбари Хударган ака Раҳимов, «Аминбой сен эртароқ Марказқўм ва Вазирлар Маҳкамасига юбориладиган қовунни юборсанг яхши бўлар эди», деди. Мен 22 сентябрь куни эрталаб «Октябрнинг 50 йиллиги» давлат хўжалигига бориш учун йўлга чиқдим. Чиқсам ҳамма ерда бир ҳид бор. Ўсимликлар устида оқ-қиров (муз) бор бўлиб, Янгибозорга борганимда пахта далага тушиб кўрсам, кечаси совуқ уриб, пахта кўсаклари ҳам музлаб қолибди. Ҳамма ер қиров, ўсимликларни музлатган. Шунда ҳайрон бўлиб «Октябрнинг 50 йиллиги» давлат хўжалиги идорасидан Хударган акага телефон қилдим. Ўшанда ҳали кун чиқмаган эди. Туман раҳбарига телефонда «ёшулли ҳамма нарсани совуқ урибди», деб айтдим. Х. Раҳимов, «ундай дема, ҳали 40 кун бор совуқ уришга», дея ишонмади.

Давлат хўжалиги директори Тўли Матниязов билан қовун далаларни бориб кўрдик. Борсак ҳамма қовуннинг устки қисми музлаган. Ҳамма деҳқончиликларни совуқ урган. Бу воқеа ҳар йили 25-октябрда бўлар эди. Лекин ўша йил 22-сентябрда совуқ уриб кетди. Шу куни вилоятдан раҳбарлар келишди. Ҳеч кимнинг, ҳеч нарса қилиш қўлидан келмасди. Шу йили пахта жуда кеч ривожланиб, ҳали очилмаган эди. Теримга энди тушган эдик.

Оғир йил бўлди. Пахта ва бошқа деҳқончиликлар ҳосили нобуд бўлди. Вилоятда ҳам, туманда, айниқса пахта ҳосили кам бўлиб, режа фақат 78%га бажарилиб қолди. Яна жамоа хўжаликлар давлатдан олган кредитларни қопламай, давлатдан қарздор бўлиб қолди. Қишлоқ аҳли иш ҳақи олмадилар. Давлат томонидан суғурта қилинган маблағлар мутлақо оз миқдорда эди. Туман жуда катта майдонда шоли етиштирар, давлатга 30 минг тонна шоли сотиши керак эди. Лекин об-ҳавонинг бу аҳволи шоли ҳосилига ҳам катта зарар етказди. Шолининг ҳам бир қисми қолди. Ҳосил мутлақо паст бўлди.

Ана шундай шароитда туманда айрим имзосиз хат ёзувчилар кучайиб кетди. Тез-тез юқори ташкилотлардан ариза текширувчилар келарди.

Келган текширувчиларга ҳар хил маълумотлар бериш ва уларнинг саволларига жавоб бериб, тушунтириш хатлари ёзиш ишлари кўпайиб кетди.

Аризаларни текшириш учун келган шахсларнинг деярлик кўпчилиги ана шу аризада ёзилган гапларнинг ҳаммаси тўғри деб ўйлайдилар ва шундай хулоса чиқаришга интиладилар.

Яна шуниси қизиқки, бу йилги қишлоқ хўжалигидаги камчиликлар, ҳамда ҳосилнинг кам даромад қилинишига фақат туман раҳбарлари гуноҳкордек муомала қилинар эди. Мен шу вақтда ҳайрон бўлар эдим. Асли табиий офат бўлса, биз нима қиламиз. Ёки биз яхши бўлишни истамаймизми? Бироқ бу гап ва фикрларни ҳеч ким тингламас эди. Хударган ака Раҳимов жуда тажрибали, ақлли ва инсофли инсон эди. У бир кўни текширувчиларни кузатгандан кейин:

— Аминбой ука! Сен ёшсан, кўп ишлашинг керак. Мен бунга ўхшаш кўп гап-сўзларни кўрганман. Шунинг учун ўзингга ёмон келадиган ишларни қилма. Нима қиламиз, бу йил ҳосил кам, даромад кам, бу биздан эмас. Ёки айб фақат бизда эмас, шунинг учун ҳамма нарсга ҳалол ёндаш, кўп қисинаверма. Ҳамма мен, сен каби бу ишларни яхши билмайди. Шунинг учун ҳар турли гапларни вайсашади. Нима қиламиз начора, — деди.

1973 йил охирида туман раҳбари Хударган ака Раҳимов дам олишга, иккинчи котиб Хан Бен Нам ўқишга кетди. Улар бўлмагандан кейин туманга келадиган-кетадиган раҳбарлар, улар билан далаларни айланиш-у, қайсидир шикоят текширувчини кутиб-кузатиб қўйишгача, йиғилишларни ўтказиш ҳам менинг зиммамга тушди. Ҳар кўни қандайдир «меҳмон» ёки текширувчи келади. Улар билан чой ичиш ва масалаларига жавоб бериш жуда кўп ва оғир иш. Ҳар доимдагидек йилнинг охирида йўл қурилиши ойлиги бўлди. «Ленинизм» - «Ленинград» жамоа хўжаликларини боғловчи йўл қурилди. «Гулистон» - «Янгиобод» давлат хўжаликларидаги йўллар ҳам бирлаштирилди. Ҳамда «Вазир-Мойли», «Эшимжирон» қишлоқларидаги йўллар қайта таъмирланди. Шу йили яхши қилинган ишларнинг бири туман марказига водапровод суви келтирилди. Қурилиш ишлари тамомланди. Туман марказидан 6 та кўчанинг йўли асфальт билан қопланди.

Туманда фирқа ташкилоти конференцияси бўлиши керак эди. Лекин айрим сабабларга кўра конференция 1974 йил бошига кўчирилди.

Сўнг билсак, туман тўғрисида жуда катта имзосиз хат ёзилган бўлиб, уни текшириш давом қилаётган экан.

Марказқўм ходими мендан ҳам айрим масалалар бўйича тушунтириш хати ёзиб беришни талаб қилди. Мен ўз билганларимни ёзиб бердим. Хуллас, 1974 йил бошида кечиктирилган конференция ўтказилди. Мажлисга вилоят раҳбари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, ходимлари келишди.

Шунда ўз-ўзидан эрталаб маълум бўлдики, туманда янги раҳбар бўлиши керак экан. Шу тариқа туман раҳбари қилиб Ғайрат Назарович Машарипов сайланди. Фирқа ташкилотининг иккинчи котиби қилиб А.П. Сузик сайланди. Энди мен туманда эски раҳбарлардан бўлиб қолдим. Хударган ака Раҳимов вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинланди, Хан Бен Нам туман сув хўжалиги идорасига ишга жойлаштирилди.

Энди туманда кўп ишлар менинг зиммамга юклатилди.

Вилоят раҳбарлари, «биринчи ва иккинчи котиблар янги, сен ҳаммаси учун жавоб берасан», деб катта мажлисларда мендан кўпроқ аҳволни суриштирадиган бўлишди. Тўғри тумандаги ҳар иккала котиблар янги, лекин уларнинг ҳаракатсиз кўп ишлар бошланди. Шунинг учун менга кўп оғирлик тушди. Мен Хударган ака Раҳимов билан маслаҳатлашдим. У айтдики, «сен туманни яхши биласан, Ғайрат Машарипов янги одам. Қолаверса, шаҳарда ўсган. Сен унга ҳамма ишларда ёрдам бер. Мен сени ўйлаб юрар эдим, ўзингнинг юртингга ёшулли қилиб кетаман деб. Бироқ мен бунга улгурмадим. Зарари йўқ, сен жуда қаттиқ ишла. Биринчи котибнинг иши деб ўтирма. Ғайрат Машариповга ҳозир сенинг ёрдамнинг керак, бўлмаса Гурланда ишлар юрмайди. Билиб қўй, агар яхши ишласанг бир куни эмас, бир кун сен районга бош раҳбар бўлишинг керак. Агар яхши ҳалол ишламасанг, бу ишлаб юрган ишинг ҳам сенда бўлмайди», деб насиҳат қилди. Хударган Раҳимов жуда яхши инсон эди. Мен у кишининг насиҳатларига амал қилдим. Унинг айтгани бўлди.

1974 йил бошидан сув олиш қийин бошланди. Айниқса Янгибозор ҳудудига сув борадиган Урганч-Октябрь арналар дарёдан оладиган сағаларини дарё тапплаб кетди. Шунинг учун 2,5 км соғани «ер насос» билан қазиб чиқиш керак эди. Янгибозор ҳудудига

раислар, сув ҳўжалиги раҳбарлари билан ҳар бир жамоа ҳўжалигидан 1 тадан «ер насос»ни ишлатишни ташкил қилдик.

Туман сув ҳўжалиги идораси бошлиғи Кенгесбоев Бозорбой ака билан 12 кеча- кундуз «Октябрь арна» соғасида бўлиб иш ташкил қилдик. Гурлан ҳудуди бўйича дарёга насослар ўрнатдик. Хуллас, қийинчиликларни енгиб, шўр ювишни тамом қилиб, апрель ойида пахта экишни бошлаб юбордик. Пахта экиш бўйича доимий семинар ўтказиладиган кунга Ленин номидаги жамоа ҳўжалигида «МСУ»-қурилиш ташкилоти дала шийпонни қуриб фойдаланишга топширди. Пахта бўйича семинар-мажлис ана шу Гурлан — Урганч йўли яқинидаги дала шийпонда ўтказилди. (Бу дала шийпон ҳозир Амин Ражабовнинг «Ражаб сит» фермер ҳўжалигига қарашли) Туман раҳбари Ғайрат Машарипов асли мутахассислиги агроном бўлиб, Москвадаги Тимерязов номидаги қишлоқ ҳўжалик академиясини тугатган, маккажўхори экини ҳосилдорлигини ошириш бўйича, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди унвони бор эди.

Семинарда у пахта экишининг агротехникаси ҳақида гапириб берди. Экиш яхши давом этди. Бироқ май ойининг бошида жуда кучли ёмғир бўлиб, бутун далалар қатқалоқ бўлиб қолди. Уни юмшатиш учун тумандаги ҳамма мактаб, ташкилот, корхона ишчи-хизматчиларини жалб қилиб, қатқалоқ юмшатишди.

Ўзбекистон ҳукумати «Хоразм вилоятининг Қизилқум массивидаги ва Қорақалпоғистондаги яйловларида боқилган қорамол қўйларни, Қорақалпоғистон Республикасидаги қўйчилик давлат ҳўжаликларига топшириш тўғрисида» қарор чиқарди. Хоразм вилоят ижроқўмининг раиси ўринбосари Маркс Жуманиязов раислигида вилоят комиссияси тузилиб, унга қўй топширадиган туман ижроқўми раислари комиссия аъзолигига киритилди. Шу жумладан мен ҳам комиссия аъзоси сифатида қўйларни қорақалпоқ дўстларга топшириш жараёнида иштирок қилдим. Хоразм вилоятида Гурлан, Шовот туманларининг қўй сони энг кўп эди. Шовот туманининг 55 минг, Гурлан туманининг 62 минг қўйи бўлиб, ана шу қўйларни топшириш учун Нукусга бордик.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Мусранг Кенжебоев ҳузурига Маркс ака Жуманиёзов билан кирдик.

Мусранг оғани олдиндан мен яхши танир эдим. У киши бизларни яхши кутиб олди. Кейин қўйларни топшириш учун Маркс ака, Мусранг ака ва мен Тахтақўпир туманига бордик. Ижроқўм раиси Турдимухаммед деган йигит бўлиб, у «қўйни олиш имконияти йўқ»,

деб жавоб берди. Маркс ака, «дўстим сен истайсанми-йўқми, билмайман, ҳукумат шундай қарор қабул қилибди. Сиз билан биз ана шу қарорни бажаришимиз керак, дўстим» деди.

Шундан кейин Тахтақўпир туман ижроқўми раиси «яхши совхозга борамиз, кейин совхоз директори билан гаплашамиз», деди. Давлат хўжалигига бордик. Мирза оға деган ёши катта одам директор экан. У киши бизлар билан гаплашишни ҳам истамади. У фақат «менда чўпон йўқ», деди. Мирза акага ижроқўм раиси бир оғиз сўз айтмади. Кейин билсам, Мирза ака деган директор туман фирқа ҳайъати аъзоси-ю, депутат кабиларнинг айтганини қилмайдиган даражадаги, Тахтақўпирнинг ўзига хос нуфузли кишиси экан.

Биз Маркс ака билан ҳеч нарсани ҳал қилмасдан Нукусга қайтиб келдик. Шу кунни Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси Ражаб Айтмуратовга учрашдик. У киши бизлар билан яхши гаплашиб, «Маркс ука сиз бир келганда дарров қўйни топшириб кетмоқчимисиз. Йўқ, бу осон иш эмас. Ҳали мен савхоз директорларини кабинетга чақириб гаплашаман, кейин улар минг бир баҳона топадилар. Кўрасиз бу иш жуда оғир вазифа», деди ҳамда «10 кундан кейин келасизлар. Мен бу тўғрида гаплашиб қўяман», дея бизлар билан хайрлашди. Шундай қилиб 2-кун ҳеч иш битирмасдан, Маркс ака Жуманиёзов, Шовот тумани ижроқўми раиси Юлдаш Ҳажиев учаламиз Хоразмга қайтиб келдик.

Бир ҳафтадан кейин вилоятга ҳамма туман ижроқўм раисларини чақириб, вилоят ижроқўми раиси Раҳим Эшчанов, ўринбосар Маркс Жуманиёзов иштирокида қўй топшириш масаласи муҳокама қилинди. Кейин яна Нукусга кетдик.

Хуллас, қарийиб 38 кун деганда тумандаги жамоа хўжаликларининг 41 минг бош қўйини қорақалпоқ дўстларимизга топширдик.

Кейин ҳисоб-китоб қилсак, ҳар бир бош қўйни 11 сўмдан топширибмиз. Лекин шу вақтда бозорда шу қўйлар 45-50 сўмдан сотилар эди.

Тўғриси айтсам, жамоа хўжаликлари жуда катта иқтисодий зарар кўрди. Мен тумандаги қўйларни топшириш учун махсус ферма ташкил қилиб, унинг чўпонларини топиб, ферма мудирини қилиб, «Коммуна» ферма мудирини Аҳмед Ибрагимов ихтиёрига бердик. Ана шу шарт билан қорақалпоғистонликлар бизларнинг қўйларни олишди. Чунки, уларда қўй боқадиган чўпонлар йўқ эди. Бор чўпонлар «қорақалпоқлар билан ишламаймиз, чунки улар бизларга Хоразмдек

қилиб керакли техника, ем-хашак, иш ҳақи, айниқса ун-ёғ беришмайди», деб қўй боқишга рози эмас эдилар.

Охири нима бўлди денг, Аҳмад Ибрагимов ферма мудир бўлиб 4-5 йил ишлади. Кейин уни кўплар қатори жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳибсга олишди. Лекин Қорақалпоғистон фирқа қўмитасининг биринчи котиби Қаллибек Камоловнинг ёрдамида қамоқдан озод қилинди. Аҳмад Ибрагимов Гурланга қайтиб келди. Уни ферма мудир вазифасига қўйишни таклиф қилдим. Чунки, уни мен сабабчи бўлиб Қорақалпоғистонга юборилган эди.

Аҳмад Ибрагимов «Қизилжар» массивида раис бўлиб, жуда яхши ишлади. У жуда ишбилармон, ғайратли яхши инсон, ҳозир у ўз бола-чақалари билан қарилек гаштини суриб, яшаб юрибди. У билан тўйларда учрашиб турамиз

Август ойининг охирида Тошкентда Олий фирқа мактабида 1 ойлик туман ижроқўми раисларининг малакасини ошириш ўқиши бўлди. Хоразм вилоятидан янгиариқлик Отабой Болтаев, Бўғотдан Бобожан Бободдинов, Шовотдан Амин Қаландаров ва мен бирга бордик.

Республика бўйича 86 та ижроқўм раислари ўқишга боришди. Мени Тошкент Олий фирқа мактаби домлалари танигани учунми, гуруҳга сардори қилиб қўйишди. Яъни, ўқишга ким келди, ким келмади, ўқув журналини юритиш менинг қўлимда эди. Ҳар куни шу ишлар бўйича ҳисобот олиб бораман.

Қийин томони шуки, мен ўзим ўқишни ташлаб кетолмайман.

Ўқиш раҳбари С.У. Тажибоев (у киши мен Олий мактабда таълим олганда бизларга маъруза ўқир, у мени яхши билар эди.) ҳар доим келиб давомат билан шуғулланарди. Агар ким дарсда бўлмаса, ундан Марказқўм номига тушунтириш хати олиб, чора кўрилиши бўйича огоҳлантириш берарди.

Лекин мен иложи борица ҳеч кимни дарсда йўққа қўйдирмас эдим. Ўшанда республика бўйича кўплаб ижроқўм раислари билан танишиб қолдим. Улар мендан рухсат сўраб, уйларига кетишар эди.

Ана шундай раислардан Наманган вилояти Чортоқ туманилик Ботирали Ҳакимов эди. У ҳар ҳафтада 2 кун иштирок қилар, бошқа вақтда менга айтиб кетар эди. Шу сабабли бўлдимки, у киши билан таниш бўлиб қолдик. У киши кейинчалик туман раҳбари, Наманган вилояти ижроқўми раиси, Наманган вилояти фирқа ташкилоти котиби, Мустақилликнинг дастлабки йилларида Наманган вилояти ҳокими бўлиб ишлади. Биз у киши билан фирқанинг XXVII

қурултойи делегати бўлиб Москвада учрашиб, суҳбатлар қилганмиз. У киши ҳозир Чортоқ туманида яшайди.

Ўқиш Тошкентда 1-октябрғача давом қилди. Биз Отабай ака Болтаев, Амин Қаландаров билан ўқишни тамомлаб, қайтиб келдик.

Гурлан тумани пахта тайёрлашда Хоразмда энг охириги ўринда борар эди. Куз охирида зўрға режани бажардик.

1975 йил. Йил яхши бошланди. Дарёда сув кўп бўлди. Ўша йил баҳорида ҳеч қандай ёмғир бўлмади. Пахта ва бошқа деҳқончиликлар ривожига яхши бўлди. Шу йили ноябрь ойида, менинг отам дунёдан ўтди. Уни дафн қилиш маросимига жуда кўп инсонлар келишди. Мен шу борада бир нарсани айтишим керак. У даврда Хива тумани раҳбари, Меҳнат Қаҳрамони, собиқ иттифоқ халқ депутати, вилоятда ғоят катта обрў-эътиборли инсон Мадамин Маткаримов эди.

Отамнинг дафн маросимига хивалик дўстим Рустам Файзуллаевга ва халқ назорати ташкилотида бирга ишлаган Ли Мирон Даниловичга (Хива туман фирқа ташкилотининг иккинчи котиби эди) хабар қилишни айтгандим. Дафн маросимига Мадамин ака Маткаримов раҳбарлигидаги хивалик фирқа ташкилоти, хўжалик раислари, идора-ташкилотлар раҳбарлари жамоа бўлиб келишди. Ўшанда шаҳар ижроқўми раиси Рустам Файзуллаев ва II-котиб Ли Мирон Данилович биргаликда Мадамин Маткаримовнинг олдида рухсат сўраб боришган экан. «Гурланга, Вапоевнинг уйига фотиҳага бориб келмоқчимиз», дея сабабини айтишганда, «у нима учун менга айтмаган. Айтиш керак эди-ку, ахир. Мен ҳам боришим керак. Чунки, Аминбой отам ўлганда, акам ўлганда фотиҳага келди-ку, нима учун мен бормаслигим керак», деб ёрдамчисига ҳамма ҳайъат аъзолари, раисларни чақиртириб, «бирга Аминбойникига фотиҳага борамиз», деб айтган экан. Мен шу бўлди, агар бирор жойда фотиҳа борлигини эшитсам, албатта боришга ҳаракат қилардим.

Ўғилларимга ҳам ҳар доим «болаларим элнинг, юртнинг яхши-ёмон кунида ҳамиша дўстларнинг, таниш-билишларнинг қувончига ҳам, қайғусига ҳам шерик бўлиш, бу одамзоднинг энг асосий бурчи» деб айтаман. Ҳамда мен ҳамма вақт шу масалага жиддий қараб, шунга ўзим амал қилиб яшамоқдаман. Отам дунёдан ўтишидан 10 кун олдин менинг биринчи неварам Ҳамза туғилганди. Ҳамзани уйга олиб келишгандан кейин бир кун ўтиб отам касал бўлиб шифохонага тушди. Худонинг ҳоҳиши шудир, у киши 75 ёшида эдилар. Жуда тетик, бели букилмаган, зийрак инсон эди. Отам вафоти олдидан менга ҳеч нарса демади. Ўлимидан 2 кун олдин онамга,

«агар мен дунёдан ўтсам, мана менинг киссамда 500 сўм бор, шу пулдан олиб менга қабр солдирсин, ўғлимга айт», деб таъкидлаган. Отам вафотидан кейин онам менга шу пулни берди ва нима гап айтганини гапирди. Отам айтганини қилдим. Қабрга керакли харажатларга шу пулни ишлатдик.

Яна эътиборлиси шуки, отам вафот этган вақтдан 2 соатлар ўтар чамасида, уйга уста Бобожон ака келдилар ва мени четга чиқариб, «мен Вапо акадан қарздорман, шу қарзни унинг қабрини ўзим солиб берсам, шунда у киши мендан рози бўлар», деди.

Мен ўша вақтда нимага қарз ҳақида гапирди, деб ҳайрон бўлиб, «қўйинг шу гапни» дегандик бўлиб, Бобожон акага қарадим. Уста бўлса, «Аминбой мени тингла. Мен 1955 йил турмадан келганимда, бир дўстим жўхори экиб беришга ер бермоқчи бўлди. Лекин жўхори уруғи, аниқроғи пулим йўқ эди. Шунда мен Вапо акадан жўхори сўраб бордим, у менга «неча кило керак?», деб сўради. Мен тортини -тортина «5 кило» дедим, у «беш нима бўлади», деб 20 кг бериб юборди. Кейин кузда жуда яхши ҳосил олганимдан қувониб, Вапо аканинг уйига 50 кг жўхори олиб бордим. Шунда у киши «Бобожон уста сенга қарзга жўхори уруғи бермадим, қўй жўхорингни олиб кет», деб мендан жўхорини олмади. Уйга қайтиб олиб келдим. Ука ана шу қарзни отанг олдида узиш учун, мен сенга бу гапни айтаётирман», деди. Мен «яхши», деб айтишдан бошқа гап айтолмадим. Жойи жаннатда бўлсин, Бобожон ака, ёки ота, ака, усталар жуда кенг, пухта қилиб қабрни курдилар. Ҳар сафар отамни зиёрат қилганимда Бобожон уста ва бошқа усталарни ёдга оламан ва уларни ҳам зиёрат қилиб тураман.

Отамнинг вафот этиши мени жуда эсанкиратиб қўйди. Албатта, ҳамма ҳам бу дунёдан кетади. Эртами кечми бу бўладиган нарсас. Лекин мен отам вафотидан кейин ўзимни ожиз, ҳимоясиз, ҳеч нарсани ишонч билан қилолмайдиган бир инсон сифатида ҳис қила бошладим. Чунки, ҳар куни эрталаб ишга жўнашдан олдин қайси соат, қанча вақт бўлишидан қатъий назар, «ота мен ишга кетдим, ёки бугун Урганчда мажлис бор, ёки бошқа бир жойга, туманларнинг бирисига кетдим» деб, дуо олиб кетар эдим. Кечқурун қачон келсамда, «ота мен келдим», деб айтар эдим. Ҳаётда, ишда ўқишда қандай муаммолар бўлса ҳар бирини отамга айтар эдим. У кишидан ҳеч нарсани яширмаганман.

Мен қандай масала, бировлар билан бўлган турли хил муаммоларга дуч келиб, ечимини топиш йўллари изласам, отам ҳамиша

йўл-йўриқ кўрсатарди. Ҳамма вақт отамнинг айтган хулосалари, фикрлари тўғри бўлиб чиқар, шу масала яхши якунланар эди. Энди мен кимга суянаман, кимдан маслаҳат сўрайман, деб қаттиқ саросимага тушиб қолдим. Тўғри, у киши ёш давримизда кўп ўтиришмалар, дўстлар билан юриш-туришларни қаттиқ назорат қилиб турарди. Бу ишинг мутлақо ёмон, ундоқ қилма, бундоқ қил, деб менга кўп танбеҳ ҳам берар эди. Мен шу вақтларда унинг бу гапларига, айрим вақтларида хафа бўлиб юрган ҳолларим ҳам бўлган. Бироқ вақт ўтиши билан отамнинг айтган гаплари тўғри бўлиб чиқди. Мен буларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, отамнинг ҳар бир сўзи, менинг учун бебаҳо бахт-давлат бўлди, деб ҳозир ва ўша вақтда ҳам хулоса қилганман.

Энди Оллоҳнинг иродаси боис, отам вафот этган бўлсада, онам ана шу гапларнинг ҳаммасида иштирокчи. У киши энди ҳар куни отанг шундай деган эди, эсингдами шунга амал қил болам деб, эрталаб дуо қилиб, ишга жўнатиб, ишдан келишимни кутиб ўтирадиган бўлдилар. Отам вафотидан сўнг отаси бор инсонларнинг нақадар бахтли инсонлар эканлигини ўйлаб ўтирадиган бўлганман. Ва ҳар бир инсонга ўз отасини ҳурмат қилишини насиҳат қиладиган бўлдим. Ўзимнинг иш фаолиятимда, айрим оилавий масалаларни ҳал қилишда ота-онасини ҳурмат қилмайдиган айрим инсонларни қаттиқ танбеҳ бериш менга одат бўлиб қолди. Худо кечирсин, тўғрими, нотўғрими шундай қилганман.

Энди нимаям қиларкансан, ота-она вафот этиши, умуман ҳамманинг бу дунёни тарк этиши муқаррар экан. Энди сен ўзинг ота, бобо бўлдинг, деб ўзимга ўзим далда бераман. Ҳар бир иш қилганда менинг учун тўғри йўл кўрсатган, бу йўллар, йиллар давомида синовдан ўтган. Отамнинг насиҳатларига доим амал қилишга ва болаларимни ҳам шу тариқа тарбиялашга ҳаракат қилганман. Худо ҳоҳласа бу кўрсатмаларим ўз натижаларини бериб қолар. Ҳаётда нотаниш бир инсонга йўлиқиб, кимлигини суриштирганда, одатда, «сен кимнинг боласисан?», деб сўралади. Ўшанда суҳбатдош отасининг номини айтади. Шунда сўровчи инсон бирданига, «сенинг отанг яхши одам эди» деб айтса, отага бундан зиёд мукофот бўлмаса керак.

Кейин ҳеч бўлмаса ўғлим, ёки қизим, сен яхши инсоннинг фарзандисан, отангга ўхша, деб ҳам айтиб қўйишади. Ёки «ахир отанг яхши одам эди-ку, сен нима бу...», деб тўлиқ сўзламасдан қараш ҳоллари ҳам ҳаётда учраб туради. Худойим ҳар бир фарзандга

отанга ўхшаб, яхши инсон бўлиб етишибсан, баракалла ўғлим, қизим деб айтишни эшитиш ҳар бир инсонга насиб этсин!

...1975 йил туман учун жуда яхши йил бўлди. Вилоят бўйича пахта тайёрлашда биринчи ўринни эгалладик. Туман раҳбари Ғайрат Машарипов Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат бўлиб сайланди.

Шоли етиштириш ҳам 42 минг тоннага етди. Шундай қилиб Гурлан тумани вилоятда энг яхши кўрсаткичларга эришди. Вилоятда пахта ҳосили катта тантана билан байрам қилинди. Биз кўплаб давлат ва жамоа ҳўжаликлари аъзоларини Урганч тумани ҳудудида бўлган байрамга олиб бориб вақтинчалик уйлар — палатка қуриб, ўзларимиз таомлар тайёрладик. Ўша кунлари туман раҳбари Ғ. Машарипов Тошкентда 45 кунлик ўқишда эди. Шунингдек, туман фирқа ташкилотининг барча котиблари ҳам ўқишда эдилар. Лекин, улар ҳаммаси байрам куни тантананага келиб, яна шу куни Тошкентга қайтиб кетдилар.

Байрамни ташкил қилиш комиссияси туманларда ижроқўм раислари зиммасига юклатилган эди. Байрам тамом бўлди. Ҳамма жамоа ва давлат ҳўжалигидан байрамга борган одамларни юк машиналарида уйларига олиб бориши керак эди.

Мен ҳамма одамларни жўнатиб, охирида Гурланга қайтдим. Янгибозор ҳудудида Ленин номидаги колхознинг 35 одам юклаб келаётган юк машинаси йўлда ағдалириб, авария содир бўлибди. Шундан 5 киши воқеа жойида жон берибди. 25 киши Гурлан шифохонасига жойлаштирилди. Худди фронтларда қон қандай оққан бўлса, шу тариқа қон оққанди.

Мен масъул раҳбар сифатида, вафот қилганларни уйларига жўнатишни айтдим. Прокурор тиббий экспертиза қилишни айтди. Мен тиббий экспертиза шу воқеа жойларида кўрсин, деб туриб олдим. Ва шундай бўлди. Энди шифохонадаги 25 кишининг ҳаётини сақлаш масаласи асосий муаммо бўлиб турар эди. Уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун, врачларнинг гапига қараганда, фақат қон керак, қон қуйиш орқали сақлаб қолиш мумкин, деб айтишди.

Мен ва менинг ўринбосарларим, бош врач И.Л. Кимнинг хонасига гумандаги барча идора ва ташкилот раҳбарларини чақириб, уларга «қон топшириш учун одамлар олиб келасизлар», деб қаттиқ топшириқ бердим. Кечаси билан туман фаолларидан ҳеч ким ухламади. Натижада кўплаб одамлар қон бериш учун олиб келинди. Хуллас, қаттиқ жароҳат олиб, кўп қон йўқотган 25 кишидан, 10 кун деганда ҳеч ким нобуд бўлмай, соғ-омон шифохонадан чиқишди.

Вилоят прокуратураси ушбу факт бўйича жиноий иш қўзгади. Ҳайдовчи Тилавов қамоққа олинди. У ҳам жароҳат олиб, шифохонада ҳаммаси бўлиб 3 кун ётиб чиққанди.

Шу воқеага доир эндиги масала: туман фирқа ташкилотига вилоят прокуратураси жамоа ҳўжалиги раиси Иброҳим Холметовнинг устидан тақдимнома юбориб, уни фирқа сафидан ўчириш масаласини сўраганди. Туман раҳбари Тошкентда ўқишда, иккинчи котиб А. П. Сузик жуда бўшанг, аммо яхши одам эди. Ҳар кун у «Амин ака нима қиламиз, Иброҳим Холметов масаласини вилоят фирқа ташкилоти, вилоят прокурори сўраб турибди», деб менга айтарди.

Биз билардикки, агар фирқа сафидан ўчиришса, шу куни раисни ҳибсга олишади.

Мен бундай қалтис муаммони ечиш учун, вилоят фирқа ташкилоти ҳайъати аъзоси Матюсуп Раҳимов ёнига бордим. У айтдики, авария сабабли одамлар вафот этган. 5 киши жуда оғир аҳволда. Вилоят раҳбари Мадиёр ака таътилга чиқиб, дам олишга кетган. Энди бу масалани фақат Дрижак Иван Петрович ҳал қилади, деди. Худо ўзи ёрдам бердимиз, Иван Петрович Дрижак Гурланнинг «Қорақалпоғистон» жамоа ҳўжалигидан Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат қилиб сайланган эди. Ўша оғир кунларнинг бирида, у депутат сифатида сайловчилар билан учрашини мақсадида Гурланга келадиган бўлиб қолди.

Дрижок туманга келиб мени фирқа ташкилотига чақиртирди. У иккинчи котиб А. П. Сузикнинг хонасида экан. «Аминбой кел», деб яхши гаплашди. Ва «мажлисни ўзинг очиб, депутатлик вазифамни қандай амалга ошираётганлигим тўғрисида гапирасан. Сузик ўзбекча билмайди, сен менинг қилиб юрган ишларимни яхши биласан, шуларни яхшилаб гапириб бер» — деди. Мен «яхши» деб учрашув ўтказиладиган «Қорақалпоғистон» жамоа ҳўжалигига телефон қилдим. Бу пайтда раис Юлдаш Қўчқоров таътилга чиқиб, дам олишга кетганди. Бош ҳисобчи Ўтамуротга қишлоқ аҳлини клубга тўплашни, депутат учун меҳмонхонада чой тайёрлаб қўйишни буюрдим.

Мажлис жуда яхши ўтди. Иван Петрович Дрижокнинг кайфияти жуда яхши эди. Қишлоқ аҳли Дрижокга раҳматлар айтиб, мақтаб гапирдилар. Мажлисдан кейин чой ичишга бордик. Овқатни олиб келиб, бош ҳисобчи ҳайрон бўлиб менга қараб турар эди. Шунда Иван Петрович Дрижок «Аминбой нимага индамайсан, у сени кутиб турибди-ку?!» деди. Мен бу гапдан хурсанд бўлиб дарров имо қилдим. Турли хил маркалардаги шишалар келтирилди. Яхши кайфият билан

чой ичдик. Кейин гап бошланди. У Сузикка «нима учун Иброҳим Холметов масаласини чўзиб юрибсизлар. Ахир беш киши нобуд бўлган. Жиноий иш очилган, фақат фирқадан ўчириш керак. Лекин мен ҳам биламан, Холметов яхши кадр, нима қиламиз», деди. Мен «Иван Петрович шу масалада сиз бизларга ёрдам беринг. У яхши одам. Уни суд қилишса, қамалиши мумкин. Шу одамни сақлаб қолиш сизнинг қўлингизда», дедим. У ўйлаб турди. «Жуда оғир, беш киши вафот этган, жуда қийин укалар», деди.

Мен яна илтимос қилдим. «Иван Петрович! Ҳайдовчи гуноҳкор бўлгани сабаб турмада. Раисни сақлаш керак», дедим. Шунда Дрижок «сен Аминбой қизиқ экансан. Ҳали сени жавобгар қилмаганига шукур қил. Ахир сен туман бўйича тўй учун жаноб берадиган кишисан», деди менга қараб. Шунда мен унга «Иван Петрович! Майли мени жазоланг, лекин раисни фирқадан ўчирмайлик», дедим. Дрижок бўлса «вилоят фирқа ташкилоти ҳайъатида сени фирқадан ўчирамиз», деди менга. Мен «яхши» дедим. «Эҳ нима бу, раис учун ишдан кетмоқчимисан» деди. «Ҳа, мен розиман», дедим. Шунда Иван Петрович «Нима Холметов сенинг оғайнингми, тарафини олаяпсан?», деди куюнаётганимни кўриб. «Ҳа, Иван Петрович! Иброҳим ака менинг яқин қариндошим», дедим. У бироз индамай ўтирди. «Унда эртага сени, Сузикни вилоят фирқа ҳайъатига чақириб, муҳокама қиламиз. Сени жазолаймиз, албатта туман раҳбари ҳам бўш қолмайди», деб гапини тугатди.

Эртасига эрта билан вилоят раҳбариятидан телефон қилишиб, «Холметов масаласини туман фирқа ҳайъатида кўриб, қарорни чиқаринглار ва кечқурун соат 8:00да вилоят раҳбариятига Сузик, Вапоев келсин», деб айтишибди.

Биз Сузик билан маслаҳатлашиб Иброҳим акага сўнгги қаттиқ ҳайфсан, фирқа котиби Раъно Худайбергановага ҳайфсан бериш ҳақида қарор чиқариб, айтилган вақтда вилоят раҳбариятига бордик. Шу тариқа вилоят ҳайъатида биринчи бўлиб, бизларнинг масалани кўришни бошлашди. «Ҳосил байрами»ни ўтказиш бўйича масъул раҳбар — ижроқўм раиси Амин Вапоев байрамни ўтказишда масъулиятсизлик қилгани натижасида 5 киши ҳалок бўлгани учун унга «қаттиқ ҳайфсан» берилсин, туман фирқасининг иккинчи котиби А. П. Сузик огоҳлантирилсин», деб қарор қилинди, ва ҳеч ким, ҳеч нарса демай, бизларга рухсат берилди.

Ана шундай қилиб Иброҳим Холметов қамоққа олинишдан сақланиб қолинди. Мана шу воқеалар Иброҳим аканинг соғлиғига

қаттиқ зарар етказди шекилли, унинг юраги касал бўлиб қолди. Шу боис, у ҳар йили вилоят шифохоналарида даволанар эди. Бироқ шундай бўлсада, олдингидек ғайрат билан ишни давом этдирдилар. Иброҳим ака ҳаётда ҳаммага фақат яхшилик қилар, фарзандлариям шу боис ақл-идрокли инсонлар бўлиб етишди.

Ўша вақтда ижроқўм раиси ҳафтада икки кун фуқароларни қабул қилишдан ташқари ҳар кун эрталаб ва кечқурунлари, кўллаб инсонлар ўзларининг турли муаммолари билан арзга келишарди. Мен ҳеч қачон бугун қабул куним эмас, деб одамларни қайтариб юбормасдим. Иложи борича уларни тинглаб, ҳар қандай муаммоларини ҳал қилиш учун ҳаракат қилар эдим. Ана шу пайтда аҳолининг энг кўп мурожаати, туман марказида яшовчилар учун турар-жой масаласи ва иморат қуриш учун ер майдонларини ажратиш эди.

Ана шундай кунларнинг бирида, «Вазир» қишлоғига кун чиқмасдан бораётсам эски шаҳар — кўна қаъладан бозорга қараб, жуда кўп одамлар кетаётганини кўриб қолдим. Кейин билсам, бозорда ҳамма учун битта ҳожатхона бор экан. Ана шу ҳожатхонага эски шаҳарда яшовчи кишилар ҳам келар экан. Шу каби кўна қаъланинг пилла идораси томонида ҳам битта умумий ҳожатхона бўлар эди. Қарангки, эски шаҳарда яшовчи шунча одамларнинг уйларида ҳожатхоналар йўқ экан. Агар бўлса ҳам жуда ёмон аҳволда эканлигини англаб, ўзимга-ўзим савол бердим. «Бу қандай ҳаёт. Нима учун халққа бош бўлиб юрибман. Инсон ерда туғилган ва охири ерга қўшилиб кетади. Лекин тирик вақтида инсонлардан ерни қизганиб, шахсий уй-иморат қуриш учун ер майдони бермаймиз».

Туман марказида ҳар йили фақат 20-25 кишигагина жой-ўрин берилиши қоида бўлиб қолганди. Сугориладиган, деҳқончилик қилиниб турган майдондан қурилиш учун ер бериш мумкин эмас эди. Қаранг, қаерда шундай ер бор? Фақат қумликларда, шўр ерларда. Бироқ улар ҳам экинзорларга айлантирилганди. Унда инсонларга иморат қуриш учун қаердан ер берилиши керак? Нима учун ер майдони ажратилмайди? Бу масала жуда қийин муаммо бўлиб келган, туман фирқа ташкилоти эса рухсат бермайди. Жамоа хўжалиги раислари ҳам «экиладиган ерлар қисқариб кетади», дея важ кўрсатишади. Ахир одамлар ўзларининг пулига иморат бунёд этмоқчи, бироқ ер ажратилмайди. Ахир ўзбекнинг умри, ҳаёти иморат қуришга асосланган-ку? Давлат пули билан ҳар йили 8 квартирали, 2 та уй-жой қурилар эди. Бироқ бу кватиралар аҳолининг уйга

бўлган эҳтиёжини қондиrolмасди. Ана шу масала мени кеча-кундуз қийнар эди.

1976 йил аҳолининг ҳар бир хонадондаги шароитига қараб, аҳволни ўрганиб чиқдик. Бу масалани ўрганишга 4 кун кетди. Шунда жуда абгор ҳолдаги, қийинчилик билан яшаётган, турмуш шароити оғир хонадонларга дуч келдик. Ўғил-қизлар катта, лекин хона йўқлигидан ота-онаси, жами 8-10 киши бир хонада ухлашади. Эски кўча, кўна қаъла қачонлардир синч билан қурилган паст, иморатлардан иборат. Ёз ойларида бечоралар уй ичи иссиқлигидан томларнинг тепасида ухлашарди. Тўй қилмоқчи, бироқ келин-куёвга хона йўқ, деб арз қилишади. Вилоятдаги раҳбарларга вазиятни тушунтирсам, пахта даласидан мумкин эмас, деб айтишди.

Шундай ҳолатда аҳолининг уй-жой масаласида ер майдони сўраб келишлари кўпайган пайтлар эди. Туман раҳбари 1 ой ўқишга, 45 кун дам олишга кетган вақт эди. Киров номидаги жамоа хўжалиги раиси Кутим Ўразметовни хонамга чақирдим. Унга «молбозордан то шифохонагача бўлган ерларни экишга тайёрламанг, бу ерларни одамларга жой ўрин қилиб берамиз», дедим. Раис Кутим ака бироз ўйга толиб, «шу ҳудуддаги бригада 165 тонна пахта беради. Агар шунча ерни иморат қуришга ажратсак, шунча пахтани мен қаердан оламан?» деди. «Сизнинг хўжалигингиздан бу йил 200 тонна пахтани режадан олиб ташлайман» деб ваъда бергач, у шундан кейин рози бўлди. Архитектор Бобожон Собиров жуда яхши инсон эди. У дарров шу ҳудудни кўчаларга бўлиб, жой ўринларини белгилаб, лойиҳа-харита тузди. Бироқ вилоятдаги айрим мутасаддилар «ер ажратилгани тўғрисидаги қарор керак», деб лойиҳани имзолашмади. Мен «имзолашмай қўяверсин, деб бир нима бўлар», дедим архитекторга. Иморат қуришга ер майдони берилажагини бутун туман аҳли эшитди. «Бир бригада ерини жой ўринга берар эмиш», деб кундан-кунга ер майдони сўраб келувчилар кўпайиб, улар сони 580 кишига етди.

Туман марказий шифохонасига шу йиллари гурланлик ёш врачлар ишга кела бошлашганди. Улар асосан қишлоқдан қатнаб, ишловчи врачлар эди. Туман марказида эса иморат қуриш учун ер ажратилмаганига анча бўлган.

Туман шифохонасида ишловчи 17 нафар ёш гурланлик врачларни ижрокўм раиси сифатида ўз хонамга таклиф қилдим.

— Уларга сизларга давлат томонидан қурилаётган уйлاردан жой бериш имконияти йўқ. Шунинг учун сизларга иморат қуриш учун ер майдони берамиз, — дедим.

Бу вақтда архитектор Бобожон ака харитада 25 киши учун ер майдони тайёрлаб кўчаларни чизиб, уй ўринларини рақамлаб қўйганди. Ана шу харитани очиб врачларга кўрсатдим. Ҳаммаси рози бўлди.

— Отабой Мадаминов моҳир жарроҳ. У кеча-ю, кундузи шифохонага, одамларга керак бўлиб қолади. Уни машинада олиб келиш-кетишга қулай ердан Отабойга иморат ўрни берамиз, — дедим. Ҳамма врачлар, архитектор, ижроқўм аъзолари рози бўлишди. Шунда бир нечаси менга раҳмат айтиб, «сизнинг яхшилигингизни қандай қайтарамиз, Амин ака!» дейишди. Шунда мен айтдимки, Худо хоҳласа нафақага чиқиб, қариб қолган вақтларда мени навбатсиз қабул қилиб даволасангизлар бўлгани», деб ҳазиллашдим. Худога беҳисоб шукурлар бўлсинки, ҳозир ҳар сафар шифохонага ишим тушиб борсам, менга ҳурмат кўрсатиб хизмат қиладилар.

Шу куни врачларга яна бир гап айтдим.

— Сизларга тўй-садақаларда қозонга ўт ёқадиған, сув соладиган қўшнилар керак бўлади. Шу боис, пахта тозалаш заводи, айрим ишчи йигитларнинг сизларнинг ёнингизга қўшни бўлгани яхши, — деб архитектор Бобожан акага, ишчилар учун ҳам ер майдони ажратинг, дея таъкидладим.

Эндиги масала ижроқўмда аризаларни ҳужжатлаштириш керак эди. Туман марказидан иморат ўрни сўраб, 650 киши руйхатга олиниб қўйилибди. Шу кишилардан кимларга жой ўрин беришни аниқлаш керак эди. Мен эски шаҳардаги кўлаб эски уй эгаларининг аҳволи билан танишиб, имконият туғилганда, сизларга ер майдони ажратамиз, дея ваъда бергандим. Шу сабаб, тегишли раҳбарларга ана шуларга эътибор қаратишни топширдим.

Архитектор Бобожон Собиров билан иккаламиз жой ўрин олиш учун мўлжалланган ерларнинг харитасини олиб, кўчаларни жойлаштирдик. Бобожон ака шунда, «Аминбой сиз билан биз бир яхши иш қилаётимиз. Янги кўчалар қилмоқчимиз. Шу вақтгача бир янги кўча бўлмади-ку? Ҳар ердан 5-10 ўрин берилиб келинди. Шунинг учун кўчаларни кенг, замонавий қилиб, газ, водопровод, канализация ўтадиган даражада режалаштирсак», деди. Мен жуда тўғри, шундай қилинг, дедим. У шу ишни 5 кунда бажариб, менга кўрсатди. Мен унга «эртага Урганчга бориб, ишчи режага қўл қўйдириб келинг», деб юбордим. Архитектор шу тариқа Урганчга бориб келди. Бироқ вилоят бош архитектори Ренат Аҳмедов, «туман ижроқўми, вилоят ижроқўмининг қарорлари керак», деб ишчи режага қўй қўймай қайтариб юборибди.

Лекин «кўчалар тўғри, кенг, замонавий ишланган режа экан», дея жуда маъқуллаган. Бир кундан кейин Ренат Аҳмедов менга телефон қилиб, «жуда яхши иш бошлабсиз. Бироқ вилоят ижроқўми қарори бўлмаса, мен қўл қўяолмайман», деди. Мен ҳайрон бўлдим. Чунки шунчалик катта ҳудудни, олдин пахта экилиб келган далани сувғортирмасдан қўйгандим. Шу боис, ўзимга ўзим, «нима қилиш керак?» деб ўйлаб-ўйлаб бир ҳафта юрдим. Бу пайтда ер майдон берилармиш деган миш-миш, берилган аризалар сабаб, ҳар куни 100-150 киши хонамга келиб, «жой ўринни нима қилдингиз?» деб сўрашарди. Чунки, ерлар экилмай турганини ҳамма кўриб турибди. Қолаверса, мен эски шаҳарда уйма-уй кириб, «жой ўрин берамиз» деб айтиб чиққандим. Шунинг учун кўп вақтгача тинчлик бўлмади.

Билардимки, агар вилоят ижроқўмига 50 гектар пахта ерини жой ўринга берамиз, деб қарор олиб борсам, бу қарор мутлақо бекор қилинади. Бошлаган бундай хайрли ишимиз мутлақо битмайдиган бўлади. Шунинг учун, ҳай нима бўлса бўлар деб, одамларнинг рўйхатини туздикда, иморат қуриш учун жой ўринни биринчи навбатда эски шаҳарда яшовчиларга бера бошладик. Шуниси қизиқки, туман раҳбари Ғайрат Машарипов бу масалани, муаммони билса ҳам ҳеч нима демади. Бир куни у «бу ерларнинг ҳужжатлари тўғрими?» деб сўраб қолди. «Ҳа, тўғри дедим», холос. У ҳеч нарсга демади. Билса ҳам яхши ишга қаршилиқ қилмади.

Ўша йили ҳаммаси бўлиб туман марказидан 476 та хўжаликка жой ўрин берилди. Шу тариқа Гурлан қурилиш майдонига айланди. Бироқ бу ишнинг кўп қийинчиликлари бўлди. Кимдир пахса учун лой ўрни, цемент, яна қайсидир инсон ёғоч, транспорт сўраб ижроқўм идорасига келарди. Хуллас, уларнинг ҳам аҳволини тушуниб, қўлимиздан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилдик. Шу йили Гурлан ДАН ёнидаги чорраҳадан тўғри Манғит йўли, Манғит йўлидан тўғри Вазир йўлига, Вазир йўлидан тўғри Урганч йўлининг Сахтиён қишлоғи орқали ўгадиган, яъни Гурлан—Хонқа деб аталувчи йўлни ҳашар йўли билан бажардик. Шунингдек, Боғолон қишлоғининг юқори қисмидан то Янгиобод давлат хўжалигигача бўлган йўлни тузатиб чиқардик. Шундай қилиб шу йили кўплаб қишлоқ ерлари, йўлларга ва жой ўринларга ажратилди.

Бир куни вилоят ижроқўми йиғилишида ер масаласи кўрилиб, Гурланда кўплаб пахта ерини йўқ қилишибди, деб вилоят раҳбарларидан бир мени ўрнимдан турғизди. «Гурландан бу йили неча кишига жой ўрин берилди», деб сўрашди йиғилишда мендан.

Мен «476 кишига жой ўрни ажратилди», деб жавоб бердим. Залдагилар жонланиб қўйишди. Мендан совуқ тер чиқди. Шундан кейин Урганч туман ижроқўм раисидан, «сиз неча одамга жой ўрин бердингиз?» деб сўрашди. У киши «14 хонадонга», деди. Шу тарзда сўралганда, Қўшқўпир туманида 12 кишига, Янгиариқ туманида 16 кишига жой ўрни ажратилгани маълум бўлди. Шунда мажлисни бошқараётган ёшулли, «Аминбой Гурландаги иморатларни бу йили курмоқчимисиз?», деди.

Худога шукурки, вилоят миқёсидаги бу йиғилишда, «бу ерларнинг хужжатлари борми?» деб сўрашмади. Шу гап билан бу масала ўтиб кетди. Кейин архитектор Бобожон Собиров билан ерларни расмийлаштирдик.

Бироқ бу қонунга хилоф эди. Негаки, халққа давлат жой қуриб беришнинг имконияти йўқ эди. «Аммо, халқ уйсиз, шароитсиз оғир аҳволда яшаса, норозилик келиб чиқади. Қолаверса, уйинг эски, иморат барло этай десангу, ер майдони беришмаса, хонадонда эса болалар кўп бўлса, кимнинг ҳам қўли ишга борарди, дерсиз. Бизларнинг ер майдони ажратиб беришимиз эса 476 хонадоннинг, бу оиладаги минглаб инсонларнинг ғайратимга-ғайрат, кучига-куч қўшди-ку, ахир?! Шунингдек, бу инсонлар ўзлари жой қуриш учун ҳаракат қилаётган бўлса». Мен шундай ҳаёлларда юриб, қилган ишим ноқонуний, нотўғри бўлсада ўзим-ўзимдан рози бўлиб юрдим. Тўй-ҳашамларда, айрим йиғинларда, бозорда саломлашиб, бўлгандан кейин, ҳозир ҳам, «Амин ака менга жой ўрин берган эдингиз, сизга раҳмат!», деб айтган кўп инсонлар бор.

Нафақага чиқиб, бир куни Фарҳод Бобожонов, Ўринбой Ҳусайнов, Ўсар Абдуллаев тўрталамиз тўйларга, маъракаларга, ҳар турли чақирувларга бирга бориб юрардик. Шу кунларнинг бирида Ҳожи ака Ўразметовнинг уйига, унинг туғилган кунига бордик. Шу куни ўтиришмадан пиёда келаётсак, бир 50 ёшлардаги йигит «Амин ака, бир уйга кириб кетинглар», деди. Мен ҳайрон бўлиб, «ука ҳокимликдан бўшаб, нафақадаман», дедим. У «биламан Сиз уйга бир кириб кетинг, илтимос. Жўраларингизни ҳам олиб киринг», деб яна илтимос қила бошлади.

Мен йигитнинг таклифига ҳайрон бўлиб, дўстларим билан унинг уйига кирдик. Куз фасли эди. Боғ ичида кароват қўйилган. Кароват атрофи олма, анор, нок ва ҳар хил гуллар ўсиб турибди. Худди жаннатдек мисоли. Мезбон бизларни дастурхонга таклиф қилди. Мен нима гап эканлигини билмасдан ҳайронман. Ахир қандайдир

ёмон гап бўлмаса керак деб. Зеро, у йигит бизларни бор нарсалардан еб ўтиришга таклиф қилди. Ҳар биримизга чой қуйиб берди. Кейин хотини бўлса керак, катта лаганда товук гўшти тўлдириб олиб чиқди. Мезбон аёл:

— Аминбой ака бизлар сизни неча йилдан бери уйга таклиф қилмоқчи бўлиб юрган эдик. Бугун Худога шукур, сизни қўшнимиз уйига келаётганингизни бизлар кўриб қолдик. Шундан кейин Сизнинг йўлингизни хўжайиним пойлаб турди. Овқатдан олаверинг кўп гапирдим, шекилли, — деб, уйга кириб кетди.

Уйнинг эгаси овқат олишга бизларни қистаб ўтирар эди. Овқатдан истеъмол қилдик. Меваларни бизларга тозалаб бераяётган уй эгаси гап бошлади.

— Аминбой ака 1975 йил эди ўшанда. Сиз ижроқўм раиси эдингиз. Мен Гурлан пахта тозалаш заводида ишчи бўлиб ишлар эдим. Отабобомдан қолган эски шаҳардаги 3 хонали уйда уч оғайни яшар эдик. Сиз бизларнинг уйга шўро бобо билан сўрамасдан бирдан кириб келибсиз. Мен заводда кечаси ишлаганим учун кундузи уйда ухлаб ётган жойимга кирдингиз. Шунда «ҳай йигит тур, нима учун бу ҳавосиз уйда шунча вақт ухлаб ётибсан. Ахир Сизлар ҳам бу жой солиб ҳавоси тоза, мева экиб, гуллар ўстириб одамлардек яшасангиз бўлмайдими? Уйингга қарагин: ҳаво йўқ, дераза йўқ, сочиқ йўқ, бу қандай ҳаёт ука деб, менинг елкамга қўлингизни қўйиб, секин, ширин сўз билан менга гапирдингиз. Эсингиздами Амин ака, бунга ҳам 22 йил бўлибди», — деди.

Шунда мен ўйга толиб:

— Ука, ундай гаплар кўп бўлган, — дедим.

— Йўқ, Амин ака, ҳаммасини айтмадим, ҳали, — деб менинг гапимни бўлди. «Ўшанда мен одобсизлик қилиб, жой ўринни пора билан берармиш. Мен порани қаердан олай, уйимизда фақат мен ишлайман. Жой ўрин бизларга ўхшаганларга берилмайди. Сиз бу гапларни айтаётирсиз, билмайман ростми-ёлғонми?» дегандим.

Шунда Сизнинг жаҳлингиз чиқиб, «ҳой ука, сен эртага соат 8:00 менинг ёнимга бор. Сенга ўзим пахта экилиб келган ҳудуддан ер майдони ажратиб бераман», дегандингиз.

Эртасига соат 7:30 да Сизнинг идорага бордим. Борсам йўқ экансиз. Одамлар кўп бўлиб, Сизни кутаётган эканлар. Ижроқўм биноси олдида кўпчилик бўлиб турган эдик. Сиз машинадан тушиб, ҳамма билан саломлашдингиз ва менга «келдингма ука?» деб, қўлимни юбормасдан «машинага мин», деб имо қилдингиз. Кейин

одамларга «сизлар мени 20 дақиқа кутинглар келаман», деб архитектор Собировни ҳам машинага мингизиб, ана шу ерга олиб келиб, мана сенга шу жой ўрин, деб қозиқ қоқиб бердингиз. Шундан бери 22 йил ўтди. Мевалар, узумлар ҳосил берганига анча бўлди. Ҳар йили хотиним билан Амин акани чақириб, шу мевалардан бир истеъмол қилишни таклиф қилсак, деб ният қилиб юрар эдик. Ака Сизга минг бир раҳмат айтиб яшаб ўтирибмиз, деди.

Мен шундан кейин тушундим. У нима учун бизларни уйига таклиф қилганини. Биласизми, ўшанда менга унинг гаплари катта мукофот берганидан ҳам катта руҳ бағишлаганди. Мен шу вақтда қанча гап-сўз эшитган бўлсамда, тўғри иш қилганимдан хурсанд бўлиб, дўстларимга «ана шундай дунё бу, яхши иш яхшида», деб айтдим.

Мен бу сўзларни қонидани бузиб иш қилинг деб таъкидлаш, ёки ўзимни-ўзим мақташ учун ёзаётганим йўқ. Мен шу даврдаги халқнинг аҳволи ва бу кундаги кўчалар, уйлар ўз-ўзидан бўлмаганини ва кишиларга ҳамма вақт эътибор бериш, қўлингдан келганича фақат яхшилик қилиш, агар яхшилик келиш қўлингдан келмаса, ҳеч бўлмаса ёмонлик қилмаслик керак, деган фикрда, ёдимда қолган воқеаларни қорозга тушурдим. Бу воқеадан табиийки, китобхоннинг ўзи хулоса чиқаради. У ўқувчининг шахсий иши...

Шундай қилиб 1975 йил ҳам охишлаб қолди... Йил яхши якунланди. Ўзбекистон Ресубликаси фирқасининг XV- қурултойи бўлди. Туман раҳбари Ғайрат Назарович Машарипов ва мен ҳам қурултойга делегат қилиб сайландик. Иккимиз «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг бир хонасида яшадик. Шу хонада 8 кун бўлдик. Чунки, қурултойдан кейин пахтакорларнинг Республика қурултойи бўлди. Шу қурултойда бизнинг туманни Ўзбекистон раҳбари Ш. Рашидов яхши натижага эришган туманлар қаторида санаб ўтди. Бу бизлар учун у вақтда катта мукофот олишдан ҳам устун эди.

1976 йил бошланди. Йил бошидан сув танқислиги сезилди. Бунинг устига тошхóвузлик сув хўжалиги идорасидан келган вакил, «бизнинг метёрдаги сувни Гурлан туманига бермасдан, ўзлари олиб ўтирибди», деб ҳамма жойга арз қилиб чиқди. Шу масала бўйича Ўзбекистон Сув хўжалиги вазири ўринбосари Ҳамидов вилоятга келганди. Тошхóвуздан вилоят ижрокўми раиси Ўразбой Шомуратов, ҳамда Калинин, Тельман туманлари ижрокўми раислари, сув хўжалиги идораси бошлиқлари ҳам туманимизга ташриф буюришди. Гурлан тумани раҳбари Ғайрат Назарович Машарипов хонасига келишган

ва сувнинг меъёрини ўтказиб беришни сўрашибди. Менга, Файрат Назарович: «Сизни вилоят ижроқўми раиси Эшчанов «Упрадик»га чақираётир. Сиз ўзингиз боринг! Туман сув хўжалиги идораси бошлиғи Кенгесбоевни олиб борманг», — деб топширди.

Мен Раҳим Эшчанов билан телефонда гаплашганимда, соат 3:00 да «Упрадик» идорасида бўлишимни топширди. Мен «Упрадик»га соат 3:00 да бордим. «Упрадик»да Эшчанов Тошҳовуз вилоят ижроқўми раиси Ўрозбой Шомуротов ва Калинин, Тельман туманларининг ижроқўм раислари ва Ўзбекистон Сув хўжалиги вазири ўринбосари Ҳамидов, «Упрадик» идораси бошлиғи Х.М. Мукашев бор экан.

Мен саломлашиб кириб ўтиришим билан ҳалиги вазир ўринбосари «Сиз нима учун дўстларимизни хафа қилиб, уларнинг сувини олиб ўтирибсиз. Бизлар қон-қариндош, ака-укамиз, сиз нима учун буни билмайсиз», деб дўқ ура бошлади. Вилоят ижроқўми раиси Раҳим Эшчанов менга қараб, «сен эътибор берма», дегандек имо-ишора қилди. Мен ўзимни босиб ўтирдим. Тошҳовуз вилоят ижроқўми раиси Удабай Шомуратов, мен билан илгаридан таниш инсон эди. У «Аминбой дўстимиз ундай одам эмас. У киши билан биз ҳамма вақт бир-биримизни тушуниб, оғайни бўлиб яшаб, ишлаб келмоқдамиз», деб гапни сал юмшатган бўлди.

Хуллас, вазир ўринбосари Ҳамидов, вилоят ички ишлар бошлиғи муовинига айтиб қўйган экан. Яъни Амударёдан сув олиб, Урганч, Янгибозор, Гурлан, Қорақалпоғистоннинг Амударё туманлари орқали, Тошҳовузнинг Тельман, Калинин туманларига ўтадиган Қилич Ниезбой каналига ўрнатилган насосларнимизни олиб ташлаш — асосий мақсад экан. Шу боис, тошҳовузлиқ дўстлар 2 та кран ва 5 та сув хўжалиги, 3 та милиция ходимини Урганчга чақириб олиб келишган экан. Мақсад бояги: Гурлан билан Манғит туманининг Қиличбой арнасидаги насосларни бузиб олиб ташлаш экан. Бу тadbирга вазир ўринбосари Ҳамидов ҳам рози бўлибди.

Раҳим Эшчанов жуда ақл-у идрокли раҳбар эди. «Аминбой Сиз Тошҳовузли дўстларимизни бизлардан ҳам кўпроқ танийсиз, бирга қўшни бўлиб, тинч осойишта яшаб келаётирсизлар. Шунинг учун меъёрдаги сувни Тошҳовузга ўтказиб бериш керак. Шунга сен нима дейсан», дея менга қаради.

— Ўртоқ Эшчанов насосларни бузиш керак эмас. Бу ишни қилмасдан ҳам Тошҳовузга сувни ўтказиб берамиз ва бундан кейин ҳам меъёрдаги сувни олишлари мумкин, — дедим.

Шунда вазир ўринбосари Ҳамидов, «ҳозир, бугун 1 соатга белгиланган сувни ўтказсангиз гапингизга ишонаман, бўлмаса мана кран, милиция, ҳамма насосларни кўтариб ташлаймиз. Гурлан тумани далалари, сув ичмаса ичмасин», деди.

Мен ўрнимдан туриб бироз индамай турдим. Шунда Ҳамидов, шашқалоқлик қилиб «нимага индамайсиз?» деб сўради.

— Ўртоқ Ҳамидов! Сиз сув хўжалик мутахассиси бўлмасангиз керак. Сабаби сувни вагонга юклаб, аравага юклаб, ёки киссамизга солиб олиб бориб бўлмайди.

Чунки сув каналда оқади. Унинг тезлиги ва оқиб борадиган узунлигига қараб, қачон сув боришини айтиш керак.

Масалан, Тошҳовуз вилояти чегараси 31 километр. Агар сувни ҳозир юборсак, агар 1 м/сек тезлига бўлса 18 соатда сув Тошҳовуз чегарасига боради. Уни ҳеч бир куч ўзгартирмайди, бу табиат қонуни, дедим ўртоқ Ҳамидовга.

Сиз ҳозир 1 соатга сув борсин деб топшириқ бераяпсиз, бу саводсиз, сув хўжалиги соҳасида билими йўқ одамнинг топшириғига ўхшайди, — дедим

Ҳамма жим қолди. Ҳеч ким индамади. Кейин Тошҳовуз вилоят ижроқўмининг раиси Ўрозбой Шомуратов, «Аминбой тўғри айтаётир. Биз розимиз 18 соат ичида бизга сув етиб борса бўлди», деди. Мен айтдим:

— Ўртоқ Раҳим Эшчанов ҳеч қандай насосни бузиш, кран, милиция керак эмас. Менга ишонинг 18 соат ичида Тошҳовуз чегарасига сув ўтказиб беришга ваъда бераман. Агар шу ишни қилиб билмасам, менга нима чора кўрсангиз розиман, — деб гапимни тугатдим.

Ҳамидовдан ташқари ҳамма рози бўлди. Эртага соат 2:30 да чегарада ҳаммамиз учрашадиган бўлдик. Чегарага 21 м/сек сув бориши керак эди. Мен дўстим Раҳимбой Холмуратов ёнига келдим. У Қиличбой арна канали бошлиғи эди. Унга бўлган гап-сўзларни айтиб бердим. У дўстим бу масала ҳал бўлади, деб мени уйига чойга таклиф қилди.

Эртасига чегарага соат 2:00 да бордим. Борсам чегарадан 24 м³/сек сув ўтиб турибди. Канал сувга тўлиб оқмоқда. Ҳаммаси хурсанд бўлиб, менга раҳмат айтдилар. Вазир ўринбосари Ҳамидов «қандай қилиб сиз сувни олиб келдингиз?», деб сўради. Мен «Гурлан насосларининг ҳаммасини 1 ҳафта тўхтатишга топшириқ бердим», деб ёлғон сўзладим. Чунки, «дарёдан кўп сув очиб келдим», десам

дўстим Холмуратовга гап тегарди. Мен яна «тошҳовузлик дўстларимиз сувни олиб бўлмагунча, биз сувга тегмаймиз» деганимда, улар ҳаммаси хурсанд бўлишди.

Шу куни «Гулистон» давлат хўжалиги директори Ким Сергей Тимофеевич яширин зиёфат ташкил қилди. Зиёфатга Ғайрат Назарович Машариповни ҳам айтдим. Зиёфатда Тошҳовуз вилояти ижроқўми Ўразбой Шомуратов, Хоразм вилоят ижроқўми раиси Раҳим Эшчанов, вазир ўринбосари Ҳамидов ҳам бор эди. Зиёфатдан кетиш вақтида Ҳамидов менга, «сиз кеча мендан хафа бўлдингиз, лекин сиз яхши иш қилдингиз» деди ва менга раҳмат айтди. Сўнгра меҳмонларнинг ҳаммаси жўнаб кетдилар.

Юқоридаги каби сувни меъёрида Қилич Ниёзбой арнасида ўтказиш бўйича, можаролар кўп бўлиб турар эди. Шундай ҳолат бўлган вақтлари, арна-канал бошлиғи Раҳимбой Холмуродов ҳаминша яхши гап билан ҳал қиларди. Раҳимбой Холмуратов ёрдамида шу тариқа Гурланда ҳамма вақт сув етарлик бўлди. У киши билан бирга техникумда ўқиганимиз сабаб, қалин дўст эдик. Шу туфайли у фақат менинг айтганимни қилар, биз бирга ишлагандик. Раҳимбой Холмуродов 70 ёшида дунёдан ўтди. Фарзандлари билан мен доимо худди отасидек дўстона алоқада бўлиб турамиз.

1976 йил март ойи эди. Туманга вилоят ижроқўми раиси Раҳим Эшчанов, вилоят фирқа ташкилотининг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби Ҳасанбой Матрасулов келишди. Мени Ғайрат Назарович хонасига чақирди. Улар Гурлан туманига яна режадан зиёд 1200 гектар шולי экишни ташкил қилиш учун келишган экан. Шунга кўра, «Коммунизм» жамоа хўжалиги 300, «Гулистон» 400, «Янгиобод» 300, «Россия» давлат хўжаликлари 200 гектар қўшимча ер топиб, шולי олдинги режадан зиёд экиши керак, деган топшириқ билан келишибдилар.

Раҳим Эшчанов Ғайрат Назарович билан «Коммунизм» ва «Россия» хўжаликларига бориб, шароит билан танишадиган бўлишди. Мен Ҳасанбой Матрасулов билан «Гулистон», «Янгиобод» хўжаликларига боришимиз керак эди. Ҳасанбой ака билан олдиндан таниш, жуда яхши дўст эдик. У киши Тошкентда, Марказқўмда ишлаган вақтларда мен Тошкент Олий мактабида таҳсил олардим. Ўша вақтда Ҳасанбой аканинг бола-чақалари Урганчда яшар эди. Шу боис мен билан дўстлиги сабаби, Тошкент кўчалари, музейлар, истироҳат боғларига бирга бориб, шаҳарни томоша қилардик. Кейинчалик Ҳасанбой ака Шовот тумани раҳбари бўлиб ишлаган

вақтида, мен бир гуруҳ ўқувчилар билан Шовотга амалиёт учун борганмиз. Ўша вақтда Ҳасанбой ака мени ва бошқа ўқувчиларни яхши кутиб олганди. Жуда бир яхши раҳбар инсон эди.

Ҳасанбой акага «энди тушлик вақти яқинлашди, уйга бориб чой ичиб келайлик», дедим. У рози бўлди. Чунки Ҳасанбой уйда кўп маротаба меҳмон бўлган инсон эди.

Уйга бордик. Шу кунни бундан бир ҳафта бурун туғилган кенжа ўғлимни туғруқхонадан уйга олиб келиш керак эди. Бизлар Ҳасанбой ака билан доланда чой ичиб ўтирганда қизу-ўғиллар, чақалоқни ва Ўғилжонни туғруқхонадан олиб келишди. Ҳасанбой акага бу гапни айтмаган эдим. Ҳасанбой ака мени кучоқлаб ўпиб табриклади. Уйда балиқ едик. Кейин Ҳасанбой ака «шу ўғлинг отангнинг отини қўй», деди. Мен «отам бундан катта ўғлимга Давлатбой исмини қўйинг, деб айтган эди. Лекин қизлар Баҳром деб қўямиз деб гуриб олишди» деб жавоб бердим. «Унда шу отангнинг айтган Давлатбой номини қўй» деди Ҳасанбой ака. Шундай қилиб Ҳасанбой ака чақалоқни қўлига олиб, «сенинг исминг Давлатбой бўлсин, давлатли йигит бўл», деб ният қилди. Натижада шу сабаб кичик ўғлимизнинг исмини Давлатбой деб қўйган эдик. У ҳозир туманнинг илғор фермерларидан. Худога шукур, 3 та фарзанди бор. Давлатбой ўз ишини яхши биладиган йигит бўлиб етишди...

...Пахта, шоли экиб бўлинди. Деҳқончиликларга ишлов бериш бошланди. Кеча-кундуз иш билан банд бўлдик. Энди эски шаҳар — кўна қаъла ўрнини бир яхши аҳволга олиб келиш керак эди. Эски қаълани 6 та кўчага тўғирлаб, янги солинадиган уйларга ўринлар кўрсатилди. Ана шу кўчаларга тўғри келган уйлар қолди-ю, бошқалари йиқилиб, кўчаларга мос қилиниб, янги иморатлар қурилди. Асрлар бўйи кўна қаълага сув солма-ариқ орқали келтирилмаган. Шунинг учун кўчалар икки томонидан солма олиш учун 2 та экскаватор олиб боришни буюрдим. Шу экскаваторлар солма қазилди.

Ана шу солмаларга насос орқали сув юборилди. Эски туман пилла идораси ёнида 1 та сув чиқарувчи насос ўрнатилди. Эски қаъла тоза ариқ суви билан таъминланди. Шу даврда айрим одамлар солма ёқасига гужум, тут экилар. Ана шулардан намуналар ҳозир ҳам бор. Ҳамма хурсанд бўлиб, ҳеч қачон сув чиқмаган ерга сув келди деб хурсанд бўлиб юрдилар. Ҳозир ҳам шу гапларни кўп одамлар эслаб юришади.

1976 йил ёзи салқин келди. Пахта жуда секин ривожланди. Лекин яна шу йили пахта кўсак қурти кўпайиб кетди. Уни йўқ қилиш

имконияти бўлмади. Ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди. Шу йили август ойида Қорақалпоғистон Республикаси билан ўзаро мусобақа деб аталувчи Хоразм вилояти пахтакорларининг бир гуруҳи, қорақалпоқ дўстларимизнинг меҳмони бўлишди.

Делегацияни вилоят ижроқўми раиси ўринбосари Амин Қаландаров бошқариб борди. Делегацияни жўнатишдан олдин вилоят раҳбари Мадийр ака бизлар билан учрашиб, аъзоларни махсус гуруҳларга бўлди. Бир гуруҳга мени бош бўласиз деб айтди.

— Аминбой сиз Тўрткўл, Эллиққалъа, Беруний туманларига борасиз, — деб бориладиган жойларимизни айтиб қўйди.

Нукус шаҳридаги фирқа биносиди бизни Қаллибек Камолов яхши кутиб олиб, қабул қилди. У киши суҳбатлашиб, бизларни гуруҳларга тақсимлаб, менга «Қўнғирот, Шимонай, Ленинобод туманларига борасиз» деб айтди. Шунда делегациямиз раҳбари Аминбой Қаландаров, «Қаллибек ака, Мадийр Худоёберганов бир гуруҳ тузиб, кимнинг қайси туманларга боришини айтган эди» деб таъкиллади.

— Эй, Аминбой, нимага менга бу гапни айтмадинг. Албатта, Мадийр аканинг айтгани бўлади, — деди Камолов ва бизларни Мадийр ака белгилаб бергани бўйича туманларга юборишди.

Бизнинг гуруҳда Богот тумани қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Аҳмедов, ўзимизнинг тумандан «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги фирқа котиби Ойша Сафарова, ҳамда шовотлик механизатор қиз бор эди. Бизнинг гуруҳга Қорақалпоқ пахта тайёрлаш ташкилоти бошқарувчиси Худайберганов ҳамроҳ бўлиб борди. Биринчи куни биз Беруний туманида бўлдик. Бизни туман раҳбари Олимбой Ражапов яхши кутиб олди. Ва туман хўжаликлари билан таништирди. Беруний, Охунбобоев, Навоий номидаги жамоа хўжаликларида бўлдик. Яхши инсонлар билан учрашдик, суҳбатлашдик. Дехқончиликларини кўрдик. Тегишли маслаҳатлар берган бўлдик.

Иккинчи куни Тўрткўл туманида бўлиб, Қосим Нуриимбетов билан учрашдик. Пахта далаларини кўрдик. Ишлар жойида. У киши бизларни «Намуна» жамоа хўжалигида кечаси зиёфат бериб мезбонлик қилди. Қосим ака жуда тажрибали раҳбар экан. Шу бўлдию, мен у киши билан таниш бўлиб қолдим.

Учинчи куни янги ташкил қилинган Эллиққалъа туманида бўлдик. Олимбой Примов ҳозирги «Бўстон» шаҳрининг асосчиси эканлигини шу вақтда мен ўз кўзим билан кўрганман. У киши шу

вақтда жуда кўп яхши ниятлар қилиб иш бошлаганини, мен унинг ўзидан эшитган инсон сифатида ёзаётиман. У киши бизларни Ақча-қўлга олиб бориб, 2-3 соат дам олдирдилар. Юқоридагидек, Олимбой Примов билан у кишининг умрининг охиригача борди келди қилиб юрдик. Унинг ҳамма тўй-маъракаларида иштирок қилдим. Бир сўз билан айтганда у ўз замонасининг улуғ кишиларида эди. Уни билган, таниган инсонлар Примовнинг яхши ишларини доимо айтиб юришади, деб ўйлайман.

Шу тариқа сафаримизнинг 4-куни Нукус шаҳрига бориб катта йиғинда иштирок этиб, қорақалпоғистонлик дўстларимиз амалга ошираётган ишлар билан яқиндан танишиб қайтдик. Сафаримиз жуда самарали бўлди, тажриба алмашдик. Қорақалпоғистон раҳбари ва шу элнинг катта оқсоқоли Қаллибек Камолов бизнинг делегация аъзоларига раҳматлар айтиб, бизларни Нукусдан кузатиб қолдилар.

1976 йил туман марказига газ келтириш учун тайёргарлик бошланиб кетди. Ўша вақтда туманда вакил бўлган Раҳим Эшчановнинг катта ёрдамида Гурланга вилоят газ идораси бошлиғи Даликов, газлаштириш бўйича ПМК бошлиғи Умид Сапаевларни чақириб, уларга тегишли топшириқ берилди. Улар тезликда ишга киришдилар. Эшчанов уларга «нима керак бўлса, мана Аминбой ижроқўм раиси. У ҳал қилади. Агар ҳал қилолмаса, менга арз қилинг. Мен ҳал қилиш учун ҳаракат қиламан. Иш қилиб Гурланга газ шу йили келиши керак», деб топширди. Газ қўшни Шовот туманидан тортилиши лозим эди. Унинг ўтиш жойини шовотлик дўстлар билан келишиш лозим эди.

Шу масала бўйича Шовот тумани ижроқўми раиси, дўстим Юлдаш ака Ҳожиев бизга жуда яхши ёрдам берди.

Шовотдан газ линиясини қазииш учун 5 та беларусь, 10 чилангар белгиланиб, ишни ташкил қилиш учун туман халқ назорати идораси бошлиғи Ўринбой Ғойипов белгиланди. Ана шу ишловчиларга кунда уч мартаба иссиқ овқат бериш умумий овқатланиш корхонаси раҳбари Жумабой Ҳусайновга юклатилди. Шундай қилиб ишлар тезлашиб кетди. Газ ўтказиш билан боғлиқ ҳамма ишлар туманда ҳашар қилиб бажарилди. Шунинг учун вилоят газ идораси раҳбарлари хурсанд бўлиб, бизларга кўп миқдорда труба топиб беришди. Шу саъйи ҳаракатлар натижасида туманга қисқа муддатда газ келди.

Ўша вақтда туманни ичимлик суви билан таъминлаш жуда оғир аҳволда эди. Чунки марказгача олиб келинган қувурлар сифатсиз

бўлиб чиқди. Босим берилса ҳамма жойдан сув оқиб, ишлаш мумкин бўлмай қолди.

Вилоят ичимлик суви идораси бошлиғи Комил Саидов туманга шу соҳанинг республика ташкилоти бошлиғи Чи Пикинни олиб келди. У айтдики, «агар шу ўрнатилган 6 км трубанинг пулини туман тўласа ёки трубани сотиб олса, мен шу пулга чўйин труба бераман», деди. Мен рози бўлдим, чунки трубанинг ҳар бир метри 5 сўм экан, бу жуда арзон эди. Дарров жамоа хўжаликларига 6 км трубани бўлиб бердик. Жамоа хўжаликлари хурсанд бўлиб, трубанинг пулини банк орқали бир кунда ўтказиб беришди. Масала ҳал бўлди: янги труба келтирилиб, янгидан линия тортилди. Туман маркази ичимлик сув билан таъминланди.

1976 йил қиши жуда совуқ келди. Декабрь, январь ойлари кечалари 20–25 даража совуқ бўлгани кузатилди. Шундай кунларнинг бирида, кечаси соат 2–3 да Ўсар Абдуллаев телефон қилиб, бош врач И. Л. Кимнинг уйига ўт тушганини айтди. Мен дарров воқеа жойига етиб бордим. Борсам И. Л. Ким уйига кириб кетган-у, кейин чиқмаган. Уйи ёниб ётибди. Яхшиям қўшнилари бор эди. Шулардан бири суғурта идораси бошлиғи Карим акага, боғ томонига ўтиб, Иннокентий Лукич Кимни топинглар, деб айтдим. Улар боғ томонидан уйи томонга ўтдилар. Улар қараса Ким қўллари, юзлари куйган ҳолда, боғида, қор устида ётган экан. Одамлар И.Л. Кимни кўтариб, дарров «тез ёрдам» машинасига солиб шифохонага олиб кетдилар.

Бизлар ҳаммамиз уйни ўчириш учун ҳаракат қилар эдик. Лекин ўтни ўчириш учун сув йўқ. Пахта заводда ҳам, бошқа жойларда ҳам. Чунки ҳамма ер музлаб қотиб қолган. Фақат Бег овулдаги битта қудуқда ва яна битта пахта тозалаш заводи ёнидаги тош қудуқда сув бор эди. Ана шу иккала қудуқдан 3 машина сув чиқди. Ана шу сув билан Кимнинг уйидаги ёнғинни ўчирдик.

Уйнинг деярли девори қолди, холос. Асбоб ускуналари, айниқса китоблари кўп экан, уларни кўчага чиқариб олишди.

Кейин бу буюмларни Хан Бен Намнинг уйи доланига киргизиб қўйилди. Кун чиққачгина одамлар уйларига кетишди. Биз И.Л. Кимни Ўсар Абдуллаев билан шифохонага бориб кўрдик. Борсак, Кимнинг танаси шишиб жуда оғир аҳволда ётган экан. Врачлар ёрдам бериб, яхши муоалажалар қилишди.

И.Л. Ким шифохонада 2 ой ётди. Афсуски, қўлининг бармоқлари узилиб тушди. Натижада ногирон бўлиб қолди. И.Л. Ким

шифохонадан чиққунча, биз унинг уйини ҳашар қилиб таъмирдан чиқариб қўйдик.

Мен шу вақтда сув топилмай ёнгин авж олиб, ёниб турганда фақат тош қудуқларнинг сув бўлгани, у бизга катта ёрдам бўлганини кўриб, бир нарсани ўзимга мақсад қилиб қўйдим. Агар менинг қўлимдан келса, туманда кўп сонли қудуқ қурдираман, деб ўйладим. Туманга ҳоким бўлганимдан сўнг, туман маркази ва катта йўллар атрофида 56 та ўринни белгилаб, 56 та тош қудуқ қурдирдим. Ҳаммасини ҳашар йўли билан амалга оширдим. Ҳозир ҳам йўл ёқаларида, шаҳар марказида шу қудуқлар бор. Фақат 2 тасини бир икки инсон кўмиб юборибди. Мен уларнинг номларини айтиб ўтирмайман. Худо уларга, унинг савобиними, гуноҳиними, ўзи берса керак, деб ўйлайман. Албатта, буни вақт кўрсатади. Чунки, кўп инсонлар биладики, у қудуқларни улар қурмадилар, лекин қудуқларни сабабсиз бузиб ташлаш гуноҳ.

Йиллар, ойлар ўтаверди. Ҳаёт ўз йўли билан, давр ўз қонун-қоидалари билан давом қилаверар экан. Туманда менинг энг қийин вазифам, шу даврда то металлومдан бошлаб, пахта, шўли, сабзавот, полиз ва мева, пилла, гўшт, сут, тухум, жун каби давлат режалари бажарилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш бизнинг зиммада эди.

Мен ҳар куни кечқурун соат 8:00 да ижроқўмга ташкилот раҳбарлари, давлат ва жамоа хўжаликлари бош ҳисобчиларини чақириб, кимнинг қанча давлат режасини бажарётганини аниқлаш, маҳсулот топширмаган бўлса, сабабини билиш, ишни йўлга қўйишдан иборат эди. Ҳар ой охирида чорвачилик бўйича форма «24» деган ҳисоб формаси бўлиб, буни айрим ҳолларда раислар билан, яъни кимнинг иши яхши қўйилган яхши бўлса, ферма мудир, бош ҳисобчилардан ҳисобот олинар эди. Биз ўз навбатида вилоятга бориб, 24-форма топширар эдик. Сут қанча соғилди, бузоқ қанча туғилди, қанча мол, парранда ҳалок бўлди, қанча тухум олинди, гўшт, сут, тухум давлатга қанча сотилди. Бу ҳисоботларнинг ҳаммаси режага нисбатан ҳисобланар ва ўтган йилларга нисбатан қанча ўсганлиги тўғрисида ҳисобот қилинар эди. Ана шу масалалар вилоят раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниб борилар эди.

Агар ким режаларни бажармаса, у шахслар ёки мансабдор кишиларга қаттиқ чоралар кўрилар эди.

Ёз, куз давомида менинг бир кунлик ишим шундан иборат эдики, кечқурун соат 8:00 да гўшт, сут, тухум, сабзавотнинг ҳамма

турлари бўйича, полиз, мева қанча давлатга сотилганини таҳлил қилиб, маълумотнома чиқаришдан иборат эди. Кейин кечаги соат 3:00да давлатга шоли сотишнинг боришини назорат қилардим.

Эрталаб пахта заводда қанча пахта тайёрланганлигини ҳисобтини аниқлаш, хуллас, ҳамма маълумотларни туман статистиқа идорасига ёздириб, эрталаб 7:30 — 8:00 да туман фирқ биносида, вилоят вакили Раҳим Эшчанов, туман раҳбари Ғайрат Машарипов ёнига борардим. Улар билан эрталабки нонуштани қилиб, маълумотномани уларга берардим. Улар менинг кечаси билан ухламаганлигимни билиб, сен 2 — 3 соат дам ол, деб айтишар эди. Ана шундай шароитда ўша даврларда ишлашга тўғри келди. Лекин шу нарсани айтиш керакки, Раҳим Эшчанов ва Ғайрат Назарович ҳам менга, ҳеч бир танбёҳ бермас, ёки ишимдан норози бўлиб гапирмас эдилар.

Ана шундай кунларнинг бирида туманга Ўзбекистон Марказқўмининг Хоразм бўйича йўриқчиси Н. Ф. Зинченко келиб қолди. У бир куни мени туман фирқа ташкилотига таклиф қилиб, «Нима учун туманда чорва ёмон, сабзавот ҳосили паст, ижроқўм буларни назорат-таҳлил қилмайди, ёмон ишлайди», деб тахминий гапларни айтди. Мен унга, «чорвада ўсиш бор, сабзавот ҳосили ўтган йиллардагидан зиёд», дея жавоб бердим. Аммо, у менинг гапларимга қулоқ солмади.

Эрталаб Ғайрат Назарович хонасида Зинченко: «Мен Боғолон қишлоғидаги чорвани кўрмоқчиман», деди. Ғайрат Назарович «чорва билан Амин Вапоев шуғулланади», дея жавоб берди. Зинченко, «сиз ҳам юринг», деб туман раҳбариниям таклиф қилди. Аммо, Ғайрат Назарович «йўқ, менинг бошқа ишим бор. Вапоев билан боринг», деди.

Шу тариқа мен бошқарма бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари Зиёвуддин Камолов ҳамда Зинченкони олиб Боғолон қишлоғига бордик. Бошқарув идораси олдида, бизни раис бобо Матқурбон ака, фирқа котиби Тўлибой Ҳайтимов кутиб туришганди. Зинченко, қўлини кўтариб «салом», деб қўйди. У қўлини бериб улар билан кўришмади. Мен улар билан бирма-бир қўл бериб кўришиб чиқдим. Шунда Зинченко, «шартми қўл бериб кўришиш», деб менга танбёҳ берди. Мен шарт, шарт деб икки маротаба айтдим. Унга менинг бу гапим мутлақо ёқмади.

Фермага ҳаммамиз биргаликда бордик. Чорвадорлар ўз ишлари билан шуғулланиб юрибдилар. Зинченко айтдики, «ҳамма

чорвадорларни чақиринг, мен улар билан суҳбатлашаман», деди. Ҳаммаси бўлиб, 30 тага яқин чорвадорлар тўпланишди. Зинченко: «сизлар буни танийсизларми?» деб мени кўрсатиб сўради. «Ҳа, ҳа, таниймиз», деб жавоб беришди ферма ходимлари. Зинченко яна, «у ким?», деб сўради. «Амин ака, ижроқўм раиси», дейишди. Зинченко яна савол беришда давом этаверди: «Вапоев қачон фермага келди?», деди. Чорвадорлар «ҳар доим келади», дейишди. У худди ҳамма вақт менинг изимда юргандек қилиб, «ёлғон келмайди», деди. Зинченко сўзларини ярим русча, ярим ўзбекча гапирар эди. Ўзбекчани яхши гапирилмас эди.

Шунда раис Матқурбон ака, «ёшулли, сиз ҳозир бир марта келиб турибсиз, ёшулли Вапоев ҳамма вақт бизлар билан бирга. У «ҳамма нарсани ўзи кўриб, ўзи ҳисобот олади», деди. Шунда Зинченко, «у қандай ишлайди, мен биламан. Ишлаганида натижа бўлар эди. Лекин туман чорвасининг аҳволи ёмон», деди. Раис Матқурбон ака «туманнинг нимаси ёмон, ҳамма режалар бажарилаётир ахир», деди. Зинченко эса, «сен раиссан, мен Марказқўм одамиман, мен сендан кўп биламан, сен ҳақингда ҳам яхши биламан, раис!», деди.

Матқурбон ака «билганингиз яхши ёшулли», деди.

Мен гапга аралашмадим. У кейин «ким сигир соғади?» деб сигир соғарларнинг рўйхатини сўради. Ферма мудири Норимон рўйхатни берди.

Сигир соғарлардан Карима исмли сигир соғардан «сиз Чуднаяни биласизми?» деб сўради. У ҳеч нарса демади. Зинченко яна сўради: «Чуднаяни биласизми?» деб, у яна индамади. Шунда фирқа котиби Тўли ака Ҳайтимов, «ахир биласан-ку Карима, Тошкентдаги Чорвачилик илмий текшириш институтининг сигир соғари», деди. Зинченкога Тўла аканинг жавоби ёқмади: «Сен нега у билмаган нарсани айтасан?» деб қаттиқ танбеҳ бера бошлади. Раис бобо чидамади шекилли, «ёшулли, ўзи бу қизларни зўрға рози қилиб сигир соғдириб қўйибман. Уларга Чудная Пудная керак эмас. Сигирларни соғиб берса бас», деди. «Ана саводсиз раҳбар деб раисга ўшқира бошлади шунда Зинченко. Мен гапга аралашдим:

— Николай Федетович! Бу Карима қизимиз яқинда келган. Шунинг учун у Чуднаяни билмай турибди. Ана Марямдан сўранг, — дедим.

Йўқ, сен ёлғон гапираётирсан, — деб айтди Зинченко, менга қараб жаҳл билан.

Хуллас, Зинченко у деди, бу деди, ҳеч бир гап яхши бўлмади. У билан туман марказига тушлик қилиш учун қишлоқдан қайтиб келдик. У менга «сен ҳам, Файрат ҳам ёмон ишлайсизлар», деб айтди. Туман фирқасига қарашли меҳмонхонага чой ичиш учун борсак, у ерда Файрат Назарович йўқ экан. Ўсар Абдуллаев, «улар келса ўзлари чойни ичаверсин деб, айтди туман раҳбари», деди. Шунинг учун биз Зинченко билан ўзимиз овқатландик.

Зинченко уч маротаба «Файрат қаерда?» деб сўради. Мен «билмайман», дедим холос. Тушликдан кейин Зинченко ижроқўмга борамиз, деди. Бордик. Кейин Зинченко «коммунал хўжалик мудири Ғойипов Ўринбойни ва РСУ бошлиғини топинг», менга деб топшириқ берди. Ғойипов дарров келди. «У билан якка гаплашаман», деди Зинченко. Мен уларни хонамда қолдириб чиқдим. Кейин билсам, Н. Ф. Зинченко Марказқўм номига ёзилган имзосиз хатни текшириш учун келган экан.

У Файрат Назаровичнинг яшаб турган жойини кўриш учун туман коммунал хўжалик мудири Ғойипов билан бирга кетдилар. Мен идорада кутиб ўтирдим. Улар 1,5 – 2,00 соатлар чамасида қайтиб келишди. Ўринбой акадан сўрасам, «Файрат Назарович ўтирган уйдаги боғининг деворини ким қурди?» деб сўрабди. У «РСУ» деб жавоб берибди. Шундан кейин Зинченко, РСУ дан девор қурилиши тўғрисидаги ҳужжатларни суриштира бошлайди. Ким рухсат берди қурилишга, боғ девори қурилишига рухсат борми, неча сўм харажат қилинди ва ҳоказолар...

Хуллас, шу тарздаги ноўрин текширишлари билан Николай Зинченко 5 кун туманда бўлди. Тумандаги чорвадорлар билан бўлган мажлисларда иштирок қилди. У мажлисла ўзини жуда нотўғри тутарди. Шунда Файрат Назарович унга мажлисдан кейин «сиз раҳбарларнинг, халқнинг олдида ўзингизни Марказқўм ходими сифатида тутишни ўрганинг», деди. Зинченкога эса бу насиҳат ёқмади: «ух, сен менга ақл ўргатмоқчимисан», деди. Туман раҳбари Ф. Машарипов «ҳа» деди қатъий қилиб.

Зинченко асли хоразмлик бўлиб, у Тошкентга кетмасдан олдин Хоразм вилоят ёшлар ташкилотига иккинчи котиб бўлиб ишлаганди.

Зинченко тумандаги баъзи кишиларни чақириб суҳбат ўтказди. У негадир туман раҳбари Файрат Назаровичдан, мендан ўзининг нима қилаётганини сир тутар эди. Зинченко кетиши олдидан ижроқўмга келиб, «нима учун бу кабинет жуда катта?» деб гап топди. Ва менга «сени кўрсам, менинг кайфиятим тушади», дея

дилидагини айтди. Мен ҳам «сени кўрсам хурсанд бўлмайман», деб жавоб бердим. Николай Федотович, бу гапимни жуда ёмон қабул қилди. У «туман раҳбари Файрат Машарипов билан сизлар иккингииз ҳам Гурланга керак эмассизлар», деди. Мен «агар сиз ҳал қилсангиз, дарров ҳал қилинг», дедим. Зинченко «хўп» деди. Шунинг билан у Урганчга кетди. Кейин 3 кундан кейин мени чақириб, «туман раҳбари Файрат Назарович яшашига жой топинг», деди. Мен «жой йўқ», дедим. Кейин Файрат Назарович ҳам айнан шу таклифни маъқул кўрди: «Амин Вапоевич, сиз менга турар-жой ахтариб топинг, бўлмаса бўлмайдиганга ўхшайди», деди.

Шу тариқа туман сув хўжалиги идораси бошлиғи Кенгесбоевни, ўзининг шахсий уйига кўчириб, идора ҳисобидаги Кенгесбоев яшаб турган жойга Файрат Назаровични кўчирдик. Файрат Назарович ва менинг олдинги яшаб турган умумий жойни болалар боғчасига айлантирдик.

Кези келганда, шуни айтишим керакки, ўша вақтларда, қилинган меҳнатни билмасдан, кеча-кундуз халқ ташвиши билан яшаб, элга юртга бир нарса бўлсин деб ишлаётган инсонларнинг тақдири Зинченкога ўхшаган, енгил табиатли, фақат одамлар тўғрисида ёмонлик ўйлайдиган шахсларга боғлиқ бўлиб қолганди.

Орадан вақтлар ўтди. Мустақиллик туфайли мен туманга ҳоким бўлиб сайландим. Бир сафар Тошкентга мажлисга борганимизда, ҳозирги «Туркистон» меҳмонхонасининг ресторанида биз хоразмлик ҳамма ҳокимлар овқатланиб чиқаётирсак, қўлида катта иккита сумка олиб Зинченко келаётирган экан. Мен уни жуда яхши эслайман. Шу боис, дарров салом бериб, унинг олдига бордим. У сумкадаги нарсаларни кўрсатмаслик учун дарров уларни ерга қўйиб, мен билан саломлашди. У дарров «сен ҳоким бўлибсан деб эшитдим. Тўғри иш бўлибди. Мен нафақадаман. Хотиним ишлайди», деб ерга қаради. «Яхши Николай Федотович, Гурланга боринг, соғ-бўлинг», деб у билан хайрлашдим.

Зинченко ўтказган текшириш якуни бўйича вилоят, туман фирқа ташкилотларининг қарори чиқди. Қарорга асосан Файрат Назарович уйдан бошқа жойга кўчирилди. Менга фирқавий жазо беришди. Туман архитектури Бобожон Собиров, коммунал хўжалик идораси мудир Фойипов Ўринбой ака ишдан четлаштирилди. Нима учун десангиз, Файрат Назарович яшаб турган коммунал давлат уйининг боғига девор қурганлик тўғрисида лойиҳа бўлмаганлиги учун эмиш. Бизларга давлат пулини нотўғри исроф қилганимиз учун чора

кўришганди. Ахир давлат пулини ҳеч ким ўғирламади-ку?! У ҳеч кимнинг шахсий уйи эмас-ку, у ҳозир ҳам болалар боғчасига девор бўлиб турибди-ку?! Ана шу нарсалар жуда алам қилар экан.

Биз Ғайрат Назарович билан Урганчдан шу масала муҳокама қилинган куни бир машинада Гурланга қайтиб келаётиб, машинада Янгибозорга келганча бир-биримизга бир оғиз гап айтмадик.

Кейин Ғайрат ака айтди» Нима энди бир-биримиздан хафа бўлиб ўтираверамизми? Нима бўлса бўлди. Сиздан бўлди, мендан бўлди, керак эмас ахир бундай хафа бўлиб ўтиришимиз», деди.

Мен ҳам унинг гапига қўшилиб, бироз енгил тортгандай бўлдим. Собиров, Ғойиповларга бошқа иш берилди. Лекин бари-бир биз иккимиз ҳам бу қарордан, айниқса Зинченко ҳаракатларидан мутлақо норози эдик. Сабаби, шу масала учун шунча қарор қабул қилиш керакмиди?

1976 йил якунлана бошлади. Менинг уйимда болалар катта бўлиб, биринчи невара ўғил бўлди. Ҳатто қизим Гулнора институтни битказди. Унинг никоҳ тўйини ўтказдик. Уни Қурёз Йўлдошевга турмушга бердик. Шунингдек, Гулбаҳор институтда ўқиб юрибди. Ўғил болалар ҳам юқори синфларда ўқий бошлашди. Оиламиз, Худога шукур катта оила бўлди.

1977 йил бошланди. Айрим жамоа хўжалик раҳбарлари ўрнига янги ёш раҳбарлар сайланди. Киров номидаги жамоа хўжалигига менинг дўстим Фарҳод Бобожанов раис қилиб сайланди. У туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ва ижроқўм раиси ўринбосари бўлиб ишлар эди. Фарҳод Бобожановнинг турмуш ўртоғи Манзура, пахта тозалаш заводида фирқа котиби ва уруғчилик лабораторияси бошлиғи бўлиб ишлар эди. Манзура қаттиқ касал бўлиб қолди. Уни даволаш учун Фарҳод Москвага тиббий кўрикдан ўтказиш учун шифохонага олиб кетди.

Киров номидаги жамоа хўжалиги 1200 гектар пахта экар эди. Ана шу пахта далалари май ойининг охири, июнь ойида жуда ёввойи ўт босиб, жуда ёмон аҳволга келиб қолди. Раис кўп вақтдан бери Москвада, унинг ўринбосари ишни яхши ташкил қилиб билмади, шекилли ишлар ёмон аҳволда эди.

Ғайрат Назарович иккаламиз жамоа хўжалигини айланиб кўриб, аҳвол ёмонлигини англадик. Деярлик далада ишловчи одам йўқ.

— Нима қиламиз?— дея маслаҳат сўради Ғайрат ака. Мен вазиятни кўриб, «аҳвол оғир, қишлоқни шундай кўйсак, аҳвол янада ёмон бўлади», дедим.

Унда Ғайрат ака айтдики, «агар бу қишлоқ билан мен, ё сен шуғулланмасак, қийин аҳволга тушиб қолади», деди. Унда мен шуғулланаман, дедим. У Ғайрат Назаровичга жуда ёқиб тушди.

Эртасига қишлоқ кенгашига ўша вақтда Аҳмад Ҳайтбоев раислик қилар эди. Унга «Киров номидаги жамоа хўжаликда яшаб бошқа жойда ишлайдиганларнинг ҳаммасини рўйхат қилинг. Ким қайси вазифада ишлашидан қатъий назар» деб топшириқ берилди.

Қишлоқ ҳудудида яшаб, бошқа жойда ишлайдиганлар сони 682 киши экан. Ўқитувчилар, врачлар, туман газетаси муҳаррири, туман прокурори ёрдамчиси, матлубот жамияти омборчиси ва ҳар турли ишдагилар бор эди.

Якшанба куни эди. Қишлоқ клубига 682 кишини кеч соат 6:00 га мажлисга чақирдик. Мен ўзим бориб қарасам 565 одам келибди.

Мажлисни ўзим очиб аҳволни, пахтанинг аҳамиятини тушунтириб, «сизлар эрталаб, соат 5:00 дан 8:00 гача далани ёввойи ўтдан тозалашга ёрдам берасиз, деб айтдим. Саволлар борми?», деб сўрадим. Шунда бир йигит қўл кўтариб, «мен умумий овқатланиш корхонаси омбор мудириман, мен бормасам ошхоналарда овқат пишмайди. Мен нима қиламан?», деб савол берди. Савол берган киши Раҳмон исмли бўлиб, у қўп вақтдан бери мудир эди. Мен шу ерда иштирок қилаётган туман матлубот жамияти раиси Сапарбоевдан сўрадим. «Раҳмон неча йилдан бери таътилга чиқмади?». «Раҳмон 5 йилдан бери таътилсиз ишляпти», деб жавоб берди.

Шунда Сапарбоевга айтдим: «сиз Раҳмонни таътилга чиқаринг, балким кейин бошқа ишда ишлар. Омбор мудир бўлиб, жуда чарчаб кетганга ўхшайди», дедим.

Шунда Раҳмон ўрнидан туриб: «Ёшулли! Мен соат 8:00 гача белгиланган режани бажариб, кейин ишга бораман, мен хато қилибман», деди. Кейин ҳеч ким савол беришмади.

Эрталаб 562 киши пахтани бегона ўтлардан тозалаш ҳашарига келишди. Шундай қилиб бир ҳафтада ҳамма майдонни бегона ўтлардан тозаладик. Натижада жамоа хўжалиги шу йили илғорлар қаторида пахта режасини бажарди.

Мен бу ерда ҳалқимизнинг нақадар яхши эканлиги, ҳашар деган сўз бизлар учун ота бобомиздан қолган яхши одат эканлигини, агар халққа тўғри гап айтиб, иш буюрсангиз албатта халқ тўғри тушунишини айтмоқчиман.

Чунки, ҳозирги уйлари шу даврда фақат ҳашар йўли билан ҳаммамиз қурганмиз. Лекин ким жой солса, унга ҳашарга бориш

ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз ҳисобланган эди. Бу яхши одатларни сақлаб қолсак, фойдадан бошқа нарса эмасми ахир?

1977 йил вилоят ва туманда пахта ҳосили мўл бўлди. Ўша йили об-ҳаво яхши келди. Ҳамма ҳўжаликлар режа ва мажбуриятларини яхши бажаришди.

1978 йил бошида меҳнат таътилига чиқиб, Юлдаш Қўчқаров билан Украинага, Туресковец шаҳрига дам олишга ҳозирландик.

Гурландан Урганчга бориб самолётда учиш учун аэропортга борсак, самолёт учиши тўхтатилган. Сабаби ҳамма ер қаттиқ совуқ, музлаб қолган. Аэропорт бошлиғи менинг энг яхши дўстим Валентин Хаменко, Юлдаш Қўчқаров билан мени уйига олиб бориб, яхши зиёфат берди. Ниҳоят кечаси аэропорт очилди. Бизларни Хаменко дўстимиз Москвага борадиган самолётга чиқариб, кузатиб қўйди. Москвадаги «Россия» меҳмонхонасида 3 кун туриб, пойтахтни томоша қилдик. Москва—Туресковец поезди билан Украинага жўнадик. Туресковец санаторияларида бўлиб, бу ўлканинг шифобахш сувини 15-кун ичиб, жуда яхши даволаниб қайтдик.

Киев, Харьков шаҳарларида бўлдик. Кейин яна Москва шаҳрида 5-кун дам олиб, ўша даврда яхши ҳисобланган «Москва» меҳмонхонасида бўлдик.

Бу ерда қизиғи шу бўлдики, биз ҳар куни 2 маротаба «Москва» меҳмонхонасининг катта асосий ресторани бўлган III-қаватда овқатланар эдик. Ресторанда соат 2:00 гача ичимлик берилмас, соат 2:00 дан кейин бериларди. Ичимлик йўқ вақтда ресторан тинч, ҳеч товуш чиқмасди. Соат 2:00 дан кейин шундай гавжум бўлардики, ҳайрон қоласиз. Биз Юлдаш билан шунда Россияда қанақадир ичимлик муҳим эканлигини билган эдик.

Кунларнинг бирида ресторанда қўпчилик одамлар билан Бобомурод Ҳамдамовнинг ўтирганини кўриб қолдик. Бизга хизмат қилаётган ресторан ходимидан Бобомуродга совға қилиб 2 та коняк ва шокалад жўнатдик. У ҳайрон бўлиб, ҳар тарафга қарар эди. Кейин мен уларга хизмат қилаётган йигитни чақириб, у столнинг ҳисобкитобини қилиб юбордим. Энди Бобомурод ўрнидан туриб «ким экан бу?» деб ҳайрон бўлиб бизларни кўриб қолди. Ва раҳмат айтиб бизларнинг ёнимизга келди. Шунинг учун мен бу гап ёдимга тушдики, Бобомурод ҳозир «бу ким экан? бу ким экан?», деб ашула айтиб юрибди. У шу ресторанда ҳам «бу ким экан? бу ким экан?», деб бизларни излаб тонган эди. Ва «менинг обрўйимни жуда ошириб юбордингизлар юртдошлар, бизлар бир гуруҳ

санаткорлар Америкага кетиб бораётган эдик», деди Бобомурод Ҳамдамов. Шундай қилиб дўстим Қучқаров билан 1 ой сайёҳат қилиб, даволаниб, уйларимизга қайтиб келдик.

Москвадаги «Рус академик катта театр»га ва музейларда бордик. «Халқлар дўстлиги» мажмуасидаги санъат усталари концертида иштирок қилдик...

...Туманда пахта, шоли экиш тамом бўлди. Бу йили юқори ташкилотлар чорвачиликни ривожлантирамиз, деб кўп қарорлар чиқаришди. Чорва ҳамма ерда бўлгани каби жуда оғир иш. Чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун жуда кўп меҳнат ва пул, материал харажатлари қилинади. Лекин гўшт, сут, тухум маҳсулотлари сотиш баҳоси ишлаб чиқариш харажатларини қопламайди. Ўша вақтда шу сабаб, чорвачилик ҳамма жойда зарар келтирувчи соҳа бўлиб қолди.

Туман бўйича 12 минг тонна сут, 1800 тонна гўшт сотилар эди. Биз шу режани бажаришга мажбур эдик. Сутнинг бир қисми сут ҳолатда сотилар, бошқа қисми қайта ишланиб, сариқ ёғ ҳолатида сотилар эди. Гўшт сотиш ҳам жуда оғир эди. Агар ҳисоб-китоб қилсак, ҳўжалик 1500 тонна гўшт сотиши керак бўлса, у 70% мол бош сонини давлатга топшириш керак эди. Агар шундай бўлса, бир икки йилда ҳамма мавжуд молларни гўштга топшириш лозим бўларди. Шунинг учун жамоа ҳўжаликлари аҳолидан молларни сотиб олиб, давлатга ферма етиштирган гўшт сифатида топширишга мажбур эдилар.

Лекин юқоридан келган текширувчи ревизорлар «нима учун гўштан бунча зарар келади», деб бегуноҳ инсонларни тергаб жазо беришарди. Шунинг учун ҳам ферма мудирлари жуда кўп маротаба алмаштирилар, ёки жиноятчи қилиб жазо берилар эди.

Умуман туманда ишлаб фақат бошқа жойдан келган текширувчиларни тинч омон-эсон узатиб юбориш асосий иш ҳисобланар эди. Ёки ҳар хил ҳуқуқ тартибот идораларининг тез-тез текширишлари, жамоа ҳўжалиги, туман раҳбарларининг жонига тегиб кетар, лекин масалани очиқ-ойдин, бир кишига айтиш мумкин эмас эди. Агар айтилса, сизнинг аҳвол нима бўлишини Худо биларди холос.

Айниқса, бу ишлар юқори фирқа, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, шундай асоссиз режаларни бажартириш бўйича, маҳаллий фирқа, ижроқўмларда бунга оид мажлис ўтказиш одат тусига кириб қолганди.

Мен юқорида Н. Ф. Зинченко тўғрисида ёзиб ўтган эдим. Ана шунга ўхшаган ҳеч нарса ишлаб чиқаришда қатнашмаган, фақат

имзосиз хатлардаги ёмон, бўхтон гапларни тўғри деб, меҳнат кишиларини назар-писанд қилмайдиган текширувчилар ўша вақтда кўп эди. Ўз элида мол боқиб, деҳқончилик қилиб, кеча-ю, кундуз иссиқ-совуқни демай ҳалол ишлаб, нон топаётган кишиларнинг тақдирлари, яна айтаман Зинченкога ўхшаган кишиларга боғлиқ бўлиб қолиши бир фожеа эди. Худога шукур, энди ўз ҳаётимиз, тақдиримиз ўз қўлимизда. Мустақиллик шарофати билан, ўз меҳнатидан ўзи баҳраманд бўлиб, яшаб, ишлаб келаётганимизга минг бор беҳисоб, Оллоҳга шукурлар айтаман.

Мен бу гапларни ёзишимга сабаб, туманда раҳбар бўлиб, шундай шахслардан кўплаб танбеҳлар эшитиб, ўз меҳнатимга раҳмат олмаган ҳолларни эслаб ўтираман. Шу боисдан бугунги ёшлар бу озод ва обод кунларнинг ўз-ўзидан келмаганини, бу кунларнинг қадр-қимматига етишларини тўла тушуниб яшашга ҳаракат қилсин, деган мақсадим бор. Мен ўтмишга тош отмоқчи эмасман, фақат нималар бўлганини, бу кунлар қандай келганини авлодларимиз тўғри тушуниб етсин, деган ниятдаман, холос.

1978 йил баҳори биров совуқ келди. Ерларнинг шўрини ювиш кечикиб кетди. Шу сабабли, пахта экиш чўзилди. Айниқса, баҳорда жуда кўп ёмғир бўлди. Пахтага май ойидаги ёмғир жуда ёмон таъсир қилди. Пахта ниҳолининг униб чиқиши қийин бўлди. Пахтани бизнинг туманда қайта экиш деярли 65% ташкил қилди. Май ойи умуман салқин бўлди. Шу боис униб чиққан пахта ниҳоли жуда оғир аҳволда қолди. Вилоятдан, республикадан жуда кўп мутахассислар, раҳбарлар келиб, вазият билан танишишди. Июнь ойи ҳам жуда салқин келди. Фақат июль ойи иссиқ бўлди. Умуман пахта 1 сентябргача етишиб очилмади.

Ёзи билан бизлар ҳаммамиз пахта устида ишладик. Лекин июль ойининг бошидан, август ойларида ҳамма далаларда кўсак қурти деган офат пайдо бўлиб, уни химия йўли билан ишлаш ҳам фойда бермади. Одамлар кўсак қуртини челақ, банкаларга ўз қўли билан тутиб, йўқ қилиш ишлари билан шуғулланди. Ҳамма кўсак қуртига қарши иш қилди. Лекин фойдаси бўлмади. Ҳосилнинг кўпи, айниқса эртаги қисми nobуд бўлди.

Ҳар йили сентябрь ойи бошида туманда пахта карвони бўлар эди. 1978 йил 24 сентябрь куни Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси И.Б. Усмонхўжаев Қорақалпоғистон орқали Манғитдан бизнинг туманга келиб, пахта карвонида иштирок қилмоқчи бўлибди. Бироқ туманда бу пайтда пахта карвони ўтказиш даражасидаги йиғим-

терим бошланмаганди. Ўшанда туман фирқасининг иккинчи котиби Тўлибой Искандаров Киров номидаги жамоа хўжалиги бригадири Қурёз Юлдашев 2 трактор арва пахта териб қўйганини билиб, шу 2 арава пахтани заводга олиб келтиришди.

Ана шу икки арава пахта билан Усмонхўжаев ишгирокида 24 сентябрь куни пахта карвони ўтказдик. Шу йили сентябрь ойида туман давлатта 4% фоиз пахта сотди. Умуман ўша йили пахта йиғим-терими жуда огир ўтди.

Ўша вазиятдаги иш тартибига кўра, эрталаб соат 9:00 да жамоа хўжалиги раислари туман раҳбариятига келишади. Вилоятдан туманга бириктирилган вакил Раҳимбой Эшчанов, туман раҳбари Файрат Назарович ва туман фирқа ҳайъати аъзолари иштирок қилиб, кечаги пахта топширилиши масаласи муҳокама қилинади.

Ўша йили шундай тартиб ўрнатилдики, эрталаб соат 9:00 — 10:00 орасида Ўзбекистон Марказқўми ходими ҳар бир туманга телефон қилиб, «Кеча қанча пахта топширдингиз? Нима учун кўпаймади? Нима учун камайди?» каби саволлар билан туман раҳбарига ёки у бўлмаса, ижроқўм раиси ва бир қолоқ жамоа хўжалик раисини тергаб, дашном берарди.

Шу тариқа Марказқўм ходими билан икки уч кун Файрат Назарович гаплашди. Кейин менга «сиз бугун гаплашасиз», деб телефон ёнидан кетадиган бўлди. Мен телефон гўшагини олиб салом бераман, у киши мени саволга тутди. Менинг жавобимни тўлиқ кутмасдан, яна саволлар бераверади. Мен индамай тураман. Шунда у киши «нимага индамайсиз?», деб айтарди. Хуллас, ҳар куни шу аҳвол такрорланар эди. Охири бир ҳафтадан кейин «сиз нима учун телефонни оласиз?» деб сўради. «Ахир сиз телефон қилиб сўрадингиз, мен жавоб бердим» дедим. Шунда Марказқўм ходими, «биринчи котиб қани, телефонни у олсин» деди.

Мен гапни Файрат Назаровичга айтдим. У бир кун телефонда гаплашди. Бироқ эртасига гаплашиш яна менга қолди. Шундай кунларнинг бирида «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги пахта мавсумида охириги ўринда эди. Шу боис қолоқ хўжалик раҳбари гаплашсин, деган сўровга кўра, раис Мадрахим Қўчқоров телефонда Марказқўм ходими билан сўзлашди.

Мадрахим ака салом бериб, «ўртоқ Юлдашев биз томонларга бир меҳмон бўлиб келинг мажбурият бажарилган вақтда», деди. У сўради шекилли неча фоиз бўлдингиз деб. Раис 62%, деди. «Энди ноябрнинг 20 санасида 62% бўлсангиз, бир кунда 0,2% пахта

топширсангиз, қачон режа, мажбуриятни қачон бажарасиз?», деб Қўчқаровга даг-дага қилди. Қўчқаров «ахир бажарилар», деди.

Шу кунни туман фирқа ташкилоти мажлислар залига Мадраҳим ака билан телефонда гаплашиб бўлиб кирдик. Кирсак ҳар хўжалик раисидан ҳисобот сўраётган эканлар. Шунда Қўчқаровдан режа тўғрисида маълумот сўралди: «Кеча қанча пахта топширдингиз? 0,2%, жами шу кунгача қанча фоиз бўлди: 62% фоиз» деди.

Раис Мадраҳим ака вазминлик, «Раҳимбой ака, Файрат Назарович! Далада жуда кўп кўсак бор, ахир очилиб, пахта бўлар» деди. Шунда Раҳимбой Эшчанов қаттиқ оҳангда, «Мадраҳим 20-ноябргача очилмаган кўсак, ҳеч вақт очилмайди», деди. Ўшанда Мадраҳим ака мажлисга тўпланган кишилар олдида дилидаги гапларни айтиб, шундай деганди:

— Шунин билар экансизлар, нима учун бизларга бунча азоб берасизлар. Ҳозир Марказқўмга жавоб бердим. Ахир шундай ҳам бўладими? Пахтани мен йўқ қилдимми, об-ҳаво ноқулай келганини ҳамма билади-ку? Фақат Гурланда, ёки менинг колхозимда эмас, бутун вилоятда шундай аҳвол-ку?! Ҳеч қандай куч — бу азобларга чидолмайди. Нима қиламиз ахир, ҳамма қўлимиздан келган ишни қилаётирмиз, ўзингиз кўриб турибсиз. Аҳвол шундай ахир. Фақат ўлиб кетиш керак, бошқа чора йўқ. Ишдан кетаман десак, рухсат бермайсиз, агар ташлаб кетсак, нима бўлишини ҳаммамиз биламиз. Худди, урушда солдат қочиб кетганга ўхшаб, хароб бўлишимиз аниқ, — деб ўрнига ўтирди.

Ҳамма жим қолди. Биз фирқа ҳайъати аъзолари, юқорида ўтирганлар ҳам, пастда бизга ҳисоб бераётган раислари ҳам, ҳеч ким ҳеч нарса демасдан, жим бўлиб қолдик.

Файрат Назарович: «Амин Вапоевсиз Тошкент билан гаплашдингизми, нима деди?», дея мендан сўради. Мен «сизни сўради», дедим. «Ҳа, нима гап экан?» деди. Мен «ҳар кунги гап, пахтани кўпайтиришни талаб қилишди» дедим.

— Ана ўртоқлар эшитдингизми, Марказқўм биздан талаб қилаётир, биз бу ерда, у бу деб ўтирибмиз, тушундингизми. Ҳаммангизга рухсат. Янада куч-ғайрат билан пахтани кўпайтириш чорасини кўринглар, — деб мажлисни тамом қилди.

Ҳурматли китобхон! Сиз буни қуруқ гаплар деб дея ўйламанг. Ҳа, даврда шундай эди. Ҳаммамиз фирқа, давлат топшириғи деб, кеча — кундуз демай иш бошида бўлишимиз керак эди. Ана шундай ҳам бўлди. Бу ўша вақтдаги давр, ҳаёт талаби эди. Хулоса чиқариш сизга ҳавола.

1978 йил деҳқончиликлар қийинчилик билан етиштирилгани учун азоб уқубатларга тўла йил бўлди. Тартиб бўйича ҳар йили аввал туман раҳбари, кейин ижроқўм раислари меҳнат таътилига чиқиб кетар эдилар. Раислари ҳам совуқ тушиши билан январь ойларида 1 ой таътил олиб, санатория, шифохоналарга даволанишга кетишарди. Мен ҳам меҳнат таътилига чиқиб, Сочига санаторияга Ўғилжон билан бирга кетдик.

Бир куни санаториядаги врачларнинг қабули олдида анализ топшириш учун бироз навбат кутиб ўтириб қолдим. У ерда Андижон, Фарғона вилоятларидан келган жамоа хўжаликлари раислари ҳам ўтиришарди. Шулардан бири, «кеча мен қон топширгандим. Яна қон сўрашаяпти, бу учинчи мартабаси, намунча қон керак бўлмаса бу докторларга», деб гап бошлаб қолди. Шунда ёнида ўтирган, ёши бирозга бориб қолган раис, «ҳай ука, сизда қон борми?», деб сўради. У «ҳа, бор» деди. «Бўлмаса нимага айтасиз, бор бўлса беравер-майсизми, биласиз-ку йўқ нарсани бер деб йил бўйи азоб беришади. Сиз бор нарсани бермоқчи эмасиз», деб гапирди. Шу ердаги раислар ҳаммаси роса кулишди.

— Ҳа, тўғри, йўқ нарсани ҳам бор қилиш, биз бечора раислар зиммасига юклатилган, — деб «ҳай, ёшулли! сиз яна райком эмасмисиз?», деб менга киноя қилгандек бўлди. Мен «йўқ, мен ижроқўм раисиман» десам, «ҳа, сиз ҳам шу қозонда қайнайсиз», деди. Ҳамма бирдан яна кулиб юборди.

Мен бу гапни эслашимнинг сабаби, ўқувчи ўйламасинки, юқоридаги пахта билан, шўро давридаги буйруқбозлик билан боғлиқ мажлисбозлик, иш юритиш тартиби фақат Гурланда ёки Хоразмда бўлган деб. Мен юқоридаги воқеани келтиришим сабаби, ҳамма ерда аҳвол ўша вақтда бир хил тарзда эди. Хўроз ҳамма жойда бирдай қичқирарди.

Сочидан яхши дам олиб, қайтиб келдик. Ўша даврларда ҳар ойда бир мартаба вилоят ижроқўмининг мажлиси бўларди. Шу мажлисда вилоят ҳақидаги кўп масалалар муҳокама қилинарди. Ҳар бир иштирокчи ўз вазифаси бўйича тегишли масалаларга жавоб берар эди. Мажлислар жуда қаттиқ руҳда ўтарди. Вилоят фирқа ташкилотининг биринчи котиби, вилоят прокурори ҳам, албатта иштирок этарди. Шундай мажлислардан бирида, Ҳазорасп туманида вилоятдан берухсат, туман ижроқўми рухсати билан чигит ва пахта пух уликлари жамоа хўжаликларига сотилган. Унинг тонналари ва суммалари айтилди. Бу давлат монополияси бўлган товарни маҳаллий

ташкilotлар сотишга рухсат бериши мумкин эмас эди. Лекин Ҳазорасп туман ижроқўми раиси шу хатога йўл қўйгани учун уни ишдан олиш ва жавобгарликга тортиш бўйича қарор қабул қилинди.

Шунингдек, бошқа ижроқўмларга бу масалани ўзларида текшириб қўриш вазифаси топширилди.

Мен шу кун ичига кечқурун Гурлан ва Янгибозор пахта тозалаш заводи директорларини ва давлат банки бошқарувчисини хонамга чақириб, бу масалани ўргана бошладим. Айтишларича, Янгибозор пахта тозалаш заводи 500 тонна маҳсулотни ҳеч кимнинг рухсатисиз, жамоа ҳўжаликларига сотиб юборган ва ҳўжаликлар ҳисоб рақамларидан пул ўтказишибди.

Мен дарров туман ижроқўми фармойиши билан бу масалани ўрганиб чиқиш, маҳсулотни жамоа ҳўжаликларидан қайтариб олиш, пулларни ҳўжаликларга қайтариб беришни топшириб, махсус комиссия туздим. Комиссия аъзолари: туман молия бўлими мудир и Худойбергандов, қишлоқ ҳўжалик бошқармаси бош иқтисодчиси Машарип Юсупов, банк бошқарувчиси Е.А. Сольовёвдан иборат эди.

Комиссия жамоа ҳўжаликларининг пулларини ўз ҳисоб рақамларига қайтариб ўтказди. Бу масалани мен шу ишга алоқадор раҳбарлар учун яхши иш қилдим деб ўйладим. Чунки, ноқонуний деб ўша вақтда қилинган бу ишлар давом этса, ёки пуллар қайтариб ўтказилмаса, Ҳазораспдаги сингари мутасаддиларга чора қўрилиши аниқ эди. Шу даврларда туман ва вилоятда менга шундай «дўстлар» пайдо бўлдики, уни ҳеч бир сўз билан ифодалаш мумкин эмас.

Бу масалани фақат ўзим билан, чунки бу пахта билан боғлиқ иш жуда ёмон, оғир гап бўлиб келган. Шунинг учун бундай масалалар оқибатлари оғир эканлигини ўзим ҳар бир қадамда сезиб турдим ва шу бўйича менга қилинган яхши ва ёмон ишларни кутиб ишладим....

1979 йил якунланиб, 1980 йил бошланди. Туман ва жамоа ҳўжалиги раҳбарлари таркибида айрим ўзгаришлар бўлди. Туман фирқасининг иккинчи котиби қилиб Тўли Искандаров сайланди, III-котиб Раъно Ибрагимова ва бошқа раҳбарларни айтиб ўтишни лозим деб ҳисоблайман. «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги раиси Мадраҳим Қўчқаров, Ҳамза номидаги жамоа ҳўжалиги раиси Аминбой Ўразов, «Москва» жамоа ҳўжалиги раиси Машарип Тўлиев, «Октябрнинг 50 йиллиги» жамоа ҳўжалиги раиси Тўли Матниязов, «Ленинград» жамоа ҳўжалиги раиси Каримбой Эркаев, «Ленинизм» жамоа ҳўжалиги раиси Хўжамурод Сапарниязов, Куйбишев

номидаги жамоа хўжалиги раиси Жумабой Давлетов, «Маданият» жамоа хўжалиги раиси Қодир Ҳайитов, Ленин номидаги жамоа хўжалик раиси Ибраҳим Холметов, «Правда» жамоа хўжалиги раиси Солий Ҳайитбоев, Киров номидаги жамоа хўжалик раиси Фарҳод Бобожанов, «Коммунизм» жамоа хўжалиги раиси Ким Алексей Иванович, А. Навоий номидаги жамоа хўжалиги раиси Ўразбой Юлдашев, «Қорақалпоғистон» жамоа хўжалиги раиси Юлдаш Кўчқаров, «Гулистон» давлат хўжалиги директори Ким Сергей Тимофеевич, «Янгиобод» давлат хўжалиги директори Қозоқ Ўразметов, бўрдоқчилик хўжалиги директори Юлдаш Худайберганов, машина-трактор парки директори Бобожан Жумамуратов, пахта тозалаш заводи директори Худайберган Машарипов, туман УОС бошлиғи Бозорбой Кенгесбоев, туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Юлдаш Худайберганов, Янгибозор пахта тозалаш заводи директори Саъдулла Абдуллаев, туман прокурори Солий Бекчанов, туман ИИБ бошлиғи Бекберган Собиров, суд раиси Илҳом Боғибеков, Автобаза директори Солий Қозақов, ПМК обл УОС бошлиғи Абдулла Бобожанов, ПМК-85 бошлиғи Исмоил Юлдашев, МСУ директори Матёқуб Абдуллаев, халқ назорати ташкилоти раиси Бахтияр Юсупов, ижроқўм раиси ўринбосарлари Фрунза Маҳмудов, Турсунбой Каримов, матлубот жамияти раиси Зарипбой Сапарбоев, умумий овқатланиш корхонаси директори Жумабой Ҳусайнов, РСУ бошлиғи Юлдош Собировлар.

Ана шу раҳбарлар билан бир даврда бирга ишлашга тўғри келди. Уларнинг ҳар бири ўз соҳаларида бир қанча яхши ишларни амалга оширдилар. Бу раҳбарлар ўз даврининг илғор инсонлари эди. Албатта, уларнинг Гурлан туман тараққиётига қўшган ўзига хос ҳиссалари бор. Афсуски, уларнинг кўплари бу дунёни тарк этиб кетдилар. Айримлари ҳозирдаям ишлаб, яшаб юрибдилар. Мен улар билан доимо учрашиб тураман ва ўтган кунларни эслашиб юрамиз.

Ойлар, кунлар шу тарзда ўтаверди. Кундалик ташвишлар, туман ва вилоятдаги сон-саноқсиз мажлислар, бунинг устига Москвада ва Тошкентда бўлган мажлис қарорларининг ҳар бирини идора, ташкилот, жамоа, давлат хўжаликларидаги бошланғич фирқа ташкилотларида муҳокама қилардик. Бундай мажлисларда ижроқўм раиси сифатида иштирок қилиш, доимо шу сингари ишлар билан банд бўлиш натижасида умрининг ўтиб кетишини ҳам сезмасдан қолар экансан. Ўзинг умрининг ўтиб кетаётганлигини, кечагина туғилган фарзандларининг улғайиб мактабни, институтни битириб

катта йигит-қиз бўлганини кўриб, ўйга толасан. Менинг ҳаётим шундай ўтди. Қарабсизки, Худога беҳисоб шукурлар бўлсинки, ўғил-қизларим катта бўлиб қолишди. Бу менинг бебаҳо бойлигим ва бахтим деб, ҳеч ҳоримасдан, толмасдан меҳнат қилишга даъват қилгандек бўлиб юравердим, десам тўғри бўлади.

1980 йил ташвишлари ўзгача бўлди. Йилдагидек баҳорда ёмғир бўлмади. Сув ҳам мўл бўлди. Хуллас, деҳқончилик ривожига яхши. Пахта, шоли яхши ҳосил тўплади.

Ҳар доим бўлганидек, юқори ташкилотларга юбориладиган имзосиз хатлар кўп. Текширишлар ҳам тинмай давом қилар эди. Ўша вақтда агар бир инсоннинг ишини, ҳақу-ноҳақ битирмасангиз, қайсидир ишни битказиш фақат сенгагина боғлиқ бўлмай, чўзилиб кетса, устингдан дарров имзосиз хат ёзувчи махсус шахслар пайдо бўлиб қолган эди. Ана шу шахслар сиздан хафа кишини топиб, «сизни у нима учун хафа қилди, бир иш қилиш керак», деб кўплари чой-чақа олиб, ариза ёзувчилар кўпайиб кетган эди.

Бир куни ижроқўм биносида эрталаб мен ўз иш жойимда фуқароларни қабул қилиб ўтирсам, хонамга иш билан кирган идора бошлиғи айтдики, «қабулхонада кўпдан бери Костаков ўтирибди», деди. Мен кейин чиқиб қарасам ҳақиқатдан қабулхонада вилоят фирқа ташкилоти ташкилий бўлим мудири И. Г. Костаков ўтирибди.

— Ҳа, ёшулли! Нима қилиб ўтирибсиз қабулхонада? — дея уни ичкарига таклиф қилдим.

— Аминбой! Имзосиз хат бор Унга кўра, сен одамларни қабул қилмас эмишсан. Қабул қилсанг ҳам одамларни ҳақорат қилар экансан, 2-3 ой мабойнида сенинг қабулингга кириш мумкин эмас эмиш, мана мен 2 соат ўтирдим. Ҳаммаси бўлиб 42 кишини қабул қилдинг. Мен улардан сўрадим, кўпдан бери қабулга киролмасдан юрибсизми деб, йўқ бугун келдим, у киши агар одам келса ҳамма вақт қабул қилади, дедилар, ҳеч бири норози бўлиб гапирмади. Мана менга текшириш учун жавоб деб айтди, — дея кўрган, кузатганларини айтиб берди Костаков.

Мен ундан хурсанд бўлдим. Лекин нима учун тухмат, ёлғон гапларни ёзувчилар кўпайиб кетганлигига хафа бўлдим. Ўзимга ўзим, «ҳа, нима қиламиз шундай даврда. Ишляяпмиз, яшаяпмиз», деб ўзимга ўзим далда бериб қўйдим, холос.

Ўша вақтдаги одат бўйича «Қизилёр»даги чорвачилик бўйича 2 та давлат хўжалигида Гурлан туманига қарашли моллар боқиларди. Бутун вилоят жамoa хўжаликлари бориб, чорва учун ем-хашак

(қамиш) тайёрлаб бериш мавсуми бошланди. Август ойининг бошида тумандаги 16 та жамоа ҳўжалигидан ишчи кучлари, техника олиб Қўнғиротдаги «Қизилёр» массивига кетдим. Ёнимда туман санитария-эпидимология бош врачл, дўстим Исмоилов Эрметов ҳам бор эди.

«Қизилёр» давлат ҳўжалиги директори Султонмурод жуда яхши инсон эди. У бизларни яхши кутиб олди. Шу кунл уйида меҳмон қилди. Эртасига янги бир вагон уйни канал бўйига ўрнаттириб, бизларга ажратиб берди. Ўзларимиз ошпаз ва керакли анжомларни олиб борган эдик. Катта юк машинасида каравотлар, пашшахоналар, ҳатто вақтинча чироқ берувчи «движок» ҳам олгандик. У орқали кичик телевизорни ишлатдик. Шундай қилиб 7 кун биз чорвага қамиш тайёрлаш учун шу подачиларга шароит яратиб бердик.

Ўша вақтда техникумда бирга ўқиган дўстим Ҳусайн Жуматов «Қизилёр» массивида ташкил қилинган жой қурилиши — ПМКда ишлар эди. У менинг келганимни эшитиб, бизларнинг ёнимизга келди ва ўзи яшаб турган уйга меҳмонга олиб кетди. Жуматов уйида бир ҳафта бўлдик. Шу билан бирга чорва учун хашак тайёрлаш режаси ҳам бажарилди. Ҳамма ҳужжатлар расмийлаштирилиб, вилоятда биринчи бўлиб режанинг бажарилгани тўғрисида вилоят ижроқўми раиси ўринбосари Аминбой Қаландаровга ахборот бердим ва ундан рухсат сўраб 20 август кечаси уйга қайтиб келдим.

Эрталаб туман раҳбари Ғайрат Назаровичга телефон қилдим. Режани бажарганимни, кеча қайтиб келганимни айтдим. У «яхши келдингизми?», деди холос. Бошқа гап айтмади. Шундан кейин ижроқўмдаги хонамга бориб, 15 кун давомида келган аризалар билан таниша бошладим. Шу пайт хонамга вилоят фирқа ташкилотининг иккинчи котиби И.Т. Сорокин кириб келди. У кишини кўриб, каттароқ шикоят-ариза тушган бўлса керак, деб ўйладим.

У мен билан саломлашиб, «яхши келдингизми? Ем-ҳашак яхши тайёрландими?», деб сўради. Мен «ҳаммаси яхши», деб жаваб бердим. У менга жиддий қараб:

— Аминбой, сен вилоятдаги энг яхши ишлаётган туман ижроқўми раиси ҳисобланасан. Маана 8 йил шу вазифада келаётирсан. Сенга ҳеч ким, ҳатто вилоят раҳбарининг ҳам қаршилиги йўқ. Лекин ҳаёт шундайки унда доимо ўзгариш бўлиб туриши керак. Янги ишлар, янги кадрлар керак жамиятга. Шунинг учун Мадийр ака мени сенинг ёнингга юборди. Биз сенга бошқа иш тавсия қилмоқчимиз, бунга қандай қарайсиз? — деди.

Мен ҳеч ўйланмасдан «жуда яхши», дедим.

— Нима иш экан деб сўрамадинг?— деди Сорокин.

Мен «вилоят раҳбари Мадийр ака нимани таклиф қилса, шунга рози бўламан», дедим.

— Жуда яхши! — деб Сорокин кулиб, — мен Мадийр акага сиз ўзингиз чақириб гаплашасизми деб айтган эдим, шунда ёшулли «йўқ, Вапоев тўғри тушунади», деди. Унинг гапи тўғри бўлиб чиқди. Ҳатто, нима иш деб сўрамадинг. Ана энди айтаман. Биз сени жамоа хўжалигига раис вазифасига тавсия қилмоқчимиз.

Сорокиннинг бу таклифига яна «жуда яхши», дедим. Кейин Сорокин менга «юринг туман фирқа биносига борамиз», деди.

Биз Иван Тимофеевич Сорокин билан Файрат Назарович хонасига бордик. У бир ўзи бизларни кутиб ўтирган экан.

Биз Файрат Машарипов билан саломлашдик. Сорокин «нима кўришмадингизми ҳали?», деб сўради, мен «йўқ», дедим. Шунда у «мен сенга Вапоевга айт деган эдим-ку?!», деди. Файрат Назарович индамади.

Улар иккаласи бир-бирига қараб, бир паст индамай ўтирдилар. Кейин Сорокин «биз Аминбой билан гаплашиб олдик», деди. Шунда ҳам Файрат Назарович ҳеч нарса демади. У ҳагто менга қарамай бир маълумотнома ўқиган киши бўлиб ўтираверди. Шу вақтда вилоят ижроқўми раиси ўринбосари, қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Амин Қаландаров кириб келди. У Файрат Назарович, Сорокин ва мен билан саломлашиб ўтирди. У ксчагина мен билан «Қизилёр» массивида учрашган эди. Аминбой Қаландаров Сорокинга қараб: «Ем-ҳашак тайёрлашда Гурлан тумани жуда яхши ишлади. Аминбой Вапоев ишни жуда яхши ташкил қилди», деди. Шу билан бирга Сорокинга айрим туман ижроқўм раисларининг ишни ёмон ташкил қилганлигини айтиб берди. Сорокин ҳеч нарса демади. Шунда Қаландаров, «Мен ижроқўм раиси билан бир икки жамоа хўжалиги фермаларини кўрмоқчиман», деди. Файрат Назарович секингина «яхши», деди. Мен ҳеч нарса демасдим. Шунда «Амин Қаландаров менинг бошқа ишга ўтишимни билмас экан», деб ўйладим. Сорокин ҳеч нарса демасдан чиқиб кетди. Файрат Назарович ёрдамчиси Ўсар Абдуллаевга «ҳамма ҳайъат аъзолари киришсин хонамга» деди.

Шундан кейин туман раҳбари фирқа ҳайъатининг мажлисини бошлади. Файрат Назарович, Сорокиннинг келиб кетганини, унинг менинг ҳақимдаги вилоят фирқа ташкилотининг таклифини айтди. У яна «бу фақат вилоят ташкилоти таклифи. Аминбойнинг ўзи

билади. Ахир биз коммунистларни қаерга юборишса, ўша ерга боришга мажбурмиз. Мана Аминбой ҳам ўзи рози бўлибди», деди.

Фирқа ҳайъати аъзоларининг биттаси «жуда яхши бўлибди», деб ўзининг ичидаги гапини яширмасдан, ёки қувонганидан айтиб юборди. Кейин у индамай қолди. Мен шунда «ука, сен жуда хурсанд бўлдинг, лекин мендай бўласанми, йўқми бунини худо билади», дедим. У қип-қизил бўлиб, ҳеч нарса демасдан ерга қараб ўтирар эди. Бу ҳақда ҳали кейинроқ у кишининг қандай эканлигини айтиб бераман ва қандай аҳволга тушганини ёзаман.

Шундай қилиб Файрат Назарович, Амин Қаландаровлар билан бирга, мажлисни якунлаб, ташқарига чиқдик, туман раҳбари машинасига мен, Амин Қаландаров, Файрат Назарович миндик. Файрат Машарипов, ҳайдовчисига «Коммуна»га ҳайда!» деди. Мен Сорокин, ёки Файрат Назаровичдан «қайси жамоа хўжалигига раис бўламан», деб сўрамагандим. Улар ҳам менга хўжалик номини айтишмаганди. Мен ўзимизнинг Ленин номидаги жамоа хўжалигига бўлса керак, деб ўйлагандим. Чунки ушбу хўжалик раиси Иброҳим ака касалланиб юрган эдилар.

Мен йўлда «Коммуна» жамоа хўжалиги томон боришда «қайси кохозга раис бўламан?», деб қишлоқнинг ҳудудига кириш олдидан сўрадим. Шунда Файрат Назарович, «сизга Сорокин айтмадими?», деди. Мен «йўқ», дедим. Шунда туман раҳбари «Коммуна» жамоа хўжалигига» деди. У ерда менинг энг яқин дўстим Юлдаш Бойметов раис бўлиб ишлар эди. Мен Файрат Назаровичдан «Юлдаш Бойметов нимага бўшатиляптими?», десам, «Сиз «Қизилёр»да вақтингизда у туман, вилоят фирқасига ариза берди. Шунинг учун сизнинг бу гаплардан хабарингиз йўқ», деди Файрат Назарович.

Файрат Назаровичнинг гап-сўзига қараганда, у менинг раис бўлиб кетишимни унча маъқуллаб турмаганга ўхшарди. У секин «Аминбой «Коммуна» хўжалигида ишлаб, сиз жуда катта обрўга эга бўласиз. Ҳали кўрамиз жуда яхши бўлади. Ҳеч хафа бўлманг!», деди. Мен индамадим.

Қишлоққа борсак, жамоа хўжалигининг умумий йиғилиши чақирилган. Бизларни Юлдаш Бойметов кутиб олди. У менга «Қизилёр»дан яхши келдингизми?» деб кулиб қўйди. Ҳаммамиз раиснинг хонасига кирдик. Файрат Назарович, «Юлдаш! Мана сизнинг ишингиз Аминбой дўстинг давом қилдиради», деди. У «жуда яхши, менинг ўзим ҳам фақат Вапоев бўлиши мумкин, деб ўтирибман», деди туман раҳбарига. Мен ҳеч нарса демадим.

«Қизилёр»дан келишимни кутиб, зўр тайёргарлик қилиб ўтиришган экан-да», деб ўйлаб, кўнглимда қандайдир ғашлик пайдо бўлди.

Мажлис бошланди. Амин Қаландаров Ғайрат Машарипов, мен ва бошқа жамоа хўжалик аъзолари ҳайъатдан жой олдик. Мажлисни туман раҳбари Ғайрат Назарович очиб, Юлдаш Бойметовнинг 12 йил колхозда раис бўлгани, унинг кўп яхши ишлар қилгани, лекин сўнги вақтларда соғлиғи ёмонлашгани, шунинг учун раиснинг ўзи ариза бериб, вазифасидан озод қилишини сўраганини, айтди. Шундай қилиб Бойметовни раис вазифасидан озод қилинсин, деган колхозчиларнинг овоз беришини ва қўл кўтаришини сўрашди. Колхозчилар қўл кўтаришмади. Ғайрат Назарович Бойметовга қаради. Юлдаш Бойметов ўрнидан туриб:

— Ўртоқлар мен 12 йил ишладим. Соғлиғим ёмон, колхоз сўнги икки йилда яхши натижаларга эришмади. Туманда пахта тайёрлаш бўйича охириги ўринларда юрдик. Шунинг учун мени озод қилинглار. Мен бу ҳақда ариза бердим. Лекин сизларга шуни айтиб қўяман, агар эшитишим тўғри бўлса сизларга раисликка ижроқўм раиси Амин Вапоевни туман, вилоят раҳбарлари тавсия қилмоқчи. Ўртоқлар мен ҳам Аминбой Вапоевни тавсия қиламан ва шуни билингки, Вапоев раис бўлса, қишлоқда ўзгаришлар бўлади. Фаровон ҳаёт кечирасизлар. Ўзларингиз Вапоевни яхши биласизлар, — деди ва, мени раисликдан озод қилиш тўғрисидаги таклифга овоз беринг ўртоқлар, — деб Бойметов ўрнига ўтирди.

Ғайрат Назарович овозга қўйди. Қарши йўқ. Бетараф йўқ деб, бир овоздан таклиф маъқулланди.

— Вапоевни колхоз раиси қилиб сайлансин, деган кишилар овоз берсин, — деди Ғайрат Назарович.

Ҳамма қўл кўтарди. Шу тариқа мени раис қилиб сайлашди. Қаландаров, Ғайрат Назарович ва Бойметовлар қўлимни олиб, табриклашди. Мажлис ҳаммаси бўлиб 30 дақиқа давом этди. Шундай қилиб бундан 12 йил олдин «Коммуна»га раис қиламан, деб айтган Хударган Раҳимовнинг башорати тўғри бўлиб, жамоа хўжалигига раис бўлдим.

Бойметов ўз уйида меҳмондорчиликка тайёрланиб қўйган экан, ҳаммамиз унинг уйига бориб чой ичдик. Юлдаш Бойметовга «кечқурун қишлоқ фаолларининг мажлисини чақиришни» айтдим. Ана шу тариқа куч-ғайрат билан иш бошлаш ниятида Гурланга, ижроқўмдаги машинам ҳайдовчиси Назирбой билан тўғри уйга келдим. Уйда онам, Ўғилжон, болалар ҳали ҳеч гап-сўздан хабари

йўқ экан. Мен онамга секин «мен онажон бу ишда жуда чарчадим, шунинг учун кичикроқ иш сўрадим, мени ҳозир «Коммуна» жамоа хўжалигига раис қилиб сайлашди», дедим. Онам бир паст индамай турди, кейин «болам ишингда бир камчиликка йўл қўйдингми?», деди хавотирланиб. Мен «йўқ», дедим. «Ахир Юлдаш сенинг энг яхши дўстинг эди. У нима дейди», деди онам. Мен «Юлдаш ўзи ариза берган. Мен ҳам рози бўлдим», дедим. «Ахир ҳеч бир ёмон иш қилиб қўймадингми», деб яна ташвишланиб сўрадилар онам. Мен «йўқ, деб яна айтдим-ку онажон, бу иш жуда жонимга тегиб кетди. «У иш битмади, бу иш ёмон», деб доимо ижроқўмни айтадилар. «Ахир бир колхозни бошқариш, 16 та колхоздан енгилроқ онажон», деб тушунтирдим. Ўғилжон ҳам «Юлдаш ака сизнинг дўстингиз эди. Уни нима учун бундай қилишди. Ёки, ҳалиги одамлар орасида юрган оилавий аҳволи сабаб бўлмадими ахир?», деб менга маъноли қилиб савол берди. «Балким, бўлса бўлгандир», деб қисқача жавоб бердим.

Шундай қилиб уйда 2 соат чамаси онам, Ўғилжон, болалар билан бирга ўтириб соат 4:00 да қишлоққа бордим. Ижроқўмга бормадим. Сабаби, «энди менинг ўрнимга ижроқўм раиси сайлашганда бориб хонамни топшираман» деган фикрда эдим. Қишлоққа борсам, Бойметов бухгалтерияда ўзининг фаоллари билан бир нарсаларни маслаҳатлашиб, ҳужжатларига қўл қўйиб ўтирган экан. Юлдашга «фермани кўриб келамиз», деб айтдим ва биз фермага кетдик. Мен бу фермани, ҳатто, подачи, сут соғар ва барча ишловчиларни номма-ном яхши билардим.

Улар билан суҳбатлашдик, сут соғиб олишни суриштирдим. Ўтган куни ҳаммаси бўлиб 246 кг сут соғилиб, давлатга топширилибди. Агар сут сотиш режасининг бажарилишини ҳисобласак, ҳар куни ферма 1500 кг сут бериши керак. Бу гап менга янги эмас эди. Чунки ҳар ойда мен чорва бўйича, форма 24- ҳисоботи қабул қилиб олганимдан, бораётган жараёндан хабардор эдим.

Юлдаш Бойметов билан фермани айланарканмиз, ўзининг дилидагиларни ошкора айтди:

— Дўстим, бу сут гапи жуда ёмон эканлигини ўзингиз яхши биласиз. Сигирларнинг зоти паст, яхши сигирлар касал бўлиб, гўштга топширилиб кетди. Билмадим, бошқа бир иш қилмасангиз сут сизга азоб беради. Ҳар куни 1,3 тонна сут режага нисбатан кам соғилиб олинаётир. Бу ишни тўғирлаш жуда оғир. Яна ўзингиз яхши биласиз-ку ишлаб, ишдан чарчамайсан киши, лекин асабга тегадиган гаплар одамни касал қилади. Ҳар доим ўз кўнглингда нимадир хавф

солаётгандек, хуноб бўлиб юрасан киши. Дўстим Аминбой! Бу раис деган вазифа шундай қийин, оғир вазифа бўлиб қолди. Шу ишларни билмаганлар раислар маза қилиб юрибдилар, деб ўйлашади...

Мен сут масаласининг қийин эканлигини олдиндан сезар эдим. Лекин, ҳозир фермада юриб молларнинг аҳволи, ем-хашак етишмовчилиги ва ҳар кунги вазифанинг қарийиб 20% га бажарилаётганлиги мени жуда ваҳима ва ташвишга солди. Юлдаш Бойметов асли мутахассислиги зоотехник-чорвадор бўлиб, бу ишнинг уддасидан 12 йиллик раислик вақтида чиқиб кетолмади. «Демак, қишлоқни ривожлантириш фақат раиснинг ўзигагина боғлиқ эмас. Мен нима қилишим керак, қандай қилиб бу аҳволни яхшилашим мумкин?», деган савол бутун вужудимни қамраб, менга азоб бера бошлагандек сездим ўзимни. «Нимага бу ишга рози бўлдинг, бир оғиз йўқ деб айтмадинг-ку?», деб ўз-ўзимдан хафа бўла бошладим. Яна ўзимга-ўзим: «қандай қилиб мен бу хўжаликка бормайман, деб айтаман. Чунки шунча йиллар — туманда 16 йил туман фирқа ҳайъати аъзоси, 7 йил халқ назорати ташкилоти раиси, 1 йил фирқа ташкилоти котиби, 8 йил ижроқўм раиси бўлиб ишладим. Бу лавозимларда ҳамманинг қилган ишларига гап топиб, уларга ақл ўргатиб юрган инсон, бугун ўзим раис вазифасини эплай олмайман, деб қайси виждон, қайси юз билан айтаман», деган фикр мени ўйлантириб турар эди.

Фермани Бойметов билан айланиб, турли ғам-ташвишларга тўлган ҳолда, нима қилишни билмай қолган кишидек, кечқурун уйга кетдим. Қишлоққа мен ижроқўм машинасида боргандим. Шу боис Бойметовга, «дўстим эртага 21 август мезон тушади. Барча бригада бошлиқлари, мутахассислар — ҳаммамиз 37 киши бўлар эканмиз. Сиз бир катта машинани жиҳозлаб, ҳаммамиз унга миниб, қилинган деҳқончиликлар билан танишиб чиқайлик», дедим.

Шу тариқа эрталаб соат 8:00 да 38 киши машинага ўтириб, ҳамма далалардаги иш жараёни билан танишиш учун йўлга чиқдик. Албатта, мен ўзим ҳамма йўлларни жуда яхши билар эдим. Бироқ, «қаердан юришни Юлдаш сен айтасан», дедим. Кун иссиқ эди. Пахталар онда-сонда очилган. Лекин кўп далалар сувдан қолган ёки ёввойи ўт босган эди. Ҳар бир бригада ҳудудида бригада бошлиғига кўрган далани таҳлил қилиб, нима қилиш кераклигини Бойметов билан айтиб бордик. Ҳамда айрим бригада бошлиқларига тегишли танбасҳни Бойметов ҳам, мен ҳам айтдим. Юлдаш айниқса «мен сенга шу далани суғор деб айтган эдим», ёки «шу даланинг ёввойи

ўтлардан тозалашни бундан ҳафта бурун топширган эдим-ку», деб қаттиқ оҳангда гапирарди.

Юлдаш қаттиқ сўзлагандан кейин мен бригадирларга унча танбех бермадим.

Кечқурун соат 8:30 га қишлоқ клубига ҳамма фаолларни таклиф қилишни раис ўринбосари Собир Матқурбановга топширдик. Шундай қилиб уйга кетдим.

Кечқурун клубга келган ҳамма фаолларни ҳисобласам 105 киши тўпланишибди. Мен эрталабки кўрган ва кечаги фермадаги аҳволни вазминлик билан тушунтирдим. Олдимизда оғир вазифа турганлигини, ана шу ишларни бажариш ҳаммамизнинг зиммамизга тушаётганлигини айтиб ўтдим. Табиийки, бу ишларни бажаришимиз ўзимизгагина боғлиқ эканлигини, шундагина қишлоқ илғор хўжаликлар қаторига киришига умид боғлаб сўзладим.

Мажлисни якунлаб, ташқарига чиқсам, тумандаги бир қанча дўстларимиз келишибди. РСҲ бошлиғи Юлдаш Собиров, МСҲ бошлиғи Матқуб Абдуллаев, МККО бошлиғи Каримбой, коммунал қурилиш идораси бошлиғи Ўразмат Давлетов, ПМК бошлиғи Исмоил Юлдашев ва бошқалар. Уларни мажлислар залига таклиф қилдим. Қишлоққа келган ушбу раҳбарлар асосан қурилиш идоралари бошиқлари эди.

Юлдаш ака Собиров гап бошлади:

— Ёшулли, сизни колхозга юборинди. Сиз айтинг, бизлар сизга нима қилиб берайлик. Қишлоқда қандай қурилиш қилайлик дея, бизлар маслаҳат қилишиб сизнинг ёнингизга келдик, — деди.

Мен бироз жим қолдим. Бу нима ўзи деб айтмадим-у, лекин улар менга қараб «нима дейсиз?», дегандек диққат билан менга юзландилар.

Мен бироз жимликдан кейин, «дўстларим, сизларга раҳмат, келибсизлар юринглар, уйга борамиз раис бўлганим учун зиёфат бераман», деб кулган бўлдим.

Юлдаш ака:

— Аминбой сиз мендан ёшсиз, лекин сиз бизларга кўп яхшиликлар қилдингиз. Туманда кўп ибратли ишларга бош қўшдингиз. Энди шу қишлоқни вилоят, республикада илғор хўжалик қилиш учун сизда қобилият бор. Биз шу масалада ҳаммамиз сизга ёрдам берамиз деб олдингизга келдик, — деди.

Мен «яхши, яхши», дедим. «Йўқ! фақат яхши эмас, бизларга иш буюринг», деди Юлдаш ака.

Шундан кейин Юлдаш ака яна гап бошлади: — мана бу хўжаликнинг идораси, икки қават бўлгани билан жуда кўримсиз. Эшик ойналари эски, поли кўтарилиб ётибди. Хуллас, таъмирга муҳтож. Мен шу идорани эртадан бошлаб таъмирлашга тушаман. Мармар ётқизиш, сувоқ қилиш, ойна-эшикларни янгилаш, полларини қайта таъмирлаш керак. Бино бундан 25 йил олдин қурилган, — деди.

Мен ҳайрон бўлиб, «бу қанақа таклиф бўлди?» деб ўйлаб турсам, кўпни кўрган тажрибали инсон Матёкуб ака Абдуллаев, «Аминбой Юлдаш Собиров тўғри айтаётир», дея унинг таклифини маъқуллади.

Кейин «ҳар биримизга 1 та иншоат беринг. Биз таъмирлаш ва қурилишни бошлаймиз. Хўжалигингизда ғишт ишлаб чиқарилади. Бошқа керакли материалларни ўзимиз топамиз», дейишди.

Хуллас, қурилиш ташкилоти раҳбарлари мени рози қилиб, ҳар бири 1 та дала шийпон қуриб беришга келишишди.

Эртаси қурувчилар келиб иш бошлаб юборишди. Идора биносини Юлдаш Собировнинг қурилиш ташкилоти иш бошлади. Шуни бугун айтишим керакки, Юлдаш ака ўзининг идорасидаги ойна эшикларни олиб келиб, жамоа хўжалиги идорасига қўйиб, бинони шу даврнинг замонавий иморатига айлантирди. Уч ой ичида қурилиш якунланди. Бир куни Ғайрат Назарович октябрь ойида Тошкентдан келган вакил «Ўзтех» ташкилотининг бошлиғи Мавлон акани бошлаб келди. У айтдики, «идорангизни раис кўплаб қишлоқ, туман фирқа ташкилоти биноларидан яхши қилиб таъмирлабди», деб ибрат қилиб кўрсатди.

Яна бошқа қурилиш ташкилот раҳбарлари ҳам ҳар бири 1 та дала шийпонни битказдилар.

Шу тариқа эндиги йил апрель ойигача қишлоқда 14 та дала шийпони қурилиб бўлинди. Ҳозир қишлоққа борсам, ҳар бирида 1 та фермер ёки 1 та хўжалик ана шу дала шийпонларда яшашмоқда.

Жамоа хўжалигида уч кун ишлагандан кейин, туман кенгашининг сессияси бўлади, деб менга хабар беришди.

Мен сессияга бордим. Туман сессияси ижроқўмнинг мажлислар залида бўлди. Йиғилишда вилоят ижроқўми раиси Қаландар Сапоев иштирок қилди. Негаки, июль ойида Раҳимбой Эшчанов ишдан озод қилиниб, унинг ўрнига менинг техникумда 4 йил бир партада ўтириб ўқиган дўстим Қаландар Сапоев сайланган эди. Сессия бошланмасидан олдин у мени бир хонага чақириб, дўстим мен Тошкентда эдим, шунда вилоятнинг иккинчи котиби Сорокин:

— Аминбой Вапоевни колхозга раис қилмоқчимиз, — деб менга телефон орқали айтишди, деди. Нима қиламиз кадрлар партия монополияси экан, шу партиянинг айтилгани бўлади, деди.

Мен «Қаландар дўстим, сен ҳеч ташвишланма. Мен жуда хурсандман, бир колхозни нима қилиб бўлсада, яхшилаш мумкин, лекин бутун туманда бу қийин масала», деб, уни хижолат тортмасликка чақирдим. Албатта, у «мен вилоят ижроқўми раиси бўлсамда, сени ҳимоя қилиб вазифангга сақлаб қолишга кучим етмади» деган фикр, унинг юрагидан чиқиб турганини мен яхши билар эдим.

Шу тариқа туман кенгаши сессияси очилди. Сессияни ижроқўм раиси ўринбосари Ф.Ю. Маҳмудов очди. Сўз туман раҳбари Ғ.Н. Машариповга берилди.

У ўз сўзида «Коммуна» жамоа хўжалиги умумий йиғилиши Аминбой Вапоевни раис қилиб сайлашди. У туманда кўрсатган фаолияти давомида ҳалол, яхши ишлади. У бир неча давлат мукофотларига сазовор бўлди. Биз депутатлар номидан Аминбойга янги ишларида муваффақиятлар тилаймиз», деди.

Шундан кейин вилоят, туман фирқа ташкилотлари тавсияси асосида, ижроқўм раиси вазифасига Тўли Эшмуратов номзоди кўрсатилди. Тўли Эшмуратовнинг мутахассислиги қурувчи бўлиб, «Гурлан МСУ» да бош инженер ва туман фирқа ташкилотида, вилоят ижроқўмида йўриқчи бўлиб ишлаганди. Номзод маъқул топилиб, овоз бериш йўли билан ижроқўм раиси қилиб сайланди. Шундан сўнг менга сўз беришди.

— Ўртоқлар уч кун бўлди колхозда раис бўлиб, ишни бошлаб юбордим, тўғри кўп йиллардан бери туманда, яъни 16 йил фирқа ҳайъати аъзоси бўлиб, сизлар билан ишладим. Иш даврида турли хил гап-сўзлар, қағтиқ гаплар ҳам иш жараёнида бўлди. Агар кимнинг кўнглига теккан бўлсам, буларнинг бари фақат иш, хизмат учун бўлди. Шунинг учун мен сизлардан кечирим сўрайман ва ҳаммангизни бундан кейин ҳам ҳурмат қиламан. Янги сайланган раисга муваффақиятлар тилайман, ҳаммангизга раҳмат, — деб сўзимни тутатдим.

Сессия тамом бўлди. Вилоят ижроқўми раиси Қ. Сапоев, туман раҳбари Ғ. Машарипов, янги сайланган ижроқўм раиси Эшмуратовлар билан биргаликда 2-қаватдаги хонага чиқдик. Эшмуратовга сейф-темир сандиқнинг калитини бердим. Ўшанда негадир Тўлибой Эшмуратов менга «уста кечирасиз» деди. Мен шунда унга «ука, бу

ҳаёт қонуни, иш ўзгаради. Ҳаёт давом қилади. Нимага сен мендан кечирим сўрашинг керак. Йўқ, ундай эмас, мен сенга муваффақиятлар тилайман», дедим.

Шундай қилиб 8 йил ишлаган, ўзим бош бўлиб барпо этдирган кенгашлар уйини жамоа ҳўжалигидаги ишга ўзгартирдик.

Қизиги шундаки, энди кўчага чиқиб, кетиш пайтимда, ижроқўмда ишлаётган котиб Собир ака Юлдашев, Надя опа Тинчурина, котиба Эркиной, кенгашлар уйининг олдидаги гужумларни, гулларни парваришловчи боғбон Одамбой ака, бино қоравули Исмоил, ҳайдовчи Назирбой, туман режа комиссияси раиси Ўскинов, статистика идораси бошлиғи Искандар Жуматов, ижроқўм раиси ўринбосарлари Турсунбой Каримов, Фрунза Маҳмудов ва бошқалар чиқиб, кўзларида ёш билан, мени машинагача кузатиб боришди. Уларнинг ҳаммаси жуда хафа эдилар. Чунки у кишилар билан ижроқўм раислиги давомида бир маротаба ҳам орамиздан қаттиқ гап ўтмаганини мен эслай олмайман.

Шу куни сессиядан чиқсам, жамоа ҳўжалиги раиси ҳайдовчиси Ботир келиб турган экан.

— Назирбой! — дедим ижроқўмдаги ҳайдовчимга, — сенинг янги ёшуллинг бор ука, мен энди колхознинг машинасига миниб қишлоққа кетаман, — дедим.

Шунда унинг ҳам кўзларидан ёш чиқиб йиғлаб юборди. Мен «қўй Назирбой, бу нимаси, сен қатта одамсан. Ахир мен мутлоқа бошқа жойга кўчиб кетаётганим йўқ. Шу туманда Худо ҳоҳласа бўламиз, балким яна туманга Худо насиб этса келамиз», деб 8 йиллик кечакундуз ишда бирга бўлган ҳайдовчим Назирбой Хўжаев билан хайрлашдим. Табiiйки, саккиз йил давомида бирга ишлаган, яқин дўстларим бўлиб қолган ижроқўмдагилар билан хайрлашиш, ўзимга ҳам қаттиқ таъсир қилган эди, ахир хайрлашиш огир эди-да...

РАИСЛИК

Шу тариқа 1980 йилдан қишлоқда янгича иш, янги ҳаёт бошланди. Пахта терими бошлаб юборилди. Жамоа ҳўжалигида ўша вақтда 19 та пахтачилик бригадаси бор эди. Ўша давр даъватига кўра, ўқувчи, ишчи, хизматчилар асосий иш, ўқишни тўхтатиб пахта йиғимига жалб қилинди. «Коммуна» жамоа ҳўжалиги тумандаги «Куйбишев» номидаги жамоа ҳўжалигидан кейин пахта режасидаги топширадиган пахта тоннаси бўйича, иккинчи ўринда эди.

«Коммунизм» жамоа хўжалигида шоли ҳам экилиши сабаб, учинчи ўринда эди.

Олдинлари жамоа хўжалиги туман бўйича ўртадаги ўринларда пахта топширарди. Чунки, пахта топшириш тоннаси катта, одам сони бошқа хўжаликларга қараганда кам эди. Ҳосилни пахта тозалаш заводига олиб бориб топшириш учун бригадаларда эркак колхозчилар йўқ эди. Фақат тракторчи, ҳисобчи, бригадирлар эркак кишилар. Бир кекса пахта хирмон қоравули бор эди, холос. Шунинг учун ҳар бир бригадага вақтинча пахта топшириш даврида идорада бухгалтерияда ишлайдиган, гаражда слесарь бўлиб ишлайдиган ва қурилишда уста бўлган кишилардан 9 эркак кишини топиб, уларга «теримни якунлагунча бригадада ишлайсан», деган мажбурият қўйдик. Шунингдек, уларга қўшимча иш ҳақи ваъда қилиб, пахта топширишга жўнатдик. Айтмоқчиманки, 80-йилларда жамоа хўжаликларда эркак ишчи кучлари йўқ эди. Табиийки, етиштирилган, терибли хирмонга келтирилган пахта сифатини қочирмай, аъло, биринчи навли сортларга топшириш учун, пахтани заводга олиб бориш керак эди. Бунинг учун эса эркак кишилардан янада кўпроқ ишчи кучи зарур эди.

Октябрь ойининг охирида вилоят, туман, шунингдек «Коммуна» жамоа хўжалиги ҳам пахта гайёрлаш режасини бажарди. Октябрь охири, ноябрь ойи бошида бўлса керак. Мен раис бўлганимга 3 ой бўлмай, туман раҳбари Ғ. Машарипов вилоят фирқа ташкилотининг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби бўлиб сайланди. Гурлан туманига раҳбар бўлиб, вилоят ижроқўми раиси ўринбосари бўлиб ишлаб юрган Шоназар Жабборов келди.

Шоназар Жабборов асли Янгиариқ туманидан бўлиб, бизлар билан Урганч гидромелариоция техникумида бирга ўқиган, мен билан кўпдан таниш инсон эди. . У ёшлар ташкилотида ишлаб, Москвадаги Олий фирқа мактабини тамомлаб келгандан кейин, вилоят ижроқўмида ижтимоий масалалар бўйича раис ўринбосари бўлиб ишлар эди. Уни ва оиласини мен яхши билар эдим. У техникумдаги ўқиш давримиздан ҳаммавақт мен билан яхши муносабатда бўлиб юрарди.

Жамоа хўжалигида қандай ишларни бошлаш тўғрисида кўп ўйлаб, «нима қилсам қишлоқ юксалади, қандай масалалар олдимизда вазифа бўлиб турибди», деб кеча-ю-кундуз бош қотира бошладим. Ўша вақтда мени туман миқёсидаги кўплаб вазифаларга тавсия қилган, ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб маслаҳатлар берган

Хударган ака Раҳимов вилоят автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи эди. У киши телефонда мени чақириб, «ука ҳафа бўлма, ҳеч зарари йўқ, ахир сенда раҳбарлик қобилияти бор, ана шу қобилият ва ақл-заковатингни шу қишлоқда кўрсат, раис деган шундай иш. Мен сени «Коммунизм»га қўйса яхши бўлар эди, деб ўйлардим. «Коммуна» ҳам жуда яхши, катта колхоз. Бироқ, ука бу жуда оғир қишлоқ. Ўйлайманки, сен қишлоқ тараққиётига ўз ҳиссангни қўшасан, деб ишонаман», деди. Мен «устоз, қишлоққа келиб бир маслаҳат беринг» дедим. «Яхши бир куни борарман, ўзинг ҳамма нарсани яхши биласан. Биринчи кундан бошлаб, ихлос билан ғайрат солиб ишла. Бу сенинг келажакингни белгиловчи иш бўлади, ука!», дея маслаҳат берди Хударган ака.

Қишлоқдаги раисликнинг бошланишидаги уч ойида, 1100 хонадоннинг, унда истиқомат қиладиган 5600 нафар инсонларнинг турмуш даражасини яхшилаш ҳақида бош қотирдим. Чунки, деярлик кўпчилик аҳоли эски хутор уйларда яшашарди. Бу ишларни, яъни аҳолини замонавий, шинам уй ва кўчаларда яшашини ташкил қилиш учун, энг аввало шахсий даромад олишини яхшилаш лозим эди. Аҳоли даромадини кўпайтириш учун жамоа ҳўжалигининг молиявий аҳволини ошириш, қишлоққа йўллар қуриш, газ, ичимлик суви, электр энергияси билан таъминлаш каби масалалар энг долзарб ишлардан саналарди.

Шунингдек, энг муҳим масалалардан яна бири қишлоқда 3 та мактаб бўлиб, улар икки сменада навбат билан ўқишар, мактаблар ҳам эски бинолардан иборат эди. Яна муҳим нарса жамоа ҳўжалигида фақат атиги 2 та боғча бўлиб, унда фақат 100-110 бола тарбияланар эди. Бироқ мактабгача таълим йўналишидаги болаларнинг кўпчилик қисмини боғчаларга жалб қилиш учун, яна 6-7 та боғча қуриш керак бўлар эди.

Шунингдек, ердан юқори даромад олишнинг асосий масаласи, сув таъминоти ва суғориш тармоқларини таъмирлаш, зах сувларни пастга тушуриб, ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш масаласи ҳам асосий ечимини кутаётган муаммолардан саналарди.

Шу каби юқори ҳосил олишда асосий ролни ўйнайдиган техникаларнинг етишмаслиги, борларининг ҳам эскириб қолганлиги, янги техникалар олиш зарурати пайдо бўлганди. Муҳим масалалардан яна бири ҳамма вақт жамоа ҳўжалигига зарар келтириб келадиган чорвачиликни фойдали соҳага айлантириш, шунинг учун ем-ҳашак базасини яратишдек вазифа ҳам муҳим эди. Қолаверса, янги

келтириладиган техникалар учун механизатор кадрлар тайёрлаш ҳам долзарб бўлиб турганди.

Албатта, жамоа ҳўжалигида аграрном, инженер, иқтисодчи сингари кадрлар бор. Лекин бу мутахассисларни юқоридаги сингари катта ишларга жалб қилиш, уларнинг ишта бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш масаласи, ҳатто оддий колхозчиларнинг ҳам ишта масъулиятини ошириш, уларнинг ўз меҳнатларидан манфаатдор эканлигини тушунтириш зарур эди. Буни фақат амалда кўрсатиб билсакгина, улар меҳнатидан фойда кўришга интилардилар.

Мен қишлоқ фаоллари билан учрашиб, уларнинг аҳволини ўрганиб чиқдим. Бригада бошлиқлари асосан саводсиз деҳқон кишилар. Ўз даврида улар яхши бригадир ёки механик бўлиб ишлаганлар. Бироқ бу кунга келиб, ўз вазифаларини яхши англаб, ўз меҳнатининг эртанги натижасини ўйлаб ишлайдиганлар сони кўп эмас эди.

Мен шуни очиқ айтишим, ёзишим керакки, балким бу ўқувчи шуни ўқиб, тушуниб етарлар, деб ўйлайман. Ўша вақтлари бригада бошлиқларининг орасида айримлари, иш вақтида ҳам, уйида ҳам, тўйларда ҳам ичимлик ичиш, одатий ҳолга айланиб кетганди. Агар уйига бир одам келса ҳам, чой вақтими, туш вақтими қатъий назар, у ичимлик чиқариб, меҳмон қилишга одатланиб қолишган экан.

Ана шу салбий ҳолат ҳамма ишларнинг ривожига жуда катта зарар етказиб келаётганлиги кўриниб турарди. Шунинг учун мен раислик давримнинг қарийб 2 йилини арақ ичувчилар, яна пулли карта ўйновчилар билан кураш олиб боришга қаратдим. Авваллари мени тушунмадилар. Мен ҳақимда ёмон фикрда ҳам бўлишди. Кейин бу масала тўғри бўлганини қишлоқнинг ёшу қариси англаб етди.

Шундай қилиб юқоридаги асосий йўналишларни белгилаб олдим. Кейин босқичма-босқич ана шу тадбирларни амалга оширишга киришдим. Бу дегани бир вазифани бажариб бўлиб, кейин бошқасини бажардик дегани эмас. Юқоридаги асосий вазифалар бўйича ҳамма соҳада режали ишлар кета бошлади.

Одамларнинг уй-жой масаласини ҳал қилиш учун ўзимизда бўлган 2 та ғишт заводини тўла қувват билан пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга айлантирилди. Натижада, йилига 8 млн пишган ғишт ишлаб чиқарадиган бўлдик. Бу ишнинг ривож топишида Болта ака Матвапаев, Юлдаш Бойметов, Сапар ака Ашуровларнинг катта ҳиссаси бор эди.

Биз қишлоқ аҳлига арзон баҳода иш ҳақи, ёки кредит ҳисобига чекланмаган миқдорда пишиқ ғишт бердик.

Бир куни бошқарув идораси олдида Қорақалпоғистоннинг рақаи билан бир қора «Волга» машинаси турган экан. Машинанинг ҳайдовчисидан «бу қайси ёшуллининг машинаси», деб сўрасам, у айтдики «Нукус шаҳар фирқа ташкилотининг биринчи котиби Р.А. Бобоназаровники», деди. У кишини бухгалтер Тажибой Ортиқов меҳмонхонага чойга олиб кирган экан. Мен у кишига салом бериб бордим ва унинг Раҳим Аҳмедович эканлигини билганим учун, исми-шарифини айтиб солашладим. У «Сиз мени биласизми?» деб сўради. Мен, «сизни бутуниттифоқ биллади», дедим. У бу жавобимдан хурсанд бўлиб, самимий суҳбат бошладик. У дарров мақсадга қўчди.

— Биз Қорақалпоғистоннинг юбилейига Нукус шаҳрида 60 та 4 қаватли уйни бошлаб, тезлик билан битиришни режалаштирдик, Оқсоқол Қаллибек Камалов ҳар бир фирқа ҳайъати аъзосига 5 та жой бўлиб берган. Шу жумладан менга ҳам 5 та жой топширилган, шу жойни байрамгача тамомлаб ишга туширишимиз керак. Ана шунинг учун сизда пишиқ гишт бор деб эшитдим, шунинг учун келдим, — деди Раҳим Аҳмедович.

Мен «ҳа, яхши қўлдан келганча ёрдам берамиз», дедим. Кейин туман раҳбарини чақиришим кераклигини айтдим. У ҳам рози бўлди. Шоназар Жабборовга телефон қилиб, «Нукусдан оқсоқол келди» деб Бобоназаров номини айтдим, у ҳам тезда етиб келди.

Хуллас, Қорақалпоқ одатларини қилиб, беш бармоқ, бош чиқармоқ, йўлга чиқариб чегарада узатмоқ ишларини бажардик. Кейин Бобоназаров, «қачон, қанча одамни гишт юклаш учун юборишим керак?», деб сўради. Мен «одам керак эмас, ўзим юклаб юбораман», дедим. У гиштнинг баҳосини сўраганда, мен «пул керак эмас, бизга машиналарингиз келганда бўш келмасдан, қурилиш материаллари, ёғоч, цемент, труба ва бошқа қурилиш материаллари олиб келса, шу машиналарга биз гишт юклаб юборамиз. Ўзаро ҳисоб-китоб қилинаверади», дедим. Бобоназаровга бу таклиф маъқул тушди.

— Яхши, унда сенинг ёнинга трест бошлиғи Худойберган Оқназаровни жўнатаман, — деди Раҳим Аҳмедович.

Айтилган трест бошлиғини мен яхши танир эдим. У киши билан Сочидаги «Ўзбекистон» санаториясида бирга дам олган эдик. Шу бўлди-ю биз Худойберган билан учрашиб, келишиб олдик. Шу тариқа, ҳар куни Нукусдан қишлоққа 10 та машина цемент, ёғоч, ҳар турли трубалар кела бошлади.

Ана шу тариқа бригадалардаги ариқ-солмаларга трубаларни ташлаш имкониятига эга бўлдик. Қишлоқ аҳли омбордан цемент,

ёғоч олиш имконига бўлишди. Шахсий уй-жой курувчилар учун ер майдонлари истаганча берила бошланди. Шу вақтда қурилиш инженери Янгибой Давлетовга «сен жой-ўрин беришда, ер майдонининг орқа тарафини ҳеч кимга бермай қўй. Чунки, шу хонадоннинг ўғли жой солиш вақтида бошқа ерга кетмайди. Ота-онаси ёки оғайниси ёнида жой солиш имконияти пайдо бўлсин», деб топшириқ бердим. Шундай бўлдики, ўғли қўшни бўлиб жой солиш одат тусига кирди.

Бу ҳақиқатда яхши бўлди. Шундай қилиб уй-жойларни шифер қилиш керак бўлиб қолди. Тумандаги «Рембит», деган қурилиш ташкилотига Ўразмат Давлетов раҳбарлик қилар эди. У жуда яхши инсон бўлиб, у билан менинг муносабатим дўст ва ҳурмат асосида эди. Мен Ўразмат акани қишлоққа таклиф қилиб, маҳаллалардаги олдин қурилган ва янгидан бунёд этилган жойларни шифер қилиб беришни илтимос қилдим. У киши рози бўлди. 45 кишидан иборат 4 та бригада олиб келиб, шифер қилиш ишларини бошлаб юборди. Ёғоч, шиферни мен топиб бердим, ва бажарилган иш учун жамоа ҳўжаликдан пул ўтказиб, колхозчиларга фақат кредит ёки иш ҳақи деб ҳужжат расмийлаштирдик. Қилинган шифер жойлар 2 баробар арзонга қилинди. Шундай қилиб, деярлик ҳамма турар-жойлар шифер қилинди. Ҳозир ҳар сафар қишлоқнинг тўйларига, маъракаларига борсам, «раис бобо сизнинг қилиб берган шифер», ёки «сизнинг вақтингизда қурилган жой», деб менга миннатдорчилик билдиришади. Шунинг ўзи менга катта мукофот деб ҳисоблайман.

Шу тариқа қорақалпоғистонлик дўстлар 2 млн. донга ғишт олдилар. Бизларга эса сон-саноқсиз цемент, шифер, ёғоч, труба олиб келиб беришди. Ана шу материалларнинг ҳаммасини омбор мудирини Юлдаш ака Нурметов қабул қилиб олди. Бир куни у «раис бобо цемент қўядиган жой қолмади», деди. Нима қиламиз, биз Юлдаш ака билан омборни кенгайтиришни режалаштирдик ва янги омборлар қурдик. Ана шу тариқа уй-жой қурилиши, йўл қурилиши бошланиб кетди. Бу ишларнинг бошида Янгибой Давлетов ва материалларни таъминловчи Юлдаш ака Нурметов бўлдилар.

Бир куни қишлоқ кенгаши раиси Янгибой ака Сапаев менга «ука, жуда яхши ишлар қилинаётир уй-жой, шифер, йўл. Буларнинг бари қишлоқнинг фаравонлигидир. Бу ишларнинг бари сен раис пайтингда қилинаёпти. Қишлоқ аҳли доимо сендан миннатдор бўлиб юради», дедилар. Янгибой ака Сапаев яхши инсон эди. У мусулмончилиқни яхши англайдиган қалби тоза, покиза инсон эди.

Умр бўйи жамоа хўжалигида раис муовин, «Гулистон» давлат хўжалигида фирқа котиби, «Бирлашган» қишлоғида кўп йиллар қишлоқ кенгаши раиси бўлиб, яхши, савобли ишлар бошида бўлди.

...Янгибой ака менга ўшанда айтган эдики, «ҳамма яхши ишлар қатори қабристонларни ҳам бир тартибга солсак, яхши савоб иш қилинган бўларди», деб маслаҳат берди. Мен эртасига қишлоқ ҳудудидаги 7 та қабристонни қурилиш инженери Янгибой Давлетов, Янгибой ака Сапаев билан айланиб кўриб чиқдик ва тегишли топшириқлар бердим.

Жамоа хўжалиги цемент, гишт, тош билан таъминлайдиган бўлди. Барча аҳолини бу ишга жалб қилиб, бир ҳафтада 7 та қабристонда ободонлаштириш ишларини олиб бордик. Қабристоннинг атрофини пишган гиштдан девор айлантирдик. Ҳамма иш бир ҳафтада битди. Шунда Янгибой ака Сапаев, «Аминбой ука! Бу қилинган иш сенинг етти авлодингни обод қилади ука!», деб менга дуо қилган эди. У киши 86 ёшида дунёдан ўтди. У ўзидан қишлоқда жуда яхши ном қолдирди.

Унинг ўғил-қизлари ажойиб инсонлар бўлиб етишди. Катта ўғли Қуролбой Сапаев асли мутахассислиги зоотехник, жамоа хўжалигида, тумандаги бўрдоқчилик фермасида бош зоотехник ва қишлоқ хўжалик бошқармасида бошлиқ ўринбосари, бошлиқ бўлиб ишлади.

Мен туманга ҳоким бўлгандан кейин, Қуролбой бўрдоқчилик фермасида директори вазифасида ишлади. Кейинроқ, мен раис бўлган жамоа хўжалигига раис, қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи, туман ҳокими ўринбосари бўлди. У жуда ишчан, ҳамма нарсани тушунадиган талабчан раҳбар бўлиб етишди...

Шунингдек, қишлоқда ирригация мелиорация, ер текислаш ишларини ҳам жадал давом қилдира бошладик.

Ўша йилнинг бошида мен билан бирга техникумда ўқиган гидротехник Олим Юсупов, Карим Жуманиязовлар билан 12 та Т-4 бульдозери, 3 та ЭСС-100 бульдозерини ишга солиб, эски ферма қошидаги қумликларни ҳосилдор ер қилишга киришдик. Нукус каналидан тўғри қилиб, баланд ердан янгидан қазиш ишлари бошланди. Эски 6,5 км канал текисланиб, 6,5 км янги тўғри инженерлик канали қазилди.

Шу қазилган каналдан сув олиш учун ҳар бир ариқ-солмага замонавий трубалар орқали сув чиқарувчи-тақсимловчи мосламалар қурилди. Шу канал бўйича 6 та жойда насос ишлар эди. Ҳар куни ҳар бир насосга 400 литр ёқилги кетар экан. Энди шу каналнинг

Ўзидан насоссиз далаларга сув бериш имконияти туғилди. Бу ишларни бажаришда техникумда бирга ўқиган дўстим Карим Жуманиязов катта ёрдам берди. Унинг ишчанлигини эътиборга олиб, уни раиснинг биринчи ўринбосари қилиб қўйдик. У жуда меҳнаткаш, ҳар бир ишни бажаришга лаёқатли инсон эди. У қишлоқ хўжалиги техникаларини бригадаларга тақсимлаб беришни ҳар куни машина-трактор паркида ўзи бажарар эди. Жамоа хўжалигида ишнинг тури кенгайиб, техникага бўлган талаб жуда кучайди. Бош инженер Худоёр Юсупов техника билан боғлиқ муҳим ишларни жуда яхши уддаларли. Ҳар куни вилоятнинг турли ерларига бориб, янги техника турларини топиб келарди. Ёки қорақалпоғистонлик дўстларимиздан эҳтиёт қисмлари сотиб олиб келарди. Хуллас, қишлоқ хўжалигида техникасиз иш олға силжimas, техникаларнинг доимо ишга шай туришига бош инженер Худоёр Юсупов масъул эди. У жуда тўғри сўзли, қалби тоза, ишга виждонан ёндашадиган инсон эди. Унга ҳеч қандай танбеҳ, ёки қаттиқ гап керак эмасди. Унинг ўзи шу аҳволга боришга йўл қўймас, ўз ишини ўзи яхши тушуниб, яхши ишлар эди.

Худоёр Юсуповнинг турмуш ўртоғи Зайнаб Ниёзметова қишлоқдаги врачлик пункти бошлиғи бўлиб, кўп йиллар элга хизмат қилди. Мен қишлоқда 12 йил ишлаган бўлсам, шу даврда Зайнаб элнинг соғлиғи йўлида жуда кўп меҳнат қилди. Уни қишлоқда ҳамма хурмат қилади, қадрлайди. У куннинг қайси вақтида бўлмасин, агар бир одам касал деган хабар келса, кечалари одамларнинг уйларига пиёда бориб, беморларни даволаганини яхши биламан. Зайнаб ва Худоёрлар қишлоқнинг обрў эътиборли, ўғил қизлариниям ўзларидек меҳнаткаш қилиб тарбиялаб ўқитган инсонлари эди. Афсуски, Худоёр ёшроқ бу дунёдан ўтди. Унинг маъракаларида қатнашдим... Маълумки, халқимизда «от ўрнини той босади», деган ажойиб мақоли бор. Худоёр ва Зайнабжонларнинг ўғли Бахтиёр «Гужум қалъа» деб аталувчи фермер хўжалигига бошлиқ бўлиб, элу юртда жуда яхши ишлар қилиб юрибди. Зайнаб неvara, чевараларини тарбиялаб, нафақада бўлишига қарамай, ҳозир ҳам қўшни, қариндошларини даволаб, савобли ишлар қилиб яшайлди...

Қишлоқдаги раисчилик йиллари... Қишнинг қор ёғган якшанба куни эди. Туман раҳбари Жабборов «Тошкентдан 5-6 киши меҳмон бўлиб келади, шунга бир чой қилиб қўйинг», деб телефон қилди. Мен Йўлдош ака Нурметовга топширдим. Меҳмондорчилик учун ҳамма нарсa тайёр бўлди. Аммо... «меҳмон ҳали Тошкентда экан», дея телефон қилди туман раҳбари Жабборов.

«Ҳали Тошкентдан энди келадиган меҳмонга қўй сўйиб, ҳамма овқатларни пишириб ўтирибмиз. Бу нима ахир» деб ҳайрон бўлдим. Сўнг Йўлдош Нурметовга, «эски аэропортни йўқ қилиб, ерга қўшиш учун ер текислашда ишлаётган тракторчиларни кўриб келаман. Агар меҳмонлар келмаса овқатни тракторчиларга олиб борамиз», деб айтдим. Борсам, тракторчилар ишлаб турибдилар. Қор қаттиқ ёғаётир, лекин «Гулистон» жамоа ҳўжалигига борадиган йўлда битта «УАЗ» машинаси турибди. Унинг ёнида узун бўйли рус йигит бўлса керак, ҳайдовчи билан машинасининг копотини очиб, нималарнидир таъмирлашаяпти. Мен салом бериб ҳалиги рус одамнинг ёнига бордим. Борсам машина ичида 3 та рус аёли ҳам ўтирибди. Улар мени кўриб машинадан тушдилар. Кун совуқлигидан улар қалтираб турибдилар. Машинаси ЖИП, ёнбошига «СредАЗ ГАЗ», деб ёзилган, шунда бу инсонлар ГАЗ идорасида ишласа керак деб ўйладим. Шунда мен рус тилида йигитга «сен ёмон одам экансан, нима учун бу қизларни совуқда тутиб турибсан», дедим. У «мен нима қилай, машина бузилганидан юрмаяпти», деди.

Мен қизларни бизнинг машинага минишга таклиф қилдим. Чунки, бизнинг машина иссиқ эди. Ҳайдовчи Ботирга «сен буларнинг машинасини гараждан эҳтиёт қисм олиб келиб, тузатиб бер. Кейин меҳмонхонага олиб бор», деб букюрдим.

Ўзим эса машинани ҳайдаб, ҳалиги рус йигитни таклиф қилдим. Унга «машинани тузатиб олиб боришади. Ҳозир тушлик вақти. Бир иссиқ жойга олиб бораман», дедим. У рози бўлди, машинага минди. Мен машинадаги рациядан инженер Худоёрга меҳмонларнинг машинасини тузатиб, меҳмонхонага юбор деб рус тилида гапирдим. Шунда инженер Худоёр, «раис бобо нимага рус тилида гапираётирсиз?», деб ҳайрон бўлиб сўради. Шунда мен «меҳмонлар рус кишилари, шунинг учун», дедим. Хуллас, меҳмонхонага борсак, дастурхон 10 кишига тайёрланган экан.

Шу тарзда уларга мезбонлик қилдим. Кун совуқлигидан меҳмонларга ароқ қуйиб бердим. Ҳалиги рус йигитининг бўйи икки метр, оғирлиги 120 кг келадиган инсон эди.

У мендан жиддий бўлиб сўради:

— Сиз ўзи кимсиз, нима учун бизларни меҳмон қилаётирсиз?» — деди.

Мен меҳмонхонага келишда ҳайдовчидан, «бу ким?», деб машина ёнида ўзбекча сўраган эдим. Ҳайдовчи, «бу киши В. И. Штефой «Срез АЗ ГАЗ» трести бошлиғи» дея жавоб берган эди. Шу боис:

— Евгений Иванович! Мен сизни яхши биламан. «Коммуна» колхози раиси бўламан, сизнинг Тошҳовузга кетаётганингизни менга Саратовдаги сизнинг ёшуллингиз Максимов телефон қилиб айтди, — дедим.

У менга қараб ўйланиб қолди ва:

— Бўлиши мумкин эмас? — деди.

— Нима учун? Мен Максимов Хоразмда ишлаганида у билан жуда яқин дўст эдик, — дедим меҳмонга. У барибир ишонмади шекилли, «яхши», деб овқатни ейишда давом қилаверди.

Натижада самимий суҳбат боис, учрашувдан кейин мен В.И. Штефан билан яқиндан танишиб олдим. Шу тариқа у билан дўстлигимиз сабаб, у қишлоққа жуда катта ёрдам берилишига сабабчи бўлди. Тахминан 10 кундан кейин Штефан менга телефон қилиб, «Саратовдан 5 та меҳмон келмоқчи, шуларни қабул қилишга имконият борми?», деди. Мен «хўп агар 20 киши бўлса ҳам қабул қиламиз», деб уни хурсанд қилдим. Шу келганида у мендан «сизга нима керак, колхозга газ ўтдими? Йўқми?», сўради. Мен «газ ўтмади, труба керак, газлаштириш бўйича лойиҳа ҳам қилинмаган», деб жавоб бердим. У «дарров сен менинг олдимга инженерингни юбор. Биз сизга ёрдам берамиз», деди. Мен шу кунни Янгибой Давлетовни Штефан билан учраштирдим.

Штефан билан танишимиз жамоа хўжалигимизга газ келтиришда асосий восита бўлди. Қишлоқнинг учта маҳалласи бўлиб, ана шу ҳудудларни газлаштириш учун труба керак эди. Ана шу вақтда жуда қадрли бўлган трубани Штефан дўстимиз истаганча бизга етказиб берди. Натижада ҳар учала маҳаллани газлаштириш ишлари ҳеч бир лойиҳа ёки қурилиш режасига киритилмасдан бошлаб юборилди. Фақат ўзларимиз қурувчи топиб, ПМК ташкилоти билан шартнома туздик. Шу тариқа 6 ой ичида қишлоқнинг 1300 хонадонига газ қувурларини тортиб, газ олишга эришдик. Албатта, бу ишни кўра билмайдиган шахслар пайдо бўлди. «Туман, вилоят режасисиз газ тортиш мумкин эмас», «Газлаштириш лойиҳаси йўқ», «Трубалар қаердан олинди», деган мазмундаги имзосиз хатлар юқори ташкилотларига юборилганди. Шу шикоятлар сабаб бир неча маротаба текширувчилар келиб, қанча вақтимизни олиб, асабларимизни чиқаргани эсимда. Лекин қишлоқ аҳли бошқа қўшни жамоа хўжаликлардан олдин газдан фойдалана бошлашди.

Бироқ шу нарса эсимдаки, газ ўтказиш олдидан уйларга тортиш жўмраклари ва уни печкаларга ўрнатиш учун Урганчдаги

«Ўзсантахмонтаж» деган «ПМК» га ҳар бир хонадон учун 60 сўм пул берилиши керак эди. Биз қишлоқ аҳли билан гаплашиб, маҳаллақўмлар орқали ҳар бир хонадондан 60 сўмдан тўплагандик. Аҳолининг пулларини айнан маҳаллақўмларнинг ўзлари Урганчга олиб бориб ПМК га топшириб келишди. Мен ана шу тарздаги хонадондан пул тўплаш олдидан, бригадир, бухгалтер, қурилиш инженерларига «пулни маҳаллақўмлар тўладими, сиз аралашманг» дегандим. Натижада, жамоа хўжалигининг бирон фаоли пулни қўлига ушламаганди. Негаки, ўша вақтларда бундай пул тўплашлардан кейин юқоридаги сингари имзосиз хат юбуровчилар кўпайиб кетарди.

Кунларнинг бирида, вилоят БХСС ходими Самандар Эшниязов «сизлар колхозчилардан газ учун 60 сўм пул ундириб олибсизлар» деб, имзосиз хат тушганини текшириш учун келди. У жамоа хўжалиги кассасини муҳраб, текширишни бошлади. Мен уларга «бу пулга жамоа хўжалигининг алоқаси йўқ», дея аҳволни тушунтириб бердим. Ҳақиқатдан ҳам, кассани текширганда ҳеч қандай камомад ёки ноқонуний ҳужжат чиқмади. Улар қайтиб кетишди.

Мен бир кун маҳаллақўмлардан Раҳматулла акани чақирдим. Айтдимки, «сиз пул ундириб, менга пул берибсиз», дедим. «Эҳ, бу гапни ким айтди» деб у ҳайрон бўлди. Кейин мен «кимлардир, шу маҳалладан хат ёзиб 60 сўм йиғиб олинди», деб юқорига ариза ёзибди», дедим. Шунда Раҳматулла бобо, «болам мен шу хат ёзиб юрган инсонни биламан. Ўзим у билан гаплашаман», деб чиқиб кетди.

Икки кундан кейин Раҳматулла бобо келиб менга тубан-дагиларни гапирди.

Бир қўшнисининг исмини айтиб, «унинг уйига бордим, борсам катёлда газ ёниб турибди. Уйи иссиқ ҳамма доланда ўтириб овқат истеъмол қилаётган экан. «Келинг бобо», деб дастурхон ёнига таклиф қилибди. Лекин Раҳматулла бобо, дастурхон ёнига бормай «ука кеча мен нафақа олган эдим. Мана сенга 60 сўм пул, шу пулни олиб қўй. Лекин шу пулни мен Урганчдаги қурилиш ташкилотига ўзим олиб бориб топширдим. Бу пулни раис ҳам, бухгалтер ҳам кўргани йўқ. Мен аҳолидан ўзим тўплаб, Урганчдаги қурилиш идорасига бердим ука. Раис айтдики, «сиз менга пул бердингизми деб?». Ахир тепамда худо бор. Раиснинг пулдан умуман хабари йўқ, ука дедим».

— Мен шикоят ариза ёзибманми, — дебди, уй эгаси.

— Билмадим болам, сендан пулни олганим тўғри, лекин колхоз бу гапга аралашмади, — дедим.

— Шунда нима раис мени айтдими? — дея сўрабди уй эгаси.

— Йўқ, — дебди Раҳматулло бобо.

Ана шу бўлдики, иғво бўҳтондан иборат юқорига шикоят ариза ёзиш тўхтади. Ҳеч ким арз қилмади. Газ масаласи шундай яқунланди.

Жамоа ҳўжалигида чорвачилик ёмон аҳволдалиги сабаб, сигирлар касал бўлиб гўштга топширилиб кетди. Мол зоти паст бўлиб, маҳсулот бермасди. Шунинг учун ферма мажмуасини қуриш ва зотдор моллар олишимиз керак эди. Вилоят наслчилиқ станцияси раҳбари Инил Собиржанов мен билан кўпдан таниш ва дўст эдик. Бир куни уни қишлоққа таклиф қилдим. Ундан қандай қилиб наслдор ғунажинларни олиш тартибини сўрадим. У менга йўл-йўриқларини айтди. Ҳамда вилоятга давлат наряди бўйича берилган меъёрий ҳисобдан олиб келиш учун тегишли ҳужжатларни берди ва қаерга боришни тушунтирди. Айтилган ҳудуд Россиянинг Оренбург вилояти Краевский туманида экан. Жамоа ҳўжалиги номи «Пут коммунизму» деган аталар экан. Мен Тўрабой Давлетбоевни ва Амин Юсуповни Оренбург вилоятига жўнатдим. Улар Россияга бориб, шароит билан танишиши ва ғунажинларни олиб келиш ҳақида шартнома тузиб қайтишди.

Шартномага кўра, бир ойдан кейин Тўрабой Давлетбоев, Амин Юсуповлар Оренбург вилоятига бориб, 360 бош наслдор ғунажин, шундан 60% туғиш арафасидаги сигирларни поездда олиб келишди. Наслдор молларни келтирганимизни эшитган, кўрганлар «қаердан олдингиз, қандай қилиб?» деб мендан сўрайдиганлар сони кўпайиб кетди. Ҳаттоки, «сиз бутун вилоятга етарли ғунажинни олибсиз, шунинг учун бу моллардан 260 бошини бошқаларга берамиз», деб вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси ҳамда тумандаги мугасаддилар шарт қўя бошлашди. Улар шунингдек, «бошқа жамоа ҳўжаликларининг ҳар бирига 50–40 бош ғунажин беринг» дея буйруқ бериб ҳам кўришди. Бироқ мен уларнинг бундай шарт ва таклифларига кўнмадим.

Асосийси, ана шу молларга шароит яратиш, чорва мажмуаси қуришни жадал суръат билан бошлаб юборган эдим. Қурилиш инженери Янгибой Давлетов жуда кўп миқдорда 200 диаметрли, узунлиги 12 метр пўлат трубаларни келтирганди. Уларни газ ўтказишда ёрдам берган Штефан орқали қишлоққа олиб келгандик. Жамоа ҳўжалигида бунёдкорликларни ривожлантириш учун 100 кишидан иборат қурилиш бригадаси ташкил қилиб, ҳар бир бригадага 1 та молхона барпо этишни топширдик. Молхонанинг эни 20 м, ,

узунлиги 100 метрдан иборат эди. Ҳаммасини труба билан бостирдик. Молни озиқлантириш, сут соғиш, ахлатларни олиб чиқиб ташлаш, сув билан суғориш бўйичаям алоҳида ишлар қилинди.

Ана шу янги молхоналарга зотдор ғунажинларни қўйиб асрай бошладик.

Шунингдек, 400 гектар беда, 300 гектар макка, 100 гектар лавлаги экиб, ем-хашак базасини ташкил қилдик.

Молларни рацион асосида ем-хашак бериш лабараторияси, озуқа тайёрлаш цехлари, корма берувчи механизмлар тўлиқ ишлай бошлади. Сут соғувчилар, чорвада ишловчилар учун дам олиш уйи, сауна, хотин-қизлар ва эркаклар учун алоҳида қуриб ишга туширдик.

Бир куни қишлоқга вилоят раҳбари Мадийр ака Худойбергенов туман фирқа ташкилотининг биринчи котиби Ш. Жабборов билан бирга келишди. Чорвачилик мажмуасидаги қилинган ишлар билан танишишди.

— Чорвачилик бўйича шунча иш қилибсиз Аминбой! Сизга раҳмат. Жуда замонавий чорвачилик мажмуасини жамоа ҳўжалиги кучи билан қуриб битирибсиз. Бу ишларни бошлаш, йўлга қўйиш, наслдор молларни олиб келишнинг ўзи бўлмайди. Катта, савобли иш бўлибди, — деб мени хурсанд қилганди Мадийр ака.

— Бир нарсани ўйлаб қайғуриб юрибман, — дедим мен.

— Нима? — деб сўради Мадийр ака.

Шундай наслдор ғунажинларни қандай қилиб олиб келинганини, ҳозир вилоятдаги айрим ўртоқлар бошқа жамоа ҳўжаликларга бу ғунажинларни тақсимлаб беришни таклиф қилиб, мени ҳар кун овара қилаётирганини айтдим.

— Сиз ҳеч ташвиш тортманг. Қанчалик машаққат билан, бу ишнинг уддасидан чиқиб олиб келибсиз, сизга раҳмат. Хўш, нима учун бошқа раислар ўзлари олиб келишни ташкил қилмайдилар. Бир одам яхши иш қилса раҳмат айтиш ўрнига шундай деб гап топишини қаранг, — деди ишларимиздан қувонган ҳолда Мадийр ака.

Орадан бир ҳафта ўтиб, вилоятдаги шу соҳанинг ҳамма мутахассислари, жамоа ҳўжалиги раислари иштирокида чорва масаласи муҳокама қилинди. Шунда Мадийр ака:

— «Коммуна» жамоа ҳўжалигида қилинган ишларни, вилоятдаги бошқа раисларга кўрсатиш керак. Шундагина яхши чорва мажмуасини жамоа ҳўжалиги ўз кучи билан қуриб ишга тушуриши мумкинлини тушуниб етади. Энди бизнинг айрим чорва мутахассисларимиз Аминбой Россиядан ўзи одам юбориб, пулини

тўлаб олиб келган ғунажинларни, ўз уйларида чикмаган раисларга олиб бериш керак, деб гапириб юрганмиш. Бу қандай гап?! Аминбойга раҳмат шунчалик наслдор молларни Гурланга келтиришнинг уддасидан чиқди. Қани бошқа раислар ҳам шундай иш қилса вилоятимизда чорвачилик, давлатга гўшт топшириш режалари ўз вақтида бажариларди. Энди «Коммуна» жамоа хўжалиги гўшт топшириш эмас, наслдор ғунажин етиштириб берувчи хўжаликка айланиши керак. Шу ишга «Коммуна»да ҳамма шарт-шароит яратилган, — деб сўзини тамомлади.

Ана шу тариқа мен айрим мутасаддиларнинг кундалик танбехларидан қутилдим.

Жамоа хўжалигига мен раис бўлиб келган куни, қишлоқ фермаси 246 литр давлатга сут сотган бўлса, наслдор моллар келтирилгач, ҳар куни 3500 литр давлатга сут сотадиган хўжаликка айланди. Вилоят бўйича бу кўрсаткич ҳеч кимда йўқ эди. Ҳар ҳафтада чорвани кўриш учун республика ва вилоятдан кўп кишилар келиб, кўриб кетадиган бўлишди. Шу тариқа қишлоқда чорва фойда келтирадиган соҳага айланди. Сут соғарлар танлов асосида ишга олинадиган бўлди.

Ана шу ишларни йўлга қўйишда менга Амин Юсупов, Аҳмад Иброҳимов, Зариббой Ортиқов (зоотехник), ветеринария врачлари Курол Камоловлар жуда катта ёрдам беришди. Чорвачилик мажмуаси қуриш учун иш бошлашдан олдин тумanning бош зоотехниги Куролбой Сапаев билан маслаҳатлашгандик. Уни Юлдаш ака Нурметовнинг эски уйига бирга олиб бориб, «Куролбой! Шу ерда чорвачилик мажмуасини қурмоқчимиз», деб айтганимизда, у «жуда яхши», деб маъқуллади ва қурилиш давомида ўзининг мутахассис сифатида маслаҳатини бериб борди. Айтмоқчиманки, Куролбой Сапоевнинг ҳам бу мажмуа бунёд этилишида катта ҳиссаси бор.

Мен юқорида жамоа хўжалигидаги кадрлар тўғрисида, айниқса бригада бошлиқлари ҳақида айтиб ўтган эдим. Ўша вақтда, ёш саводли мутахассисларни бригада бошлиқлари қилиб тайинлаш жуда муҳим масала эди.

Шу боис бошқа идора, ташкилотларда ишлаб юрган кишилардан бригада бошлиқлари вазифасига таклиф қила бошладим. Тумандаги машина-трактор паркида ишлаб юрган Турсунбой, ўқитувчи Кўклан Раҳимов, мактабда ишлаб юрган Худоёр Аҳмедов, Ҳамид Аҳмедов, Худоёр Ибраҳимов, автомобил йўллари идорасида ишлаётган Жамол Холметов ва шунга ўхшаш кўплаб кишиларни

бригада бошлиқлари қилиб ишга жойлаштирдик. Шунингдек, тракторчи Курол Ражапов, ҳисобчи Турсунбой Сапаров, Шермат Ибрагимов ва бошқа ёшларни ишлаб чиқаришнинг асосий жойларига ишга қўйдик. Вақт ўтиб, улар ўз ишларининг моҳир усталари даражасига етдилар.

Шу тариқа йиллар ўтаверди. Жамоа ҳўжалиги режаларини туман ва вилоятда олдингилар қаторида бажара бошлади. Қишлоқ аҳолисини ва шаҳарликларни йилнинг ҳамма фаслида сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, бир тектарлик иссиқхона қуриб, фойдаланишга топширдик. Кўп ўтмай, у маҳсулот бера бошлади. Урганч — Нукус шаҳар бозорларида «Коммуна» жамоа ҳўжалигида етиштирилган сабзавот, помидор, бодринг сотила бошлади.

Билмадим, ўзи ҳаёт шундайми ёки бизларга муваффақиятимиз кўпайган сари ҳасадгўй, ғаламислар томонидан имзосиз хат ёзувчилар ҳам кўпайиб бораверди.

Кунларнинг бирида, якшанба куни эди. Тўртта БХСС ходимлари бўлган формасиз йигитлар қишлоққа келишди. Улар шикоятни текширишга келдик, дея кассани, бухгалтерия ва чорва фермасини муҳраб, текширишни бошлашди. Мен нима гап деб сўрасам, «текшириш якунида айтамиз», дедилар. Мен «хўп», дедим холос, бошқа ҳеч нима демадим, уйга кетиб чой ичиб ўтиравердим.

Бироқ текширувчилар кечаси одамларни чақириб, дўқ қилиб фермадаги молларни санашган экан. Улар касса ҳужжатларини, бухгалтерия ҳужжатларини қайта-қайта титкилаб чиқишди. Текшириш анча кун давом этиб, вақтни олди. Бу вақт ичида қишлоқда шов-шув гап тарқалди: Гўёки, «жамоа ҳўжалигини милиция муҳраб текшираётир» деган гаплар бўлди.

Текширишнинг 4-куни гуруҳ раҳбари:

— Амин ака кечирасиз. Фермада мол ҳам тўлиқ, кассада пул ҳам тўғри. Биз 10 кун ичида Урганч бозорига сотиш учун олиб борилган маҳсулотларининг миқдорини ҳисобга олдик. Сотилган маҳсулот пулини кассага кирим қилинишини текширдик. Лекин ҳаммаси тўғри чиқди. Биз яна 3 та имзосиз хат олган эдик. Фермада 60 бош мол кам деб. Лекин фермада бир бош ҳам мол кам эмас экан. Биз ҳайрон бўдик, сиз нима учун 4 кундан бери бизлардан хабар олмадингиз. Шунинг учун ҳаракат қилдик, бир текшириб, бирор-бир нарса топишга, лекин тополмадик, — деди.

Мен раҳмат сизларга, шунингдек хат ёзувчиларга ҳам раҳмат, дедим холос. Бироқ ҳар бир мен билан учрашган одам, қишлоқдан

бўлса, тумандан бўлса ҳам «ҳа, нима бўлди, текшириш?» дея сўрайвериб асабимга тегиб кетди. Менга шу ҳолат, киноявий саволлар жуда оғир ботди. Ахир элни деб, ҳалқни деб, ҳукумат топшириқлари деб, кеча-ю кундуз бор ақл, заковатингни, меҳнатингни сарфлаб ишлаб, ўз-ўзингдан хурсанд бўлиб юрганда, кимдир бир қоғоз ёлғон иғво ёзиб юборса-ю, вақтингни, асабингни емириб, қалбингни ларзага солса. Шу билан бирга, нафақат сенинг, балки ёнингдаги ҳамкорларингнинг ҳам, уларнинг яқинлари, оила аъзоларининг, демакки, яна қанчадан қанча инсонларнинг асабини ўйнатади. Бу ҳолат сабаб, ишдан қўлинг совуб, кайфиятинг тушиб кетади. Ахир нега эрта-ю кеч меҳнат қилсангда, яна «нима учун бундай азоб кўришимиз керак», деб ўз-ўзимдан хафа бўлган вақтларим бўлганди. Ҳаттоки, «қўй, бу ишларни», деб ўйлаган пайтлар бўлди. Бироқ қалбимдаги орзу-умидлар, эртанги кунга бўлган ишонч, яна жўшқин меҳнат бағрига тортаверарди.

Кимки, ана шу ҳаётнинг азоб-уқубатларига чидам бериб, мендан элга, юртга бир яхши нарсa қолсин деб, сидқидилдан ишлайверса, ҳеч бир тухматчи-ю, бўҳтончилар, ҳалол меҳнатга соя солиб, уни йўқ қилиб юборолмас экан. Бу тарихдан, ота-бобомиз ўтмишидан маълум. Чунки, ҳар бир инсон ўз ҳаётида, боғ қилса, кўприк, иморат барпо этса, йўл курса, қудуқ қазиса, яхши фарзандларни тарбиялаб, жамият хизматига тайёрласа, у кишилар номи, қилган ишлари боқий, ўлмас, унитилмас эканлигини ҳар биримиз яхши англашимиз керак.

Балки, шунинг учундир, аجدодларимиз тиклаган минг йиллик иморатлар, кўп асрлардан буён халққа хизмат қилаётган бошқа канал-у, бошқа иншоотларни ўйлаб, шу мулоҳазага бораман. Шунингдек, яна ҳаёт бу — кураш, бу энг яхши инсонларнинг идроки, деб ҳамиша ўйлайман. Балким, юқоридаги гапларим айрим инсонларга баландпарвоз гаплардек туюлар, лекин ундай эмас. Минг йил осмонда гуркирагандан кўра, бир инсон уйини ёритиб, қозонини қайнатганинг маъқулроқ ёки савоблироқ деб ўйлаб, шу ҳаракатни давом қилдириш тўғри, деб ҳисобладим ва ҳозир ҳам шу фикрдаман...

Қишлоқда 4 та канал бўлиб, ана шу каналлар деярлик 4 йил ичида замонавий инженерлик сўғориш тизимига айлантирилди. Бу иш табиийки, осон бўлмади. Жамоа ҳўжалиги учун янги техникалар сотиб олиш, уни ишлатиш ҳам кўп сармоя ва самарали меҳнат эвазига бўлди.

Ана шу 4 та каналдан сув олиш учун 56 та сувни юқорига кўтарувчи насослар ёқилғи двигатели ишлатиб, жамоа хўжалигига ҳар куни 20-25 тонна солярка олиб келинар ва жуда катта ҳаражат қилинар эди. Энди ана шу насослар ишлашига ҳожат қолмади. Каналлардан сувнинг ўз оқими билан далаларни суғориш имконияти пайдо бўлди. Биз ёқилғидан жуда кўп миқдорда маблағ тежаб қолиш имкониятини яратдик. Бироқ жамоа хўжалигида пахта экиш далалари кўп йиллар мобайнида алмашлаб экилмай келинаверганди. Шу боис фақат пахта экиш эвазига ер турли касалликларга дучор бўлиб, жуда катта майдонларда «вилт» касаллиги пайдо бўлганди.

«Вилт»ни бартараф қилиш учун, фақат бедани пахта билан алмашлаб экиш эвазига амалга ошириш имконияти йўқ эди. Шунингдек, туман шоли экишда энг катта майдонга эга эди. Қўшни «Гулистон», «Янгиобод» ҳамда «Коммунизм» хўжаликлари шоли етиштиришарди. Мен туман раҳбарларидан бизнинг қишлоқда ҳам шоли экишдан бошқа деҳқончилик бўлмайдиган ерларнинг борлигини айтдим. Шундай қилинса, «вилт»га қарши кураш учун ҳам шоли экиш фойда беришини таъкидладим. Натижада шоли экиш режасини сўраганим учун, биринчи йили 600 гектар ерга шоли экиш режаси берилди. Ана шу фаолият учун 6 та шоли экиш бригадаларини ташкил қилдик. Меҳнатларимиз натижасида, шоли ҳосили яхши бўлиб, ҳар гектар бошига 60 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 900 тонна шоли сотдик, 2000 тоннадан зиёд шоли ҳосили жамоа хўжалиги омборига олинди. Тарихда биринчи мартаба қишлоқда ҳамма истиқомат қиладиган аҳоли сонига қараб, у ўқитувчими, врачми, бошқа ташкилотда ишлайдими, ҳамма аҳоли сонини ҳисоблаб, жон бошига 100 кг шолини ҳаммага тақсимлаб бердик. Бу жуда яхши бўлди. Чунки, у вақтларда қишлоқда шоли экиш мутлақо ман қилинган йиллар эди. Ҳар бир хонадон бозордан сотиб олмай, бемалол палов пиширадиган бўлди.

Ана шу шоли экилган майдонларга келгуси йили пахта ҳосили жуда мўл бўлди. Яъни, алмашлаб экиш ўз самарасини берди.

1981 йили пахта етиштиришда бир мунча қийинчиликларга дуч келдик. Кўп майдонларни текислаймиз деб бузиб, ернинг унумдор қисмига зиён етказилганди. Қолаверса, ёмғир кўп бўлиши ҳамма қатори бизнинг жамоа хўжалиги, шунингдек, туман ва вилоятнинг ҳам пахта режасини бажаришига салбий таъсир кўрсатди.

1982 йил баҳори эрта келди. Деярлик 25 апрелга пахта экиб бўлинди. Шу йили 2 май куни бизнинг жамоа хўжалигида вилоят

раҳбарларини чақириб, пахтага ишлов беришни бошлаш бўйича семинар ўтказилди. Хўжаликда мавжуд 32 та культиватор 2 май куни пахтанинг қатор ораларини ишлашга тушди. Ўша вақтда айрим жамоа хўжаликлар пахтани экиб ҳам бўлишмаган эди.

Вилоят раҳбари Мадийр Худойберганов туман раҳбарларига «Аминбой қандай яхши ишлар қилаётир», дея бизнинг хўжаликни мақтаб, уларга «сизнинг раислар нима учун шу ишларни қилмаяпдилар», деб қаттиқ гапиргани эсимда. Шу йили жамоа хўжалигимиз вилоятда 100 та жамоа ва давлат хўжалиги ичида иккинчи ўринда пахта тайёрлаш режасини бажарди. Ҳамда ўша даврда илғор хўжаликларга собиқ иттифоқ вазирлар маҳкамасининг катта пул мукофоти билан байроқ берилар эди.

Ана шу байроқдорлар қаторида «Коммуна» жамоа хўжалиги ҳам бор эди. Байроқнинг яхши томони хўжалик раҳбарларига 3-4 ойлик маошлари миқдорида пул мукофоти иттифоқ бюджетидан бериларди. Шу тариқа ўша йили жамоа хўжалигидаги 48 кишининг 3-4 ойлик маоши миқдорида пул мукофоти Москвадан келганди.

Ана шу мукофотни тақсимлаш, мутахассисларга бериш бўйича мажлис ўтказдик. Шунда бригада бошлиғи Мадамин Жуманов менда бир таклиф бор деб ўрнидан турди.

— Раис бобо, сиз ҳар куни қишлоққа келган инсонларни меҳмон қиласиз. Биламиз сиз ўз уйингиздан олдириб харажат қиласиз. Лекин қачонгача бир икки одам бу харажатни кўтариши мумкин. Ахир меҳмон қишлоқ иши учун, бизлар ҳаммамиз учун келиб, бир иш қилиб кетади. Агар тўғриси айтсам мен ҳам шу меҳмонларнинг бир иккисига хизмат қилишим керак. Жамоа хўжалигида меҳмонга деган фонд йўқ. Шунинг учун мен уч ойлик мукофотидан бир ойлик пулимни шу меҳмонларнинг харажати учун ўз хоҳишим билан бераман. Менга икки ойлик ҳам бўлади, — деди. Ҳамма Мадамин ака фикрига қўшилди. Шундай қилиб бир қанча пул тўпланди. Менинг ўзим ҳам бир ойлик мукофот пулимни бердим. Юлдаш ака Нурметов ана шу пулга Қорақалпоғистоннинг Беруний Тўртқўл туман бозорига бориб, 300 та ёш қўзи қўй олиб келди. Ва 10 минг та жўжа олиб асради.

Шу бўлдики, ана шу қўйлар туғиб, кўпайиб биз ҳеч қачон меҳмон учун гўшт ва товуқ сотиб олмадик. Сабзавот, полиз, мева жамоа хўжалик меҳмонхонаси ёнида ўстирилди.

Айтмоқчи бўлган гапим, шу ўтган давр ичида қишлоққа келган меҳмонга фақат ана шу ҳисобга меҳмондорчилик қилиниб, кўпчилик

бизнинг жамоа хўжалигимизга келадиган бўлди. Бизнинг хўжалик фаолларининг мукофот пули ҳисобига меҳмонларни кутиб олиш фонди яратилди. Бу масала юзасидан ҳам кўп маротаба имзосиз хатлар ёзилиб, кўп текширишдан ўтди.

Мен нима учун қишлоқда бўлган меҳмонларни қандай меҳмон қилганимни ёзишдан мақсад, ўқувчи, ёки ўзимнинг авлодларим, қандай қилиб шунча меҳмонларни, нима ҳисобдан кутиб олган экан, деб айрим нотўғри хулосаларга бормасин.

Ўзбекистон Марказқўмининг I-котиби Шароф Рашидов вафотидан сўнг, I-котиб қилиб И. Б. Усмонхўжаев сайланди. У киши ҳам бизнинг жамоа хўжалигимизда бўлганди. Яна шу вақтда Москвадан Тошкентга Марказқўм котиби бўлиб келган Анишчев, Ломоносов ва бошқа раҳбарлар ҳам бизнинг чорвачилик мажмуамизни кўриш учун келгандилар.

Бу орада Хоразм вилоятига раҳбар бўлиб М.М. Мирқосимов сайланди. Орадан 1 ой ўтгач, вилоят фирқа ташкилотининг навбатдаги конференцияси бўлди. Конференцияга мен ҳам делегат бўлиб бордим. Ва конференция ишчи ҳайъатига сайланиб, юқоридаги раҳбарлар сафида ўтиришга тўғри келди. Конференция ҳайъатида Мадийер ака Худойберганов ҳам биз билан бирга ўтирди. У энди ишдан нафақага чиққан эди. Конференция бошқа кун тартибдаги масалалар қатори фирқанинг XXVII-съездига делегатлар сайланди. Вилоятдан делегат қилиб 8 киши сайланиши керак экан, булар қуйидагилар эди:

1. М. М. Мирқосимов — вилоят фирқа ташкилотининг биринчи котиби;

2. Ю. П. Гудков — вилоят фирқа ташкилотининг иккинчи котиби;

3. Р. Худайберганова — вилоят ижроқўмининг раиси;

4. М. Ёкубова — интернат директори;

5. Ф. Оллаберганова — бригада бошлиғи;

6. Р. Раҳимов — бригада бошлиғи;

7. И. В. Филиппов — тафтишчи;

8. А. Вапоев — Гурлан гуманидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги раиси.

Ўша вақтларда юқори фирқа анжуманларида қатнашиш катта воқеа эди. Мени биринчи бўлиб ҳайъатда ўтирган Мадийер ака Худойберганов табриклади. «Аминбой яхши иш бўлди сайланганинг, меҳнатларинг жойига тушди», деди. Шу бўлди-ю жамоа хўжалигидаги фермага вилоят фирқасининг иккинчи котиби Ю. П. Гудков

тез-тез келадиган бўлди. Унинг асли мутахассислиги чорвадор бўлиб, Россиянинг Омск вилоятидан эди. Ўз юртида жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишлаган. Кейин вилоят фирқа ташкилотида, ва Кремлда Марказқўмда ишлаб, Хоразм вилоятига иккинчи қотиб бўлиб келган эди.

Юрий Парфиевич Гудков жуда яхши инсон экан, у бизнинг чорвачилик фермамиз билан танишгач, вилоятнинг бошқа туманларидаги раислари ва чорва мутахассисларини «Коммуна» жамоа хўжалигини қўриб келишга юборар эди. Ем-ҳашакни етиштириш ва молларга озуқа тайёрлаб бериш бўйича жуда кўп янгиликларни бизга тавсия қилар эди. Умуман Гудков, бутун вилоят чорвасига эътиборни қаратиб, уни юксалтириш учун яхши хизматлар қилди.

Февраль ойининг охирида биз вилоятдан 8 киши Тошкентга, кейин республика бўйича 86 делегат самолётда Москвага етиб бордик. Бизни «Россия» меҳмонхонасига жойлаштиришди.

Ўзбекистонлик қурултой қатнашчилари меҳмонхонанинг 8-қаватида 26 февралдан 15 мартгача яшадик. Қурултой 28 февраль куни очилди ва 14 март куни тамом бўлди. Мажлисида биз хоразмликлар «Съездлар саройи»нинг 7- қаторда ўтирдик.

Қурултойга 65 мамлакатдан делегатлар қатнашди. Улар қурултой ҳайъатининг чап томонидан жой олишди. Қурултойнинг иккичи кунда М. Горбачёв қайта қуриш бўйича маъруза қилди. Бизнинг Ўзбекистонлик делегатлардан икки киши сўзга чиқди. И. Усмон-хўжаев ва Урганчдаги 94- интернат директори Марям опа Ёқубова.

Биз ўша қурултой кунлари Москвадаги катта-кичик академик театрда, турли концертларда бўлдик. Шунингдек, Б. Ельцин ва М. Горбачёв ва бошқа давлат арбоблари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Қурултой ҳайъатида Кубадан Фидель Кастро, Вьетнамдан Лез И. Ван, Германиядан Э. Хониккэр ва бошқа чет эл комунистик давлат арбоблари жой эгаллашганди. Шу тариқа қурултойдан жуда катта таассуротлар билан 17 кунда уйга қайтиб келдик. Уйга келгандан кейин қурултой делегатлари билан бўлган учрашувларда қатнашдим. Мактабларда, жамоа хўжаликларида, идора ва ташкилотларидаги кўп йигинларда қурултой делегати сифатида учрашувлар ташкил қилинди.

Москвадан келсам вилоят ДХҚ бошлиғи Куббиев келиб, жамоа хўжалигининг кассасини текширишдан ўтказиб кетибди. Бу ҳақда менга бош бухгалтер Қуролбой Отажанов айтди. Тахминан 5-кундан кейин Куббиев, туман раҳбари Шоназар Жабборов билан бирга

қишлоққа келишди. Куббиев, «Вапоев, жамоа хўжалиги кассасидан 15 минг сўм олиб кетди», деган имзосиз хат тушди, биз шу боис дарров текшириш ўтказдик. Бироқ сиз кассадан 1 сўм ҳам олмаган экансиз», деди. Куббиев яна ўз сўзида «бу хатни тумандаги катта раҳбар-шахс ёзганини аниқладик, сиз ташвиш тортманг, биз кейин у одамга нисбатан тегишли чора кўрамиз», деди. Лекин у одам ким эканлигини айтмади.

Қурултойдан қайтиб келганимдан 20 кунча вақт ўтиб, мени вилоят раҳбари Мирқосимов чақиртирди. У ўзининг хонасида, Боғот туманидаги Нариманов номидаги жамоа хўжалиги раиси, собиқ Иттифоқ Олий Кенгаши депутати Абдулла Искандаров билан икковимизни қабул қилди.

— Сизлар вилоятдаги энг обрў-эътиборли раислар ҳисобланасизлар. Бирингиз иттифоқ депутати, яна бирингиз қурултой делегатисизлар. Сизларга демак, мамлакатда ҳамма эшиклар очик. Қаерга борсангизлар ишингизни битказиб келишингизга ишонаман. Сизларга топшириқ шуки, Россияга бориб, қурилиш учун ёғоч материаллар олиб келишни ташкил қиласизлар, — деди Мирқосимов.

Шу тариқа биз Абдулла Искандаров билан Красноярск шахрига самалётда учиб кетдик. Шаҳарга бориб «Красноярск» меҳмонхонасига жойлашдик. Меҳмонхонада дарров бизларга энг яхши хонани беришди, Абдулла аканинг бир таниши туфайли биз Красноярск ўлкаси ижроқўми раиси ўринбосари Михайлов ҳузурига кирдик. Биз бир-биримизни «депутат», «делегат», дея суҳбатдошларимизга таништирадик.

Михайлов кечқурун бизларни уйига таклиф этди. Унинг уйида меҳмон бўлдик. Эртаси аэрофлотдан Бағучан туманига бориш учун битта 12 кишилиқ махсус самолёт бериб, кузатиб қўйишди. Бағучан туман аэрофлот бошлиғи бизларни кутиб олиб, 24 кишилиқ микроавтобусда Бағучан ГЭС қурилиши майдонига юборди. Ўлка ижроқўми раиси ўринбосари Михайлов қурилаётган ГЭС ҳудудини санитар тозалаш керак деб айтганди. Шу боис ушбу ҳудуддаги ўрмондан ёғоч кесиб олишга рухсат берилганди. Биз шу ўрмонни кўриш учун у жойга боргандик.

Эртасига яна Михайлов ҳузурида бўлиб, ҳужжатларимизни расмийлаштириб олдик. Ушбу ҳужжатда, «Ўзбекистоннинг Хоразм вилоят Гурлан туманидаги «Коммуна» жамоа хўжалигига Бағучан туманидаги ГЭС қурилиши ташқарисидан, санитар тозалаш ҳисобида ёғоч тайёрлаб, уни ўзларига олиб кетишга рухсат берилсин»

дейилганди. Шунингдек, темир йўл бошқармасига, «Коммуна» жамоа хўжалигига тегишли вагонларни ажратиш топширилди. Шундай қилиб, Красноярск шаҳрида «Коммуна» жамоа хўжалиги учун ёғоч тайёрлаш ҳудуди ташкил бўлди. 10-12 транспорт техникалари, тракторларни Красноярскга юбордик. Бош инженер Худоёр Юсупов техникаларни олиб бориб ишларни бошлаб қайтди. Шундан сўнг Красноярск ўлкасига ёғоч олиб келиш учун Саидабулла Раҳимбоевларни ҳам жўнатдик.

Шу тарзда ишлар бошланиб кетди. Ҳар ҳафтада 4-5 вагон ёғоч келтира бошладик. Омбор мудири Юлдаш ака Нурметов, кран, машиналарни олиб ёғочларни жамоа хўжалиги омборига олиб кела бошлади. Ёғоч материалларини қишлоқ аҳлига, қўшни қишлоқдаги фуқароларга сота бошладик. Шунингдек, ўзларимизнинг жамоа хўжалиги қурилиш ишлари учун ҳам етарли ёғоч материалларига эга бўлдик. Ҳаттоки, тумандаги қурилиш ташкилотлари бизнинг хўжалигимиздан ёғоч сотиб оладиган бўлишди. Мен ҳаммаси бўлиб ёғоч келтириш мақсадида музокаралар олиб бориш, шартнома тузиш учун тўрт маротаба Красноярскка бордим. Бир таширимизда эса Красноярскдан поездда Саидабулла билан Чита шаҳригаям боргандик.

Ана шу ишларимиз кенг йўлга қўйилгач, вилоят миқёсидаги мажлисларда, Абдулла Искандаров билан менинг Россияга бориб, ёғоч олиб келишим, мақтаб тилга олинадиган бўлганди.

ОИЛАВИЙ ПУДРАТ УСУЛИ: ТАЖРИБА ВА ТУШУНЧА

Гурлан тумани кўп йиллар давомида Хонқа тумани билан ўзаро мусобақдош саналарди. Ўша вақтларда Хонқа туманига Маркс Жуманиёзов раҳбарлик қиларди. Биз гурланликлар эса туманимиз раҳбари Шоназар Жабборов раҳбарлигидаги ҳамма раислар Хонқа туманига борар эдик.

Шундай сафарларнинг бирида Маркс Жуманиёзов:

— Аминбой, сиз бизнинг «Ғалаба» жамоа хўжалигимиз раиси Раҳмонберган Шаниқовни яхши биласиз. У киши, худди сиздек ижроқўм раиси бўлиб ишлаган. Олдиндан танишсизлар, бирга ишлагансизлар. У киши оилавий пудратни ташкил қилди. Сиз шу дўстингизнинг хўжалигига бориб, иш жараёни билан танишинг. Балки тажриба алмашиб, ундан ўрнак оларсиз, — дея маслаҳат берди.

— Шаниқов менинг олдиндан таниш қадрдон дўстим. Айтганингиздек бир-биримиз билан тажриба алмашсак яхши бўларди, — дея Маркс аканинг гапини маъқулладим.

Шу куни «Ғалаба» жамоа ҳўжалигида ташкил қилинган иш жараёни билан танишдим. Эртасига эса ҳўжалигимиз ҳисобчиси Қуролбой Отажонов, иқтисодчи Камол Мадаминовларни мусобақалош дўстларимиз ҳузурига юбордим. Улар ҳам иш жараёни билан танишиб, ҳужжатлардан намуна олиб келишди.

Ана шу тариқа бизнинг ҳўжалигимиздаям деҳқончилик ишлари пудрат асосида йўлга қўйиладиган бўлди. Дастлабки йили 750 та пахтачиликка йўналтирилган оилавий пудрат ҳўжалиги ташкил этилди. Албатта, иш тартиби бироз қийинроқ эди. Чунки олдинлари раис фақат бригада бошлиғига топшириқ берар, ундан ишни талаб қиларди. Энди эса ҳар бир пудратчи билан гаплашиши, ҳисоб-китоб ишлари ҳам алоҳида юритиладиган бўлди.

Пахтага ишлов бериш, ягана ва бегона ўтлардан тозалаш борасидаги ишлар бу усулда тез бажарилар, аммо ҳар бир пудратчи билан шартномани алоҳида тузиш, топшириқларни бериш, ҳисоб-китоб ишларини юритишдаги ҳужжатларда қоғозбозлик кўпроқ эди. Шу билан бирга пудрат иши йўлга қўйилгани билан аниқ бир юридик тизим ва кўрсатмалар йўқ эди.

Бир воқеа эсимда. Уста Рўзим деган кишига 10 гектар пахта ерини пудрат қилиб бергандик. Ўша йили пахта ҳосили яхши бўлди. Бироқ 10 гектар пахтазорни бошқариш иши қийинроқ эди. Айниқса, пахта йиғим-терими даврида туман марказидан, мактаблардан ҳашарчилар жалб этилмаса, ҳосил ёғин-сочинга қолиб кетиши мумкин эди.

Шу боис пахтага сафарбарлик боис пудратчи 30 центнер ўрнига 40 центнер ҳосил олишга эришди. Йил якунидаги ҳисобот мажлисида эса Уста Рўзим пудратини мисол қилиб, одамларнинг қизиқишини янгиликка қаратмоқчи бўлдик. Унга битта «Жигули» маркали автомашина ҳамда 5 минг сўм бердик. Мажлисда 5 минг сўм нақд пулни бир рўмолга тугиб, «ана Уста Рўзим бу йил 10 гектар пахта экиб, 10 минг сўм олди, машинали бўлди. Яна 5 минг сўм мана» дея минбарга чиқариб пулни бердим. Табиийки, ҳисоб-китоб асосида берилган пул уни қаноатлантирар деган ниятда, «Уста Рўзим, сенингча пудрат тизимига ўтганимиз яхши бўлдими?» дея ҳамманинг олдида сўрадим ҳам. У эса дабдурустдан «пулга кўнглим тўлмади» деди. Мен эса «сен қарийиб 5 ой ишладинг, беш ойда бир машина

ва яна 5 минг сўм пул озми?» десам, у «оз!» деди баралла. Мен шунда нима дейишимни билмай, «ўтир» дедим холос.

Аслида мен ҳамманинг олдида пудратнинг яхши тизим эканлигини тарғибот қилмоқчи эдим. Бироқ Уста Рўзим мени тушунмади.

Кейин эшитишимча, Уста Рўзим Юлдаш «чимхўр» лақабли қишлоқдаги почта бўлими бошлиғи бўлиб ишловчи (у мен билан Урганч гиромелиорация техникумида бирга ўқиганди) киши билан мажлисдан бирга қайтишибди. «Уста жўра сен 5 ой меҳнат қилиб, 10 минг сўм берган раисга «менинг кўнглим тўлмади», дея жавоб бердинг. Бу қандай инсофсизлик бўлди?» дебди. Шунда Юлдаш яна унга «уста неча йилдан бери колхозда хотининг билан бирга ишлайсизлар?» деб сўрабди. «30-35 йилдан бери» дея жавоб қайтарибди уста. Юлдаш «сенинг уйингда, иморатинг, асбоб-ускунанинг, кўрпа-тўшак, ҳаммаси бўлиб эса неча сўмлик мулкнинг бор?» деб яна сўрабди. Уста Рўзим бўлса ўйланиб туриб, «иморатим эски, асбоб ускунаю эски полос, кийгиздан бошқа ҳеч нарса йўқ» дея олибди холос. Юлдаш эса яна савол берибди: «Шу айтган нарсаларингни сотсанг неча сўмга олади?». «Уч минг сўмга олар!» дея олибди Уста Рўзим зўрга.

Юлдаш бўлса унга тушунтирибди: «ахир умр бўйи ишлаб топган нарсаларингнинг ҳаммаси 3 минг сўм бўлса-ю, 5 ойлик меҳнатингга шунча пул берган раисга ҳамманинг олдида «пулдан кўнглим тўлмади», деб турибсан. Ана шу тарздаги тушунтиришдан сўнггина Уста Рўзим «асли мен инсофсизлик қилибман, ҳамманинг олдида уят иш қилибман, раис бувадан кечирим сўрашим керак», дея қилган ҳатти-ҳаракатидан пушаймон бўлган экан.

Икки кун ўтиб Уста Рўзим бошқарув идорасига келиб, мен билан суҳбатлашмоқчи бўлди. Мен бу пайтда Урганч шаҳридаги йиғилишга кетаётганим боис, узримни айтдим. Орадан уч кун ўтиб мажлис бўлаётганда яна Уста Рўзим келди. Ундан ҳол-аҳвол сўраб «нима гап Уста Рўзим?» дедим. У бўлса «мени кечиринг, қизилни кўриб хизр йўлдан чиқибди» деган гап бор. Мен ҳам шундай қилибман», деб бўлган воқеадан пушаймон эканлигини айтди.

Ҳа, жамоа ҳўжалигидаги пудрат тизимида ана шундай воқеалар кўп бўларди. Йил якунида бир ойлаб идорада ўтирганча пудратчилар билан ҳисоб-китоб қилган пайтларимиз бўлган. Пудратчилар орасида ишлаб чиқариш харажатлари, солиқлар, қилинган пул материал сарфларини ҳисобламасдан «агар 25 тонна пахта берсам, шунинг

қийматининг ҳеч бўлмаса 60-70 % пулини нега менга беришмайди?» дея норози бўлиб ҳам юришарди. Уларга тушунтириш жуда қийинчилик билан амалга ошарди.

Аммо вазиятни тушунтиришимиз орқали янгиликка кўника бошлашди. Бу пайтга келиб далада ишлашнинг оғирлигидан ёшларда бошқа жойларга кетиш истаги пайдо бўлган, умуман жамоа ҳўжалиги шароитида деҳқончилик қилиш оғир аҳволда эди.

Чунки давлатга сотаётган маҳсулот таннархи баланд, сотиш эса паст эди. Шу сабабlijам колхозчиларга иш ҳақини кўпайтириш имконияти йўқ эди. Колхозчилар асосан мол боқиб, ўз томорқасидан олган маҳсулотлари ҳисобига кун кечиришарди.

Сўнгги даврда бўлса, жамоа ҳўжалигида шоли экишнинг йўлга қўйилиши, шоли эккан аҳолининг 35-40 центнердан юқори ҳосилни хонадонлари учун олиши, уларнинг иқтисодий аҳволи бироз яхшиланишига сабаб бўлди. Шу билан бирга шоли сомони қишлоқ аҳлининг чорваси учун ем-ҳашак ролини ҳам бажарарди.

ГДЛЯН ГУРУҲИНИНГ ИҒВОЛАРИ

1985 йилда ҳокимият тепасига келган Горбачёвнинг қайта қуриш сиёсати натижасида шўро давлатининг таназзулга учраётганлиги аён бўлиб қолди. Бунинг устига Ўзбекистонда Ю. Андропов давлат раҳбари пайтида бошланган қатагоннинг бошқача шакли — «ўзбеклар иши» деган, машғум сохта жиноят ишларини юзага келтирганди. Бу сиёсат натижасида Гдлян ва Ивановнинг бошчилигидаги собиқ иттифоқ прокуратурасининг тергов гуруҳи Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида бўлиб, энда ўз меҳнати билан обрў-эътибор топган инсонлар номини бадном қилиб, сохта жиноят ишларини очишга киришди.

Ана шундай қирғинбарот гуруҳ афсуски, бизнинг Хоразм вилоятига, хусусан Гурлан туманига ҳам келиб, раҳбарларни чигириқдан ўтказга бошлашди.

Шундай кунларнинг бирида, якшанба куни жамоа ҳўжалигидаги хонамда иғвогар кимса билан сўзлашиб ўтиргандим. Хонамга тўртта бошқа миллатта мансуб киши кириб келди. Табиийки, ким биландир гаплашиб ўтирганимда рухсатсиз хонамга кириб келиши нотўғри эди. Шу боис:

— Кимсизлар? Нега хонамда ёнимда одам борлигини кўра била туриб, кириб келаяпсизлар? — дея сўрадим.

Шунда улардан «ух, ух» дея аччиқланган бўлиб хизмат гувоҳномасини чиқариб кўрсатди. Унда «СССР прокуратурасининг

ўта муҳим ишлар бўйича бош терговчиси И.П. Кравченко» дея ёзилганди. Шундан кейин мен уларга, «Майли, бу киши билан гаплашиб олай, биров кутинглар!», дедим. Улар шу тариқа қабулхонага чиқиб кутиб туришди. Йигирма дақиқача қабулимдаги киши билан гаплашиб ўтирдим-да, у кетгач, бояги терговчиларни «киринглар» дея русчалаб чақирдим.

Кравченко, озарбайжон миллатига мансуб Ширин Ибрагимов ва иккита рус йигити яна хонамга киришди. Бироқ улар хонамда ноқулай ҳолатда, яъни ўзларини тергов қилаётгандай услубда тутишга уринишди. Мен эса уларни одамларни қабул қиладиган тарзда ўтиришга ундадим. Шундан сўнггина, улар қабулга келган инсонлардек мен айтган тарзда жойлашишди.

— Сен ўзингни катта тутма, ўзинг зўрга турганингни биласанми? — деди дағдаға билан Кравченко.

— Мен ўзимнинг иш хонамда ўтирибман. Нима бўпти? — дея жавоб бердим.

— Ҳозир биласан, нима бўлишини! — дея пўписа қилди Кравченко янада дағаллик билан.

— Биз биламизки, сен катта жамоа хўжалиги раиссан. Қурултойга делегат бўлиб сайлангансан. Бизнинг мақсадимиз сенга ўхшаганларни тартибга солиб қўйишдан иборат. Шунин билсанг керак? — деди Кравченко ўзини тергов қилаётгандек тутиб.

— Ҳа, сизлар халққа азоб бериб, қонунсиз ҳатти-ҳаракат қилаяпсизлар. Юртимизни, ўзбек халқини иснод қилаяпсизлар. Қилаётган қилмишларингизни ўзбек халқи, иттифоқ аҳли кўриб, англаб турибди, — дедим мен уларга баралла.

— Ух, сен ўзингча узоққа кетма, саволларга жавоб бер! — дея авжга минди Кравченко.

— Қани саволингизни беринг унда, жавоб беравераман! — дедим мен ҳам қатъий оҳангда.

— Нима учун ҳар сафар Гурлан туманига вилоят раҳбарлари келса, сенинг хўжалигингда меҳмон бўлади, чой ичиб, овқатланишади? Нима сабабдан шундай? Бошқа хўжаликларга борса бўлмайдими? — саволга тута бошлади у.

— Сизларга бу ҳолатни тушунтириш жуда қийин. Эҳтимол сизлар тушунишни ҳам истамайсизлар. Билсангиз, бизнинг миллат меҳмондўст, Агар уйингга ким келса, у дўстми, душманми, катта-кичиклигидан қатъий назар, меҳмонга чой бериб, олдига нон қўяди. Агар уйда егулик бўлмаса, қўшнисидан қарз олиб бўлса-да,

меҳмонга мезбонлик қилади. Мен яна қайта айтаманки, сизлар бу азалий одатимизга тушунмагандирсизлар. Чунки, ўзга юртларда бунақанги меҳмондўстлик одати йўқ. Шу боисдан ҳам бизнинг меҳмондўстлигимиз сизларнинг кўзингизга бошқача кўринаётгандир?! — дея тушунтириш бериб ўтдим.

— Яна ўзингча катта гапираяпсан, раис! — деди гапларимга писанда ҳолда Кравченко.

— Мен фақат ҳақиқатни рўйи-рост айтиб, халқимизнинг оддийгина меҳмондўстлигини таърифлаб бердим холос, — дедим мен ҳам унга қараб. Мен яна гапирмоқчи эдим, Кравченко гапимни бўлмоқчи бўлди.

— Тўхтанг ўртоқ Кравченко, мен ахир гапимни тамом қилмадим.

— Айтинг яна нималар демоқчисиз?! — деди аччиғи чиқиб у.

— Мана сизлар келиб гаплашиб ўтирибмиз. Вақт ҳам айнаи тушки овқат қиладиган пайт бўлай деб қолибди. Сизлар ким бўлишингиздан қатъий назар чой ичадиган, овқат ейдиган пайт бўлганидан, мезбонлик қилишим керак. Агар шундай қилмасам мен ўзбекона удумга риоя қилмаган бўламан. Колхозда эса ошхона, ресторан йўқ. Шунинг учун мен ҳозир уйга телефон қиламан. Уйимда эса дўстим палов пишириб ўтирибди. Чунки бугун якшанба куни. Ана шу паловдан сизларга олиб келиб овқатлантираман, — дея телефонга қўлимни узатдим.

Улар «йўқ, йўқ, бизлар кетишимиз керак!», дея таклифимни рад қилишди.

— Ўртоқлар, ахир вилоят раҳбарлари ҳам тушки овқат пайтида келиб, уларга мезбонлик қилган бўлсам, бунинг нимаси ёмон бўлиши мумкин! Қани ўзларинг айтинг ўртоқлар! Сизлардан илтимосим, бизнинг миллий гуруримизни оёқости қилманглар, ахир. Акс ҳолда худоям, халқ ҳам сизларни кечирмайди, — дея кўнглимда борини аччиқланиб айтдим.

Энди улар менга қараб қолишган, дилимда нима бўлса, ўшани уларга тўкиб солётгандим.

— Ахир сизлар ҳам, бизлар ҳам қайси вазифада ишлашимиздан қатъий назар, Оллоҳ яратган инсонлармиз-ку?! Нима учун оқни оқ демасдан, қора деб, инсон бўлиб инсонларга азоб беришимиз ва уларни ҳибсга олиб сохталаштирилган судлар ўтказиб, бир-биримизга азоб беришимиз керак? Ахир чин инсон шундай бўладими?! Кейинчалик бу нотўғри ҳатти-ҳаракатларга ким жавоб беради? Вақт ўтиб шундай кунлар келади-ю, кимга ёмонлик қилиб бегуноҳ

инсонларга азоб берсак, у шахслар адолат олдида, яратган олдида, халқ олдида жавоб бериши муқаррар эканлиги маълум, — дедим.

— Сен раис ўзингча файласуф, ҳуқуқшунос бўлиб бизларга дарс бермоқчимисан? Биз ҳам сен ўқиган олий мактабларда ўқиганмиз. Нимага бизга фалсафадан маъруза ўқияпсан, ўзингча?! — бақирди қизишиб Кравченко.

— Тўхтанг, дўстим, тўхтанг, дедим унга қараб, — сиз ўқиган, лекин ҳеч бир ўқиш масканида, оқни қора қилиб, қорани оқ қилиб ўқитишмайди, бундай таълим беришмайди. Сизлар нима қилиб юрганларингизни биласизларми?! Ҳамма сизлар ҳақингизда салбий нуқтаи назардан гапиришаяпди. Вақт ўтиб, бу гаплар ўтиб кетар. Аммо ноқонуний қилаётган ишларингиз унитилмайди. Ўша вақтда сизларнинг жавоб беришингиз қийин бўлади, дея ўйлайман, Худо сақласин-у, сизларни айблашаётганда мен гувоҳ бўлмагайман, дея яратгандан ўтиниб сўрайман. Ишонаманки, албатта шундай кунлар келади, — деб гапимни тамом қилдим.

Кравченко эса шерикларига «уни олиб кетамиз Урганчга», дея буюрди.

Шу тариқа ташқарига, уларнинг машинаси ёнига чиқдик. Машинанинг орқа ўриндигига мен, икки тарафимда Кравченко ва Ибрагимов ўтиришди. Менинг машинамга эса иккита рус йигити минишди.

Мени машинага миндириб олиб кетишаётганини қишлоқдаги бир игвогар ва бир неча идора олдидаги кишилар кўришди.

Йўлда кетаётиб то Гурлан туманидан ўтгунча ҳеч нима демасдан кетдим. Ёнимдагилар ҳам индашмасди.

Бироз ўтиб, уларга савол бердим:

— Сизлар нимага, айнан мени олиб кетаяпсизлар?

— Сен крепко экансан? — дея Кравченко менинг қўлларимга қараб.

— Сизлар сохта жиноятларни ташкил қилиб юрганларингизни ҳамма билади. Аммо менинг қилган ноқонуний жиноятим йўқ. Менга сохта айб қўймасангизлар бўлгани. Агарки, сизларда одамийлик хислати бўлганида менга нисбатан бундай ҳатти-ҳаракат қилмасдинглар. Барибир ҳам бирон нарсани менинг бўйнимга қўйишинглар мумкин эмас, — дедим уларга машинада бораётиб.

— Гапни тўхтат, ҳали бу ҳақда гаплашамиз, — деди Кравченко жаҳли чиқиб.

Бироз ўтиб, уларнинг тергов идорасига бордик.

— Мана газета, ўқиб ўтир, ахир сен файласуфсан-ку, илмингни ошириб ўтир, — дея менга бир даста газеталарни ташлаб кетди терговчи. Бу «Известия», «Правда», Труд» газеталарининг эски сонлари эди.

Бироздан кейин улар мен газета ўқиб ўтирган хонага киришди. Яна бояги саволлар такрорланди:

— Нима учун вилоят раҳбари сенинг хўжалигингга бориб чой ичган, овқат еган, унга мезбонлик қилгансан?

— Ахир мен қишлоқда бу саволларингизга, рус тилида тушунарли қилиб жавоб бердим-ку?! — дедим.

Шунда Кравченко:

— Сен яхши одамга ўхшайсан, — деди негадир.

— Наҳотки, сиз ҳам яхши инсонларни танисангиз, — дедим қулиб ҳайратланганча.

— Сен бизларни инсон эмас дея ўйлаяпсанми? — сўради терговчи.

— Қилаётган ҳатти-ҳаракатларингиз яхши инсонларникига ўхшамаяпти-да, дедим унга қарата.

— Сен бир тушунча ёзиб беришинг керак, — дея мақсадга ўтди Кравченко, — унда вилоят раҳбарига уйимдаги сигирни сотиб 3000 сўм бердим десанг бўлгани. Вилоят каттакони бари бир қамоқда. Шунда сенга ҳеч гап бўлмайди. Биз эса сени ҳибсга олмаймиз.

— Сизлар сунъий, сохта жиноят ташкил қилиб юрганларингиз аён бўлаяпти. Нима учун қилмаган ишимни қилдим, деб тушунча беришим керак. Бундай тушунчани ҳеч қачон ёзиб бермайман. Бу борада мендан ҳеч нарсани кутиб ўтирманглар, дедим.

Кравченконинг ўрнига бу гал Ширин Ибрагимов аралашди:

— Сиз мусулмон инсонсиз. Ўзингизни қутқаришингиз чорасини кўришингиз керак.

— Ҳа, алҳамдурилло мусулмон инсонман. Аммо мусулмон банда ёлғон кўрсатма бериб, тухмат қилиши керакми?! Сен ҳам мусулмон дея ўзингизни айтаётирмисиз?! — дедим озарбайжон терговчига қарата.

— Қўйинг-ей, — деди у ачиққаниб, — мен сизга яхшилик қилмоқчи эдим, нима қилсангиз шуни қилинг.

— Ахир яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, нима қиласиз менга ҳам йўқ ердан сохта жиноятга шерик қилиб, — дедим унга.

Шундан сўнг улар хонадан чиқиб кетишди. Яна икки соатча газета ўқиб ўтирдим. Бир пайт Кравченко кириб келди.

— Сен бизлар тўғримизда кўп гапириб юрма тагин. Тушундингми?! — уқтирди у, — ҳозирча бориб ишингни қилиб юравер.

Ана шундан сўнг кечқурунги соат 9ларда уйга қайтиб келдим. Янгибозор туманига келганимда машинадаги «рация-телефон» орқали қишлоққа телефон қилиб:

— Ҳамма ҳўжалик фаолларини, ҳисобчиларниям соат 10 га мажлисга чақиринг! — дея топшириқ бердим.

Шу тариқа уйга эмас, тўғри ҳўжалик бошқарув идорасига бордим. Мажлисга 20 киши тўпланган экан. Улар мени кўриб ҳайратланишарди. Мен эса ҳеч нарса бўлмагандек тутдим ўзимни. Ҳар галгидек кундалик ишлар тўғрисида галашиб, топшириқлар бердим. Қилинган ишларни суриштирдим.

Фаоллардан биронтаси мендан бирон нарса тўғрисида сўрашга боғинолмади. Мен ҳам уларга ҳеч нарса демай, уйга бориб дам олдим. Иш одатий тартибда давом этаверди. Шукурки, шундан кейин Гдлян — Иванов тергов гуруҳи, Кравченко ва на бошқаси мени чақирмадиям, безовта қилмадиям.

Бир неча кундан кейин эшитишимча, мени олиб кетаётган пайтда кўрган кишилардан бири, кечқурун уйида «раисни тўртта ўрис олиб кетди» деб айтса, ҳисобчи бўлиб итловчи ўғли, «йўқ ота, раисбува ҳозир бизлар билан мажлис ўтказди. Нимага ёлғон гапирасиз», дебди.

Шунда отаси «раис пора бериб ўрислардан қутилиб қолганга ўхшайди, ўзим шикоят хати ёзаман, бу бўйича», дебди. Хуллас, бу даврлар ҳам халқимиз тақдиридаги энг аянчли, синовли йиллар эди.

Қишлоқда иш жараёни бир хил тарзда давом этар, мен ҳар галгидек Сочи шаҳрида дам олиш учун меҳнат таътилига чиқдим. Таътидан келсам туман раҳбари Шоназар Жабборовни ишдан олишибди. Шу боис уйга келган куним собиқ раҳбаримиз олдига бориб, ҳол-аҳвол сўрадим. У киши дам олиш учун жўнаб кетаётган экан.

Орадан 20 кунлар ўтиб вилоят раҳбари М. Мирқосимов мени телефонга чақириб, «эртага сиз билан Тошкентга кетишимиз керак. Соат саккизда фирқа билетингиз билан аэропортда бўлинг» дея топшириқ берди.

Тошкентга кетишим ҳақида ҳеч кимга айтмадим. Аммо айтилган вақтда аэропортга бордим. Вилоят раҳбари билан бирга самолётда Тошкентга учдик. Марказқўмга бориб, кадрлар бўлими мудири билан Мирқосимов учаламиз И. Б. Усмонхўжаев олдига кирдик.

Усмонхўжаев мени танирди. Шу боис «раис салом» дея яхши кутиб олди. У ўз сўзида «мен раисни яхши биламан. Фаоллар

йиғилишини чақириб, Гурлан туманига 1-котиб қилиб сайланглар», дея менинг ишларимга муваффақият тилади. Суҳбат шу тариқа қисқа бўлди, бошқа бирон нарса тўғрисида савол бермади. Бироқ кадрлар бўлими мудири «иккинчи котиб ўртоқ Анишчев Москвада эди. У киши бўлганида яхши бўларди. Энди нима қиламиз, у йўқ-ку, ахир», деди холос.

Биз Мирқосимов билан шу куни Урганчга қайтиб келдик. У киши, «сиз ҳеч кимга, бу тўғрида айтманг, уч кун ичида йиғилиш чақириб, сизни туманга раҳбар қилиб сайлаймиз», деди.

Мен уйдаям, ишда ҳам бировга бу тўғрида бирон нарса демадим. Уч кундан кейин Мирқосимов телефон қилди. У «Анишчев ва Гдиян рухсат бермаяпти. вилоятнинг иккинчи котиби Нетяга ҳам сизнинг номзодингизга қарши. У Анишчевга телефон қилганга ўхшайди», деди.

— Жуда яхши, мен ўзимнинг ишимни яхши кўраман, ишлайвераман, — дедим Мирқосимовга.

Мен шу тариқа ўз ишимда давом қилдирдим. Аммо туманга то олти ойгача раҳбар тайинланмади. Туман фирқа қўмитасининг иккинчи котиби Одамбой Болтаев вақтинча раҳбарлик қилиб турди. Болтаев шу қисқа фурсат ичида яхши ишлади. Туман фаоллари ҳам Одамбой Болтаевни қўллаб, агар уни раҳбарликка тавсия қилиб, йиғилишда сайлов ўтказишса, уни қўллаш лозим дея юрардик. Шундай кунларнинг бирида туман халқ депутатларининг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилиб, В. Н. Баягин биринчи котиб қилиб сайланди. У кишининг асли миллати мордавин, касби чорвадор бўлиб, илгари вилоятдаги раҳбарлик вазифаларида ишлаб тажриба орттирганди.

КОСТРОМА САФАРИ

Баягин кўп ўтмай гурланликлар орасида яхши, оғир босиқ, вазмин инсон сифатида ҳурмат қозонди. Орадан кўп ўтмай вилоят раҳбари М. Мирқосимов Гурлан туманига келиб, Баягиннинг хонасига мени чақиртирди.

— Иккалангиз Россиянинг Кострома вилоятига бориб, ташландиқ ҳолатдаги бир қанча давлат хўжаликларини айланиб, у ерларга қандай мутахассислар кераклиги борасидаги вазиятни ўрганиб келасизлар, — дея топшириқ берди.

Шу тариқа В. Н. Баягин, мен раҳбарлик қилаётган хўжалик бош инженери Фарҳод Тангиров, ва «Коммунизм» жамоа хўжалигининг

раис ўринбосари Қодир Исмоилов тўртталамиз Москвага самолётда етиб бордик. Эртасига эса поездда Кострома вилоятига жўнадик. Вилоят фирқа қўмитасига борганимизда эса бизларни бир ходим кутиб олиб, қишлоқ хўжалиги бошқармасига боришимизни айтди.

Кострома Волга дарёси бўйидаги вилоят бўлиб, шаҳар ўртасидан дарё оқиб ўтар, жуда хушманзара жойлар экан. Вилоят бошқармасида кадрлар бўлими мудирлари бизни кутиб олиб, 350 қақирим узоқликдаги Шаря туманига боришимизни айтди. Кечки поездда айтилган туманга етиб бордик. Бекатда тушиб, туман фирқа қўмитаси, ижроқўм биносини суриштириб топдик.

Эрталаб соат саккизда, Баягин билан иккаламиз (қолган иккала ҳамроҳимиз меҳмонхонада кутиб ўтирадиган бўлишди) туман раҳбариятига борсак, фаррош аёл ён атрофни тозалаб юрган экан. Мен ўша Маша деган фаррош аёлдан биринчи котиб, ижроқўм раисини сўраб-суриштирдим. У айтдики, биринчи котиб қилиб давлат хўжалиги директорини яқиндагина сайлашибди. Ижроқўм раиси Назарова деган аёл бўлиб, тўрт йилдан бери ишлар, туманда обрў-нуфузи баланд экан. «Биринчи котиб ёш йигит, ижроқўм раисига учраштинглар, бу ерда Назарованинг обрўси катта, ҳамма айтганини қилади», деди фаррош аёл.

Кўп ўтмай бояги Назарова биринчи бўлиб ишга келди. Биз унга ўзимизни, қаердан келганлигимизни айтиб таништирдик. Афсуски, бизларнинг келишимиз ҳақида на вилоят фирқа қўмитасидан, на қишлоқ хўжалик бошқармасидан хабар қилишмаган экан. Шундан сўнг вилоят раҳбариятидан кимгадир телефон қилиб, кейин эса бизга қаради-да:

— Тумандаги иккита давлат хўжалиги иқтисодий ночор аҳволда, банкротликка учраган. Сизларга ўша ҳудудларни кўрсатамиз. Агарки хўжаликларнинг қарзини тўласангизлар, ижарага олиб, ўша хўжаликларда ишлайверасизлар, — деди.

Мен бу таклифни эшитиб ҳайрон бўлдим. «Қанақа қарз, нима учун узоқ бир юртдаги ночор хўжалик қарзини бизлар тўлашимиз керак? Агар қарзни биз тўласак, эртага қандай бўлади?» дея ўзимча ўйга толдим. Шу пайт ижроқўмнинг хонасига туман раҳбари Петров кириб келди. Назарова бизларни унга таништирди.

Петровнинг таклифига кўра, унинг хонасига бориб, кофе ичганча суҳбатни ўша ерда давом эттирадиган бўлдик. Бироқ унинг хонасида банкрот хўжаликлар, қарзни тўлаш ҳақида сўз ҳам бўлмади. Кўп ўтмай ижроқўм раиси Назарова ўзининг хонасига туман қишлоқ

хўжалиги бўлими бошлиғи Козловни чақирганини телефонда айтгач, яна унинг хонасига бордик. Козлов эса бизларга «Успех» деган давлат хўжалигидаги вазият билан танишишни таклиф қилди.

Шу тариқа Петров, Назарова, Козлов ҳамда Баягин билан мен бешаламиз учта машинада «Успех» хўжалигига йўл олдик. Афсуски, хўжаликка борадиган йўл лой бўлиб, машинада анча вақтда 22 чақиримни босиб ўтдик. Буни қарангки, бошқарув идорасидаям, кўчадаям бирон кимса учрамади. Бир соатча идора олдида тургач, от-аравада бир хотин пайдо бўлди. Назарова ўша аёлни ёнига чақирди. Олдаги аёл ёнимизга келгач, унинг юзи худди яқин орада сув билан ювилмаганга ўхшар, кийимлариям ифлос, кир бўлиб кўринди.

Назарова ундан қишлоқда кимлар борлигини суриштирди. Унинг айтишича, хўжаликда 17 кишигина қолган бўлиб, шундан 7 нафари ўрнидан туролмайдиган касал экан. Ана шу одамларга қишлоқ кенгаши раиси бўлган аёл ўрмон хўжалигига бориб, нон олиб келиб бераркан. Унинг от-аравада бориб қиладиган иши ана шу 17 кишига нон етказиб беришдан иборат бўлиб қолибди. Ёшлар эса мактабни битирганидан шаҳарга кетиб қолишаркан.

Назарова ундан фермадаги аҳволни суриштирди. Биз фермага ҳам бордик. Ферма замонавий қилиб қурилган, аммо унда 32 бош қорамол бор экан, холос. Шу молларга эса икки нафар аёллар қарашаркан. Улар ҳам милиция назоратида бўлиб, олдин эрларини ўлдирганликлари учун 10 йил қамоқда ўтириб чиқишган экан.

Давлат хўжалигида жами 12 минг гектар ер бўлиб, 6 минг гектари ўрмон хўжалигини ташкил қиларкан. Қолгани қора-тупроқ унумдор ерлар. Назарованинг айтишича, 1974 йилда хўжаликда 450 бош сигир бўлган бўлса, орадан 10 йил ўтиб, аҳвол бугунги даражага келиб қолган. Мактаб, боғча ҳам замонавий қилиб қурилган, аммо болалар мактабни тугатгану шаҳарга кетиб қолган. Уйлар ҳам замонавий услубда барпо этилган. Бироқ биноларнинг эшик, деразаларига тахта қоқиб қўйилган. Чунки, аҳоли яшаш жойини ташлаб кетиб қолган.

— Агар шу хўжаликнинг уч миллион қарзини тўласангизлар, ижарага олиб ишлашларингиз мумкин, — деган таклифни айтди Назарова бизга қараб.

Баягин менга қаради. Мен эса:

— Агар қарзни тўлаб ҳужжатларни расмийлаштирсак, хўжаликдаги бор ўрмон ёғочларини олиб кетсак бўладими? — дея савол бердим.

— Йўқ, бу бизда ман қилинган, — деди баралла Назарова.

— Унда, бизларга бу ҳўжалик нимага керак? — дедим мен ҳам жавобан.

— Албатта биз сизларни чақирмадик, — деди қатъий қилиб Назарова ҳам.

Табиийки, «кимдир қишлоқни ташлаб кетсаю, кимсасиз ташландиқ ҳўжалик қарзини тўлаш бизга нимага керак?», ўйлаганимни айтдим мен.

— Сизлардан одамлар келиб, ишлаб маош олишади бу ердан, жавоб қилди Петров ва Назаровалар биргаликда.

Мен бу шартга рози бўлмаслигимизни айтдим. Баягин эса менга «сиз индамай тураверинг, кейин маслаҳатлашамиз», деди астагина. Назарова эса «раис истмаяпди, биринчи котиб бўлса гапни тушунди», дея ҳамроҳим Баягинни мақтаб кетди.

Хуллас, муросага келмай, кечкурун туманга қайтиб келдик. Бизларни ёғочдан қурилган меҳмонхонага жойлаштиришди. Мезбонлар ҳам бизлар турган масканга келишди. Табиийки, бизлар юртимиздан кўплаб егуликлар — товук, кўй гўшти, помидор, бодринг ва ўзимизнинг нонлардан олгандик. Ҳамроҳларимиздан Фарҳод ва Қодир столни биз олиб борган егуликлар билан ажойиб қилиб безашди. Мезбонлар дастурхонни кўриб ҳайратланишди.

Ўша куни Назарованинг туғилган куниям экан. Мен ушбу санани шу ерда нишонлашни Петров ва Назаровага айтдим. Аммо Назарова уйида эри ва қизи кутаётганини айтди. Мен уларни ҳам бу ерга таклиф қилишни таъкидладим. Шу тариқа улар ҳам етиб келишди ва биз ижрокўмнинг туғилган кунини меҳмонхонада ўтказдик.

Эртасига иккала туман ўртасида шартнома туздик. Унга кўра, ёғочни бартер йўли билан, товар алмаштириш шarti асосида алмашлашга келишилди. Ана шу тариқа Костромадан Москвага қайтиб келдик. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилган бўлдик. аммо сафар менга таътимади. Чунки «Москвadan 500 чақиримча наридаги Костромада аҳвол қандайлигини наҳотки, Кремлдагилар билмаса, бирон чора топишмаса», дея ўйлардим. «Ҳукумат наҳотки шу даражадаги аҳволга келиб қолди?», деб сафарда хаёл суриб юрдим.

Хоразмга қайтиб келгач, Баягин билан вилоят раҳбари олдига бориб кўрган-кечирганларимизни айтиб, вазият билан таништирдик. Раҳбар «Аминбой ака, энди сизлар шу ҳўжаликни ижарага олиб ишларни ривож топтирасизлар. Директор, ҳисобчи тайинлаб, ишчи

юборасизлар, у ердагилар ҳам бунга рози» дея қилинажак ишга тўхталди.

Шу тариқа келишиб олгач, биз билан Костромага борган инженер Фарҳод Тангировни юқоридаги хўжаликка директор қилиб тайинлаб, 15 ишчи ҳам топиб Урганч темир йўл бекатига тантанали равишда кузатиб қолдик. Бу тўғрида республика ОАВ лари мақола, телерадиолавҳалар тайёрлашди.

АМАЛГА ОШМАГАН ТАКЛИФ

Кунларнинг бирида Урганч тумани раҳбари Маркс Жуманиёзов Гурлан туманига келиб, бизларнинг хўжалик чорва мажмуаси билан танишиб кетди. Уч кундан сўнг эса вилоят раҳбари Мирқосимов бошчилигидаги барча туманлар раҳбарлари, ижроқўм раислари, бизларнинг чоравачилик фермамиз фаолияти билан танишди. Чорва бош сони, ем-хашак тайёрлаш, унинг молларга берилиш жараёни, чорвадорларга яратилган шароит, ишлаб турган бассейн, сауна, тиббий хизмат кўрсатиш бўлими фаолиятлари билан ҳам танишилди.

Бу пайтда чорва фермамиз томонидан ҳар куни давлатга 3,5 тонна сут топширилар эди. Вилоят раҳбари Мирқосимов, ана шу чорва мажмуасини хўжалик ўз пулига барпо этганини, ана шундай муваффақиятларга эришганини айтиб, бошқа туманларда нега бундай тажриба шу пайтгача қилинмаганини таъкидлаб, туман раҳбарларини койиди.

Шунда Урганч тумани раҳбари Маркс Жуманиёзов:

— Ҳурматли ёшулли Мираҳмат ака! Биз туман раҳбарларимиз. Вилоятда 93 та жамоа ва давлат хўжалиги бор. Биз билан сизнинг вазифамиз эса Амин акадек раисларни топиш. Айрим раисларга, ферма мудирларига чорва мажмуаси қуриб берсак ҳам тузуқкина ишлата билишмайди, — деди.

— Сизни ким тўхтатди, Амин акага ўхшаганларни топишдан? — деди бунга қизишган ҳолатда вилоят раҳбари.

Хуллас, вилоятдаги туман раҳбарлари бизнинг чорвачилик мажмуамиздан ўрнак олиб, ишни яхши йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Орадан 15 кун ўтиб Маркс Жуманиёзов Баягинга телефон қилиб, Гурланга келмоқчилигини айтибди. М. Жуманиёзов Баягин билан бизнинг хўжаликка келишди. Далаларни айландик. Тушлик пайти бирга чой ичдик. Шунда Маркс Жуманиёзов:

— Мен Урганч туманида, олдинги Янгибозор тумани ҳудудидаги 9та жамоа ҳўжалиги ва пахта заводидан иборат агрофирма ташкил қилмоқчиман. Бош директорликка эса вилоят раҳбари билан сизни маъқул кўрдик, — деди.

Шунда бу таклиф Баягинга маъқул бўлмади.

— Йўқ, асло, — деди у, — Амин ака бу ҳўжаликни ривож топтирди. Биз уни вилоятдаги энг катта «Коммунизм» ҳўжалигига раис қилиб ўтказмоқчимиз. У ерга газ етиб бормаган, йўллар асфальтланмаган. У ҳўжалик раиси Алексей Иванович Ким кекса, қариб қолди.

— Биз вилоят раҳбари билан бу тўғрида келишдик, — деди Маркс ака Баягинга.

Шу тариқа улар мен тўғримда тортишиб қолдилар. Шунда мен:

— Амин акадан ҳам сўраш керакми? — дедим кулиб.

Иккала суҳбатдошим ҳам индамади.

— Мен қатъий айтаманки, шу ҳўжаликдан бошқа ҳеч қаерга ишга бормаيمان. Шу жойдан нафақага чиқаман. Ҳали қишлоқда қиладиган ишлар бўйича режаларим кўп, — дедим.

Шу тариқа таклиф амалга ошмай, Маркс Жуманиёзов Урганчга кетди. Эртасига эса туманда «Амин Вапоев «Коммунизм» ҳўжалигига раис бўлиб ўтаркан», деган миш-миш тарқалди. Шундан сўнг юқори идораларга менинг устимдан имзосиз хатлар кўпайди. Ҳар ҳафта шу сабаб ҳўжаликка текширувчилар келиб, ҳужжатларни титкилашар, аммо бирон айб тополмай кетишарди. Шу тарзда бир неча ойгача текширувчилар келди-кетди бўлиб, анча вақтимиз шулар билан сарсон ҳолатда бўлди. Аммо мен бунга эътибор бермай кундалик ишларни йўлга қўйиш, бўлаётган иш жараёни билан банд бўлиб юравердим.

Вақт ўтиб бу текширувларнинг боиси юқоридаги миш-миш эканлиги, кимлар буюртмаси билан юқorigа имзосиз хатлар жўна-тилаётгани аён бўлди. Мен ҳаммасига эътиборсиз қараб, яратганга шукр қилиб қўявердим... Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз ахир...

РИГА САФАРИ

Шундай кунларнинг бирида Баягин вилоят раҳбари М. Мир-қосимов топшириғи билан Болтиқбўйига сафар қилиб, машҳур «Адижи» жамоа ҳўжалигига бориб келишимиз лозимлигини айтди. Мақсад ўша ерда йўлга қўйилган иш жараёни, чорва мажмуасидан тажриба ўрганиб қайтиш эди.

Маълумки, собиқ иттифоқ пайтида ҳамма соҳада энг тараққий этган ҳудуд Болтиқбўйи ҳудудлари саналарди.

Шу тариқа Баягин билан Москва, у ердан Рига шаҳрига самолётда учиб бордик. Рига тумани фирқа қўмитасининг биринчи котиби, ёши каттароқ латиш миллатли кишига учрашдик. У «Адижи» хўжалиги раисига телефон қилиб, бизларни кутиб олишимизни сўради. Бизлар учун ҳайратланарлиси, негадир раис рози бўлмади. Биринчи котиб раисдан қайта-қайта илтимос қилди. Ўзбекистондан меҳмонлар келганлиги, тажриба ўрганмоқчи эканлигимизни айтди. «Вақтим йўқ, Марказқўмга Пуго чақирган», деди раис.

— Унда сиз бўлмасангиз раис мувонингиз қабул қилсин, — деди охири туман раҳбари илтимос оҳангида.

Ниҳоят раис шунга рози бўлди. Биз Баягин билан Рига тумани иккинчи котиби ҳамроҳлигида, учаламиз «Адижи» жамоа хўжалигига бордик. Айтилганидек, раис муовини кутиб олди.

Олдинига хўжалик тўғрисида ишланган ҳужжатли фильмни томоша қилдик. Кейин бўлса чорвачилик фермасини кўрсатишни илтимос этдик. Бироқ бизларни фермага киритишмади. Фақат ўрнатилган телекамералар орқалигина молларга ем-ҳашак берилаётганини кўрдик.

Чорва мажмуаси, у ердаги иш жараёни, тажриба алмашиш борасида бирон мутахассис билан суҳбатлашиш имкони бўлмади. Бизларни қизиқтирган саволларга ям жавоб беришни ишташмади. Ҳаттоки туман фирқасининг иккинчи котибиям хўжаликда бирон иш қилолмади.

Шу тарзда ҳафсаламиз пир бўлиб Рига шаҳрига қайтиб келдик. Туман раҳбари айтган меҳмонхонага жойлашдик. Мен Баягинга илгари Ригага келганимда «Рига» деган меҳмонхонада тунаганимни айтгандим, у ҳам ўша ерга боришни маъқул кўрди.

Шу тариқа Ригада икки кун бўлиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, «Юрмала» дам олиш ҳудудини, «Ян фабрисус» сиҳатгоҳини (мен илгари у ерда дам олишга боргандим), Болтиқ денгизи бўйларини томоша қилиб юрдик.

Айни баҳор фасли бўлгани учун қишлоқда экишга тайёргарлик бошланиш арафасида эди. Шу боис биз ўйлаган «Адижи» хўжалигида бирон тажриба ўрганмаганимиз учун, ортга қайтиш фикрига келгандим. Аммо Баягин Ригани яна бир неча кун томоша қилайлик, дея сафарни чўзишни истарди.

Ана шу тарзда бирон бир тажриба ўрганолмай, Москвага қайтиб келдик. Баягиннинг ўғли Арзамас шаҳрида ҳарбий хизмат қиларди. У ўғлини кўриб кетиш истагини билдирди. Ноилож, Горький ва Арзамас шаҳарларига енгил машинада жўнадик. Баягиннинг ўғли Вадик қурилиш батальонида хизмат қиларкан. Улар ишлаётган жойга бориб учрашдик, қисм зобитлари билан танишдик. Дийдорлашувдан сўнг кечаси билан яна машинада йўлга чиқиб, эрталаб Москвага қайтиб келдик.

Москвада Баягиннинг врач сингlisi яшар, икки кундан сўнг эса унинг туғилган куни экан. Шу боис Баягин туғилган кунни ўтказиб, кетишимиз кераклигини айтди. Шу боис яна Москвада икки кун қолиб кетдик. Шу тариқа 12 кун бирон тажриба ўрганолмай уйга қайтиб келдик.

Табиийки, ўғлини, сингlsisini кўргани боис Баягин хурсанд эди. Мен эса вақтимизнинг бекорга сарф бўлганига ачиндим холос. Тўғри Москва, Рига, Горький, Арзамас шаҳарларини томоша қилдик, бепоён Россиянинг ўрмонлари, Рига қишлоқларида бўлдик.

Маълумки, халқимизда, «Юрган дарё, ўтирган бўйра» деган ажойиб мақол бор. Юрт ошиб Литва халқи, уларнинг турмуш тарзи, удумлари билан оз бўлсада танишдик. У ердаги ҳаётни ўзимизникига, бундан илгари Кострома вилоятига борганим учун эса ҳар учала ҳудудни бир-бирига таққослаб кўрдим. Табиийки, бир давлат, аммо учала ҳудудда ҳаёт тарзи умуман бошқача эди. «Адижи»даги қишлоқ билан Костромадаги «Успех» хўжалиги орасида қанча фарқ бор. Табиийки, бизнинг Гурлан туманида «Адижи»дан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп эди. Аммо тажрибани ўртоқлашишга борсангу, ҳаттоки биздаги сингари оддийгина ким қаердан келди-ю, нимага келди борасида мулозимат бўлмаса, хафа ҳам бўлар экансан.

Тўғри биз меҳмондорчиликка бормадик. Аммо ниятимиз «Адижи» дек доврўқ қозонган хўжаликдан тажриба ўрганиш эди. Хўжалик раисининг туман раҳбарига «вақтим йўқ» дейиши бизга ҳайратланарли туюлди. Балки, бу Европа бағридаги литва халқининг вақтни ниҳоят қадрлашидан?! Хуллас, тушунмадим. Нима бўлгандаям, бизникидек ўзбекона ҳаёт тарзимиз шу пайтда энг олий қадрият эканлигига амин бўлдим. Тажрибани ҳам азалий мерос анъаналаримизни бойитган ҳолда ўзимиз орттирганимиз маъқул экан, деган ўйга бордим...

ТАБИЙ ОФАТ: МУАММО ВА МАСЛАХАТ

Кунларнинг бирида вилоят раҳбари Мирқосимов ҳўжалигимизга келди, бораётган иш жараёни билан танишди. Пешин пайти чой ичиб ўтирганимизда эса:

— Аминбой ака, мен сиз билан хайрлашиш учун келдим. Мени Тошкент вилоятига ишга олишмоқчи. Эртага вилоят кегашининг йиғилиши бўлади. Унда вилоят ижроқўмининг раиси Римажон Худойбергановани биринчи котиб қилиб сайлашмоқчи. Сиз ҳам йиғилиш аъзоси сифатида иштирок этасиз. Шу номзодни сиз минбарга чиқиб маъқуллашинингиз керак. Юқоридагиларнинг ҳам фикри шу, — деди.

Табиийки, вилоят раҳбарига нимаям деярдим. «Яхши бўлибди, у киши вилоятдаги шароитни яхши билади. Мен, албатта маъқуллаб гапираман», дедим холос.

Орадан икки кун ўтиб йиғилиш бўлди. Римажон Худойберганова вилоят раҳбари қилиб сайланди. Шовот тумани раҳбари бўлиб ишлаётган Қозоқ Холимбетов эса вилоят ижроқўмига раис қилиб сайланди.

Шундай қилиб вилоят раҳбариятида раҳбар ўзгарди. Римажон Худойберганова яхши, очиқ кўнгил инсон сифатида бораётган иш жараёни билан танишиб олар, буйруқ кўрсатмалар берар, Гурланга келганида эса, албатта ҳўжалигимизга ям ташриф буюрарди.

Ўша йилнинг 17 май куни об-ҳаво ўзгариб, қаттиқ ёгингарчилик бўлди. Дўл, муз ёғиб ҳўжалигимизнинг 1200 гектар униб чиқиб, культивация қилинган пахта майдонига қаттиқ шикаст етказди. Ғўзалар нобуд бўлди.

Эътиборлиси ўша пайтда туман бошқарувида уч тизим юзага келганди. Туман фирқа қўмитаси, туман кенгаши, туман ижроқўми. Фирқа саркотиби В. Н. Баягин, кенгаш раиси Бахтиёр Юсупов, ижроқўм раиси эса Раъно Ибрагимовалар эди.

Мен ёмғир ва муз 1200 гектар ғўзани нобуд қилгани тўғрисида Баягинга телефонда хабар қилдим. У Бахтиёр Юсупов билан бирга келиб, вазият билан танишишди. Далаларда ёмғир суви худди ғўза экилгандек эмас, шоли эккандек ҳолатга келганди. Пахтани бузиб экиш керак. Аммо вақт ўтганди. Бугун экамиз десак, далада сув турарди. Ундай оғир вазиятда ҳеч ким маслаҳат беролмайди. Раиснинг ўзи билади, дейишарди.

Шунда мен Баягинга «мана шоли экиш учун вақт бор. Пахтанинг эса вақти ўтди. Чунки, ҳали 5-6 кунсиз даладаги сув йўқолмайди. Кейин далани суриб экишга тайёрлашга яна вақт кетади. Пахтага кечикдик», дедим. Баягин эса мени ҳайратда қолдириб:

— Фермадаги моллар учун ғовуш (жўхори, маккажўхори) экин! — деди бирданига.

— Ахир 1000 гектар ерга ғовуш экиб нима қиламиз? Чунки минг гектарга пахта эккан пудратчилар шунинг ҳосилидан даромд олиб кун кечиради. Ахир улар ғовуш билан рўзгор тебратолмайдику? — дедим менга унга.

Баягин индамади. Шу куни кечга яқин вилоят ташкилотларидан жуда кўп раҳбарлар, қишлоқ хўжалиги бўйича етук мутахассислар келишиб, вазият билан танишишди. Бироқ улар ҳам «нима қиламиз?» дея мендан сўрашар, бу саволлар менинг жигимга тегарди. Негаки, мен улардан жўяли маслаҳат, аниқ бир илмий йўналишди кўрсатма кутсам-у, улар яна мендан «нима қилмоқчисиз?», деб сўрашса?

Шу тахлит жаҳлим чиқиб 30-35 кишилик вилоятдан келган мутахассислар билан далаларни айландик. Ҳаммаёқ сув. Бирон туп пахта ниҳоли қолмаган. Муз барчасини йўқ қилганди. Хуллас вазият билан танишган мутахассислардан жўяли фикр ололмаган: «Ўртоқлар, илтимос мени тинч қўйинглари! Энди вазиятдан чиқиш йўлини ўзим ҳал қиламан!» дедим қаттиқроқ оҳангда. Жаҳлимнинг чиққани уларни ҳайрон қолдирди. Шу сабаб улар бирин-кетин даладан чиқиб кета бошлашди.

... Орадан уч кун ўтди. Бу орада ҳар кун-у, тун пахтани ўйлайман. Нима қилмоқ керак? Шоли экишга рухсат бўлмади. Фермадаги моллар учун ғовуш экишга ҳам ҳожат йўқ. Демак, пахтани қайта экмoқ керак! Аммо далани қайтадан суриб, яна экишга қанча вақт кетади? Техника, ишчи кучи етармикин? Ҳа, сўнгги имконият, яратгандан мадад сўраб пахтани қайта экиш керак!

Оллоҳга қилган ноаларимиз етиб борди шекилли, бу орада даладаги сув ерга сингиб кетди. Ниҳоят 20 май куни пахта экилган ерларни қайтадан бузиб ҳайдашни бошладик. Пудратчилар, қишлоқ ишчилари, тракторчилар, трактор гаражидаги ходимлар ишга жалб этилди. «Эшимжирон», «Олга», «Сахтиён» қишлоқларидаги жамоа хўжаликларининг трактор, сеялкалари ёрдамга келди. Иш тун-у, кун давом қилди. Шу тариқа 26 май куни 1200 гектар пахтани қайта экиб, тамом қилдик.

Ерда нам бўлгани учунми, тўрт беш кун ўтмай ғўзалар бир текис кўкариб ҳам чиқа бошлади. Шу билан бирга унган пахта ниҳоли тез ривожланиб, ягана қиладиган пайт ҳам яқинлашганди. Бу борала нафақат Гурлан туманида, балки вилоятда пахтадан юқори ҳосил олиб муваффақиятларга эришган, меҳнатлари эвазига орден, медаллар, «УАЗ» машинаси билан тақдирланган «Эшимжирон» қишлоғилик бригадир Карим Юлдашевни маслаҳатга чақирдим.

— Пахтанинг ҳар бир метрига 7 туп ниҳол қўйиб ягана қилишсин, кейин «мачавина» номли ўғитни ҳозирдан гектарига 700 кгдан солдир, сувғоришни эса кечроқ қилиш керак, ҳозирча ўзидаги нам етарли, — дея аниқ маслаҳат берди Карим ака.

Карим акамни пахта ичида вояга етган десаям бўларди. Негаки, болалигидан то ўша нафақага чиққунча шу экин унинг тақдирига айланганди. Айнан пахтадан юқори ҳосил олиб, номдор бригадир бўлиб донг таратди. Шу боис унинг маслаҳатларига амал қилдим. Натижада кузга келиб иккинчи бор қайта, бунинг устига кеч экилган пахтамиз ҳосили ғоят мўл бўлди.

Вилоят бўйича 93 жамоа хўжалиги пахта экадиган бўлса, ана шуларнинг орасида сентябрь ойида 84-бўлиб «Коммуна» хўжалигимиз турарди. Давлатга йил якунида пахта сотиш бўйича режани туманда иккинчи бўлиб бажардик. Бу муваффақиятларимизда пахтага бор эътиборини қаратган бригадирлар, ҳисобчи ва пудратчилар, қўйингки қишлоқдаги катта-ю кичикнинг роли бор эди. Ҳаттоки, 100 фоиз пахтани қайта эккан Зариб «беларус» лақабли бригада бошлиғи ўша йили 46 центнердан ҳосил олишга эришганди.

Хўжалигимиз ном қозонган илғорлар сафида бўлгани, қолаверса ўша йилги ёмғиру, муздан зарар кўриб, пахтани қайта эккан-лигимиздан вилоят, республикадан кўплаб раҳбарлар келиб, иш жараёни билан танишишди. Бир куни Марказқўмнинг котибларидан Икрамов барқ уриб ривожланаётган пахтамизни кўриб, қачон экилгани билан қизиқди.

— Май ойининг сўнгги кунларида, — дедим.

У киши дастлаб ишонмади. Мен эса унга табиий офат етказган шикаст, қайта эккан пайтдаги қийинчиликлар, фақатгина доно деҳқонлар маслаҳати, агротехника қоидаларига амал қилибгина пахтани шу даражага етказганимиз тўғрисида сўзлаб бердим. Айнан воқеани бошқалардан ҳам эшитиб, бевосита пахтазор ичида юриб, у киши қилинган меҳнатларимиз зос кетмаганига амин бўлди ва «Уста пахтакор экансиз», дея тан берди.

Айтмоқчи бўлганим, инсон ҳаёт зарбаларига, синовларига учраб қолган пайтда, табиий офатлар рўй берган дамда шошиб қолмаслиги, аниқ ва энг ишончли, кўпни кўрган доно инсонлар маслаҳатигагина амал қилиши керак экан. Агарки, туман раҳбарининг гапига амал қилиб 1200 гектарга ғовуш экканимизда қишлоқ деҳқонларининг иқтисоди, турмуш тарзи ўша йили, сўнгги йили қандай бўларди?

Ҳа, биз муаммо олдида эсанкирамай, донолар маслаҳатига, тажрибасига амал қилиб, қишлоқ аҳлининг сидқидилдан қилган меҳнати эвазигагина пахтадан юқори ҳосил олдик. Бу бизга ишонган инсонлар олдида юзимизнинг ёруғ бўлгани, иқтисодиётимизнинг янада ривож топгани эди.

РАИСЛИК ДАВРИМГА БИР НИГОҲ

1980 йили «Коммуна» жамоа ҳўжалигига раис қилиб сайланган бўлсам, умримнинг, тақдиримнинг бир қисми «Бирлашган» қишлоғи билан боғлиқ бўлиб қолди. Бу давр мен учун бир мактаб бўлди, десам янглишмайман.

Қишлоқдаги ҳаёт тарзи, одамлар билан инсоний ва раҳбар сифатидаги муомила, юқори ташкилотлар томонидан топширилган ҳар бир топшириқ, кўрсатмаларни бажартириш, бунинг учун, бевосита қишлоқ шароитида шу вазифаларни бажара оладиган ходимни топиб, ўз ўрнига қўя билиш, унга ўз тажрибамдан келиб чиқиб маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, ишнинг бажарилишини назорат этиб бориш, хуллас оддий одамлар ишончини қозониш, ҳурматини топиш — буларнинг бари раисчилик йилларимдан орттирган тажрибам, десам бўлади.

Ҳалол, ўз ишини билиб қилган инсоннинг меҳнатини муносиб баҳолаб тақдирлай билиш, камчиликка йўл қўйган ходимга дастлаб танбеҳ бериш, хатони айнан ўзи яна қайта-қайта такрорлайверса, ишидан озод қилиш ҳам раҳбарнинг вазифаси, деб билганман. Хуллас, энг асосийси эл билан бўлиб, эл ичида яшаб, эл ишончи ва эл олқишини олмоқ. Буларнинг бари, эл-у юрт хизматида бўлмоқ, деган ўғитлардир.

Раислик қилиб қишлоқдан кўплаб дўстлар орттирдим. Мана орадан анча йиллар ўтган бўлсада, «Бирлашган» қишлоғида неки бир тадбир, тўй-у, маърака бўлса туман марказида яшашимга қарамай, менга хабар беришади. бориб қишлоқ аҳлининг яхши-ёмон кунларида эл ичида бўламан.

Раисликнинг қарийиб 12 йили давомида «Бирлашган» қишлоқдаги кўплаб яхши инсонлар билан ишладим. Булар: қишлоқ кегаши раиси Янгибой Сапоев, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси ўринбосари Карим Жуманиёзов, фирқа котиби Саъдулла Давлетов, Собир Матқурбонов, Тўлибой Матёкубов, Юлдаш Бобожонов сингари агрономлар, бош муҳандис Худоёр Юсупов, бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Тожибой Ортиқов, Қурол Отажонов, омбор мудири Юлдаш Нурметов, ферма мудирлари Аҳмад Ибрагимов, Амин Юсуповлар, бригада бошлиқларидан Мадамин Жуманов, Қурол Ражабов, Турсунбой Сафаров, Бобожон Нурметов, Худоёр Аҳмедов, Шермат Юлдашев, Кўклан Рахимов, Човдир Жуманов, Канжа Ёвқочев, Худоёр Ироҳимов, Тангирберган Абдуллаев, Юлдаш Холметов, Наримон Оллабергенов, Римбой Жабборов, Зариббой Эрметов, Ражаб Матқурбонов, Зариб Беларус, Мирза Матёкубов, қурилиш инженерлари Янгибой Давлетов, Халилла Сапарбоев, механик Жумамурот Кенжаев, қурилиш бригадаси бошлиғи Ўрол Кенжаев, тракторчилардан Мадраҳим Сапарматов, Мадамин дали каби менга ҳамқадам бўлган, қилаётган ишларимни қўллаб-қувватлаб турган фидойи инсонлар, барча қишлоқ аҳлидан миннатдорман. Ана шу инсонлар меҳнати, уларнинг фидойиликлари сабаблигина жамоа хўжалигимиз ўша даврларда шухрат қозонди, обрў орттирди.

Ана шу мен 12 йил ишлаган қишлоқ аҳолисининг қизиқ одатлари бор эди. Инсонлар ҳар хил лақаблар билан айтиларди. Менинг эсимда қолганлари кўсалар, шағаллар, қарғалар, ғударлар, қанқилар, туялар, эшонлар, мастонлар, чўтонлар, хўжалар, слимлар, шайхлар, тиряклар, дарғалар, шайтонлар, сахиралар, телпаклар, қўқирлар, қийқимлар, лайлаклар, корейслар, татарлар, чақчимлар, саиллар, сўпилар, марганлар, қоралар, давлар, махсумлар, тошлар, полвонлар, пўрхонлар, саллаҳлар, ўрислар, туркманлар, беглар, шононлар, қуллар ва шунга ўхшаш жуда кўп лақаблар борки, булар асрлар оша ўз авлодларидан мерос бўлиб келган лақаблари билан яшайверадилар.

Менинг техникумда бирга ўқиган ва кейинчалик тақдир тақозоси билан бирга ишлаган дўстим Карим дав Жуманиёзов бўларди. Давлар сулоласи жуда кўпчилиликни ташкил қилади ва турли соҳаларда ҳалол ишлашардилар. Дўстим Каримбой давнинг акаси Жобберган дав жуда меҳнаткаш, ақли, ўз даврининг сеvimли деҳқони бўлиб, у бригада бошлиғи бўлиб ишлаган, ҳамда турмуш ўртоғи Салима опа ҳам шу даврнинг энг серғайрат аёли бўлиб катта Давлат мукофотларига

сазovor бўлган онахон эдилар. Жобберган ака ва Салима опа жуда яхши фарзандларни тарбиялаган, уларни жамиятимизга фойдаси тегадиган турли касб эгалари қилиб вояга етказганлар. Уларнинг 5 та ўғли бўлиб, энг каттаси Қодирберган ва энг кенжаси Олимбойлар қўшни Туркменистоннинг Тошхавуз вилоятида яшаши ва катта хўжаликларга раҳбарлик қилиб, обрў эътиборга эришиб ишлаб юрибдилар.

Мадраҳим дав ҳам эл ҳурматидаги инсон бўлиб етишди. Солий дав тумандаги марказий шифохонада врач бўлиб хизмат қилмоқда. Махсуд дав химия-техника фанлари доктори, профессор, ўзи яратган илмий ишларни ҳаётга тадбиқ қилиб, халқимиз ҳурматига сазовор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мен колхозда ишлаган давримда Каримбой дўстим менинг биринчи ўринбосарим бўлиб ишлади ва қишлоқни обод қилишда жуда катта хизмат қилди. Нима ҳам қилардик дўстим дунёдан эртароқ ўтиб кетди. Унинг 3 та ўғли ва 1 та қизи ҳам отасидек эл учун хизмат қилмоқдалар. Ана шу каби инсонларни айтса керак, — «Умр боқий инсонлар» деб. Элда давлар сулоласидек инсонлар кўпайиб, элга ҳалол хизмат қилаверсинлар. Жобберган ака, Каримбойларни қишлоқ аҳли «умр боқий инсонлар» деб ҳануз ҳурмат билан эслашади.

1990-91 йилларда хўжалик бошқарув идорасининг янги биноси, давлат маблағига қуриб ишга туширилди. Икки қаватли замонавий қишлоқ маданият уйини барпо этишда эса хивалик машҳур раис Рўзмат Мадаминовнинг ўғли, касби қурувчи инженер бўлган Матёқуб Мадаминовнинг ўрни катта бўлди. Кейинчалик у отаси номи билан аталувчи Хивадаги хўжаликка раис, 1997-2005 йилларда бўлса Хива туманига ҳоким бўлиб ишлади. Биз ҳозир ҳам Матёқуб билан ака-укалардек муносабатдамиз.

Шу билан бирга раислик давримда янгидан тўртта боғча қурилиб, қишлоқдаги мактабгача таълим муассасалари сони 6 тага етди. Боғчада ўша пайтда қишлоқдаги 70% мактабгача бўлган болалар тарбияланарди. Бу эса уларнинг оналари хотиржам равишда қишлоқдаги ишлар билан сидқидилдан меҳнат қилишига сабаб бўлди.

Шунингдек, учта мактабга қўшича синфлар барпо этилиши натижасида, барча мактабларда ўқиш бир босқичда олиб бориладиган бўлди.

Энг асосийси, мен раис бўлиб борган пайтимда қишлоқнинг бир метр йўли ҳам асфальт қилинмаган эди. 1990 йилга келиб бўлса

«Бирлашган» қишлоғидаги барча кўчалар асфальт қилинди. Мен ана шу даврда илгари қишда лой, ёзда чанг-у тўзон бўлиб ётган йўллар замонавий ҳолатга келганидан, шу ишларга ташкилотчилик қилиб, бош бўлганимдан қувониб юраман.

Бу йиллар менинг оилавий ҳаётимда ҳам қувончли давр бўлди. Болаларим вояга етиб, ота сифатида уларнинг камолини кўриш насиб қилди. Ўғилларимни уйлантириб, қизларимни турмушга кузатдик. Набиралар туғилди.

Ҳамро 1982 йилда, Замира 1987 йилда, Баҳром 1988 йилда, Муҳаббат 1990 йилда, Мақсуда 1991 йилда оилали бўлиб, ўзларига муносиб турмуш ўртоқларини топишди, элу юртда ўзлари танлаган касбларда ишлаб, обрў орттиришди. Ҳамро ўғлим илмий ишини муваффақиятли якунлаб, 1987 йилда қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди даражасига етишди.

1990 йил. ...Бу пайтга келиб давр ҳам ўзгараётган, Горбачёвнинг қайта қуриш сиёсати таъсирида энди юқорига эмас, пастки бўғинга эътибор ошган, эркин сайловлар жараёни амалга ошаётган йиллар эди. Шу йили туман фирқа ташкилотининг конференцияси бўлиши керак эди. Туман фирқасининг биринчи котиби ва котиблари сайланиши лозим. Ўз вазифасида ишлаётган В. Баягин яна ўз мансабида қолиши, яна бир муддагга сайланиш учун турли ҳаракатлар қила бошлади. Айрим кишилар Баягин учун овоз беринг, дея конференция делегатларига ташвиқот қилишга ўтишди.

Вилоят фирқа кенгашининг иккинчи котиби И. П. Нетяга ҳам Баягинни қайта сайлаш учун ўз ҳаракатларини бошлади. Конференцияга икки кун қолганида мен раислик қилаётган хўжаликка Нетяга ташриф буюрди. У хонамга келганича «сен билан бир пиёла чой ичмоқчиман», деб айтди кутилмаганиди. Табиийки, ўзбекчилик, у киши айтмаса ҳам хўжалик меҳмонхонасида унга мезбонлик қилардим. Шу боис рози бўлиб Баягинни ҳам қақирайлик, деган таклифимни айтдим. «Йўқ, мен фақат сен билангина чой ичиб, суҳбатлашмоқчиман», деди Нетяга. Мен бунга ҳайрон бўлдим. Чунки вилоятнинг иккинчи раҳбари тумандаги раис билан туман раҳбарисиз гаплашиши илгари бўлмаганиди.

Шу таҳлит меҳмонхонада ўтирганча чой ичиб суҳбатлашган бўлдик.

— Сенинг Гурланда обрўйинг катта. Буни вилоят раҳбари яхши билади. Сен тўғрингда яқинда яхши бир хабар бўлади, деди Нетяга муғомбирлик билан кулганича, — сен... сен фақат раис вазифасида

ишлашинг керак. Агар бошқа ишга ўтсанг, яхши хабар бўлмаслиги аниқ.

— Қандай яхши хабар экан, эшитайлик, — дедим мен ҳайрон бўлиб унга.

— Кейин биласиз, — дея бу ҳақда индамади у.

Мавзу ўз-ўзидан туман фирқа конференциясига тўхталди.

— Конференцияда Баягинни қайта сайлаш лозим. Сен ҳам унга овоз беришинг керак, — дея шартни қўйди у.

— Хўп, шундай қиламан, — дедим унга қараб.

— Аммо сенинг овозинггина кифоя қилмайди, — дея Нетяга менга қўлидаги қоғозни узатди.

Унда тумандаги 12 та раҳбарнинг исми-шарифи ёзилганди. Улар ҳўжалик раислари, пахта тозалаш заводи директори ва айрим идора бошлиқлари эди.

— Бу раҳбарлар сен нима десанг, шуни қилишади. Ана шу кишиларни Баягин учун овоз беришини ташкил қилиб беришинг керак, — қатъий равишда топширди Нетяга.

— Бу инсонлар менинг раҳбарлигимда ишлашмайди. Қолаверса, уларнинг ўз фикрлари бор. Мен сиз айтгандай қилсам ҳам, улар гапимга кулоқ солишмайди, — дея жавоб бердим.

— Эшитишимча, делегатлар сенинг номзодингни биринчи котибликка таклиф қилишмоқчи экан. Сен бу таклифни рад қилиб, яна Баягинни қўллаб қувватла. Сен раис вазифасида қолишинг керак, — дея гап бошлаганди Нетяга, мен унинг гапини бўлдим:

— Агар делегатлар менинг номзодимни кўтаришса, ўзим таклифни рад қиламан.

— Тўғри қиласан, — деди Нетяга, — сен Баягинни биринчи котиб вазифасида қолишига ёрдам берсанг, мен сенга ёрдам қиламан. Яқинда мен Кремлга — Ўрта Осиё республикалари бўйича инструктор бўлиб ишга кўтариламан. Сени, албатта Меҳнат Қаҳрамони унвонига тавсия қиламан, дея қатъий ваъда берди у.

— Йўқ, айнан 12 раҳбар менинг айтганимга кўнади, — дея айтолмайман. Ўзимга нима боғлиқ бўлса, фақат шуни қиламан, — дея ҳулосавий жавоб бердим унга.

Шу тариқа суҳбатдан сўнг Нетяга тўғри Баягиннинг уйига кетди.

Эртасига туман конференцияси бошланди. Йиғилишда вилоят фирқа кенгашининг иккинчи котиби Нетяга қатнашди. Боя айтилганидек менинг номзодим биринчи котибликка таклиф қилинди. Мен эса дарров ўрнимдан туриб, «ёшим катта, қишлоқда

қиладиган ишларни режалаштириб қўйганман», дея номзодимни қайтариб олдим.

Шундан сўнг, мулоҳазалар бошланиб кетди. Нетяга менга биринчи бўлиб сўз берди. Мен кейинроқ сўзга чиқишимни айтдим. Навбат учинчи бўлиб менга келганида эса:

— Баягинни яхши инсон сифатида биламан. Бироқ туманга раҳбарликни яхши бажара олмаяпти. Шунинг учун бу вазифага ўзимизнинг Гурлан туманилик касби инженер бўлган, ёш бўлсада раҳбарлик вазифаларидаям ишлаб, тажриба орттирган Бахтиёр Юсуповни биринчи котибликка сайласак яхши бўларди, — дея ўз таклифимни айтдим.

Ана шу тариқа конференцияда иккита номзод — Баягин ва Бахтиёр Юсупов номзоди илгари сурилди. Делегатларнинг қўллаб-қувватлаган овози билан Бахтиёр Юсупов биринчи котиб вазифасига сайланди.

Бахтиёр Юсупов яхши, ҳалол инсон эди. У қарийиб икки йил Гурлан туманига раҳбарлик қилди. Пахта, шоли тайёрлаш режалари республикада биринчилар қатори бажарилди. Тумандаги марказий спорт ўйингоҳи ҳашар йўли билан қуриб ишга туширилди.

Кейинчалик у вилоятдаги бошқа ташкилотларда раҳбарлик вазифасида ишлаб, элда обрў орттирди. Гарчи касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмиб кетган бўлсада, яхши инсон сифатида ном қолдирди. У турмуш ўртоғи Гулсара билан уч нафар ўғил ва бир қизни камолга етказиб, жамиятга керакли етук мутахассислар қилиб тарбиялашди.

...Орадан бир йил ўтди. 1991 йил 1 сентябрь. Ўзбекистон Мустақилликни қўлга киритди. Аждодларимизнинг асрий орзуси ушалди. 74 йиллик мустамлакачиликка барҳам берилди. Турли хил хавф-хатар ортда қолди. Москвадан келадиган Гдлян ва бошқа гуруҳларнинг текширув ва тазйиқи барҳам топди. Халқ енгил нафас ола бошлади. Айнан ўша йили пахтадан юқори ҳосил олиниб, хўжалигимиз муваффақиятга эришди.

Йил охирида таътилга чиқиб, Тошкентдаги «Турон» сиҳатгоҳида дўстим қўшним Юлдаш Қўчқоров билан ҳордиқ чиқараётгандик. 1992 йил январнинг 20 кунда телевизор орқали Президентимиз Ислон Каримовнинг фармони эълон қилинди. Унда Хоразм вилоятига Маркс Жуманиёзов ҳоким қилиб тайинлангани айтилганди.

Юлдаш Қўчқоров билан иккаламиз Маркс акани олдиндан танирдик. Шу боис иккимизнинг номимиздан у кишини қутлаб табрик телеграммасини юбордик. 28 январь куни сиҳатгоҳ бош врачининг котибаси келиб, «Амин Вапоев ким бўлади?», дея мени суриштирди. Унинг айтишича, мени вилоятимиз ҳокими Маркс Жуманиёзов телсфонда сўраётган экан.

Мен бунга ҳайрон бўлиб телефон олдига бориб, у кишига салом берганча ишларида муваффақиятлар тиладим.

— Раҳмат Аминбой ака, табрик телеграммангизни олдим. Сиз бугуноқ Урганчга қайтиб келинг, учрашишим керак, — деди Маркс Жуманиёзов.

— Мен эндигина 5 кун сиҳатгоҳда даволаняпман. Яна 9 кун вақтим бор. Муддатни тамомлаб, борсам бўлмасмикан? — дея ўз истагимни айтдим.

— Йўқ, бўлмайди, — агар керак бўлса яна бориб сиҳатгоҳга қайтасиз, — деди қатъий қилиб ҳоким.

Мен «хўп» дея гўшакни қўйдим. Шу тариқа Юлдаш Қўчқоров билан аэропортга бориб Урганчга чипта олдим ва кечкурун Маркс Жуманиёзовнинг қабулига кирдим.

Маркс ака билан олдиндан қадрдон эдик. Шу боис у мени «оқсоқол», дея айтарди.

— Оқсоқол, — деди ҳоким, — сизнинг раис сифатида қишлоқда қиладиган ишингиз қолмади. Энди туманга келиб, иш бошлайсиз!

Мен бироз индамай қолдим. «Ҳа, нима бўлди?» сўради ҳоким.

— Ахир ёшим 56га етган бўлса. Худо хоҳласа яна 4 йилдан кейин нафақага чиқаман. Мени илтимос шу қишлоқдан қўзғаманг. Раисчилик менга етарли, — дея мақсадимни айтдим.

— Тўғри, сиз қишлоқда анча ишлаб, яхши иш қилдингиз. Раисчиликка муносибсиз. Буни мен яхши биламан. Лекин бир нарсаси бор дўстим. Ахир туман ҳокими, Гурландек катта туман ҳокими сифатида одамлар сизни кўришни истаяпти. Мен ишонаманки Сиз туманни ҳам «Коммуна» хўжалиги сингари ривожлантириб юбора оласиз. Бунга раҳбарлик қобилиятингиз, ақлу-идрокингиз етади, дея ўйлайман, — деди Маркс ака жиддий оҳангда.

Мен индамай эшитишда давом этардим.

— Нима, бошқа одамлар ҳоким бўлишни истамайдими? Жуда кўп раҳбарлар мени ҳоким қилиб тайинламасмикан, дея орзу қилиб юришибди. Мен эса сизни танладим, тушиндингизми? — деди ҳоким.

Мен яна индамадим. Шундан кейин Маркс Жуманиёзов Марат Юсупов деган вилоят ҳокимлигидаги бўлим бошлиғини чақирди.

— Оқсоқолнинг иш маълумотномасини, ҳужжатларини расмийлаштиринг, — буйруқ берди ҳоким.

Мен эртасига яна Тошкентга сиҳаттоҳга жўнаб кетдим. 1992 йилнинг 12 феввали. Туман кенгашининг йиғилиши бўлиб, унда мени депутатлар вилоят ҳокимининг тавсияси асосида Гурлан тумани ҳокими қилиб сайлашди. Шу тариқа мустақиллигимиздан кейинги Гурлан туманига биринчи ҳоким сифатида иш бошлашдек масъулиятли вазифа менинг зиммамга тушди.

ҲОКИМЛИК МАСЪУЛИЯТИ

1992 йилнинг январь ойи. Гурлан туманига ҳоким қилиб тайинланганим муносабати билан барча жамоа ҳўжалиги раислари, идора ташкилот раҳбарлари, дўстлар, синфдошлар, қариндошлар, қудалар, хуллас кимники танисам, мулоқот қилган бўлсам, бари мени табриклашарди. Албатта, ҳокимлик бошқаруви янги тизим бўлгани, 56 йиллик ҳаётим шу туманга боғлиқлиги сабаб, умр йўлларимда турли инсонлар билан учрашиб, ҳаётий тажриба тўплаган эдим. Шу боис ҳокимликни мен ўзимга масъулият, шу кунгача тўплаган обрў-эътиборимни сақлаб қолишгина эмас, уни янада мустаҳкамлаш, элга, мустақил ватанимизга хизмат қилиш, деб билардим.

Ана шу боис икки кундан кейин ҳокимликнинг мажлислар залига тумандаги барча идора-ташкилот раҳбарлари, жамоа ҳўжалиги бошқаруви раислари-ю, бригада бошлиқлари, мактаб директорларини — ҳаммаси бўлиб 600 кишини таклиф қилдим.

Кун тартибида ҳокимлик бошқаруви жорий этилгани, «райқўм, райижроқўм» сингари шўро даврининг эскича бошқарув услубидан воз кечилгани, эндиги иш тартиби қандай бўлиши кераклиги тўғрисида бир соатча маъруза қилдим.

— Ҳурматли дўстлар, менинг Гурланда таниш-билишларим, синфдош-у, ҳаётда орттирган дўстларим, қариндош уруғларим, қуда андаларим кўп. Улардан, ҳаммангиздан илтимосим шуки, мендан ноқонуний бир нарсани илтимос қилиб, ёки мансаб сўраб, бировларнинг ғайри-қонуний ишларини мен орқали ҳал қиламан, деб менга мурожаат қилиб юрманг. Шунингдек, мени ёмон кўради,

яхши кўради, дея беҳуда игво, фитна-фасод гапларниям сўзлаб юрманг.

Ҳоким эканман менинг дўстим шундай кишики, у ҳалол меҳнат қилса, амалдаги қонунларни бузмай ишласа, шу киши билан ишлашга тайёрман ва уни ҳурмат қиламан. Керак бўлса шу сингари инсонларни ҳимоя ҳам қиламан, — дея йиғилганларга дилимдаги борини очиқ-ойдин айтиб ўтдим.

Ҳамма гапимни жим ўтирганча эшитиб ўтиришарди. Шу тарзда ички тартиб-интизом, кадрларга бўлган муносабат, ҳурмат-эътибор тўғрисидаям алоҳида тўхталиб ўтдим.

Бу йиғилиш, менинг ҳоким сифатида биринчи бор Гурландек «кадхудолар эли» дея довруқ қозонган, эл кадхудолари — раҳбарлари орасидаги биринчи сўзлашим эди.

Орадан икки-уч кун ўтиб, туман марказий шифохонаси бош врачлари Ўрозбой Машарипов билан шифохонага бориб, касаллар ётган хоналар, у ердаги вазиятни бориб кўрдим. Шифо истиғидаги беморларнинг ҳол-аҳволидан хабар олдим. Муаммолар ҳақида шифокорлар ва беморлардан сўраб-суриштирдим.

Шифохонада кўрганим шу бўлдики, бинонинг ички қисми таъмирга муҳтож бўлиб қолган, беморлар ётган кўрпа-ёстиқ, тўшаклар абгор аҳволга келиб қолганлигини аниқладим. Бош врач билан омборга бориб кўрсак, биронтаям кўрпа-тўшак сўнгги йилларда шифохонага ажратилмаган, шу боис омборда ҳеч нарса йўқ эди.

«Тез тиббий ёрдам» бўлимига бориб, уларнинг ҳам иш фаолиятини кузатдим. Телефон қилиб «тиббий ёрдам» сўраётганлар бор, аммо машиналар етишмайди. Ёки машина бор-у, бензин йўқ. Хуллас, бу борада ҳам муаммо бор. Мен бош врачдан бўлимда неча машина борлигини суриштирдим. У учта машина бўлим ихтиёрида эканлиги, аммо улардан иккитаси носозлиги тўғрисида нолининг гапирди.

Булар биргина Марказий шифохонадаги муаммолар эди. Жойлардаги қишлоқ врачлик бўлимлари, умуман бошқа идора ташкилотларда-чи?

Хуллас, ишхонамга бориб, кечкурун тумандаги барча идора-ташкилот раҳбарлари, жамоа хўжалиги раисларини мажлисга тўплатдим. Мажлисда шифохонани таъмирлаш, «тез тиббий ёрдам» машинасини олиб бериш, носоз машиналарни тузатиш, кўрпа-тўшаклар олиб бериш бўйича сўзлаб, қилиниши зарур бўлган бу

ишларни идораларга, жамоа хўжаликларига тақсимлаб чиқдик. Ишнинг боришини эса ўзим назорат қилиб турдим.

Шунингдек, туман марказидан узоқроқдаги «Гулистон», «Бирлашган», «Янгиобод», «Вазир» қишлоқларидаги врачлик бўлимлари учун биттадан «тиббий ёрдам» машинаси олиб беришга келишиб олдик. Шу тарзда 10 кун ичида айтилган машиналар олинди, шифохона ихтиёрига берилди. Бир ой ичида эса шифохона учун зарур кўрпа-тўшак, ёстиқ, жилдлар ҳам олинди. 35 кун ичида бўлса Марказий шифохона бинолари таъмир қилинди.

Қилинган ушбу хайрли ишимиз вилоят ҳокимлигида эътиборга олинди, менга бу борада сўз берилди. Қилинган, қилинаётган ишлар тўғрисида сўзладим. Шу тариқа бу борадаги хайру-савоб ишимиз бошқа туманларга ҳам жорий қилиниб, оммалаштирилди.

Бундан ташқари раислик пайтимдан билардимки, туман ички ишлар бўлимида кечқурунги навбатчилик учун ҳар кун тумандаги идора, ташкилот, жамоа хўжаликлари галма-гал бир машина ажратишарди. Ана шуни эътиборга олиб, туман ИИБ учун ҳам битта машина пахта тозалаш заводи ҳисобидан олиб берилди.

Шу каби туман ИИБ бошлиғи миниб юрган машина ҳам эскириб қолганди. Бошлиқни чақириб гаплашсам, машина олиш учун ҳокимлик фармойишини чиқариб беришингиз керак, деди. Фармойиш чиқарилиб ИИБ бошлиғим шу тарзда машиналик бўлди. Мана орадан йигирма йилча бўлдики, қайсики туман ИИБ бошлиғи билан учрашиб қолсак, «сиз олиб берган машинада юрибман», дея раҳмат айтиб қўяди...

... 1992 йилнинг баҳори. Деҳқончилик мавсуми бошланди. Жамоа хўжаликларида техникаларни экишга тайёрлаш, ернинг шўрини ювиш ишлари анча оғир кечди. Техникалар учун эҳтиёт қисмлар етишмас, дарёда сув кам, ҳамма ҳудудларда сувни юқорига кўтариб етказувчи насосларни ишлатиш зарур эди. Сув насосларини ишлатиш учун эса, ёқилғи кўп талаб қилинарди. Шу сабабдан, каналларда сувнинг сатҳини кўтариш, насоссиз суғориш масласи билан шуғуллана бошладим.

Қилич Ниёзбой арнасининг юқори қисмида дарё сувининг сатҳини сақлаш одатдагидек эди. Мен вилоят сув хўжалиги бошқармаси ва «Упрадик» ташкилоти раҳбарлари билан дарёнинг сув сатҳини бош сув тақсимлагич (сооружения) да эмас, Боғолондаги сув тақсимловчи масканда сақлашга келишдим. Шундай қилинса истаган вақтда Гурлан каналига етарли сув бериш имконияти

тугиларди. Бундай ҳолатни мутахассислигим гидротехник бўлганлиги, қолаверса, туман ижроқўмига раислик қилган вақтимдан яхши билардим. Ана шу тадбирни амалга ошириш натижасида Тўқсонёл тизимида сув етарли бўлиб, кўллаб далаларга сув ўз оқими билан оқа бошлади. Бу эса насосларнинг кам ишлашига, маблағнинг тежалишига сабаб бўлди.

Пахта экиш бошланиши арафасида вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов, Шариф Қурбоновдек тажрибали раҳбарлар туманимизга келиб, ҳар йилги бўладиган пахта экиш семинарини Гурланда ўтказиш кераклигини айтишди.

Пахта экишга бағишланган вилоят семинари Сахтиён қишлоғида ўтказилиб, унда вилоят бўйича жами 1500 дан зиёд мутахассислар, хўжалик раҳбарлари иштирок қилишди. Семинарда вилоят ҳокими қишлоқ хўжалигида кўп йиллар муваффақиятли ишлаб элга намуна бўлган хўжалик раислари С. Т. Ким, А. И. Ким, Солий Каримов, раҳбарлик вазифаларида ишлаган Римбой Ражабов, Хан Бен Нам, бригада бошлиқлари бўлган Оллам Маткаримов, Карим Йўлдошевларни эъозлаб, уларга чопон кийдирди, ҳурматини жойига қўйди.

Ўша куни Маркс ака тумандаги «Ленин номидаги жамоа хўжалигининг номини ўзгартирмадингизми?», дея сўради. Кейин «Урганч туманиликлар «доҳий» номини олдин шу хўжаликда раис бўлган Сотим Қаландаров дея ўзгантиришди», деб қўшимча қилди.

Шунда мен Маркс акадан, «бизлар ҳам Иброҳим Холметов дея ўзгартирсак бўлмасмикан?!», деган истак маъносидаги таклифимни айтдим.

— Иброҳим ака неча йил раис бўлган? — ўйланиб туриб сўради вилоят ҳокими.

— Йигирма йилдан зиёд, — дея жавоб бердим.

— Яхши, ўйлаб кўринглар, ўзларингиз биласизлар, — дея Маркс ака ном қўйишни ихтиёримизга қўйиб берди.

Кечқурун айтилган жамоа хўжалик аъзоларининг умумий йиғилишини ўтказдик. Унда хўжаликка 20 йилдан кўп раислик қилиб, вафот этган Иброҳим Холметов номини бериш тўғрисида фикрлашиб олдик. Таклиф маъқул кўрилиб, бу ҳақда хўжаликнинг умумий йиғилиш қарори қабул қилинди.

Иброҳим Холметов ҳалол, яхши инсон бўлиб, умри меҳнат билан ўтган обрўли раислардан эди. Ҳозир ҳам Сахтиён қишлоғидагилар шу боис Иброҳим акани яхши инсон, тажрибали раҳбар сифатида

эслаб юришади. Иброҳим аканинг онаси Бикажон опа менинг бобом Олламберган оқсоқолнинг жияни бўлган. Шу сабабдан раҳматлик мени «оғайни», дея атарди. Бошқа қишлоқдошларим сингари ҳаётда менгайм кўп ёрдами теккан, ўз тажрибаларини ўртоқлашган, яхши маслаҳатлар берган инсон эди.

Иброҳим ака тўрт ўғил, уч нафар қизини тарбиялаб ўстирган меҳрибон ота ҳам эди. Ҳозирда катта ўғли Шавкат вилоят ташкилотида раҳбарлик вазифасида. Қизи Тамара эса тумандаги энг яхши фермерлардан бири ҳисобланади.

Иброҳим Холметовнинг турмуш ўртоғи Ёқутжон опа 80 ёшдан ўтиб, фарзанду невара, чеваралар ардоғида яшаб келмоқда. Иброҳим аканинг ўзи 49 йил яшади. Лекин ана шу қисқа ҳаёти давомида ўзидан ёрқин из қолдириб кетди.

... Мустақилликнинг дастлабки йилида ҳамма учун ҳам янги бўлган ҳокимлик бошқарувини бирданига юритиш осон кечмади. Чунки, илгари туман фирқа қўмитасида 32 киши, ижроқўмда эса 25 ходим ишларди. Буларнинг бари туман бошқарувида қатнашадиган раҳбар кадрлар ҳисобланарди.

Ана шу инсонларни ишга жойлаштириш, ҳокимлик тизимига кадрлар танлаш масаласи асосий диққат-эътиборимда бўлди. Кўп йиллар нафақат Гурлан туманида раҳбарлик вазифаларида ишлаган, балки Янгибозор туманида биринчи котиб, вилоят ижроқўмининг раиси ўринбосари, туманимиз ижроқўмининг раиси вазифасида ишлаб келган Раъно Иброҳимовани маҳсулотларни харид қилиш инспекцияси бошлиғи қилиб тайиндик.

Шунингдек, 20 йил давомида туман ижроқўмининг раиси ўринбосари бўлган Фрунзе Маҳмудов «Деҳқон бозори» директори, ижроқўм раисининг яна бир ўринбосари Ўринбой Ҳусаиновни эса халқ таълими бўлимига мудир, туман фирқа қўмитасида ишлаган Сапарбой Собировни ҳокимлик бўлим бошлиғи қилиб тайинладик. Шунингдек, тумандаги бошқа меҳнаткаш, қонунга итоат қилувчи кадрларниям бошқарув тизимига ишга қўйдик.

Ўша вақтлари фермерлик ҳаракати энди бошланган бўлиб, туманда саноқлигина фермерлар мавжуд эди. Улар ҳам ҳали ўзларининг имкониятларини юзага чиқара билишмаган пайтлар. Шу сабабли соҳага эътибор қаратиб, фермерлик ҳаракатининг истиқболларини кўзлаган ҳолда, ерни ҳақиқий ўз эгаларига беришни мақсад қилдик. Шу билан бирга давр даъвати асосида хусусий тадбиркорликка ҳам эътибор қаратдик. Бу вақтда

тадбиркорлик қилмоқчи бўлган кишилар қўп, аммо соҳанинг ҳуқуқий томонлари — олиб сотиш эмас, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ҳаммаям уддалай олмасди. Бироқ дастлаб шароит оғир бўлсада, маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқишга журъат қилган тадбиркорлар топилди.

Шундай инсонлардан бири Каримбой Собиров бўлиб, у ўзининг кичик корхонасини ташкил этиб, мактаблар учун стол, стул, мебель буюмларини ясашни йўлга қўйди. Биз ҳокимлик йиғилишларида уни ҳаммага намуна қилиб кўрсатиб, ишларига ёрдам бердик. Шундан кейин аста-секин бошқа тадбиркорлар ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга интила бошлашди.

1992 йилги пахта ҳосили ҳам яхши бўлди. Қилинган меҳнат-ларимиз эвазига юқори ҳосил олдик. Гурлан тумани ўша йили пахта тайёрлаш режасини биринчи бўлиб бажарди. Афсуски, биздан бошқа бирон туман, ҳатто вилоят ҳам пахта режасини бажаролмади. Режа бажарилганини қутлаш учун вилоят ҳокими М. Жуманиёзов бошчилигида 100 дан зиёд киши туманга келиб бизларни қутлади.

Ўша куни туман жамғарма банки бошқарувчиси Шукурилла Каримов томонидан Амударё бўйидаги Алибобо мавзесидаги дам олиш масканининг ҳам очилиш тадбири ўтказилди. Одатга кўра алвон рангли тасмани қирқиш учун Маркс Жуманиёзовга мурожаат қилдик. Вилоят ҳокими эса машҳур пахтакор Карим Йўлдошев тасмани қирқсин, деган таклифни айтди.

— Маркс ака, вилоятимизнинг оқсоқоли, ёпуллисисиз, бу ишни Сиз бажаришингиз керак, — дея Карим ака қайчини қайтиб ҳокимга узатди.

— Бу иморатни Карим аканинг катта ўғли Шукурилла барпо этган экан, унинг ташкилотчисигаям, қурувчиларгаям раҳмат, — деб Маркс ака алвон тасмани ўзи қирқди. Очилиш тадбири шу тарзда яхши бўлиб ўтди.

Хуллас, 1992 йилни яхши кайфиятда, янги режалар билан яқунлаб, ишга киришдик. Бу пайтда давр янгиланаётган, мустақилликнинг илк йиллари эди. Асосий вазифа янги иш ўринлари очиш, одамларни иш билан таъминлаш, маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш эди. Шунингдек, замон тамойили асосида акционерлик жамиятлари ҳам пайдо бўлаётганди.

Биз ҳам пахта тозалаш заводи қошида «Оқ олтин» акционерлик жамиятига асос солиб, бу масканда енгил саноат фабрикасининг қурилишига киришдик.

Бундан ташқари 1970 йилларда лойиҳалаштирилган, аммо қурилиши тўхтаб қолган бир иншоот ҳам бор эди. Бу пахта тозалаш заводининг ўша вақтдаги директори Каримбой Ражаббоев бошчилигида Қилич Ниёзбой арнаси яқинида барпо этилаётган санатория эди. Завод ишчи-хизматчилари ҳордиқ чиқарадиган ушбу маскан қурилиши турли сабаблар билан тўхтаб қолганди. 17 гектар ҳудудда Искандар Гулмонов, Исмоил Эрметов сингари шифокорлар ташаббуси билан катта боғ қилинган, аммо бинонинг қурилиши қолиб кетганди.

Мустақилликдан сўнг ана шу қурилишни давом эттириш имконияти пайдо бўлганди. Ўша вақтда мутахассислиги қурувчи бўлган ПМК -85 идораси бошлиғи Бахтиёр Қодировни ҳокимнинг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари қилиб сайлагандик. Бахтиёр Қодировга қурилишни давом эттириш ишларини топширдим. Ўзим қилиниши керак бўлган ишлар бўйича йўл-йўриқ кўрсатдим, бораётган иш жараёнини назорат этиб бордим. Қайсики жойда муаммо бўлса, қурилиш ашёлари етмаса, топиб ишни давом эттириб бордим.

Натижада тумандаги ташкилотларнинг ҳашар йўли билан қурилиш бир ярим йилда давом қилиб, санатория тайёр ҳолга келди ва иш бошлади.

Туман марказини ободонлаштириш, шаҳарча ичидан ўтган ариқ-зовурларни тозалаш, янги сув йўлларини чиқаришга ам эътибор қаратдик. Ҳар бир кўча, уйга бориб ҳокимликнинг гуруҳлари бириктирилди. Хонадонлар эшиклари ёнида ойлаб қолиб кетган чиқиндиларни олиб кетиш учун тракторлар ташкил қилдик.

Мактаблар, уларнинг атрофларини ободонлаштиришга ам диққат-эътибор қаратдик. Таълим масканларини кўкаламзорлаштириш, асосан Хоразмга хос манзарали ва мевали дарахт кўчатларини эктиришни бошлаб юбордик.

Туманда олиб борилаётган бундай хайрли ишларимиз вилоят миқёсидаги йиғилишларда тез-тез айтилиб, бошқаларга ўрнак сифатида вилоят ҳокими томонидан тавсия қилиб турилди. Ҳаттоки, 1993 йилда Республика миқёсидаги йиғилишлардан биридаям, Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов, саккизта туман ва шаҳар номини айтиб, ана шу ҳудудлар ҳокимлари яхши ишлашаяпти, дея менинг исму шарифимни ҳам таъкидлаб ўтди. Юртбошимизнинг бу эътирофи биз гулланликларга, қолаверса менга янада масъулият, кучимизга-куч, гайратимизга гайрат қўшди, десам хато бўлмайди.

Ўша йили Маркс Жуманиёзов вилоятимиздаги барча туман ҳокимларини азалий дўстлик сафари мақсадида, Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилоятига олиб борди. Самолётдан тушишда бизни Қизил Ўрда вилояти ҳокими ва қозоқ оқинлари кутиб, дўмбира чалиб олқишлашди. Шу куннинг ўзида, вилоят фаоллари билан учрашув бўлиб, ҳоразмликлар Қизил Ўрдада боғ яратиш бериш истагини билдиришди. Боғ учун кўчат етказиб, ўтказиб бериш бизларга юклатилди.

Биз Қизил Ўрдада икки кун бўлиб, шаҳар ва қишлоқларини айландик. Менга Қизил Ўрда ўзимизнинг воҳадаги Қизилжар массивини эслатди. Табиати, одамларининг турмуш тарзи айнан Қизилжарга ўхшаб кетарди.

Ўша йили бизнинг сафарга жавобан Қозоғистонлик ижодкорлар, зиёилардан иборат делегация Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Якунловчи тадбир Гурлан туманида, бир вақтлар мен раислик қилган «Бирлашган» қишлоғида ўтказилди.

Маълумки, Гурлан туманидаям қозоқ миллатига мансуб қозоқлар истиқомат қилишади. Ана шу кишиларнинг моҳир ошпазларини чақириб, тўрт қозонда «беш бармоқ» таомини пиширтирдик. Якунловчи тадбир ва меҳмондорчилик қозоқ дўстларимизга ғоят маъқул бўлди. Қозоғистонлик меҳмонлар гурланлик миллатдошларига, «сизлар жаннатда яшаётган экансизлар», дея таъриф бериб кетишганди.

Шу йили Самарқанд ва Бухоро вилоятларигаям сафар уюштирилди. Вилоятимиз ҳокими Маркс Жуманиёзов бошчилигидаги ҳамма туман ҳокимлари қадимий шаҳарларимизда бўлиб, бораётган иш жараёнлари билан танишдилар. Самарқандда вилоят ҳокими П. Абдурахмонов бизларни кутиб олиб, шаҳарнинг қадимий обидаларини томоша қилдирди. Шу билан бирга Ургут туманида бўлиб, ҳудуддаги янгидан ташкил қилинган хусусий корхоналар, савдо дўконлари, бозор қурилиши жараёни билан танишдик. Челак туманидаям бўлиб, Имом Бухорий қабрини зиёрат қилдик.

Самарқанддан Бухоро вилоятининг Фиждувон туманига ўтдик. Бизни вилоят ҳокими Д.С. Ёдгоров самимий кутиб олди. Шу кунги Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳини тавоф қилдик. Хулаас, ҳар иккала вилоятдан ўрганадиган, намуна оладиган жиҳатларимиз бор эди. Булар, энг аввало кичик бизнес ва бозор қурилиши борасида эди.

Ана шундан сўнг Гурлан туманидаги бозорни янгидан, кенгайтириб, барпо этишни бошлаб юбордик. Маълумки, Гурлан бозори азалдан ўзида деҳқончилик маҳсулотлари кўплиги ва арзонлиги билан донг қозонган. Бозоримизга нафақат Гурландан, балки қўшни Қорақалпоғистоннинг Амударё (Манғит), Беруний, олдинлари эса Туркменистоннинг Тошҳовуз, Хоразмнинг Шовот, Янгибозор, туманлари аҳли ҳам келиб савдо қилишади. Мен кўпинча Гурлан бозоримизни мақтаб, туманимизнинг ён томонида номига бозор қўшиб айтиладиган ҳудудлар бор-у, аммо уларнинг Гурландагидек бозори йўқ, дея айтиб юраман. Масалан, қўшни Янгибозор, Тозабозор (Тошҳовуз вилоятида), Бийбозор (Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида).

Гарчи шундай бўлсада, истиқлол сабаб савдо соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлар, қолаверса ўз номи билан айтганда бозор иқтисодиёти Гурлан бозорини замонавий, шу билан бирга миллий услубда кенгайтиришни тақозо қилаётганиди.

Шу мақсадда мен қурилиш масалари бўйича ўринбосар Бахтиёр Қодиров, бош меъмор Искандар Одиловларга бозорнинг бош меъморий лойиҳасини ишлаб чиқишни топширдим. Ишни қисқа фурсатда, аммо сифатли қилиб тугатиш лозимлигини уқтириб, бу борада ўз таклифларимни айтиб ўтдим.

Натижада эски бозор ўрнида янгидан бозор қурилиши бошланиб юборилди. Ҳар бир дўконни тадбиркорларнинг ўзлари лойиҳа асосида барпо эта бошлади. Ҳаммаси бўлиб эса 100та савдо дўкони барпо қилинди. Деҳқончилик маҳсулотлари савдо қилинадиган, замонавий чертақлар деҳқонларга яратилган қулайлик эди. Қурилишнинг боришини ўзим назорат қилиб, ҳар куни эрталабки еттида Б. Қодиров билан иш жараёнини кузатардим. Керакли қурилиш материаллари топилмай қолса тегишли мутасадди идоралар орқали уларни олдириб келтирардим. Чунки, гоҳ у, гоҳ бу материал етмай қолса, иш чўзилиб кетар, шу боис ҳар қандай сусткашликка барҳам бериб бордик.

Шундай кунларнинг бирида эрталабки соат 10 да вилоят ҳокими кўнғироқ қилиб, «Гурлан туманига муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов борадилар. Сен Янгибозор тумани билан чегарада кутиб ол», дея топшириқ бердилар. Бу пайтда мен Амударё ёқасида қишлоқ хўжалиги ишлари билан танишиб юргандим. Дарҳол айтилган жойга келиб турдим.

«РАФ» машинасида Ислом ака Каримов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, вилотимиз ҳокими Маркс Жуманиёзов Гурлан туманига ташриф буюришди. Мени машинага таклиф қилдилар. Саломлашдик.

— Ҳоким, келинг сиз билан бир гаплашгани келдим. Лекин бир-биримизни алдамасдан сўзлашамиз, — дедилар Ислом Абдуғаниевич.

— Жуда яхши Ислом ака, — дедим мен ҳам.

— Қани сиз бир ўзингизнинг оёғингизни маҳкам босиб ҳоким бўлдингизми? — сўради Президентимиз Ислом Каримов.

— Ҳали йўқ, — дедим очикчасига.

— Нима учун? — сўради Ислом Абдуғаниевич.

— Сабаби, биз ҳокимлар айрим шахслардан ҳали қўрқамиз, — дедим.

— Кимдан қўрқасиз? — деб жиддий қарадилар.

— Имзосиз хат ёзувчилардан, мажлисларга бориб турли саволлар бериб, мажлисни бузиш учун ҳаракат қилувчилардан. Шунингдек, илгари катта вазибаларда ишлаб, ёки ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлаб, айрим имтиёзларда фойдаланиб юрган, ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларининг баъзиларидан қўрқамиз, — дедим очикчасига.

— Сиз менга ноаниқ гапларни айтманг. Сиз фактлар билан сўзланг, — деди Ислом Абдуғаниевич.

— Туманимизда ёши 80 дан ўтган инсон бўлиб, унинг икки ўғли бор. Уларга мен ижроқўмга раис вақтимда учта квартира берганман. Улар шу квартирада яшаб келишди. Энди мустақил бўлдик, менга коттеж жой солиб берасан деб, ҳар куни менга азоб беради. Ҳамма идораларга менинг устимдан турли бўҳтонлар, тухматлар тўқиб ариза ёзади. Тошкентдан, Урганчдан унинг ёзган аризасини текширувчилар келишаверади, — дея вазиятни тушунтиришга уриндим.

— Ўртоқ Жўрабеков! Маркс Жуманиёзов! Сизлар қаранглар ахир! Беҳуда азоб бериш учун ёзилган аризаларни ўрганиб, керак бўлса текшириш керак! Агар ҳокимнинг гапидаги сингари аризалар бўлса, текширувчи жўнатмасдан олдин, уни ўрганиб кўриш керак, — деди муҳтарам Президентимиз.

— Сен ҳалиги иморат солиб берасан, деб даъво қилган одамга нима дея жавоб бердинг, — сўрадилар Ислом Абдуғаниевич мендан.

— Мен айтдимки, «Сизнинг ёшингиз 80 га чиқиб, икки ўғлингиз ҳам 60 га яқинлашиб қолди. Ахир ўзингиз, ёки ўғилларингиз шу пайтгача иморат солишни ўйламадинглар-ку? Агар ҳамма сизлардек бўлса, нима бўлади? Ахир чумчуқ бола туғмоқчи бўлса, у аввалига ўз оғзига чўп тутиб уя қуради. Кейин тухум қўйиб, шу уясида бола чиқаради. Сиз чумчуқча бўлмадингиз», деб жавоб қилганман, дегандим.

— Жуда тўғри жавоб берибсан, бунақаларга шундай жавоб бериш керак, — дедилар Президентимиз хурсанд бўлиб, — Ахир 80 ёшгача бир иморат қурмаса, ёки боласи барпо этмаса, дунё қандай бўлади.

Сўнг эса яна мендан сўради:

— Савдо бўйича ислохот қандай бораётир?

— Ислом ака, савдо бўйича «Ўзбекбирлашув» сал нотўғри иш қилаётир, — дедим.

— Нимаси нотўғри? — деди Ислом ака.

— Ахир ҳар ойда бешта дўконни сотасиз, деб топшириқ бераётир. Бу нотўғри, мен уни ҳозирча тўхтатиб турибман, — дедим.

— Нимага? — яна сўради Президентимиз.

— Менинг бирга ўқиган Юлдаш деган дўстим бор. Боласи ҳайдовчи. Ўзи уйида деҳқончилик қилади. Ҳар куни менинг олдимга «қишлоқдаги дўкон сотилар экан, менга беринг», дея келади. Мен айтдим, ахир сен савдо-сотиқ билан шуғуланмасанг, нимага керак дўкон, десам «юристлардан сўрадим, икки йилдан кейин дўкондан уй қилиб фойдалансам бўлар экан», деб айтди.

Мен дўконларни сотишни тўхтатиб, агар ким савдо билан шуғуланса ер майдони ажратиб, ўз пулига дўкон қурсин, дея 150 та савдогарчилик қилиб юрган инсонларга таклиф қилдим. Ҳозир дўконлар қурилиши бошланиб, шулардан 50 таси тайёр бўлиш арафасида, — дея Президентимизга ахборот бердим.

Шунда Ислом Абдуғаниевич менга қараб, гапида давом этди:

— Жаноб Жўрабеков, ҳокимнинг ислоҳоти тўғри. Сизларнинг эски дўконларни сотиб қилаётган ислоҳотингиз тўғри эмас, — дея Исмоил Жўрабековга жиддий қаради.

Менга яна:

— Яхши, ҳоким сиз савдо бўйича тўғри ислоҳотни бошлабсиз. Мана сиз колхозга раис бўлгансиз, сизнингча колхозларни нима қиламиз? — дея сўради.

— Колхозларни бирданига йўқ қилсак бироз қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Чунки, сув билан таъминлаш, йўл, газ, электр

энергияси, умуман қишлоқдаги барча қилинаётган ишлар колхозлар орқали бўлаётир. Шунинг учун бу масалада босқичма-босқич фермерларга айлантирсак, яхши бўларди. Чорва фермаларини ҳам бирдан йўқ қилсак мол бош сони камайиб кетиши мумкин, — дея ўз фикримни айтганча жавоб қилдим.

— Бу гапингиз ҳам тўғри, — дедилар Ислон Абдуғаниевич.

Шу тариқа Президентимиз ўша куни туманимизда қарийиб икки соат бўлдилар. Турли саволлар берилди, мен ўз фикрларим билан жавоб қилдим. Кейин қўшни Туркменистоннинг Тошҳовуз вилояти чегарасига борганимизда:

— Тошҳовуз тумани ҳокимини танийсизми? — деб сўрадилар Президентимиз.

— Ҳа, мен у билан дўстмиз. Яқинда тўй берди, бориб келдим, — дея жавоб қилдим.

— Сизлар борди-келди қилиб туRINGлар, тўйларга таклиф қилинг, тўйларига боринглар. Ахир Тошҳовузнинг кўпчилик қисми ўзбеклар. Улар билан дўстона алоқа қилиб туRINGлар. — деди Президентимиз.

— Яхши, Ислон Абдуғаниевич, — дедим.

— Ҳозир бу туманнинг ҳокими ким? — сўради Ислон Абдуғаниевич.

— Мурот Худойберганов.

Шундан сўнг Президентимиз ва унинг ҳамроҳлари қўшни Шовот туманига ўтиб кетишди. Эртасига аэропортда Президентимизни Тошкент шаҳрига кузатиб қўйиш учун ҳамма туман ҳокимлари тўпландик. Президентимиз туман ҳокимлари билан бирма-бир гаплашди. Менинг билан эса аввал гаплашиб олганини айтди.

Орадан 19 кун ўтиб республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, вилоятимиз ҳокими Маркс Жуманиёзов билан туманимизга келди.

— Аминжон, қани менга 100 та дўкондан 50 тасининг тайёр ҳолатга келганини кўрсат! — дедилар Жўрабеков.

Мен уларни қурилиш бўлаётган бозорга олиб бордим. Ҳақиқатдан ҳам 50 та дўкон ишга тушиб, савдогарлар ўз маҳсулотлари билан дўконни тўлдириб қўйишганди.

— Ҳа, тўғри айтибсан, Президентимизга айтиб бераман, ҳоким тўғри гапирибди, — деди Жўрабеков.

Ҳа, ишларнинг жадал равишда бориши сабаб, бозор қурилиши тез орада қуриб ниҳоясига етказилди. Шу билан бирга икки қаватли туман марказий кутубхонаси, ҳозирда миллий банк биносига айлантирилган, ўша вақтда «Оталар чойхонаси», дея барпо этилган иншоат ҳам, бозор билан бир пайтда қуриб фойдаланишга топшириладиган бўлди.

Ушбу иншоатларнинг фойдаланишга топширилишига бағишланган тадбирга Маркс Жуманиёзов барча туманларнинг ҳокимлари, вилоят ташкилоти раҳбарларини таклиф қилди. Тадбир «АБ» фирмаси директори Алишер Бобожоновнинг маблағи ҳисобига миллий услубда барпо этилган бозор дарвозаси олдида ўтказилди.

Тадбирни очгач, мен сўзни вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзовга бердим. У ўз сўзида Гурланда барпо этилган иншоатлар, унинг ташкилотчилари, қурувчилар меҳнатига тўхталиб, уларга ўз ташаккурларини айтар экан, эътиборли бир нарсага қаратди:

— Юрт тараққий этиши учун элда тўрт нарса яхши бўлиши керак экан, — дея ўзига хос босиқлик билан атрофга бир назар ташлади ҳоким.

Ҳамма айтилажак тўрт яхши нарса нима экан, дея жим қулоқ солишарди.

— Биринчиси элнинг яхши бозори бўлиши керак экан. Иккинчиси, элга равон оқиб келадиган ёп-каналли яхши бўлиши лозим. Мана Гурланда Хизрэлиёп, Нукусёп ва бошқа сув равон оқадиған ёплар бор деди-ю, яна бир бор атрофни кўздан кечирди:

— Учинчиси элда яхши қози бўлиши керак, — шундай дея Маркс ака, — Гурланда ким қози? — дея сўради.

— Мен! — деди суд раиси Илҳом Тўраев.

— Қани айтинглари, бу судя яхшими? — дея тўпланганлардан сўради. Атрофдан «ховва, яхши», деган овозлар эшитилди.

— Тўртинчиси элнинг ҳокими яхши инсон бўлиши керак, — дея Маркс ака, яна тўпланганларга савол берди: — Мана Аминбой ҳоким. Бу ҳоким, қанақа ҳоким?

Тадбирга тўпланганлар «Яхши, яхши ҳоким», дейишди.

— Мана Гурланда тўртта нарса ҳам яхши экан. Демак эл-юртда адолат бўлади, юрт обод бўлади, десам адашмайман, дўстларим.

Шундан сўнг марказий кутубхона ва чойхонанинг ҳам фойдаланишга топширилиш тадбири ўтказилди.

Маълумки, туманимиз асосан қишлоқ хўжалигига мослашган аграр туман бўлиб, истиқлол боис саноатни олиб келиш, одамларни

иш билан таъминлаш, маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш масаласи ҳам мени кўпдан ўйлантириб келарди. Пахта заводи ҳудудидаги енгил саноат фабрикасини шу мақсадда, бирон хориж инвестициясиз қураётган эдик.

Вилоятимиз ҳокими Маркс Жуманиёзов Гурлан туманидаги машина-трактор паркида директор бўлиб ишлагани учун, унинг туманимиз аҳлига меҳри баланд эди. Шу сабабдан ҳар гал, «сиз Гурланда ишлаган инсонсиз, ҳозирда вилоят раҳбарисиз. Шу боис туманимизга бирон саноат корхонаси курсак», дея таклифимни айтиб юардим.

Ана шундай кунлардан бирида Маркс Жуманиёзов, Урганч шаҳри ҳокими Рустам Султонов ва мен учаламиз Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳрига бордик. Чунки, Нукус шаҳрида Туркиянинг «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда «Катекс» қўшма корхонаси қурилиб, ишга туширилганди. Қолаверса, ўша вақтда туркиялик Нафи Юракли деган компания вакили ҳам Нукусда экан.

Бизларни Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббинийёз Аширбеков ва Нафи Юракли «Катекс» комбинатида кутиб олишди. Бу пайтда комбинат ишга тушган ва шу боис бораётган иш жараёни билан танишдик. Қорақалпоқ қизлари ҳаммаси бир хил кийимда юриб, тўқув, тикув машиналарини бошқаришаётган экан. Мен шунда «қачон бизнинг гурланлик қизлар ҳам шундай фабрикаларда ишлаб юришар экан», деган хаёлга бордим. Орзуим ушалишини мақсад қилдим.

Қилинган қурилиш, тўқув, тикув дастгоҳларининг олиб келиб ўрнатилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, уларнинг сотилиши ҳақида гаплашиб олдик. Шундан кейин У. Аширбеков, Темур Камолов сингари Қорақалпоғистон раҳбарлари, Нафи Юракли ва Хоразмдан борган учала ҳоким биргаликда Қизкетган канали бўйидаги Қора уйда чой ичиб, суҳбат қурдик.

Суҳбат пайтида Гурлан туманидаям шундай комбинат қуриш тўғрисида келишиб олдик. Орадан беш кун ўтиб Гурлан туманига Нафи Юракли келиб, комбинат қурилиши, бу борада қандай ҳужжатлар тайёрлаш кераклиги ҳақида суҳбатлашиб олдик.

Бу пайтда Қорақалпоғистоннинг Элликқая туманидаям «Элтекс» қўшма корхонаси барпо этилгани маълум эди. Шунинг учун мен қурилиш бўйича ўринбосарим Бахтиёр Қодировни билан бирга Элликқая тумани ҳокими Аминбой Ҳамроевич Тожиев

хузурига бордик. У киши бизни яхши кутиб олди. «Элтекс» комбинати бўйича ҳамма ҳужжатлардан намуна тайёрлаб берди.

— Аминбой ака, бундай катта комбинат қуриш жуда ҳам машаққатли. Кўп қийинчиликларга ҳам учрайсиз. Чунки, мен бу ишни икки маротаба бошимдан кечирганман. Яхши ниятда иш бошлабсиз, сизга бу борада катта куч-қувват, ғайрат тилайман, — дея ишларимизга омад тилади.

Элликқаъладан келиб, комбинат қурилиши учун ҳамма ҳаракатларни бошлаб юбордик. Исмоил Йўлдошев, Саъдулла Вапоев, Пўлат Раҳимов бошчилигидаги қурилиш ташкилотлари, Амин Дўсниёзов раҳбарлигидаги автомобил йўллари қурилиши идоралари кеча-кундузи ўзларига бириктирилган комбинатнинг иншоатларида қурилиш ишларини бошлаб юборишди.

Мен эрталабки соат еттидан комбинат қурилишига бориб, иш жараёни билан танишардим, ўринбосарим Бахтиёр Қодиров ҳар доим шу ерда қурилиш билан шуғулланарди.

Бир кун қурувчи усталар билан гаплашиб турсам, биттаси «ҳоким бува, маошимизни вақтида беришга қийналиб юрибсизлар. У фақат сизга боғлиқ эмаслигини биламиз. Маошни-ку кечикиб бўлсаям олармиз. Аммо, тушки овқатланиш бироз қийинчилик туғдираётир» дея рўйи-рост гапни айтди.

Ҳақиқатдан ҳам уларнинг уйлари узоқ, чўнтакларида пули бўлмаса, қурилишда эса оч ишлаб бўлмаса, бунга қандай чора кўрмоқ керак?, деган ўйга толдим.

Ўша куннинг ўзида кечга тумандаги барча идора-ташкилот, хўжалик раисларини қурилиш бўлаётган жойга мажлисга чақиртирдим. Мен вазиятни тушунтириб:

— Эртага битта қўчқор ва 150 кг гурунч ҳамда бошқа масаллиқларни олиб келиб, қурувчиларга бир маротаба таом пиширтириб бераман. Агар сизлар ҳам ҳимматларингизни аямасангизлар, қурувчилар ишни ўз вақтида давом қилдираверишадилар, — дедим.

Ҳамма рози бўлди. Бахтиёр Қодиров қўлига қоғоз олиб, қайси раҳбар неча кун ош қилиб берилишини галма-гал қайд этиб борди. Пахта тозалаш заводи Фарҳод Бобожанов 30 кун, халқ таълими бўлими мудир Ибрат Қодиров 65 кун ва ҳоказо... Шу тариқа йил бўйи тушки овқат пишириш навбати пайдо бўлди. Умумий овқатланиш корхонаси бошлиғи Жумабой Қодиров (хўжайин) палатка қуриб, ўзига хос ошхона тайёрлади.

Ана шу тариқа ҳар куни соат 13 да 1200 кишига палов, чой, нон, егуликлар тайёрланарди. Комбинат қурилиши Урганч — Гурлан йўлида жойлашган бўлиб, баъзи кунлари қурилиш майдонида тош қатнайдиған машиналар кўпайиб қолди. Бир куни қизиқиб, ҳайдовчилардан сўрадим:

— Тошни қаёққа олиб борасизлар?

— Урганчга олиб борамиз. Лекин бу ерда ҳар куни бепул палов беришаркан, шундан еб йўлда давом қиламиз. Қурилишни, паловни ташкил қилган инсонларга раҳмат айтиб, дуо қилиб кетамиз, — деди бир ҳайдовчи.

Мен «яхши», деб қўйдим холос.

Албатта, шундай катта ҳажмли иншоатни барпо этиш кўпгина қийинчиликларниям туғдирди. Комбинат барпо этилиши учун, аввало вилоятда биринчи бўлиб 18 миллион сўмлик акция чиқариб, ана шу акцияларни жамоа ҳўжаликлари, идора-ташкилотлар, жисмоний шахсларга сотишни йўлга қўйдик. Айрим ҳужжатларни расмийлаштириш, қурилиш учун зарур бўлган маҳсулотларни олиб келиш мақсадида Тошкент шаҳрига 23 мартаба бориб келишимга тўғри келган. Эрталаб самолётда учиб, Вазирлар Маҳкамаси, турли идора-ташкилотлар, банкларга бориб, масъул шахслар билан учрашиб, керакли юмушларни бажариб кечқурун яна Хоразмга қайтиб келардим.

Комбинатнинг қурилиши, уни ишга тушириш бўйича Президентимиз томонидан махсус қарор қабул қилинди. Шунингдек, бу борада бизга кўмак берадиган 18 кишидан иборат комиссия ҳам ташкил этилди. Республика Молия вазирининг ўринбосари Ҳусанов Гурлан туманига келиб, 10 кун ичида барча ҳужжатларни ўрганиб чиқди. Махсус комиссия раиси ишларни таҳлил қилиб кетиш олдидан айтдики: «Ҳамма ҳужжатлар тўғри, ишлар қонун асосида қилинган. Аммо битта камчилик шуки, сиз комбинат учун 31 гектар ер ажратгансиз. Агар 12 гектар ер ажратсангиз етарли эди, менимча. Шу масала бўйича сизга чора кўрилиши мумкин», дея ўз фикрини билдирди.

Комиссия ҳулоасасига кўра, қурилиш учун Вазирлар Маҳкамасидан қўшимча пул ажратилди. Натижада Президентимиз Ислон Каримовнинг ёрдами билан комбинат қисқа фурсат ичида фойдаланишга, хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқишга киришди.

Мен ҳар сафар ушбу комбинат олдидан ўтиб, унда ишловчи ёшларни кўрар эканман, қилган ишларимиз бесамар кетмаганидан,

Гурлан туманимиз, вилоятимиз, давлатимиз учун катта иш бўлганидан қувониб, ўзимда фахр ҳиссини туяман. Негаки, бу комбинат орқали қанчадан-қанча ёшларимиз иш билан таъминланди, унда ишлаган йигит-қизларимиз орасида, айнан шу маскан боис танишиб оила қурганлар ҳам бор. Демак, биз яхши ниятда, яхши иш бошлаган эканмизки, комбинат гурланликларнинг яхши кунлари, истиқболи учун, келажагимиз учун хизмат қилди, ишонаманки, бу ибратли фаолият давом этаверади.

Шундай дамда, 31 гектар ер ажратганим учун берилган Вазирлар Маҳкамасининг ҳайфсанидан хафа бўлмай ўтираман. Қурилиш, уни ишга тушириш билан боғлиқ ташвишлар шундай дамда унутилиб ҳам кетади. Яратганга шукур қилиб, буларнинг бари мустақиллик шарофатидан, дея қўяман.

Ўшанда туманимиздаги сингари бошқа туманлардаям шундай иншоотлар барпо этила бошланган, аммо ишлар ўлда-жўлда қолиб кетганди. Мана 20 йилдан ошдики, улар ишга тушгани йўқ. Фақат давлатимиз шу қурилишларни ўз ихтиёрига олгандагина, энди қурилишлар қайтадан бошланаётир.

Биз эса 1995 йилдаёқ комбинат қурилишини тугаллаб, ишни бошлаб юборгандик. Директор қилиб эса Матюсуф Юлдашев иш бошлаганди.

Бу гапларни, айнан қурилишни мен бошладим ва ишга туширдим, дея мақтаниш учун ёзаётганим йўқ. Аксинча, мустақиллик даврининг илк ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш машаққатли бўлгани, аммо булар давлатимиз истиқболига хизмат қилаётгани, ёшлар учун бунинг ўзиям бир тарих, деган маънода қайд қилаяпман, холос.

Ўша йили вилоят ҳокими М. Жуманиёзов Шовот туманидаги Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳини ободонлаштириш бўйича ҳамма туман ҳокимларини тўплаб, уларга биттадан қурилиш масканини топширди. Бизнинг Гурлан туманига эса қадамжодаги иккита масканни барпо этиш юклатилди. Айтилган вақтда биз қурилишни якунлаб, Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳини ободонлаштириш ва қурилиш ишларига ўз ҳиссасмизни қўшдик.

Ўз навбатида Гурлан туманидаги Усмон Саид Бобо зиёратгоҳиниям ободонлаштиришни мақсад қилдик. Шунга кўра, 1994 йилда тумандаги барча ташкилот, хўжалик раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари, имомларини зиёратгоҳга чақиртирдим. Улар билан маслаҳатлашиб, қадамжони ободонлаштириш, намоз ўқиш учун

масжид, азон айтиш учун минора, хайру саҳоват таомини пиши-
радиганлар учун маскан барпо этишни келишиб олдик. Шунингдек,
ушбу қабристондаги Усмон Саид бобо, Юсуф эшон, Жамшид авлиё
қабрларига ёдгорлик қуббаларини барпо қилишнинг бошлаб
юбордик.

Усмон Саид Бобо мажмуасидаги иншоатларни миллий меъ-
морчилик услубида барпо этиш учун хивалик усталарни чақир-
тирдик. Ҳоким ўринбосари Бахтиёр Қодиров, Гурлан шаҳарча
фуқаролар йиғини раиси Римбой Давлетов ҳар кун қурилиш
ишларига бош бўлдилар.

Шунингдек, хайру саҳоват қилишни ўз кўнгилларига тугган
инсонлар ҳам бу борада ёрдамини аяшмади. Вилоятдаги раҳбар
инсонлардан ака-ука Бахтиёр ва Эргаш Омонбоевич Юсуповлар
ана шундай хайр-саҳоватли инсонлардан бўлишди.

Кўп йиллар туман маданият бўлимига мудирлик қилган, ўша
вақтда хўжалик раиси бўлган Озод Жонибеков минора қурилиши
усталарининг маошини ўз маблағидан тўлаб борди. Шу каби Исмоил
Эрметов, Искандар Гулмонов сингари шифокорлар, пахта тозалаш
заводи директори Фарҳод Бобожонов, умумий овқатланиш корхонаси
бошлиғи Жумабой Ҳусайнов, жамоа хўжалиғи раислари Эркин
Собиров, Қозоқ Қўзибоев, Сапарбой Собиров, Юлдаш Сапарбоев,
Тожибой Ортиқов, Курол Маткаримов, Сотимбой Машарипов,
Юлдаш Худойбергенов, Шуқурилла Каримовлар ҳам ўз саҳоватини
аямай, Усмон Саид бобо мажмуаси қурилишига ўз ҳиссаларини
қўшдилар.

Натижада 8 ой давомида қурилиш якунланиб, Рамазон ҳайитига
мажмуанинг очилишини ўтказдик. Ўша кун Усмон Саид бобо
зиёратгоҳи мажмуасига саҳоватпеша инсонлар 246 та гилам, полос
олиб келишди. Зиёратгоҳ учун етарли гилам, полосни олиб қолиб,
қолганларини тумандаги учта қабристон масжидига, боғча-ясиларга
тарқатдик.

1994 йил. Президентимиз Ислам Каримовнинг тавсиясига кўра,
республикадаги бар қанча ҳокимлар тажриба ўрганиш, иш
жараёнлари билан танишиш мақсадида хорижий давлатларга
юборилди. Мен Туркияга борадиган делегация таркибига киритилдим.
Вилоятимиздан Шовот тумани ҳокими Йўлдош Ҳажиев, Янгибозор
тумани ҳокими Марат Юсупов сингари 18 нафар ҳоким Президент
девони масъул ходими Ботир Раҳимов, Ташқи иқтисодий алоқалар
вазири ўринбосари Абдуғафоровлар бошчилигида Истамбул

шаҳрига бордик. Ўн саккиз ҳоким уч гуруҳга бўлиниб, айрим меҳмонхоналарга жойлаштирилди. Йўлдош Ҳажиев, Марат Юсуповлар бошқа гуруҳларга тушди. Мен Қорақалпоғистон, қашқадарёлик ҳокимлар билан «Кўч» номли компанияга бордик.

Компания терини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланаркан. Шунингдек, мебель маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилаётган. Шу сингари «Оқсарой» номли савдо хизмати мажмуаси фаолияти билан ҳам танишдик. Сутни қайта ишлаш заводигаям бордик. Истамбулдан 250 км узоқликдаги товуқ гўшти ишлаб чиқарадиган фирмадаги иш жараёнини ҳам кузатдик.

Истамбулдаги машҳур Сулаймон масжидида ҳам бўлдик. Умуман олганда саккиз кун Истамбулда бўлиб, хусусий бизнес, ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилганининг гувоҳи бўлиб қайтдик.

Сафардан қайтгач, туман фаолларини тўплаб, Туркия таассуротларини сўзлаб бердим. Таассуротим шундай бўлгандики, шахсий бизнесни, хусусий мулкни ривожлантирмасдан туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди. Иш фаолиятимизда, айнан шунга эътибор беришга қарор қилдик.

Ўшанда Истамбулда эътиборли, кўзга ярқ этиб кўринадиган жиҳат шу эдики, шаҳардаги барча жойда энг кўп нарса автомашина эди. Мана орадан 20 йил ўтиб, бизнинг юртимизда ҳам шу ҳолат, бунинг устига аксарият машиналар ўзимизнинг Андижонда ишлаб чиқарилган.

Лекин ўша сафар пайтидаям, ҳозир ҳам шунга амин бўлгандимки, бизнинг юртимиз, ер, мулкимиз Туркияниқидан кўп марта яхши. Чунки, Истамбул менга Европада жойлашгани учунми, европача урфга эга шаҳар бўлиб кўринди. Худога шукурки, халқимизнинг урф-одатлари, бир-бирига бўган муносабатидаги самимийлик, айниқса ота-онага бўлган меҳр, миллий қадриятларимизнинг сақланиб қолингани боис Ўзбекистонни ҳар қачондан устун давлат десам бўлади.

Хуллас, тажрибаним, ривожланиш истиқболлариниям ўзимиздан, ўзлигимиздан топишимиз керак, деган фикрга бордим. Шу тарзда йиллар ўтаверди. Бозорда савдо қизғин, барпо этган комбинатимиз иш бошлаш арафасида, фермерлик ҳаракати аста-секин кўпайиб, мулкдорлар сафи ошиб бормоқда.

Туманимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча режаларини ҳар йили олдингилар сафида бажармоқда эди. 1994 йилда «Вазир» қишлоғидаги вилоятдаги энг катта «Коммунизм» жамоа хўжалиги

учга-«Ўзбекистон» (раис Озод Жонибеков), «Деҳқонобод» (раис Жумабой Қозоқов), «Вазир» (раис Сапарбой Собиров) ажратилиб бошқариладиган бўлди. И. Холметов хўжалиги (раис Курол Маткаримов), «Зарбдор» (раис Юлдаш Худойберганов), А. Навоий номидаги жамоа хўжалиги (раис Юлдаш Бобожонов), «Қорақалпоғистон» хўжалиги (раис Шарифбой Ортиқов), «Намуна» жамоа хўжалиги (раис Тожибой Ортиқов), «Гулистон» хўжалиги (Эркин Собиров), «Янгиобод» жамоа хўжалиги (раис Қозоқ Қўзибоев), «Амударё» жамоа хўжалиги (раис олдин Курёз Йўлдошев, кейин Шуқурилла Каримов) Гурлан туманининг пахта, шoли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олинишида ўз ҳиссаларини қўшиб бордилар.

Шу сингари тумандаги бошқа идора-ташкилот раҳбарлари— «Бўрдоқчилик» корхонаси раҳбари Саъдулла Давлетов, туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Куролбой Сапоев, сув хўжалиги идораси бошлиғи Курол Бобожонов, Қишлоқ хўжалик техникаси идораси бошлиғи Ўсар Абдуллаев (кейин Бахтиёр Бозорбоев), марказий шифохона бош врачлари Рустам Бобожонов, халқ таълими бўлими мудири Ўринбой Ҳусаинов, савдо ташкилоти раиси Турсунбой Норимов, нефть базаси директори Баҳодир Тўраев, Пахта тозалаш заводи директори Фарҳод Бобожонов (кейин Солий Ражабов), Автокорхона директори Худойназар Юлдашев, Қурилиш ташкилоғи раҳбарлари Саъдулла Ваноев, Исмоил Йўлдошев, Пўлат Раҳимов, автомобил йўллари идораси раҳбари Аминбой Дўсниёзовлар туманда ўз соҳаларида амалга оширилган ислохотларга бош бўлишди.

Шунингдек, туман ҳокимлигида менга ҳамқадам бўлиб қўллаб турган биринчи ўринбосар Баҳодир Исмоилов, ўринбосарлар Бахтиёр Қодиров, Мақсуд Раҳматуллаев, Раъно Қодирова, умумий бўлим мудири Комилжон Ўрозметов, ташкилий бўлим мудири Алишер Бобожонов, котибият бошлиғи Ўсар Абдуллаевлар ҳам сидқидилдан ўша йиллари меҳнат қилишди.

Тумандаги ҳуқуқ-тартибот ташкилоти раҳбарларидан прокурор Сапарбой Абдуллаев, ИИБ бошлиғи Амин Тожиев, суд раиси Илҳом Тўраевлар элимизда осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқий-тарғибот ишларига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ислохотлар боис туманда хусусий корхоналар ташкил этилиб ўз маҳсулотларини чиқара бошлашди. Каримбой Собировнинг мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонаси ўша вақтда ном қозонди. Қўллаб ёшлар иш ўрнига эга бўлишди.

Туман босмахонаси раҳбари Юсуфбой Раҳимов ҳам ташкилотни хусусийлаштириб, ўзининг босма-нашр маҳсулотлари билан элда обрў қозонди. Бора-бора шу сингари тадбиркор раҳбарлар сафи Гурланда ортиб бораверди.

1995 йил охирларида вилоятимиз ҳокими Маркс Жуманиёзов Президентимиз фармонига асосан республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди. Хоразм вилояти ҳокими қилиб, биринчи ўринбосар вазифасида ишлаб келган Искандар Юсупов тайинланди.

Бу пайтда туманимизда 10 минг гектар пахта, 10 минг гектар ерга шоли экардик. Пахтадан 32 минг тонна, шолидан эса 60 минг тонна ҳосил олинарди. Шундан давлатга 29-30 минг тонна шоли топширилар, қолган 30 минг тонна шоли эса жамоа хўжаликлари ихтиёрида қоларди. Хўжаликлар ўз ички харажатларини шу шоли ҳосили эвазига харажат қилиб, бир маромда ишлаши учун шароит яратиларди.

Аммо айрим вилоят раҳбарлари, мутахассислари туманимизнинг кўп шоли экишига қарши эканлигини, очиқ, айрим ҳолларда яширин ифодалашарди. Бироқ шолини пахта билан алмашлаб экиб, туманимиз бу борада ўзига хос тажриба майдонига айланганди. Чунки, туман ерлари жуда пастда жойлашган бўлиб, кўллар ва шўр ерларнинг ҳаммаси экин ерларига қўшилиб кетганди. Шунинг учун айрим майдонларда шолидан бошқа деҳқончилик экинини ўстириш қийин эди. Экилсаям яхши ҳосил бермасди. Шу боисдан Гурлан туманида шоли экилиб келинган ерларнинг тузилиши, Амударё бўйларида жойлашгани учун шуни тақозо этарди.

Буни мен 50 йиллик ўз тажрибамга асосланиб, умримни қишлоқ хўжалигида ўтказган мутахассис сифатидаям айтаётирман.

Туманимиз 1996 йилни ҳам яхши якунлади. Ўша или мен 60 ёшга кирдим. Энди бемалол нафақага чиқиб, фарзанду неvara, чеваралар ардоғида яшаш истагим борлиги учун, вилоятимиз ҳокими И. Юсуповга ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб топширдим.

— Ҳозир нафақада юрган, аммо ишлаётган раҳбарларнинг биронтаси ариза бериб, мени ишдан бўшатинг, демаган. Сиз нима учун бундай қилаётирсиз, — дея таажжубланиб сўради И. Юсупов.

— Мен шу кунни кутдим, омон-эсон ишлаб, элу-юртда обрў эътибор қозонган эканман, шунинг ўзи менга катта давлат, шунинг ўзи катта иш, — дея жавоб бердим.

Ҳоким «йўқ мен сизни ишдан озод қилолмайман. Президентдан розилик олишимиз керак», деди ва аризани олиб қолди. Шундан сўнг 10 июнь куни, туғилган санамга икки кун қолганида телефон қилиб, «Сизни уйингизга бориб, олтмиш ёшингиз билан табрикламоқчимиз», деди. Фарзандларим туғилган кунга ҳар галгидек тайёргарлик кўришди.

Мен нафақага чиқиб, ишдан бўшаб, тўғри қилаяпман, деб ўзимча ўйлаб қўйдим. Бироқ ундай бўлмади. 12 июнь куни вилоят ҳокими Искандар Юсупов барча туманлар ҳокимлари билан келишиб, мени қутлуғ сана билан табриклашди. Шунингдек, юбилейга Тошҳовуз, Амударё, Беруний туманлари ҳокимлариям ташриф буюриб, эзгу тилаклар билдиришди. Таваллудимни нишонлаб, шу кунларга етказгани учун яратганга шукурлар қилиб қолдим.

Вилоят ҳокими «биз сиз билан ишлашаверамиз, Президент девонининг ҳам фикри шундай», дея табриклаб қўйди.

Хуллас, ишлар доимгидек давом қилиб, 1996 йилниям юқори ҳосил олиш билан якунладик. Бироқ 1997 йил баҳори бироз қийин бошланди. Ёғингарчилик кўп бўлди. Шундай бўлсада, пахта ва шולי кўчатлари яхши униб чиқди. Вилоят бўйича қишлоқ хўжалигига бағишланган семинар бизнинг туманда, машҳур пахтакор Гулимнат Ҳайитимметовнинг бригадасида якуний тадбир бўлиб ўтди.

— Сиз қандай қилиб, ҳамма соҳада раҳбарликни бир маромда олиб бораёпсиз? — дея савол беришди семинарда.

Мен баландларвоз гапларсиз, бу ишларни бошқаришда бригада бошлиқларининг, мутахассисларнинг иш услублари, улар тўплаган тажрибалар тўғрисида сўзладим. Семинардан сўнг вилоят раҳбари И.Юсуповнинг ўзи иккимиз ёлғиз қолгач, «Сизларда иш жуда яхши ташкил қилинган, тажрибам бор. Шу боис мен сизга айтмасдан туманингизга келавераман. Тажрибаларингизни ўртоқлашиш учун ҳам бугунги семинарни ташкил қилдик. Яна сизларда раислар тўғри танланган. Ишлайдиган мутахассислар. Бошқа туманлар учун гурланлик 7-8 раисни ишга ўтказсангиз яхши бўларди», деди.

Мен ҳам «хўп, ёшулди, бизда яхши мутахассислар бор», дея жавоб бердим. Шундан кейин вилоят бўйича ўтказилган бир мажлисда «Гурлан туманида кадрлар масаласи яхши йўлга қўйилган, шунинг учун мен Вапоевдан 7-8 нафар раисни бошқа туманларга ишга ўтказамиз, дея айтдим» деди Искандар Юсупов.

1997 йили шу тарзда ишлаб, пахта режасини олдингилар сафида бажардик. Ўша йили вилоят шולי топшириш режасини бажаролмади.

Гурлан тумани эса 28 минг ўрнига, 30 минг тонна шоли топширди. Ҳар куни Искандар Юсупов шолини яна топшириш лозимлиги ҳақида кўрсатма берарди. Аммо бизлар уруғлик ва ҳўжаликларнинг ички харажатлари учун шоли қолдиришни илтимос қилардик. Ҳаттоки, режадан ташқари 3 минг тонна топширсакда, вилоят раҳбарлари норози бўлишарди.

Шоли тўғрисида гап кетаркан, баъзи воқеаларни эслашгаям тўғри келади. 1993 йили қиш эрта келиб, пахта ва шолининг кўп қисми далада қолиб кетди. Ҳатто 3 минг гектар шолини йиғиб олишнинг имкони бўлмади. Баҳорда шолини олишга уриндик. Аммо қорда, совуқда қолган шоли тегирмонда яхши ҳосил бермас экан.

Пахтанинг ҳам бир қисми қор остида қолганди. Бу фақат бизнинг туманда эмас, вилоят бўйича ўша йили аҳвол шундай эди. Ана шу йилнинг 30 ноябрида, қаттиқ совуқ пайти, қорда кичик ўғлим Давлатбойнинг, катта неварам Ҳамзанинг никоҳ тўйини қўшалок қилиб ўтказдик. Тўй уйининг боғ қисмини брезент билан бостириб, ичкарига трубалар орқали газ ёққан ҳолда ўтказдик.

Тўйга Тошҳовуздан машҳур раис, Туркманистон Қаҳрамони Саъдулла Рўзметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Ражаббой Йўлдошев бошчилигидаги бир гуруҳ дўстларимиз, вилоят ҳокими бошчилигидаги барча туманлар ҳокимлари, раҳбарлар, элимиздаги дўсту-ёрлар ташриф букориб, шоду-хуррамликда тўйни нишонладик.

Шу каби 1997 йилнинг 7 ноябрида яна бир неварам, катта ўғлим Саъдулланинг фарзанди Мирзабекнинг ҳам никоҳ тўйини нишонладик. Бу куни ҳам ғоятда совуқ эди. Бу тўйимиз ҳам шоду хуррамликда, дўст-биродарлар иштирокида яхши нишонланди.

...1997 йил мен 62 ёшга тўлгандим. Шу боис мен бундан буёғига қарилик гаштини суриб, оила аъзоларим учун кўп вақт ажратиб яшайман, деган фикрга келдим ва яна ишдан бўшаш тўғрисида вилоят ҳокимига ариза топширдим. Бу гал мени тушунишиб, аризам инobatга олинди ва туман ҳокими вазифасидан озод қилиндим.

Ҳокимликнинг мажлислар залига фаоллар тўпланишиб, вилоят ҳокими Искандар Юсупов менга зарчопон кийгизиб сийлади, эл-юртга қилган ишларим учун ташаккур айтди. Ана шу тариқа 6 йиллик ҳокимлик давридан сўнг обрў-эътибор билан нафақага чиқазишди.

КЕКСАЛИК ФАСЛИ. ШОДЛИК ВА ҒАМ

Навоий ҳазратлари умрни тўрт фаслга — болалик ва ўспиринликни баҳорга, ёшликни ёз фаслига, ўрта яшарлик даврни куз ва кексаликни қиш фаслига ажратган экан.

Мен ҳам кексайиб, Гурлан тумани ҳокимлигидан ишдан нафақага чиққандан кейин, бир муддат оила даврасида, фарзанду неvara, чеваралар ардоғида юриб, фермерлик ҳаракатини бошлаётган ўғилларимга тажрибамдан келиб чиқиб, маслаҳатлар бериб юрдим.

Мендан кейин Гурлан туманига янгибозорлик Раҳимбой Қўчқоровни ҳоким қилиб тайинлашганди. У киши 1999 йил баҳорида вазифасидан озод қилинди. Унинг ўрнига хивалик Раҳимбой Матрасулов туман ҳокими қилиб тайинланди.

Ўша йилнинг март ойида вилоят раҳбариятида ҳам ўзгариш бўлиб, вилоят ҳокими Искандар Юсупов вазифасидан озод қилинди, Президентимиз фармонида кўра Ислон Олимович Бобожонов Хоразм вилоятига ҳоким қилиб тайинланди.

Мен Ислон Бобожоновни олдиндан яхши билардим. Унинг отаси Олим Бобожонов Хонқа, Шовот туманлари фирқа қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган тажрибали раҳбар эди. Ислон Бобожоновнинг ўзи ҳам мен Гурлан туманига ҳокимлик қилган йилларда Хонқа туманига ҳоким бўлиб ишлаганди. 1996-1999 йилларда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, вазир бўлиб ишлаганди.

Бир куни вилоят Ҳокими мени хонасига таклиф қилиб:

— Аминбой ака, сиз ҳали тетиксиз, уйда ўтирсангиз кексайиб қоласиз. Сизнинг ёшларга ўргатадиган тажрибангиз бор. Шу боис ишлашингиз керак, — дея мени Қилич Ниёзбой арнасининг 105-бўлимига бошлиқ қилиб тайинлади. Асли касбим сув хўжалиги мутахассиси бўлганим учун, бу масканда ишлаётган инсонлар олдиндан менга таниш эди. Ана шу сабаб яна ўзимнинг касбий соҳам, мутахассислигим бўйича иш бошладим. Жамоамизда Гулимбой, Каримбой, Қурамбой, Умрбой, Умиджон, Тамара, Гулбаҳор, Назира сингари 18 киши меҳнат қилишарди. Улар билан аҳил-иноқликда ишни давом этдирдик.

Қилич Ниёзбой арнаси бўйига ишчилар дам олиши учун ўз маблағимиз ҳисобига меҳмонхона барпо этдик. Бизнинг ҳудудда 20 гектар ер бўлиб, шу ерларга буғдой, шоли экиб, «Упрадик» ишчи-

хизматчиларига байрамларда туҳфа қилинар, чорва ҳўжалигимизда гўшт етказиб берардик.

«Упрадик» вилоят ташкилот раҳбарлари Аминбой Қаландаров, Юлдаш Худойбергановлар жамоамизга тез-тез келиб, иш жараёни билан танишиб кетар, қилаётган ишларимиз уларга ҳам маъқул бўлганди.

Хуллас, ишимиздан ўзимиз ҳам, раҳбарлар ҳам мамнун бўлишаётганди. Аммо ҳаёт бир маромда давом этмас экан... Ҳаёт фақат тўй-у тантана, шодлик кунлардан иборат эмас экан. 1999 йилда, кутилмаганда, соппа-соғ юрган 36 ёшли ўғлим Илҳомбой тўсатдан вафот этди. Унинг ўлими менинг ҳаётимни, онасининг қалбини ларзата солди. Соғлимизга таъсир қилди. Бироқ нияям қилардик, буни ҳаёт дейдилар ахир... Шукри, Илҳомдан икки неварам — Исломбек ва Нурбек ёдгор бўлиб қолди. Илҳомбойнинг ҳаёти, яратганга шукур авлодлари орқали давом этаётир, Исломбекдан учта чевара кўрдик. Энди Нурбекни уйлантириш тараддуидамиз.

2005 йил баҳори эди. Даволаниш учун Тошкентдаги клиникага боргандим. 10 кунги муолажалардан сўнг ўтирганимдан, уйдан катта ўғлим Саъдулла телефон қилиб қолди. Унинг айтишича, турмуш ўртоғим Ўғилжон оғир хасталаниб қолибди. Дарҳол шу куни самолётда Хоразмга, уйга етиб бордим.

Келсам Ўғилжон инсулт бўлган экан. Дарҳол шу соҳанинг вилоятдаги стук мутахассисларидан жарроҳ Отабой Мадаминовни чақиртирдик. Отабой Мадаминов дарҳол тегишли муолажаларни бошлади. Уч кундан сўнг Ўғилжонни туман шифохонасига олиб боришга мажбур бўлдик. Ўн беш кун муолажа олгач, шукри яхши ҳолда уйга қайтиб келди. Элга, дўстлар, қариндошларга шукрона қилиб, садақа оши бердик.

Эртасига Ўғилжон айтдики, «Кичик ўғлимиз Давлатбойникига (Сахтиён қишлоғининг Обод маҳалласида, биз Ўғилжон билан туғилиб вояга етган Оқсоқоллар овулида иморат қургандик) борсак», деди. Мен «хўп», дедиму қизимиз Муҳаббатни ёнида қолдириб, шу куни ўзим кетдим. Кечкурун соат йигирма учларда Муҳаббат, «ойим ёмон бўлиб турибди, тезроқ келинг», дея телефон қилди. Мен тезда туман марказидаги уйимизга келдим. Келсам... Ўғилжон... вафот этган... Бу кун мен учун ҳаётимдаги энг оғир кун бўлди. 53 йил давомида бирга ҳаёт кечирган, умр йўлларимизнинг яхши-ёмон кунларида бирга ҳамқадам бўлган, қийин вазиятларга тушганимда юпатиб, олға интилишга далда берган, қувончли кунларимда бирга

севиниб, шодлигимизни бирга баҳам кўрган инсонни йўқотгандим... Ўғилжон билан 10 фарзандни вояга етказиб, уларнинг бахту-икболини бирга кўраётган, невара, чевара, эваралар ардоғида яшаётгандик.

Ана шундай оғриқли кунлар ҳам ўтиб 2006 йил кириб келди. Бу пайтда Ўғилжоннинг вафот этганига бир ярим йил бўлди. Мендаги ғам, оғир йўқотишдан кейинги қайғули кечган вақтга барҳам бериш учун, фарзандларим 12 июнда таваллудимнинг 70 йиллик санасини нишонлаш ҳаракатига тушдилар.

Шу тариқа туман маданият ва истироҳат боғининг олдида, ўғлим «Илҳомбой» номи билан аталадиган чойхона ёнида элу-юртга дастурхон ёзиб, таваллуд кунимнинг қутлуг санасини бошлаб юбордик. Ушбу тадбирни ташкил қилишда фарзандларимдан ташқари, бир қанча дўстларим ўз меҳнатларини аямасдан бизларга камарбаста бўлиб туришди. Айниқса, жияним Шуқурилло, Курёз, Сапарбой, Самандар, дўстларим Ўсар Абдуллаев, Ўринбой Ҳусайинов, Каримбой Ражабов, шогирдларимиздан Шарифбой Ортиқов, Озод Жонибеков, Рустам Бобожонов, Худойназар Йўлдошев, Солий Ражабов, Комилжон Ўрозметов, Қурол Нурманов, Шуқурилло Иноят, куёвлардан Олимбой Ражабов, Улуғбек Раҳматов, Зоир Матвапоев ва бошқа жудаям кўплаб қариндош-уруғлар, туман ИИБ бошлиғи Равшан Пирметовлар 70 йиллик қуллуг санамнинг ғоят меҳмоннавозлик, тартиб-интизом асосида ўтишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Тадбирни очган туман ҳокими Искандар Қаландаров, вилоят ҳокими номидан вилоят ҳокимнинг биринчи ўринбосари Ботир Раҳимовлар менинг босиб ўтган ҳаёт йўлимга, қилган ишларимга тўхталиб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилашди. Вилоят ҳокими И. Бобожоновнинг табрикномасини ўқиб беришди.

Тадбирга ҳокимлик пайтимда бирга ишлашган шовотлик Юлдаш Ҳожиев, янгибозорлик Марат Юсупов, урганчилик Рустам Султонов, Ҳазорасп тумани ҳокими Жумабой Ўтамов, Янгибозор тумани ҳокими Эргаш Юсупов, Қорқалпоғистоннинг Амударё тумани ҳокими Ражаббой Йўлдошев, Тошҳовуз тумани ҳокими, Элликқўла, Тўрткўл туманлари ҳокими ўринбосарлари қатнашиб, ўзларининг илиқ сўзларини, истакларини айтиб, кўнглимни кўтаришди.

Ушбу шодиёнада йиғилганларга Ўзбекистон халқ артисти, халқимизнинг сеvimли, ардоқли санъаткори Олмаҳон Ҳайитова,

Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар Норметов, ўз элимизда етишган Гулиммат, Давлатбойлар ўзларининг дилтортар қўшиқлари билан даврага файз киритишди.

Тадбирда қарийиб 1300 кишига кўнгиллагидек меҳмондочилик қилиб, хизмат кўрсатилди. Ана шу тадбирда, элу-юртга қилган озгинагина бўлсада меҳнатим қадрланганидан, қилган ишларим муносиб баҳоланганидан, худога беҳисоб шукурлар қилдим. Бироқ бир армоним шу бўлдики... ана шундай қутлуғ санада бирга бўлиш Ўғилжонга афсуски nasib этмади.

...Ана шу 70 йиллик санадан кейин эгаллаб турган вазифамни топшириб, нафақадаги бундан кейинги ҳаётимни элу юртнинг тўймаъракаларида ўтказишга қарор қилдим. Бироқ «Упрадик» раҳбарлари «сизнинг тажрибангиз бизга керак, ишлайверинг», десаларда, ўз фикримда қолдим.

Ўғилжон дунёдан ўтганидан кейин тез-тез бөтөб бўлиб қоладиган, қон босимим ошиб, шифохонага борадиган бўлгандим. Шундан сўнг ўғил-қизларим менинг ёлғизланиб қолганимни сезиб, менга ўзимга яраша умр йўлдош топиш керак, деб маслаҳат қилишди. Кексаликда ишламай уйда ёлғиз ўтириш, инсонинг қалбини янада чўктириб юборар экан. Шу боис мен ҳам фарзандларим таклифига кўндим. Фарзандларим умр йўлдошликка тумандаги обрў-эътиборли инсон бўлган Пошша Маҳмудованинг катта қизи Тамарани менга лойиқ деб, бирга яшашимизга рози бўлишди.

Тамаранинг онаси Пошшажон Маҳмудова ўз даврининг ғоят обрў-эътиборли инсони бўлган. Туман, вилоят ижроқўмларининг раиси, вилоятдаги энг зарбдор қурилиш — Тошсоқа канали қазилишига бошчилик қилган. Собиқ иттифоқ Олий Кенгашининг депутаты бўлган. 1942-45 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган. Уруш даврида эвакуация қилиш республика комиссиясининг раиси бўлган.

Отаси Юсуфбой ака туман прокурори бўлган яхши инсон эди. Тамаранинг синглиси Света врач бўлиб, менинг устозим Хударган Раҳимовнинг катта ўғли Шавкатнинг турмуш ўртоғи.

Тамаранинг Умида исмли қизи, Акбарбек, Акмалбек исмли неваралари бор. Тамара кўп йиллар давомида мактаб директори бўлиб ишлаган педагог, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси. Худога шукур у билан яхши ҳаёт кечираяпмиз Фарзандларим уни жуда ҳурмат қилишади. Тамара ҳам шундай. Шу тариқа бир-биримиз билан яхши муносабатдамиз...

1997 йилда ҳокимлик вазифасидан бўшаган йилим, вилоят ҳокимининг ўринбосари Тангриберган Дўстжонов телефон қилиб, Саудия Арабистонининг подшоҳи таклифи билан вилоятимиз ҳожилари сафига яна икки кишини қўшиш имкони пайдо бўлгани, ана шу қаторда Йўлдош Ҳожиёв ва мени ҳаж зиёратига боришимни тавсия қилганди. Мен ўйланиб кўриб, ҳали ўзимни ҳаж сафарига тайёр эмаслигимни айтиб, узр сўрагандим. Йўлдош ака ўша йили мусулмончиликнинг бешинчи шартини бажариб қайтганди.

Йиллар ўтиб, 2009 йили менда ҳаж зиёратига бориш истаги пайдо бўлди. Бу ҳақда туман имом хатиби Музаффар Қурбонбоевга ариза бердим. Вилоят комиссиясига борганимда «сиз уч ой олдин ариза бергансиз. Ҳали 6-7 йил олдин ариза берган кишилар бор. Сизни эндиги йил юборсак бўлмасмикан. Хафа бўлмайсизми?» дейишди.

Шунда мен «ҳаж зиёрати улуғ ибодат. Жанжал қилиб борадиган жой эмас. Сизлар нима десангизлар, шундай бўлади» дея жавоб қилдим. Эртасига вилоят бош имом хатиби Давронбек Абдуқодиров менга телефон қилиб, «сизнинг Гурлан туманида масжид, мақбара, минора барпо этганингиз, қабристонларни ободонлаштиришдаги хизматингизни инобатга олиб, ҳажга юборишни маъқул кўрдик. Тайёргарлик кўраверинг», дейишди.

Худоба беҳисоб шукурлар қилиб, 2009 йил 14 ноябрь кuni Гурлан туманидан Болтабой ака, Шухрат, Отабек, Зокир, Пошшажон, Пардагуллар билан Урганч аэропортидан самолётда қорақалпоғистонлик дўстлар ҳамроҳлигида Мадинаи Мунаввара шаҳрига етиб келдик. Бизларни Ўзбекистонлик вакиллар кутиб олиб, шаҳар марказидаги муҳташам меҳмонхонага жойлаштиришди. Мадина шаҳрида ҳаж ибодатларини бошлаб, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қабрини зиёрат қилдик. Уч кун давомида Муҳаммад пайғамбаримиз масжидида беш вақт намоз ўқиш шарофатига муяссар бўлдик. Шундай қутлуғ масжид ичида бир миллион, атрофида уч миллион намозхон ибодат қилиш имконига эга экан. Оқ мармардан қилинган, озода ва обод масжидда намоз ўқиш шарафига муяссар қилганидан Оллоҳга беҳисоб шукурлар қилдик.

Мадина шаҳридаги ибодатларни бажариб бўлгач, 430 км узоқликдаги Маккаи Мукаррама шаҳрига автобусда йўл олдик. Йўллар бир текис, озода бўлиб, бир неча бор тушиб, намоз ўқидик. Макка шаҳрида Ўзбекистон байроқлари ҳилпираб турган 16 қаватли

«Ал ахрами Муҳаммадий» меҳмонхонасига жойлаштиришди. Гурлан туманидан борган Ста эркак зиёратчи, янгибозорлик Бекназар сўпи билан биргаликда бизни 10 қаватдаги хонада яшаш, ибодат қилишимизга шароит яратиб беришди. Ушбу меҳмонхонада овқатланиш, таҳорат қилиш, намоз ўқиш учун ҳамма шароитлар яратилган эди. Мино тоғига бориб уч кун ибодат қилдик. Қурбонликлар қилинди. Соч-соқолимизни олдириб, Байтуллоҳга борганча зиёрат амаллариниям бажардик. Сўнгра шайтонга тош отиш маросимини ўтказдик. Шу тариқа Маккада 24 кун бўлиб, ҳаж зиёрати билан боғлиқ амалларни бажардик. Шундан сўнг Маккадан Жидда шаҳрига автобусда бориб, самолётда Урганч шаҳрига етиб келдик. Аэропортда фарзандларим, дўстлар, қариндошларим кутиб олишди. Эртасига элу - у юртга садақа бериб, ош тортдик.

Ҳа, ана шундай қутлуғ кунларга етказганига, мусулмончиликнинг бешинчи шартини амалга ошириш насиб қилганига шукурлар қилиб, яшамоқдаман.

Фермерчилик ҳаракатини давом эттираётган ўғилларим, невараларимга ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб, маслаҳатлар бериш билан бирга, кексаликни завқли қилиб ўтказиш, саломатликни тиклаш, ватанимизнинг хушманзара жойларига бориш истагида дўстларим билан бир неча бор дам олишда бўлдик. Хусусан, Фарҳод Бобожонов, Ўсар Абдуллаев, Ўринбой Ҳусаинов сингари дўстларим, ҳайдовчимиз Султонбой Матсапоев билан бирга, Фарғона водийсини зиёрат қилиб келдик.

Турмуш ўртоғим Тамара билан ҳам Фарғона, Чимён ва Тошкентда дам олдик. Худога шукурки, умрим давомида 41 маротаба Сочи, Кисловодск, Ялта, Рига, Юрмала, Трусковец шаҳарларидаги санаторияларида дам олишга муваффақ бўлганман. Ўғилжон билан Москва, Ленинград шаҳарларига сайёҳатга, Сочи шаҳрига дам олишга боргандик...

Тошкентдаги ана шундай сафарлардан қайтишда қизиқарли бир воқеа бўлганди. Ҳайдовчимиз Султонбой билан Ғиждувонда чой ичиш учун ошхонага кирдик. Биз тўхтаган ердан нарироқда «Жип» маркали машинадан тўрт киши тушиб, биттаси менга салом берганча нариги столга бориб ўтирди. Бу инсон ғоят фариштали, бошида оқ дўпписи бор инсон эди. Шунда мен унга салом бермаганимга хижолат бўлдим. Улар тўртгаси супада ўтириб, овқатланишди. Биз овқатланиб бўлгач, ташқарига чиқдик. Шунда бояги кишилар ҳам йўлга чиқдилар. Шунда боя менга салом берган киши ёнимга келиб, қани

яна бир саломлашайлик, дея ҳожилардек қайтадан қучоқлашиб кўришдик.

Фариштали бу инсон ўзини Насибали деб таништирди. Мен ҳам ўзимни таништирдим. Кейин улар Хоразмга зиёрат учун биринчи маротаба боришаётганини айтиб, бизни Хоразмга бирга олиб кетинг, дейишди. Мен рози бўлиб, машинамиз ортидан ҳайдайверсизлар, дедим. Шу тарзда йўл юриб, Хоразм вилояти чегарасидаги божхонага етиб келдик. Божхонадаги ходимлар мени яхши билишаркан, «Аминбой ака, Тошкентни томоша қилиб қайтдингизми?», дея ҳолаҳвол сўрашди. Мен «раҳмат», дея миннатдорчилик билдирдим уларга. Божхоначилар биздан сўнг ҳалиги «Жип» ва ундаги йўловчиларни кўриқдан ўтказа бошлашди. Шунда мен божхоначи йигитларга «улар менинг меҳмоним», дегандим, «хўп» дея Насибали ака ва унинг ҳамроҳларини тезда ўтказиб юборишди. Шу тарзда йўлни давом эттираведик.

Бироқ бироз юргач, орқадаги «Жип» чироғини ўчириб-ёқиб тўхташ ишорасини қилди. Шунда биз орқага қайтиб боргач, машинанинг ёқилгиси тугаганини билдик. Биз шунда Тўрткўлга бориб ёқилғи олиб келдик ва «Жип»ни юргизиб, йўлда давом қилдик. Амударё кўпригида тўхтаб қовунхўрлик қилганча, суҳбатлашиб ўтирдик. Ҳамроҳларимиз бешариқлик Насибали ҳожи, унинг ўғли Мадаминжон, дўсти Деҳқонбой ҳамда беговотлик Насибали ҳожи экан.

— Яхшиям сиз бор экансиз, бўлмаса, қум ўртасида ким ҳам бизга тўхтаб ёқилғи берар, ёки олиб-келиб берарди, — деди Насибали ҳожи миннатдорчилик билдириб. Уларнинг Хоразмда кимникига бораётганлигини суриштирдим. «Урганчлик инженер Озодникига», дейишди ҳамроҳларим. Ўша пайт улар мезбон Озодбой билан телефонда гаплашдилар. Мен ҳам Озодбойни таниганим учун у билан гаплашиб, меҳмонларни Гурланга олиб боришни топширдим.

Шу-шу бўлди-ю, Насибали ҳожи бобо, унинг оиласи билан дўст бўлиб қолдик. У киши уч маротаба бизнинг уйда меҳмон бўлдилар. Мен ҳам ҳожи бобонинг неварасининг тўйларида иштирок қилдим. Шу тариқа бешариқлик «Андирком» қишлоғи билан борди-келди бошланди.

Насибали ўз элининг ғоят обрўли инсонларидан экан. Бир қатор хорижий давлатларда, хусусан Исроил, АҚШ давлатларида сафарда бўлган, ислом илмидан етук хабардор, покиза инсон экан.

Хатто биз Тамара билан Чимён санаториясида дам олаётганимизда, ўғли Мадаминжон бошқа қариндошлари билан бизни

кўргани бориб, Бешариққа меҳмонга олиб кетишди. Насибали ҳожининг Бешариқдаги қариндош-уруғлариникида ҳам меҳмон бўлиб, уларнинг меҳри дарё, меҳмондўст инсонлар эканлигига амин бўлди.

Ҳа, халқимизда «Юрган дарё, ўтирган бўйра», деган ажойиб мақол бежиз айтилмаган экан. Биз ҳам йўл юриб, юрт ошиб, ҳаётимиз давомида кўплаб дўстлар орттирдик. Насибали ҳожи ва унинг оиласи ана шундай дўстларимиздан бири.

Туғилиб ўсган «Сахтиён» қишлоғим, раис бўлиб ишлаган «Бирлашган» қишлоғи, қолаверса бутун Гурлан худудидан ҳаётим давомида орттирган дўстларим, вилоятда бирга ишлашган дўстлар, хуллас элу-юртда тўй, маърака бўлса уларга доим боришга ҳаракат қиламан. Кўпинча шундай кунларда Каримбой Ражабов, Озод Жонибеков, Отабой Мадаминов, Худойназар Йўлдошев, Рустам Бобожонов, Солий Ражабов, Қурол Бобожонов, Қурол Сапоев, Ҳусинбой Эшчанов, Саъдулла Сапаров, Илҳомбой Машарипов каби кўплаб ака-укаларим билан учрашиб қоламиз. Улар билан тўйларда, тадбирларда кўришиб қолсак, ҳаёт йўлимизга бир назар ташлаб, ўтган кунлар тўғрисида мириқиб суҳбатлашамиз.

Ҳаётим, иш фаолиятим давомида энг асосийси кўплаб дўстлар орттирганимдир. «Ҳаёт мисоли бир чархи фалак», деганини турмушимиз исботлаб турибди. Чунки, иш, турли юмушлар билан овора бўлиб вақтнинг, демак ҳаётнинг ўтганини билмай қоларкансан инсон.

Айниқса, қишлоқда туғилиб ўсиб, ўқув юрглари тугатгунча тумандаги идора-ташкилотларда ишлаб, меҳнати билан кўзга кўринган инсонлар элимизда анча. Ана шундай инсонлар билан мен ҳаётим давомида ака-ука, дўст тутиндик.

Энг аввало, менга ўз фаолияти давомида устозлик қилиб, йўл-йўриқ қилган Шарқия Алиевани қалби пок, меҳрибон инсон сифатида ҳурмат қиламан. Шарқия опа 1965-70 йилларда туман фирқа ташкилоти котиби бўлиб ишлаган, меҳнаткаш аёл раҳбарлардан. Гарчи у кейинги ҳаётини турмушга чиққан Шовот тумани билан боғлаган бўлсада, гурланликлар унинг туманимизда амалга оширган ишларини хотирлаб туришади. Шарқия опа ҳозирда 80 ёшдан ўтган бўлсада, тетик, бардам аёл. Унинг қилган хизматлари боис, шовотликлар томонидан ҳурмат қилинади.

Эшимжирон қишлоғилик Турсунбой Давлетов ҳам кўп йиллар мактаб директори, халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлади.

Машина-трактор паркига директорлик қилган Каримбой Ражаббоев, боғолонлик, молия бўлими мудир Каримбой Ражабов, туман матлубот жамиятига раислик қилган «вазир»лик Тўрабой Давлатбоев, Гулим Йўлдошевлар, автокорхона директори бўлган «олға»лик Солий Қозоқов, туман халқ назорати ташкилотида ишлаган Собир Мадаминов, ижроқўм раисининг ўринбосари бўлган Икром Хайтимметов, Фрунза Маҳмудов, Ўрозмат Ўскиновлар ҳам яқин дўстларимиз эди. Каримбой Ражаббоев ва Карим Ражабовларнинг ҳар қайсиси бошқа қишлоқда туғилиб ўсган бўлсаларда, улар бир синфда ўқишган. Синфдошлари уларни ажратиб кўрсатиш учун «Карим 1», ва «Карим 2», дея ном қўйишган экан.

Уларнинг оталари ҳам адаш-Ражаббой бўлган. Ражаббой боғолонлик бригада бошлиғи бўлиб, менинг отам Вапо билан дўст эдилар. оталаримиз ҳам бир-бири билан борди-келди қилишарди.

Тақдир экан, учаламиз ҳам қишлоқдан келиб, туман марказида яшаб, ишлаб келдик. Дўстимиз Каримбой Ражаббоевнинг умри қисқа экан, 60 ёш арафасида ҳаётдан кўз юмди. Унинг тўртта ўғли, 2 та қизи ҳамда турмуш ўртоғи Ёкутжон неваралари ардоғида яшашмоқда.

Каримбой Ражабов ҳозир ҳаёт. 80 ёшдан ўтсада тетик, бардам. У билан учрашганда, ёшлик даврларимизни эслаб, суҳбатлар қурамыз.

Афсуски, ҳаёт экан, уларнинг кўпчилиги бугун орамизда йўқ. Шундай бўлсаларда улар ўзларидан ёрқин хотира, ўзлари сингари меҳнаткаш фарзандлар қолдириб кетишди.

Бугун ана шу таъкидлаб ўтилган дўстларимиздан фақат Каримбой Ражабов, Солий Қозоқов, Гулим Йўлдошевлар ҳаёт. Мен кўпинча элу-юртда бўладиган тўй маъракаларга ана шу Солий ва Карим дўстларим билан боришга ҳаракат қиламан.

Бундан ташқари Юлдаш ака Ўразметов, Маткарим ака Худойберганов, Ўразбой ака Йўлдошев сингари яна кўплаб дўстларим ҳам бор. Улар билан ҳам тўй-маъракаларда, туманда ўтказиладиган тадбирларда учрашиб, қизғин суҳбатлар қурамыз.

Гурлан эли турли касб ва ҳунарманд эгалари, шунингдек илм-фан, маданият, шоир ва ёзувчиларни тарбиялаб берган.

Юрт, гурланлик Беглар авлодидан бўлган Турсунбой Каримов, кўп йиллардан бери давлатнинг масъулиятли вазифаларида ишлаб, жуда сермазмун ижод қилиб, кўплаб китоблар ёзиб чоп қилдирди. Инсонларнинг турли хулқ-атворлари, яхши одатлари тўғрисида жуда теранг маъноли шеърий асарлар яратиб келаётир. Шунингдек шанғилик Махмуд Ражаб, замонамизнинг ўткир муаммолари,

инсонлар тақдирлари тўғрисида, чуқур фалсафага эга асарлар яратиб, ўқувчиларнинг сеvimли ижодкори сифатида тан олинган қаламкашга айланди.

Мен шахсан шу ижодкорларнинг асарларидан доимо хабардор бўлиб тураман ва сеvиб ўқийман.

Айниқса, Жумабой Ҳусайинов, Бозорбой Ҳусайинов, Ўринбой Ҳусайинов, Адамбой, Эркин, Усмон, Римбой, Мадрим сингари қудаларимиз билан бир-биримизга меҳрли — оқибатли бўлиб юрамиз.

Шу каби вилоятда ўз ақл заковати, қилган яхши хизматлари билан обрў эътибор топган гурланлик Омонбой ака Юсуповнинг ўғиллари Бахтиёр, Эргаш Юсуповлар билан ҳам яқин дўстона муносабатдамиз. Бахтиёр Гурлан туманига раҳбарлик қилган, вилоят ташкилотларида масъул вазифаларда ишлаган даврида, ўзининг меҳнаткашлиги билан доvруқ қозонди. Эргаш Омонбоевич Юсупов бўлса Урганч шаҳри ҳокими бўлиб, бунёдкорлик ишларига бош бўлди. Янгибозор тумани ҳокими сифатида туманнинг барча соҳаларини тараққий қилдиришга эришди. Айниқса, туман маркази Эргаш Юсуповнинг ҳокимлик пайтида қурдирган иншоотлари билан кўркам шаҳарча тусига кирди. Эргаш Омонбоевич Юсупов ҳозирда ҳам «Упрадик» ташкилотига раҳбарлик қилиб, жудаям хайрли ишларга бошчилик қилиб юрибди.

Янгибозорлик Жумабой Ўтамов билан ҳам анча йиллардан бери ака-ука сифатида бир-биримизни ҳурмат қиламиз. Жумабойни Ширинқўнғирот қишлоғида инженер бўлиб ишлаб юрган пайтдан жуда яхши танийман. У ўзининг меҳнаткашлиги, ақлу идроки билан туман машина-трактор парки бошқарувчиси, жамоа хўжалиги раиси, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис қўмита раиси, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Урганч шаҳри ва Ҳазорасп тумани ҳокими вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилди. Ҳозирда ҳам Вилоят «қишлоқхўжаликкимё» ташкилотида масъул вазифада ишлаб, ўз тажрибалари билан Хоразм деҳқончилиги ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Айнан истиқлол шарофати туфайли мустақилликнинг илк йилларида жорий қилинган ҳокимлик бошқарув тизими туфайли мен Гурланга, Йўлдош Ҳожиёв Шовот туманига, Марат Юсупов Янгибозор туманига, Рустам Султонов Урганч шаҳрига ҳоким қилиб тайинлангандек.

Янгибозор, Шовот, Гурлан туманлари ўзаро ёндош, қўшни туманлар бўлгани учун ана шу учала ҳокимлар доимо бирга

маслаҳатлашиб иш қилардик. Вилоят ҳокими биз ҳокимларни чақириб, олиб борилаётган ишлар бўйича ҳисоботларни тинглар, ҳар кимга янги топшириқлар берар, камчиликларга йўл қўйсак танбеҳ берар, танқид ҳам қилиб турарди. Ана шундай мажлислардан бирида Маркс Жуманиёзов Шовот, Гурлан, Янгибозор туманларини қаттиқроқ танқид қилди. Бу ҳолат уч-тўрт мартаба такрорланди. Шунда мен Маркс акага, «учала туман ҳокимлари сифатида бизларни танқид қилиб ўтдингиз. Тўғри, бизлар хато ва камчиликларга йўл қўйган бўлишимиз мумкин. Лекин Шовот, Янгибозор, Гурлан туманлари вилоятда экиладиган ер майдонининг 38 фоизини ташкил қилади. Ана шу уч туманнинг давлатга сотаётган пахта, шоли ва бошқа маҳсулотлари 50% ни ташкил қилади. Билмадим, қайси туман яхши ишлаётган экан!», дея сўзимни якунладим. Шунда вилоят ҳокими Маркс ака бироз индамай туриб, «Аминбой бу рақамларни қаердан олдингиз?», дея сўради. Мен «вилоят статистика бошқармасидан», дея жавоб бердим.

Кейинги йиғилишда вилоят ҳокими бошқа рақамларни ҳам олиб, «Амин Вапоев жуда тўғри айтган экан. Биз қайси туман яхши-ёмон ишлаётганини энди рақамларга қараб таҳлил қиламиз», деганди. Шундан сўнг Гурлан, Шовот, Янгибозор туманлари тўғрисида танқидий гап айтилмади.

Ҳозирда ҳам Марат Юсупов, Йўлдош Ҳожиёв билан вилоят миқёсидаги тадбирларда, тўй-маъракаларда кўришиб қолсак, бирга ишлашган даврларни эслаб турамиз. Улар ўзлари бошчилик қилган туман тараққиёти учун катта ҳисса қўшган раҳбарлар ҳисобланади.

Урганч шаҳрига ҳокимлик қилган Рустам Султоновни қарийиб 46 йилдан бери яхши танийман. У киши 1966 йилда туманда биринчи бўлиб ташкил қилинган қурилиш ПМК-14 га раҳбарлик қилганди. Кейинчалик вилоят қурилиш трести, шаҳар ижроқўми раиси, шаҳар фирқа ташкилоти биринчи котиби, вилоят ижроқўмида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Урганч шаҳрига ҳокимлик қилган даврида кўплаб хайрли ишларни қилди. Шаҳарда кўплаб иншоотлар, турар-жойлар барпо қилишда раҳбарлик қилди.

Рустам Султонов билан суҳбатлашганда мен ҳар сафар бир янгилик, ҳаётий маслаҳатни эшитаман. Ўз тажрибалари билан ўртоқлашади. У киши ҳаётга тўғри баҳо бериб, ҳеч қачон бировларнинг гийбатини қилмайдиган инсофли инсондир. Рустам Султонов билан бирга ҳаж сафарига бирга бориш насиб қилди.

Хаётда орттирган энг яқин дўстларимиздан бири, Хоразм вилояти тараққиёти учун ўзига хос катта ҳисса қўшган раҳбар Маркс Жуманиёзов эди. Маркс ака бизга шундоқ қўшни бўлган Янгибозор туманида туғилиб ўсиб, олий ўқув юртини битиргач, турли вазифаларда ишлади. Гурлан тумани машина-трактор парки директори бўлиб фаолият кўрсатди. Мен ана шу даврларда Маркс Жуманиёзов билан яқин дўст тутиндим. У киши касби инжнер бўлсада, тарих ва санъатга гоят қизиқувчи, санъаткорлар, олимлар, ижодкорлар билан яқин ошно-оғайни раҳбар эди. Ижод, илм, санъат аҳлини ҳамиша қўллаб-қувватларди. Айниқса Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон, Татаристон халқ артисти, бетакрор овоз соҳиби Отажон Худойшукуровга ҳурмати баланд эди. Вилоят ижроқўмида раис ўринбосари, Хонқа, Урганч туманларида раҳбар бўлиб, ана шу эл равнақи йўлида, тараққиёти борасида катта ишларни амалга оширди. Вилоят қишлоқ хўжалик техникаси ташкилотига раҳбарлик қилди. Истиқлолдан сўнг Хоразм вилоятининг биринчи ҳокими, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири даражасига етишди. У киши «Эсимда қолган онлар» номли ўзининг хотираларини ёзиб қолдириб, ўз номини тарих саҳифаларига мангу муҳрлади. У киши доимо ўзини Гурлан ва гурланликларга яқин тутиб юрар, туманимизда барпо этилган тўқимачилик мажмуаси, бозор, Миллий банк биноси, кутубхона, Усмон Саид бобо қадамжоси ва бошқа иншоатлар қурилишини қўллаб-қувватлаган, ёрдам кўрсатган раҳбар эди.

Афсуски, ана шундай фидойи инсон 2012 йилнинг 27 декабрида бу дунёни тарк этди. Бу машъум хабар менинг қалбимни қаттиқ ларзага солди...

Урганчлик яна бир дўстим таниқли журналист Фанижон Дўстжоновдир. У киши билан мен туман ижроқўмида ишлаб юрганимда танишганман. Фанижон Дўстжонов журналист бўлгани учун бизларнинг жамоа хўжалигида, туманда амалга ошираётган ишларимизни республика телевидениеларида доимо ёритиб борган. Янгилик ва илғор тажрибаларимизнинг оммалашишишга сабабчи бўлган ижодкор эди.

Фанижон журналистларга хос синчков, самимий инсон. У билан ҳамма вақт жамиятдаги ўзгаришлар, янгиликлар, қилинажак ишлар тўғрисида суҳбатлашиб турардик.

Фанижон сингари яна бир ижодкор дўстимиз Хусайин Раҳмоновдир. У киши элу-юртга таниқли журналист ва адибдир. Кўп йиллар давомида «Хоразм ҳақиқати», «Қишлоқ ҳаёти» газета-

ларида, вилоят матбуот бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлаган даврларида бизларнинг эришадиган ютуқларимизни газета саҳифаларида чоп этиб борган. У менинг ҳақимда «Ҳаёт синови» деб номланган китоб ёзиб нашр эттирган. Шунингдек, Ҳусайин Раҳмоновнинг бошқа яна кўплаб китоблари чоп қилиниб, адабий муҳитда ўз ўрнини эга ижодкор сифатида танилган. Унинг билан суҳбатлашганда мен доимо маънавий озуқа оламан. Ҳусайиннинг бундан кейинги ижодий ишлариға ҳам ривож тилаб қоламан.

Ана шундай забардаст дўстларимдан шоир Турсунбой Каримовдир. У киши билим салоҳитини ўзи ёзган шърларида ифода қила оладиган юксак истеъдод эгасидир. Бир қанча шърый тўғламлари нашрдан чиққан. Ўзи туғилиб ўсган заминни ардоқлаб шърлар битадиган шоир сифатида улуғлайман. Бундан кейинги ҳаётида ижодий муваффақиятлар тилайман.

Ана шу ижодкорларнинг издоши сифатида менинг қишлоғимдан етишиб чиққан тарихчи Умид Бекмуҳаммад номини ҳам тилга олиб ўтишни истардим. Ёш тадқиқотчи олим билан бир маҳаллада яшаймиз. Унинг Ўзбекистон ва хориждаги 50 дан ортиқ газета-журналларда 500 дан кўп мақоласи, 30 га яқин китоблари нашр этилгани мени қувонтиради. У тарихчи сифатида нашр қилдирган китобларни ўқиб, Хоразм каби қадимий ўлкамиз тарихининг турли даврлариға оид кўплаб воқеа-ҳодисаларни ўрганиш мумкинлигига амин бўламан. Унинг бундан кейинги тарихимизни холис ва ҳаққоний ёритиш борасидаги ишлариға омад тилаб қоламан.

Мен ана шундай дўстларим, ака-укаларим борлигидан фахрланаман. Айниқса, инсоннинг умри оқар сувдек ўтиб, кексайган бир даврла ҳар бир кун ўтган кунга нисбатан қизиқарли бўлиб боравераркан. Негаки, элу-юртдаги тўй, тадбирлар, ҳозирда анъанага айланиб қолган туғилган кунни нишонлаш сингари шодиёналар кўп бўлгани учунми, деярлик ҳар куни бир қариндош, қудалар, фарзандлар, невара, чевара, эвараларнинг таваллуд саналарини нишонлаб юриш, мендек кекса инсонға завқ бағишлайди.

Ана шундай тадбирларда қудаларимиз янгибозорлик Раҳимбой Шержонов, урганчлик Саъдулла ака, Жуманиёз Салаев, Гурлан тумани марказидан Бозорбой Ҳусайинов, Куролбой Маткаримов, Жавлон Маҳмудов, Собир Хўжаев, Сапарбой Матмурадов, «Гулистон» қишлоғилик Эркинбой Собиров, «вазир»лик Тўрабойнинг ўғиллари Комилжон, Маҳмуджон, Усмон Маткаримов, ёки куёвларимиздан Қуриёз Юлдашев, Баҳром Ражабов, Музаффар

Бобожонов, Зоир Матвапоев, Ҳамиджон Матмуротов, Улуғбек Раҳматов, жиянларимиздан Шуқурилло, Қурёз, Самандар, Сапарбой, Фарҳод, Эргаш, Жавлонбек Искандар, Зоир, Тойир ва бошқалар билан учрашиб, уларнинг даврасида иштирок қилиб, улар ардоғида юриб, яратганга беҳисоб шукроналар қиламан. Қудамиз марҳум Болтабой Раҳматов ҳам ана шундай инсонлардан бири эди. Оллоҳ раҳматиға олгани бўлсин.

Уларнинг ҳар бири ўзига хос дунё. Бу яқинларимни кўриб завқланиман ҳамда янада кўп вақт улар билан дийдорлашиш насиб қилсин, дея Оллоҳдан сўрайман. Ана шу қудаларимиз, авлодларимиз даврасида бўлиб, уларнинг ҳаётларида, элимизда, юртимизда ҳамиша яхши кунлар бўлишини, ватанимиз тинч, фарвон бўлишини тилаб, дуо қилиб юраман.

Биз ҳаётда бир-биримиз билан гаплашганда, у бахтли одам, ёки худойим бахтли бўлинг деб тез-тез мулоқатларда «бахт» сўзини ишлатамиз. «Бахт» ўзи нима деб телевиденисда баҳслар бўлади. Тўғри, бахт ўзи инсон бўлиб туғилиш, бахт умр кўриш, яшаш, жамиятда, эл юрт орасида ўз ўрнинга эга бўлиш, эл-юрт учун ҳамма вақт хайрли ишлар қилиш. Мен туманда ҳоким бўлиб ишлаган давримда «Вазир» қишлоғининг Оққум, Мулла Жуман участкасида Гулиммат Хайтимметов колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлар эди. Мен уни бир кунни ўз колхозига раис бўлиб ишлашини таклиф қилдим. Лекин Гулиммат айтдики, «ёшулли мен шу дарё ташлаб кетган ерларни ўзлаштириб шу ерда бир мунча меҳнат қилдим, энди шу ерларни ташлаб кетсам бўлмайди. Шу ерда ишлайвераман. Балки, менинг бахтим шу ердадир», деб менга раисликка бормаслигини таъкидлади. Қарангки бир неча йилдан кейин Мустақиллик даврида Гулиммат Хайтимметов «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига сазовор бўлди. Бахт, ҳар биримизнинг оёқ остимизда, уни биз авайлаб, асраб бизга насиб қилишини Оллоҳдан сўраб, иймони тоза, покиза меҳнат қилиб яшасак, биз ҳамма вақт бахт билан ҳамроҳ бўлсак керак. Гулиммат ҳозир ҳам эл-юрт ардоғида ҳалол меҳнат қилиб ҳурматда, роҳатда жамиятимиз, Президентимиз назарида яшаб, ишлаб юрибди.

Мен кексаликнинг яна бир оғир томони ёки бўлмаса кеча-кундуз эсингдан чиқмайдиган томони, сенга энг яқин ва сирдош, тенгдош бирга ўсиб, елкама-елка ишлаб, яхши-ёмон кунларингда бирга бўлган дўстлардан ажралиш экан. Мен Фарҳод Бобожанов билан тенгдош, Ўсар Абдуллаев билан ҳам тенгдош сирдош, ўз кўнглимга

яқин дўстларим эдилар. Фарҳод жуда тўғри сўз, камтарин ҳаётда у ҳеч бир зиёд нарсаларга ҳавас қилмайдиган, инсофли иймони одам эди. У кўп йиллар Эшимжиронда колхоз раиси ҳамда Гурлан пахта тозалаш заводида директор бўлиб ишлади. Шу даврда мен колхозда раҳбар бўлиб ишладим, унинг турмуш ўртоғи Манзура ҳам жуда яхши аёл эди. Дўст бўлиб, оғайни бўлиб умр бўйи бирга сирдош бўлдик. Лекин Фарҳод қаттиқ касал бўлиб қолди. Унинг ўғли врач Баҳрамбой ўз отасини Тошкентга олиб бориб, яхши клиникаларда икки маротаба оғир операциялар қилдириб келди. Мен икки маротаба операция қилишда дўстимнинг ёнига ҳол сўраб Тошкентга бордим. У ҳамма даволашдан кейин қарийб бир йил умр кўрди. 2003 йил май ойида дунёдан ўтди.

Яна бир менинг энг кўнглимга яқин бўлиб яшаган, бирга ишлаган инсон Ўсар Абдуллаев эди. Ўсар автобазада, райкомда, шаҳар ижроя қўмитасида, «Ўзсельхозтехника»да раҳбарий ишларда, кейинчалик мен Ҳоким бўлгандан кейин ҳокимиятда бўлим мудир бўлиб ишлади. Ўсар билан ҳаётдаги барча масалалар, аynиқса Халқаро сиёсат соҳасида кундалик бир-биримизга ўз фикр-мулоҳазаларимизни айтиб, у билан доимо дунё қарашимиз тўғри келар эди. Ҳеч бир кун йўқ эдики у инсон билан учрашиб, ёки телефонда гаплашмаган бўлсам.

Бизлар Фарҳод, Ўсар, Ўринбой ҳаммамиз нафақага чиқиб, ишни қўйгандан кейин тўрттамыз бир дам олишга, санаторияларга машинада борадиган бўлиб, саёҳатни ҳар томонлама мароқли ўтказардик.

Ўсар, Ўринбой, шофёр Султонбойга машина ҳайдашарди. Шундай дам олиш учун Фарғонадаги «Чимён» санаториясига 4 маротаба бордик. Улар билан жуда эркин, хушчақчақ бўлиб дам олар эдик. Фарғона, Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган, Ош шаҳарларига бир неча бор саёҳатга машинада бордик. Мен ана шу дўстларни ҳар куни ўйлаб, уларнинг борлигининг ўзи қанча бахт эканлигини энди тўлиқ тасаввур қилаяпман. Нима ҳам қилар эдим Оллоҳнинг амри, унинг истаги деб ўзимни-ўзим тинчитаман.

Фарҳоднинг ҳам 3 та ўғли, Баҳром, Баҳодир, Алишер ва битта қизи бор. Ўсарнинг ҳам 3 та ўғли Илҳом, Баҳром, Икром ва 2 та қизлари бор, уларни суриштириб, кўриб тураман. Турмуш ўртоқлари Гулсара, Гулчеҳра болаларига бош бўлиб юрибдилар.

Фарҳоднинг катта ўғли шифокор, у хусусий шифохона очиб, эл-юртни хурсанд қилиб кўп инсонларни даволаб, халқнинг

ҳурматига сазовор бўлиб, отасига раҳмат айтиб юрган кишиларни ўз қулоғим билан эшитиб, дўстим Фарҳодга раҳмат айтаётир, деб хурсанд бўлиб юраман.

Юқорида айтганларимни якун қилиб, шуни оддий қилиб айтаманки тенгдош, замондош, сирдош, елкадош дўстлардан ажралиш ҳам, айниқса инсон учун оғир, қийин, давосиз нарса экан деб айтаман. Лекин Оллоҳга шукур қилиб, унинг ҳаммаси Оллоҳнинг измида деб қўяман.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ ЁКИ КИТОБГА ХОТИМА

Саксон ёш остонасида туриб, ўтган умрим, ишлаган суронли меҳнат фаолиятим, учрашган инсонлар, дўстлашган, ака-ука тутинган оғайнилариимизнинг менга қилган яхшиликлари, менинг элу-юртга ҳар на бўлсада қўшган озми-қўпми ҳиссам, умуман УМР деб аталмиш тақдир йўлларига назар солиб, ҲАЁТ асли синов экан, энг яхши мураббий ҲАЁТ САБОҚлари экан, деган хулосага келдим.

Шуниси муҳимки, инсон энг аввало яхши ният қилиши керак экан. Балки шу боисдан ҳам муқаддас «Авесто» китобида «Эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал», дея инсон ҳаётида риоя қилиши керак бўлган сифатлар таърифлаб ўтилган. Ҳозирда ўтган умримга бир нигоҳ ташлаб, босиб ўтган умр йўлимни хотирамда жонлантиришга ҳаракат қилдим. Қўлингиздаги ана шу китоб хотирамда жонланган ўтмиш саҳифаларидир. Бу фақат менинг эмас, мен билан тенгдош авлоднинг ҳам ҳаёт йўллари, десам бўлади.

Ҳаётда не бир воқеалар рўй бермайди. УМР йўллари ҳам фақат бир текис эмас. Қайсидир пайти, қандайдир воқеа, ёки кимдир сенинг қилаётган, қилмоқчи бўлган ишларингга тўсқинлик қилади. Мен ҳаётим давомида ана шундай қўплаб воқеаларга гувоҳ бўлганман, ёки шундай тоифа инсонларга рўбарў келганман.

Ана шундай вазиятда инсон доимо олдинги интилиши, эртанги кундан, келажакдан умид қилиб яшаши керак экан. Салгинагина тўсиққа дуч келганда, кимдир тўсиқ бўлганида, ортга чекинмаслик керак, олдга қўйган, интилаётган мақсад сари талпинавериши керак экан. Шу ўринда ўспиринлик давримда — мактабни битирган пайтим рўй берган воқеа ёдимга тушди. Отамнинг маслаҳатига амал қилиб, Урганчдаги гидромелиорация техникумига ўқишга бормоқчи бўлдим. Аммо ўқишга бориш учун туғилган жамоа ҳўжалиги раисидан маълумотнома олиш шарт эди.

Раиснинг олдида мақсадимни айтиб бордим.

— Йўқ! — дея ўжарлик қилганди ўшанда раис, — сув-пув керакмайди, ўзим сени Хивадаги ҳисобчилар тайёрлаш бўйича

ўқишга юбораман. Аммо, кейинги йил. Бу йил колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлайсан! — буйруқ бергандай оҳангда сўзлади раис ҳам кескин.

Шу таҳлид ноилож ўрнимдан турдимда, ташқарига чиқиб, эшагимни минганча ҳафа бўлиб уйга қайтдим. Воқеани оиладагиларга йиғламосираб айтиб бердим.

Ҳозир орадан вақт ўтиб ўйлаб ўтираман. Мабодо ўшанда ўспиринлигимга бориб, раиснинг айтган гапига кўнганимда, табиий-ки техникумга ўқишга боролмасдим. Раис айтганидек, жамоа ҳўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлаб юраверармидим? Мабодо шундай бўлганида менинг УМР йўлим қандай кечган бўларди? Ҳаётим қишлоқда ҳисобчилик билан ўтиб кетармиди?

Албатта, ҳаётда тақдир, пешонага ёзилгани бўлади, деган гап-сўзлар юради. Аммо инсонда ирода, қатъийлик бўлса, олдида учраган тўсиқларни енгиб ўтишга интилиш бўлсагина ишларимиз ривож топиб, юксалиб бораверар экан!

Ҳаётим давомида юқоридаги сингари кўплаб катта-кичик воқеалар бўлди. Бунини, китобни ўқиган сиз азиз китобхон яхши билиб олдингиз, албатта.

Қолаверса, шуни яна ёлда тутиш керакки, ҳаётда ҳамма нарсага синчков нигоҳ билан қараш, арзимас бўлиб туюладиган воқеа-ҳодисаларга ҳам эътиборли бўлиш керак. Чунки, инсон фаолияти давомида, айниқса раҳбарлик қилган киши қўл остидаги одамларга, ташкилотларга буйруқ, кўрсатма беради, йўл-йўриқ кўрсатади. Ишнинг боришини назорат таҳлил қилади. Кимгадир танбеҳ беради. Албатта, бу ишларни шахсий иши учун эмас, жамият, давлат манфаати учун қилади. Қолаверса, бошлиқ ҳам кимгадир бўйсунди.

Ана шундай ҳолатда танбеҳ эшитган, шунингдек ҳаётда ўзининг фикринигина тўғри деб ҳисоблаб, бошқача фикрларни инкор қилувчилар олдига тўсиқ бўлиб чиқаркан. Қолаверса, инсонда ҳасад деган иллат ҳам борки, эришган озгинагина ютуғингни ҳам кўролмай, халқ тили билан айтганда «тирноқ остидан кир излайди».

Буларнинг бари қўшилиб эса юқори ташкилотларга сен ҳақингда турли бўҳтонлардан иборат шикоятлар йўллайди. Элда, юртда иғво тарқатишга интилади.

Собиқ иттифоқ даврида, бу тузумнинг маъмурий буйруқ-бозликка асослангани учун ана шундай иғвогорона шикоят ёзувчилар кўпайиб кетганди. Гарчи бундай шикоятлар имзосиз ёзилсада, уни текширувчилар келиб, вақтингни олиб, асабингни ўйнатиб, кайфиятингни тушириб, қўлингни меҳнатдан совутар даражага олиб борарди. Яратганга минг шукурларким, шўролар давлати ҳам, унинг

маъмурий буйруқбозликка асосланган жамияти ҳам тарихдан жой олди.

Ўша даврга доир бир ҳолат — аввало эгасизлик эди, десам ҳам бўлади. Ўзим бориб гувоҳи бўлган Костромадаги ҳолат. Москва Кремлидан атиги 500 чақирим узоқликдаги вилоятдаги «Успех» давлат хўжалигида 12 минг гектар ер бор экан. Ана шу майдоннинг 6 минг гектари ўрмон, 6 минг гектари қора тупроқли ҳосилдор ерлар. Қишлоқда фақат саноқли инсонлар, улар ҳам бўлса кексалар қолган. Уйларнинг эшик, деразаларига тахта қоқилган. Яна мактаб, боғча, шифохонадаям шу аҳвол. Давлатнинг пулига 1972 йил қурилган чорвачилик мажмуаси, ишлайдиган одамлар йўқлигидан, эгасизликдан вайрона ҳолга келиб қолган. Биз вазият билан танишиб қайтгач, Костроманинг Шаря тумани «Успех» давлат хўжалигига 2 вагон мол еми, 4 вагон пишган гиштни темир йўл орқали жўнатгандик. Ана шу маҳсулот алмашлаш эвазига 6 вагон ёғоч келтирдик. Биз шу асосда ишланга рози бўлиб, ишни давом эттирмоқчи бўлганимизда, ёғочни олиб кетишни манъ қилишди. Аммо ўз кўзим билан кўрганим, юқоридаги қишлоқ ўрмонида неча йиллардан бери чопилиб, йиқилиб ётган ёғочлар чириб ётарди...

Фарҳод Тангиров деган гурланлик йигит у ердаги ишларни йўлга қўйиш учун 25 ҳамроҳи билан Костромада атиги икки йилча фаолият кўрсатди. Аммо, маъмурий буйруқбозлик боис улар юртимизга қайтиб келишди.

Ана шу даврда бир давлат, бир жамиятда бизнинг серқуёш юртимизда меҳнаткаш халқимиз бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмай, қумниям, кўлниям, шўрлоқ ерниям ишлаб, ҳосилдор ерга айлантириш ниятида тер тўкарди.

Энди Красноярскдан ёғоч келтириш масаласига келсак. Бу ўлкада Бағучан ГЭСи қурилиши сабаб, биз ГЭС суви тушадиган майдонни тозалаш учун у ердаги ўрмонзордан ёғоч келтиргандик.

Бундай эгасизликни мен Чита, Иркутск, Омск, Горький, Арзамас шаҳар ва қишлоқларидаям кузатганман. Бундай ачинарли аҳволни кўриб, кузатиб, ўзимизнинг юрт билан таққослаб, Ватанимизнинг нақадар азизлиги, юртдошларимизнинг, ўзбек халқининг меҳнаткашлиги, ҳамжиҳатлигига қойил қолганман.

Шукрки, у кунлар ортда қолиб, Ўзбекистон Истиқлолга эришди. Президентимиз Ислам Каримовнинг босқичма-босқич амалга ошираётган ислохотлари боис, юртимиз тинч, осойишта, элимизда тўкин сочинлик ҳукмрон. Давлатимизда хусусий мулкка берилаётган эътибор, жамоа хўжаликларининг тугатилиб, фермерлик ҳарака-

тининг шаклланиши, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тараққиёт омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ана шу соҳа тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида, менинг фарзандларим ҳам фермер хўжаликларига асос солиб, юртимиз равнақиға ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Кичик ўғлим Давлатбой чорвачилик соҳасида фаолият юритадиган «Вапо бобо» фермер хўжалигига 1994 йилда асос солганди. Бугунги кунда ушбу фермер хўжалигининг қамрови кенгайиб, пахта, буғдой экинларидан ҳам юқори ҳосил олинмоқда.

Шу каби қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, мутахассислиги агроном бўлган ўғлим Ҳамробек «Бирлашган» қишлоғида 100 гектарлик «Аминбой Ҳоким» фермер хўжалиги раҳбари. У ҳам доимо пахта, буғдой топшириш режаларини ортиғи билан бажариб келмоқда.

Катта ўғлим Саъдулланинг тўнгич фарзанди, неварам Ҳамза эса «Оқсоқол» фермер хўжалиги соҳиби. «Ўғилжон» дея раҳматлик турмуш ўртоғим номи билан юритиладиган фермер хўжалигини ўғлим Баҳром бошқаради. Унга фарзанди Аббос ишларни йўлга қўйишда катта ёрдам беради.

Қизларимнинг барчаси таълим соҳасига ўз ҳаётини бағишлашган. Мен ана шу фарзандларимнинг касбу корларидан барака топиб, юртимиз ривожига қўшаётган ҳиссаларидан кувониб ўтираман. Бугунги кунларга шукроналар қиламан. Уларнинг ҳаётларида, элимизда ҳамиша яхши кунлар бўлишини тилаб, яхши кунларида уларга бош бўлиб юрибман. Албатта 80 ёш оstonасидаги кекса инсон учун буларнинг бари бахт эмасми?!

Ана шундай шукрона кунларда — 2012 йилнинг октябрь ойида вилоятимизга Президентимиз Ислон Каримов ташриф буюрдилар. Мен бу улуг инсонни кутиб олишда иштирок этиб, юртбошимизнинг суҳбатларини тинглашга мушарраф бўлдим.

Биз Хонқа туманидаги «Истиклол» фермер хўжалиги даласида муҳтарам Президентимизни вилоятнинг бир гуруҳ фермерлари билан кутиб олдик. Президентимиз бизлар билан қарийиб икки ярим соат суҳбатлашдилар. Вилоятдаги деҳқончиликнинг аҳволи, деҳқончилик соҳасидаги қийинчиликлар ва яна нималарга эътибор беришимиз кераклиги, аҳолини иш билан таъминлаш чораларини кўриш лозимлиги, қишлоқдаги турмуш даражасини яхшилаш каби мавзуларда бизлар билан самимий суҳбатлашдилар.

Икки ярим соатлик мулоқот жараёнида ҳар биримизнинг гапимизни бўлмасдан, тинглаб, қулоқ солиб, яна сизлар нима дейсизлар, дея ҳар биримиздан фикр сўрадилар.

Шу куні яна Урганч шаҳридаги амалга оширалаётган бунёдкорликлар билан танишиб, вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам иштирок қилдилар. Сессияда вилоятда олиб борилаётган бунёдкорликларга алоҳида тўхталиб, бу ишларни янада кенг қўламда давом эттириш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Сессияда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаб келган Пўлат Раззоқович Бобожанов номзоди Хоразм вилояти Ҳокими лавозимига тавсия этилди. Депутатларнинг бир овоздан маъқуллаши билан Пўлат Раззоқович Бобожанов Хоразм вилоят Ҳокими қилиб тасдиқланди.

Сессияда Хоразм вилояти учун Республикадан катта маблағ ажратиб, вилоятнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича қилиниши лозим ишларга яна алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ана шундан кейин вилоятда «Дамас» автомашинасини, телевизор, велосипед, турли хил қувурлар, трубалар ишлаб чиқариш бўйича амалий ишларга киришилди. Вилоятдаги асосий сув иншоатлари, Шовот, Тошсоқа каналларини қайтадан реконструкция қилишга ҳам алоҳида маблағ ажратилди.

Урганч шаҳридаги бунёдкорликларни давом қилдириб, шаҳарда замонавий турар-жойлар, турли хизмат кўрсатиш масканларини барпо этишга янада куч-ғайрат билан киришилди. Бу ишларнинг бари Президентимиз Ислон Каримовнинг вилоятга ташрифидан кейин янада амалий тус олди.

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан, вилоятдан 100 нафар фермер, ҳамда меҳнат фахрийларининг Самарқанд, Тошкент шаҳарларидаги бунёдкорлик ишлари билан танишиб, тажрибаларини ўртоқлашиш, вилоятимизда ҳам бу ишларни оммалаштириш бўйича, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Шакаржон Хўжаниёзова бошчилигида ана шу шаҳарларга сафари уюштирилди. Йўлдош Ҳожиев, Кенжабой Ортиқов сингари дўстларим, меҳнат фахрийлари, вилоятимизнинг илғор фермерлар билан бирга, дунёдаги энг сўнгги русумдаги «Самарқанд — Тошкент» тез юрар поездига миниб, Тошкент шаҳрига бордик. Тошкентдаги муҳташам «Бунёдкор» ўйингоҳини, Миллий кутубхона биносини, шунингдек яна кўплаб истиқлол шарофатидан барпо этилган иншоотлар билан танишдик. Мамлакатимизнинг ўз имкониятлари билан ўз қаддини ростлаб, ғоят катта бунёдкорлик ишларини давом қилдираётганликларини, кўриб, қувониб, юртимиз тинчлиги, осойишталиги учун Оллоҳга шукроналар қилдик.

Инсон ёши ўтиши билан ҳаётдаги ҳар турли ўзгаришларга ва яшаб турган жойинг ва қўшнилардаги турмуш тарзи ва ҳар хил ўзгаришларга эътибор берар экансан. Эски ҳар турли манбалардаги маълумотлар ва халқнинг оғзаки гап-сўзларига қараганда Амударё биз яшаб турган Гурлан туманининг Жанубий томонидан, яъни «Дарёлик» деб аталувчи ердан айрим қумликлар бор бўлган жойдан Кўҳна-Урганч томонга оққан экан. Шу сабаблими, биз гурланликлар манғитликлар, Шаббоз (берунийликлар) ва Янгибозорнинг кўпчилик қисми, тилларимиз бир хил, шеваси ҳам Хоразмнинг бошқа туманларидан фарқ қилади.

Ана шу туманлар одамларининг турмуш тарзи, тўй-маракалари, урф-одатлари ҳаммаси ўхшаш, демак биз кўп йиллар Амударё орқасида, яъни Амударё бизнинг Жанубий томонимиздан оқиб ўтган. Кўп йиллар давомида биз дарё орқасида яшаб бирга борди келди қилиб, тилларимиз бир хил бўлган. Шу сабабли ҳозир ҳам ана шу туманлар бир-бири билан борди-келди қилиб, тўй томошаларга, марака ва бошқа байрам тантаналарида бирга бўлишади. Қизиғи шуки, масалан Манғит эли билан Гурлан бир каналдан сув ичади, бир йўл бирлаштиради, бир хил гапиримиз. Ҳамма вақт тўй, байрам, маракаларга борди-келди қилиб келаётирмиз.

Мен ёш даврларимдан дўстим Қиличчиёзбой қишлоғидан Юлдаш Ўразбоев деган ажойиб инсон билан ҳамма вақт борди келди қилиб юрганмиз. Шунингдек Турсунбой Шержанов, Ашир Ҳалимов, Буран Қурбаниязов деган инсонлар Манғит билан Гурланни боғлаб турувчи одамлар эди. Ана шу улуг инсонларнинг фарзандлари ҳам икки туманнинг борди-келдисини давом қилдириб келаётирлар. Юлдаш Ўразбоев (таппачи)нинг ўғли Ражаббой Йўлдашев кўп йиллардан бери Қароқалпоғистон Республикасида раҳбар лавозимларда ишлаб, катта тажриба олиб, ўз юртида Амударё туманида (Манғитда) Ҳоким бўлиб 15 йилдан бери жуда яхши ишлар қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор инсон бўлиб келмоқда.

Амударё тумани бир қанча йиллардан буён Республикада биринчи бўлиб пахта, дон тайёрлаш планларини бажариб, эл-юрт орасида раҳбаримиз назарида катта обрўга эга бўлмоқда. У отасининг қўшнилари, айниқса Гурлан билан борди-келди удумларини давом қилдирмоқда.

Ашир аканинг ўғиллари Аминбой, Алимбой, Ҳакимбойлар эл юрт учун жуда масъул ишларда ишлаб, ўз ота-оналарига раҳматлар айтиб, халқимиз уларни инсонлар ҳамма вақт яхши сўзлар билан гапириб юрганларини мен Ашир аканинг дўсти сифатида жуда

хурсанд бўлиб, уларнинг ишларига муваффақиятлар тилаб, дуо қилиб юраман.

Элликқалъа тумани, Беруний тумани аҳолиси ҳам биз гурланликлар билан ҳамма вақт борди-келди қилиб, уларнинг ҳамма яхши ишларидан хабардор бўлиб, хурсанд бўлиб юрамиз. Элликқалъа туманида кўп йиллардан бери Неъматулла Худайбергандек ажойиб инсон, ақлли тадбиркор раҳбар сифатида эл ҳурматига сазовор бўлиб, самарали ишлаб юрганлигини биз гурланликлар хурсанд бўлиб юрамиз.

Беруний туманида Фарҳод Эрманов асли мангитлик йигит бир неча йиллардан бери Ҳоким бўлиб ишлаб, туманимиз билан яқин алоқада бўлиб турибди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳамма Ўзбекистонда маълум бўлган журналист-ёзувчи, улуғ инсон Янгибой Қўчқаров Хоразм ва Қарақалпоғистонни ҳамма вақт боғлаб, улардаги янгилик ва яхши ишларини оммалаштириб юрибди. Уни фақат мен эмас, бутун гурланликлар, хоразмликлар яхши билади.

Ана шу инсонлар туфайли қўшнилари билан алоқаларимиз яхши. Улар билан тўй, байрам, маракаларимиз чиройли ўтади. Улар Амударё ёқасидаги икки вилоят халқларини бирлаштириб турувчи сабабчилар десак хато бўлмас.

Қўшни Туркменистоннинг Ташовуз райони биз билан эскидан борди-келди қилиб келган қариндош-уруғли инсонлармиз. Шу районда кўп йиллар раҳбар бўлиб, сўнгги йилларда Ҳоким бўлиб ишлаган Марат Худайбергандек ёки бўлмаса жойи жаннатда бўлсин Саъдулла ака Рузметов асли гурланлик Қодир Жуманиязовлар иккала район қўшничилиқ, қадрдонлик ришталарини боғлаб юрган инсонлардир. Энди Саъдулла аканинг ўғиллари Рўзимбой ва Комилжонлар отасининг ишларини давом қилдириб, бизлар билан борди-келди қилиб юрибдилар.

Менинг яқин таниган дўстлардан бири улуғ ажойиб инсон Қорақалпоғистонда кўп яхши ишларнинг бошида туриб ташкил қилган Аминбой Тожиев, Нукус шаҳрида «Катекс», Элликқалъада «Элтекс» тўқимачилиқ комплексларининг асосчиси эканлигини бутун эл-юрт биладилар. Аминбой Тожиев Элликқалъада ҳоким бўлиб ишлаб юрган пайтларда мен Гурландаги «Гуртекс»ни қуриш учун у кишидан маслаҳат олиб қурилиш ҳужжатлари, намуналарини бериб, биз гурланликларга амалий ёрдам берди. Натижада Гурланда «Гуртекс» деб аталувчи комбинат қурилиб ишга тушди. Биз гурланликлар мен шахсан ўзим Аминбой Тожиевдан хурсанд бўлиб,

у кишига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ Оллоҳдан тилаб юраман. Юқоридаги номлари тилга олинган инсонлар қанча кўп бўлса шунча эл-юрт обод ва кўркем бўлаверишига ишонаман.

Гурлан туманида 2012 йил жуда яхши натижалар билан якулланди. Пахтачилик бўйича 58 фермер ҳар гектарида 40 центнердан ҳосил олиб, 58 та автомашина мукофотга олишга сазовор бўлдилар. Район ҳокими бўлиб 6 йилга яқин ишлаган асли аграном, талабчан уста деҳқон Ўқтам Машарипов вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича биринчи ўринбосари қилиб ишга олинди. У туманда жуда яхши ишлади, деҳқончиликнинг илмий асослари — юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилишдек муҳим ишларни жорий қилди.

2012 йил туманга Қаҳрамон Мадраҳимов Ҳоким бўлиб ишга келди. Шунингдек асли Самарқанднинг Қўшрабат туманидан Алимжон Эшбаков прокурор бўлиб ишлай бошлади. Бу инсон ҳам жуда тажрибали, фидойи инсон, яхши мутахассис экан.

Туманга 2011 йил пахта тозалаш заводи директори бўлиб, асли хивалик Саидмурат Мадримов ишга келди. Бу инсон ҳам ўзининг камтаринлиги, хушмуомалалиги билан гурланликлар қалбидан жой олди.

2013 йил баҳори районда ёмғирли кунлар кўп бўлди. Лекин деҳқончиликдан юқори ҳосил олиш учун кураш давом қилаётир.

Ватанимизда бўлаётган бундай бунёдкорлик жараёнларини кузатиб, Ўзбекистон келажаги буюк Давлат эканлигига яна бир маротаба амин бўлдим. Ҳа, кунлар, ойлар, йиллар ўтиб, истиқдолга эришганимизга ҳам мана бу йил 22 йил бўлаяпти. Бу навқирон йигит ёши билан тенг сана. Мен умримнинг 55 йилини собиқ шўролар давлатида ўтказган бўлсам, қолган умрим истиқлол йилларида ўтаяпти. Яратганга шукур қилиб, ҳаётий тажрибаларимизни, маслаҳатларимизни ёш авлодга ўргатиб, тинч ва фаровон юртимизда яшашимиз.

80 ёш остонасида туриб, қолаверса қўлингиздаги ана шу китобни яратиб, менда ўзимнинг УМР йўлида англаган, амал қилган ҳаётий кузатувларимни сизга ҳавола қилишга ҳаракат қилдим. Ёш авлодга айтadиган эзгу-тилагим шуки, энг аввало доимо яхши ният қилиб, тўғри гапириш, ҳалол меҳнат қилиш, ўтмишдан, ўтган кунларимиздан хафа бўлмай, бугунги кунимиз қадрига етиш, ундан рози бўлиш лозим экан. Шунингдек, доимо умид билан келгуси ҳаётим, ишларим бунданга яхши бўлади, дея олдинга интилиш,

қаерда ишланган, яшанган покиза бўлишга эътибор қаратиш, ёши улуғ инсонларни, барча устозларни ҳурмат қилиш, ёшларга ҳамма вақт меҳрибонлик қилиб, эътиборли бўлиш, ҳеч қачон ҳеч кимга ҳасад қилмай, ҳавас билан яшаш, ишлаш керак.

Шунингдек, ўз замонингиз қадрига етиб, Оллоҳга беҳисоб шуқурлар қилиб яшамоқ, ҳаётда топган энг катта бойлик— дўстлар, қариндош-уруғлар, қўшнилари, умуман ҳар бир инсон билан яхши муомалада, муносабатда бўлмоқ, уларнинг умр йўлларидаги яхши-ёмон кунларида қувонч ва ғамларига шерик бўлмоқ лозим, деб билдим ва шундай қилдим ҳам.

Юқоридаги таъкидлаб ўтган, ҳаётда эътиборли бўлишга оид жиҳатлар, бу менинг УМР йўлларимдаги кузатувларим, ҳаётим тажрибаларим, энг асосийси **ҲАЁТ САБОҚ**ларимдир.

ОИЛА ШАЖАРАСИ

(Аждодларим, авлодларим)

Мусурмонкулнинг ўғли Сатторкул, унинг ўғиллари Олламберган ва Худойберган.

Худойберган ва Моможондан Кўчқор, Вапо исмли фарзандлар туғилган. Худойберган бобомиз ўғли Вапо 1 ёшлигида вафот этган. Олламберган ўз укаси вафот қилганидан сўнг, Моможонни ўз никоҳига олиб, укасининг ўғлини, — Кўчқор, Ваполарга оталиқ қилиб тарбиялайди. Олламберган ҳамда Моможондан Розия исмли қиз ва Римбой деган ўғил — фарзанд туғилган.

Шу тариқа Моможон момо тўртта фарзанднинг онаси эди: Кўчқор, Вапо, Римбой ва қизи Розия.

Кўчқор ва Норгул никоҳидан: Куролбой, Абдулла исмли ўғиллар дунёга келган.

Курол ҳамда Шукуржондан: Тўлибой, Ғайрат Анвар, Собир исмли ўғиллар ҳамда Раъно исмли қиз туғилган.

Абдулла ва Қизларгулдан: Умиджон, Қаҳрамон деган ўғиллар, ҳамда Барно, Гўзал, Моҳира исмли қизлар дунёга келган.

Вапо ва Хонимжон момодан: Амина, Аминбой (яъни мен), Сапаргул, Гулжоной, Ўрозбика, Омонжон, Шукуржон исмли қизлар таваллуд топган. (Сапаргул, Гулжоной, Ўрозбика ёшлик пайтида вафот этишган).

Амина ва Каримбойдан: Шукурла, Қуриёз, Солий, Самандар, Сапарбой исмли ўғиллар, Тўлғоной, Мунаввар, Салима, Санобар, Зайнаб, Дармонжон исмли қизлар туғилган.

Аминбой ҳамда Ўғилжондан: Саъдулла, Ҳамро, Илҳомбой, Баҳромбой, Давлатбой исмли ўғилларимиз, Гулора, Гулбаҳор, Замира, Муҳаббат, Мақсуда исмли қизлар таваллуд топишган.

Катта ўғлим Саъдулла ва Саломат Собир қизидан:

Ҳамза, Мирзабек исмли ўғиллар, Наргиза, Азиза исмли қизлар таваллуд топган.

Ҳамза (неварам) ва Феруза никоҳидан: Гули, Юлдуз, Комила исмли қизлар, Ҳакимбек ўғли таваллуд топган.

Мирзабек (неварам) ва Нилуфар никоҳидан: Бобурбек, Асалои, Нафиса.

Наргиза (Неварам) ва Музаффардан: Шоира, Дилфуза қизлари ва Беҳзод ўғли

Азиза (Неварам) ва Ҳамиджондан: Темурбек ва Лочинбек
ўғиллари.

Гулора (қизим) ва Куриёз никоҳидан: Музаффар, Мавлуда,
Манзура, Фарҳодбек.

Гулбаҳор (қизим) ҳамда Олимбойлардан: Музаффар, Жонибек,
Ёдгорбек, Муяссар, Қувончай,

Ҳамробек (ўғлим) ва Раъно никоҳидан: Нигора, Сайёра, Акмал,
Илҳомбой (ўғлим) ва Гулноралардан: Исломбек, Нурбек,.

Баҳром (ўғлим) ва Гавҳардан: Аббос, Шахло, Лайло.

Замира (қизим) ва Баҳромбойдан: Сирож, Сухроб, Лобар, Севара.

Муҳаббат (қизим) ва Улуғбекдан: Дилноза, Гулноза, Уллижон.

Мақсуда (қизим) ва Зоиржондан: Жамшид, Ҳумоюн, Умида,

Давлатбой (ўғлим) ва Санобардан: Сарварбек, Сардорбек,

Насиба.

Исломбек (неварам) ва Мавлудалардан: Меҳрибон, Диёра,
Фотима.

Омонжон ва Зариббойдан: Қадамбой.

Шукуржон ва Пўлатжонлардан: Фарҳод, Эргаш, Жавлонбек,
исмилӣ ўғиллар, Турсуной исмилӣ қиз туғилган.

Розия ва Оллоқулдан: Каримбой, Ражаббой, Юлдошбой,

ОЛЛОМБЕРГАН ОҚСОҚОЛНИНГ КИЧИК ЎҒЛИ РАҲИМБОЙ
ҳамда **ҲАЛИМА ҲАЙТИММАТ** қизидан: Саидабулла, Олимбой,
Рустам, Баҳодир, исмилӣ ўғиллар, Тозагул, Гулчеҳра, Зулайҳо, Зулфия
исмилӣ қизлар.

Ўғли Саидабулла ва Жумагулдан: Эркиной, Даврон, Дилдор,
Зулҳумор. Райҳондан Иззат. Мунаввардан икки ўғли бор.

Қизи Тозагул ва Султонбойдан: Гўзал, Асал, Нураддин,
Нозимжон, Моҳигул.

Қизи Зулайҳо ва Фарҳоддан: Садокат, Санъат, Қумуш.

Қизи Зулфия ва Комилжондан: Нодирбек, Зиёда, Озода.

Ўғли Баҳодир ва Дилоромдан: Инамжон, Ойбек, Меҳрибон.

Қизи Гулчеҳра ва Қуролбойдан: Дилмурод, Дилафрўз, Жавлон,
Хурсанд, Дилноза, Сурайё,

Ўғли Рустамбой ва Ўразгулдан: Малика, Мансур, Жасур,
Жамол, Қундузбой, Юлдуз.

КАРИМ ФЕРМА СУЛОЛАСИ

Отажон (Буважон) ўғли Юлдаш ва Марямжон Матниёз қизи
Юлдаш ўғли Карим ва Амина Вапо қизи.

Тўлғоний Карим қизи ва Ўрозбой Эрназар ўғли.

Шуқурилло Карим ўғли ва Тозагул Римбой қизи.

Мунаввара Карим қизи ва Юсуф Олламберган ўғли.

Куриёз Карим ўғли ва Гулора Аминбой қизи.

Салима Карим қизи ва Маткарим Зариф ўғли.

Солий Карим ўғли ва Шарифа Ҳамро қизи.

Самандар Карим ўғли ва Тўлғоной Ҳаким қизи.

Санобар Карим қизи ва Олимбой Болтабой ўғли.

Сапарбой Карим ўғли ва Гавҳар Бозорбой қизи.

Зайнаб Карим қизи ва Азим Саъдулла ўғли.

Дармонжон Карим қизи ва Олимбой Гулим ўғли.

**ОЛЛОМБЕРГАН ОҚСОҚОЛНИНГ СИНГЛИСИ ОМОНЖОН
МОМОНИНГ ЎҒЛИ БЕГБОЙ. УНИНГ ҚИЗИ ЎФИЛЖОН
ФАРЗАНДЛАРИ:**

Ўғилжон ва Хужаматнинг фарзандлари: Розия, Санамжон, Хатича,
Эгамберган, Ниёзмат, Олламберган, Баҳодир, Баҳром, Канжа,
Рашид,

Вапо бобо қизи Омонжон ҳамда Зарифбой фарзандлари:

Ўғли Қадамбой ва Раънохоннинг фарзандлари: Санъат,
Шарофат, Назокат, Фазилат,

**МОМОЖОН МОМОНИНГ СИНГЛИСИНИНГ ҚИЗИ
ҚУРВОНОЙ:**

Ўрозмат, Маҳмуд, Солий.

МОМОЖОН МОМОНИНГ ҚИЗ ОПАСИ:

Ўғли Матёқуб, Шамурот, Бегмон,

ОЛЛОМБЕРГАН ОҚСОҚОЛНИНГ ЖИЯНИ БИКАЖОН:

Ўғли Иброҳим, Қурол, қизи Дилбаржон.

**ОЛЛОМБЕРГАН ОҚСОҚОЛНИНГ ОҒАЙНИСИ ТОЖИ-
МУРОТ. УНИНГ ЎФИЛЛАРИ ҚУТЛИМУРОТ, СОЛИЙ.**

Солий ўғли Йўлдош. Қизлари Дармонжон, Анбар, Омонгул.

Ўғли: Мақсуд, қизлари Тамара, Диля.

ҲОНИМЖОН МОМОНИНГ АКАЛАРИ ВА ҚИЗ ОПАСИ

Акаси Худойберган ўғли Рўзимбой, ўғли Римбой, Қодирберган.

Акаси Маҳмуд. Тўхтажон, ўғли Бекпўлат, Қўзибой, Отабой,

Қиз опаси Пошша: Қизи Тўхта, ўғли Тўра, Ўрозбой,.

**ОЛЛОМБЕРГАН ОҚСОҚОЛНИНГ ОҒАЙНИСИ РАЖАБ
МИРОБ:**

Ўғли Римбой, Каримбой, Жумабой, Омонбой.

Римбойнинг ўғиллари Собир, Тохир.

Каримбойнинг ўғли: Қурол.

Жумабойнинг ўғиллари: Давлатбой, Махсуд, Маҳмуд, Наврўз.

Амонбойнинг Алина, Олан исмли фарзандлари бор.

МУНДАРИЖА

<i>Муқаддима</i>	3
Болалик таассуротларим	5
Оқсоқоллар авлоди	20
Тикланиш давридаги қийинчиликлар	27
Талабалик йилларим: қийинчилик ва қувончлар	37
Мутахассислигим бўйича илк муваффақиятлар	63
Амударё тошқини: сув офатига қарши кураш	75
Фирқадаги зиддиятли ҳолатлар: шахслар, тақдирлар	83
«Чўболончи» қишлоғидаги фаолиятим	92
Тошкентдаги тўрт йиллик таҳсил	110
Раҳбарлик масъулияти: топшириқлар, одамлар, тақдирлар	125
Раислик	212
Оилавий пудрат усули: тажриба ва тушунча	233
Гдлян гуруҳининг иғволари	236
Кострома сафари	242
Амалга ошмаган таклиф	246
Рига сафари	247
Табиий офат: муаммо ва маслаҳат	250
Раислик давримга бир нигоҳ	253
Ҳокимлик масъулияти:	260
Кексалик фасли. Шодлик ва ғам	283
<i>Ҳаёт сабоқлари ёки китобга хотима</i>	299
<i>Оила шажараси (аждодларим, авлодларим)</i>	308

Адабий-бадiiй нашр

АМИНБОЙ ВАПОЕВ
ХОТИРАМДА ЖОНЛАНГАН ЎТМИШ

«ISTIQLOL» — Тошкент — 2013

Муҳаррир

Рассом

Мусахҳиҳ

Саҳифаловчи

Ф. Раззоқова

Ҳ. Ёқубов

Н. Атабоева

С. Пулатова

Лицензия рақами А1 № 217. 03.08.2012 й. Босишга руҳсат этилди
24.06.2013 й. Бичими 60×84^{1/16}. Шартли босма табағи 19,5 + 0,5 б.т. вкл.
Адади 200 нусха. Офсет қоғози. Буюртма № 34.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI», Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-
уй. Тел: 244-94-36, факс 244-51-98. Эл. почта: rojpoligraf71@yahoo.com.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» матбаа бўлимида чоп этилди. Тошкент ш.,
100129, Навоий кўчаси, 30-уй.